

Узб.с.
947
К-49

ҲАМЗА КИЧКИЛОВ
МАВЛУДА ФАЙЗУЛЛАЕВА

ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ

(1945–2010 йиллар)



УЗС. 2

947

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

К-49

ҲАМЗА КИЧКИЛОВ
МАВЛУДА ФАЙЗУЛЛАЕВА

ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ

(1945–2010 йиллар)

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

B 15840

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»

2011

УДК: 94(4/9)(075)

63.3(43)

К48

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 17 сентябрдаги 392- сонли буйруғига асосан тарих факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

Маъсул муҳаррир

тарих фанлари доктори, профессор *А. Маврулов*

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори, профессор *З. Мирзаев;*

тарих фанлари номзоди, профессор *Б. Тилабов;*

тарих фанлари номзоди, доцент *И. Ботиров*

К48

Кичкилов, Ҳамза.

Энг янги тарих (1945–2010 йиллар): ўқув қўлланма/
Ҳ. Кичкилов, М. Файзуллаева; ЎзР Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги. – Т.: “Yangi nashr”, 2011. – 520 б.

Ўқув қўлланма “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талаблари асосида ёзилган бўлиб, Фарб мамлакатлари энг янги тарихининг 1945–2010 йиллардаги воқеаларини қамраб олган. Ўқув қўлланма олий ўқув юртлири тарих факультети талабаларига мўлжалланган.

ВБК: 63.(43) я73

ISBN-978- 9943- 22-006-5

© «YANGI NASHR», 2011

КИРИШ

Мамлакатимизда ёшларни баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги пайтда ёшларга таълим ва тарбия беришнинг комплекс йўллари белгилаб қўйилди. Бу жиҳатдан ижтимоий фанлар, шу жумладан, энг янги тарих фани олдига ҳам катта вазифалар қўйилди. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов 2000 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида: “Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобигига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея “ўзга” давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамомила йироқдир, бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир”, – деган эдилар¹. Шу нуқтаи назардан хулоса қиладиган бўлсак, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, жаҳон давлатлари тараққиёти ва халқаро муносабатларнинг муҳим жиҳатларини ўрганиб олишларида, ўзаро дўстлик ва чег эл меҳнаткашлари билан ҳамкорлик туйғуларини мустаҳкамлаб боришда энг янги тарих фанининг роли ва аҳамияти гоят каттадир.

1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида тайёрланган мазкур ўқув қўлланма 2010 йилда нашр этилган “Энг янги тарих (1918–1945)” дарслигининг давоми бўлиб, Ғарб мамлакатларининг 1945–2010 йиллардаги энг янги тарихига бағишланади. Ўқув қўлланма 1945 йилдан ҳозирги вақтгача бўлган муҳим воқеаларни, хусусан, Ғарбдаги ривожланган мамлакатларнинг иктисодий, сиёсий ва маданий ривожланишини, Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган икки қутбли дунё тарихий тараққиётининг асосий йўналишлари ва ўзаро зиддиятларини, халқларнинг ҳаётида юз берган озодлик кураши жараёнларини, халқаро муносабатларнинг муҳим жиҳатларини, айниқса, жаҳон социализм системаси емирилгандан кейин икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ва қўл қутбли дунё таркиб топиб, халқаро муносабатлар ривожланишининг

¹ Каримов И. А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 106- бет.

йўналишларида юз берган туб ўзгаришларни, шунингдек, партиялар, сипфлар, оқимлар ўртасидаги турли нуқтаи назарлар курашини, уруш ва тинчлик муаммоларини, адолат, озодлик ва социал тараққиёт учун кураш масалаларини турли мамлакатлар мисолида агрофлича ва чукур ўрганеди.

“Энг янги тарих (1918–1945 й. й.)”нинг биринчи қисми 2010 йилда дарслик сифатида нашр қилинганга қадар мамлакатимиз олий ўқув юртлари учун энг янги тарих фанидан ўзбек тилида адабиётларининг бўлмаганлиги жиддий камчилик бўлиб келди. Ҳозир ҳам олий ўқув юртларида бундай дарслик ёки ўқув қўлланмасига эҳтиёж жуда катта. Бу эҳтиёж ва талабни қисман қондириш мақсадида “Энг янги тарих (1945–2010 й. й.)”нинг иккинчи қисмини ўқув қўлланмаси сифатида нашр этиб, талабаларга тақдим этмоқдамиз. Йигирманчи юз йилликда энг янги тарих ва дунё сиёсати ўз бошидан уч босқични ўтказган бўлса, мазкур ўқув қўлланма иккинчи ва учинчи босқич воқеаларини ўз ичига олган. Булар қуйидагилардир: 1945–1990 йилларни ўз ичига олган “совуқ уруш” даври. Бу давр Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин “совуқ уруш”нинг бошланиши билан, бутун дунёда жамиятни инсонпарварлаштириш учун кураш билан, инсон ҳуқуқлари учун мустамлакачиликка барҳам бериш, тоталитар ва мустамлака тузумларни тугатиш учун курашлар билан ҳамда жаҳон социализм системасининг барҳам топиши билан характерланади. Бу давр фақат ташқи жиҳатдан икки буюқ давлат (АҚШ ва ССЖИ) ёки икки тузумнинг (капиталистик ва социалистик) можароси тарзида намойн бўлса-да, аслида, аксилинсоний тузумлар ва тузилмаларни тугатиш учун умумжаҳон кураши эди.

1991 йилдан кейинги янги демократия даври. Бу давр жаҳон социализм системасининг инқирози ва ССЖИнинг парчаланишидан кейин жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнларининг жадаллашиши билан, дунё ҳамжамияти тузилмаларини демократлаштириш билан янги демократик давлатларнинг ташкил топиши ва кўп қутбли дунё сиёсатининг тарих майдонига чиқиши билан характерланади.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган. Ундан колледж ва лицейларнинг, ўрта умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари, ўз билимини муस्ताқил оширувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Ўқув қўлланма, умуман, бу соҳадаги дастлабки урinishлардан бўлиб, ўзбек тилида биринчи бор нашр қилинмоқда. Шу сабабли китоб баъзи бир камчиликлардан ҳам холи бўлмаслиги мумкин. Бянобарин, ўқув қўлланма ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирасиз деган умиддамиз.

Т БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА ЕВРОПА ВА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1- §. Ғоявий қарама-қаршилик ва уч дунёнинг ташкил топиши

XX асрнинг иккинчи ярмида деколонизация (мустамлақачиликка барҳам бериш) жараёнининг ниҳоясига етиши

Бу жараённинг тезлашиб кетишига XX аср жаҳон ҳамжамиятида Осиё ва Африкадаги давлатларнинг кескин фаоллашуви сабаб бўлди. XIX аср охири–XX аср бошларида ноғарбий давлатларнинг аксарияти жаҳон сиёсий жараёнларида пасив иштирокчилар ролини бажариб келган. Урушдан кейинги ўн йилликлар мобайнида евроцентрик дунёга чек қўйилди ва умумжаҳон миқёсида ягона жаҳон ҳамжамияти ташкил топа бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши туфайли жаҳон тарихи жараёнларида кескин ўзгаришлар юзага келди, натижада мустамлақачи империялар таназзулга юз тутиб, қўллаб мустақил давлатлар ташкил топа бошлади. 40- йилларнинг бошларидаёқ Сурия ва Ливаннинг мустақиллиги тан олинди. Олдинроқ эса Миср ва Ироқ мустақиллик тўғрисида Англия билан келишув имзолашди (1930 ва 1936 йиллар), бироқ бу Шартномалардаги баъзи бандлар уларнинг суверенитетини чеклар эди.

Урушдан кейин биринчи бўлиб мустақилликни қўлга киритиш учун Ҳинди-хитой халқлари ҳаракатга келишди. Шуниси характерлики, 30- йилларда Буюк Британия Ҳиндистоннинг Миллатлар Лигасига киришига тўсқинлик қила олмади. Кескинлашиб кетган кураш натижасида 1947 йилда Ҳиндистон ва Покистон мустақил давлатлари ташкил топди. Улардан сўнг Осиё ва Африканинг қолган давлатлари ҳам бирин-кетин ўз мустақилликларига эга бўлишди. Мағриб мамлакатларидан Жазоир, Тунис, Марокаш 50- йилларнинг иккинчи ярмида французлардан; араб князликларни: Аден, Кувайт, Бахрайн ва бошқалар 50–70- йилларда инглизлар зулмидан қутулишди.

Осиё ва Шимолий Африка мамлакатларидан сўнг, Африканинг қолган халқлари ҳам мустақиллик йўлига ўтишди. “Африка йили” деб эълон қилинган 1960 йилнинг ўзидаёқ Англия, Франция, Италия ва Бельгиянинг собиқ мустамлакалари ўрнида 17 та давлат сиёсий мустақилликка эришди. Бу жараён яна давом этди. 1973–1975 йилларда португалларнинг собиқ мустамлака халқлари мустақилликка эришди. 1989 йилда Африкада сақланиб қолган ягона мустамлака – Намибия ҳам суверен давлат мақомини олди.

Натижада мустамлака ва ярим мустамлакалар ўрнида мустақил давлатлар ташкил топди. 1997 йилда Гонгконг бағамом Хитой ихтиёрига ўтган бўлса, 1999 йилнинг 20 декабрида Ғарбнинг охириги мустамлакаси Хитойнинг шарқий қирғоқларида жойлашган португалларнинг миттигина колонияси – Макао ҳам Хитойга қайтариб берилди. Шундай қилиб, Ғарбнинг Осиёдаги 500 йиллик мустамлакачилигига (“де-юре”га) бағамом барҳам берилди.

Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида тан олинган мустақил давлатларнинг сони анча ошди. 1945 йилда БМТнинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги Декларацияни 51 та давлат имзолаган бўлса, ҳозирги вақтда 192 та давлат бу ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзолари ҳисобланди.

Шарқда мустамлакачиликка барҳам берилгач (Япониядан ташқари), сиёсий режага кўра давлатлар уч гуруҳга бўлинди: 1) капиталистик йўлдан тараққий этаётган давлатлар (70–80- йилларда улар орасидан янги индустриал давлатлар (ЯИД) ажралиб чиқди; 2) Европа қитъасидан ташқарида жойлашган социалистик давлатлар бу давлатлар социалистик ҳамдўстликнинг бир қисми бўлса-да, олдиларида турган вазифалар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра учинчи дунё давлатлари ҳисобланар эди; 3) социализмга ўтиш йўлидан бораётган давлатлар.

60–70- йиллар мобайлида социализмга ўтиш йўлидан бораётган давлатларда инқилобий-демократик партиялар етакчилигини ўз қўлларига олишди. Бу партиялар социалистик характердаги чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни кўзда тутган дастурларга эга эдилар. Социализмнинг исломий, африкача, ҳиндча шарқий-миллий вариантлари ишлаб чиқилди. Бу давлатлар, асосан, СССР ва Европадаги социалистик давлатларнинг моддий, сиёсий ва маънавий кўмакларига кўз тикар эдилар. Шу билан бирга, гоҳида бу давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам кўзга ташланиб қолар эди бу салбий омиллар социалистик тараққиёт йўлини ташлаган барча давлатлар-

да мавжуд бўлиб, булар қуйидагилар эди: иқтисодийнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилиши ва давлат назоратининг кучлилиги. Бу омил меҳнаткашларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигига тўсқинлик қиларди) шахсга сиғиниш; бошқарувда маъмурий-бўйрукбозлик усуллариининг эскирганлиги; ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш стимуллариининг йўқлиги ва ҳоказо.

Уч дунёнинг ташкил топиши

XX асрнинг ўрталарига келганда жаҳон ҳамжамияти иқтисодий тараққиёти, турмуш тарзи ва дунёкарашига кўра бир-биридан тубдан фарқ қиладиган уч дунёга ажралди. Биринчи гуруҳга ривожланган ва ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бораётган Европа, Шимолий Америка, Япония ва иқтисодий тараққиётда жиддий ютуқларга эришган Осиёнинг айрим давлатларини киритиш мумкин. Бу давлатлар капиталистик тараққиётнинг биринчи эшелонини ташкил этиб, “марказ” ҳисобланган. Бу гуруҳ давлатларининг биринчи дунё деб аталишига, асосан, иккита сабабни кўрсатиш мумкин: биринчидан, бу гуруҳ янги даврдаёқ ташкил толган ва СССР давлатининг пайдо бўлишига қадар жаҳон ҳамжамиятида ҳукмрон мавқени эгаллаган эди. СССР 1917 йил инқилобидан сўнг жаҳон сиёсий харитасида пайдо бўлган бўлса-да, иккинчи гуруҳнинг юзага келишига Иккинчи жаҳон урушининг натижалари тамал тошини қўйди. СССР урушда гитлерчилар Германиясини тор-мор этишда ўзининг буюк ҳиссасини қўшди. Бу урушдан ғолиб ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан қудратли давлат сифатида чиқди. 20–30- йилларда капиталистик дунё учун Совет Иттифоқи фақатгина ғоявий хавф тугдирган бўлса, кейинчалик жиддий ҳарбий хавф ҳам тугдира бошлаган эди.

Иккинчи жаҳон уруши натижаларига кўра, Шарқий Европа давлатлари фашизм зулмидан озод бўлди. Польша, Венгрия, Руминия, Чехословакия, Албания, Болгария ва Югославия социалистик ривожланиш йўлига ўтди. Урушдан кейинги даврдаги халқаро муносабатларни изга солиш учун олиб борилган музокараларда Шарқий Европа худуди СССР таъсир доирасида қолди. Бу худудларда қаттиқ назорат ўрнатилиши Шарқий Европа давлатларининг келажақдаги тақдирини белгилаб берди. Натижада урушдан кейинги ўн йилликларда бу давлатларнинг барчасида коммунистик ва ишчи партиялари ғалаба қозонди.

Айрим Осиё давлатлари ҳам Шарқий Европа давлатлари изидан боришди. 1949 йилда Хитойда халқ демократик инқилоби рўй бе-

риши туфайли Хитой Халқ Республикаси ташкил топди. Бундан ташқари, Корея Халқ Демократик Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Лаос Халқ Демократик Республикаси ва Кампучия Халқ Республикалари ҳам ташкил топди. 60- йилларнинг бошларига келиб Кубада 1959 йили давлат тепасига келган Ф. Кастро бошчилигидаги ҳукумат ҳам социалистик ривожланиш йўлини танлаганлиги ҳақида Баёнот берди. Жаҳонда СССР бошчилигида социалистик тизим юзага келди ва социалистик, халқ демократик ривожланиш йўлини танлаган барча давлатлар социалистик лагерга тўпланди.

Шу билан бир қаторда, мустамлакачи империяларнинг таназзулга юз тутиши оқибатида, жаҳон саҳнасига ижтимоий-иқтисодий ва, асосан, гоаявий-сиёсий кўрсаткичлари жиҳатидан кескин фарқ қиладиган янги мустақил давлатлар гуруҳи ўсиб чиқди. Улар Латин Америкаси давлатлари билан биргаликда ўзига хос гуруҳни ташкил этар эдилар. Бу гуруҳдаги давлатларни бирлаштириб турадиган аломатлар куйидагиларда кўринар эди: иқтисодиётнинг қолоклиги; ижтимоий-синфий структуранинг заифлиги; кишлоқ хўжалигининг саноат ишлаб чиқаришидан устунлиги; миллий тadbиркорликнинг суёт ривожланиши; кенг масштабларда анаънавий патриархал, қабилавий, уруг-аймоқчилик элементларининг сақланиб қолганлиги. Бу гуруҳ учинчи дунё давлатлари деб номланди.

Учинчи дунё давлатлари сиёсий мустақилликни қўлга кiritгач, ўз олдиларига иқтисодий мустақилликка эришишни мақсад қилиб кўйишди. Бу вазифани бажариш учун, биринчи галда, халқ хўжалигини ривожлантириш лозим эди. Бу давлатлар иқтисодий жиҳатдан таракқий этган ҳолдагина, том маънода сиёсий мустақилликка эриша олар эдилар.

Иқтисодий ва молиявий кўмак топиш учун учинчи гуруҳ давлатлари орасида ўзига хос рақобат бошланди. Улар бундай кўмакни Фарб ва социалистик ҳамдўстлик давлатларидан, биринчи галда, СССРдан олишга ҳаракат қила бошладилар. Биринчи ва иккинчи гуруҳ давлатлари ўртасида эса учинчи гуруҳ давлатларини ўз таъсир доираларига тортиш учун гоаявий ва сиёсий кураш кетди. Бу тортишувлар баъзан локал ва минтақавий урушларни келтириб чиқарар эди. Бундай минтақавий урушлар 60- йилларнинг илдинчи ярми ва 70- йилларнинг бошларида Жануби-Шарқий Осиёда, 70–80- йилларда Анголада рўй берди.

70- йилларнинг охири–80- йилларнинг бошларига қадар бу рақобатда биринчи гуруҳ давлатлари устунликни ўз қўлларига

олишти. Биринчи гуруҳга мансуб индустриал тараққий этган давлатлар замонавий дунёнинг 1/4 қисмини ташкил қилар эди. Социалистик лагерга тегишли давлатлар сони 26 та бўлиб, 1986 йилда бу давлатлардаги аҳоли 1,7 млрдга яқин эди. Бу кўрсаткич Ер шаридаги аҳолининг 37% ини ташкил қилар эди. Дунёнинг қолган қисми учинчи гуруҳ давлатларига тегишли эди.

Геосиёсат фанидаги муҳим тушунчалардан бири – геосиёсий омил давлатнинг макон ва замон билан боғлиқ ҳолати ва имкониятларини ифода қилади. Геосиёсий омил маконнинг жуғрофий ҳолати, ер ости ва усти бойликлари, демография, аҳолининг интеллектуал салоҳияти, инсон географияси, информацион, технологик имкониятлари ва ҳокимиятнинг сиёсий табиатини қамраб олади. Бундай макон ва замон омиллари давлатнинг ташқи сиёсатида, геосиёсий мавқеида ва, аксинча, маълум бир ҳудуднинг геосиёсий объектга айланишида асосий ўрин тутати. Дейлик, Марказий Осиёнинг табиий бойликлари унинг таркибига кирувчи давлатларнинг геосиёсий салоҳиятини белгилаши билан бирга, ушбу минтақага нисбатан кўшни давлатлар ва трансмиллий корпорацияларнинг қизиқишини оширади.

Геосиёсий омил иқтимоий тараққиётда давлатчиликнинг илк куртаклари шаклланган даврданок заруратга айланган. Кишилиқ тарихининг ҳеч бир даври манфаатсиз кечмаган. Энг ибтидоий одамларда ҳам яшаш учун ҳудудга нисбатан манфаатли ёндашув белгилари мишжуд бўлган. Бу жараён, яъни маконга манфаат нуқтаи назардан муносабат илк шаҳар-давлатларнинг вужудга келиши билан сиёсий тусга эга бўла борди. Шу вақтданок геосиёсий омил давлатларнинг сиёсий мавқеи ва таъсирини ўз ҳудудида саклаб туриш ва ён кўшнилари билан ташқи сиёсатда зарурий омилга айланди. Гарчи “геосиёсат” тушунча ва омил сифатида XIX асрдан эътироф этила бошланган бўлса-да, унинг моҳияти, негизи анча қадимийроқдир. Чунотки, зардуштийликда тупроқ ва сувнинг улуғланиши, туркларнинг тупроққа “миллатнинг илдизи” сифатида қараши маконга муносабат ва геосиёсий омилнинг заруратини англаб етиш тарихини анча олисдан бошлаш зарурлигини билдиради.

Геосиёсий омил давлатнинг мавжуд ҳолатини ифодалайди. Яъни ҳар бир давлатни “тирик организм” деб баҳолаймизми, Ибн Холдун таъбири билан айтганда, “туғилувчи, ривожланувчи ва ўлувчи” жараён деб биламизми ёки жамиятни бошқарувчи “сиёсий ташкилот” дея атаймизми, барибир, давлат сифатида мавжуд экан, у яшаб турган замонда ўзига хос геосиёсий ходисадир. Унинг куч-

кудрати худуди, аҳолиси, демографик ҳолати, ер ости ва ер усти бойликлари, аҳолининг илмий ва меҳнат салоҳияти, мамлакатнинг замонавий технологияларни ўзлаштирганлик даражаси ҳамда сиёсий ҳокимиятнинг мустақкам механизмига боғлиқ.

Геосиёсий омил давлатларнинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. Ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсий стратегиясида унинг эътиборга олинадиган зарурий омил сифатида намоён бўлиш хусусияти шундаки, давлат ташқи сиёсатда ички салоҳиятидан келиб чиқиб, бошқа давлатларнинг худуди, аҳолиси, иқтисодий, маданий, ҳарбий имкониятларини ҳисобга олади ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқишда ҳар бир давлатнинг жугрофий-сиёсий ҳолатига эътибор қаратади ва шундан миқдорий манфаат моҳияти ва қўламини аниқлаш, ўз томони учун фойдали келишувларни қўлга киритишга киришади. Бу манфаат давлатнинг савдо-иқтисодий, маданий юксалишига хизмат қилиши, хавфсизлик ва барқарорликка эришиш учун аҳамиятли битимлар тузиши ва муайян иттифоқларга бирлашишни такозо этади. Шу боис исталган давлатнинг ташқи сиёсий стратегиясида геосиёсий омил унинг, биринчидан, суверенитетини ва ўз имкониятларига таянган ҳолда мавқеини намоён қилишида, ташқи сиёсатда ҳам ўзига ҳослигини ифода этишида кўринади.

Иккинчидан, ташқи сиёсат давлатнинг мавжудлигини сақлаш, ривожланишини таъминлаш, геосиёсий омил сифатидаги ўрини мустақкамлашга қаратилади. Бу жараёнда географик жиҳатдан қулай ёки ноқулай ҳудудда жойлашганлиги туфайли маълум геостратегик салоҳиятга эга бўлган давлат халқаро муносабатларда субъект сифатида намоён бўлишга ҳаракат қилади. Дейлик, мамлакатда ер ости ва усти бойликлари, қимматбаҳо металллар кўп, шунга монанд уни ишлаб чиқарувчи технологиялар керак. Бунда маълум жугрофий-сиёсий ҳудуддаги технологик янгиликларни ўзлаштириш муҳим вазифага айланади. Агарда шундай иқтисодий имкониятлар ва ишлаб чиқариш юқори суръатда бўлганда ҳам, ташқи сиёсатда фойдали бозорлар изланади. Ёки ҳар бир давлат нафақат иқтисодий, балки маданий заифликни ўз имконияти билан бирга иккинчи бир ривожланган жугрофий-сиёсий ҳудуддан тўлдирари. Яъни иқтисодий ва маданий интеграция давлат салоҳиятининг ошишига хизмат қилади.

Кўринадикки, икки ҳолатда ҳам геосиёсий омил ташқи сиёсатда муҳим. Ҳар қандай вазиятда давлат дипломатияга эҳтиёж сезиб, бошқа мамлакат ва тузилмалар билан икки томон учун ҳам манфаатли келишувларни имзолашга ҳаракат қилади. Бу давлат учун муҳим геосиёсий омилдир.

Учинчидан, ташки сиёсатда геосиёсий омилнинг ҳисобга олиниши хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун ҳам зарурдир. Халқаро муносабатларда тараккийпарвар алоқалар билан ёндош тарзда вайронкор мақсадларни кўзловчи турли сиёсий мақсадлар ва таҳдидлар мавжуд. Бошқача айтганда, давлат ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун ташки таҳдидларни олдиндан кўра билиши, олдини олиши ва бартараф этиши лозим, Империявий мақсадлар, геомафкуравий қурашлар, геосиёсий интилишлар, терророрпестик ва экстремистик хуружлар, геонктисодий ва геомаданий хатти-харакатлар, таҳдид солиши мумкин бўлган блоклар ва иттифоқлар, оммавий маданият ёки миссионерлик таҳдидлари, муайян геосиёсий мақсадларга йўналтирилган психологик, технологик ва ахборот урушлари жараёни ҳам борки, булар давлатларнинг ташки сиёсатида вайронкор омиллар сифатида ҳисобга олинмаслиги мумкин эмас.

Боиси бугунги дунёнинг сиёсий тартиботи мураккаб тус олаётган бир вақтда, хавфсизликнинг яхлит ва бўлинмас хусусияти яққолроқ сезилмоқда. Миллий, минтақавий ва глобал муаммоларнинг ўзаро шлоқадорликда кечиш суръати анча юқори. Биргина хавфсизликка жиддий таҳдидга айланган террорчиликнинг бир нечта кўринишларда (хайджекинг, скайджекинг, биотерроризм, интертерроризм, ахборот терроризми ва ҳоказо) инсониятга солаётган хавфи XXI асрда ҳам ҳаёт беқарор давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Бундан ҳеч бир давлат тўлиқ ҳимоялана олмаган. Бу мудҳиш кулфатнинг олдини олиш, бартараф этиш учун давлатларнинг катъий ҳамкорлиги заруратга айланмоқда. Ёки диний экстремизмнинг йирик террорчилик ташкилотлари томонидан катта маблағлар эвазига амалга оширилаётгани аҳолиси ислом динига эътиқод қилувчи давлатларни сергакликка чақирмоқда.

Тўртинчидан, ташки сиёсий стратегияда геосиёсий омилни ҳисобга олиш янгича дунёнинг тартиботида ҳар бир давлатни ўз ўрнини топишга ундайди. Негаки янги шаклланаётган жаҳон сиёсий тартиботи давлатлар олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўяди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов вужудга келган янги – ғоят мураккаб ва қалғис даврнинг белгиларига қуйидагича таъриф беради:

Биринчи, давлатлараро муносабатлар тизимидаги мувозанат бузилди. Жаҳонда сиёсий-иқтисодий бўлиниш рўй берди. Қучлар маркази илгари икки жойда бўлса, эндиликда бундай аҳвол ва вазият ўзгарди.

Иккинчи, жаҳонда мулкий тенгсизлик – саноати ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги та-

фовут ва зиддиятлар кучаймоқда. Бу ҳолат жаҳон ресурсларини тақсимлашда яққол кўринади. Яъни табиат ресурслари, аслида, ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланса ҳам, саноати юксак ривожланган мамлакатлар бу бойликларни назорат қилишни ўз қўлларига олишга уринмоқдалар. Бундан ташқари, илмий ва техникавий билимлар, илғор технологиялар соҳасида, эркин сармоияни тўплаш ва жойлаштириш соҳасида ҳам жуда катта тафовутлар мавжуд.

Учитчи, дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашига бевосита хавф-хатар бор. Экологик ва биогенетик бузилишлар хавфи ҳамон сақланиб қолмоқда.

Тўртинчи, жаҳон миқёсидаги умумий таракқиёт, одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилишни кучайтирмоқда. Айни вақтда, миллий хусусиятлар ва анъаналарни, сиёсий ва маънавий меросни сақлаб қолиш тамойиллари ҳам яққол сезилмоқда.

Бешинчи, бугунги дунёда ҳар қандай мамлакатнинг нуфузи, аввало, унинг энг яхши технологияларни қабул қилиш ва фойдаланиш қобилиятига қараб белгиланади.

Ана шундай шароитда янги ва ривожланаётган давлатлар томонидан ички ресурслар ҳамда ташқи имкониятлардан унумли фойдаланиш, реал геосиёсий омиллардан келиб чиқиб, истиқболли ташқи сиёсий стратегияни амалга ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлашмоқда.

Ҳозирги кунда бутун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари жамият ҳаёти ва халқаро муносабатларнинг иктисодий, ижтимоий, маданий томонларини камраб олиши баробарида, сиёсий жиҳатдан чуқур интеграция ва трансформацияга ҳам олиб келмоқда. Бунда ўртага қўйилаётган асосий масалалардан бири миллий давлатчилик суверенитети бўлиб, сиёсативунос олимлар томонидан унинг тобора емирилиб бораётганлиги, миллий давлатчилик функцияларининг халқаро муносабатларнинг янги субъектлари бўлмиш трансмиллий корпорациялар (ТМК), трансмиллий банклар (ТМБ), халқаро ноҳукумат ташкилотлари ва бошқаларга аста-секин ўтиб бораётганлиги таъкидлаб келинмоқда. Мазкур масалалар бўйича билдирилаётган турли-туман фикрлар орасида миллий давлатчилик суверенитети келажақда ҳам халқаро муносабатларнинг етакчи омил сифатида сақланиб қоладими ёки сиёсий глобаллашув оқибатида

“дунёвий ҳокимият”, “глобал бошқарув” кабилар унинг ўрнини эгаллайдими, деган масалага асосий ўрин ажратилмоқда.

Маълумки, давлат суверенитети мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, ўз ҳудудининг дахлсизлигини таъминлаш, қонунарни қабул қилиш, уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш, суд ҳокимиятини амалга ошириш, мансабдор шахсларни тайинлаш, мустақил валютага эга бўлиш кабиларни тақозо қилади. Давлат суверенитети ҳақидаги гоа кейинги даврларда янада ривожлантирилди ва мазмунан бойитилди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва кўпиаб мамлакатларнинг конституциясида ўз аксини топди. БМТ Низомининг 2- моддасида: “Ташкилот ўзининг барча аъзоларининг суверен тенглиги принципига асосланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирон-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тиядилар”, – деб эътироф этилган.

Бугунги кунга келиб, сиёсий соҳада давом этаётган глобallasушв жараёнлари суверен миллий давлатларнинг бир қатор функциялари қисқаришига ёки халқаро муносабатларда уларнинг ўрнини босадиган янги институтларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Хусусан, трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банклар томонидан амалга оширилаётган операциялар давлатларнинг иктисодий соҳадаги ролининг тобора пасайишига сабаб бўлмоқда. Айнан улар миллий, минтақавий ва жаҳон бозорларини бирлаштириш бўйича глобал стратегияни амалга ошириш орқали умумжаҳон хўжалик алоқаларининг ривожиди асосий ўрин тутмоқда.

Айни пайтда, жаҳонда 40 мингдан зиёд ТМКлар фаолият кўрсатади. Улар тахминан 250 минг хориж корхоналарига эга. Трансмиллий корпорацияларнинг асосий қисми АҚШ, Европа Иттифоқи ва Японияда ташкил топган. Трансмиллий корпорациялар дунё саноат маҳсулотларининг 40% ини, халқаро савдо ҳажмининг тенг ярмини ишлаб чиқаради. Умумий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмида ТМК корхоналари улуши ҳар йили 1 трлндолларга тенг.

Энг бақувват саналган 500 та ТМКлар хориж инвестицияси улушининг 3/4 қисмига эгаллик қилади. Бу гигант ТМКлар дунёдаги мавжуд электроника ва кимё маҳсулотларининг 4/5 қисмини, фармацевтика маҳсулотларининг 9/10, машинасозлик маҳсулотларининг 8/10 қисмини ишлаб чиқаради. 2004 йил маълумотларига қараганда, дунё

хўжалигида 600 тадан ортик ТМКлар ҳукмронлик қилган. Уларнинг 300 таси дунё ялли маҳсулотининг 3/4 қисмини ишлаб чиқарган ва ўз маҳсулотлари ва хизматлари турини кескин кўпайтирган.

ТМКлар ўзак компанияларининг 80 фоизидан зиёди саноати ривожланган давлатларнинг ҳудудида жойлашган бўлиб, улар дунёдаги барча хусусий секторга тегишли инвестицияларнинг 90% дан кўпроқ улушини назорат қиладилар. Шундай қилиб, у ёки бу давлатга нисбатан сиёсий босим ўтказишда ТМКларнинг моливий-иктисодий куч-қудрати асосий воситага айланмоқда.

Халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари, турли хил минтақавий уюшмаларининг фаолияти халқаро миқёсда қабул қилинаётган қарорларнинг натижасини белгилаб бермоқда. Бу нарса ташки сиёсат соҳасидаги миллий давлатчилик функцияларини маълум даражада чеклаб қўймоқда, уларнинг мустақил ташки сиёсат юритиш майдонини тобора қисқартирмоқда. Тўғри, халқаро ташкилотлар илгари ҳам халқаро сиёсатда муҳим ўрин тутиб келган. Бироқ бугунги кунда Халқаро валюта фонди (ХВФ), Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ), Жаҳон Банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) каби нуфузли ташкилотларнинг фаолияти ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Жумладан, жаҳон савдосининг 4/5 қисми Бутунжаҳон савдо ташкилоти томонидан назорат қилинади, жаҳон савдоси қоидалари ушбу ташкилот томонидан бошқариб турилади.

Шу билан бирга, тобора ривожланиб бораётган глобал ОАВ ва электрон тармоқлари исгалган давлат тўғрисида ижтимоий фикрнинг шаклланишига, ўзига хос “ахлоқий стандартлар”нинг юзага келишига, бу орқали миллий давлатлар сиёсатига муайян таъсир ўтказишга олиб келмоқда.

Дунёнинг турли минтақалари ва ҳудудларида фаолият кўрсатаётган ва, шунингдек, қатта сармояларга эга сиёсийлашган куч марказлари таъсиридаги замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари айрим минтақа ва мамлакатларни онгли равишда “нишонга олиб”, мавжуд сиёсий режим билан фуқаролар орасига нифоқ солиш, шу йўл орқали мавжуд қонуний ҳукуматини заифлаштириш ва, иложи бўлса, бартараф этиш амалиётини авжига чиқаришмоқда. БМТ ва ЮНЕСКО ҳозирги замонда дунёдаги ахборот оқимлари ўртасидаги жиддий номувофикликка қайта-қайта эътибор қаратмоқда. Буни моддий таъминланганлик борасида ҳам, мазмунда ҳам кузатиш мумкин. Бугун Жануб давлатларида компьютерларнинг атиги 4% и мавжуд, телефонларнинг 75% и эса дунёнинг

энг бой тўққиз давлатида жамланган. 39 та ривожланаётган давлатларда битта ҳам кундалик газета йўқ, яна 30 тасида фақат биттадан нашр бор. Шу пайтнинг ўзида Японияда 125 та, АҚШда 1687 та кундалик газета нашр этилади.

Давлатлар ўртасидаги анъанавий рақобатга асосланган муносабатлар тизимида эндиликда ахборот рақобати ҳам пайдо бўлди. Глобал ахборот маконида ҳокимиятни қўлга киритиш муҳим аҳамият касб эта бошлади. Нагигада ахборот орқали бевосита ва билвосита инсон онги, хулқ-атвори ҳамда фаолиятига таъсир этиб, унинг устидан мафкуравий ва, керак бўлса, сиёсий назорат ўрнатиш имконияти вужудга келди, глобал ахборот макони йирик давлатлар ва кучлар учун геостратегик интилишлар майдонига айланди.

Хуллас, давлатлар суверенитетига зиён етказаятган бундай хавф-хатарларнинг таъсирини камайтириш, миллий давлатчилик суверенитети манфаатлари устуңлигига эришиш йўллариини излаш бундан буён энг муҳим муаммолардан бирн сифатида сақланиб қолади.

2- §. Сиёсий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари

Социал-демократия – демократик ислохотларнинг ташаббускори. Либерализм ва консерватизм

Урушдан кейинги даврдаги ўн йилликларда ҳозирги дунёнинг ривожланган қисми ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳукуматларнинг роли янада кучайди ва жамият ҳаётининг муҳим жабҳаларида фаолликларни ошди. Бунга сабаб, етакчи ижтимоий-сиёсий кучларнинг у ёки бу шаклда турмуш даражасини ошириш ва кейнсанслик (буржуазиянинг капиталистик халқ хўжалигини давлат монополистик усулида тартибга солиш назарияси) принципларининг қабул қилиниши бўлди.

Ғарбий Европадаги ижтимоий ислохотларнинг бош ташаббускори социал-демократия эди. Бир қатор давлатларда социал-демократик партиялар ҳокимият тепасига чиқишгач ёки Парламентларда жиддий сиёсий кучларга айлангач, уларни қўллаб-қувватловчи касаба уюшмалари билан биргаликда бир қатор ислохотларнинг ташаббускорларига айланишди. Бу ислохотларга бир қатор иқтисодий соҳаларнинг миллийлаштирилиши, ҳукуматнинг ижтимоий дастурларни кенгайтириши, иш вақтининг қисқартирилиши ва ҳоказоларни мисол

килиб келтириш мумкин. Шу ислохотлар иқтисодий тараққиётнинг юксалишига мустақкам пойдевор яратди. Мамлакатда халқнинг турмуш даражасини кўтариш ва ҳукуматнинг иқтисодий куч-қудратини ошириш тенденциясини мустақкамлашда социал-демократиянинг хизматлари катта бўлди. Бу тадбирларсиз замонавий индустриал ривожланган дунёнинг ижтимоий-сиёсий тизимини тасаввур этиб бўлмас эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Германияда фашизм ва СССРда большевизм тажрибаларидан хулоса чиқарган ҳолда, Европадаги социал-демократия реал сиёсатда марксизмдан алоқасини бутунлай узди ва ҳукуқий давлатнинг ижобий томонларини тан олди. 1951 йилда Социалистик интернационал ўзининг Франкфурт Дек-ларацияси номли принциплар дастурини қабул қилди. Унда демократик социализмнинг асосий принциплари баён қилиб берилган эди. Австрия Социалистик партиясининг 1958 йилда қабул қилган Вена дастури ва Германия Социал-демократик партиясининг 1959 йилда қабул қилган Годесберг дастурида биринчи марта пролетариат диктатураси, синфлар ўртасидаги кураш, хусусий мулкни йўқ қилиш, ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш ва хоказоларга ўхшаган қондалар қатъий рад этилди. Кейинчалик социал-демократиянинг бошқа миллий отрядлари шу йўлдан боришди (аммо бу осонлик билан бўлгани йўқ. Кимдир олдин, кимдир кейин, яна кимлардир 80- йилларда бу йўлнинг афзалроқ эканлигини тан олди).

Дунёнинг 42 та социал-демократик ва социалистик партияларини бирлаштирган Социалистик интернационал жаҳон тараққиётида ижобий омиллардан бири бўлди. Европа социал-демократияси Фарб билан Шарқ ўртасидаги кескинликни юмшатишга, Хельсинки жараёнининг ижобий боришига, бошқа муҳим жараёнларга ва, умуман, кейинги ўн йилликларда халқаро ахволнинг яхшиланишига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келишди. Бунда В. Бранд, У. Пальме, Б. Крайский, Ф. Миттеран ва бошқаларнинг ҳиссалари бекиёс бўлди. Улар XX аср социал-демократиясининг кўзга кўринган намоёндалари эдилар.

Бир қатор сабабларга кўра, Фарбий Европа давлатларининг либерал партиялари сўнгги қаторларга суриб ташланди. Аммо АҚШда ижтимоий ислохотларни амалга оширишда демократик партия етакчилиқни ўз қўлига олди. Бу партия Ф. Д. Рузвельтнинг “янги йўналиш” давридаёқ либерализм ва социал-реформизмнинг илғор ғояларидан ҳам унумли фойдалана бошлади.

Консерватив социал-иқтисодий кучларнинг каттагина қисми ҳам ижтимоий ислохотларнинг зарурлигини тушуниб ета бошлаган эди. Шуниси диққатга сазоворки, консерватив партиялар уруздан кейинги даврда ҳокимият тепасида бўлганларида ҳам, маълум бир ўзгаришлар билан бўлса-да, илгари сурилган йўналишни сақлаб қолишга ҳаракат қилишар эди. Айрим ҳолларда эса ҳатто ижтимоий кўмак ва ҳукуматнинг ижтимоий дастурларини кенгайтиришга ҳам ҳаракат қилар эдилар.

Бошқача айтганда, инқилобий силкинишларга қарши бўлган кўпгина сиёсий оқимлар, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва турмуш тарзининг яхшиланиши каби масалаларда фикрлар якдиллигига эга бўлишди. Шуниси диққатга сазоворки, 40- йилларнинг охиридан 60- йилларгача кўпгина Ғарб давлатларида ҳукуматнинг ижтимоий ислохотларга аралашуви принциплари масалаларида мўътадил консерваторлар, либераллар ва социал-демократлар орасида ўзига хос келишув (консенсус) юзага келди. Умуман олганда, бу даврда социал-реформизм ва ҳукумат аралашувининг кейинсинос принциплари масалалари ўзининг чўққисига чиқди.

Фаровон ҳукумат: дастлабки қадамлар ва асосий институтларнинг ташкил этилиши

Аралаш иқтисодиёт тўлиқ шаклланиб бўлди. Бу иқтисодиёт органик жиҳатдан турли хил иқтисодий фаолият ва мулкый шакллар (хусусий, жамоавий, давлат)нинг келишувидан келиб чиқди. Социал-реформистик ва социал-демократик ҳукуматларнинг давлат тепасида турган вақтларида айрим йирик корхоналарнинг ва саноат тармоқларининг тўлиқ миллийлаштирилиши (масалан, кўмир, темир, йўл транспорти) натижасида бирмунча йирик давлат секторлари юзага келди. Шундай қилиб, илгор Ғарбий Европа давлатларида бу сектор саноатнинг 20–25% ини ташкил этди. Аралаш иқтисодиёт давлатнинг планли режалаштириши ва назорати, хусусий тадбиркорлик ташаббускорлигини ўзида жамлаб олди.

Иқтисодий соҳадаги ютуқлар фаровон ҳукуматнинг механизмлари ва асосий институтларининг шаклланишига имконият яратиб берди. Бу дастурларда кам таъминланган аҳоли қатламига ижтимоий ёрдам бериш, янги ишчи ўринларини яратиш, нафақа таъминоти, соғлиқни сақлаш ва маорифни қўллаб-қувватлаш каби масалалар марказий ўринларни эгалларди. Капитал ва меҳнат ўртасидаги муносабатларда ҳукумат аралашуви муҳим аҳамият касб этар эди.

Давлат органлари тадбиркорлар ва касаба уюшмалари ўртасида чиқадиган низоларга барҳам бериш ва ўзаро муросага келишларида ҳакамлик ролини бажара бошлади. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида давлат органлари жамоавий шартномаларнинг имзоланишига ўз хиссаларини кўшар эди. Давлат соғлиқни сақлаш, маориф, илм-фан ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига фаол кўмак бериб келган эди. Шу билан, барча фуқароларга тенг имкониятлар ва ижтимоий кафолатлар яратиб бериш кўзда тутилган эди. Давлат сиёсати кенг аҳоли қатламининг турмуш даражасини жамиятда тўла таъминланган қатламлар даражасига етказишга қаратилган эди. Бу ҳолатни нафақа таъминоти, бепул мактаб таълими, болалар учун оилаларга бериладиган нафақа, ишсизлик ва меҳнатга лаёқатсизлиги учун тўланадиган нафақаларда кўриш мумкин эди.

Бу принципларнинг тўлиқ бажарилганлигини социализмнинг скандинавча ёки шведча моделини қабул қилган Дания, Норвегия ва Швеция давлатларида кўриш мумкин. Бу моделнинг характерли белгиларига жуда қисқа вақт мобайнида юқори самарали иқтисодиётга эга бўлиш, барча меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, қашшоқликни тугатиш, дунёда энг ривожланган ижтимоий таъминот тизимини ташкил этиш, саводхонлик ва маданиятда юксак даражаларга эришиш мақсадлари туради. Баъзан бу моделни “функционал социализм” деб ҳам аташарди. Чунки бу моделда демократик давлат ижтимоий адолатни юзага келтириш учун миллий даромадни қайта тақсимлаш вазифасини амалга оширди.

Ижтимоий қарама-қаршиликнинг юмшаш сабаблари. **Мавжуд муаммолар**

Кўришиб турибдики, СССР ва бошқа социалистик давлатларнинг коммунистлари ва раҳбарлари томонидан назарияда илгари сурилган кўпгина принциплар Ғарбий Европа, Шимолий Америка давлатларида бевосита амалга оширилган. Шундай сиёсат бир қатор муҳим иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий характердаги муаммоларни ечишда катта роль ўйнади. Иш ўринлари, уй-жой қурилиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоларини назорат қилиш, ишсизларга нафақа тайинлаш, қариллик ва меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли тайинланадиган нафақалар жорий этиш ва бошқа муаммоларга барҳам беришда ҳукуматдан фойдаланиш йўли саноати ривожланган Ғарб давлатларининг ҳуқуқрон доиралари олдидаги ижтимоий муаммоларнинг камайишига олиб келди.

Бу фактни баҳолаётганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бой ва камбағал синфларга бўлинишни ҳозирги жамиятда ўзгармас бир ҳолат деб қарамаслик керак, чунки бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик паст табақадан чиққан кишиларнинг ҳам бой табақага айланишига йўл қўяди. Ёки, аксинча, бой қатлам вакилини паст табақадаги ёлланма ишчи кучига айлантириб қўйиши мумкин. Бу нарсалар тадбиркорлик қобилияти, билим ва омадга ҳам боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, турли хил вазиятлар туфайли ҳокимият тепасида турган фракция ёки партия ўз ўрнини бошқа сиёсий кучга бўшатиб бериши мумкин. Шундай муносабатларга доир кескин ўзгаришлар 70–90- йилларда бўлиб ўтди.

Лекин, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, капитализм жамиятда мавжуд бўлган, бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг барчасини еча олган эмас. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ғарбга шундай қудратли кучларни уйғотиш насиб бўлдики, бу маълум вақтга бўлса ҳам инқирозкини енгиш ва ҳаттоки урушдан кейинги даврда ижтимоий ва технологик тараққиётда жадал ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Аммо на нацизмнинг мағлубияти ва на коммунизмнинг сароб эканлиги ҳам ғарбий тизим ва ғарбий ҳаёт тарзининг мукамаллигига исбот бўлолмайди. Бундан ташқари, Европа маданий жамиятининг Вице-Президенти А. Леви: “Тарих бизга бир неча маротаба замонавий демократия ва замонавий капитализм қарама-қаршиликлари ва инқирозлари коммунистик системанинг ғалаба қозонишига имкониятлар яратиб бергани”, – деб таъкидлаб ўтди.

Ғарбдаги моддий ҳаёт даражаси қанчалик юқори бўлмасин, инқироздан ҳеч ким қафолатланмаганлиги тўғрисидаги масала кун тартибидан олиб ташланмаган. Кенг масштабли ижтимоий дастурлар амалга оширилаётган бўлса-да, ижтимоий тенгсизлик муаммоси кўпгина мамлакатларда сақланиб қолди, айрим ҳолларда эса бўзидият янада чигаллашиб кетди. Ижтимоий хотиржамлик ва стабиллик катта йўқотишлар ҳисобига амалга оширилмоқда. Баъзи давлатларда чуқур ижтимоий зиддиятлар иш ташлашлар, стачкалар, намойишлар кўринишида бўлиб ўтмоқда. Бу ҳолатни урушдан кейинги дастлабки ўн йилликлардан то 70- йилларнинг охирига қадар иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларнинг сиёсий ҳаётида ишчи ва коммунистик ҳаракатларнинг актив фаолиятларидан ҳам билса бўлади. Бу давлатларнинг ҳукмрон доиралари томонидан 50–60- йилларда ижтимоий қонунлар, миллийлаштириш, ҳукуматнинг назорат қилиш функцияларини кучайтириш учун

қабул қилинган қарорларида ишчи ва коммунистик ҳаракатларнинг ҳам бекиёс ҳиссаси бор. Кейинги воқеалар шуни кўрсатиб турибдики, амалга оширилган тадбирлар етарли бўлмаган экан. Бу давлатларнинг кенг халқ оммаси орасида ҳукумат фаолиятдан норозилар ҳали ҳам топилади. Бундан ташқари, инкироз шароитида сўл ғояларнинг ва СССР бошчилигидаги коммунистик тузумнинг таъназулга юз тутиши оқибатида, 80–90- йилларга келиб коммунистик ҳаракат жиддий сиёсий куч сифатида барҳам топди. Иккинчи гуруҳ давлатлари томонидан илгари сурилган ғоялар жаҳон ижтимоий-сиёсий саҳнасида исзис йўқолди.

70–80- йилларда неоконсерватив кучларнинг ғалабаси.

Сўл ғояларнинг инкирози

80–90- йилларга келиб Шарқий Европа ва СССР бутун дунёда катта тарихий аҳамият касб этадиган кенг масштабли воқеалар ва жараёнларнинг марказига айланди. Жаҳон ҳамжамиятида анъанавий ғоявий-сиёсий қарашларни янгича изоҳлаш ва фикрлаш пайдо бўлди. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги иштирокини қайта кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлар яна илгари сурила бошланди. Бу шу билан изоҳланадики, 70- йилларнинг охири ва 80- йилларнинг бошига келиб Ғарб давлатларида ҳукуматнинг аралашув тизими тўлиқ шаклланиб бўлган эди. Бу тизимнинг маълум бир аспекти ўзини оқлай олмай, келиб чиқиши мумкин бўлган инкирозларнинг олдини ололмай қолди. 70–80- йилларга келганда неоконсерватив тўлқин юзага келди ва кўпгина давлатларда сўл сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг мавқеи тушиб, ҳукуматга ўнг ва консерватив кучлар чиқишди. Улар илгари сурган дастурларнинг асосида давлатнинг иқтисодиётдаги ролини сусайтириш, денационализация, приватизация, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда хусусий ташаббускорлик, рақобат, бозор муносабатларини тиклаш масалалари турар эди. “Қам бу яхши” формуласи куннинг долзарб шиорига айланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси ҳукумат ва халқаро сиёсатнинг энг муҳим масалалари қаторидан ўрин олди. 1980 йилда АҚШда ҳукумат тепасига Р. Рейгanning келиши ва 1984 йил сайловларида қайта ғалаба қилиши, Англияда М. Тэтчер бошчилигидаги консерватив партиянинг сайловларда уч маротаба ғалаба қилиб, ҳукуматни бошқариши, ГФР, Италия, Францияда бўлиб ўтган Парламент ва маҳаллий сайловларнинг натижалари ўнг кучларнинг ғалабасини кўрсатиб турар эди. Бу даврда

ўнги кучлар илгари сурган шиорлар ва гоялар бу давлатлардаги кенг халқ оммасининг хоши-истаклари билан ҳамоҳанг эди. Кейинчалик бу гоя ва шиорлар бошқа йирик ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан ҳам кўллаб кўрилди. Ҳаттоки социалистик ва социал-демократик партиялар ҳам 80–90- йилларда ҳокимият тепасида бўлган чоғларида неоконсерваторларнинг децентрализация, ҳукумат ролини сусайтириш, денационализация каби иқтисодий сиёсатларидан кенг фойдаланганлар. СССР ва бошқа социалистик давлатларда марказлаштирилган режали иқтисодиётнинг таназзулга юз тутиши жаҳон ҳамжамиятида сўл кучларнинг кенг миқёсли ва чуқур инқирозига сабаб бўлди. Охириги икки-уч ўн йилликларда сўл партия ва ҳаракатлар, асосан, коммунистларнинг ривожланган капиталистик давлатлар сиёсий ҳаётидаги иштироки пасайиб кетди. СССР ва бошқа социалистик давлатларда олиб борилган социалистик экспериментларнинг муваффақиятсизликка учраши жаҳон ҳамжамияти иккинчи гуруҳ давлатларининг обрўсини янада тушириб юборди. СССРнинг 30- йилларда ишсизлик ва қашшоқликни тугатиш, социалистик қонунчиликни шакллантириш, Ғарбда иқтисодий инқироз рўй бераётган бир вақтда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун амалга оширган тadbирлари дунёдаги барча меҳнаткашларда катта тасурот қолдирган эди. 70- йилларга келганда режалаштириш, марказлаштириш ва ижтимоийлаштириш шиорлари социализм қурилиши жараёнида юзага келган қийинчиликларнинг соясида қолиб кетди. Ғарбда консерватизм, либерализм ва сўлларнинг баъзи бир элементларини бирлаштирган аралаш иқтисодиёт шаклланиб улгурди. Шу сабабли Ғарбда бу гоя ўзининг эркинлиги, чидамлилиги ва ҳар қандай шароитга мослашиб кета олиши билан ажралиб турди. Шарқий блокдаги мамлакатларда эса сўллар лойиҳаси “соф” ҳолатда ҳаётга тағбиқ этилган эди. Мантиқан олиб қараганда, бу софликни жорий этиш ва сақлаб туриш учун қилинадиган чора-tadbирлар давлатлардаги ички ва ташқи аҳволнинг янада кескинлашишига олиб келар эди. 70–80- йиллар арафасида сўллик ва Ғарбнинг ривожланган давлатларида сўллик элементлари негизидан келиб чиқиб шаклланган аралаш тизими инқироз учради. Кейинчалик бу тизимни ислоҳ қилиш ва янги шароитларга мослаштириш масаласи илгари сурилди.

Шарқда эса тизимни ислоҳ қилиш ва ўзгартириш масаласининг кўтарилиши социализм илгари сурган асосий қондаларнинг заифлашига олиб келади. Агар Ғарб мамлакатларида инқироз тизимда ишдаг чикқан муруватларни алмаштириш орқали жа-

миятни соғломлаштиришга ёрдам берса, Шарқда эса гап катта ислохотлар, яъни иктисодий тизимнинг асосий коидаларини тубдан ўзгартиришни кўз тутар эди.

Таҳлил этилаётган масаланинг негизда тоталитар характер касб этган советлар сиёсий тизимининг ўзига хос табиати ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шарқда бу тизимни жаҳон ҳамжамиятида бўлаётган сиёсий жараёнлардан иктисодий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан ажратиб қўйган (автаркия) шароитдагина сақлаб туриш мумкин эди. Тасодиф эмаски, тоталитар режим ўзининг ривожланиш чўққисига, жамият тўлиқ изоляция этилган даврда эришган эди. Бу, асосан, 30–50- йиллар ва қисман 60- йилларни ўз ичига олган эди. Ахборот ёки телекоммуникацион инкилоблар вақт ўтиши билан давлатлар ўртасидаги чегараларга ўз таъсирини кўрсата бошлади. Ахборот ва ғоялар оқимининг кучлилиги яқин келажакда давлат чегараларини кулфда ушлаб туриш фойдасиз эканлигини кўрсата бошлади. Дастлаб гитлерчилар Германиясининг тор-мор этилиши, сўнгра СССР ва бошқа социалистик давлатларда олиб борилган социалистик тажрибаларнинг мағлубиятга учраши тоталитар режимнинг кишилик жамияти тараққиёти учун улкан тўсиқ эканлигини кўрсатиб берди. Бундан ташқари, СССР совет блоки ва социалистик ҳамдўстликнинг емирилиши жаҳон сиёсий саҳнасида бир-бирига қарама-қарши бўлган уч дунёга бўлинишга ҳам барҳам берди.

СССРнинг таназулга юз тутиши ва “совуқ уруш” сиёсатининг тугаши натижасида, жаҳонда икки кутблилиққа барҳам берилди. Ғоявий-сиёсий жиҳатдан “Ғарб” тушунчасига ҳеч қандай эҳтиёж қолмади. Япония Осиё-Тинч океан хавзасидаги янги индустриал давлатлар билан биргалликда гўёки Осиёга қайтди. Ғоявий тизимларидан катъи назар, бошқа миллақалар ва давлатлар билан мустақил равишда ўз муносабатларини ўрнатишга қодир бўлган Осиё давлатларига айланди. Жаҳон ҳамжамиятининг ғоявий-сиёсий ва тизим кризисларига кўра дунёни уч бўлакка ажратиш эҳтиёжи йўқолди. Демократик принципларнинг глобал жиҳатдан ғалаба қилиш тенденцияси яққол кўриниб қолди.

XX асрнинг иккинчи ярмида демократлаштириш жараёни либерал демократия институтлари ва қадриятларининг кенг миқёсда тараққиётини яққол кўрсатиб берди. Урушдан кейинги даврга келиб Ғарбий Германия, Италия, Япония, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор давлатларда демократик режимлар ўрнатилиб бўлган эди. Охириги икки ўн йилликда демократик режимлар авваллари авторитар ва тоталитар режимлар ҳукмронлик қилган бошқа Европа давлатла-

рида, Осиё ва Лотин Америкасининг бир қатор давлатларида ҳам ўрнатилди. 70- йилларнинг ўрталарига келиб Жанубий Европада диктаторлик режимлари ҳукмронлик қилиб келган Испания, Португалия ва Грецияда юзага келган инқилобий ҳаракатлар деярли бутун дунёда янги демократик тўлқинларни келтириб чиқарди.

Лекин 80- йилларнинг охири—90- йилларнинг бошида СССР ва Шарқий Европа мамлакатларида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва инқилобий воқеалар, дарҳақиқат, бутун жаҳон ҳамжамиятини ларзага келтирди. Бу умуминсоният ҳаётида катта тарихий аҳамиятга эга бўлиб, халқаро муносабатларда кескин бурилиш ясади. Атиги қандайдир бир ярим-икки йил ичида Шарқий Европа давлатлари демократик йўлни танлаб, ислохотларни қатъий бошлаб юбордилар. Кўпчилик янги ва мустақил давлатлар бозор иқтисодиёти ва сиёсий қурилишда демократик йўлни танладилар.

Лотин Америкасида демократия кўзга кўринарли ютуқларни қўлга киритди. Африка қитъасида 1989 йилдан сўнг бир партияли ва авторитар режимлар ҳукмронлик қилган давлатлар чуқур инқирозни ўз бошидан кечирди. Бу ҳолат Африкада ҳам демократия кўзга кўринарли ютуқларни қўлга кирита бошлаганидан далолат эди. 1991—1992 йиллар мобайнида жуда кўплаб Африка давлатларида (Бенин, Буркина-Фасо, Камерун, Мадагаскар, Мавритания, Намибия, Нигерия, Сенегал ва бошқалар) кўппартиявийлик асосида сайловлар бўлиб ўтди. Филиппин, Тайван, Жанубий Корея, Покистон ва Бангладеш давлатларида ҳокимият авторитар режимлар қўлидан демократик йўл билан сайланган ҳукуматлар қўлига ўтди. Худди шундай ўзгаришлар Яман ва Иордания каби араб давлатларида ҳамда Албания, Мўғлистон, Непал ва Бенин давлатларида ҳам амалга оширилди. Шу билан бир қаторда, жаҳон саҳнасида ўз ўрни ва таъсир доирасига эга бўлган давлатларнинг катта гуруҳи сакланиб қолган бўлиб, уларда ҳозирги даврда ҳам ярим демократик ва очикча авторитар режимлар ҳукмрон мавқега эгадир.

3- §. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишлари

Фан-техника тараққиёти ва унинг оқибатлари

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг ривожланган капиталистик давлатлар олдида турган асосий масала вайрон қилинган

иктисодиётни қайта тиклаш бўлди. Бу муаммо ўз ечимини топгач, иктисодиёт узоқ давр мобайнида жадал суръатлар билан ривожланиш йўлига ўтди. Урушдан кейинги даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида фан-техника тараққиётининг тез суръатлар билан ривожланишини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолатда фан-техника ютуқларининг ишлаб чиқаришнинг янги жабҳаларига татбиқ этилиши билан бир қаторда, ўзи ҳам бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди.

Фан-техника тараққиётининг биринчи тўлкини 40- йилларнинг охири–50- йиллар бошларини ўз ичига олиб, иктисодий инфраструктурада инқилобий ислохотлар ўтказилди, ишлаб чиқаришда роботлаштириш, радиотелевизион, авиакосмик ва бошқа янги соҳалар ташкил топди. Урушдан кейинги даврнинг характерли хусиятларидан бири сифатида ҳарбий саноат мажмуасининг кенг миқёсда тараққий этганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Фан-техника ютуқлари туфайли тамоман янги типдаги қурол-яроғларни яратиш ва уларни қисқа муддатларда исталган мўлжалга етказиб бериш имконияти тугилди. Бу ва бошқа омиллар умумлаштирилганда, саноат ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, иктисодий суръатларни янада ошириш имконини очиб берди. 50–60- йилларда “олмон мўъжизаси”, “Италия мўъжизаси” ва шунга ўхшаш тушунчалар одатий ҳолга айланди. Бу тушунчалар шу давлатларнинг жадал суръатлар билан ривожланаётганини билдирар эди.

70- йилларнинг иккинчи ярмига келиб фан-техника тараққиётининг янги тўлкини юзага келди. Бу тўлқин информацион ёки телекоммуникацион инқилоб деб номланиб, замонавий капитализм ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Бу инқилобий ўзгаришлар туфайли ахборотлаштириш, компьютерлаштириш, электрон роботлаштириш, электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш, дастур билан бошқариладиган дастгоҳлардан фойдаланиш, ахборотларни қайта ишлаш ва сақлаш, интеграл схемаларини қўллаш каби жараёнлар ишлаб чиқариш соҳаларига татбиқ этилди.

Янги технологияларнинг кириб келиши натижасида меҳнатнинг ўрни, аҳамияти ва характери тубдан ўзгарди. Натижада ишчилар ва хизматчилар ишлаб чиқариш жараёнларида факатгина оддий ишчи кучи сифатида қатнашмасдан, назорат қилиш ва тартибга солиш функцияларида ҳам иштирок эта бошлади. Эндиликда ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ва капиталдан ташқари, ахборот ва билим кўникмалари ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Янги технологиялар билан лаборатория тадқиқотлари натижалала-

ри ўртасидаги алоқалар, фан ва фундаментал тадқиқотларнинг натижалари давлатлар ва халқлар ўртасида технологик тараққиёт ва иқтисодий рақобатбардошликда катта аҳамият касб этди. Фандаги ихтироларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш муҳлатлари кескин равишда қисқариб борди. Бу омилнинг қай даражада муҳимлигини англаш учун 1988 йили жаҳонда тадқиқотлар ва ихтироларга сарфланган умумий харажатларнинг миқдори тахминан 450–500 млрд долларни ташкил этганлигини таъкидлаб ўтиш kifоя. Бу сарфхаражатларнинг катта қисми индустриал ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Жумладан, бу харажатларнинг 140 млрд доллари АҚШ, 90 млрд доллари Ғарбий Европа ва Канадага, 50 млрд доллари Япония ҳиссасига тўғри келди.

Ахборотлаштириш ва бошқа хизматларга глобал технологик тизимларнинг жорий этилиши масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этди. Об-ҳаво, коммуникация, навигация ва бошқа таркибий қисмларни ўз ичига олган бу тизимлар жуда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Иқтисодий ахборотлаштириш; энергияни тежаш илм-фан соҳаларининг эволюцияси саноатда табиат ресурсларига бўлган қарамликни кескин камайтирди. Автомобиль ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ярим ўтказгичли чиплар, пластмассалар, янги технологияли (шиша толали) кабеллар ва бошқалар кам хомашё талаб қилади. Келажақда бу тенденция, шак-шубҳасиз, баъзи бир табиат ресурсларини ишлаб чиқаришда қўллаш жабҳаларининг ортишига олиб келади.

Урушдан кейинги даврда фан ва технологияларнинг ривожланиши кишлоқ хўжалигида ҳам катта ютуқларга олиб келди. “Яшил инқилоб” деб ном олган бу феномен натижасида бугдой, маккажўхори, гуруч ва бошқа бошоқли экинлар навлари сифат даражасининг яхшиланиши, дала шаронтида ўтказилган тажрибалар натижалари кишлоқ хўжалигини ижобий ўзгаришларга олиб келди. Селекционерликда эришилган ютуқлар туфайли ривожланган давлатлар кишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва сифат даражаси юқори бўлган экинлар кўпайди. 1950–1985 йиллар орасида ғалла етиштириш ҳажми аҳолининг ўсиш даражасидан анча ошиб кетди. Ғалла етиштириш 700 млн тоннадан 1,8 млрд тоннага етди. Аҳолининг ўсиш даражаси эса шу даврда йилига 2% ни ташкил этди. Молекуляр биология соҳасининг ривожланиши турли хил табиий касалликларга чидамли навларнинг яратилишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ер юзида доимо мавжуд бўлган озик-овқат маҳсулотларининг танқислиги муаммосига барҳам беришга кенг имкониятлар очди.

Глобаллашув ва интеллектуал салоҳият

Ривожланган мамлакатлар юксак техника-технологиялар востасида глобаллашув жараёнларидан кўпроқ фойдаланиш имкониятига эга ҳисобланади. Уларнинг мақсади кам ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар хомашёсидан, ишчи кучи, товар сотиладиган бозорларидан фойдаланишдир. Бундай шароитда ривожланаётган давлатлар ишлаб чиқариш, жаҳон бозорига товар экспорт қилиш борасида ривожланган давлатлар билан рақобатга киришишга мажбур бўлади, глобаллашувнинг салбий таъсирига қарши туришга интилади ва ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилади. Улар ўз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш йўлини излайди ва хўжалик ҳамда сиёсий мўлжал бўйича минтақавий бирлашмаларни яратади. Шу муносабат билан минтақавий интеграция жараёни шаклланади: бунда давлат гуруҳлари ўз анъаналари, манфаатлари ва геополитик шароитларига мувофиқ ҳолда ўз ривожланиш йўлини қарор топтиришга интилади. Шундай қилиб, XX аср охири–XXI аср бошига келиб глобаллашув, интеграция ва миллий суверенитет ҳозирги замоннинг ягона жаҳон жараёнидаги таркибий қисмларига айланиб қолди.

Глобаллашув ва миллий суверенитет муносабатларида манфаатли кураш ва рақобат кўзга ташланмоқда. Бу ўзаро кураш – рақобатда кадрлар салоҳияти, уларнинг билими, малакаси, янгиликларни ўзлаштириши ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш қобилияти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Буни бир сўз билан жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ва унинг иродаси билан ифодалаймиз ва боғлаймиз.

Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳамма даврларда ҳам долзарб масала бўлиб келган, лекин ҳозирги пайтдаги халқаро муносабатларнинг мураккаб сифат босқичига кўтарилиши билан янги-ча маъно-мазмун касб этмоқда. Минглаб километр узоқликдаги давлатлар билан манфаатли алоқалар, ривожланган давлатларнинг минтақага нисбатан геосиёсий мақсадлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши миллий манфаатларни ҳимоя қилишда интеллектуаллар кучидан фойдаланиш талабини қўймоқда.

Бугунги кунда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ҳолда қуйидаги йўналишларда долзарбланимоқда:

1. Иқтисодий соҳада.
2. Сиёсий соҳада.
3. Ижтимоий соҳада.
4. Маънавий-мафкуравий соҳада.
5. Илмий-интеллектуал соҳада.
6. Мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш соҳаҳида.

Ушбу соҳалардаги миллий манфаатларни ҳимоя қилиш жуда мураккаб масала бўлгани учун ўзаро чегарадош давлатлар минтақавий интеграция имкониятларидан фойдаланишига ҳаракат қилишмоқда. Европа Иттифоқи, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Иттифоқи, АҚШ, Канада, Мексика ҳамкорлиги, Африка давлатлари иттифоқининг тузилиши ва фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Лекин миллий манфаатларни илгари ўзининг хозиргидек мураккабликлари билан намоён қилмаган янгича шароитларда фақатгина кадрлар интеллектуал салоҳиятини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш орқалигина ҳимоя қилиш мумкин.

Глобаллашув трансмиллий компанияларнинг халқаро даражада даромад олишига интилишига асосланади. Бу эса саноати яхши ривожланган мамлакатларга фойда келтиради, чунки улар янги техника-технологиялар, саноат товарларини сотиб ёқи капитал экспорт қилиб катта даромад олади. “XXI асрнинг бошида дунё миқёсида яратилган замонавий техника ва технологияларнинг 35,8 фоизи АҚШ зиммасига тўғри келди (бу кўрсаткич Японияда 17,6; Германияда 6,6; Буюк Британияда 5,7; Францияда 5,1; Хитойда 1,6 фоизни ташқил этди)”. Табиийки, бундай кудратга эга мамлакат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, етакчи омилига айланди. Глобаллашув жараёnlари ривожланган мамлакатларнинг янада гуллаб-яшашига ёрдам бераверади. Америкалик футуролог Х. Макрей бундан буён Американиш барча соҳалардаги интеллектуал устунлиги сақланиб қолиши, унинг маданияти, ғоялари ва тили бутун дунё бўйлаб тарғиб этилишига ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини таъқидлайди.

Саноати кам ривожланган мамлакатларда эса ишсизлик, аҳолининг маълум бир қисми кашшоқланиши, мамлакат иқтисодиёти ривожланган давлатлар иқтисодиётига ўта боғланиб қолиши каби салбий ҳолатлар юз бериши мумкин. Глобаллаштириш ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга. У Ер шари аҳолисининг кўпгина қисмини ишсизликнинг жиддий муаммоларига дучор этиши ва иш ҳақи ҳамда даромадлар диваритетининг (фарқланиш, ажралиш) ўсишига олиб келиши мумкин. Бу эса демократик институтларнинг тараққиёт ва

иктисодий сиёсат устидан назоратини йўқотиш хавфини келтириб чиқаради. Масалан, бутун дунё бўйича аҳолининг табакаланиши жараёни кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. 1960 йилда 20 фоиз энг бой ва 20 фоиз энг камбағал давлатларнинг даромадлари ўртасидаги фарқ 30:1 нисбатни ташкил этган бўлса, бу ҳолат 1990 йилда 60:1, 1997 йилда эса 74:1 даражагача кўтарилди. Лекин глобаллашув жараёнларидан ҳам қочиб қутула олмаймиз ёки глобаллашув жараёнларида иштирок этмаслик битта давлатда иқтисодий биқикликни ёки мамлакат иқтисодиётида автаркияни (бирор давлатнинг ички сиёсатда ўз-ўзини таъминлаши) келтириб чиқарадики, унинг салбий оқибатлари СССР, Албания давлатларининг тарихидан маълум. Автаркик хўжаликда истеъмол эҳтиёжларини қондиришда фақат маҳаллий ишлаб чиқаришга таянилганлиги учун хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар қилинмайди, натижада бу мамлакатга янгиликлар кириб келиши камаяди, хомашё етишмовчилиги, товар ишлаб чиқаришда сифатни ошириш учун интилиш сусаяди. Мамлакат иқтисодиётида биқикликнинг вужудга келиши қолоқликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда шундай концепция мавжуд. Келажакда дунё давлатлари ўртасида ривожланиш жиҳатидан ставчиликни хомашё захираларига бой давлатлар эмас, балки интеллектуал салоҳияти юқори давлатлар эгаллайди. Шунинг учун ҳам кўпгина табиий хомашёга бой давлатлардан юқори интеллектуал қобилиятга эга кишилар чиқиб кетмоқда ёки ривожланган мамлакатлар ўзларининг ривожланиш изчиллигини таъминлаш учун ақл эгалари, иқтисодчиларни сўриб олишга ҳаракат қилмоқда. Улар орасида йирик кашфиётчилар, олимлар ҳам бор. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари:

А) Глобаллашув жараёнлари туфайли турли давлатлар ўртасида миграция жараёнлари фаоллашуви. Бу эса кам ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатда кадр, обрў-эътибор топмаган олимнинг бошқа жойдан муносиб мавқе излашига олиб келади. Ушбу муаммо турлича номланса, изоҳланса ҳам, “ақл ўғрилаш”, “олимларнинг қочиши”, “билимдонлар арази”, “олимларни оғдириб олиш”, “билимдонларнинг кетиб қолиши” деб аталмоқда, лекин унинг моҳияти битта: олимлар илм-фан билан нугулланишга, муносиб ҳаёт кечиришга зарур шарт-шароитларни яратиб берувчи мамлакатларга томон интиладилар. Бошқача айтганда, бу ишчи кучлари миграциясининг бир кўриниши, холос. Яхши шароитлар мавжуд мамлакатларга кўчиш бу табиий миграция жараёни ҳисобланади. Аммо мазкур муаммо ўз олимларидан жудо бўлаётган мамлакатлар

учун ачинарли вазиятларни келтириб чиқаришини унутмаслигимиз лозим.

Б) Ривожланган мамлакатларда юкори даромад олишнинг мавжудлиги. Билимдонларнинг кетиб қолиши икки хил шаклда намён бўлади: биринчиси, олимларни ижодий фаолият соҳасидан ижодий фаолият билан боғлиқ бўлмаган соҳаларга, айниқса, тижорат соҳасига ўтиб кетиши (мутахассис О. Жарекова маълумотларига кўра, Россияда мавжуд илмий салоҳиятнинг 30 фоизидан, баъзи минтакаларда эса 50 фоизидан кўпи илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari лабораторияларидан тижорат-тадбиркорлик соҳасига ва давлат аппаратига ўтиб кетган); иккинчиси, олимларнинг ташқи миграцияси орқали ўз ватанларидан ривожланган мамлакатларга доимий яшаш учун кетиб қолиши (АҚШ миллий илмий фонди маълумотларига кўра, ўтган асрнинг 90- йилларида жаҳон миқёсида обрўга эга бўлган математикларнинг 70–80 фоизи, назариётчи физикларнинг 50 фоизидан кўпи Россиядан АҚШга кетиб қолган, умуман, табиий фанлар соҳасидаги мамлакат мутахассис-олимларининг ярмидан кўпи МДХ мамлакатларини тарк этганлар).

В) Кашфиётчилар, йирик олимлар томонидан яратилган билимларни ўзлаштириб олишда ишлаб чиқарувчиларнинг интеллектуал салоҳияти етарли эмаслиги. Бу ҳолатнинг мавжудлиги илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш эҳтиёжининг талаб даражасига кўтарилишига халақит беради.

Интеллектуал салоҳияти қудратли бўлган мамлакатгина дунё бозоридаги шафқатсиз рақобат муҳитида ўз ўрнига эга бўлади, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожда барқарорликка эришади деган қатъий ҳулосага келиш мумкин. Шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган давлатлар интеллектуалларни ўзларига оғдириб олишга ҳаракат қилмоқда (масалан, АҚШ GREEN CARDлар ёрдамида мутахассисларни ўз мамлакатига чақириб олиши, Германия академик алмашув хизмати – DAAD фаолиятларида кўришимиз мумкин) ва ўзларининг миллий манфаатларини ҳимоя қилишда улардан фойдаланмоқда. Миллий манфаатларни ҳимоя қилишда интеллектуал салоҳият эса нафақат таълим жараёни орқали, балки олимлар, билимдонлар кетиб қолишининг олдини олиш чоралари орқали ҳам таъминланади. Глобаллашувнинг шиддатли жараёнларида мамлакатлар миллий иқтисодиётнинг юксалиши учун интеллектуал элита қисмини сафарбар қилиш ва уларни банд қилишни давлат сиёсати даражасига кўтариш талаб этилади. Айниқса, интеллектуал элита кучларини ишлаб чиқариш учун техника ва ускуналар тайёрлаш, ет-

казиб беришга йўналтириш, сафарбар қилиш глобаллашув жараёнларининг салбий таъсиридан ҳимояланиш учун зарур.

Ҳозирги Ғарб жамиятининг ижтимоий тузилиши. Бутунжаҳон иқтисодий тизими

Юқорида таъкидлаб ўтилган жараёнлар таъсирида ХХ асрнинг иккинчи ярмида Ғарб жамиятининг ижтимоий тузилиши ҳам тубдан ўзгарди. Фан ва техниканинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг кишилик омилларига ҳам катта таъсир кўрсатди. Биз бу ҳолатни ишчи кучларнинг маълумоти ва малаксининг мислсиз даражада ошганлигида, ақлий меҳнат билан банд бўлган мутахассислар, турли хил касб эгалари, экспертлар, илмий-техник ходимлар ва инженерларга нисбатан эҳтиёжнинг ортганлигида кўришимиз мумкин. Амалга оширилган тадбирлар меҳнатни ташкил этиш характери, ишлаб чиқариш билан меҳнат ўртасидаги муносабатларда, иш билан таъминланганлик структурасида ҳам кўзга кўринарли ўзгаришларга олиб келди. Ишлаб чиқаришга фан-техниканинг кенг суръатда жорий этилиши туфайли янги соҳалар ва бу эса, ўз навбатида, юқори ҳақ тўланадиган, катта обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали янги касбларнинг (дастурчи, биотехнолог, компьютер бўйича мутахассис ва бошқалар) пайдо бўлишига олиб келди. Давлат ва ҳукумат бошқаруви тизимларида, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, қурол-яроғ ишлаб чиқариш каби соҳаларда ақлий меҳнат фаолиятини олиб борадиган хизматчиларнинг сони кундан-кунга кўпайиб борди. Бундай мутахассисларни давлат бюрократияси, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение тармоқларидаги маъмурий хизмат лавозимларига жалб этиш жараёнлари янада кучайди.

Ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан эътиборли қатлам сифатида шаклланган “янги ўрта синф”нинг сон жиҳатидан ортиб бориши индустриал жамиятда ижтимоий структуранинг ўзгаришига олиб келди. Буржуазия ва пролетариат синфлари ўртасидаги кураш ўрнига, аниқ дифференцияланган “кўп қатламли” ижтимоий структура юзага келиб, қаватларнинг асосий қисмини ўрта синф вакиллари эгаллаган эди. Ўрта синф таркибида ҳам баъзи бир ўзгаришлар юз берди. Авваллари бу синф асосини фермерлар, майда тадбиркорлар ва акционерлар ташкил этган бўлса, эндиликда улар қаторига “оқ ёқалилар” деб ном олган қатлам ҳам қўшилади. Булар инженер-техник кадрлар, менежерлар, ҳукумат бюрократияси вакиллари, маркетинг, ахборот

каби бошқа ижодий ва интеллектуал касбларнинг вакиллари эди. Шундай қилиб, эски жамиятнинг пирамида шаклидаги ижтимоий структураси ўрнини ромби шаклидаги янги ижтимоий структура эгаллади. Бир типдаги ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги чегаралар ҳам аниқ кўриниш касб этди.

Ҳозирги Фарб социологиясида оммани бир қатор таянч категорияларга ажратиш қабул қилинган. Олий олий синф (асосан, йирик корпорация эгалларининг шериклари ва менежерлари, олий маъмурий ва ҳарбий лавозим эгалари, маданият, тиббиёт ва фаннинг кўзга кўринган намояндалари); олий синф (фирма менежерлари, олий инженер-техник кадрлар, ҳуқуқшунослар, университет ўқитувчилари, биржа брокерлари ва юқори иш ҳақи олувчи шифокорлар); олий ўрта синф (ўрта бўғин бошқарувчилари, ўқитувчилар, шифокорлар); ўрта ўрта синф (сугурта компанияларнинг хизматчилари, банк клерклари, ишчиларнинг олий тоифаси, бошланғич мактаб ўқитувчилари, тарбиячилар); паст ўрта синф (автомеханиклар, саргарошлар, автотранспорт ҳайдовчилари, барменлар, почта ва меҳмонхона хизматчилари, позициячилар, малакали ишчилар); ўрта паст синф (таксичилар, офицантлар, швейцарлар, ўрта малакали ишчилар); пастдан паст синф (малакасиз ишчи кучи, ховли тозалигига қаровчи хизматкор, яқин тозаловчилар, боғбонлар, уй хизматчилари) ва люмпенлашган ишчилар, дайдилар.

Индустриал жамиятнинг аъънавий синфларидан фарқ қилган ҳолда, замонавий ижтимоий гуруҳлар нафақат ишлаб чиқаришда тутиш ўрни ва жойига қараб, балки даромад олиш даражаси, маълумот олиш имконияти, мода ва ижтимоий обрў-эътиборига қараб фўрқлаш бошлади. Бу дарҳақиқат, очиқ жамият бўлиб, ҳаётий ва ижтимоий индорализмга асосланган эди.

Фарб жамиятида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янги бокичи кўтарилиши, жамият ривожланиши тушунчаларининг ўзгариши, технологик тараққиёт сифат даражасининг ошиши, халқро иқтисодий маконга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Янги коммуникация воситалари бутун ер юзида иқтисодий-савдо алоқалари олиб бориши осонлаштирибгина қолмай, бошқа хизматларни ҳам ўз икстида сифатли бажариш имконини яратди. Аниқланган маълумотларга қараганда, тўғридан-тўғри йўналтирилган чет эл инвестицияларнинг умумий ҳажми 1995 йилда 2,6 трлн долларга етиб, бир йил давомида 235 млрдга ошган. Шу маблағнинг 90% и трансмиллий корпорацияларга тўғри келган. 1992 йилга келиб капиталларнинг йиллик ҳаракати 1 трлн долларни ташкил этган. Глобал савдо

оқимларнинг радикал трансформацияси юз берди. Халқаро савдо жаҳон савдосининг ҳажмини оширадиган кучли омилга айланди. XX асрнинг сўнги чорак асри давомида халқаро савдо ҳажми йилга ўртача 5,5% га ошиб борди. Транснационал корпорацияларнинг 1992 йилги савдо ҳажми 5,5 трлн долларга етди. Ўша йили бутун жаҳон экспортининг умумий ҳажми 4 трлн долларни ташкил этган эди. Бундан ташқари, ўша йили чет эл инвестициялари ҳажми 2 трлн долларни ташкил этган бўлса, 1987 йилда бу кўрсаткич шу сумманинг ярмини ташкил этган, холос.

Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар кучайиб борди. XX асрнинг охирига келиб жаҳонда 15 та интеграцион бирлашмалар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ўз тузилишига кўра тўла шаклланмаган ҳолатда эди. Аммо бу ташкилотларнинг баъзилари эса маълум бир ютуқларга эришган ва реал иқтисодий, айрим жабҳаларда эса сиёсий кучга ҳам эга бўлдилар. Биринчи галда, бундай ташкилотларга ҳозирги даврда 28 та давлат аъзо бўлган Европа Иттифоқи ва Мексика, Канада ва АҚШни ўз таркибига олган Шимолӣ Американинг Эркин савдо ассоциацияси (НАФТА)ни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Бутунжаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа молиявий ташкилотлар, институтлар фаолият кўрсатмоқда. ХВФ 35 та аъзо давлатлардан (таъсис этган давлатлар) ташкил топган кичикроқ бир ташкилотдан деярли бутун жаҳон иқтисодиётини қамраб олган ташкилотга айланди. Ҳозирги даврда халқаро ташкилотлар билан алоҳида олинган давлатлар ўртасида ҳам алоқаларнинг ривожланиш жараёнлари кузатишмоқда. Шу билан бир қаторда, миллий иқтисодиётларнинг бир-бирига бўлган таъсир доираларининг даражалари ва масштаблари ҳам ошиб бормоқда. Масалан, шундай фикр бор, яъни “Қачонки АҚШ иқтисодиёти акса урганда, қолган барча давлатларнинг иқтисодиётида ўпка шамоллаши рўй беради”. Бир давлатда юзага келган инфляция бошқа давлатларда ҳам инфляция келиб чиқишига туртки бўлади. Нефтни экспорт қилувчи давлатлар томонидан нархнинг оширилиши бошқа маҳсулотларнинг ҳам жаҳон бозорларидаги нархлари ошишига сабаб бўлади. Шунинг учун нефть, газ, кофе, сут ва бошқа маҳсулотлар нархларининг оширилиши ёки туширилиши бир давлат ҳукумати даражасида эмас, балки ЕИ, ОПЕК, ОЭСР ва бошқа халқаро ташкилотлар даражасида амалга оширилади. Жаҳонда мавжуд бўлган бошқа муаммоларнинг ечимини топиш жараёнида шундай ҳолатни кўришимиз мумкин.

Бу ва бу каби ижобий ҳаракатлар ва ўзгаришлар жаҳон иқтисо-

диётида кўпрофилли трансмиллий корпорациялар, банклар ва бошқаларнинг ташкил топишига олиб келмоқда. Трансмиллий компаниялар фаолияти соҳаларининг кенгайиши ва капиталларнинг ҳаракати алоҳида олинган давлатлардаги иқтисодий чегараларнинг йўқолиб бораётганлигига сабаб бўлмоқда. Бутун ер юзи ягона глобал иқтисодий тизимга айланиб бормоқдаки, қолган алоҳида олинган миллий иқтисодиётлар бу тизимнинг таркибий қисмини ташкил этмоқда.

Аста-секинлик билан бўлса-да, учинчи дунё давлатлари иқтисодиёти жаҳон иқтисодий тизимига таркибий қисм сифатида кириб келди. Бу давлатлар сиёсий мустақилликка эришгач, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўз ривожланиш йўлига кириб бора бошлади. Аммо бу давлатларнинг ривожланиш йўлига собитқадамлик билан ўтишларига мустамлакачилик давридаги мерос ўзининг салбий таъсирини кўрсата бошлади. Монокультурачилик (қишлоқ хўжалигида фақат бир хил экин билан чегараланиш) колоқлик, собиқ метрополиялар билан олиб борилган бирёқлама иқтисодий алоқалар, ижтимоий дифференциалаш жараёнларининг охирига етказилмай қолганлиги, патриархал ҳамда капитализмгача бўлган анъанавий муносабат ва алоқаларнинг яшовчанлиги баъзи давлатларда ҳозирги даврда ҳам индустриал давлатлар билан тенг алоқалар ўрнатилишига тўсқинлик қилиб келмоқда. Аҳоли умумий ҳажми ичида ишчилар синфининг сони ортиб бора-да, бу кўрсаткич айрим давлатларда 15–20% ни ташкил этади. Учинчи дунё давлатлари ривожланган давлатлар билан олиб бораётган иқтисодий алоқаларининг характери ўзгартириш учун қатъий қураш бошлади. Бу эса, ўз навбатида, ривожланган давлатларнинг Африқоёси дунёси давлатлари билан олиб бораётган алоқаларининг характери ўзгартиришларига мажбур қилди. Бу муносабатлар эндиликда ҳарбий ва сиёсий куч методларига боғланган ҳолда эмас, балки дипломатик йўллар билан олиб боришга мўлжалланган эди. 70- йилларнинг ўрталарига келиб учинчи дунё давлатлари БМТ Бош Ассамблеясида янги халқаро тартибни ўрнатиш тўғрисидаги Декларация ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш принципларини ўзгартириш, валюта тизимини ўзгартириш, савдо-сотиқдаги тенгсизликка барҳам беришни кўзда тутувчи давлатларнинг вазифалари ва иқтисодий ҳуқуқлари ҳартияси қабул қилинди. 60–70- йилларнинг охирига келиб нефтни экспорт қилувчи давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида саноати ривожланган давлатларга сотиладиган нефтнинг нархи анча оширилди.

Умуман олганда, учинчи дунё давлатларидаги саноат ишлаб чиқариш тармоқларида кўзга кўринарли ютуқларга эришилди. Пулат, автомобиль, кишлок хўжалик машиналари, турбина ва электроэнергия ишлаб чиқариш соҳаларида махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 25–30% га ошди. Юзлаб ва минглаб янги йирик корхоналар куриб, ишга туширилди, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг моддий турмуш даражасининг, бироз бўлса-да, яхшиланишга олиб келди. Бир қатор Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларида, жумладан, Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Таиланд, Малайзия, Индонезия ва Филиппинда, тарих ўлчамлари билан ҳисоблаганда, кеска вақт мобайнида иқтисодий соҳаларда кўзга кўринарли ютуқларга эришилди. Бу давлатлар Фарбнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш, технологик ҳамда ташкилий ва услубий структураларини қабул қилиш билан бир қаторда, булардан унумли фойдалана бошлаган эди. Иқтисодий ривожланиш даражасига кўра, бу давлатлар ривожланаётган давлатлар қаторидан чиқиб, бир қанча жабҳалардаги кўрсаткичларига кўра ривожланган давлатларга яқинлашиб қолдилар. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш нуктаи назаридан Яқин Шарқнинг нефтли қазиб олиш билан шуғулланувчи бир қатор давлатларида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

4- §. Демографик ва миграцион жараёнлар. Атроф-муҳитни асраб-авайлаш муаммолари

Демографик ва миграцион жараёнлар

XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон ҳамжамияти кўринишининг шаклланишига узоққа чўзилувчи демографик ўзгаришлар ва миграция жараёнлари ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Авваллари шундай қонуният бор эдики, унга кўра, туғилиш ва ўлим даражаси бир-бирини қоплаб келар эди. У ёки бу халқ ва энтосларнинг сопи ўсиб ёки камайиб борса-да, ер юзидаги аҳоли сонининг миқдори жуда секинлик билан кўпайиб борар эди. Аҳоли сонининг бундай ўсиши узоқ тарихий давр мобайнида демографик ўзгаришларга кескин таъсир кўрсатмай келаётган эди. Бу тенгликни саклаб келаётган омиллар эса етарли даражада эди. Бундай омилларга қаҳатчиликлар, ҳосилнинг нест-нобуд бўлиши, очарчилик, урушлар, бир қатор касалликлар ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

XVIII асрдан XIX асргача бўлган даврда ер юзида аҳоли сонининг ўсиш даражаси ортиб борди. Масалан, XIX аср бошларига келиб аҳоли сони 1 млрд кишига етган бўлса, орадан юз йил ўтиб бу кўрсаткич 1,6 млрдга, XX аср охирига келиб эса 6 млрд кишига етди. Охириги юз йилга келиб шаҳар аҳолиси 10 баравар ошган бўлса, дунёдаги ялпи маҳсулот ҳажми 20 бараварга ортди. Кишиларнинг ўртача яшаш даражаси мислсиз тарзда ошиб, ривожланган давлатларда ўртача умр кўриш 75 ёшга етди. Бу кўрсаткич бир аср олдин ўртача 30–35 йилдан ошмас эди.

XXI аср бошига келиб Ер шари аҳолиси ҳар 4–5 кунда 1 млн кишига кўпайди. Яъни бир кунда туғилган ва ўлганлар сони орасидаги фарқ ўртача 200–250 минг кишини ташкил этди. Лекин аҳоли сонининг ўсиши ер юзининг барча ҳудудларида бир текисда бўлгани йўқ.

Аниқланган статистик маълумотларга қараганда, XX асрнинг 70-йилларида бир аёл бошига фарзанд кўриш кўрсаткичи қўйидагича бўлган: ГФР – 1,35; Дания – 1,42; Нидерландия киролиги – 1,49; Швейцария – 1,53; Австрия – 1,69; Норвегия – 1,71; Канада – 1,76; Буюк Британия – 1,82; АҚШ – 1,87; Франция – 1,94 ва Испанияда 1,99. Юқоридаги давлатларда туғилиш ўртача 2,1 кўрсаткичидан past даражада бўлган. Европа Иттифоқи давлатлари ичида фақат Ирландиягина ўртача даражадан юқори кўрсаткичга эга бўлган. Бундай ҳолат 80–90-йилларда ва ҳозирда ҳам ўзгармади. Бундай кўрсаткичлардан хулоса чиқарган айрим муаллифлар “Ғарбда таназзул жараёни бошланди” деган фикрларни ҳам айта бошладилар.

Дунё аҳли бир миллиардга етди. Навбатдаги – иккинчи миллиард довонига етиш учун 123 йил керак бўлди. Учинчи миллиардга етиши учун нисбатан кўп вақт кетмади—33 йил. “Бор-йўғи” дейишиги шочиқмайлик. Негаки навбатдаги миллиардларга нисбатан буни қўлласак, адолатлироқ бўларди. Аниқроқ қилиб айтганда, тўртинчи довон – 14, бешинчи довон 13 йилда забт этилди. Ўтган асрнинг 80-йилларида дунё бўйича аҳолининг йиллик ўртача ўсиш даражаси 87 миллионга етди. 1999 йилнинг 12 октябрида навбатдаги – олтинчи миллиард ҳам бўй кўрсатди. “Хўш, аҳолининг тез суръатда ўсиши ҳам муаммо бўлдимиз?” дейишга шошилманг. Таҳлилларга эътибор берсангиз, бунинг глобал аҳамиятини ҳис қиласиз.

Тўғри, кейинги пайтларда дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракати билан аҳолининг ўсиш суръати бироз пасайди. Шундай бўлса-да, ҳисоб-китобларга қараганда, 2050 йилга бориб дунё аҳли 10,2 миллиардга етаркан. Мутахассисларнинг фикрича, ўтган асрнинг

иккинчи ярмида дунё аҳолиси ўсишининг учдан икки қисми Осиё қитъаси улушига тўғри келган. Статистика жадвалига назар ташлаб, буни янада яққол ҳис этиш мумкин. Ўтган аср охирлари бўйича аҳолисининг кўплиги жиҳатидан биринчи ўнлик мамлакатларини оладиган бўлсак, улардан 6 таси Осиё қитъасига тегишли. Уларни мувофиқ равишда санаб ўтсак: Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезия, Бразилия, Россия, Покистон, Япония, Бангладеш, Нигерия. Энди 2050 йил борасидаги прогнозга эътибор беринг: Ҳиндистон, Хитой, Покистон, АҚШ, Нигерия, Индонезия, Бразилия, Бангладеш, Эфиопия, Эрон. Ҳиндистон 1 миллиард 533 миллион аҳолиси билан биринчи ўринга кўтарилиб олади. Покистон ва Эронда аҳоли ўсиши 2,5 бараварни ташкил этади. Яъни Покистон 140 миллиондан 357 миллионга, Эрон 70 миллиондан 170 миллионга “сақрайди”. Осиё ва Африка қитъаси мамлакатлари яна “отғи қамчилашади”. Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиб, янги асрнинг биринчи ярмида баъзи мамлакатларда туғилишга нисбатан ўлим даражаси юқори бўлишини англаймиз. Масалан, ўтган аср охирида Россияда аҳоли 148 миллион бўлган бўлса, 2050 йилга бориб 114 миллионга тушиб қолиши кутилаётир. Ёки Япония аҳолиси 125 миллиондан 110 миллионга камайиши мумкин. Нигерия эса энг рекорд натижага – 3 баробар аҳоли ўсишига эришаркан.

Аҳоли ўсишининг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўриб ўтайлик. Ҳар секундда дунёда 21 киши туғилиб, 18 киши ҳаётдан кўз юмаркан. Бунинг натижасида курраи замин аҳолиси кунига 250 минг кишига ортмоқда. Бундай демографик портлаш она сайёрага қандай таъсир қилиши мумкин? Табиийки, аҳоли ўсиши кўшимча озиқ-овқатлар ва энергияга эҳтиёжни ҳам ортиради. Бу эса Ер биосферасига таъсирни ортиради. Ҳатто ўтган асрнинг 60–70-йилларида кўп мутахассислар бундай суръатда ўсиш озиқ-овқат, сув ва бошқа ресурслар танқислигини келтириб чиқаришини башорат қилишганди. Юқорида Ҳиндистоннинг 2050 йилга бориб биринчи ўринга кўтарилишини айтдик. Айнан шу мамлакат мисолида фикризмизни таҳлил қиламиз.

Мамлакатда йиллик аҳоли ўсиши 15 миллион 600 мингга тенг. “Бизга Хитой ёки Покистоннинг атом бомбаси эмас, туғилиш бомбаси ўта хавфли”, – деганди Ражив Ганди. Дарҳақиқат, Ҳиндистон бугун бунинг жабрини тортяпти. Дейлик, иқтисодий ўсиш даражаси бўйича дунё ўнлигидан жой олса-да, аҳоли ўсиш муаммоси сабабли жаҳоннинг кашшоқ мамлакатлари қаторида қолмоқда.

Ўтган асрнинг 70- йилларида Хитойда демография муаммосига жиддий эътибор қаратилди. Айрим мутахассислар ушбу мамлакатда аҳоли ўсиши Пекиннинг ривожланаётган мамлакатлардан кўпроқ сирмоё ундириш воситаси, деган хулосаларни ҳам айтишди. Яъни илгор давлатлар мамлакатда ички сиёсий таранглик ортишидан манфаатдор эмас. Мамлакат конституциясининг 49- моддаси ҳар бир жуфтнинг оилани ривожлантиришини мажбурият сифатида юклаган. 1969 йилда Хитойда ҳар минг кишига нисбатан туғилиш 34,11 нафар эди. Орадан 30 йил ўтиб бу кўрсаткич 16,03 нафарга тушди. Аҳолининг табиий ўсиши (туғилиш ва ўлишга нисбатан) олти баробарга қисқарди. Бу – аҳолишунослик бўйича олиб борилган фаол сиёсат самараси. Шундай бўлса-да, мамлакат аҳолиси ўтган аср охирида йилига 10,99 миллионга ортган. Демак, аҳоли ўсишининг қисқариши айрим муаммоларга чек қўя бошлади. Бироқ табиий ўсиш суръати пасайгани билан, бошқа бир муаммо қалқиб чиқди. Яъни кексайиш муаммоси.

Ушбу муаммонинг асосий омиллари ўртача умр кўриш даражасининг ортиши ва туғилиш пасайиши ҳисобига болалар ва ўсмирларнинг камая боришидир. Масалан, Хитойда 2040 йилга бориб кексалар сони 20 ёшгача бўлганлардан икки-уч баробар ортаркан. Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларда 1996 йилдаёқ аёллар 80, эркеклар 74 ёш ўртача умр кўриш даражасига етди. Айниқса, Швецияда. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Биринчидан, кекса кишилар миқдори ортини иктисодий фаолликни пасайтиради. Иккинчидан, ёшларнинг иктисодиётдаги улуши қисқаради. Учинчидан, нафақа олувчилар миқдори ортиб, ишга яроқли қатлам камаяди. Нафақа жамғармалари айнан ишга яроқли қатлам ҳисобидан бўлишини назарда тутсак, тушунм қисқаришини англаймиз. Бу эса бюджетдан қоплашни тақозо қилади. Бундан ташқари, давлатнинг ижтимоий соҳадаги харажатлари ортади. Ахир, кексаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, геронтологик (инсон организми қариб боришини ўрганати) муассасаларни кўнайитириш, ҳатто соғлиқни сақлаш тизимида жиддий ўзгаришлар қилиш талаб этилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хилма-хиллиги, турли маъший хизматларни ҳам “кексайган” жамяятга мослиши лозим бўлади.

БМТ мутахассисларининг Япония билан боғлиқ маълумоти кишининг ўйга толдиради. Экспертларнинг айтишича, мамлакат ишга қобилиятли аҳолининг ўрнини тўлдириш учун ҳар йили 600 минг иммигрантни қабул қилиши лозим. 2050 йилгача улар сони 33 мил-

лионга етиши керак экан. Ахир, 2050 йилгача Япония аҳолиси 15 миллионга камайиши, кексайиш даражаси ўсиши кутилмоқда. Россияда аҳоли камайиши 33,8; Италияда 15,1; Германияда 12,4 миллионга етар экан.

Кейинги йиллар давомидаги иммиграция тўлкини АҚШда бу борадаги муаммони бироз енгиллаштирмоқда. Аммо бу ҳам кейинчалик айрим муаммоларни юзага келтириши мумкин. Яъни 2050 йилга бориб оқ танли америкаликлар 53 фоизга тушиб қолади. Иммигрантларнинг ортиши улар маданияти, одатлари, анъаналари шаклланиши дегани ҳам. Бу эса давлат сиёсатида иммигрантларга нисбатан сиёсий балансни такозо этади.

Россия ўлим даражаси энг юқори мамлакатга айланди. Яъни туғилишга нисбатан ўлиш 1,8 фоизга ортди. Экспертлар буни “демографик инқироз” дейишмоқда. Яқин 10 йил давомида ишга лаёқатли аҳоли мамлакатда йилига ярим миллионга камаяркан. Шунинг учун бу ерда муаммони ҳал этишнинг муҳим омиллардан бири иммиграция ҳисобланади. Маълумотларга қўра, Россияга йилига 350–400 минг иммигрантлар бораётган экан.

Халқаро озик-овкат ташкилотининг маълумотларига қўра, она замин неъматларидан оқилона фойдалансак, у 20–25 миллиард одамни боқишга етаркан. Бу баъзи бир кимсаларнинг Ер тез орада одамларни боқа олмай қолади деган фаразини йўққа чиқаради.

Ҳозирги вақтда аҳоли сонининг кўпайиши тенденциясини ҳисобга олиб, Ер юзиде демографик ортикчалик юзага келиши мумкинлигини таъмин этиш мумкин. Ҳозирги вақтда айрим минтақа ва давлатларда аҳоли соли кескин кўпайганлиги натижасида миграция жараёнларининг кучайганлиги жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган фундаментал омиллардан бирига айланиб бормоқда. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, олдинлари асосий миграция оқимлари ривожланган дунёдан Ер юзининг “озодрок”, харбийлашмаган, маданийлашмаган, ривожланиш даражаси паст бўлган ҳудудларга йўналтирилган бўлса, ҳозирги даврда бу ҳолат қарама-қарши йўналишга ўзгарган. Бу йўналишлар орасида Африка ва Осиё мамлакатларидан Европа ва Шимолий Америкага, Лотин Америкасидан АҚШга, МДҲ мамлакатларидан Россияга, Хитойдан ривожланган давлатлар, Россия ва Жанубий Осиё давлатларига ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Умуман олганда, ҳозирги даврда биргина ГАРБий Европанинг ўзида ривожланаётган давлатлардан келиб жойлашиб қолган 20 млн га яқин легал муҳожирлар истиқомат қилади. Асосан, турк муҳожирлари

Германияда, араб ва турк (озроқ) муҳожирлари Скандинавия давлатларида, араб ва Эрон муҳожирлари Испанияда, Жануби-Шарқий Осиё давлатларидан эса Саудия Арабистони ва бошқаларда жойлашиб қолмоқда.

Агар аҳоли ўсиш даражасини инобатга олсак, келажақда миграция жараёнларининг оқими янада кучайиб, халқларнинг янги булок кўчиши олдинда турганлигини тахмин қилсак бўлади. Сўз демографик тажовузлар ёки яшаш имконияти оғир бўлган ҳудудлардан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ҳудудларга мажбурий кўчиши тўғрисида ҳам кетмоқда. Бундай жараёнларнинг юзага келиши индустриал жиҳатдан тараққий этган дунёнинг демографик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳолатига кескин таъсир кўрсатиши мумкинлигини фаҳмлаш қийин эмас. Бу эса, ўз навбатида, ривожланган давлатлар аҳолиси ичида баъзи бир муаллифлар “химояланган расизм” деб таъкидлаган жараёнларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолатни Ғарбий Европа мамлакатларидан Франция, Германия ва бошқаларда бўлиб ўтган сайловларда мишиаччилик ва ирқчилик шиорлари билан ғалаба қозонган ўнг радикалларнинг фаолиятларида ҳам кўрсак бўлади.

Атроф-муҳитни химоя қилиш муаммоси

XX асрнинг иккинчи ярмига келганда, атроф-муҳитни химоя қилиш муаммоси муҳим масалалардан бирига айланиб борди. Кейинги даврда инсоният ўзини табиатнинг бир бўлаги эмас, балки унинг хўжайини сифатида тутди. Молдий захиралар, табиат бойликлари режалаштирилмаган ҳолда ўзлаштирилди, мислсиз исрофгарчиликларга йўл қўйилди.

Инсон “антропогенлик бегисандлик” касаллигига дучор бўлиб, оқили равишида табиат томонидан белгилаб қўйилган асосий қонуниларга қарши чора-тадбирлар кўрди. Лекин инсоннинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг чек-чегараси ҳам бор. Инсон табиатга нисбатан қилган ҳар бир хатоси учун вақти-вақти билан жазога ҳам тортилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқлар жамиятга ниҳоятда қимматга тушди. Буни биз яшаш даражаси сифатининг ёмонлашгани, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва таназзулга юз тутиши, инсонларнинг табиий эҳтиёжларини қондиришда пайдо бўлаётган тўсиқларнинг кўпайганлигида кўришимиз мумкин. Фан-

техника тараққиётини тўғри назорат этмаслик, табиат ресурсларидан оқилона тежаб-тергаб фойдаланмаслик ва бошқа бир қатор омиллар табиат билан инсон ўртасида ўтиб бўлмас ғовни пайдо қилди. Инсон фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири шу даражада катта хавф туғдирмоқдаки, бугунги кунда инсоннинг келажакда социобиологик тур сифатида сақланиб қолиши ҳам катта сўроқ остида турибди.

Урушдан кейинги даврдан бошлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси нақадар муҳимлигини англаш тенденцияси кучайди. Буни биз БМТнинг шу муаммо юзасидан 1977 йилда Стокгольмда, 1994 йилда Бразилияда бўлиб ўтган махсус конференцияларда атроф-муҳитни қўриқлаш масалаларига катта эътибор берилганлигида кўрамиз. Бундан ташқари, бу муаммонинг муҳимлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик учун бир қатор индустриал жихатдан ривожланган давлатларнинг ҳукуматларида табиатдан фойдаланиш ва табиатни асраш бўйича министрлик лавозимининг ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу муаммони ўрганиш масалаларида Рим клуби ўзининг катта ҳиссасини қўшди. 1972 йилда Д. Медоуз ва унинг касбдошлари Рим клуби топшириғига биноан “Ўсишнинг чегараси” китобини чиқарди. Бу китобда бир қатор масалалар ёритилган ва бу муаммо келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида фикр юритилган.

Воқеалар жараёнини ижобий ҳолатга келтириш учун бу тенденцияларни ўзгартириш ва иқтисодий-экологик стабилликни таъминлаш учун шарт-шароит яратишни ҳисобга олиш керак. Бу эса, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларини, энергия ва саноат ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичларини тартибга солиб туришни, моддий ва энергетик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни, аҳолининг ўсиш даражаси ва моддий бойликларни авайлаб-асраш ва режалаштирилган ҳолда эҳтиёжга қараб истеъмол қилишни ҳамда бошқа шу каби чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутати. Бошқача айтганда, инсоният социобиологик тур сифатида йўқолиб кетмаслиги учун онгли ва реал вазифаларни ўз олдига қўйиши, табиатнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир. Инсон ўзининг табиат олдидagi ўрнини тўғри англаши, агар чегарадан чиқса, қандай оқибатларга олиб келишини доимо эсада тутмоғи лозим. Шу сабабли ҳозирги давргача ҳам қўлланиб келинаётган “Инсон – табиат ҳукмдори”, “Инсоннинг вазифаси – табиатни бўйсундириш” каби шиорларни ўзгартириш ва ўрнига “Инсон – табиатнинг органик қисми”, “Инсон – табиат-

нинг бир бўлаги” деган шиорларга амал қилиш керак. У ўз олдига қўйган мақсадларни табиат қонуниятлари мақсад-моҳиятидан четга чиқмаган ҳолда амалга ошириб бориши керак.

5- §. XXI аср бўсағасида инсоният тараққиётининг асосий натижалари

1. Тигиз дунё эффекти (самараси) ва жамиятни бир хиллаштириш (унификациялаш)

Ҳозирги вақтда биз даврлар алмашилиши бўсағасида турибмиз. Бир тарихий даврнинг тугаши ва янги замонавий дунё тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга кадам қўйиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги даврда жаҳон ҳамжамиятида рўй бераётган жараёнлар мана шундан гувоҳлик бериб турибди. Биринчидан, ахборотлаштириш ёки телекоммуникация инқилоби номи билан илмий техника тараққиётининг янги босқичга ўтиши натижасида дунёнинг иқтисодий ривожланган қисми аста-секинлик билан бўлса-да, ахборотлаштирилган жамиятга айланмоқда. Иккинчидан, евроцентрик дунёнинг тарқалиб кетиши ва уни ўрнига умумжаҳон миқёсидаги янги замонавий жаҳон ҳамжамиятининг шайдо бўлиши. Учинчидан, СССРнинг инкирозга юз тутиши ва икки қутбли дунёга барҳам берилиши, геосиёсий қучларнинг кўп қутблилик қоидаларига асосланган ҳолда сиёсат юргиза бошлашлари. Ҳали шу вақтгача ер юзиде фаолият юргизган бирон-бир цивилизация ҳозирги дунё каби янашсининг турли хил жабҳаларини ташкил қилишида шу даражадаги умумий шаклларга эга эмас эди. Сўз, биринчи гада, иқтисодий ва сиёсат соҳаларида бормоқда. Ҳозирги жаҳон ҳамжамиятининг структуравий қисмларини ташкил этувчи қучларга бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ва демократияга йўналтирилган сиёсий институтларни киргизишимиз мумкин. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодийнинг ёйилиши сиёсий демократиянинг институтлари ва ўйин қоидаларининг татбиқ этилиши билан бир вақтда бўлиб ўтмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, 15–20 йил ичида умумий аҳолиси 3,5 млрдни ташкил этаётган давлатлар гуруҳи радикал ислоҳотлар йўлига ўтишди. Ҳамма жойда евроцентрик цивилизациянинг ташқи атрибутлари: кийиниш ва автомобиль русумлари, кинематография, мусиқа, ягона илмий ва

компьютер тиллари ва бошқалар расм бўлиб бормоқда. Ер шари энга ҳам, бўйига ҳам давлатлар ва халқлар ўртасида бўлиб олинган. Темир йўл, автомобиль магистралари, сув ва ҳаво йўллари узаймоқда ва тармоқлари ортиб бормоқда. Давлатлар ва халқлар орасидаги вақт ва масофалар кўрсаткичлари янада қисқармоқда. Энг чекка ўлкалардаги халқлар, давлатлар ва минтақалар орасида ҳам ўзига хос жипслашув, яқинлашув аломатлари умумжаҳон масштаби даражасида рўй бермоқда. Бу жараёнларнинг сабаб ва оқибатлари сифатида вақтнинг тезлашиб кетаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Оммавий ахборотларни тарқатишда электрон воситаларидан кенг фойдаланиш, сунъий йўлдош орқали амалга ошириладиган алоқалар ва илғор технология ахборотларни дунёнинг хоҳлаган ҳудудига дарҳол сифатли етказиб бера олиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли ер юзида вақтлар орасидаги фарқ йўқолиб бормоқда. Технологик ва саноат инкилобларининг юз бериши, индустрлаштириш ва урбанизация, сўнгра XX асрнинг иккинчи ярмида бошланган фан-техника инкилоби тарихий ва ижтимоий ҳаётнинг тезлашишга ҳам олиб келди. Ўз навбатида, илмий-технологик жараёнларнинг суръатларида ҳам тезлашиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Масалан, агар 70- йилларда илмий ахборот ҳажми ҳар 5–7 йилда икки баробарга ошади деб айтиш расм бўлган бўлса, 80- йилларга келиб ҳар 20 ойда, 90- йилларга келиб илмий ахборотлар ҳажми деярли ҳар йили 2 баробарга, XXI аср бошларида эса илмий ахборотлар кўлами деярли ҳар йили 4 баробарга кўпайди.

Илмий-технологик ва ижтимоий тараққиётнинг ютуғи – бу кўрсаткич жиҳати доимо жипслашиб кетаётган вақтда, деб билиш мақсадга мувофиқдир. Давр ва босқич тушунчалари ўрнини эндиликда “аниқлик” ва “дарҳол” каби категориялар эгалламоқда. Ўтмиш ва келажак “ҳозир”га қоришиб кетмоқда, бу ҳам, ўз навбатида, дарҳол эскириб қолмоқда. Бунинг натижасида “ҳозир” тушунчаси худдики доимо қисқариш жараёнини ўз бошидан кечирмоқда. Сунъий йўлдошлар, замонавий кабеллар, компьютерлар ва факслар ахборотлар окимининг тизлашишига, экспоненциал (даража, кўрсаткич) жиҳатдан тезлашишига олиб келмоқда. Ахборот нафақат тўкин-сочинликни билдирувчи ўлчагичга, балки унинг муҳим таркибий қисмига ҳам айланиб қолди. Ер шарининг турли нуқталарини бир-бири билан боғлаган телекоммуникация тармоқлари вақтни ҳам мағлуб этиш имкониятини очиб бермоқда. Ҳозирги даврга келиб инсон турли хил оммавий ахборот воситалари ёрдамида бир жойда

ўтириб, жаҳонда рўй бераётган турли хил ижтимоий-сиёсий жараёнлардан бохабар бўлиш ва унда билвосита иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ер шарининг ҳамма нуқталарида ягона вақт бирлигига ҳам эга бўлишимизга олиб келмоқда.

Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, телекоммуникация ва ахборот технологиялари ер юзида ягона вақт олами тизимини юзага келтирди, бу тизим орқали исталган ахборотни хоҳлаган масофага дарҳол етказиб бериш имкониятлари пайдо бўлмоқда. Мана шу тизимга асосланган ҳолда кейинги ўн йилликларда ер юзидаги турли хил минтақалар, давлатлар, халқларнинг иқтисодий, экологик, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларида жаҳон ҳамжамияти даражасида жипслашувлар рўй берди. Бу ҳолат жаҳонда бир хил маҳсулотларни истеъмол қилиш ва жаҳон бозорларини ривожлантиришни тезлаштиришдан ташқари, барча давлатларда бир хил турмуш тарзига эришишда катта истикболларни очиб беради. Тўғри, бу ҳолат ҳар бир халқ ва давлатга ҳос анъанавий, маданий, миллий урф-одатларни сақлаб қолишни қийинлаштиради. Шу сабабдан бир қатор давлатларнинг ҳукуматлари тил, маданият ва миллий урф-одатларни химоя қилишни кўзда тутадиган бир қатор тадбирларни амалга оширишни бошлаб юборишди.

Масофалар тобора қисқараётганлиги натижасида ахборот узатиш вақти тезлашгандан тезлашиб кетмоқда, шахсий ва ишга доир алоқалар кўпаймоқда. Қайси тилда мулоқот қилиш масаласи бўйича инқилобий ўзгаришлар амалга ошмоқда. Бир қатор тиллар, жумладан, инглиз тили жаҳон тили мақоми (масалан, авиация) олганини таъкидлаб ўтиш керак. Инглиз тилига асосланган компьютер тили халқлар ўртасидаги мулоқотда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, дунё давлатлари ўртасидаги алоқалар барча муҳим жабҳаларда жипслаштирилмоқда. “Жаҳоннинг ёпилиши” муаммосини таҳлил қилиш чоғида бутунжаҳон цивилизациясининг қайси асосларда жипсашаётганлигини аниқлаш масаласи сўроқ бўлиб турибди. “Бу жараён евроцентристик дунёнинг ва унинг қадриятларининг Ер шаридаги бошқа янги давлат ва минтақаларига тирқашиними?” деган саволнинг моҳиятини англаб олиш керак. Ёки Ўвропа ва Американинг бошқа минтақалар билан синтезими, оддий қилиб айтганда, Ғарб ва Шарқнинг ўзаро синтезими? Ёки Шарқ Ғарбнинг илмий-техника ютуқларини ўзлаштирган ҳолда, ўзига ҳос йўл билан модернизациялашмоқдами? Шу ва шунга ўхшаш саволларга Ғарб дунёсининг вакили бир ёқлама жавоб беришга ҳаракат

килади. Унинг фикрича, бу – Ғарб институтлари ва кадриятларининг Шарққа кириб келиши, Шарқнинг эса, ўз навбатида, ғарбча турмуш тарзини ўз урф-одадларига мослаштириб қабул этишидир.

Бундай қараш Шарқ ва Осиёга нисбатан салбий муносабатларнинг туғилишига олиб келади. Рус тилида “осиёчилик” тушунчасининг пайдо бўлишининг ўзиёқ очикча ҳақорат қилиш ва ерга уриш теңдеишиясини кўрсатиб турибди.

Биринчи галда, цивилизациялар, халқлар ва маданиятларни куйи ва олий, қолоқ ва илғор, яхши ва ёмонга бўлишга қатъиян чек қўйиш керак. Ўзига хослик, бетакрорлик, спецификадаги фарқлар бир томоннинг бошқа бир томондан устунлиги ва илғорлигини кўз-кўз қилиб, тараққиёт йўлига кирган томонларнинг камситилишига олиб келмаслиги керак. Олдин таъкидлаб ўтилганидек, Ғарб дунёси жаҳон ҳамжамиятига кирадиган барча давлатлар учун универсал аҳамиятга эга бўлган, баъзи бир структуравий базаларнинг элементларини ишлаб чиққан. Аммо, вақти келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Европа цивилизациясининг ўзи ҳам антик Греция ва Рим, Қадимги Эрон ва Ўрта Осиё, Ўрта асрлар араб шарқи каби бир қатор цивилизациялар ва маданиятларнинг баъзи бир элементларидан хосил бўлган ўзига хос қоришма цивилизациядир. Сир эмаски, яхудийчилик, насронийлик традицияси бу Яқин Шарқ давлатларининг анъана ва кадриятлари ҳисобланиб, европаликларнинг заминига кўчирилгандир.

Кейинги вақтларда миллатчилик, диний ва маданий фундаментализм, традиционализм ва бошқаларнинг тикланаётганлиги шу ҳолатдан гувоҳлик бериб турибди. Кейинги икки-уч ўн йилликлар давомида турли хил халқларнинг мустақиллик ва ўз ривожланиш йўларини ўзлари белгилаш ҳуқуқидан фойдаланишга имкониятлар бериш борасидаги талаблари кучайиб кетди. XX асрнинг 90- йилларида Чехословакиянинг тинч йўл билан икки мустақил давлатга ажралиб кетиши, Югославиянинг парчаланиб кетишига олиб келган қонли фожеалар, Совет Иттифоқининг таназзулга юз тутиши ва унинг оқибатида ўнлаб янги мустақил давлатларга бўлиниб кетиши юз берди.

Бошқача қилиб айтганда, биз жаҳон ҳамжамиятининг бирлиги ва бўлинмаслигининг органик бирикмасига эга бўлсак, иккинчи томондан эса, марказлар, халқлар, маданиятлар ва динларнинг турли хиллигига эгамиз. Кўп асрлар давомида бир-бирларидан турли хил технологияларни ўзлаштирсалар-да, шу билан бир қаторда, Европа

халқлари ўзларининг миллий ўхшашликларини сақлаб қолишди. Айнан шу ҳолат уларга ягона Европа цивилизациясига аъзо бўлишга тенг имкониятлар очиб берди. Шу билан бир вақтнинг ўзида, француз, итальян, испан ва бошқа халқларнинг ҳар бири умумий ишга ўзига хос ва бетакрор ҳисса қўшишди. Шарқ халқлари ҳам ҳар бири шаклланаётган умумжаҳон цивилизациясига ўзига хос ва бетакрор ҳисса қўшиб, ўзларининг миллий ўхшашликларини сақлаб қолишлари табиий.

Шу нуқтаи назардан, Шарқ органик маданиятининг демократия билан қўшилиб кета олиши тўғрисидаги масала катта қизиқиш уйғотмоқда. Агар демократиянинг маъёрлари, талаблари ва кадриятларининг асл моҳиятини тўғри англай оلسак, унинг принципларида, жамоа ва яқкалик ўртасида, ҳамдардлик ва эгоизм ўртасида азалдан бозор муносабатларига ҳукумат аралашувининг йўқлигини тушуниб етамиз. Масаланинг бу контекстида Япония ва Осиё-Тинч оксани минтақасидаги айрим давлатларнинг тажрибалари катта қизиқиш уйғотади. Ғарбдан фарқли ўлароқ бу ердаги гуруҳ алоҳида олинган индивиддан муҳимроқдир. Бу ерда урғу шахснинг ўз-ўзини чеклашига, давлат, корпорациялар ва жамоаларнинг манфаатларининг ўз манфаатларидан устун қўйилишига эътибор берилган. Шу нуқтаи назардан, корхоналарни бошқаришда Япония моделининг ўзига хос хусусиятлари ўрнатқуч бўладиган даражада муҳим аҳамият касб этади. Фирманинг барча аъзолари мажбурият ва масъулиятлар билан ўзаро боғланган. Бу мажбурият ва масъулиятлар нафақат ишчи ходимларга, балки корхона раҳбарларига ҳам тааллуқли бўлиб, улар “катта ака” сифатида ўзига тобе ходимларга ғамхўрлик қилишга эътибор беради.

Шу ва шунга ўхшаш ҳолатлардан Ғарб кадриятлари, маъёр ва дастурларининг кўр-кўрона тарзда Шарқ жамиятига кўчирилиши ҳақидаги тезиснинг ғайриқонуний эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Япония, Жанубий Корея ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги айрим давлатлар ўзларининг анъанавий кадриятларини ҳурмат қилганликлари туфайли, анъанавий маданиятларининг кўпгина элементларини сақлаб қолган ҳолда иқтисодийни модернизация қилиш ва техноген цивилизациясининг ютуқларини ўзлаштиришга муваффақ бўлганлар. Бошқа кўпгина ғарбий бўлмаган давлатлар ва халқларнинг ҳам шу йўлдан боришлари ёки боролмасликлари тўғрисида ҳозирча бирон нарса дейиш қийин.

II БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА АНГЛИЯ

1- §. Буюк Британиянинг маъмурий-худудий бошқарув тизими

Буюк Британиянинг умумий ер майдони – 244 046 квадрат км. Аҳолиси – 60 149 000 киши (2006 йил); давлат тили – инглиз тили (галл тили); пул бирлиги – фунт стерлинг.

Сиёсий тузуми – чекланган монархияли демократик республика; давлат бошқаруви – Парламентар-республика. Давлат бошлиғи – Қиролича Елизаветта II (1952 йил 6 февралдан); ҳукумат бошлиғи – Бош Вазир. Муомалада оддийгина “Англия” деб юритиладиган бу давлатнинг аниқ номи Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма қироллиғи бўлиб, унинг таркибига, асосан, Англия (майдони – 130,3 минг кв км), Уэльс (20,8 минг кв км), Шотландия (78,8 минг кв км) ҳамда Шимолий Ирландия (14,1 минг кв км) киради. Буюк Британия ҳамдўстлик маркази бўлиб, илгари мустамлака бўлган 53 давлатни бирлаштиради. Парламент Лордлар ва Жамоалар палатасидан иборат. Асосий партиялари: Лейбористлар партияси, Экокс миллатлар-варлар партияси, Яшиллар партияси.

Иқтисоди – эркин бозор иқтисоди; ялпи ички маҳсулот – 1,818 млрд доллар. Аҳоли жон бошига – 27 461 доллар; йиллик ўсиш – 2,5 фоиз.

Парламент ва унинг ваколатлари

1648 ва 1689 йилги инкилоблардан сўнг, Стюартлар династияси (1603–1714) ўз мавқеини йўқота бошлади. Унга қарши ўлароқ Парламентнинг роли тобора кучая борди. Ўша даврдаёқ Парламент юқори – Лордлар ва қуйи – Жамоалар палатасидан иборат эди. Парламент ҳаётида етакчи роль ўйнайдиган Лордлар палата-

си меросхўрлар ва қирол томонидан тайинланадиган зодагонлар, пэрлар ва лавозими бўйича пэр бўлганлардан иборат эди. Жамоалар палатаси эса катта қишлоқ ва шаҳарларнинг вакиллари бўлган буржуазия ва кавалерлардан ташкил топиб, давлат солиқ сиёсатига қонунлар ишлаб чиқиш жараёни орқали иштирок этиш ҳуқуқини аллақачон қўлга киритган эдилар. 1968 йилдан инглиз Парламенти янги ривожланиш палласига кирди. Шу вақтдан эътиборан ҳукумат вазирларига Жамоалар палатаси томонидан бериладиган ишончсизлик – импичмент ҳавфи пайдо бўлиши билан, яқдил истеъфо бериш амалиёти одат тусига кира бошлади. Унга қадар вазирлар алоҳида тартибда Жамоалар палатаси томонидан айбланар, Лордлар палатаси томонидан эса ҳукм қилинар эди. Эндиликда Бош Вазир бошчилигидаги маҳкама – Кабинет қирол олдида эмас, балки Жамоалар палатаси ҳузурида сиёсий жавобгар бўлиб қолдилар. 1832, 1865, 1872, 1884 йилларда Парламент сайлов тизими ислоҳ қилинди: умумий тўғридан-тўғри овоз бериш тартиби қабул қилинди, овоз бериш кафолатлари мустаҳкамланди. 1918 йил эса аёллар ва эркаклар ўртасида тенг сайлов ҳуқуқи жорий этилди. 1911 ва 1949 йилги Парламент ҳужжатлари (Парламент акти) қонун чиқарувчи ҳокимият ҳаётига бир қатор янгилик олиб келади ва шу тариқа замонавий инглиз Парламенти шаклланди.

Ҳозирга келиб мамлакат сиёсий тузумига кўра чекланган монархиядир. Монарх – Қирол ёки Қиролича, қондага кўра, сиёсий ҳаётда бетарафдир. У давлат бошлиғи ҳисобланса-да, рамзий ҳокимиятга эга. Бош Вазирни тайинлайди, бироқ Бош Вазир Парламент кўнгиллиги томонидан сайланади.

Лордлар палатаси тахминан 1200 нафар аъзодан иборат. Уларнинг бир қисми дунёвий меросхўр лордлар, яна бир қисми руҳоний лордлар бўлса, бошқа қисми эса 1958 йилдан бошлаб қирол томонидан тайинланадиган умрбод пэрлардир. Амалда 200 нафар атрофидаги лордлар палата ишларида доимий иштирок этадилар, холос. Палата Кабинет – ҳукумат устидан ҳеч қандай назорат ҳуқуқига эга эмас. Бунинг устига, 1911 ва 1949 йилги Парламент тўғрисидаги ҳужжатларнинг қонунчилик ваколатларини ҳам анча чеклаб ташлади. Жамоалар палатаси томонидан қабул қилинган қонун лойиҳалари Лордлар кўнгиллигига учраган ҳолатда ҳам, энг кам билан бир йилдан сўнгра қабул қилинадиган навбатдаги сессияда қабул қилиниши мумкин. Чунинчун, Лордлар палатаси муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган қонун

лойиҳалари бўйича Жамоалар палатаси билан рақобатдан ўзини саклайди. Шунингдек, унинг молия-бюджет соҳасидаги ваколатлари ҳам 1911 йилдан эътиборан чекланди. Унинг муносабати қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар ойнинг бошида қабул қилинадиган лойиҳалар дахлсиз ва ҳал қилувчи ҳисобланади. 1958 йил 30 апрелда қабул қилинган Умрбод пэр унвонини олишга ваколат берувчи ҳужжатга асосан, қирол томонидан Умрбод пэр унвонига эга бўлган шахсларгина Лордлар палатасига қатнашиш, унинг мажлисларида иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Шу билан бирга пэрлар баронлик ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Жамоалар палатаси ҳозирги Парламент тизимида мутлоқ устивор мавқега эга. Барча қонун лойиҳалари мазкур палата томонидан овоз бериш асосида қабул қилинади. “Оммавий қонунлар” деб аталадиган лойиҳалар, келиб чиқишига кўра, ҳуқуқат ёки Парламент лойиҳалари бўлиши мумкин. Бу дегани қонунчилик ташаббуси ҳам Парламентга, ҳам ҳуқуқатга тегишлидир. Палата молиявий ҳокимиятга – ҳамён ҳуқуқига ҳам эга. Бироқ молия-бюджет соҳасида кредит очиш ва харажатларни молиялаштиришга қаратилган қонунлар овоз бериш билан қабул қилинса-да, палата бу соҳада ташаббус ҳуқуқига эга эмас. Бюджет соҳасидаги дебатлар ҳам қатъий чегараланган: бор-йўғи 29 Парламент сеанси кредитлар очиш масаласига бағишланади. Ниҳоят, Жамоалар палатаси ҳуқуқат устидан назорат қилиш ҳуқуқидан фойдаланади ва уни сиёсий жавобгарликка тортиши мумкин. 1924 йил содир бўлган бундай ҳолат 1979 йил яна бир бор қайта такрорланган.

Палата, даставвал, ўз раиси – спикерни 5 йил муддатга сайлайди. Гарчи янги Парламент сайловларида сиёсий таркиб ўзгарса-да, муайян шахс иккинчи марта раисликка сайланиши мумкин. Спикер Парламент фаолиятининг бир бутунлигини таъминлайди. Ҳар қандай қонун Жамоалар палатасида қабул қилинган, айнан спикер томонидан имзоланган илова билан бирга қиролга топширилади. Спикер бу гувоҳномани топширишдан олдин, агар иложи бўлса, палатанинг икки аъзоси билан маслаҳатлашиб олади.

1978 йил 20 июлда қабул қилинган Жамоалар палатасини бошқариш тўғрисидаги ҳужжат палата фаолиятининг ички тартибини белгилайди. Жамоалар палатаси комитети спикер, Жамоалар палатасининг етакчи лидерлари, палатанинг муҳолифат етакчисидан иборат бўлиб, Парламентнинг барча ташкилий вазифаларини бажаради. Чунончи, Парламент тўғрисидаги ҳужжатнинг 2- моддасига асосан, “комитет палата хизматларининг барча ходимларини тайин-

лайди ва уларнинг сонини, уларга ҳақ тўлаш ва бошқа шартларни, шунингдек, уларнинг хизмат мақомини белгилайди”.

Парламент деярли бир йил давом этадиган сессияларда иш кўради. Бўлиб ўтган ва янги сессия ноябр ойидаги бир неча кунлик танаффус билангина ажралиб туради, бироқ палаталар сессияни кечиктиришлари мумкин. Шундай қилиб, амалда Парламент олти ой давомидагина тўпланади ва иш кўради. Ҳар бир сессия Бош Вазирнинг асосий нутқи билан бошланади. Шу орқали ҳукумат раҳбари ўзининг асосий мақсадлари ва режаларини баён қилади. Шундан сўнг мазкур маърузага жавоб тариқасида Мурожаат овозга қўйилади ва қабул қилинади. Шу аснода асосий сиёсий Дастур хусусида дебат – баҳс бошланиб кетади. Парламент сеансларига келсак, унда ҳукуматнинг Парламент депутатлари томонидан берилган оғзаки саволларга жавоб бериши асосий ўрин эгаллайди. Ҳафтанинг биринчи тўрт кунда бўлиб ўтадиган сеанслар бошида роппа-роса 45 дақиқа вақт оғзаки савол-жавобларга берилади ва бу катъий назорат қилинади.

“Лордлар палатаси ва Жамоалар палатаси ваколатлари ўртасида муносабатларни аниқлаш учун ҳамда Парламент ваколатлари муддатини чеклаш учун Парламент тўғрисида”ги 1911 йилги ҳужжатда ваколатлар тақсимоти масаласи ўз аксини топган. Яъни мамлакатда ёзма конституция мавжуд эмаслиги боис, мазкур муаммо ушбу қонун билан тартибга солинган.

Ҳужжатнинг 1- моддасига асосан, Жамоалар палатаси қабул қилган молиявий қонун сессия тугамасдан бир ой олдин Лордлар палатасига юборилади. Кейинги бир ой ичида Лордлар палатасининг тузатишларисиз қабул қилинмаса ҳам, қирол маъқуллаши билан у Парламент ҳужжати бўлиб қолади. 1- модданинг 2- банди эса молиявий қонун тушунчасига аниқлик киритади: солиқлар солиқини белгилаш, бекор қилиш; қўшимча, ўзгартишлар киритиш ёки тартибга солиш; жамғармалардан маблағ ажратиш, ўзгартириш ва бекор қилиш; кредитлар очиш ва эҳтиёт жамғармалар ҳосил қилиш каби соҳалардаги қонунлар шу маънода кўзда тутилган. Ҳужжат Лордлар палатасининг номолиявий (оммавий) тарздаги билларга (қонун лойиҳаларига) нисбатан ваколатларини ҳам Жамоалар палатаси фойдасига қисқартиради.

Эндиликда, агар оммавий қонун Жамоалар палатаси томонидан кетма-кет учта сессияда овозга қўйилиб, тасдиқланса ва ҳар гал Лордлар палатасига ками билан сессия тугашидан бир ой олдин

юборилган бўлса ва ҳар гал палата томонидан рад этилган бўлса, шундан сўнг Жамоалар палатаси қарори билан қиролга тақдим этилади. Қироллик маъқуллаши билан, Лордлар палатасининг розилиги йўқ бўлишига карамай, у Парламент ҳужжати бўлиб қолади.

Парламент ва ҳукумат

Миллий сиёсатни олиб боровчи ҳукумат ҳокимиятнинг асосий бўгини ҳисобланади. Ҳукумат бошлиги эса, ўз навбатида, Жамоалар палатасида кўпчиликни ташкил этган сиёсий партия лидери бўлиши шарт. Қабул қилинган қоидага асосан, сайловларда ғолиб чиққан партия лидери Бош Вазир этиб тайинланади. Бу борада қироллик танлаш имкониятига эга эмас. У ўз ҳукуматини ташкил этади ва унинг фаолиятини бошқаради. Агар Бош Вазир мандати тугамай истеъфога чиқса, унинг ваколатини ўша партиянинг бошқа бир лидери Бош Вазир сифатида давом эттириш мумкин. Бу қоида янги ҳукумат эндигина истеъфо берган бўлса ёки Парламент ваколати тугаш арафасида бўлмаган ҳолатдагина амал қилади. Демак, партия ҳукумат шаклланишида ва унинг фаолияти давомийлигида ҳам катта роль ўйнайди. Партия етакчиси Бош Вазир этиб сайланиши ва тайинланиши учун, аввало, ўз партияси ичида етарли мавқега эга бўлиши керак. Лейбористлар партиясида бу катъий қоида ҳисобланади. Консерваторлар партиясида эса ўзгача ўзига хослик мавжуд бўлиб, бу, айниқса, Бош Вазир истеъфоси масаласида яққол намоён бўлади. 1955 йилги Парламент сайловларида ғолиб чиққан консерватор А. Эдем 1957 йил январда истеъфо беришга мажбур бўлгач, партиянинг нуфузли таъсир остида Х. Макмиллан Бош Вазир этиб эътироф этилган. 1990 йил ноябрда ўз партияси томонидан биринчи босқичда қайта сайланмагани боис М. Тетчэр хоним Бош Вазир вазифасидан озод этилган эди. Унинг ўрнини, партия Низоми қоидаларига кўра, Ж. Мейжор эгаллади. 1995 йил партия ичидаги низолар туфайли у истеъфо берди, қайтадан ўз номзодини илгари сурди ва яна партия лидери этиб сайланди. 1997 йил майдаги Парламент сайловларида лейбористлар партияси ғалаба қозониши билан, унинг лидери Т. Блэр ҳукумат тепасига келди.

Бош Вазир ўз Маҳкамаси – Кабинетни тузади. Кабинет бир неча юзлаб аъзоларни бирлаштирган кўп сонли ҳукумат команда-

си бағридаги жуда муҳим ва оз сонли тузилмадир. Унинг таркибига портфелсиз вазирлар, депортаментларга бириктирилган вазирлар, динлаг котиблари, ёрдамчи давлат котиблари, Парламент котиблари ва кўпгина етакчи мухолифлар киради. Бош Вазир ҳукумат аъзоларини ўзи тайинлайди ва вазифаларидан озод этади. Жамоалар палатасининг кўпгина аъзолари ҳам ҳукуматга кириши мумкин. Ҳукумат таркибида ҳатто лордлар ҳам учрайди. Парламент сайловларида бир неча партия иштирок этса-да, кескин рақобат, асосан, асосий икки партия орасида кечади.

Сиёсий партиялари

Икки партиявийлик тизими Англия ҳаёти учун тарихий ҳодисадир. XVIII асрда Торилар ва Виглар партияси, XIX асрда консерваторлар ва либераллар (1880–1894 йиллар), Бош Вазир У. Гладстон даврида Либераллар партияси гоят кучайди. Ниҳоят, XX асрда Консерваторлар ва Лейбористлар партияси сиёсий ҳаётда асосий куч бўлиб майдонга чиқди. 1917–1937 йиллар Англия тарихига уч партиявийлик даври бўлиб кирди.

Парламент сайловлари бир босқичли мажоритар тизимда бўлиб ўтади. Партиялар голиб бўлиши учун мутлоқ кўпчилик овоз олишлари шарт эмас. Энг кўп овоз олган партия энг кўп ўринни қўлга киритади, бироқ бунинг учун у бутун мамлакат бўйлаб барча сайлов округларида бирдек кўпчилик овозга эга бўлиши керак. Масалан, 1951 йилги сайловларда консерваторлар 13 713 000 овоз олиб (48%), 312 ўринни (51,35%) ишғол этган бўлсалар, ундан кўпроқ — 13 948 000 (48,80%) овоз олган Лейбористлар партияси эса Парламентда 295 ўринни (47,20%) эгаллай олган, холос. Баъзан партиялар Парламентда мутлақ кўпчиликни ташкил этмасликлари ҳам мумкин. Масалан, 1974 йилги сайловларда консерваторлар 635 ўридан 296 та (46,60%), лейбористлар эса 301 та (47,40%) ўринни қўлга кириши билан чекланган. Яъни ҳар икки партия Парламентдаги 50 фондин кам ўринга эга бўлганлар. Умуман, аксинча ҳолат 1945 йилдан бери кузатилмади.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган асосий сиёсий партиялар қуйидагилар:

Консерваторлар партияси. Анъанавий қарашлар ва эътиқодлар тарафдорлари бўлган 500 мингдан зиёд аъзоларни ўзида бирлаштириди. Партияга аъзолик барча учун очик. Партия лидери 1974 йилда

ўзгартирилган Низомга мувофиқ Парламент гуруҳи томонидан уч босқичда сайланади.

Лейбористлар партияси. 300 минг атрофида аъзоларга эга. Партияга қасаба уюшмалари орқали жамоа бўлиб ва яқка тартибда аъзо бўлиб киришлари мумкин.

Либерал-демократлар партияси. Виглар партиясининг давоми. 1974 йилдан бошлаб сиёсий ҳаётда яна кучая бошлади. Парламент сайловларида 2- ва 3- ўринни эгалламоқда.

Регионал партиялар. Уэлстр Игтифокчилар партияси. Экокс миллатпарварлар партияси, Британия Миллий партияси каби тузилмалар регионларда катта таъсирга эга ҳисобланади.

Партиялар сонидан қатъи назар, бипартизм (икки партиявийлик) Буюк Британия сиёсий ҳаётининг ўзига хослигини ифода этади. 1970–1979 йиллар Парламент инқирози даври бўлди. 1979 йилдан эса икки партиявийлик тизими яна тикланди ва бу сиёсий ҳаётнинг қайта жонланишига сабаб бўлди. 1979 йилдан 1997 йилга қадар қарийб 18 йил Консерваторлар партияси ҳокимият тепасида бўлди. 1997 йилдан Лейбористлар партияси давлат жиловини қўлга олдилар ва 2007 йил ёзида Парламентга сайловларда Лейбористлар партияси яна ғалаба қилди ва Гордон Браун ҳукуматга бош бўлди. 2010 йил Парламентга сайловларда консерватор Девид Камерон Бош Вазирлик лавозимини эгаллади.

Сиёсий ҳаётдаги яна бир ўзига хослик – Бош Вазир ўз партияси билан келиша олмай қолиши мумкин. Бундай ҳолатда унинг истеъфо беришдан бошқа иложи қолмайди. 1976 йил лейборист Х. Вильсон, 1990 йил консерватор М. Тэтчер шу сабабга кўра истеъфо берган эди.

Бугунги кунга келиб Буюк Британия Парламенти ислохотлар бўсағасида турибди. 1997 йил Лейбористлар партияси ҳокимият тепасида экан, Лордлар палатасини ислох этишга қаратилган бир неча таклифларни олға сурган эдилар. Улардан кўзланган мақсад палата аъзолигидаги ворисийлик тамойилини бекор қилиш, 750 нафар меросхўр лорд ўрнига, 92 нафар сайланган лорд қабул қилиш ва шу билан меросхўрлар палатаси ўрнига сайланган ёки тайинланган палата барпо этишдан иборат. Натижада Парламентни демократиялаштиришга қаратилган ислохотлар босқичи кўп асрлик тадрижга яқун асайди.

2- §. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Буюк Британия

1945 йилги Британия инқилоби

Иккинчи жаҳон уруши Буюк Британия иқтисодиётига катта зарар келтирди. Ишлаб чиқариш ҳажми 10% га камайиб кетди. Уруш пайтида инглиз корхоналаридаги асбоб-ускуналар батамом эскирди, техник тараққиёт секинлашди. Хомашё захиралари тугади, айниқса, саноатнинг анъанавий соҳаларида ишлаб чиқаришнинг ўта пасайиши кузатилди (қоғоз саноатида 50% га, кўмир казиб олиш 16% га, пойабзал ишлаб чиқариш 13% га). Мамлакатнинг давлат қарзлари 1,2 млрд фунт стерлингдан (1939 й) 23,7 млрд фунт стерлингга (1946 йилда) ошиб, шундан 3 млрд фунт стерлинг ташқи қарзни ташкил этди. АҚШ томонидан берилган ҳарбий техника ашёларни ўлаш учун Буюк Британия ўзининг хорижга қўйган маблағлари мисобидан 1000 млн фунт стерлинг маблағини АҚШга беришга мажбур бўлди. Уруш йилларида Буюк Британиянинг савдо экспорти кескин камайди. 1938 йилда Буюк Британиянинг савдо экспорти ҳажми 417 млн фунт стерлинг миқдорига баҳоланган бўлса, 1944 йилга келиб бу кўрсаткич 266 млн фунт стерлингга ташкил этди. Савдо флотининг катта қисми бой берилган эди. Уруш йилларида ҳалок бўлган фуқароларнинг учдан бир қисмини балиқчилар ва савдо-сотик билан машғул бўлган денгизчилар ташкил этди. Мустамлакалар билан муносабатларда Метрополия билан биргаликда уруш қийинчиликларини баҳам кўрган Британия доминионлари ўзларининг иқтисодий ва сиёсий мустақилликларини талаб қилиш борасида тобора фаоллашиб бормоқда эдилар. Мустамлакаларда миллий озодлик ҳаракатлари кенг ёйилиб бораётган эди. Араб Шарқи ва Жануби-Шарқий Осиё бозорларидан фойдаланиш ниҳоятда қийинлашгани туфайли, унинг жаҳон экспортидаги улуши 1937 йилда 11,3% дан 1947 йилда 9,8% га тушиб қолди. Мамлакат савдо балансидаги танқислик Буюк Британия иқтисодиётининг сурункали муаммосига айланиб қолди.

Умуман, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Буюк Британия ўз миллий бойлигининг 25% ини йўқотди. Аммо Ғарбий Европа мамлакатлари ичида у энг ёмон ҳолатда эмас эди. Уруш қурбонлари сони Биринчи жаҳон уруши йилларидагидан деярли тўрт марта камроқ эди: ўлганлар – 245 минг киши, ярадорлар – 278 минг киши, бедарак

йўқолганлар 53 минг кишини ташкил этди. Олмон бомбардимонларидан кейинги талофатлар қитъа мамлакатларидаги ер билан яқсон қилинган жойларга нисбатан анча кам эди. Буюк Британия 30- йилларда ташқи сиёсатда йўл қўйган ҳатолари асоратларини бартараф этиб, урушдан кейинги дунё тақдирига таъсир кўрсатадиган ғолиб мамлакатлар сафига қўшилди. Матбуот вакиллари томонидан “Британ инқилоби” деб аталган 1945 йилдаги сиёсий ҳолат қутилмаган ҳодиса бўлди.

Ҳали жаҳон уруши тугамасдан, ҳукуматнинг Парламент сайловларини ўтказишга уринишининг бир қанча сабаблари бор эди. Ҳукумат ҳали ҳам 1935 йилдаёқ сайланган Парламент кўлида эди. Уруш шароити ҳисобга олиниб, унинг ваколати узайтирилган эди, аммо Европада уруш тугагандан кейин, сайловларни кечиктиришга ҳожат йўқ эди. Ҳукуматнинг ўзи фавқулодда характерга эга эди. Унинг раҳбари У. Черчилл ўзининг шахсий шон-шухрати ва уруш йилларида насиб этган чексиз ҳокимиятга эга бўлишига қарамай, ўзини миллатнинг тўла ҳуқуқли вакили деб ҳисоблай олмас эди. Уруш йилларида Черчилл ҳукумати таянган консерваторлар, лейбористлар ва либераллар коалицияси миллатнинг бирлашувида муҳим роль ўйнади. Аммо тинчлик қурилиши даврига ўтгандан кейин илгариги партиялар ўртасидаги қарама-қаршиликлар бу коалициянинг парчаланишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун Черчилл қулай психологик шароитдан усталик билан фойдаланиб, “ғалаба чўққисидан” бўлган вақтда сайлов ўтказишга ҳаракат қиларди.

1945 йил 18 майда у лейбористлар партиясига ульгиматум характерига эга бўлган таклифни жўнатди. Унда лейбористларга Япония билан уруш тугагунча коалиция таркибида қолиш (бу Черчиллнинг шахсий раҳбарлигини тўла тан олишни билдирарди) ёки навбатдан ташқари сайловлар ўтказиш учун ҳукуматни тарк этиш таклиф қилинган эди. Лейбористлар партияси Ижроия Кўмитаси сайловларни кузда ўтказиш ва унғача коалициянинг олдинги таркибини сақлаб қолишни таклиф қилди. Шунга қарамасдан, Черчилл 1945 йил 23 майдаёқ истеъфога чиқишини маълум қилди ва қиролдан Парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юборишни сўради. Қиролнинг тошшириғига кўра, у “ўтиш даври ҳукумати”ни тузди. Бу ҳукумат 5 июлга мўлжалланган Парламент сайловларигача фаолият кўрсатди. Консерваторларнинг сайловолди ташвиқотлари марказида ўз раҳбари машҳурлигидан фойдаланиш тузар эди. Черчилл “урушда ғалаба қилган одам” ва “ишни тугатиш керак бўлган ягона одам”

сифатида тарғиб қилинди. Сайловчиларга қаратилган мурожаатлар антилейбористик ва антисовет шиорлар билан бойитилган эди. 4 июлдаги Черчиллнинг радио орқали биринчи сайловолди чиқиши шов-шувли характерга эга бўлди. “Бирорта социалистик тузум сиёсий полициясиз барпо этилиши мумкин эмас, — уқтирарди Черчилл. — Агар сайловда лейбористлар галаба қилса, Англияда гестапо ташкил қилинади...”. Унинг нутқларида мухлифат раҳбарлари тўғрисидаги ҳақоратомуз гаплар ҳам кам эмас эди.

Лейбористлар партияси сайловолди ташвиқотларни анча фаолроқ олиб борди. Лейбористларнинг Ижроия Қўмитаси Британияда иқтисодий ва ижтимоий соҳани қайта қуришга қаратилган кўп сонли лойиҳалар тайёрлади. Бу лойиҳаларнинг асосий мақсади давлат бошқарувини кучайтириш ва жамиятнинг барча вакиллари фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат эди. Лейбористлар дастури ўзининг сиёсий радикализи (кескинлиги) билан ажралиб турарди. Лейбористлар ўзларини “социалистик партия” деб аташар ва “бу билан фахрланиши” ҳамда асосий мақсадлари “Буюк Британия социалистик ҳамдўстлигини” ташкил этишдан иборатлигини баён қилишарди. Лейбористлар дастурида барча соҳаларда, жумладан, уй-жой қурилиши, ижтимоий сугурта, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларида фаол ижтимоий сиёсат юритиш кўзда тутилган эди. Дастурнинг ташқи сиёсатга оид қисми лейбористлар партиясининг халқаро саҳнада тинчликни сақлаш тамойилларини қўллаб-қувватлашини тарғиб қиларди. 5 июль 1945 йилдаги сайлов натижалари жуда қутилмаган ҳодиса эди: лейбористлар нафақат галаба қозонишди, балки Жамоалар палатасида ҳам илк бор мутлақ кўпчиликни ташкил этишди.

К. Эггли ҳукуматининг ички сиёсати

Клемент Эггли учинчи бор ҳокимият тепасига келган ва илк бор Парламентда кўпчиликни ташкил этган лейбористик ҳукуматни бошқарди. У “ўнлар” ва “сўллар” ўртасидаги энг мақбул муносабатни ўрнатиб, партиянинг энг обрўли кишиларини ўз атрофида тўплашга муваффақ бўлди. Ҳукумат таркибига жуда тажрибали ва маҳоратли сиёсатчилар жалб қилинди.

Урушдан кейинги иқтисодиётни тиклаш ва қайта қуриш режаларини амалга ошира туриб, Эггли ҳукумати бир қанча энг мураккаб муаммоларга дуч келди. Хомашёнинг доимий танқислиги ишлаб

чиқариш турғунлигининг бир жойда депсиниб туришига олиб келди. Озиқ-овқат захиралари тугаш арафасида эди. 1954 йилгача асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, бензин ва энг зарур моллар аҳолига карточкалар ёки меъёр асосида тарқатилди. Эҳтиёж моллари бозори аҳолининг харидорлик қобилиятининг пасайиши таъсирида котиб қолган эди. Лейбористлар бу муаммоларнинг ечимини иқтисодиётда режалаштиришни кенг жорий этиш ва давлатнинг ижтимоий дастурларни қабул қилишида деб ҳисоблади. Давлат бошқарувининг асосий соҳалари транспорт, кўмир, пўлат куйиш саноати ва энергетика бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида 1947 йилда ҳукумат тўрт йиллик кишлок хўжалигини ривожлантириш дастурини қабул қилди. Бу дастурда минимал нархларни музлатиш ва майдонларнинг ҳосилдорлигини ҳамда чорвачилик самарадорлигини ошириш учун фермерларга субсидиялар (пул маблағлари) бериш кўзда тутилган эди. Ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий қисми иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларини миллийлаштиришдан иборат бўлди. Бу йўналишдаги биринчи жиддий қадам 1946 йил февралда қўйилди, яъни Инглиз банки миллийлаштирилди. 1946 йилдан 1948 йилгача бўлган даврда темир йўллар, фуқаро авиацияси, транспорт, кабель ва телеграф алоқаси ҳамда кўмир қазиб олиш ва электротехника саноати давлат мулкига айлан-тирилди. 1948 йилда ҳукумат газни, 1949 йилда темир ва пўлат ишлаб чиқаришни миллийлаштиришга розилик олди. Бу сиёсат натижасида давлат сектори ўз кўлида саноатнинг 20% ини бирилаштирди.

Лейбористлар ҳукумати ижтимоий сиёсат бобида катта фаолият кўрсатди. 1927 йилдаги “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонун бекор қилинди ва уларнинг норозилик намоишлари ўтказишга бўлган ҳуқуқлари тикланди. 1946 йилда қонунлар пакети қабул қилинди ва унга Миллий суғурта Акти, Саноат ходимларини химоя қилиш Акти ва Миллий соғлиқни сақлаш Акти кирарди. 1948 йилда пакет Миллий қўллаб-қувватлаш вазирлигини яратиш тўғрисидаги ҳужжат билан тўлдирилди. Бу қонуларга кўра, барча аҳолига қарилик нафақасини (эркакларга 65, аёлларга 60 ёшдан кейин ва ишсизлик нафақасини тўлаш), касаллик, ҳомиладорлик, ўлим ҳолатларида моддий ёрдам бериш кафолатланган эди. Суғурта фондлари суғурталанганларнинг тўловлари (35%) ҳамда тадбиркорлар тўловлари ва давлат томонидан молиялаш ҳисобидан шаклланди. Ислохот натижасида жами давлатнинг ижтимоий суғурта харажатлари 2,5 баробар кўпайди.

Миллий сиҳат-саломатлик Актига кўра, аҳолига бепул тиббий

Ёрдам кўрсатиш жорий қилинди, соҳанинг ягона бошқарув тизими ташкил қилинди. Аҳолига дори-дармонлар, протез ва кўзойнақларни бепул тарқатиш кўзда тутилди. Мамлакатда 2 миллиондан ортиқ муниципал (шаҳар) уйлар қурилди. Давлат уй-жой нархларининг уруш давридаги қийматини ушлаб туриш йўли билан ижара тўлови ҳажмини қатъий назорат остига олди. 1947 йилдаги шаҳар ва қишлоқларни режалаштириш тўғрисидаги Актга кўра, Шаҳар ҳокимият органлари уларга топширилган объектларни ривожлантириш режаларини тузишлари керак эди.

Таълимни ислоҳ қилиш лойиҳаларининг кенг муҳокама қилинишига қарамасдан, лейбористлар 1944 йилда “Миллий ҳукумат” томонидан қабул қилинган “Батлер қонуни”га бирор-бир ўзгартиш киритмади. Унга кўра, Буюк Британияда уч йўналишли таълим тизими жорий қилинган эди (замонавий ўрта мактаблар, грамматик ўрта мактаблар ва техник ўрта мактаблар). Таълим тизимининг бу бўлимларининг ҳаммасида ҳам давлат, ҳам хусусий ўқув юртлари фаолият кўрсатарди. “Батлер қонуни” “кўнгилли мактаблар”ни ҳам қонунийлаштирган эди. Бу мактаблар, асосан, кўнгилли тўловларга таянадиган диний мактаблардан иборат эди. 1944 йилдаги Акт ижрочи ҳукумат ва меҳнат бошқарув органларига бу соҳани бошқаришда катта ваколатлар берарди. “Батлер қонуни”га кўра, ўқувчиларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш жорий қилинган эди. Уни тўлдирувчи ягона қонун 1947 йилда чиқди. Унда мактабни туратиш ёши узайтирилган эди. Энди болалар мактабни 15 ёшда туғатар эдилар.

Лейбористлар ҳукуматининг фаолияти 1948 йилдаёқ урушдан олдинги иқтисодий ривожланиш даражасига ва мамлакатдаги ижтимоий ҳолатни анча барқарорлаштиришга эришишга имкон берди. Санаят маҳсулотининг йиллик ўсиши 6% ни ташкил этди. 50- йилларнинг бошига келиб ишлаб чиқариш кўрсаткичларни 1937 йилга нисбатан 1/3 баробар ўсди. Лекин кенг давлат бошқарувиغا кескин ўтилиши хусусий тадбиркорлик фаолиятини қийинлаштирди ва бу соҳага киритилаётган сармояларнинг қисқаришига олиб келди. Ҳукуматнинг ўзи ўз дастурларини маблағ билан таъминлаш борасида қийинчиликларга дуч кела бошлади. Пассив савдо баланси, импортга боғлиқликнинг ошиши, ҳарбий қарзларнинг тўланиши валюта захирасининг кескин камайишига олиб келди. Шу билан бирга, истеъмоя моллари таклифининг чегараланиши ўсаётган пул массаси билан биргаликда, кучли инфляцияга мойилликни келтириб

чиқарди. Ўз навбатида, инфляция инвестиция бозорига қақшатқич зарба берди ва саноат ишлаб чиқариши йўлидаги енгиб бўлмас тўқмоққа айланиб қолди.

1945 йилдаёқ Буюк Британияда молиявий тизимнинг ишдан чиқиш хавфи яққол бўлиб қолганди. Август ойида АҚШ ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ленд-лиз бўйича маҳсулот киритишни тўхтатиб қўйди. Энди Буюк Британия импорт тўловларни долларда амалга ошириши керак эди. Бунинг учун етарли валюта захиралари бўлмаганлиги сабабли, Эттли ҳукумати фунтни долларга эркин алмаштиришни жорий этиш мажбуриятини олгани ҳолда АҚШдан қарз сўрашга мажбур бўлди.

Молиявий тизимнинг барқарорлашувидаги умидлар 1946 йилдаёқ пучга чиқди. АҚШда нархларни тартибга солиб туришнинг бекор қилиниши экспорт маҳсулотларининг кескин қимматлашишига олиб келди. Буюк Британия олинган қарзни бир йил ичида сарфлаб бўлди. 1947 йилнинг июл ойида ҳукумат фунтни долларга эркин алмаштиришни жорий қилган пайтда, буни таъминлаш учун захиралар атиги бир ойга етар эди. Мамлакат ўтқир молиявий инқирозга юз тутди. Ҳукумат озиқ-овқат импортини камайтиришга мажбур бўлди, бу эса озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин ошишига олиб келди. Иқтисодиёт вазири Стаффорд Криппс давлат томонидан ижтимоий харажатларни кескин камайтиришни кўзда тутувчи қаттиқ иқтисодий дастурни тақдим этди. Аммо Буюк Британиянинг “Маршалл режаси”га қатнашишига катта умид боғланган эди. Бу лойиҳа доирасида Буюк Британия 2,3 миллиард доллар оларди.

Молиявий барқарорлаштиришнинг яна бир йўли “стерлинг минтақасини” тузиш ҳисобланарди. Уни 1944–1945 йилларда миллий валюталари курси фунтга “бириктирилган” мамлакатлар ташкил қилган эди. Аммо 1949 йилдаги иқтисодий инқироз даврида АҚШ стерлинг минтақаси мамлакатларидан импорт қилишни қисқартирди ва у ерда доллар ва олтинга бўлган талаб ошиб кетди ҳамда бунинг натижасида Британия газнаси фунт стерлингни катта ҳажмларда алмаштириш заруратига дуч келди. Буюк Британиянинг ўзида эса олтин ва валюта захиралари жуда кам эди. Олтин ва валютанинг четга оқиб кетишили тўхтатиш учун лейбористлар ҳукумати 1949 йил сентябрида фунт стерлингни 30,5% га девальвация (муомаладаги коғоз пулнинг қийматини тушириш) қилди. Фунт курси 4,03 дан 2,8 долларга туширилди. 1950 йилда ҳукумат “Маршалл режаси”да қатнашишни тўхтатишга қарор қилди, чунки Америка ёрдамининг

шарти бўлган ички бозордаги эркин валюта-молия операциялари миллий иқтисодиёт барқарорлигига жиддий таҳдид соларди. Албатта, фунт стерлингнинг қадрсизланишини фақат Эттли ҳукуматининг хатоси деб бўлмайди, бироқ бу мамлакатдаги иқтисодий вазиятни оғирлаштирди. Молиявий инқироз ҳукумат обрўсининг кескин пайсишига олиб келди. Лейбористларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳатолари ҳам худди шундай салбий натижаларга олиб келди.

Фултон акс садоси. Буюк Британия ва “совук уруш”нинг бошланиши

Буюк Британияда олий сиёсий раҳбариятнинг алмашиши Потсдам конференцияси вақтида рўй берди. Аммо Черчиллнинг кетиши ва конференцияга янги Бош Вазирнинг келиши Британия делегацияси мавқеини ўзгартирмади. Эттлининг ўзи ҳам, унинг Ташқи ишлар вазири Е. Бевин ҳам Ғарб ва Шарқ ўртасидаги ижобий ва амалий мулоқотга эмас, балки “атлантик ҳамжиҳатлик” сиёсатига мойил эди. Еврола устидан “темир парда” туша бошлади. Янги жаҳон тартиботи башоратчиси роли Уинстон Черчилл зиммасига тушди.

Черчиллнинг 1946 йил 5 мартда Фултонда сўзлаган нутқи жуда машҳур бўлди. Унга Эрон инқироzi баҳона бўлган эди. 1942 йилдаги Иттифоқчилик Шартномасига кўра, совет кўшинлари Эрон ҳудудида уруш тугагандан сўнг яна олти ой қолиши мумкин эди. Бу муддат 1946 йил 2 мартда тугади. Бу кун арафасида СССР, кўзголон кўтарилган Эрон Озарбайжонидан ташқари бошқа ҳудудлардан ўз кўшинларини чиқаришини маълум қилди. Ғарб мамлакатлари сиёсий доиралари бунга салбий муносабатда бўлиб, Эрон ҳудудининг бир қисмида советлараст режимини ўрнатишга уриниш деб баҳолади. Шу кунларда дам олиш мақсадида Флоридада бўлган Черчилл бундан янги психологик ҳужум уюштириш учун фойдаланишга улгурди. У Фултондаги Вестминстер коллежи талабалари олдида нутқ сўзлади. Собиқ Бош Вазирни тинглаш учун қарийб 30 минг нафар одам йиғилди.

Черчилл намоийшқорона суратда ўз гояларини “глобал сиёсатнинг юксак стратегик концепцияси” деб атади. Янги дунёвий тузум намунаси қилиб “Америка демократиясининг тантанаси”ни кўрсатди. Бунда Черчилл Америка демократияси деб инглиз дунёсининг умумий қадриятлари ва ҳаттоки бутун Ғарбнинг маънавий бирлигини тушунарди. Унинг фикрича, бузун христиан цивилиза-

цияси бошига “чексиз ижтимоий азоб-укубатлар” билан таҳдид солувчи хавф-хатар ёғилган эди. Черчилл фикрига кўра, дунёга зулм таҳдид солмоқда ва бу зулм аниқ режимда – совет коммунизмида мужассамлашган. Черчилл барча демократик халқларни ўзларининг эркинликка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бирлашинга чақирди. Аслида, газ коммунизм хавфи олдидан “темир парда”ни туширишга хизмат қилувчи АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳарбий-сиёсий иттифоқини тузиш ҳақида бораётган эди. Кейинчалик кўп тарқалган “темир парда” тушунчаси Черчилл томонидан илк бор 1945 йил 16 августда “Темир парда туширила бошланди” деб номланган Парламентдаги нутқидан ишлатилган эди. Черчиллнинг Фултондаги нутқидан сўнг бу тушунча “совуқ уруш” рамзига айланди.

Собиқ Британия раҳбарининг Фултондаги нутқи Ғарб сиёсий табақалари орасида кенг тарқалган янги геосиёсий фалсафанинг уйғунлашган биринчи ифодаси бўлди. Унинг асосий мазмуни дунёнинг очиқ тўқнашувга тайёр бўлган иккита бир-бирига қарама-қарши тузумларга бўлинганлигини тан олишдан иборат эди. Дунёни сақлаб қолиш рақибни маҳдудлаш, дунёнинг “иссиқ уруш” домига тушиб қолишини бартараф этиш учун дарҳол “совуқ уруш”ни бошлашни талаб қиларди. Бу АҚШнинг ҳарбий-сиёсий гегемониясини сўзсиз тан олинишини билдирарди. Фултон нутқи Ғарб глобал стратегияси калити сифатида ўзаро боғланган Инглиз–Америка ташқи сиёсати асосларини баён қилди. АҚШ билан “махсус муносабатлар”, атлантик ҳамжиҳатлик тамойилига сўзсиз содиқлик Буюк Британия ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди.

1946 йилдаёқ Эттли ҳукумати тўла содиқлик билан “атлантик ҳамжиҳатлик” сиёсатига ўтиб, Трумэн маъмурияти билан бирга “совуқ уруш” ташаббускорига айланди. Чуқурлашиб бораётган молиявий инқирозга қарамасдан, қуролланишни авж олдиришга қаратилган қатъий тадбирлар кўрилди. Ўша 1946 йилнинг ўзидаёқ Британия атом бомбасини ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. 50- йилларнинг бошига келиб ҳарбий харажатлар миллий даромаднинг 10–11% ини ташкил этди (30- йиллар ўрталарида эса бу кўрсаткич бор-йўғи 2,5% ни ташкил этарди). 1949 йилда АҚШ ва Буюк Британия НАТОни тузиш ташаббускорлари сифатида чиқишди.

“Совуқ уруш” Европани яна глобал қарама-қаршилиқларнинг бош саҳнасига айлантирди. Бу “уруш”га тортилган Британия дипломатияси қитъанинг иккита лагерга бўлинишида катта роль ўйнади.

Айнан Буюк Британиянинг аралашуви 1946–1947 йилдаги Греция сиёсий инқирозининг чуқурлашишига олиб келди. Германия масаласини ҳал қилишда АҚШ тутган сиёсий йўлнинг бошловчиси ҳам Буюк Британия бўлди. Бунда катта кадам 1946 йил 2 декабрида Германия ҳудудидаги АҚШ ва Британияга тегишли ҳудудларнинг бирлашуви вақтида ташланди. У урушдан кейинги давр сиёсатчилари ичида биринчи бўлиб нафақат Германиянинг умумевропа интеграллашувида катнашиши зарурлигини таъкидлади, балки, шу билан бирга, Германияни “қитъа юраги” деб кўрсатди. Черчилл бир вақтда Европа оила-сини қайта барпо этишда Франция ва Германиянинг ҳамкорлиги биринчи кадам бўлиб хизмат қилишини ҳам таъкидлаб ўтди. Айнан шу икки мамлакат иттифоқи Европа Қўшма Штатларини тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Таклиф қилинаётган лойиҳанинг асл мазмуни АҚШ стратегик ҳамкорига айлана оладиган Европа ҳарбий-сиёсий блокнинг тузишдан иборат эди. Бунинг натижасида Буюк Британия АҚШнинг “махсус иттифокчиси” мавқеини сақлаб қолар, Ғарбий Европа мамлакакларига нисбатан нуфузлироқ раҳбар мавқеига эга бўларди.

1948 йил баҳорида Буюк Британия “Ғарбий Иттифокни тузиш тўғрисида” ги Брюссель Пактига қўшилди. 1949 йилда Британия Европа Кенгашига кирди. Эттли ҳукумати тобора чуқурлашиб бораётган Британия империяси инқирозига келди. Британия Ҳамдўстлигининг сиёсий ва ташкилий асосларини қайта кўриб чиқиш масаласи Ҳиндистон муаммосини тезлаштирди. 1946 йил бошидан Британия Ҳукумати Ҳиндистондаги бошқарувини бутунлай бой берди. Миллатлараро тўқнашувларда юзлаб одамлар ҳалок бўлди. 1946 йил баҳорида Эттли ҳукумати ҳеч қандай бошланғич шартларсиз Ҳиндистонга доминион мавқеини беришга мажбур бўлди. 1947 йил ёзига келиб вице-қирол Льюис Маутбаттен Ҳиндистонни иккита Ҳиндистон ва Покистон доминионларига бўлиш режасини ишлаб чиқди. 1947 йил 15 августда Деҳли ва Карачи шаҳарларида Британия Ҳамдўстлигига ўз ихтиёри билан кирган икки мустақил давлат барпо қилинганлиги тўғрисида расман эълон қилинди.

Ҳиндистон мустақиллигининг эълон қилиниши Британия Ҳамдўстлиги эволюциясида янги босқични бошлаб берди. “Британия фуқароси” тушунчаси ўрнига, янги “Ҳамдўстлик фуқароси” ибораси пайдо бўлади. 1947 йилдан бошлаб “доминион” тушунчаси тез-тез “Ҳамдўстлик аъзоси” тушунчаси билан алмаштирилди. (Расмий ҳужжатлардан “доминион” тушунчаси 1952 йилда олиб ташлан-

ди). 1948 йилда Цейлон ва Бирма мустақилликка эришди. Бирманинг ташкил қилиниши бу вақтда энг муҳим сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди. Таъсис мажлиси Бирмаги мустақил суверен республика деб эълон қилишга қарор қилди. Янги давлат томонидан республика бошқарув шаклининг қабул қилиниши унинг Ҳамдўстлик аъзоси бўлишини инкор этарди. Шунинг учун Британия Парламенти 1947 йил декабрида Бирма мустақиллиги тўғрисидаги Актни қабул қилди. Бу Актга кўра, Бирма Ҳамдўстликка кирмаган мустақил республикага айланди.

1949 йилда Лондон шаҳрида Ҳамдўстлик мамлакатлари бош вазирлари конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда илгари давом этиб келган “киролга (тожга) умумий содиқлик” томойилидан воз кечишга қарор қилинди.

Собиқ империя иттифоқини ҳуқуқий асосда қайта ташкил этиш жараёнини амалга оширишга қаратилган уринишларга қарамасдан, Этгли ҳукумати баъзан очиқчасига фуқаролик урушларига айланиб борувчи йирик миллий озодлик ҳаракатларига ҳам дуч келди. Иқтисодий қийинчиликлар 1948 йилда Ганада (Олтин қирғоқ) халқ чиқишлари тўлкинини келтириб чиқарди. Сиёсий фаоллик тўлкини Марказий Африкада, жумладан, Шимолий Родезия (Замбия), Жануби Родезия ва Ньясаленд (Малави)да кузатилди. Бу ерда тўкнашув ирқий характерга эга эди. Жанубий Африкада 1948 йил 26 май сайловлари натижасига кўра, апартеид, яъни ирқларни бир-биридан ажратиш сиёсатини ҳаётга татбиқ қилишни асосий мақсад қилиб олган Миллатчилар партияси ҳукумат тепасига келди. Малайядаги миллатчилик чиқишлари Британия Ҳукуматининг фаол аралашувини талаб этди. Асосан, хитойликлардан иборат бўлган коммунистик кўзғолончи-партизанлар каучук плантациялари ишчилари ва полицияга қуrolли ҳужумлар уюштирар, ҳукумат муассасаларини вайронага айлантиришарди. 1948 йил 18 июнда Малайя фавқулодда ҳолат режимига ўтказилди, Британия қўшинлари тезда кўзғолон ўчоқларини бартараф этишди.

Ўрта ва Яқин Шарқдаги воқеалар Буюк Британиянинг халқаро обрўсига қаттиқ зарбалар берди. 1951 йилда Эрон Ҳукуматининг нефть саноатини миллийлаштириш тўғрисидаги қароридан кейин, Эрон ва Буюк Британия ўртасида дипломатик алоқалар бутунлай узилди. Буюк Британия Эронни иқтисодий қамал (блокада) қилиш ташаббуси билан чиқди. Британия Ҳарбий денгиз флоти Эронга тегишли сув ҳудудларида ҳарбий намоёиш ўтказди. Аммо АҚШ

буни кўлаб-қувватламади ва Эронда нефть конларини ишлатиш бўйича янги халқаро консорциумни яратиш бўйича музокаралар ташаббускорига айланди. Буюк Британияга эса бор-йўғи аъзолардан бири бўлиш вазифасини бажариш насиб этди, холос. Британия манфаатларининг муҳим минтақаларидан бири Фаластин эди. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги даврдаёқ Буюк Британия яҳудий эмигрант (муҳожир) ларининг ўзларининг тарихий ватанига кўчиб ўтишини бошқариш жавобгарлигини ўз зиммасига олган эди. Аммо яҳудийларнинг кўчиб ўтишини бошқаришга қаратилган Фаластиндаги Британ маъмуриятининг ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермади. Араб аҳолиси яҳудий яшовчиларга ошқора душманлик (қаршилик) кўрсатарди. Яқин Шарқдаги вазиятнинг кескинлашувиغا жавобан, Британия Ҳукумати Фаластинни икки алоҳида мустақил давлатларга бўлишни таклиф қилди. “Моррисан плани” деб аталган бу режа 31 июл 1946 йилда ҳукуматга тақдим қилинди. Бу масаладаги келишмовчилик Лейбористлар партиясини бир-бирига қарши икки блоklarга ажратди. Британия Ҳукумати Араб–Исроил келишмовчилигини ҳал қилолмагач, 1947 йил 14 февралда воситачиликни БМТга топширишини эълон қилди. 1948 йил 14 майда қутилмаган воқеа рўй берди. Фаластиндаги Британия мандати муддатининг тугашига бир неча соат қолганда, яҳудийлар раҳбари Давид Бен-Гурион Исроил Республикаси ташкил қилинганини эълон қилди.

50- йиллар бошида Британиянинг Корея иққирозига аралашуви омма норозилигини яна кўзгатди. Корея урушида Британия кучлари иштиради. Бу жангда ўлганлар – 686 нафар, ярадор бўлганлар 2498 кишини ташкил этди. Кореядаги уруш Буюк Британиянинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Мудофаа харажатлари бюджет имкониятларидан ошиқ эди. Лейбористлар ҳукуматининг маънавий-ахлоқий обрўси жуда пасайиб кетди.

3- §. Буюк Британияда консерваторлар ҳукмронлиги: “бекорга кетган ўн уч йил” ёки “ўзгаришлар шамоли”

**“Янги консерватизм”нинг туғилиши.
1950–1951 йиллардаги сайлов**

1945 йил сайловларидаги мағлубият Британия консерватизмининг кенг миқёсдаги ташкилий ва мафкуравий янгиланишини, “янги

консерватизм”нинг туғилишини тезлаштирди. 30- йилларданок Н. Чемберлен ва У. Черчилларнинг аёвсиз кураши даврида партиядан янги “технократик” қанот шакллана бошлаган эди. Унинг асосини ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ижтимоий соҳанинг давлат томонидан фаол бошқарилишини кўзда тутувчи “ташкилий капитализм” барпо этиш ғоясини илгари сурувчи Горальд Макмиллан раҳбарлигидаги “ёш консерваторлар гуруҳи” ташкил этди. “Янги консерваторлар” Дизраэли давридаги “социал-консерватизм” ғояларига қайтишга, касба уюшмалари билан ўзаро конструктив мулоқотга киришга ҳамда ижтимоий тараққиётнинг “аралаш модели”ни тан олишга даъват этарди. 1940 йилда партия раҳбари У. Черчиллнинг ҳокимиятга келиши билан, “ёш консерватор”ларнинг мавқеи янада кучайди.

Черчилл партия раҳбариятини қайта қуриш ташаббусини топшириб, ўз атрофида партиянинг истиқболли идеологларини бирлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг танлови Г. Макмиллан ва Р. Батлер номзодларида тўхтади. Консерваторларнинг 1946 йилдаги йиллик анжуманининг асосий мавзуси партия дастурини янгилаш принципларидан иборат бўлди. Черчилл таъсири остида “янги консерватизм” мўътадилроқ характерга эга бўлди. Черчилл замонавий жамиятдаги реал воқеаларга асосланиб, партия стратегиясини ишлаб чиқиш тарафдори эди, аммо давлат бошқарувиغا асосланган лейбористик ислохотчиликка қарши чиқди. Умумий фаровонлик масаласини ҳал этиш учун “хусусий мулкчилик демократияси” тизими фойдали деб тахмин қилинарди.

Кейинги икки йилда “янги консерватизм”нинг мўътадил вариант ғоялари Консерваторлар партиясининг барча дастурий ҳужжатлари асосини ташкил қилди. “Саноат хартияси” хусусий мулк ва бозор муносабатларининг ўзгармас қийматга эга эканини тан олишга асосланган эди. Аммо иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилиши амалиётини қисман сақлаб қолиш, жумладан, “консерватив режалаштириш”, “ундовчи чоралар” (яъни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш), монополияларнинг “адолатсиз имтиёзларини” чеклаш, махсус ҳолатларда чакана нархларнинг ўсиши устидан назорат қилишни сақлаб қолишнинг зарурлиги ҳам таъкидланган эди. Хартиянинг фикрича, бир қатор корхона ва ишлаб чиқариш соҳаларини давлат ихтиёрида қолдириш, лейбористлар томонидан амалга оширилган кенг миллийлаштиришни эса қайта кўриб чиқиш керак эди. Асосий мақсад иқтисодиётнинг миллийлаштирилган соҳалари ва хусусий фирмалар ўртасидаги адолатли рақобатни таъминлаш эди.

1950 йил 24 январда “Мана тўғри йўл!” номи остида сайлов манифести нашр қилинди. У ижтимоий шиорларга мойиллиги билан “янги консерватизм”нинг асосий талабларини ўз ичига оларди. Консерваторларнинг 1950 йил сайловолди компаниясидаги энг катта ғалабаси либераллар билан тактик яқинлашиш бўлди. 60 дан ортиқ сайлов округларида бирлашган консерватив либерал кўмиталар ташкил қилинди. Улар жамоалар палатаси учун қўшимча сайловларда номзод қилиб икки партиядан бирининг вакилини кўрсатишди. Лейбористлар партиясини бирлашган мухалифатга бирор нарсани қарши қўя олмади. Этлининг ҳукмронлик даврида лейбористлар қайта тиклаш даври доирасидан чиқувчи ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини таклиф этувчи ўз дастурларини ишлаб чиқа олишмади. 1950 йил сайловлари арафасида лейбористлар партиясининг “Келинг, қийинчиликларга биргаликда барҳам берайлик!” номли манифести кенг оммага таништирилди. У мазмунан давлат сиёсатининг умуммиллий афзалликларини кучайтириш, хусусий мулкчиликнинг турли кўринишларини уйғунлаштиришнинг самарали йўллариини излаб топиш ҳамда синфий ва этник-диний тўқнашувларга йўл қўймаслик зарурлигини уқтирарди. Ташқи сиёсатдаги хатолар туфайли вужудга келган муаммолар аён бўлиб қолганида, ўсаётган молиявий муаммолар даврида бундай йўл юритиш сайлов ғалабасини таъминлай олмасди.

1950 йил 23 февралда бўлиб ўтган сайловлардан кейин жамоалар палатасида лейбористлар – 315, консерваторлар – 278, либераллар 9 ўрнига эга бўлди. Бошқа партиялар бор-йўғи 3 мандатга эга бўлди. Шундай қилиб, лейбористлар яна ҳукумат тузиш ҳуқуқига эга бўлди, аммо сайловлар натижаси консерваторлар ғалабаси билан яқунланди деб баҳоланди. Консерваторлар яна 85 ўринга эга бўлди, лейбористлар эса 78 мандатни йўқотди. Ҳатто либераллар ҳам тантана қилишга ҳақли эди: Парламентда бой берилган учта ўринга қарамасдан, улар ўз сайловчилари сонини 2,2 млн дан 2,6 млн гача кўпайтириб олди. Лейбористлар палатада мутлоқ кўпликни қўлдан бой берди. Шунинг учун жамоалар палатасида муддатидан илгари сайловларни ўтказиш зарур бўлиб қолди.

Лейбористларнинг тўртинчи ҳукумати бир ярим йил давомида ҳокимият тепасида бўлди. Бу ҳукумат давлат сиёсати йўналишига бирор ўзгариш киритишга эриша олмади. Бундан ташқари, мамлакат Корея урушига аралашган, Эрон билан кескин келишмовчилик давом этарди. Ташқи сиёсатдаги аҳвол ички сиёсий қурашнинг

хам асосий мавзуси бўлиб қолди. Палагани таркатиб юбориш ва муддатидан илгари сайлов ўтказишга қарор қилган лейбористлар раҳбарияти тўлалигича ташқи сиёсатга бағишланган “Бизнинг асосий бурчимиз – тинчлик!” номли манифестни эълон қилди. Бирок лейбористлар мамлакатда ижтимоий-иқтисодий қайта қуришларни қамраб олувчи янги дастурни ҳавола қила олишмади. Бунга партия ичидаги келишмовчиликлар сабаб бўлди. Мамлакатнинг кейинги ривожланиш йўллари тўғрисидаги баҳслашувлар лейбористларнинг ўнг ва сўл гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирди. Ўнлар атлантик бирдамлик доирасида фаол ва қатъий ташқи сиёсат юритиш байроғи остида бирлашдилар. Сўллар эса мамлакат ичида ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш тарафдори эди. 1951 йилнинг апрел ойида сўл лейбористларнинг раҳбари, Соғлиқни сақлаш вазири Э. Бивеннинг намоёнлик қорони истеъфога чиқиши партия раҳбариятининг инқирозидан дарак берарди.

Янги сайловлар арафасида консерваторлар ҳам ўз мафкуравий-ғоявий қарашларини янгилашмади. 1951 йил октябр ойида консерваторлар партияси “Британия – қудратли ва эркин” номли сайлововди манифестини эълон қилди. Бу манифест “янги консерватизм” руҳида тузилган эди. 1951 йил 25 октябрда жамоалар палатасига сайловларда галаба қилди ва 321 та ўринга эга бўлди. Лейбористлар 295 та, либераллар 6 та, қолган партиялар 3 та ўринга эга бўлдилар. Шундай қилиб, консерваторлар мутлақ кўпчилик овоз олиб, барқарор ҳукумат тузишга муваффақ бўлдилар. Унга 77 ёшли Уинстон Черчилл раҳбарлик қилди.

“Ғишантнинг охири кунлари”

Бош Вазири лавозимига қайтган Черчилл ҳукумат таркибига охириги йилларда энг фаол бўлган сиёсатчиларни жалб қилди. Лорд Вултон – лорд-президентлик, Р. Батлер – газна бошқарувчиси, Г. Макмиллан уй-жой қурилиши ва маҳаллий бошқарув вазири лавозимларини эгаллашди. Умуман олганда, маҳкама торилар “эски гвардияси” вакилларида иборат бўлди. Черчилл раҳбариятнинг эски авторитар усулига қайтди ва ҳукуматни шакллантиришда ўзининг шахсий фикрларига асосланди.

“Чидамлик ва конструктивлик” йўлини танлаган Черчилл ўзидан олдинги раҳбарларнинг сиёсатини тубдан ўзгартирмади. Бу консерваторларнинг диққат марказида турган ижтимоий соҳада

ҳам ўз аксини топди. Ҳукуматнинг бу соҳадаги фаолият йўналиши уй-жой қурилиши, таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш дастурларини амалга оширишдан иборат бўлди. Ҳукумат уй-жой қурилишининг барқарор ўсишига эришди. Агар 1951 йилда 234 минг янги уйлар қурилган бўлса, 1952 йилда 261 минг, 1953 йилда 314 минг, 1954 йилда 347 минг янги уйлар қурилди. Лейбористлардан фарқли ўлароқ консерваторлар нафақат уй-жой фонди ўсиши ва унинг нархларининг пасайишига, балки хусусий мулкчилик секторининг ривожланишига ҳам қатта аҳамият бера бошладди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида Черчилл ҳукумати илгари лейбористлар томонидан яратилган Миллий соғлиқни сақлаш хизмати ва унинг тармоқланган маъмурий аппаратини ҳамда давлат ихтиёридаги соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаб қолди. Айни пайтда, бепул тиббий хизмат кўрсатиш табақалаштирилди. Дорихоналардан дори олиш учун йўлланма қоғозларига пул тўлаш жорий этилди, тиш шифокори қабулига пулли кириш ташкил қилинди, махсус тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш пулли бўлди. Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш фондига ҳафталик тўловлари оширилди (8,5 дан 32,5 пенсгача). Шу билан бирга, консерваторлар соғлиқни сақлашга бюджетдан кўпроқ маблағ ажрата бошладди. Тиббий хизмат кўрсатиш тартибга солинган эди, шифокор қабулида кутиш вақти қисқартирилди, шифохоналарда болаларнинг ўз ота-оналари билан назоратда бўлишларига руҳсат этилди, қатнаб даволанувчилар учун транспорт хизмати йўлга қўйилди.

Консерватор ва лейбористларнинг таълим соҳасини ислоҳ қилишга бағишланган дастурлари, умуман, бир-бирига ўхшаш бўлганлиги сабабли Черчилл ҳукумати бу соҳада айтарли ўзгариш қилмади. Шундай бўлса-да, Черчилл ҳукумати умумтаълим мактабларини ривожлантириш учун бюджет харажатларини анча оширди.

Ўзининг сайловолди ваъдаларига амал қилган ҳолда, Черчилл ҳукумати давлат корхоналарининг кенг миқёсда хусусийлаштирилишига шошилмади. Фақат пўлат қуйиш ва автомобиль транспорти соҳалари хусусийлаштирилди, холос.

XX асрнинг 50- йилларида Буюк Британияда иктисодиётнинг ўсиш динамикаси анча яхшиланди. 1950 йиллар бошларида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 1937 йилдаги кўрсаткичдан 1/3 хисса кўн бўлди. Илм-фан кенг жорий этилган бир қатор соҳалар, жумладан, электроэнергетика, машинасозлик, кимё саноати соҳаларида барқарор ўсиш кузатилди. Кўмир саноати ва тўқимачилик соҳаларида

кўрсаткичлар яхши эмас эди. Умуман, 50- йилларнинг биринчи ярмида Ялпи миллий маҳсулотнинг йиллик ўсиши ўртача 2,7% ни, саноат ишлаб чиқаришида эса 3,3% ни ташкил этди (30- йиллар охирида мос равишда 1,75% ва 2,7%). Ишсизлар сони ҳам барқарор камайиб борди. 1953 йилда ишсизлар сони 0,5 миллион, 1955 йилда эса 298 минг кишини ташкил этди. Буюк Британия ҳали ҳам саноат ишлаб чиқариши бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турарди.

Шундай қилиб, Черчилл ҳукумати иқтисодиётга фаол ара-лашиш кескин заруратидан қутулган эди. Тўғри, бу локайдлик ўзининг салбий натижаларига ҳам эга бўлди. Кескин пасайиш ва инкирозларнинг йўқлиги ҳам жаҳон бозорида эгаллаган мавқеининг сақланиб қолишини кафолатлай олмас эди. Ўсиш суръатларини аста-секин ошириб бориш, ишлаб чиқариш технологиясини мукаммаллаштириш, бозор инфратузилмасининг энг янги шакллари-ни рағбатлантириш талаб этиларди. Бу масалаларни хусусий секторнинг ўзи ҳал қила олмасди. Иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилишидаги дунё тажрибаси инкирозга қарши сиёсат юритиш доирасидан чиқа бошлади. Фақатгина кучли молиявий, интеллектуал ва сиёсий салоҳиятга эга бўлган давлатгина ўта муҳим фундамен-тал тадқиқотлар ўтказишни, катта инвестицияларини жалб қилувчи стратегик илмий соҳаларни ривожлантиришни, кадрларни кенг кўламда қайта ўқитиш ва малакасини оширишни ўз зиммасига оли-ши мумкин эди. Консерваторлар бошқаруви даврида Буюк Британия Ҳукумати бу вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди. Консерваторларнинг иқтисодиётни бошқаришдаги бу локайдлиги муҳолифатга уларнинг ҳукмронлик даврини “турғунлик даври”, “бе-корга сарфланган йиллар” деб баҳолашларига асос бўлди.

Консерваторлар ташқи сиёсат соҳасида ҳам бирор-бир принци-ал ўзгаришлар қилмади. Муҳолифатда бўлган йиллардаёқ, Черчилл ва Иденлар Буюк Британиянинг умумдунёвий мақсадларини уруш-дан кейинги реал аҳволга мослаштиришга даъват этувчи “уч доира” концепциясини ишлаб чиқишганди. Бу концепцияга кўра, Британия ташқи сиёсати мамлакатнинг ўзига хос географик жойлашиши ва тарихий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда учта асосий минтақалар доирасида тузилиши керак. Бу уч доира Атлантика ҳамжамяти, Евро-па ва Буюк Британия Миллатлар ҳамдўстлигидан иборат эди. Чер-чиллнинг таъкидлашича, гап географик жойлашишда эмас, балки миллий, мафкуравий ва сиёсий бирлик омиллари нуктаи назаридан ташкил қилинган махсус минтақалар ҳақида боряпти. “Мен инсони-

яг тақдирини кузатиб, келажакка назар солар эканман, — дейди у, — эркин халклар ва демократия орасида учта улкан минтақани кўраман. Биз учун биринчиси, албатта, Британия Ҳамдўстлиги ва империя. Кейингиси АҚШга тенглашадиган англосакслар дунёси бўлиб, унда биз — Канада ва Британия доминионлари катта роль ўйнайди. Ва ниҳоят, учинчиси, бу — бирлашган Европа. Бу учта сеҳрли доира бирга мавжуд бўлса, агар улар бирлашишса, уларни қўлата олувчи ёки уларга жиддий таҳдид солувчи куч бўлмайди. Бизнинг мамлакатимиз бу доираларнинг ҳар бирида муҳим роль ўйнайдиган ягона мамлакатдир”.

Консерваторлар учун Миллатлар ҳамдўстлиги ва империя тақдир ташқи сиёсат йўналишида ҳал қилувчи масала эди. 1952 йилда чақирилган Ҳамдўстлик бош вазирларининг махсус анжумани 1949 йил қарорлари ҳамда инглиз қиролининг Ҳамдўстликдаги раҳбарлик мавқеини тасдиқлади. Бу фахрли унвон тахтга ўтирган Елизавета II га топширилди. 1952 йил анжумани “Ҳамдўстлик фуқароси” (“Британия фуқароси” ўрнига) тушунчасини бутунлай қонунлаштирди. Мамлакатнинг учинчи дунё давлатларига таъсирини кучайтириш мақсадида Черчилл ҳукумати Корея урушини тинчлик йўли билан ҳал қилишни фаоллик билан қўллаб-қувватлади. Буюк Британия Ҳиндихитой масаласида старлича катъий фикрда туриб, Совет Иттифоқининг Ҳиндихитой масаласи бўйича давлат раҳбарлари иштирокида халқаро йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Бу йиғилиш 1954 йилда Женевда ўтказилди ва ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилишга эришилди. Шу йили Техронда Эрон Ҳукуматининг халқаро муваққат битимга бисопан Эрон нефть қонларини фойдаланишга топшириши ҳақида келишиб олинди. Бу шартнома ҳам худди олдинги шартномадек Буюк Британияга бирор-бир фойда келтирмади, аммо келишимовчиликларга қисман барҳам берилди.

50- йиллар бошида Миср атрофидаги вазият кескинлашди. 1951 йилнинг октябрида Миср Ҳукумати Судан ва Сувайш канали кондоминиони (биргаликда бошқариш) тўғрисидаги 1936 йилда тузилган Шартномани бекор қилди. Судан Мисрнинг ажралмас қисми деб эълон қилинди. Аммо Миср қироли Фарук Буюк Британия билан очикчасига тўқнашишдан чўчиб турарди. Узоқ давом этган музокаралар бошланди. Бу музокаралар даврида инглиз ҳарбийлари Сувайш канали атрофидаги аҳолининг норозилик чиқишларини бостириб турди. Қоҳирадаги давлат тўнтаришидан сўнг, 1952 йил июлида

Ж. Носирнинг инкилобий ҳукумати Суданга тўла эркинлик берди ва бу 1953 йилги Инглиз–Миср келишувига қайд этилди. 1954 йил 19 октябрда Сувайш канали тақдирини ҳал қилувчи шартнома ҳам имзоланди. Унга кўра, инглиз кўшинлари 20 ой давомида эвакуация қилинадиган бўлди. Канал фуқаролик бошқарув ихтиёрига топширилди. 1954 йили Англиянинг Куролли Кучлари Мисрдан бутунлай олиб чиқиб кетилди.

Черчилл ҳукумати Европа сиёсати масаласида маълум фаолликни намоён қилди. Аммо Британия сиёсатчилари французларнинг Европада трансмиллий бошқарув тизимини тузиш билан Европа иктисодиётини интеграция қилиш лойиҳасига шубҳа билан қаради. “Шуман режаси”га хилоф равишда расмий Лондон Европа эркин савдо ҳуқуқини тузиш ғоясини илгари сурди. Унга Европа иктисодий ҳамкорлик ташкилотининг барча 17 та аъзоси ҳам кириши керак эди. Унда ўзаро божхона тўловларини ва импорт чеклашларни бекор қилиш кўзда тутилган бўлиб, кейинчалик маблағ харажатларини эркинлаштириш ва савдони тўғридан-тўғри ташкил этишга эришиш керак эди. Черчиллнинг бу лойиҳасида Европа трансмиллий ташкилий тузилмасини яратиш, Умумевропа бирлашган иктисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ягона қонунчилик тизимини барпо этиш кўзда тутилмаган эди.

1952 йилда Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКІВ)нинг тузилиши (Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Голландия) Британия Ҳукумати режаларига мос келмас эди. Сиёсий мағлубиятни баргараф этиш мақсадида Британия дипломатияси ҳарбий-сиёсий интеграция лойиҳаларини фаол қўллаб-қувватларди. 1952 йилда “Плевен режаси”ни муҳокама қилиш вақтида Буюк Британия Ғарбий Германияда оккупация режимини бекор қилиш ва унинг ҳарбий кучларини “Европа кўшинлари” сафига кўшиш ғоясини қўллаб-қувватлади. Европа мудофаа ҳамжамияти лойиҳаси барбод бўлгандан кейин, Буюк Британия АҚШ билан бирга ГФРнинг Шимолий Атлантика Блоки (НАТО)га аъзо бўлиб киришига розилик бердилар.

1954 йил ноябр ойида консерваторлар раҳбари У. Черчиллнинг 80 ёшлик тантанаси нишонланди. Унинг ёши истеъфога чиқишни талаб этарди. 1954 йил давомида раҳбарлик қилаётган партия раҳбарининг чиқишлари очиқчасига ҳамманинг гашига тегарди. Ҳал қилувчи воқеа: жамоалар палатасида водород бомбасининг ишлаб чиқарилиши ҳақидаги шов-шувли мунозараларга сабаб

бўлди. Ноизчиллик ва, айни пайтда, урушқоқлик ва мурасасизлик мавқеини эгаллаган Черчилл сиёсати консерваторлар партиясининг кўпчилик вакиллари орасида норозилик уйғотди. Черчилл 1955 йил 5 апрелда истеъфога чиқди. Анъанавий расмга кўра, Черчилл қироличага истеъфо ҳақида ёзма илтимоснома топширди ва Иден бошчилигида янги ҳукумат тузилиши учун тавсиянома берилишини сўради.

А. Иден ҳукумати. Сувайш инқирози

Бош Вазир лавозимига консерватив партиянинг собиқ раҳбари Антони Иденнинг келишини кўпчилик Черчилл сиёсатининг давоми сифатида қабул қилди.

1955 йилда Бош Вазир лавозимини эгаллаган ва олдинги давлат сиёсатини унчалик ўзгартирмасликка қарор қилган Иден “ўрта авлод” вакилларининг партиядаги мавқеини кучайтирди. Макмиллан Ташқи ишлар вазири лавозимига эга бўлди. Батлер Молия вазири лавозимида қолди. “Партия ёшлари”нинг энг ёрқин вакилларидан бири Эдвард Хит партия “қамчиси” (Парламент фракциясининг бош ташкилотчиси) қилиб тайинланди. Шу билан бирга, Иден ҳукумат таркибида “эски тори”лар ва аристократлар авлодидан бўлган вакилларни ҳам сақлаб қолди.

Иден 1955 йил 15 апрелда Парламентни тарқатиб юборди ва янги сайлов белгилади. 1955 йил сайловлари консерваторларга ишончли ғалаба келтирди. Улар жамоалар палатасида 345 депутатлик ўринга, лейбористлар 277 ўринга ва либераллар 6 ўринга эга бўлишди.

Аммо Иден ҳукуматининг голибона фаолияти ярим йил ҳам давом этмади. 1955 йил ёздан бошлаб мамлакат иқтисодийётида салбий ҳолатлар сезила бошлади. Ҳукумат бир қатор ижтимоий дастурларни қисқартиришга, баъзи бир эгри солиқлар миқдорини оширишга ҳамда почта хизмати нархларини оширишга мажбур бўлди. Мамлакатда норозилик ҳаракатлари кучайди, илгари ҳукуматни тўла қўллаб-қувватлаб турган матбуот фикри ўзгарди. Давлат сиёсатини ўзгартириш кераклигини тан олган Иден ҳукумат таркибида баъзи бир ўзгаришлар қилди. Молия вазири Батлернинг ўрнини Макмиллан эгаллади.

Халқаро майдондаги вазият ҳам тобора мураккаблашаётган эди. СССРдаги сиёсий ўзгаришлардан кейин халқаро кескинликни юмшатиш имкони туғилди. Янги халқаро вазиятдан Буюк Британия

обрўсини ошириш учун фойдаланишга уринган Иден дунёнинг долзарб муаммолар бўйича музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқди. Британия дипломатиясининг саъй-ҳаракатлари туфайли 1955 йил 18 июлда Женевада АҚШ, СССР, Франция ва Буюк Британия вакиллари иштирокида олий даражадаги Кенгаш бўлиб ўтди. Аммо Кенгаш давомида СССР ва Ғарб мамлакатлари бир-бирларининг таклифларига синчковлик билан муносабатда бўлганликлари туфайли Кенгаш натижасиз тугади. Кенгашда бор-йўғи иктисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида расмий баёнот қабул қилинди, холос.

1956 йил апрелда Хрушчев ва Булганин Лондонда бўлишди. Сафарнинг сиёсий дастури учинчи дунё мамлакатлари билан ўзаро муносабат муаммоларига бағишланган эди. Худди Женевадагидек, томонлар бирор-бир жиддий сиёсий келишувга эришолмади. Бундан ташқари, сафар давомида машъум дипломатик можаро рўй берди. 19 апрелда офицер-ғаввос Лайонел Крабб Портсмут кирғоқларида сувга шўнғиш пайтида сирли равишида ҳалок бўлди. Бу пайтда Портсмут ҳавзасида эса совет делегациясини олиб келган “Орджоникидзе” крейсери турарди. Бу воқеанинг махсус уюштирилганлигига ҳеч кимда шубҳа қолмади.

Яқин Шарқ 50- йилларнинг ўрталарига келиб дунё сиёсатининг энг муҳим минтақаларидан бирига айланди. Лондонда энг йирик араб мамлакатлари иштирокида Яқин Шарқда улкан ҳарбий-сиёсий блок яратиш фикри пайдо бўлди. 1955 йилда, Британия, ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан, Туркия ва Ироқ давлатлари мудофаа мажбуриятлари ҳақида ўзаро келишиб олишди. Буюк Британия бу Битимга қўшилган ҳолда, Ироқ билан худди шундай келишувга эришди. Кейинроқ бу Битимга Эрон ва Покистон қўшилди. Шундай қилиб, 1978 йилгача фаолият кўрсатган Марказий ташкилот Шартнома (СЕНТО) ёки Богдод Пакти пайдо бўлди.

Британия сиёсатчилари Мисрни ҳам СЕНТО таркибида қўришни кутгандилар. аммо Носир ҳукумати бу блокка аъзо бўлишга шошилмади, аксинча, у Совет Иттифоқи билан алоқаларни мустаҳкамлаб борди. Иден Иорданиянинг ҳам Богдод Пактига қўшилишига уринди. Бу мамлакат худудида генерал Глабб қўмондонлиги остидаги инглиз қўшинлари сақланиб турарди, Ҳусайн эса Лондонга мойилликни намоён қиларди. Иорданиянинг Богдод Пактига аъзо мамлакатлар билан иктисодий ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисидаги Шартномани тузишни ташкил этиш учун Макмиллан Иорданияга жўнаб

кетди. Генерал Глабб рахбарлигидаги кучлар эса омманинг антиинглиз намойишларини шафқатсизларча бостиришга киришди. Генерал Глаббнинг бу ҳаракати тескари натижа берди. 1956 йил 2 мартада кирол Хусайн генерал Глаббни Бош кўмондонлик лавозимидан четлаштирди ва инглиз зобитларининг катта гуруҳининг мамлакатдан чиқиб кетишини талаб қилди. Иордания 1955 йил кузида Носир ташаббуси билан тузилган Сурия–Миср бирлашган кўмондонлигига кўшилиш ҳақида қарор қабул қилди.

1956 йил 26 июлида Носир Сувайш каналининг миллийлаштирилганлигини маълум қилди. Бу Лондон учун қутилмаган воқеа бўлди. Бунинг бевосита сабаби Буюк Британия ва АҚШнинг Асуан тўғони қурилишини молиялаштиришдан бош тортганлиги бўлди. Бундай ўта кескин йўл тутган Носир СССР томонидан катта ёрдамга умид боғлаган эди. Сувайш каналининг миллийлаштирилиши Буюк Британия иқтисодий манфаатларига тўғридан-тўғри зарба берди. Бу канал Буюк Британия импорт ва экспортининг чорагини таъминлаб турарди. Ўрта Шарқда қазиб олинаётган Буюк Британия нефтининг деярли 40% и шу канал орқали ўтарди. Иден ҳукумати кескин жавоб қайтарди. 26 июлдаёқ Мисрнинг барча фунт стерлинг ҳисобидаги капитал маблағлари музлатилди. Буюк Британия Сувайш канали акцияларининг бир қисмига эгалик қилувчи Франция билан биргаликда БМТ Хавфсизлик Кенгашига Миср устидан норозилик билан мурожаат қилди. Бироқ Хавфсизлик Кенгашида СССР вето ҳуқуқидан фойдаланиб, резолюция қабул қилинишига йўл қўймади. Иден куч ишлатиш мақсадида Эйзенхауэр билан махфий музокаралар олиб борди, ammo сайловолди компаниясини бошидан кечираётган АҚШ Президенти бундай ҳарбий тўқнашувдан манфаатдор эмас эди. Шунга қарамадан, Лондонда ҳарбий ҳаракатларга тайёрланиш ҳақида қарор қабул қилинди.

1956 йил августидан Якин Шарқ минтақасига инглиз ва француз ҳарбий қисмларининг жалб этилиши бошланди. Бу мамлакатларнинг иттифоқчиси Исроил давлати бўлди. Август охиридан бошлаб Исроилнинг Миср ва Иорданияга туташган чегараларида жиддий тўқнашувлар бўлиб ўтди. 15 октябрда эса Иордания Исроилни расман агрессия (босқинчилик)да айблади. 25 октябрда Буюк Британия ва Франция ташқи ишлар вазирлари Исроил Бош Вазири Бен-Гурион билан Мисрга қарши биргаликда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш тўғрисида махфий баённомани имзоладилар. Махсус оператив режа ишлаб чиқилди. Унга кўра, бирлашган кучлар Синай ярим оролини

эгаллаб, канал бошқарувини ўз қўлларига олишлари керак эди. Бу операциянинг бошланишига Исроил армиясининг Синай ярим оролига ҳужум (“Қадеш” – “Тозалаш”) операцияси сигнал бўлиши керак эди. Ҳужум операцияси “Мушкетёр” деб номланди, қўмондонлик эса инглиз генерали Чарльз Кейтлига топширилди. 50 мингдан ортиқ Британия аскарлари ва 100 га яқин ҳарбий кема сафарбар қилинди.

1956 йил 29 октябр кечкурун соат 17 да 400 нафар исроиллик парашютчилар полковник А. Шарон раҳбарлигида Синай ярим оролининг ўртасига туширилди, танк қисмлари эса Синайнинг шимолишарқидан ҳужумга ўтди. 30 октябр Исроил қўшинлари ҳали Сувайш каналига етиб бормасдан, Британия ва Франция ҳукуматлари Миср ва Исроилга Сувайш канали минтақасидан бугун қўшинларини олиб чиқиш ва каналдан эркин фойдаланишни таклиф қилдилар. Миср томонининг жавобини кутмасдан, инглиз-француз Ҳарбий-денгиз кучлари Мальтадан чикди, 31 октябрда Британия авиацияси барча Миср авиабазаларига ҳужум уюштирди. 5 ноябрда мингдан ортиқ инглиз-француз парашютчилари Синай ярим оролининг стратегик нуқталарига туширилди. Агрессияга фақат СССРнинг ўта махфий мавқеи нуқта қўйди. Ўзининг Иденга жўнатган ультиматум хатида Хрушчев СССР ҳатто ядро қуролидан фойдаланишга тайёр эканлигини маълум қилди. 1956 йил 7 ноябрда Англия Ҳукумати Мисрдаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида буйруқ берди.

Шундай қилиб, Британия консерватив доираларининг Сувайш канали атрофидаги сиёсий ўйини мамлакатни ядро тўқнашуви ёқасига олиб келаёзди. 22 декабрда инглиз-француз қўшинлари Миср ҳудудини тарк этди, 1957 йил 8 мартга келиб эса Исроил қўшинлари Синай ярим оролидан олиб чиқилди. Тўқнашув минтақасига БМТ қўшинлари киритилди. Сувайш воқеаси билан боғлиқ сиёсий мағлубиятдан сўнг Иден ҳукуматининг тақдири ҳал бўлган эди.

“Ўзгаришлар шамоли”

Иден ўз ихтиёри билан истеъфога кетгандан кейин (1957 йил 9 январ), консерватив партия раҳбарлиги лавозимини эгаллаш учун Батлер ва Макмилланнинг имкониятлари тенг эди. Макмилланни қўллаб-қувватлаган партиядagi обрўли торилар фикри ҳал қилувчи роль ўйнади. Улар Макмилланнинг партиёга бош бўлишини хоҳладилар. Горальд Макмиллан давлат сиёсатини

ўзгартириш тарафдори эди. У “ўзгаришлар шамоли” шиорини эълон қилди.

Макмиллан ҳукумати ижтимоий сиёсатни анча фаоллаштирди. Бу нафақат мафкуравий тамойилларга, балки янги макроиктисодий стратегияга асосланган эди. 1957 йилда Британия Ҳукумати фаолиятида икки асосий йўналиш кўзга ташланди: ижтимоий бюджет дастурлари кенг кўламининг сақлаб қолиниши ва банк фоизлари даражасини ошириш ҳамда газнани тўлдириш мақсадида давлат қимматли қоғозлари қийматини кескин кўтариш. Аммо охириги бир ярим-икки йил ичида иктисодий вазият анча ёмонлашди. Сувайш инқирозидан кейин ёмонлашган вазият дунё бозорига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Макмиллан ҳукумати “қиммат кредит” сиёсатидан воз кечишга мажбур бўлди.

Фоиз ставкалари пасайиши билан бирга, олиб борилган фаол ижтимоий сиёсат 1950–1960 йилларда ишбилармонлик фаолиятининг кескин фаоллашишига олиб келди. Бундай қулай вазиятда консерваторлар 1959 йил сайловларида ишончли ғалабани қўлга киритдилар. 49,4% сайловчилар консерваторларни, 43,8% и лейбористларни, 2,7% и эса либералларни қўллаб-қувватлади. Жамоалар палатасида ҳам торилар ихтиёридаги мандатлар лейбористларникига қараганда 100 тага ортиқ эди. Ҳукумат тўла ишончли қўлга киритди, аммо 1960–1961 йиллардаёқ инфляциянинг кескин ўсиши даврида унинг аҳволи яна ёмонлашди.

Иктисодий аҳвол ёмонлашувининг бевосита сабабчиси фунт стерлинг мавқеини пасайтирган халқаро валюта бозоридаги кенг кўламли чайқовчилик эди. Аммо бу, ўз навбатида, Британия иктисодиётидаги чуқур ички номуганосибликларнинг ҳам натижаси эди. Урушдан кейинги даврдаги муваффақиятларга қарамадан, Буюк Британия саноатининг ихтисослашиш даражаси, технология билан таъминланиш кўрсаткичлари соҳасида Америка, Германия ва Япониядан кейинги ўринларда эди. Унда маҳсулотлар таннархи ҳам юқори эди. Британия иктисодиётининг олдинги давридаги етакчилари – мустамлакачи хомашё монополиялари тез суръатларда ўз мавқеларини бой бера бошлашди.

1961–1962 йилларда “Тўхта, ҳаракат қил!” сиёсати доирасида Макмиллан ҳукумати мавжуд иктисодий аҳволни “музлатиш” бўйича қадам ташлади. Англия банкидаги ҳисоб ставкаси яна оширилди, солиқ ва бошқа тўловлар кўпайтирилди, кредит бериш чекланди. бюджетнинг харажат қисми қисқартирилди. Британия Ҳукумати

томонидан “Тўхта, ҳаракат қил!” тактикасининг қўлланилиши дунё бозорида рақобатга дош берувчи йирик ишлаб чиқарувчиларнинг солиқ ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари билан бирга кечди. Бу масаланинг ечилишининг сиёсий жиҳати ҳам бор эди. Янги иқтисодий вазиятда Буюк Британиянинг собиқ мустамлакалар билан муносабати ва унинг Европа интеграцияси жараёнига қўшилиши катта роль ўйнади.

Консерваторларнинг янги ҳукумати ҳам олдинги ҳукуматлар сиёсати натижасида юз берган ҳолат билан ҳисоблашмай, “совуқ муносабатлар уруши”ни, зўравонлик сиёсатини давом эттирди. Англия манфаатлари АҚШга янада бўйсундирилди. 1957 йил мартда Бермуд оролларида ўтган Бош Вазир Макмиллан билан АҚШ Президенти Эйзенхауэрнинг учрашувида АҚШнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги сиёсатини қўллаб-қувватлаш, Англия ҳудудида ўрта радиусдаги Америка ракета қуроллари яойлаштириш ва ядро қуроллари синовини давом эттириш тўғрисида келишиб олинди. Англия Ҳукумати янги ҳарбий дастурни қабул қилди. 1957 йил 15 майда Тинч океанидаги Рождество ороли районида биринчи водород бомбани портлатди.

1957 йил октябрда Вашингтонда Макмиллан билан Эйзенхауэр янгидан учрашиб, ғарбий давлатларнинг янги тилдаги қурооллар ишлаб чиқариш ишини координация қилиш ва бу қуроолларни НАТОга кирган мамлакатлар, шу жумладан, Англия ҳудудига жойлаштириш тўғрисида келишиб олинди. 1958 йил февралда АҚШ ва Англия ўртасида “Англия ҳудудида Америка ракета қуроларини жойлаштириш тўғрисида” Битим тузилди. 1960 йил ноябрида Холи-Лох кўрфази (Шотландия) “Полярис” ракетаси билан қуроолланган Америка атом сув ости кемаларига топширилди. Америка самолётлари водород қурооллари билан Англия ҳудуди устидан учиб ўта бошлади.

Англия Ҳукумати Аденауэр ҳукуматини фаол суръатда қўллаб-қувватлади. Икки томон ўртасида яқин алоқалар ўрнатилди. 1961 йил мартда ГФРнинг Англиядан қурооллар сотиб олиши эвазига “ГФР Бундесверига Англия ҳудудида “машқ учун базалар” берилиши тўғрисида”ги Битим имзоланди. Айни вақтда, Англия Ҳукумати Буюк Британиянинг шимолидаги “Скапа-Флоу” кўрфазини ГФР Ҳарбий-денгиз кучларига топширишга қарор қилинди.

Шу билан бирга, жаҳон капиталистик бозорида рақобат кучая борди; айниқса, 6 давлат иштирокида 1957 йил мартда ГФР ва Франция бошчилигида тузилган “Европа иқтисодий ҳамкорлиги” (“Умумий бозор”) Англиянинг жиддий рақобатчиси бўлиб чиқди.

1959 йил ноябрида 7 давлат иштирокида Англия бошчилигида “Европа озод савдо ассоциацияси” тузилди. Бу бир-бирига қарши иккита давлат монополистик уюшмаси эди. Англия бир неча марта “Умумий бозор”га қўшилишга уринди. Бунда Франция ва “Умумий бозор”нинг бошқа давлатлари қарши чиқди. Англиянинг “Умумий бозор”га кириши, аввало, унинг иқтисодиётига путур етказарди ва Европадаги реакцион кучларга янада жиддий ён босиш бўларди. Шунинг учун мамлакат сўл кучлари бунга қарши чиқдилар.

Англия АҚШ билан янада кўпроқ яқинлашди, ундан ҳатто “Полярис” ракеталарини сотиб олиб, “мустақил” ядро куралига эга бўлиш йўлига ўтди. Бунда АҚШ шартларини қабул қилиб, АҚШга янада қарам бўлиб қолди. Совет ҳукуматининг таклифи ва кенг жамоатчилик талаби билан, 1959 йил феврал-мартида Англия Бош Вазири Г. Макмиллан ўз Ташқи ишлар вазири билан Москвага визити бўлди. Икки томон муносабатларида янада бирмунча силжиш юз берди. Шу йилнинг май ойидан 5 йил муддатга Англия–Совет савдо Битими имзоланди. Англия ХХР, КХДР, ВДР билан таъқиқланган савдони бирмунча жойлаштиришга мажбур бўлди.

Макмиллан ҳукумати Мисрга қарши қилинган авантюра сабоқларидан хулоса чиқармай, Шарқ мамлакатларида зўравонлик сиёсатини давом эттирди. Яманга қарши уруш ҳаракатлари давом этди. Шу йили август ойида Уммонни босиб олди.

Англия Ҳукумати 1958 йил кузида Сурияга қарши агрессияни тайёрлашда, халқаро муносабатларни янада кескинлаштиришда АҚШ Ҳукуматига ҳамроҳ бўлди. Бироқ Сурияга қарши қаратилган фитна барбод этилди. 1958 йил июлида Ироқда бўлган революция Англия ва, умуман, халқаро империализм позициясига берилган янги, жиддий зарба бўлди. Англия АҚШ билан биргаликда Ироққа қарши агрессияни уюштириш мақсадида ўша вақтда Йорданияга ҳарбий интервенция қилди. Интервенция барбод бўлди. Осиёда эса кўп йиллардан бери давом этган миллий озодлик кураши натижасида “Миллатлар ҳамкорлиги” рамкасида Малайя Федерацияси 1957 йил августда мустақилликка, Сингапур эса 1958 йил январда ички автономияга эришди. 1957 йил мартда 1948 йилги Англия–Йордания Тенгсизлик Шартномаси бекор қилинди.

Африкада 1957 йил мартда Олтин Қирғоқ Гана номида мустақил давлатга айланди. Англия “цивилизаторлари” мажбуран ён босиш билан бирга, террор йўли билан тез емирилиб бораётган мустамлақачиликни сақлаб қолишга зўр бериб уриндилар.

Лекин миллий озодлик ҳаракатларининг авж олиб бориши Англияни, уларнинг Макмиллан бошлиқ ҳукуматини яна ён босишга мажбур этди. 1959 йилда Танганьикада баъзи конституцион ислоҳотлар ўтказди ва 1961 йил декабрида мустақилликка эришди. 1960 йил апрелида Сьерра-Леоне, 1960 йил сентябрида Кипр, 1960 йил ноябрида Нигерия ва сўнгги йилларда бир қатор мустамлака мамлакатлари мустақилликка эришди. Масалан, Уганда 1962 йил мартда ички автономияга, шу йилнинг октябрида эса мустақилликка эришди.

50- йиллардаги Британия мустамлакачилик империясининг парчаланиш жараёнининг орқага қайтмаслиги аниқ бўлди. Макмиллан торилар партияси раҳбарларидан бири бўлиб, бу соҳада ўзгаришлар амалга ошириш кераклигини таъкидлади. “Ўзгаришлар шамоли” шиорининг ўзи мустамлакачиликдан кейинги даврдаги реал вазиятни тасвирлаш учун ишлатиларди. 1960 йилдаёқ Макмиллан ҳукумати Африка мамлакатларига нисбатан “оҳисталик ва либерал ривожланиш” сиёсатини қўллашга бел боғлаганини эълон қилди. Бунда Буюк Британиянинг ҳукмронликни қора танлиларга топширган ҳолда, Шарқий ва Марказий Африкадан секин-аста кетиши кўзда тутилган эди.

Британия Ҳукуматининг ҳаракатлари доим ҳам мустақилликка эришган мамлакатларда янги ижтимоий тузумнинг юзага келиши билан бирга рўй берувчи миллатлараро ва ирқлараро тўқнашувларни бартараф эта олмасди. Масалан, Британия дипломатияси Нигериядаги фуқаролик урушининг олдини ололмади. 1962 йилда мустамлакачилар маъмурияти кетгандан сўнг, қабилалараро тўқнашувлар натижасида қон тўкишлар содир бўлди. Кения учун эса энг ўткир муаммо партизанлар ҳаракати ва сиёсий террорчилик бўлди. Британия дипломатияси Марказий Африкада жиддий мағлубиятга учради. 1984 йилда Лондон воситачилигида Малави (собиқ Ньясаленд), Замбия (собиқ Шимолий Родезия) ва Жанубий Родезияларни ўз ичига олувчи федерация тузиш ҳақидаги лойиҳа тайёрланган эди. Аммо Жанубий Родезияда оқ танли муҳожирлар сиёсий ҳукмронликни тўла сақлаб қолишди. Натижада мамлакатда очик ирқий тўқнашувлар бошланиб кетди. Шунга ўхшаш воқеалар 1960 йилда ўзини мустақил деб эълон қилган Жанубий Африкада ҳам ривожланаётган эди.

Европа Ҳамжамиятига Британия “Троя оти” қабул қилинишининг асосий рақиби Франция Президенти Ш. де Голл бўлди. У 1962 йилда Макмиллан билан шахсан учрашган пайтида маълум қилдики, фақатгина Франция ва Британиянинг Европа ядро қуроллини яратиш борасидаги ҳамкорлигининг бошланишигина Буюк Британиянинг

“Умумий бозор”га киришига асос бўла олади. Британия дипломатияси “Атлантик ҳамжихатлик” сиёсатини кўшилиш режалари йўлида қурбон қилишга тайёр эмас эди. Бунга жавобан Франция Буюк Британиянинг ЕИХ (ЕЭС)га кўшилиши борасидаги ҳар қандай музокараларга вето ҳуқуқини кўллади.

Макмилланнинг дипломатик мағлубияти шу қадар хавфли эдики, у ҳукуматнинг иқтисодий стратегияси самарадорлигини шубҳа остида қолдирди. Ҳукумат инкирози Макмилланнинг қаттиқ касал бўлиб қолиши вақтига тўғри келди. Бундай вазиятда у истеъфога чиқишга қарор қилди. 1963 йилда Алек Дуглос Хьюм янги Бош Вазир бўлди.

А. Дуглос Хьюмнинг Бош Вазир лавозимига келиши Британия давлатчилигининг ҳуқуқий базасидаги муҳим ўзгаришлар билан бой бўлди. Унга 1958 йилдаёқ Макмиллан ҳукумати томонидан ўтказилган Лордлар палатасининг ислоҳ қилиниши сабаб бўлди. Ислохотда умрининг охиригача пэрлик унвони ҳақидаги Акт қабул қилинган эди. Бундай унвоннинг берилишига шахсий хизматларнинг кадрланиши деб қаралди. Юқори палата хизмат кўрсатган сиёсатчилар ва машҳур жамоат арбоблари ҳисобидан тўлдириларди. Шу билан, у ўзининг сиёсий қарашларига мувофиқ замонавийлашайтган, Британия жамияти кўз олдида обрўлироқ бўлаётган эди.

Кейинги қадам 1963 йилдаги пэрлар ҳақидаги Акт бўлиб, у Макмилланнинг энг охириги ташаббусларидан бири эди. Унда меросий пэр бўлганларга ўз ихтиёри билан бу унвондан воз кечиш ҳуқуқини бериш кўзда тутилган эди. 1963 йилдаги пэрлик ҳақидаги Акт туфайли пэр бўлган торилар партиясининг обрўли сиёсатчилари энг олий сиёсий лавозимга ўз номзодларини кўйишлари мумкин эди. Лорд Хэйлшем ва Лорд Дуглос Хьюм биринчилардан бўлиб бу ҳуқуқдан фойдаланишди. Пэрлик ҳуқуқидан воз кечганларидан кейин икки ҳафта ўтгач, Дуглос Хьюм Бош Вазир лавозимини эгаллади.

Икки собиқ лорд ва бошқа партия раҳбарлигига даъвогарларнинг беллашуви торилар партиясидаги ички ўзгаришлар билан бир вақтда рўй бераётган эди. Консерватив партиянинг анъаналарида ҳеч қачон раҳбарни демократик йўл билан сайлаш кўзда тутилмаган эди. Ториларнинг Парламентдаги фракцияси аъзоси Э. Претимэннинг 1921 йилда айтган ибораси жуда машҳур бўлди: “Партиянинг буюк етакчилари сайланмади. Улар ўз-ўзидан танланади. Менимча, биз тантана билан раҳбарни сайлаш учун тўпланган кунимиз аяқчли бўлади”. Аммо 60-йиллар бошларида торилар партияси анча ўзгарди. Сиёсий сахнадан унинг “эски гвардияси”нинг кетиши билан, партия раҳбарияти ва

уянинг Парламентдаги фракцияси вакиллари ўзларини жамиятнинг ўрта қатламига мансуб эканликларини уқтира бошлашди.

1961 йилда рўй берган янги Бош Вазир номзодлиги борасидаги ички партиявий баҳс-мунозара консерватив партиянинг демократиялашувида ҳал қилувчи ҳодиса бўлди. Биринчи марта тори-парламентарийлар орасида энг мақбул ва номақбул номзодлар тўғрисида сўров ўтказилди. Парламент фракцияси ва партия фаоллари орасида Дуглос Хьюмнинг номзодини кўпчилик қувватламади. Аммо собиқ раҳбар — Макмилланнинг фикри ҳал қилувчи бўлди. Партия ичидаги кескин баҳс-мунозаралар раҳбарият маҳкамаси обрўсига путур етказди.

Консерватив партиянинг сиёсий инқирози давлат бошқарув стратегиясида ҳам чуқур ўзгаришлар қилиш зарурлигини кўрсатди. Чунки Британия иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича Ғарб мамлакатларидан орқада қолаётган эди. 50–60- йилларда Британияда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши йилига атиги 3% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич АҚШда 4%, ГФР ва Италияда 7,4%, Португалияда 6,2%, Испания ва Грецияда 7,5%, Японияда 15,2% ни ташкил этди. Ғарбнинг етакчи мамлакатлари ичида Буюк Британияда таълим даражаси энг паст кўрсаткичда эди. Мехнат бозорида малакаси паст бўлган ишчи-ҳодимлар кўп эди. Ихтисосликлар, мутахассисликлар ва соҳалар бўйича ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мос келмаслиги мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қиларди.

60- йилларда Британия жамияти янги психологик муаммоларни ҳис этишига тўғри келди. Бу муаммолар, асосан, мустамлакачилик империясининг парчаланиши билан боғлиқ эди. Инглизларни хаяжонга солувчи нарса кўпроқ ватаннинг халқаро обрўси тушиши, буюк мамлакат мавқеини бой бериши эди. Ўсиш суръатларининг пасайиши, Ғарб етакчи мамлакатлари сафининг иккинчи қаторига тушиб қолиши ҳам ташвишлантирар эди. Яқингинада рақиб бўлган Германия, Япония, Италия каби мамлакатларнинг муваффақиятлари аламли эди. Буларнинг ҳаммаси учун жавобгарлик консерваторлар зиммасига юкланди. Лейбористларнинг консерваторларни “зое кетган ўн уч йил”да айблашлари чақирик сифатида қабул қилинадиган вақт етиб келганидан дарак эди.

4- §. Буюк Британия 60–70- йилларда. “Технократия эраси”

Горальд Вильсоннинг технократик инқилоби

Вильсон 1963 йил партия ичидаги курашда ғалаба қилди ва Лейбористлар партиясига раҳбарлик қила бошлади.

1963 йилда бўлиб ўтган лейбористик партия конференцияси “Лейбористлар ва фан инқилоби” номли дастур қабул қилди. Унинг муҳим жиҳатлари ҳақида Вильсон шундай дейди: “Бу конференцияда ўзимизнинг барча режаларимизни фан инқилоби шароитида ва унинг талабларига мос равишда қайта белгилаймиз ва аниқлаштирамиз”. Вильсон фан ютуқларини иқтисодий режалаштириш билан бирлаштириш тарафдори эди.

1964 йил Парламент сайловлари арафасида лейбористлар томонидан “технократик инқилоб”нинг асосий ғояларини бирлаштирувчи дастурий манифест эълон қилинган эди. Технократлар – фан, техника, муҳандислик ва олимлар заковатини уйғунлаштирган ҳолда жамиятни бошқариш тарафдорлари. Дастурда давлат илмий техника инқилобининг асосий механизми (мотори) деб таърифланди. Дастурда Британия саноатини ҳар томонлама замонавийлаштириш, молия-бюджет тизимини кучайтириш зарурати таъкидланди. Мафкуравий янги концепциянинг муҳим жиҳати ёлланма ишчиларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда ва даромадни тақсимлашда “қатнашуви” масаласи бўлиб, у таҳлил қилинган эди. Лейбористлар “технократик” сайлов компаниясида оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланди.

1964 йил 15 октябрдаги сайловда лейбористлар берилган овозларнинг 44% ига, консерваторлар 43% ига эга бўлди. Уларнинг Парламентдаги фракцияси 317 депутатдан иборат бўлди, консерваторлар эса 303 мандатга, либераллар 9 мандатга эга бўлди.

Ҳукумат таркибини Эттли даврида энг муҳим лавозимларни эгаллаган лейбористик партиянинг кекса аъзолари ташкил этди. Вильсон ҳукумати дуч келган ва энг мураккаб муаммо пул муомаласидаги танқислик ва ўсиб бораётган инфляция эди. Дефляция (муомаладаги пул миқдорини камайтириш) сиёсати доирасида 1964 йил ноябрида Молия вазирлиги суғурта ва бензинга божхона тўловларини оширишни кўзда тутувчи “инкироз бюджети”ни тақдим этди. 1965 йилнинг баҳоридан фойда солиғини ошириш режалаштирилди. Корпо-

рация типидagi корхоналарга катта солиқлар солинди. 1964 йил декабрида ҳукумат “Нарх ва фойда самарадорлигини режалаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ойлик маошнинг кўтарилиши билан боғлиқ турли норозилик намоёишлари ва бошқа хатти-ҳаракатдан воз кечилди. Тадбиркорлар ойлик маошни керакли даражада сақлаб туриш жавобгарлигини ўз зиммаларига олдилар ва асоссиз равишда маҳсулот нархини кўтаришдан воз кечилди. Ойлик маошнинг йиллик ўсиш чегараси — 3,5%, нархлар ўсиши чегараси эса 4% деб белгиланди. Дастлаб даромад ва нархлар ўсишини чеклаш масаласи тред-юнион ва тадбиркорларнинг ҳамкорлигида кўнгилдагидай бўлди.

1964 йилнинг охиридан нафақалар оширилди ва тиббий рецептларга қўйилган солиқлар бекор қилинди. Уй-жой қурилиши вазирлиги ижара тўлови тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлади. Унга кўра, квартира олувчиларнинг имтиёзлари кўлами оширилди. Шаҳар уй-жой қурилиши кенг миқёсда бошлаб юборилди. 1965 йил бюджетдан ижтимоий таъминотдаги нафақаларнинг миқдорини доимий равишда ошириб туриш кўзда тутилган эди.

Иктисодий ривожланиш бўйича Миллий Кенгаш тузилди. 1965 йилда беш йиллик “Миллий иктисодий режа” қабул қилинди. Режада ишлаб чиқаришнинг йилига 4–5% га ўсиши кўзда тутилган эди. Ишсизликнинг паст кўрсаткичларини сақлаб қолишга катта эътибор берилди. Ҳукумат фаоллиги бутун 1965 йил давомида қулай инвестицион шароитни сақлаб қолишга ва асосий макроиктисодий кўрсаткичларни яхшилашга имкон берди. Бундай шароитда 1966 йил 28 февралда Вильсон ўз ҳуқуқидан фойдаланиб қироличадан Парламентни тарқатиб юбориш ва янги сайлов белгилашни сўради. Сайловда лейбористларни сайловчиларнинг 48,1% и (364 мандат), консерваторларни 41,9% и (253 мандат), либералларни 8,5% и (12 мандат) қўллаб-қувватлади.

60- йилларнинг охирига келиб кўлга киритилган молиявий барқарорлик яна хавф остида қолди. Бунинг сабаби пассив савдо сальдоси (қолдиғи)дан ташқари турғун инфляция бўлди. Вильсон ҳукумати ҳар қандай йўллар билан бўлса-да инфляциянинг олдини олиш ва фунт стерлинг курсининг пасайишига йўл қўймасликка уринди. 1966 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, экспертлар томонидан “Буёқ Британияда 1949 йилдан бери ўтказилган энг қаттиқ дефляция” деб баҳоланган бир қатор чоралар амалга оширилди. Ижара ҳақи, автомобиллар нархи (40% га), спиртли ичимликлар, нефть ва

бензинга эгри солиқлар, почта хизмати (10% га) оширилди. Санатнинг миллийлаштирилган соҳаларига инвестициялар киритиш камайтирилди. Халқаро валюта операцияларига назорат кучайтирилди. Ҳамдўстлик мамлакатларидаги ҳарбий ва фуқаролик харажатлари камайтирилди. 1967 йилда Инглиз Банкнинг ҳисоб қўйилмаларини ошириш жорий қилинди (“қиммат кредит” сиёсати), ойлик маош ва нархларни оширишда янги чеклашлар жорий қилинди (улар ихтиёрий бўлмади), кўпгина бюджет тўловлари қисқартирилди, кечиктирилган тўлов орқали сотиб олишга ва капитални четга олиб чиқишга бир қатор чеклашлар жорий қилинди. Қаттиқ дефляция сиёсат юритишдан ташқари, ҳукумат экспортни фаоллаштириш орқали мамлакатнинг тўлов балансини яхшилашга уринарди. Бунда Буюк Британиянинг Европа Иқтисодий Ҳамжамияти “Умумий бозори”га қўшилиши ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин эди. 1967 йилнинг май ойида ҳукумат Дания ва Норвегия билан биргаликда Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлиш ҳақидаги аризани берди. Аммо Франция яна муросасиз позицияни эгаллади ва 1967 йил ноябрда Буюк Британияга бу ариза рад этилгани ҳақида расман хабар берилди. ЕИҲга қўшилишга уринишнинг беҳуда кетиши халқаро вазиятнинг кескинлашган вақтига тўғри келган эди. 1967 йил июндаги Исроил ва Мисрнинг “олтти кунлик уруши” жаҳон бозорининг барқарорлигини бузди. Араб мамлакатлари томонидан бир неча ойга Буюк Британияга нефть экспорт қилишга эмбарго жорий қилинган эди. Сувайш каналининг ёпилиши, Лондон ва Ливерпуль шаҳарларидаги докерлар қўзғолони ҳам Британия ташқи савдосига салбий таъсир кўрсатди. Бундай вазиятда Вильсон ҳукумати миллий валютани девальвация (муомаладаги пулнинг қийматини тушириш ёки бекор қилиш) қилишга мажбур бўлди.

1967 йил 18 ноябрда фунт стерлинг курси қиймати 14,3% га туширилгани ҳақида эълон қилинди. Кейинги бир ярим йил давомида бу кадам “стерлинг минтақасидаги” 25 та мамлакатда амалга оширилди. 1969 йилда эса Француз франкининг девальвацияси “франк минтақасига” кирувчи 14 та Африка мамлакатларида миллий валюта курсларининг пасайишига олиб келди. 1971 йилда АҚШ маъмурияти расмий курс бўйича долларни олтинга алмаштиришни вақтинчалик тўхтатиб қўйиш ҳақида эълон қилди.

ХВФ кредит ажратиб, Британия Ҳукумати олдида бир қатор барқарорлаштирувчи чораларни амалга ошириш шартини қўйди. Бунинг учун ҳукумат ишлаб чиқаришдан ташқари, бошқа соҳаларга

бюджет тўловларини қисқартириши, миллий валютанинг келгусидаги кескин тебранишларига йўл кўймаслиги, кредитни қатъий талаблар асосида ажратиши ва кечиктирилган тўловни, сотиб олишдаги чеклашларни саклаб қолиши керак эди. Шу билан бир вақтда, ҳукумат кўшимча молиявий манбаларни излашга ҳаракат қилаётган эди. 1968 йилда тиббиёт рецептларга солиқ жорий қилинди, почта хизматларига солиқлар оширилди, уй-жой қурилиши бўйича режалар қисқартирилди. Мактабларда bepул сут бериш бекор қилинди. 1969 йил бюджети доирасида бензин, тамаки, виски, ҳайдовчилик гувоҳномаси, иш билан таъминлаш корпорацияларига солиқларни ошириш режалаштирилди.

Истеъмолчиларга солиқларни ошириш орқали тазйиқ ўтказиш билан бирга, ишлаб чиқарувчиларга нисбатан рағбатлантирувчи сиёсат ҳам олиб борилди. Фан билан боғлиқ соҳаларнинг ривожланишини ҳукумат қироллик мукофотлари тизими орқали рағбатлантирди. Ишчи-ҳодимларнинг малакасини ошириш ва менежментларнинг энг янги шакллари жорий қилиш мақсадида кадрлар тайёрлаш бўйича кенгашлар таъсис этилди. Бу кенгашлар йўл транспорти, меҳмонхоналарга хизмат кўрсатиш, фуқаролик авиацияси, бензин қуйиш бизнеси соҳаларида ишлай бошлашди. Энг аввало, молиявий ва сиёсий жиҳатдан дунё бозорида рақобатга дош берувчи энг йирик Британия компаниялари қўллаб-қувватланди. Йирик ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг радикал усули давлат томонидан катта маблағлар қўйиш орқали амалга оширилаётган миллийлаштиришдан иборат бўлди. 1967 йилда давлат томонидан энг йирик металлургия монополияси ҳисобланган “Бритиш Стил Корпорейшн” тузилди ва унинг ҳимояси остида бутун пўлат қуйиш саноати бирлаштирилди. Шу билан бирга, ҳукумат хусусий банк ва саноат капитали марказлашишини қўллаб-қувватлашни ишончлироқ деб билди. 1969 йилда Ғарбий Европадаги энг йирик 20 та хусусий компанияларнинг 8 таси Буюк Британияники эди.

Вильсон ҳукуматининг иқтисодий сиёсатини моҳиятига кўра, ўз вақтида маҳорат билан амалга оширилган сиёсат деб ҳисоблаш мумкин. Мамлакат тўлов баланси яхшилана бошлади ва 1970–1971 йилга келиб Британия бюджети кўп йиллар давомида илк бор ижобий кўрсаткичга эга бўлди. 1968 йилда Бош Вазир қутилаётган иқтисодий мўъжиза тўғрисида жўшқинлик билан нутқ сўзлади. Аммо унинг башоратлари анча бўрттирилган эди. Буюк Британия илгаригидек Ғарбнинг етакчи мамлакатларидан Ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ)

ўртача йиллик ўсиши бўйича ортада қолаётган эди. Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида ҳам унинг улуши пасайиб кетди. Бундан ташқари, Вильсон ҳукуматининг иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган қаттиқлик сиёсати мамлакатда ўсиб бораётган ижтимоий норозиликка сабаб бўлди.

Энг катта норозилик айнан лейбористларнинг сайловчиларидан иборат бўлган қатлами – ёлланма ишчи ва хизматчилар орасида бўлди. Агар 1963 йилда 2081 та норозилик ҳаракати бўлиб, унда 593 минг киши қатнашган бўлса, 1966 йилдаги 1951 та норозилик ҳаракатида 2398 минг киши, 1969 йилда эса 3146 та норозилик ҳаракати бўлиб, 1665 минг киши қатнашди. Касаба уюшмалари раҳбариятида энг радикал қанот фаоллашган эди. Бундан ташқари, ҳукумат оммавий ахборот воситалари орқали танқид қилинарди. Жамоатчиликнинг салбий фикрини бартараф этиш учун Вильсон ҳукумати долзарб ижтимоий муаммоларни ечиш борасида бир қатор чораларни кўрди. 1965 йилда ирқий келиб чиқишидан қатъи назар, уларнинг маиший хизмат ва транспорт соҳаларида ишлашига рухсат берувчи, ирққа мансублик тўғрисидаги Акт (Хужжат) қабул қилинди. 1968 йилда иммиграцион (муҳожирлик) хужжати қабул қилиниб, амалдаги қонунга муҳожирларнинг ишга жойлашиши ва уй-жойга эга бўлиши ҳақида ўзгартишлар киритилди.

Ҳукумат аёллар эмансипацияси (хотин-қизларни эркинликка чиқариш)ни кўзда тутувчи чоралар кўрди. 60- йиллар охирида ажралишлар ҳақида Акт қабул қилинди. Бу Актнинг қабул қилиниши ажралишлар сонининг кескин кўпайишига олиб келди. 1967 йилда оилани режалаштириш давлат хизмати иш бошлади. Аборт ҳақидаги Акт ҳам қабул қилинди. Унга кўра, аёл соғлиги хавф остида қолган бўлса ёки майиб-мажруҳ бола туғилиши эҳтимоли бор бўлса, аборт қилиш учун рухсат берилди. 1967 йилнинг июлида бесоқолбозлик (гомосексуал) алоқалари қонунлаштирилди.

1969 йилда ҳукумат Парламент орқали халқ вакилиги тўғрисидаги Билл (Билл “муҳр”, “муҳрланган хужжат”, “қонун лойиҳаси” маъноларини билдиради) қонун лойиҳасининг қабул қилинишига эришди. Унга кўра, сайлаш ҳуқуқи 18 ёшгача пасайтирилди. Бу тадбир лейбористлар ҳукуматининг ёшлар сиёсати соҳасидаги дастурининг таркибий қисми эди. Ҳукумат мактаб таълим тизимида ҳам радикал янгилашни амалга оширди. Давлат мактаблари “умумтаълим” мактабларига айлантирилди. Бу мактабларда ўқитиш дастури ва мазмуни умумийлаштирилиши керак эди. Таълим тизимидаги

хусусий сектор давлат қўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлди. 1969 йилда Буюк Британия тарихида биринчи марта гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга қарши қонун қабул қилинди.

60- йиллар охирида Ольстердаги диний-сиёсий тўқнашувлар Буюк Британияда ижтимоий-руҳий вазиятнинг кескинлашганини кўрсатарди. 1919–1921 йиллардаги сиёсий инқироздан сўнг мустақил Ирландия Республикаси ташкил топди. Ва шу вақтнинг ўзида Шимолий Ирландиянинг 6 та графлиги мухториятга эришди ва Бирлашган Қироллик таркибига кирди. Шундан кейин Ольстерда анча йил осойишталик бўлди. Ягона Ирландия давлатини тузиш тўғрисидаги моддани ўз ичига олган Ирландия Республикаси Конституциясининг 1937 йилда қабул қилиниши ва 1949 йилда Ирландиянинг Ҳамдўстлик таркибидан чиқиши Лондон ва Дублин ўртасидаги ўзаро манфаатли мулоқотни қийинлаштириб қўйди.

1967 йилда католик ҳаракати фаоллари Шимолий Ирландия фуқаролари ҳуқуқлари учун курашчи ассоциацияни туздилар. Бу ташкилот католикларнинг протестантлар билан тенг ҳуқуқли бўлишини талаб этарди. 1968 йил кузида Шимолий Ирландия Ички ишлар вазирининг таъқиқлашларига қарамасдан, католик аҳоли ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шиорлари остида бир қатор норозилик митинглари бўлди. Намойишлар кўпинча полиция билан тўқнашувлар билан якун топарди. Бу воқеалар 1969 йилда Шимолий Ирландия Ҳукумати инқирозини келтириб чиқарди. Сиёсий саҳнага яна Ирландия Республикаси Армияси (ИРА) чиқди. Унинг радикал қисми террористик кураш йўлларини қўллади.

Конфессиялараро (диний мазҳаблар ўртасидаги) тўқнашувлар 1968 йилга келиб тез-тез рўй берадиган бўлди. Ольстерда Ирланд-католиклар билан аҳолининг кўпчилигини ташкил этадиган инглиз протестантлар ўртасида ўткир тўқнашув келиб чиқди. Тўқнашув диний ва ижтимоий характерда эди: католиклар протестантлар билан тенг ҳуқуқлилини талаб қилишарди. Протестантлар ишга ва ўқишга қабул қилишда, иш хақи ва бошқа нафақаларни белгилашда уларнинг ҳуқуқларини бузишар, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари бошқарувида қўйишмас эди. 1969 йил августда Лондон ҳукумати Ольстерга қўшин киритди, бу эса қарама-қаршиликни янада қучайтириб юборди. Ҳар иккала қўшин курашаётган томонда экстремистлар (жангарилар) пайдо бўлди, католиклар махфий ташкилот – ИРА (Ирландия Республикаси Армияси) туздилар. ИРА қуроли кураш ва террор усуллари билан маҳаллий протестантлар ҳамда инглиз сиё-

сий арбобларига қарши иш кўрдилар. Протестант экстремистлар, ўз навбатида, католикларни зўрлик билан Ольстердан Ирланд Республикасига қувишга уришардилар.

Британ ҳокимияти Шимолий Ирландия мухтор бошқариш органлари фаолиятини тўхтатдилар, маҳаллий Парламент ва ҳукуматни тарқатиб юбордилар. Лондондан туриб тўғридан-тўғри бошқаришни жорий этдилар, аммо муаммони еча олмадилар. Қурбонлар сони доимий суръатда ўсиб борди. Шундай огир вазият ҳукм сурган бир пайтда, навбатдаги Парламент сайловлари 1970 йил 18 июнда бўлиб ўтди. Сайловда консерваторлар – 46,4%, лейбористлар эса 42,9% овозга эга бўлишди. Бу муваффақият туфайли консерваторлар партияси Парламентнинг қуйи палатасида яна қўшимча 43 мандатга эга бўлди (жами 330 ўрин). Лейбористлар 287, либераллар 6 та мандатга эга бўлди.

Буюк Британия XX асрнинг 70- йиллари бошида. Э. Хитнинг “янги консерватизми”

Консерваторлар партияси мухолифатда бўлган даврида унинг мафкуравий доктринаси ва ташкилий тузилиши тубдан ўзгарди. Бу йўналишдаги биринчи қадам партия раҳбарини сайлаш ҳуқуқи Парламентдаги партия фракцияси депутатларига берилиши бўлди. Бундай сайловлар илк бор 1965 йилда бўлиб ўтди. Асосий кураш уч номзод ўртасида бўлиб ўтди: Эдвард Хит, Реджинальд Модлинг ва Энок Пауэлл. Ҳар учала сиёсатчи ҳам 50- йилларнинг бошида партия орасида “Ягона миллат” номли гуруҳни тузиш билан танилган консерваторлар янги авлоди вакиллари ҳисобланар эдилар.

1966 йилги сайловлардаги мағлубиятга қарамасдан, консерваторлар партияси аста-секин ўз мавқеларини мустаҳкамлаб борди. 1967 йилдан бошлаб, у ҳукумат маҳаллий органларни ва Парламентга қўшимча сайловларида кўпроқ муваффақиятларга эришди. Аммо партиянинг раҳбариятидаги аҳвол тобора кескинлашиб бораётган эди. Кескин тўқнашув 1967 йилда рўй берди. Унда “1922 йил кўмитасидаги” “орқа курсчилар” “нархлар ва даромадлар” сиёсати га қатъий қарши чиқишди. Аммо Хит, Модлинг ва Маклеодлар, аксинча, ҳукуматнинг бундай сиёсатини қўллаб-қувватлашди. Бунинг натижасида Хит партия раҳбари Э. Дью Каннинг лавозимидан четлашиши ва унинг ўрнига ўзининг тарафдори А. Барбар тайинлани-

шига эришди. 1967 йилда “яширин кабинет” таркибидан тори “эски гвардиячиларининг” охириги вакиллари ҳам четлаштирилди.

Консерваторлар партиясининг раҳбариятидаги ихтилофлар Хитнинг шахсий обрўсини анча тушириб юборди. 1970 йил январ ойида ижтимоий фикр сўрови натижасига кўра, сайловчиларнинг 44% и Хитни ёмон раҳбар деб ва фақат 31% и яхши раҳбар деб баҳолашган. 1970 йилги Парламент сайловларидаги ғалабасидан сўнг Хит хавфли рақибларни йўқотишга киришди. Ҳукумат таркибига Дью Канн ва Пауэллар киритилмади. Р. Модлинг ўзининг илгариги обрўсини йўқотди. 1972 йилда эса ҳукуматдан умуман четлаштирилди. Я. Мак-леод Молия вазири лавозимини эгаллади, аммо бир ойдан сўнг оламдан ўтди. Маҳкамадаги асосий мавқеларни Хитнинг содиқ тарафдорлари эгаллашди. Янги ҳукумат таркибини К. Жозе ва М. Тэтчерлар раҳбарлигидаги партия ўнг қанотининг кам сонли вакиллари эгалладилар. Сайловдаги ғалабадан кўп ўтмасдан, Хит ва партиянинг Парламентдаги фракцияси ўртасида ҳам яхши муносабатлар ўрнатилмаганлиги маълум бўлди. Вақт ўтиши билан Хит ҳукумат сиёсати масалаларида Парламентдаги партия фракцияси билан умуман маслаҳатлашмай кўйди.

Парламент ислоҳоти давлат бошқаруви тизимидаги ташкилий янгиланишлар билан бирга ўтказилди. Хитнинг раҳбарлик даврида вазирликларнинг тузилиши янада ойдинлашди ва уларнинг сони камайтирилди. Ҳукуматнинг молиявий соҳадаги ваколатлари оширилди. Ҳукумат ҳар йили маҳаллий ҳокимият органлари молиявий ҳолатини тафтиш (ревизия) қилиш ва “ноўғри харажатлар” учун кенгаш аъзолари ва бошқа мансабдор шахслардан жарима ундириш ҳуқуқига эга бўлди. Маҳаллий бошқарув тизимининг ўзи эса 1972 йилдаги қонунга мувофиқ анча тартибга солинди. Графликлар сони қисқартирилиб, уларнинг ҳудудлари катталаштирилди. Маҳаллий ҳокимият ваколати барча даражаларда кенгайтирилган ва унификациялаштирилган (бир шаклга келтириш) эди. 1972 йилдаги қонунга мувофиқ, маҳаллий ижрочи ҳокимият раҳбарлари вазифасини ўтаб келган кенгашлар раҳбарларининг ваколатлари биров кенгайтирилган эди.

Давлат бошқарувининг ислоҳоти Англия ҳамда Уэльсга тааллуқли бўлди. Қийинчилик, ўзига хос маъмурий тузилишга эга бўлган Шотландия ва Шимолий Ирландияда юзага келди. Олдинги лейборис-тик ҳукуматдан фаркли ўлароқ Хит бу минтақалар ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи берилишини хоҳламади. Шотландияда маъму-

рий ислохотларни ўтказиш иши тўхтатилган эди. 1972 йилдан бошлаб Шимолий Ирландияда Лондоннинг тўғридан-тўғри бошқарув жорий қилинган эди. Маҳаллий ҳукумат барча ваколатлардан маҳрум қилинди. Шимолий Ирландиянинг сиёсий муҳторияти расман бекор қилинмаган бўлса-да, унинг ҳудудида фавқулодда қонунчилик амал қила бошлади. Унинг мазмунини 1973 йилдаги “Шимолий Ирландия тўғрисида”ги ва 1974 йилдаги “Терроризмнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонунлар ташкил қилди. Фавқулодда қонунчиликнинг терроризмга қарши курашга қаратилган фаолияти бутун Бирлашган қиролик ҳудудиг аёйилди.

Қатъий чораларнинг кўрилиши Ольстер муаммосини ҳал қилолмади. Шимолий Ирландиядаги Британия ҳарбий қисмлари озчиликни ташкил этган католиклар томонидан босқинчилар армияси сифатида қабул қилинди ва террористик ҳаракатлар нишонига айланди. Ижтимоий қайфиятни кескин ўзгартирган ҳодиса 30 декабр 1972 йилда бўлиб ўтган “қонли якшанба” бўлди. Унда инглиз кўшинлари кўзгалган католикларга қарата ўт очди ва Лондондеррида 13 кишининг ўлимига сабаб бўлдилар. Ҳазабланган олмон бунга жавобан Дублиндаги Британия элчихонасига бостириб кириб, уни бутунлай ёқиб юборди. Шундан кейин Ирландия Республикаси Армияси (ИРА) сулҳ тузишдан қатъиян бош тортди ва амалда инглиз ҳукуматига қарши террористик урушни бошлади. Фақат 1972–1975 йилларда Шимолий Ирландияда 475 киши ўлдүрилди. Кескинликни баргараф этиш мақсадида Британия Ҳукумати мамлакат тарихида илк бор референдум ўтказишга қарор қилди.

1973 йил 8 мартда Шимолий Ирландия фуқароларига Ольстернинг Бирлашган қиролик таркибидан чиқиб, Ирландия Республикасига қўшилишига нисбатан ўз муносабатини билдириш имкони берилди. Аммо референдумнинг сиёсий самараси ниҳоятда паст бўлди. Кўпчиликни ташкил этган протестантлар ажралишга қарши чиқди, озчилик бўлган католиклар эса референдумга бойкот эълон қилди.

Буюк Британия ва Ирландия ҳукуматлари Ольстер муаммосини ечиш учун сўнги мартга 1973 йилнинг декабрида уриниб кўришди. Музокара Саннингдейл Шартномасини тузиш билан якунланди. Натижанда Ирландия Республикаси ва Шимолий Ирландиянинг вазирлари ва Парламентларидан иборат давлатлараро маслаҳат органи – Ирландия Кенгаши тузилди. Аммо бу Шартноманинг ратификацияси протестант экстремистларнинг чиқиши туфайли пучга чиқди.

М. Тэтчер раҳбарлигида таълим соҳасида ислоҳот ўтказилди. Таълим муассасаларига таълим жараёни мазмунини танлаш ва унинг шаклларини белгилаш бўйича тўла эркинлик берилди. Тэтчер ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятига асосланган энг дифференциал (индивидуаллашган) таълим моделини жорий қилмоқчи эди. Унинг фикрича, хусусий таълим муассасалари давлат мактабларини бугунлай сиқиб чиқара олмайди, аммо улар таълим тизимининг элитор (нуфузли) қисми бўлиб келиши керак. Давлат мактабларига келсак, уларни таъминлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари кескин камайтирилди. Олий мактабларда ҳам бу харажатлар камайтирилди, аммо бу талабалар сонининг кескин пасайишига олиб келди. Консерваторлар таълим соҳасини коммерциаллаштиришга (тижоратлаштиришга) ўтказиш ҳақида очиқчасига гапирмасалар-да, бироқ амалда бунга тўла шароит яратиб берилди.

Иқтисодийни либераллаштириш (эркинлаштириш) бўйича Хит ҳукумати солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш чораларини кўриб чиқди. Тўғри солиқларни камайтириш ва эгри солиқларни ошириш иқтисодийнинг “реал сектори”ни рағбатлантириши, саноат ишлаб чиқаришига қўйилган сармоялар рентабеллигини (самарадорлигини) ошириш керак эди. Ҳар бир фунт стерлингдан даромад солиғи миқдорини 6 пенсдан камайтириш самарали натижа берди. Бу сўнгги 11 йил ичида биринчи марта амалга оширилди. Аҳолининг энг кам таъминланган қатлами (деярли 10 миллион киши) даромад солиғидан умуман озод қилинган эди. Йирик корпорацияларнинг олаётган фойдасига солинадиган солиқлар ҳажми анча камайтирилди. Компанияларни алоҳида даромадларига қараб солиққа тортиш тизими ягона солиқ ставкаси билан алмаштирилди. Бу эса энг самарали ва рақобатбардош ишлаб чиқарувчиларга афзаллик берди. Дастлабки сармоя қўувчилар учун солиқ имтиёзлари оширилди.

Тўғри, сармоя қўйишлар динамикасининг ўсиши ишончсизлигича қолаверди. 1970 йилда ички инвестициялар олдинги йилги кўрсаткичдан 2,5% кўп эди, аммо 1971 йилда бироз орқага чекиниш рўй берди. 1972 йилда эса сармоя қўйишлар 1% га ошди. Бундай вазиятда ҳукумат йирик инвестицион дастурларни амалга оширишга мажбур бўлди, бу эса саноатга сармоя қўйишда давлат ҳиссасини 50% (1964 йилда 45%)гача оширишни талаб қиларди. Бу 1973 йилдаёқ ишлаб чиқариш 7% га ўсишини таъминлади. Аммо, шу билан бир вақтда, давлат қарзлари ҳам ошиб кетди.

Британия иқтисодийига 70- йиллар бошида рўй берган халқаро

валюта тизимини тубдан ўзгартириш ҳам салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон молиявий бозорининг либераллашуви Европа валюта худудига долларнинг босимини янада кучайтирди. Барқарор бўлмаган Британия молия бозори турли чайқовчилик ҳужумлари учун қулай бўлиб қолди. Бу эса инфляциянинг яна ўсишига сабаб бўлди. 1972 йил июлида муомалага киритилган фунт стерлингнинг “эркин сузиши”дан сўнг, унинг курси тез пасайиб кета бошлади. 1972 йил ноябрда Хит ҳукумати ўз иқтисодий стратегиясини тубдан ўзгартириши ва “инфляцияга қарши сиёсат”нинг янги босқичга ўтишини маълум қилди.

Инфляцияга қарши сиёсатнинг фаоллашувидан ташқари, ҳукумат яна саноат ишлаб чиқаришини фаол бошқаришга қайтишга мажбур бўлди. Миллий манфаатлар учун муҳим ҳисобланган соҳалардаги хусусий корхоналарга субсидиялар (пул билан ёрдам) бериш тикланди. Бу дотация (корхоналарга давлат томонидан соғломлаштириш учун бериладиган пул маблағи) воситалари эса ишлаб чиқаришни янгилаш учун эмас, балки бандлик даражасини сақлаб туриш учун ишлатилди. Натижада ҳукумат самарадорлик даражаси энг паст корхоналарни нафақат қўллаб-қувватлаш, балки уларни миллийлаштиришга (бу сиёсат “чўлок ўрдаклар”ни қўллаб-қувватлаш номини олди) мажбур бўлди. Қишлоқ хўжалиги соҳаларига ҳам дотация ажратилди. Ҳукумат фаоллиги саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш динамикасини сақлаб қолишга имкон берди. Аммо жаҳон бозорида Буюк Британия позицияси ёмонлаша борди. 1973 йилда унинг жаҳон экспортдаги улуши 6,6% гача пасайди.

Бундай шароитда Буюк Британиянинг ЕИХга қўшилиш учун учинчи уринишининг муваффақиятли бўлиши катта аҳамият касб этди. 1973 йил 1 январдан бошлаб Буюк Британия, Дания ва Ирландия Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоларига айланишди. Аммо бирлашишнинг иқтисодий самараси узоқ истиқболда намойён бўлиши мумкин эди. Ҳозирча Британия Ҳукуматига жиддий ён босишлар, жумладан, инглиз ички бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нархларни анча ошириш, Ҳамдўстлик мамлакатлари билан тузилган савдо келишувларини ЕИХ талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, халқаро савдода захира валютаси сифатида фунт стерлингдан фойдаланишдан воз кечиш, ЕИХ бюджетига Буюк Британия аъзолик тўловининг миқдорини ошириш кафолатларини беришга тўғри келди. Натижада Британиянинг “Умумий бозор”га қўшилиши бошида мамлакат тўлов балансининг яхшиланишига эмас, балки ёмонлашувига олиб келди.

1971 йил охирида Британия иқтисодиёти яна бир жиддий имтиҳонга дуч келди. Нефть инқирози — “ёнилги шоки” деб аталган инқироз иқтисодиётни хасталантириб қўйди. Октябр ойида ОПЕК нефтнинг ҳар баррели нархини мисли кўрилмаган даражада—3 доллардан 18,65 долларгача ошириш ҳақида қарор қабул қилди. Бу Ғарб мамлакатлари иқтисодиётини глобал ёнилги инқирозига дучор қилди. Ёнилги инқирози билан боғлиқ бўлган харажатларни ошириш халқ хўжалигининг барча соҳаларида маҳсулот таннархининг, шунингдек, улгуржи ва чакана савдо нархларининг кескин ошишига олиб келди. Сотиб олиш қобилияти ва талабнинг пасайиши ҳамда инвестициянинг камайиши инқирознинг чуқурлашишига сабаб бўлди.

Ўзининг нефтга бўлган эҳтиёжининг 2/3 қисмини Ўрта Шарқдан импорт қиливчи Буюк Британия инқироздан катта талофат кўрди. Бу вазиятда Хит навбатдан ташқари Парламент сайловларини ўтказишга қарор қилди.

Г. Вильсон ва Ж. Коллагэнинг “ижтимоий шартномаси”

Ҳукумат 1974 йил 4 мартга белгиланган Парламент сайловларига галабага тўла ишонч билан тайёрланган эди. Хит “олмон фикри”га боғлиқ бўлмаган ва ҳар қандай вазиятда ҳам фаолият кўрсатишга қодир бўлган “кучли ҳукумат” тузиш ҳақида баёнот берди. Лейбористлар партияси эса, аксинча, сайлов компартиясини фаол ўтказишди.

Лейбористлар партиясининг сайловолди дастури радикал характерга эга эди. Унда кенг қўламдаги миллийлаштириш, давлат бошқаруви тизимини кучайтириш, ҳарбий харажатларни қисқартириш, Буюк Британиянинг Умумий бозорда қатнашиши борасида умумхалқ референдумини ўтказиш кўзда тутилган эди. Сайлов натижаларига кўра, Хитнинг либераллар раҳбарияти билан коалицион ҳукумат тузиш тўғрисидаги уринишлари муваффақиятсизликка учради. Шундан кейин Хит қироличага истеъфога чиқиш ҳақида илтимоснома беришга мажбур бўлди. Бош Вазир ваколатлари Вильсонга топширилди. Сайловолди ваъдаларига содиқ қолган лейбористлар ҳукумати тредюнионлар норозилигига сабаб бўлган “Саноатдаги муносабатлар тўғрисида”ги Қонунни бекор қилди, шахтёрларнинг ойлик маошини ошириш тўғрисидаги талабларини қондирди. “Солиқлар сиёсати” эркин характерга эга

бўлди. Ишсизликка қарши кураш бўйича дастурларни амалга ошириш бошланди. Давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши натижасида кўпгина корхоналарда тўлик иш ҳафтаси тикланди. Нафақалар ҳажми оширилди, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ва квартира тўловлари вақтинчалик “музлатилди”, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Вильсон Олстер муаммосини ҳам ҳал қилишга уриниб кўрди. 1974 йил апрел ойида ўзининг Шимолий Ирландияга қилган сафарда у Соннингдейл Шартномасини ратификация қилиш бўйича таклифларни тақдим этди. Аммо экстремистик гуруҳлар ҳаракатларини тўхтатишга муваффақ бўлмади. Олстерда протестант ульга кучлар томонидан ташкил қилинган умумий сиёсий ғалаён бошлангандан сўнг, Британия Ҳукумати Шимолий Ирландия Ассамблеясини тарқатиб юбориш ва яна тўғридан-тўғри бошқаришга қайтишга мажбур бўлди. 1974 йил июлида Шимолий Ирландия Конституцион Акти қабул қилинди. Унга кўра, Олстерда янги маҳаллий вакиллик органи – Конституцион Конвентни тузиш кўзда тутилган эди. Аммо бу лойиҳани амалга оширишга ҳеч қандай имконият бўлмади. Олстер муаммосини ечиш ташаббуси муваффақиятсизликка учрашга қарамай, Вильсон фаолиятининг дастлабки ойларида бошлаб ўз ҳукуматининг нуфузини оширишга эришди. Рағбатлантирувчи солиқ ва инвестицион сиёсат меҳнат муносабатлари ва ижтимоий таъминот соҳасидаги кўпгина тadbирлар ва яқин жамияти турли табақаларида ижобий таассурот қолдирди. 1974 йилнинг биринчи ярмида барча Ғарб мамлакатлари иктисодиёти чуқур инқирозга учрай бошлади.

Лейбористларнинг кузги сайловолди дастури бор-йўғи битта янги таклиф билан бойитилган эди. Бу Коллагэн томонидан таклиф қилинган “ижтимоий шартнома” ғояси эди. Унда “ҳокимият ва бойликни ишчилар фойдасига тубдан ва абадий қайта тақсимлаш” учун давлат ва касаба уюшмаларининг яқиндан ҳамкорлик қилишлари кўзда тутилган эди. Бу дастурнинг асл мазмуни янада тўлароқ ва катъийроқ тарзда “давлат фаровонлиги” ғоясини амалга оширишга ҳаракат қилишдан иборат эди. Коллагэннинг тахминига кўра, инқироз билан курашиш ва яшаш тарзини юқори даражада сақлаб туриш иктисодий ва ижтимоий муносабатларнинг давлат томонидан бошқарилишини кенгайтириш орқали амалга оширилиши керак эди.

1974 йил 10 октябрда бўлиб ўтган сайловлар натижаси лейбористларнинг Парламентда барқарор кўпчилик ўринларга эгаллик қилиши

учун етарли бўлди. Лейбористлар Парламентнинг қуйи палатасида 319 та ўринга (сайловчиларнинг 39,3% овози), консерваторлар 296 (35,8%), либераллар эса 13 та ўринга (18,3%) эга бўлишди. Бунда илк бор қуйи палатада 11 та ўринга эга бўлган Шотландия Миллий партияси яққол муваффақият қозонди.

1974 йил охиридан бошлаб Вильсон ҳукумати иқтисодий аҳволнинг кескин ёмонлашувига дуч келди. Бир неча ой давомида Буюк Британияда саноат ишлаб чиқариши 10% га камайди. Саноат тўла қувват билан ишламади, бу эса, ўз навбатида, ишсизликнинг ўсишига олиб келди. Агар 1974 йилнинг бошида ишсизлар сони 700 минг кишини ташкил қилса, 1975 йилда бу кўрсаткич 1400 минг кишига етди. Инфляция жараёнлари қутилмаган тарзда кечарди. Бозор иқтисодиёти тарихида биринчи марта ишлаб чиқаришнинг барқарор қисқариши нархларнинг кўтарилиши билан бирга рўй берди ("стагфляция" жараёни). Буюк Британияда 1974 йилда чакана нархлар 19% га, 1975 йилда 24% га ошди.

1975 йил ёздан бошлаб Вильсон ҳукумати инфляция ўсишини тўхтатиш, инвестициялар фаоллигини сақлаб қолиш ва меҳнат низоларини баргараф этишга барча кучини сарфлади. Ҳукуматнинг инкирозга қарши дастури, асосан, пассив, кутувчи характерга эга эди. Сиёсий синфдан бутунлай янги ижтимоий мафқурани ишлаб чиқишни талаб этувчи бир вазиятда лейбористлар ҳукумати бор-йўғи "оғир дамларни чидаб ўтказиш"га чақирувчи вақтинчалик чораларни таклиф қила олди, холос. Лейбористлар етакчиларининг руҳий жиҳатдан толиққани сезилиб турарди. Вильсоннинг 1976 йил 16 мартда Бош вазир лавозимидан кетиш тўғрисидаги қарори қутилмаган ҳодиса бўлмади.

Бош Вазир лавозимини эгаллаган Жеймс Коллагэн бюджетни тежаш сиёсатига бутунлай ўтиш, инфляцияга қарши чораларнинг нуфузини ошириш, миллийлаштириш режаларидан бутунлай воз кечишни маълум қилди. 70- йилларнинг иккинчи ярмида Буюк Британияни норозилик намоёнликлари қуршаб олган эди. Намоёнлар туфайли шифохоналар, транспорт, почта ва ёнғинга қарши кураш хизмати вақти-вақти билан ишламай қоларди. Металлурглар, шахтёрлар, автомобилсозлар, ҳайдовчилар ва темирйўлчилар касаба уюшмалари меҳнат шароитларини яхшилаш учун биргаликда намоёнлиқга чиқишди. Уюшган фаол ишчилар ҳаракати ойлик маошларни ошириш талабларида энди саноат корхоналарининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини, тўлиқ бандликни таъминлашни,

солликка тортиш тизимини ўзгартиришни, импорт устидан қаттиқ назорат ўрнатишни талаб қилишга ўтдилар. Ҳукумат, қийинчилик билан бўлса-да, қасаба уюшмаларининг сиёсийлашувини ва энг радикал чиқишларини бартараф этишга уринди. Ҳукумрон партиянинг обрўси тушганлигини 1977 йил май ойидаги муниципал сайловлар натижалари ҳам кўрсатди. Унда кўп овоз билан консерваторлар партияси ғалаба қозонди.

Фуқаро тинчлигига нафақат тред-юнионлар радикал қанотининг чиқишлари, балки националистик (миллатчи) ва террористик ташкилотларнинг ҳавакатлари ҳам хавф соларди. 70- йилларнинг ўрталаридан бошлаб сепаратистик шиорлар остида Шотландия ва Уэльсда норозилик ҳаракатлари кўпайди. Олдини олиш чораси сифатида ҳукумат экспертлари Уэльс ва Шотландия автономия (мухторияти)сини кенгайтириш лойиҳасини тайёрлашди. Унда, таълим, тиббий хизматлар, йўл ва уй-жой қурилиши, экология соҳасида анчагина ваколатларни маҳаллий идора органларига топшириш кўзда тутилган эди. 1975 йил ноябрида ҳукуматнинг юқоридаги лойиҳаси “Оқ китоб” номида эълон қилинди. Аммо 1976 йилда Коллагэн ҳукумати Парламентга анча янгиланган қонун лойиҳасини тақдим этди. Унда Шотландия ва Уэльсда маҳаллий қонун чиқарувчи ташкилотларни таъсис этиш кўзда тутилган эди. Бу эса кўзланган ислоҳот моҳиятини тубдан ўзгартирди.

Шотландия ва Уэльсда маҳаллий ҳукумат органлари ваколатини кенгайтириш ғояларини рад этмаган ҳолда, консерваторлар ва лейбористлар партияларининг кўпгина сиёсатчилари бундай даражадаги радикал ўзгаришларнинг тўғрилигига шубҳа қилишарди. Қонун лойиҳасининг умумпалатадаги муҳокамаси бир ярим йилга чўзилди. Фақатгина миллий партияларга мансуб депутатларнинг овозлари ҳисобига, ҳукумат 1978 йилдагина “деволюциялар” (марказий ҳокимиятнинг ҳукумронлиги сакланган ҳолда қиролликдаги айрим миллий ҳудудларга (субъектларга) ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқларининг берилиши) ҳақидаги билларнинг маъқулланишига эришдилар. Аммо уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бевосита Шотландия ва Уэльсдаги референдумларга боғлиқ эди. Улар ижобий натижа бериши учун рўйхатга олинган сайловчилар 40% ининг овозлари керак эди. 1979 йил бошида бўлиб ўтган референдумлар Коллагэн ҳукумати учун жиддий мағлубият келтирди. “Деволюция”ни Уэльсда яшовчиларнинг атиги учдан бир қисми ва шотландияликларнинг 40% игина қўллаб-қувватлашди.

Шимолий Ирландияда ҳам вазият кескинлашди. Британия ҳарбий кучлари фақатгина кўпчиликни ташкил этувчи протестантларни қўллаб-қувватлаб, хатога йўл қўйди. Протестант ультрачилари, асосан, католиклар яшайдиган кварталларда чиқишлар ташкил этишар ва бу намоёнлар кўпинча қонли тўқнашувлар билан яқун топарди. Ўз навбатида, католик-экстремистик ташкилотлар Британиянинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи органларга ва протестант жамоалари етакчиларига ҳужумлар уюштиришни давом этгирди. 1975 йилда ИРА таркибидан Ирландия Миллий озодлик армиясини (ИМОА) ташкил этган радикал гуруҳ ажралиб чиқди. ИМОАнинг вазифаси Ирландия Республикасига қўшилиш эмас, балки Ольстернинг мустақил бўлишига эришиш ва уни “марксистик-ленинистик ишчи-деҳқон республикаси”га айлантиришдан иборат бўлди. 1978–1979 йилларда Ирландия экстремистлари Британиянинг кўзга кўринган сиёсат арбобларига қарши индивидуал террор тактикасига ўтишди. Бунга жавобан, ҳукумат репрессиялар (қатағон)ни кучайтирди. Ольстерда юз бераётган инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолатлари Европа судини бефарқ қолдирмади. 1978 йил январиди Европа суди инглиз полициясини маҳбусларга нисбатан ғайриинсоний ва ҳуқуқини камситувчи муносабатлари учун айблади ва ундан барча жавобгарликни ўз зиммасига оладиган қарор қабул қилишини талаб этди.

1977 йил ёзида Коллагэн ҳукумати жар ёқасига келиб қолди. Қўшимча Парламент сайловларида 8 та депутатлик ўрнини йўқотган лейбористлар жамоалар палатасида мутлоқ кўпчиликни қўлдан бой берди. Коллагэн Либерал партия етакчиси Дэвид Стил билан Парламент фракцияларининг биргаликда ҳаракат қилишлари тўғрисидаги Шартномани тузишга муваффақ бўлди ва ҳукумат инқирозини бартараф этди. Либераллар билан имзоланган пакт барқарор сиёсатни давом эттириш имконини берди. Бунинг натижасида нархларнинг ўсиш суръатларида кескин пасайиш кузатилди. 1978 йилда инфляция 8% гача пасайди. Норозилик намоёнлари ҳам бирмунча камайди. Кенг миқёсдаги миллийлаштириш ва даромадларни қайта тақсимлаш лойиҳаларидан воз кечиш ишбилармонлар доирасида лейбористлар таъсирини кучайтирди.

1978 йил кузида сиёсий вазият яна кескинлашди. 1978 йил сентябрида бўлиб ўтган Британия тред-юнионлари конгресси ҳукумат сиёсатига қарши резолюцияни қабул қилди. Кейинги ойларда ўта тажовузкор норозилик намоёнлари бўлиб ўтди. Оммавий норозиликлар ва кўп сонли пикетлар мамлакатдаги барқарор вазиятни бузди.

Ахлат ташувчиларнинг иш ташлашлари натижасида шаҳарлар кўча ва майдонлари ахлатдан тўлиб кетди. Дафн қилиш ва шошилиш тиббий ёрдам хизматлари ҳам иш ташладилар. 1978 йил охирига келиб омма орасидаги норөзилик энг юқори нуқтагача кўтарилди.

1978 йил октябрида Д. Стил Либераллар партиясининг лейбористлар билан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида 1977 йилда тузилган пактдан чиққанини эълон қилди. Коллагэннинг Парламентни тарқатиб, навбатдан ташқари сайловларни ўтказишдан бошқа чораси қолмади. Бу сайловлар 1979 йил 3 майида ўтказилди. Сайловчиларнинг 43,9% и консерваторларни ёқлаб овоз берди. Бу уларга 339 депутатлик мандатларига эга бўлиш ва жамоалар палатасида мутлок кўпчиликка эришиш имконини берди. Лейбористларни сайловчиларнинг 39,6% и (жамоалар палатасида 268 ўрин) қўллашди. Либераллар ихтиёрида 11 та депутатлик ўрни қолди. Миллий партияларнинг фракциялари сони ҳам камайиб кетди.

Буюк Британия 60–70- йилларнинг иккинчи ярмидаги халқаро муносабатлар тизимида

Иқтисодий ривожланишнинг ёмонлашиб бориши шароитида Буюк Британиянинг Европа интеграциясида қатнашуви ташқи сиёсатдаги асосий йўналиш бўлиб қолди. Г. Вильсон бу муаммони 1965 йил январ ойида Лондонда У. Черчиллнинг дафн маросимида қатнашаётган Франция Президенти Де Голл билан норасмий учрашуви вақтида муҳокама қилди. Франция раҳбари бу гал ҳам Буюк Британиянинг “Умумий бозор”га қўшилишига қарши чиқди. Аммо илгариги “темир вето”дан фаркли ўларок, Де Голл бу муаммонинг барча иқтисодий жиҳатларини агрофлича муҳокама қилиш кераклигини баён қилди. Буюк Британиянинг Европа “олтилиги” билан тўла уйғунлигини таъминлаш учун, Де Голлнинг фикрича, Лондон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан имтиёзли иқтисодий муносабатлардан воз кечиши ва жаҳон молиявий бозори талабларига мос ҳолда ўзининг қишлоқ хўжалигини тартибга солиши керак эди. Де Голл ҳокимият теңасидан кетганидан сўнг галабага бўлган ишонч яна ошди. Франциянинг янги Президенти Ж. Помпиду ва унинг ҳукумати интеграцион жараёнларнинг фаоллашуви, жумладан, “Ягона Европа”нинг кенгайиши тарафдори эди. 1969 йилнинг охиридан Буюк Британиянинг ЕИҲга аъзо бўлиши шартлари ҳақида музокаралар бошланди.

Э. Хит жуда узоқ давом этган “Европа учун кураш” жараёнининг тезроқ ниҳоясига етишини хоҳлар эди. Буюк Британиянинг Европа Ҳамжамияти тизимига кўшилиши ҳақидаги сиёсий қарорга 1971 йил май ойида Э. Хитнинг Помпиду билан учрашуви чоғида эришилди. Кейинги музокараларда Буюк Британиянинг “Умумий бозор”га кириши шакли ҳам аниқ белгиланди. Беш йилга мўлжалланган “мослашиш даври”ни ўтказиш кўзда тутилаётган эди. Буюк Британия ва ЕИХ ўртасида савдо-сотикқа оид божлар миқдори йилига 20% дан қисқартириб борилиши айтилди. Буюк Британиянинг “Умумий бозор”га кўшилиши шакли масаласидаги асосий муаммо валюта-молия соҳасига тегишли эди. Буюк Британиянинг Ҳамжамиятга босқичма-босқич кириб бориши ҳисобга олинган ҳолда, унинг умумий бюджетга тўловлари 1973 йилда 100 миллион фунт стерлингдан 1980 йилга бориб 300 миллион фунт стерлинггача кўтарилиши керак эди. Шундай қилиб, Буюк Британия “Умумий бозор”га қираётганида Ҳамжамият бюджетининг 8% ини, 1977 йилда 19%, 1980 йилга келиб эса 24% идан кўпрогини тўлаши керак эди.

Кескин баҳс-мунозаралардан сўнг, 1971 йил 28 октябрда Британия умумпалатаси кўпчилик – 356 та овоз билан интеграцион лойиҳани қўллаб-қувватлади. 1972 йил 22 январда Брюсселда Буюк Британиянинг 1973 йил 1 январдан бошлаб Европа Ҳамжамияти таркибига кириши тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

1973 йил 1 январида Буюк Британия Европа Ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди. Аммо лейбористик партиянинг сўл қаноти ва консерваторлар – “евроскептик”лар илгаригидек Буюк Британиянинг ЕИХга аъзолик принципларини қайта кўриб чиқишни талаб этишарди. Бу талабнинг жарчиси Ж. Коллагэн бўлди.

Узоқ чўзилган “Европа учун кураш”га 1975 йил 5 июнда бўлган референдум нуқта қўйди. Референдум аъзоларининг учдан икки қисми мамлакатнинг Европа Ҳамжамияти таркибида бўлишини ёқлаб овоз беришди. Аммо Бош Вазир лавозимига Коллагэн қелгандан сўнг, Британия дипломатияси Ҳамжамият бюджетига тўлайдиган маблағлар миқдорини камайтиришга ҳаракат қилди. Буюк Британиянинг Европа Ҳамжамияти билан яқинлашуви Лондоннинг Вашингтон билан “махсус” муносабатларига салбий таъсир этди. Атлантик ҳамфикрликни рад этмаган ҳолда, Г. Вильсон АҚШнинг “кичик шериги” родини бажаришдан воз кечди. АҚШнинг 60- йиллардаги ўта авантюристлик сиёсати Лондонда унга нисбаган нафратни кучайтирганди. Инглиз–Америка муносабатларининг совишига Лондоннинг

Вьетнамга ҳарбий кучларини жўнатишдан бош тортганлиги сабаб бўлди. Ўз навбатида, Америка дипломатияси Буюк Британиянинг Гонконг, Малайя ва Форс қўлтигида ўз мавқеини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватламади.

Хитнинг ҳокимияти даврида ҳам Инглиз–Америка муносабатларидаги совуқлик ўзгармади. Иккала мамлакат манфаатлари тўқнаш келишига ҳеч қандай асос бўлмаса-да, лекин дипломатик қарама-қаршилиқлар тез-тез бўлиб турарди. 1971 йилда бўлиб ўтган иккинчи Ҳиндистон–Покистон уруши даврида Буюк Британиянинг бетараф туришга ва, керак бўлса, воситачи бўлишга уринишига қарамасдан, АҚШ Покистонни қўллаб-қувватлади. Ўша вақтда АҚШ Хитой билан ўзига хос сиёсий мулоқот юргизиб, Буюк Британиянинг Жанубий Осиёдаги манфаатларини ҳисобга олмади. Ўз навбатида, Буюк Британия ҳам 1965 ва 1973 йилларда Яқин Шарқда юз берган халқаро инқирозлар вақтида АҚШнинг арабларга қарши тутган кескин позициясидан ўзини узокда тутди. 1974 йилда лейбористлар ҳокимият тепасига қайтганидан сўнг Инглиз–Америка муносабатларида кўзга ташланарли илиқлик бошланди.

XX асрнинг 60- йилларида Совет–Британия муносабатлари жуда совуқ характерга эга бўлди. Бу муносабатлардаги нормаллашиш Ташқи ишлар вазири Дуглас Хьюмнинг 1973 йилда ва янги Бош Вазир Вильсоннинг 1974 йилда Москвага ташрифларидан сўнг рўй берди. Кейинги йилларда Лондон нафақат Ғарбий Германиянинг “хўприқлар ўрнатиш” сиёсатини қўллади, балки Умумевропа хавфсизлик тизимининг шаклланишида ҳам фаол қатнашди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича Кенгашни тайёрлашнинг охириги босқичида Буюк Британия делегацияси самарали фаолият кўрсатди. 1975 йил 1 августда Бош Вазир Г. Вильсон бошқа мамлакатлар раҳбарлари билан биргаликда Хельсинки йиғилишининг сўнгги актига имзо қўйди. Бош Вазир лавозимиغا Ж. Коллагэн келган пайтларда Британия ташқи сиёсатида СССР билан иқтисодий ҳамкорлик, қуролсизланишни қўллаб-қувватлаш, Умумевропа Хавфсизлигини таъминлаш масалалари устун келди.

Британия позициясининг учинчи дунё мамлакатларида сўсайганлиги Ҳиндистон–Покистон уруши даврида яққол намоён бўлди. 1965 йил баҳорида Лондоннинг воситачилик ҳаракатларига қарамасдан, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларнинг олдини олишга муваффақ бўлинмади. Фақатгина сентябрга келиб бу мамлакатлар БМТнинг урушни тўхтатиш тўғрисидаги талабига

кулок солишди. Икки давлат ўртасидаги вазиятни тинчлик йўли билан ҳал қилиш СССР томонидан амалга оширилди. 1966 йил 10 январда Тошкент Декларациясининг қабул қилиниши билан тинчлик таъминланди. Бироқ Ҳиндистон–Покистон ўртасидаги янги тўқнашув 1971 йил декабрида рўй берди. СССР бу гал очикчасига Ҳиндистонни қўллаб-қувватлади ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги резолюциясини бажармади. АҚШ Покистонга ёрдам берди. Ҳиндистон армиясининг ғалабаси Бангладеш мустақил давлатининг ташкил топишига олиб келди. Покистон шу даврдан бошлаб АҚШнинг стратегик ҳамкорига айланди, Ҳиндистон эса СССР билан яқинлашди, Буюк Британиянинг эса бу минтақадаги таъсири анча пасайиб кетди.

Британия дипломатиясининг Яқин Шарқ инкирозини бартараф қилишга бўлган уринишлари ҳам муваффақиятсиз бўлди. Буюк Британиянинг бу минтақадаги манфаатлари, асосан, Сувайш каналидан фойдаланиш ва Ямандаги протекторат тақдири билан боғлиқ эди. 1962 йилда Шимолий Яманда инқилоб рўй берди. Фуқаролар урушига йирик араб давлатлари ҳам қўшилди (Миср республикачиларни, Саудия Арабистони монархистларни қўллаб-қувватлади). Буюк Британия бу воқеалардан амалда узоклашиб, Жанубий Ямандаги бошқарувини (хукмронлигини) сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Жанубий Яманда 1962 йили 17 та Британия протекторатлари уюшмаси асосида Жанубий Арабистон Федерацияси ташкил қилинган эди. Аммо бир йил ўтмасдан бу ерда ҳам озодлик ҳаракатлари бошланди. Миллий фронтнинг қуролли отрядлари Британия ҳарбий қисмларига қарши ҳаракатларни бошлади. 1964 йилда хокимият тепасига келган лейбористлар ҳукумати Яман муаммосини ҳукукий йўл билан ҳал этишга уриниб кўрди. Жанубий Яманга суверенитет бериш жараёни 1968 йилга келиб якунланди.

60- йилларнинг охирида Араб–Исроил муносабатлари ҳам кескинлашди. 1967 йил 5 июнда Исроил кўшинлари Миср–Сурия Бирлашган Ҳарбий Кучларига қарши уруш ҳаракатларини бошлаб юборди. Исроил учун муваффақиятли бўлган “олти кунлик уруш” минтақадаги вазиятни яна кескинлаштирди. 1970 йилгача, яъни Носирнинг вафотигача Мисрнинг советпараст ҳокимияти АҚШнинг қўллаб-қувватлашига таянган Исроилга қарши туриб келди. Британия дипломатияси эса фаол позициядан воз кечди. Айнан 1967 йил охирида Вильсон ҳукумати “Сувайшдан шарқдаги” минтақаларни “тарк этганлигини” амалда эълон қилди. Бу Лондоннинг собиқ им-

периячилик глобал сиёсатидан бутунлай воз кечганлигини билдирарди.

1973 йилдаги Араб—Исроил уруши вақтида Буюк Британия Европанинг бошқа мамлакатлари қатори урушни тўхтатиш ва масалани музокаралар йўли билан ҳал қилиш тарафдори бўлди. Ҳатто Исроилда ишлатилаётган Британия ҳарбий техникаларига эҳтиёт қисмлар жўнатилишига эмборга ҳам қўйган эди. Бирок охир-оқибатда Лондон АҚШнинг гегемонистик сиёсатини тўла қўллаб-қувватлашга ўтди, бу эса 1979 йилда Кэмп-дэвид Шартномасининг имзоланишига олиб келди.

60–70-йилларнинг иккинчи ярмида Миллатлар Ҳамдўстлигининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди, унинг таркиби кенгайишда давом этди. Ҳамдўстлик фаолияти умумий қондаларининг тўлароқ тавсифи 1971 йил Ҳамдўстлик тамойилларининг Сингапур Декларациясида берилди. Унда ёзилишича, “Ҳамдўстлик – бу мустақил суверен давлатларнинг кўнгилли бирлашмаси бўлиб, бу давлатларнинг ҳар бири ўз сиёсати учун жавобгар, аммо улар ўз миллати ва халқлари умумий манфаатлари учун халқаро яқдиллик ва тинчлик йўлида ўзаро маслаҳатлашадилар ва беллашадилар”. Ҳамдўстлик фаолиятининг асосий шакллари “маслаҳатлар, муҳокамалар ва ҳамкорлик” деб аталди. Декларацияда кўрсатилишича, Ҳамдўстликка аъзолик тўла ихтиёрийдир ва Ҳамдўстликка қабул қилинган ҳар қандай давлат унинг таркибида қолиш, жумладан, ундан чиқиш масалаларини ўзи мустақил ҳал қилади.

Ҳамдўстликнинг янги аъзолари учун ирқий муаммо ва мустамлакачиликка қарши ҳаракатлар масаласи жуда муҳим эди. Сингапур Декларацияси Ҳамдўстликнинг энг муҳим мақсадларидан бири сифатида мустамлакачиликка ва ирқчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни эълон қилди. Декларация Ҳамдўстлик аъзоларига ўз давлати ҳудудида ирқчиликка қарши фаол кураш олиб бориш, ҳамда ирқий камситишга йўл қўяётган ҳар қандай мамлакатни қўллаб-қувватламаслик мажбуриятини юқлади.

Собиқ мустамлакалар ҳудудидаги миллий ва ирқий тўқнашувлар ислоҳ қилинаётган ҳамдўстлик учун энг оғир муаммо бўлди. 1967 йил кузида Нигериянинг федерал ҳукумати Буюк Британиядан айирмачи (сепаратист)ларга қарши курашда кўмак сўради. Аммо, Лондон бунга шошилмади. Лондоннинг суеткашлигидан норози бўлган Нигерия федерал Ҳукумати СССРга мурожаат қилди. 1969

йил маргида Вильсоннинг шахсан ўзи Нигериядаги тинчликни барқарорлаштириш учун у ерга боришга мажбур бўлди. 1970 йилга келиб тўкнашув бартараф этилди.

Британия Хукумати Жанубий Родезиядаги воқеаларга нисбатан ўзининг ожизлигини янада кўпроқ намоён қилди. 1964 йилда Ян Смитнинг ирқчи режими ҳокимият тепасига келди ва бир йилдан сўнг мамлакат мустақиллигини эълон қилди. Вильсон хукумати Родезиядаги ирқчи хатти-ҳаракатларини қоралади, бироқ муаммони ҳал қилишда куч ишлатиш имконияти йўқлигини маълум қилди. Африканинг Ҳамдўстлик таркибидаги давлатлари “Смит режими”га нисбатан қатъий чора кўришни талаб этишди. Вильсоннинг 1966 ва 1968 йилларда Смит билан яккама-якка учрашувлари ҳеч қандай натижа бермади. Родезия хукумати Жанубий Африка Республикасига тобора яқинлаша бориб, у ердаги апартеид режими хусусиятларидан нусха ола бошлади. Тез орада Родезия муаммосини бартараф қилишга оид ташаббусни АҚШ дипломатияси ўз зиммасига олди. Бу масалага эса 1979 йилда М. Тэтчер бошчилигидаги янги Британия Хукумати узил-кесил нукта қўйди.

5- §. М. Тэтчернинг неоконсерватизмдан Э. Блэрнинг “янги лейборизми”га

М. Тэтчер ва Британияда “неоконсерватив инқилоб”

1975 йилда Тэтчер ўта оғир инқирозни бошдан кечираётган консерваторлар партиясининг раҳбари бўлди. Парламентдаги фракция ва партиянинг бутун раҳбарияти гуруҳларнинг ўзаро кескин рақобати натижасида сусайган эди. 50- йилларнинг бошига нисбатан партия аъзолари сони икки баробар, “ёш консерваторлар” ҳаракати аъзолари сони эса уч баробарга камайган эди.

1979 йилги Парламент сайловларида консерваторлар 13,7 миллион, лейбористлар эса 11,5 миллион овоз олишди. Буюк Британия Хукумати тепасига биринчи бор аёл киши – консерваторларнинг янги йўлбошчиси Маргарет Тэтчер келди. М. Тэтчер ўзини консерватив қарашларининг содиқ тарафдори, қатъий ва букилмас феъл-атворли киши сифатида кўрсатди, шунга кўра, инглизлар уни “темир

хоним” деб аташди. У ҳокимиятга аниқ ҳаракат дастури билан келди ва бу дастурни амалга оширишга киришди. М. Тэтчер Англияда ва бутун жаҳонда жуда катта обрў-эътиборга сазовор бўлиб, унинг раҳбарлигида консерваторлар партияси 1983 ва 1987 йиллардаги сайловларда ғалаба қозонишди, “темир хоним” эса ҳукуматни сурункасига ўн бир ярим йил бошқарди. Айрим таржимаи ҳол ёзиш билан шуғулланувчилар у бошқарган даврни “Тэтчер эраси” деб ҳам юритишади.

Бош вазирнинг дастурини британ ториларининг анъанавий концепциясига солиштирганда, айтарли унчалик янгиликлардан иборат эмаслиги маълум бўлади. У фақат ўз дастурини замонавий даврга мослаштирди ва мантиқий сўнгига етказди. М. Тэтчер томонидан олга сурилган ва “тэтчеризм” деб номланган асосий қоидалар қуйидагилардан иборат эди:

– гуллаб-яшнаётган ҳар қандай иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи хусусий тадбиркорликдир. Шунга кўра, ҳокимият сиёсий йўлининг асоси “эркинлик, имконият – ҳамма учун, тадбиркорлик руҳини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкчиларга демократия” бўлиши керак;

– давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви минимум даражага тушиши лозим, у асло хусусий ташаббусларни бўғмасин;

– барча меҳнатга лаёқатли кишилар ўзини ўзи таъминлайди. Давлат ва хайрия ташкилотлари ўз айбисиз ишлаш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган меҳнатга лаёқатсизларга ёрдам кўрсатади. Шунга кўра, давлат ижтимоий дастурларидан воз кечиш ёки уни энг паст даражага тушириши лозим;

– давлат баланслаштирилган танқисликсиз бюджетга эга бўлиши керак. Унинг энг муҳим қисмини барча аҳоли даромадига биноан тўлайдиган солиқлар ташкил этади. Иқтисодиёт таркибига қатъий риюя қилиб, харажатларни камайтириш зарур;

– касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини қонуний воситалар билан ҳимоя қилишга ҳақли; бунда бошқа одамларнинг манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Шунинг учун ҳам жамяятга зарар етказадиган иш ташлашлар ўтказиш ҳуқуқи чекланиши лозим.

М. Тэтчер Буюк Британия кучли армия ва флотга эга бўлишини, ўзининг ядро қуроллари такомилаштиришини ёқларди. Ташқи сиёсатда АҚШ билан иттифоқлик муносабатларини кучайтиришни, НАТО олдидаги мажбуриятларга содиқ қолишни истади, аммо интеграция жараёнларини жадаллаштиришга қарши эди.

Ҳокимият тепасига консерваторлар ҳукумати келганда, Буюк Британиянинг иқтисодий аҳволи мураккаб эди. Эски корхоналарнинг ёпилиши ишсизлар сафининг тез ўсишига олиб келиб, уларнинг сони 3,3 миллион кишига етди, бу мустақил фаолиятли аҳолининг 13 фоизини ташкил этарди. Парламент “Ишчи ўринлар ҳақида” Қонун қабул қилди. Бу қонун иш ташлаш ҳуқуқини чеклар эди, аммо у муаммони еча олмади. Пулнинг кадрсизланиши кучайди, саноат ривожини суръати секинлашди. Тежамкорлик йили ишсизларга бериладиган нафақаларни қискартириш ва бошқа ижтимоий дастурларни камайтириш ҳисобига йўналтирилди. Натижада стачка ҳаракатлари яна қайтадан кучайиб кетди. Аммо Тэтчер чекинмади, у “Европадаги бемор киши” – Англия аҳолини қаттиқ иқтисодий чоралар кўриш билангина тузатиш мумкинлигини баён қилди.

Ҳукумат давлат секторидан кўпгина корхоналарнинг фойда келтирмаётганлигига асосланиб, кенг кўламда денационализация ўтказди. Нефть ва авиакосмос саноати корхоналарининг кўпчилиги, шунингдек, ҳаво транспортининг анча қисми хусусий мулк эгаларига ўтди. Хусусийлаштириш тез кенгайиб борди. “Тэтчеризм”нинг бир неча йили ичида давлат секторидан корхоналарнинг 3/2 қисми хусусий мулк эгаларига ёки корхонани хусусийлаштирган жамоаларга ўтказилди. Айни пайтда, миллиондан ортиқ муниципал квартиралар сотилди. Мамлакат аҳолисининг 60% дан ортиғи шахсий уй-жойларга эга бўлди. Буларнинг барчаси хусусий мулк эгалари сонининг ошишига ва консерваторлар партияси ижтимоий базасининг мустаҳкамланишига олиб келди.

Британ саноатининг рақобатга чидамлилигини ошириш мақсадида ҳукумат уни ИТИ ютуқлари асосида қайта жиҳозлаш учун йирик капитал ажрага бошлади, энг янги соҳаларни ривожлантирган ва меҳнат унумдорлигини оширган тадбиркорлар рағбатлантирилди. Биринчи йилларда ботқоққа ботган “тэтчеризм” энди ўз меваларини берди. 1982 йилдан 1987 йилгача Буюк Британия иқтисодиётининг ўсиши Ғарбий Европада энг юқори ўринга чиқди. Ишсизлар сони ва инфляция кўлами кискарди.

Ҳукумат янгича шароитда қасаба уюшмалари устига юрнш қилишни эп кўрди. 1984 йилнинг мартада кончилар британ тред-юнионлар конгресси санкция бермаган ҳолда шахталарнинг ёпилиши ва ишчиларнинг озод қилиниши ҳақидаги қарорнинг бекор қилинишини талаб қилиб, иш ташладилар. Ҳукумат иш ташлашнинг дарҳол тўхтатилишини талаб қилди, аммо у бутун бир йилга чўзилиб

кетди. Бунга жавобан, касаба уюшмаси ва унинг раҳбарларига қарши суд иши қўзғатилди. Суд уюшманинг мол-мулкини мусодара этиб, 200 минг фунт стерлинг миқдорида жарима ундиришга ҳукм этди.

Урушдан кейинги йилларда Англияга чет элликларнинг катта нуфузи иммигрант бўлиб келди, уларнинг кўпчилиги собиқ Британ мустамлакалари: Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва бошқа мамлакатлардан эди. Ишсизлик кўпайиб бораётган шароитда иммигрантлар сонининг ошиши Англияда бир вақтлар бўлган ирқчилик кайфиятини уйғотди: инглизлар билан иммигрантлар ўртасида тўкнашув келиб чикди, ўнг йўналишдаги матбуот “рангли”ларга қарши душманчилик руҳида ташвиқотни олиб борди. Тэтчер ҳукумати ирқчиларга қарши иш юритмади, у Парламент орқали чет элликларнинг Англияга келишини чекловчи квота ҳақидаги қонунларини қабул қилди.

Англия ва Аргентина ўртасида Жанубий Америка қирғоқларидан унча узоқ бўлмаган Жанубий Атлантикадаги Форкленд (Мальвин) ороллариининг кимга қарашли эканлиги хусусида кўпдан буён мунозара кетар эди. Тарихий ҳуқуқ нуқтаи назаридан, у Аргентинага қарашли бўлиб, инглизлар мустамлакага айлантиришганига анча вақтлар бўлган эди. Ороллардаги унча кўп бўлмаган аҳоли инглизча сўзлашар ва Аргентина хунтаси бошқарувига ўтишни исташмасди. Хунта аргентиналиклар кўз олдида ўз эътиборини кўтариб олишни ўйлаб, 1982 йилнинг майида оролларга десант туширди ва у ерда Аргентина байрогини кўтарди.

Буюк Британия савдо-иқтисод ва ҳарбий-сиёсий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш йўлида бораётган М. Тэтчер Аргентинанинг бу ҳаракатига қарши ўта кескин йўл тутди. У сарф-харажатларни ўйлаб ўтирмай, оролларга ҳарбий кемаларни, денгиз пиёдалари ва авиацияни жўнатди. Аргентина гарнизони таслим бўлди. Англия Форкленд ороллариини батамом ўз ихтиёрига ўтказиб, у ерда ҳарбий база барпо этди. Бу хатти-ҳаракатларнинг барчаси консерваторлар партияси ва унинг лидери обрў-эътиборини янада ошириб юборди.

80- йиллар ўртасида Англия СССР билан муносабатларини яхшилашга ҳаракат қилди, натижада иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайиб, ҳар иккала давлат раҳбарларининг жавоб визитлари амалга ошди.

Англияда иқтисодий ўсувнинг тезлашув даври ва нисбий фаровонлик узоққа бормади. 90- йиллар бошида иқтисодий конъюнктура ёмонлаша борди, эски дардлар қўзғалиб қолди: бюджет танқислиги, пулнинг кадрсизланиши пайдо бўлди, 1980 йилда ишсизлик 9%

га ошди. Аҳоли жон бошига солинган янги солиқ ҳаммага бирдай бўлиб, даромадига қаралмасди; у ёши 18 дан ошган мамлакат аҳолисининг ҳар бирига солинди, бу эса, ўз ўрнида, халқ норозилигини келтириб чиқарди. Ушбу солиқ жорий этилиши биланок норозилик митинглари бошланиб кетди, улар кўпинча полиция билан тўқнашувга олиб келди. Ольстерда вазият кескинлигича қолди. Ирландия кўшини ўзининг кўпорувчилик фаолиятини кучайтириб, Лондоннинг гавжум жойларида бомбалар портлатди. Ҳатто Бош Вазир қароргоҳининг яқинида ҳам бу ҳол такрорланди. Парламент томонидан қабул қилинган кўпорувчиликка қарши қонун ёрдам бермади. Иқтисодий ривожланиш суръатлари эса яна сустрлашиб қолди.

Ҳукмрон партиянинг оммавийлиги йўқола бошлади. Бунга яраша, энг аввало, Европа интеграцияси масаласида раҳбарият ўртасида турли фикрлилик кучайди: М. Тэтчер бу жараёни тўхтатишга уринарди, кўпгина вазирлар эса Г. Колл ва Ф. Миттеран тутган йўлни қўллаш зарурлигини таъкидлашар эди. Буларнинг барчаси М. Тэтчерни истеъфога чиқишга (1990 йил, ноябр) мажбур этди. Унинг тавсиясига биноан, илгари Молия вазири лавозимини эгаллаб турган Жон Мейжор (1943 йилда тутилган) Консерваторлар партияси раҳбари ва Бош Вазир этиб тайинланди.

Ж. Мейжор XX асрда Буюк Британиянинг энг ёш Бош Вазир бўлди. У ҳокимиятга келгач, энг аввал жон бошига сочилган солиқларни бекор қилди ва “британларнинг ижтимоий-иқтисодий талабларини қондиришни катта қониқиш томон буриб юборишга” ваъда берди. Шу билан бирга, Ж. Мейжор ҳукумати хусусий мулк эгалари ҳуқуқини мустаҳкамлашни, давлат компанияларини хусусийлаштиришни давом эттиришни, тадбиркорлар учун солиқлар миқдорини янада камайтиришни эълон қилди.

1992 йилда, социологлар башорат қилганидек, Парламент сайловларида жамоалар палатасидаги кўпчилик ўринларни консерваторлар эгаллашди. 170 йил мобайнида битта партия қаторасига тўрт мартаба сайловларда галаба қозонди.

Ж. Мейжор ва Британия янги консерватизмининг “қайта қурилиши”

Лордлар палатасига барҳам бериш ва кенг кўламдаги шахар уй-жой қурилишини тиклаш ҳақидаги ваъдалардан воз кечган ҳолда партия дастурий асосларини тубдан янгиллади. Ўзининг илгариги

чикишларидан фаркли ўлароқ, Киннок ҳатто Буюк Британиянинг Европага кўшилишини фаоллаштиришни ёқлаб чиқди. 1990–1991 йиллардаги маҳаллий сайловлардаги ютуқлар сайловчиларнинг янги-ланган лейбористлар партиясига кизиқиши ортганлигидан гувоҳлик берарди. Аммо Киннок лейборизмнинг янги кўринишининг концептуал асосини баён қила олмади.

Сайловолди компания даврида либерал демократлар фавқулодда фаолликни намойиш этдилар. Бу ҳаракат тарихида тубдан ўзгаришга олиб келган воқеа 1988 йилда либерал ва социал-демократик партиялар Альянсининг ягона либерал-демократлар партиясига бирлашгани бўлди. Янги партия дастури асосини иктисодиётда бозор асосларини кетма-кет мустаҳкамлаб бориш, Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи, жумладан, Европа валюта тизимига кўшилиши тўғрисидаги ғоялар ташкил этди. Аммо сайловларга бир ойдан камроқ вақт қолганда либерал-демократлар партиясини раҳбари Пэдди Эшдаун атрофида шов-шув кўтарилди. У ва унинг қотибаси ўртасидаги ишқий муносабатларнинг фош қилиниши партия раҳбарияти обрўсини кескин пасайтирди.

1992 йил 2 апрелдаги жамоалар палатасига бўлган сайловлар консерватив партияга янги ғалаба олиб келди. Консервативларга сайловчиларнинг 41,9% и, лейбористларга 34,4% и, либерал-демократларга 17,8% и овоз берди. Консерваторлар фракцияси 338 та мандат, лейбористлар 271, либерал-демократлар 20 мандатга эга бўлишди.

Сайловларнинг муваффақиятли якунланганига қарамадан, Мейжорнинг партия ва Парламентда ўз мавқеини мустаҳкамлаши учун уч йил давомида курашишига тўғри келди. “Европа Иттифоқини тузиш тўғрисида”ги Маастрихт Шартномасига имзо қўйиш борасидаги музокаралар даврида консерватив партиядаги “евроскептиклар” (скептизм – ишончсизлик) ҳукумат биллларига қарши овоз бериб, ҳақиқий кўзғолон кўтаришди. Мейжор учун Бош Вазирнинг (унинг) бюджет сиёсатига қарши бўлган Молия вазири Н. Лэмонтнинг 1993 йил май ойида истеъфога чиқиши қаттиқ зарба бўлди. Хукмрон партия раҳбариятидаги қутилаётган парчаланиш унинг сайловчилар орасидаги обрўсининг пасайишига олиб келди. 1994 йилда консерваторлар Европарламент сайловлари ва маҳаллий сайловларда мағлубиятга учрашди.

Ички партиявий муҳолифатни бартараф қилиш учун Мейжор энг қаттиққўл усулларни қўллашга мажбур бўлди. 1994 йил ноябрида Европа Иттифоқи бюджетига Британия тўлови тўғрисидаги Билл

бўйича овоз бериш ҳукуматга ишонч вотуми шаклида бўлди. Парламент тарқатиб юборилиши таҳдиди остида “евроскептиклар” — торилар ҳукуматни қўллаган ҳолда овоз беришга мажбур бўлишди. 1995 йил баҳорида Мейжор етакчилик ваколати ва қайта сайлов ўтказишни бирлаштиришга қарор қилганлигини эълон қилди. 1995 йил 4 июлда бўлиб ўтган сайловларда Мейжор номзодлигига 218, унинг рақиби Жон Редвудга 89 овоз берилди. Бу галаба Мейжорга ҳукумат атрофида сиёсий кураш кескинлашишини анча пасайтиришга имкон берди.

Сиёсий вазиятнинг барқарорлашишига Буюк Британия иқтисодий аҳволининг яхшиланиши ҳам ёрдам берди. 1992 йилда иқтисодий пасайиш барқарорлашди, кейинчалик ўсиш билан алмашди. Жадаллаштириш бўйича Англия 1997 йил иккинчи ярмигача ЕИ мамлакатлари орасида юқорироқ кўрсаткичга эга бўлди. 1993—1997 йилларда Буюк Британияда Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 2,8% ни ташкил этди. Ишсизлик даражаси 1995 йилда 8% гача камайди ва 1998 йилнинг бошида иқтисодий фаол аҳолининг 5% ини ташкил этди (1980 йилдан бери энг паст кўрсаткич). Ишлаётганларнинг умумий сони 1,2 миллион кишига ортди. Бошқача айтганда, 1,2 млн иш ўринлари яратилди. Аёллар орасида иш билан таъминланганлар сони ошди (1997 йилга келиб улар ишчи ва хизматчилар умумий сонининг 47% ини ташкил этди).

Ўсишнинг асосий манбалари 80- йилларда ўтказилган Британия иқтисодиётини структуравий қайта қуриш, Британия товарлари экспортини ошириш, газ ва нефтни казиб олиш ва экспорт қилишни кенгайтириш, шахсий истеъмолнинг кенгайиши натижаси бўлди. Бу ютуқнинг ўзига хослиги охиригича икки ўн йилликда sanoat секторининг узлуксиз кенгайишидан иборат бўлди. Sanoatda meхнат unumdorлигининг ўсиш суръатлари юқорилигича қолаверди (йилига 3—4%). Бу даврда капитал қўйишлар анча секин ўсди: 1994 йилда 4,3% га, 1995—1996 йилларда 2% дан камроқ, 1997 йилда 4,3%.

Мейжор ҳукумати иқтисодиёт ривожланишининг инновацион муҳитини яратувчи кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни давом эттирди. 1992 йилда “Кичик бизнес хартияси” ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, кредит бериш соҳаси тартибга солиш ва кичик бизнесга солиқ имтиёзлари бериш, бошқарув ва маркетинг масалалари бўйича маслаҳат қилиш, грантлар тизими орқали тўғридан-тўғри молиявий ёрдам кўрсатиш, кичик фирмаларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш кўзда тутилган эди.

Тузилмавий сиёсат доирасида Мейжор ҳукумати хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишни давом эттирди. Электроэнергетика корхоналарини хусусийлаштириш тугатилди, шахта ва темир йўл хўжалигини хусусийлаштириш давом эттирилди. Шу билан бир вақтда, монополия кўринишини саклаб қолган хусусийлаштирилган соҳаларида рақобатни рағбатлантиришга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилди. Давлат тасарруфида қолган корхоналарда бандликни қисқартириш, асбоб-ускуналарни янгилаш чоралари амалга оширилди. Ишбилармонликнинг фаоллашиши, хорижнинг Британия товарларига талабининг ошиши ва энергия ташувчи маҳсулотларга экспорт талабининг ошиши 1994–1995 йиллардаги экспорт БУМ (қисқа чайқовчилик йўли билан саноатнинг ўсиши)га асос бўлди. Ҳаша йилларда импорт йилига 4–5% га ошаётган бир вақтда, экспорт йилига 10% дан ошиб борди (ЕИ мамлакатларида 14%). 90- йиллардаги иқтисодий ўсиш амалда инфляциясиз рўй берди. Урушдан кейинги даврда биринчи марта иқтисодий ўсиш суръатлари нархлар ўсишидан ошди бўлди.

Мейжорнинг ҳукмронлик даврида минтақавий сиёсат анча фаоллашди. Унинг асосий йўналишлари Шотландия, Шимолий Ирландия ва Уэльснинг энг қолоқ районларида иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ҳамда бир қатор сиёсий-ҳуқуқий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат бўлди. 1994 йилда Шотландияда маҳаллий ҳукумат ислоҳ қилинди ва минтақавий бошқарув органлари экологик сиёсат, йўл ва уй-жой қурилиши, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида кенгрок ваколатларга эга бўлишди. Уэльсда миллий тилнинг таъсир доиралари кенгайтирилди. Валлит (Уэллит) тилининг мавқеи кучайтирилди, жумладан, Уэльс мактабларида бу тилни мажбурий ўқитиш, уэллит тилида телевизион каналлар барпо этиш, барча кўрсаткичлар ва номларни иккала тилда ёзиш жорий қилинди. 1994 йилдаги қонун Уэльснинг маъмурий-худудий бўлинишини Англияга ўхшаш тарзда қонунийлаштирди. Шотландия ва Уэльсда маҳаллий вакиллик ҳукумат органларини тузиш бўйича баҳс-мунозара ҳеч қандай натижа бермади.

1993–1994 йиллар давомида Мейжор ҳукумати Шимолий Ирландия ва Ирландия Республикасидаги сиёсий ҳаракатлар етакчилари билан кескин музокаралар олиб борди. 1995 йил бошига келиб келгусида Ольстер муммосини тартибга солишга асос бўлган икки давлат ўртасидаги тарихий аҳамиятга эга бўлган келишувга муваффақ бўлинди. Ирландия Ҳукумати ўз Конституциясидаги ягона Ирландия

давлатини тузиш тўғрисидаги иккита моддани қайта кўриб чиқишга рози бўлди. Британия Ҳукумати, ўз навбагида, Шимолий Ирландияни Бирлашган қиролликнинг “абадий вилояти” сифатида эътироф этувчи қонун ҳужжатларини ўзгартиришга рози бўлди. Аммо бу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишига яна Ирландия экстремистларининг янги террорчилик ҳаракатлари тўсқинлик қилди.

Мурасага келишга норозилик сифатида 1994 йилда ИРА (Ирландия Республикаси Армияси) таркибидан “Ирландия Курашни давом эттириш Армияси” (ИКДЭА) ажралиб чиқди. Унинг жангарилари Ольстер ва Англиянинг бир қатор шаҳарларида портлашлар уюштирди. Кейинчалик террористик урушни давом эттириш ташаббуси ИРАдан ажралиб чиққан “Ҳақиқий Ирландия Республикаси армияси” (ҲИРА)га ўтди. ИКДЭА ва ҲИРАнинг ҳаракатлари 1996 йилдаги “Ольстер форуми”га сайловларни ўтказишни пучга чиқарди. Шимолий Ирландияда тинч жараённинг бузилиши ҳамда Лондон ҳукуматининг Шотландия ва Уэльсдаги улўғмиллагчилик сиёсати 1997 йилги Парламент сайловлари олдидан консерватив партия мавқеининг кучсизланишига олиб келди.

80- йиллар ва 90- йилларнинг бошларида Буюк Британиянинг ташқи сиёсати

М. Тэтчер ҳукуматининг ташқи сиёсий стратегияси Буюк Британиянинг буюк давлатчилик мавқеини тиклашни, шунингдек, кенг глобал ва минтақавий муаммоларни, жумладан, мамлакат манфаатларига дахлдор бўлмаган муаммоларни ҳам киритишни кўзда тутган эди. “Темир хоним”нинг сиёсий услубига хос бўлган қатъийлик ва қаттиққўллик Британия дипломатиясида ҳам намоён бўларди.

Тэтчер жамоаси ҳокимият тепасига келгандан кейин атиги бир ой ўтмай, у мураккаб вазиятда дипломатик саҳнада ўзини намоён қилишга тўғри келди. 1979 йил Лусакада бўлиб ўтган Ҳамдўстлик конференциясида кўп йиллардан бери даъват этаётган Жанубий Родезия инқирозини ҳал қилишга тўғри келди. Британия томони Жанубий Родезияда конституцион ислоҳот ва сайловлар ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Натижада 1980 йилда мустақил Зимбабве Республикаси (ўша ерда яшовчи аҳоли номланишига кўра) ташкил топди ва Ҳамдўстликка аъзо бўлиб кирди.

1982 йилда Тэтчер ҳукумати Британия манфаатларини Ер қурасининг хоҳлаган нуқтасида ҳимоя қилишга тайёр эканлигини на-

мойиш этди. Бунда Фолкленд (Мольвин) оролларига эгалик қилиш ҳуқуқи бўйича Англия–Аргентина тўқнашуви рўй берганди. Бу архипелаг (ороллар тўплами) Атлантика океанининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, иккала мамлакат учун бир ярим асрдан бери баҳс-мунозарага сабаб бўлган ҳудуд эди. 1833 йилдан у инглизлар бошқарувида эди. XX аср ўрталаридан бошлаб Аргентина ороллари қайтариб олиш учун курашни фаоллаштирди. 1982 йил 2 апрелда Аргентина Куролли Кучлари бу ороллarga киритилди. Губернатор Л. Хонт (ороллар губернатори) вазифасидан озод қилинди ва юзта денгиз пийёда аскарлари билан чиқариб юборилди. М. Тэтчер бошчилигида ўтказилган фавқулodда Кенгаш Аргентина билан алоқаларни узиш тўғрисида қарор қабул қилди ва Фолкленд оролларига 40 та кемадан иборат ҳарбий кучлар юборишга қарор қилинди.

Апрель ойи охирида Британия эскадраси Фолкленд ороллари ҳудудида ҳарбий ҳаракатларни бошлади. 2 майда инглиз сувости кемаси – “Конкерор” томонидан Аргентинага тегишли “Генерал Бельграно” крейсери чўктирилгандан сўнг, Аргентина ҳарбий кемалари ўз базаларига қайтишга мажбур бўлди. Кейинчалик урушлар фақат ҳаво орқали амалга оширилди. Аргентина учувчилари Британиянинг энг замонавий ракета ташувчи “Шеффилд” эсминецини ва бошқа бир қанча кемаларини чўктиришга муваффақ бўлди. 21 майда Фолкленд оролларига Британия махсус ҳарбий қисмлари десанти туширилди. Фақат 15 июнга келиб, қақшатқич зарбалардан сўнг Аргентина ҳарбий кучлари таслим бўлди. Буюк Британия ва Аргентина ўртасида уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида бирор-бир расмий битим имзоланмади (эслатиб қўйиш керак, аслида, уруш ҳам расман эълон қилинмай бошланган эди). Аргентина Куролли Кучлари 1300 кишидан, инглизлар 250 кишидан ажралди.

Фолкленд воқеаси Британия–АҚШ иттифоқчилик муносабатларини анча мустаҳкамлади. БМТ Хафвезизлик Кенгашида иккала томонга қуролли тўқнашувларни тўхтатиб, масалани музокара йўли билан ҳал этишга чақирувчи резолюция тақдим этилганда, Буюк Британия ва АҚШ унинг қабул қилинишига вето билан тўскинлик қилишди. Бу даврда Буюк Британия ва АҚШнинг яқинлашиши кўп жиҳатдан Тэтчернинг Президент Рональд Рейган билан шахсий муносабатларига ҳам боғлиқ эди. Иккала давлат раҳбари ҳам ўхшаш сиёсат идеалларига эга бўлиб, мамлакатларида бир-бирига ўхшаш ички ислохотларни амалга оширган эдилар. Улар “янги консерватив инқилоб”нинг иккиюзламачиликдан иборат социал-психологик

оқибатларига дуч келишганди ва улар ёркин дипломатик ютуқларга зарурат сезишарди.

Тэтчернинг 1983 йил сентябрдаги Вашингтонга ташрифи Буюк Британия ва АҚШ ўртасидаги “махсус муносабатлар” ўзининг энг гуллаган даврга кадам қўйганини билдирарди. 1983 йил октябрида Вашингтоннинг Буюк Британияга нисбатан очикчасига номақбул ҳаракатидан сўнг ҳам муносабат ўзгармади. Ўшанда америкаликлар Ҳамдўстлик таркибига кирувчи Гренадада намоийшкорона “полиция” ҳаракатини уюштирган эди. 80- йилларнинг иккинчи ярмида Буюк Британия минтақавий можаролар масаласида ўзининг стратегик иттифоқчисига мухтазам равишда ён босиб келди. Лондон АҚШнинг Эронга нисбатан душманлик сиёсатини, Афғонистондаги мужоҳидларни қўллаб-қувватлашини ва уларни қўллаб-қувватлаётган Покистонга ёрдам бераётганини, Никорагуадаги миллий-озодлик ҳаракатига қарши курашаётганини тушунарди ва буларни юрак ютиб бўлса-да, индамай қабул қиларди. Лондон АҚШнинг 1986 йилдаги Ливияга қарши ҳарбий ҳаракатини қўллаб-қувватлади ва Америка Ҳарбий ҳаво кучлари Триполига ҳаво зарбаларини бериш учун Британия аэродромларидан фойдаланди. АҚШ кетидан Франция ва Италия билан биргаликда Буюк Британия ҳам Ливанга “тинчликпарвар” кучларни жўнатди. Буюк Британия Вашингтоннинг Кэмп-Девид стратегиясини қўллаб-қувватлаб, Араб-Исроил музокаралари жараёнида иштирок этди.

Глобал масалаларда Буюк Британия ва АҚШнинг иттифоқчилик муносабатлари анча мустаҳкамланди. Тэтчернинг ҳокимият тепасига келиши бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий блокларнинг Европа ҳудудига энг замонавий ядро қуроолларини жойлаштиргани, совет армиясининг Афғонистонга бостириб кириши, Польшада ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши билан юзага келган янги халқаро конфронтация (қарама-қарши фронтларга ажралиш) даврига тўғри келди. Шовқинли антисовет тарғиботга Буюк Британия ҳам ўз ҳиссасини қўшди: Москва олимпиадасининг бойкот қилиниши қўллаб-қувватланди ва СССР билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлик анча қисқартирилди. Тэтчер НАТО қуроолларини ошириб боришни маъқуллади, Буюк Британия ҳудудида 160 та ўрта масофага учувчи ракеталарнинг жойлаштирилишига ва ядро сувости кемаларини янги “Трайдент” Америка ракеталари билан жиҳозлаш дастурини амалга оширилишига розилик берди. У АҚШнинг “Стратегик масофа ташаббуси” (СМТ) лойиҳасини ҳам маъқуллади.

Ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида антисовет позицияда турган СССРда қайта қуриш бошланиб, халқаро муносабатларнинг моҳияти ва мазмуни ўзгаргандан кейин, уш қўллаб-қувватлаган биринчи Ғарб раҳбари ҳам Тэтчер эди. 1984 йил охирида М. Горбачев Лондонга расмий ташриф буюрди. Тэтчер билан музокараларнинг бошланиши Горбачевнинг дипломат сифатида дунё миқёсидаги биринчи жиддий қадами бўлди. Тэтчер янги совет раҳбарининг очик ва ўзаро нишончга асосланган мулоқотга кириши олиш қобилиятига юксак баҳо берди. 1986–1987 йилларда Э. Шеварднадзенинг Лондонга ва М. Тэтчернинг Москвага бўлган ташрифида Совет–Британия ўзаро муносабатларининг барча жиҳатлари бўйича келишувларга эришилди.

Ж. Мейжор Москва ва Вашингтон ўртасидаги муносабатлар масаласида бутунлай янги муаммоларга дуч келди. Совет ва Россия раҳбарларининг (Горбачев ва Ельциннинг) очикчасига қарама-қаршилиги, СССР республикаларида миллий ҳаракатларнинг фаоллашуви, СССР парчаланишининг геосиёсий самараси, ядро қуролига эга бўлган буюк давлатнинг парчаланиши, харизматик (талантли ва қобилиятли) Горбачевнинг ўз ўрнини Ельцинга бўшатиб бериши Ғарб раҳбарларини оғир танлов муаммосига дучор қилди. Мейжор Инглиз Совет сиёсий мулоқотидан Инглиз–Россия сиёсий мулоқотига ўтишининг самарали йўлини топишга муваффақ бўлди. Сепаратизм (айирмалик)ни тўхтовсиз қоралаган ва совет давлатчилигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаган ҳолда, у 1991 йил январидаёқ Литва ва Латвиядаги воқеаларга қатъий муносабат билдирди (Франция, АҚШ ва Италиядан фарқли ўларок). 1991 йил августда Мейжор Европа давлат раҳбарлари ичидан биринчилардан бўлиб Москвадаги тўнтаришни қоралади. Шундай қилиб, СССРнинг парчаланишини ҳеч бир тантанасиз қабул қилган Буюк Британия Россияни иккиланишларсиз СССРнинг меросхўри сифатида қабул қилди. Узокни кўзлай олишини Мейжор кейинчалик ҳам намойиш этганди. 1993 йил октябрдаги Москва воқеаларидан сўнг у биринчилардан бўлиб Ельцинни қўллаб-қувватлади. Чеченистондаги урушни қоралаган Колл ва Миттерандан фарқли ўларок, Британия Бош Вазири Мейжор ғалабанинг 50- йиллигини нишонлаш маросимида қатнашиш учун Москвага келди.

Британия раҳбариятининг Россиядаги воқеаларга нисбатан тўғри позицияси иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилишига асос бўлди. Аммо Мейжор ва Ельцин ўртасида “мах-

сус” шахсий муносабатлар ўрнатилмади. Бу Ельциннинг 1992 йил ноябрида Лондонга қилган ташрифида ҳам намоён бўлди. Россия ва Бирлашган Қироллик ўртасидаги муносабатлар тамойиллари тўғрисида муддатсиз Шаргноманинг имзоланиши иккала мамлакатнинг барча соҳалардаги ҳамкорлигида янги даврни бошлаган бўлса-да, стратегик ҳамкорлик учун асос бўла олмади. Бу ҳолат 1994 йилда иккала мамлакат раҳбарлари беш марта учрашганларига қарамай ва қиролича Елизавета II илк бор Россияга расмий ташриф буюрганидан кейин ҳам ўзгармади.

Мейжор ҳукмронлиги даврида Инглиз–Америка муносабатлари ҳам мавҳум характерга эга бўлди. Буюк Британия БМТнинг Форс қўлтигидаги ҳарбий ҳаракатларида фаол қатнашди. Аллақачон, 1990 йил кузидан бошлаб, Британия самолётлари Саудия Арабистони ҳаво ҳудудларини назорат қила бошлашди. Ўшандаёқ халқаро коалиция таркибига кирувчи 45 минглик Британия ҳарбий қисми қўлтиқ минтақасига юборилди. Буюк Британия 1990 йил ноябрида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ироққа Қувайт ҳудудидан кўшинларини чиқаришни талаб қилувчи резолюциясини қўллаб-қувватлади. Британия жамоатчилиги бошқа Ғарб мамлакатларига нисбатан ҳам Ироқдаги режимга нисбатан муросасиз позицияда турди. 80% дан ортиқ инглизлар Форс кўрфазисидаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишни қўллаб-қувватлашди. Мейжор ҳам барча сиёсий партиялар томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда Саддам Ҳусайн билан ҳар қандай музокараларга қарши позицияда турди.

Ироқ масаласида 1991 йил февралдаги “Саҳродаги бўрон” операциясида Британия ҳарбий қисмларининг қатнашуви Буюк Британия ва АҚШнинг ўзаро яқинлашишига янги туртки бўлди. Аммо 1993 йилдан бошлаб Инглиз–Америка муносабатларида совуқлик юзага келди. Лондон АҚШдаги Президент сайловларида очикчасига Республикачилар партиясини қўллаб-қувватлади. Шу сабаб янги Президент Б. Клинтон (демократик партия вакили) билан Мейжор ўртасида илиқ муносабатлар ўрнатилмади. Кейинги йилларда Британия дипломатияси Вашингтон учун принципиал муҳим масалаларда мустақил позицияда турди. Бу Босния ва Герцоговинадаги миллатлараро можаро пайтида яққол кўринди. Қурол сотишга эмбаргони бекор қилиш, сербларга қарши бомба зарбалари бериш масаласида Буюк Британия АҚШни қўллаб-қувватлади ва қарши позицияда турди. Лондон Югославияга қарши санкциялар жорий этишни маъқуллади, аммо халқаро “тинчликпарвар” кучларни ҳарбий

ҳаракатлар олиб бориш учун Югославияга киритишга қатъий қарши чиқди. 1995 йил апрелида Мейжор Вашингтонга расмий ташриф билан борди. Шундан кейингина Англия Босния масаласида АҚШга ён босди. 1995 йил декабрида эса Британия дипломатияси можаро томонларининг Тинчлик Шартномасига имзо қўйишини ташкил этиш воситачиси бўлди.

Буюк Британиянинг 80- йиллардаги ва 90- йиллар биринчи ярмидаги ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Европа интеграцияси жараёнида қатнашиши масаласи эди. М. Тэтчер Европадаги ҳамкорлар билан муносабатларда ўзига хос бўлган қатъийлик кўрсатди. М. Тэтчер Буюк Британия учун ноқулай бўлган иқтисодий ҳамкорликни ва ЕИХнинг бюджетига тўловлар масаласини қайта кўриб чиқишини талаб қилди. 1979 йилдан бошлаб, узок муддатли мураккаб музокаралар даври бошланди. Бу вақт давомида шовшувлар ва савдо урушлари ҳам бўлиб турди. Буюк Британия эгаллаган қатъий позиция ЕИХ бюджет тизимини барқарорлаштиришга тўсқинлик қилар, кўпгина интеграцион дастурларнинг амалга оширилишини кечиктирар ва ЕИХга Испания ва Португалиянинг қўшилиши тўғрисидаги музокараларни мураккаблаштирарди. Тўрт йилдан кейингина бу масалада келишувга муваффақ бўлинди.

ЕИХнинг фермерларни дотациялар билан қўллаб-қувватлашга асосланган аграр сиёсати ҳам Британия Ҳукуматида норозилик уйғотарди. Британия дипломатиясининг қаттиқ босими остида “Умумий бозор” мамлакатлари 1983 йилда кишлоқ хўжалиги дастурига харажатларни аста-секин камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур бўлишди.

80- йилларнинг иккинчи ярмида Европа сиёсатининг асосий муаммоси Европа Ҳамжамиятлари тизимини Европа Иттифокига айлантиришдан иборат бўлди. Бу мақсад 1986 йил февралда қабул қилинган “Ягона Европа” Актида баён қилинган эди. Европа Кенгашини тузиш ғоясини инкор этмаган ҳолда, Тэтчер ҳукумати бир қатор янги интеграцион лойиҳаларга, жумладан, ягона пул тизимига ўтишни кўзда тутган Европа Валюта Иттифоқини тузиш лойиҳасига қарши чиқарди. Тэтчер Буюк Британиянинг бундай лойиҳаларга қўшилишини иложи борича кечиктиришга ҳаракат қиларди. У солиқ, меҳнат ва иммиграция (муҳожирилик) масалаларидаги қонуларни ҳам Умумевропа миқёсига мос равишда ягоналаштириш ҳақидаги таклифни ҳам қабул қилмади. Тэтчер 1986 йилда имзоланган Шенген келишувларига Буюк Британиянинг қўшилмаслигини маълум қилди.

Мейжор Европага нисбаган стратегияни тубдан ўзгартирди. Мейжор: “Европа Иттифоқи” тушунчаси Европа мамлакатлари ҳамкорлигининг янги босқичи сифатида талқин этилиши керак”, — деди. Британия дипломатиясининг муҳим ютуғи Маастрихт Шартномасига илова сифатида “Ҳамжамият ҳуқуқий актларини қўллаш тўғрисида Декларация”нинг ишлаб чиқилиши бўлди. Унда таъкидланишича, ЕИ қонунларининг амалда қўлланилиши ҳар бир мамлакатнинг ўз ҳуқуқий тизими, институтлари ва бошқа ҳолатлар асосида ташкил қилинади. Мейжор ташаббуси билан ЕИ ҳуқуқий концепциясига субсидиаризм тамойили киритилди. Унга кўра, бирор-бир масала у ёки бу давлат ҳудудида самарали ва юқори даражада ҳал қилинмаган тақдирдагина, Иттифоқ доирасида ҳал қилиниши керак эди. Европа Иттифоқи тўғрисидаги Маастрихт Шартномасида интеграциянинг учта асосий йўналиши кўзда тутилган эди: ягона Европа бозорининг яратилиши (жумладан, ягона валюта тизимининг яратилиши); ташқи сиёсат ва мудофаа соҳасида ягона йўлнинг шаклланиши; аъзо мамлакатларнинг ички ва қонунчилик сиёсатини ягоналаштириш. Мейжор ҳам бу умумий стратегияни қабул қилишга рози бўлди.

Жамоалар палатасида Маастрихт Шартномасининг муҳокамаси “евроромантик” (ЕИга қўшилишга хайрихоҳлар) ва “евроскептик” (ЕИга қўшилишга шубҳа билан қарайдиганлар) ўртасидаги кескин баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Баҳс-мунозаралар 1993 йил 23 июнда, лейбористлар сал бўлмаса Буюк Британиянинг социал ҳартияга қўшилишига муваффақ бўлишганида, ўз чўққисига етган эди. Мейжор сиёсатига норозилик тарзида бу резолюция учун тори партиядан 23 та “евроскептиклар” ҳам овоз беришди. Овоз бериш натижаси қўшилмаган бўлди: 317 овоз 317 овозга қарши. Ҳукуматни фақатгина ягона Парламент спикери овози қутқариб қолди. Кейинги куниёқ Мейжор Британия Парламентлари томонидан 600 дан ортиқ тузагишлар киритилган Маастрихт Шартномаси имплементацияси тўғрисидаги масалани ҳам овозга қўйди. Консерваторларнинг Парламентдаги фракцияси ҳукуматни бой беришдан қўриқиб, бу ҳужжатни қўллаб-қувватлаб овоз беришга мажбур бўлди.

Парламентдаги галабага қарамасдан, ҳукумат интеграцион сиёсатга катта ўзгартишлар киритишга мажбур бўлди. “Турли тезликдаги” Европа Иттифоқи ғоясини ривожлантиргани ҳолда, Мейжор ЕИда ҳамкорликнинг “ўзгараётган геометрияси”ни қўллаб-қувватларди. Унга кўра, интеграцион ҳамкорликнинг турли жиҳатлари Иттифоқнинг барча аъзоларига жорий қилинмасдан,

мамлакатларнинг турли гуруҳлари келишувлари асосида амалга оширилиши керак эди. 1996 йилда ҳукумат иқтисодий интеграция тамойилларининг ўзгариши ва референдум ўтказилганига қадар Иттифоққа қўшилиш тўғрисидаги Қарорни кечиктириш учун курашиш ҳақида баён қилди.

1996 йил апрелида рўй берган “сигир инқирози” туфайли Буюк Британия ва ЕИдаги ҳамкорлар ўртасидаги муносабатлар анча ёмонлашди. Сигирларнинг ёппасига энцифалит (пуфакли кутуриш) касали билан касалланганидан кейин ЕИ мамлакатларига Британияда ишлаб чиқарилган мол гўштини импорт қилиш таъқиқланди. Бу эса 1,2 миллион бош қорамолнинг қирилиб кетиши ва йирик молиявий талофатга (5 миллиард фунт стерлинг) олиб келди.

ЕИ томонидан эмбаргони юмшатиш ва уни бекор қилиш санасини белгилашдан бош тортилганига жавобан, Мейжор ЕИда кўриладиган масалаларни қамал қилиш йўлига ўтди. ЕИда кўриладиган масалаларда ягона фикрга келинмаса, қарор қабул қилинмас эди. Натижада 1996 йилда ЕИ доирасида 76 та қарор қабул қилинмай қолди.

Энтони Блэрнинг “янги лейборизми”

1994 йили Лейбористлар партияси раҳбарлигига 40 ёшли Энтони Блэр келди. Лейбористларнинг 1997 йилги сайловолди манифести “янги лейборизм” ғоялари руҳида тузилган эди. Умуман олганда, иқтисодий соҳада Status quo-ни сақлашга ҳаракат қилиб, унда Лейбористлар партияси мамлакатда ҳуқуқий ислохотлар ўтказиш ва ташқи сиёсатни ўзгартириш зарурати ҳақидаги фикрларини илгари сурди. Жумладан, Лордлар палатасини ислоҳ қилиш, референдумлар институтини мустаҳкамлаш, пропорционал (мутаносиб) сайлов ҳуқуқини жорий қилиш, Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда конституциявий ислохот ўтказиш таклифлари киритилди. Блэр ЕИнинг социал хартияси ва Европа валюта тизимига қўшилишга тайёр эканлигини маълум қилди. Сайловолди кураш даврида “Америка омили”дан ҳам фойдаланилди: Бош Вазирдан фарқли ўлароқ Блэр Б. Клинтон билан дўстона муносабатлар ўрната олди. Ҳокимият тепасида турган консерватив партия эришилган иқтисодий ютуқларни тарғиб қилиш ва рақибларни танқид қилиш билан чекланиб, сайлов компаниясини жуда суст олиб борди.

1997 йил май ойидаги сайловлар натижалари олдиндан маълум эди. Лейбористлар сайловчиларнинг 45% овозини олиб, Парламент-

да 659 ўриндан 419 тасига эга бўлди. Консерваторлар эса 30,2% овозга бўлиб, бор-йўғи 165 та номзодларини Парламентда жойлаштира олдилар. Бу охириги 90 йил давомида энг паст кўрсаткич эди. Шотландия ва Уэльсда консерваторлар тарихда илк бор бирорта ҳам овозга эга бўлмади. Партиялараро кураш мантигига хилоф равишда Блэр ҳукуматнинг иктисодий стратегиясини деярли ўзгартирмади. Ҳукумат илгаригидек хусусий секторнинг тўла устунлигига, давлатнинг иктисодий жараёнларга иложи борича камроқ аралашшига, ишбилармонлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиришга, ишлаб чиқаришнинг техник-технологик базасини янгилашга эътибор қаратди.

90-йиллар охириларида Буюк Британия иктисодиёти барқарор ўсиш суръатларини саклаб қолди. Йигирма йиллик ислохотлардан сўнг рақобатбардошликнинг юқори даражасини таъминловчи замонавий соҳавий структура шаклланди. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси унуми ва бандлик бўйича биринчи ўринга чиқиб олди (Ялпи ички маҳсулотнинг 66,8% и ва бандларнинг 71,5% и). Иктисодиётнинг ривожланишида молиявий соҳа алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У ЯИМнинг 25% и ва мамлакат меҳнат ресурсларининг 12% ини (деярли 4 миллион киши) ўз ичига оларди. ЯИМнинг 31,4% и ва бандларнинг 26,4% и саноат ва қурилишга тўғри келарди. Замонавий Британия саноатининг ўзига хос хусусияти ишлаб чиқаришга фаннинг кенг татбиқ қилиниши бўлди. Бу кўрсаткич Европа мамлакатлари ичида энг юқори даражада эди. Қишлоқ хўжалиги атиги ЯИМнинг 1,8% ини ва меҳнат ресурсларининг 2,1% ини ўз ичига оларди. Бу соҳа ҳам етарлича самарали эди, аммо сигирлар қутуриши туфайли катта талофатлар кўрди. Британия иктисодиёти ЕИҒга ташланаётган хорижий инвестицияларнинг 1/3 қисмини ўзига жалб қилган ҳолда, хорижий сармоянинг фойдали бозорига айланди. Буюк Британияда юқори технологик ишлаб чиқариш соҳасидаги энг йирик ТМҚлар билан бирга, 13 мингдан ортиқ хорижий компаниялар ҳам фаолият кўрсатади.

90-йиллар давомида амалга оширилган молиявий сиёсат давлат бюджетидagi камомаднинг аста-секин қопланишига олиб келди. Давлат молия тизимининг барқарорлашуви валюта тизимининг соғломлашуви билан бир вақтда кечди. 1999 йилда инфляция даражаси атиги 3,4% ни ташкил этди. 1998 йилда Буюк Британия товарлар экспорти бўйича дунёда 5-ўринга (унинг улуши дунё экспортининг 5,1% и (272,7 млрд доллар)), импорт бўйича учинчи ўринга

(улуши – дунё импортининг 5,9% и (316,1 млрд доллар)) чиқиб олди. Ташқи савдода салбий сальдо (қолдиқ)нинг миқдори атиги 20 млрд долларни ташкил этди.

Блэр ҳукумати Бирлашган Қиролликка кирган минтақаларга нисбатан бошқарув тизимини ўзгартириш бўйича қатъий қадам қўйди. 1997 йилда Уэльс ва Шотландияда маҳаллий қонун чиқарувчи органларни тузиш бўйича референдумлар ўтказилди. Уэльсда маҳаллий сайловчиларнинг атиги 50% и референдумда қатнашди. Натижада бу ерда конституцион ислоҳот биров чегараланган характерга эга бўлди. Тузилган маҳаллий ассамблея маҳаллий қонунларни қабул қилиш ва солиқларни белгилаш ҳуқуқларига эга эмас эди. Унинг ваколати минтақанинг иқтисодий ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, таълим, маданият ва экология масалалари билан чегараланди. Ассамблея илгари Уэльс бўйича вазирга тегишли бўлган Марказий Ҳукумат дотацияси (йилига 8 млрд фунт стерлинг)га эгалик қилади.

Шотландияда конституцион ислоҳот овоз берганларнинг 74% и томонидан қўллаб-қувватланди. Шотландия Парламенти катта ваколатларга эга бўлди, жумладан, марказий қонунларга зид келмайдиган минтақавий қонунларни қабул қилиш, солиқларни белгилаш ва йиғиб олиш ҳуқуқига эга бўлди. Шотландия ўз Парламентини тузиш ҳуқуқига эга бўлди. 1999 йил 1 июлда Шотландия Парламенти расмий суратда очилди.

Блэр Ольстер муаммосини ечишда катта муваффақиятларга эришди. У инглиз-ирланд музокараларида Ольстернинг Шинн Фейн партияси вакилларининг қатнашишига рози бўлди. Музокаралар чоғида ИРА тинчликни сақлашга рози бўлди. АҚШ воситачилигида 1998 йил апрель ойида Шимолий Ирландия бўйича уч томонлама Тинчлик Шартномаси имзоланди. Бу Шартномада Шимолий Ирландиянинг сиёсий мустақиллиги тикланган эди. Шимолий Ирландиянинг Миллий Ассамблеяси “ўзаро ҳамжиҳатлик” қоидаларига кўра ишлаши керак эди, яъни ҳар бир қарорни қабул қилишда ҳам католик, ҳам протестантлардан сайланган депутатлар маъқуллашлари керак эди. Ирландия Ольстерга даъвогарликдан воз кечиши керак эди, Британия Ҳукумати эса чекланган ваколатларга эга бўлган умумирланд маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини ташкил этишга розилик берди. Тинчлик Шартномаси 1998 йил 22 майдаги референдумда тасдиқланди. Шартномани Ольстерда 71%, Ирландияда 94% сайловчилар қўллаб-қувватлашди. 1999 йил июнда Миллий Ассамблея депутатлари сайловлари бўлиб ўтди. Ассамблея

Шимолий Ирландия Ҳукумати тузишга киришди. Лондон унинг ихтиёрига минтақанинг иқтисодий ривожланиши, соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳит муҳофазаси масалалари ҳамда “Шимол-Жануб” умумирланд вазирлар Кенгашини тузиш ваколатини берди. Аммо бу жараёнлар ИРА экстремистлари томонидан хавф остида қолди. 1999 йилда ИРА қуролсизлантириш ҳақидаги ваъдани бажармади. Террорчилик ҳаракатлари ҳам давом эттирилди. Ольстерда минтақавий ҳукумат органлари тузилишининг якунланиши ҳам вазиятни ўзгартирмади. 2000 йилда Британия Ҳукумати Ольстерга махсус ҳарбий қисмларни киритишдан воз кечди, аммо террорчиликка қарши қонунни кучайтирди.

Э.Блэр Буюк Британиянинг ташқи сиёсий стратегиясига қатта тузатишлар киритди. Сайловолди кураш давридаёқ у АҚШ билан “махсус муносабатлар”ни тиклаш ва Б. Клинтон билан яқин ишчан ва шахсий муносабатлар ўрнатиш тарафдори эди. 1998 йилда бу Лондоннинг баланд сиёсий демаршлари билан тасдиқланди. Дунё ҳамжамиятининг фикрига хилоф равишда, Британия Ҳукумати АҚШнинг Судан ва Афғонистонни “антитеррористик” бомбардимон қилишини қўллаб-қувватлади. 1998 йилда “Саҳродаги тулки” операцияси амалга оширилди. Тўрт кун давомида Инглиз–Америка ҳарбий қисмлари Ироқнинг ҳарбий ва иқтисодий объектларига қарата тўрт юзга яқин қанотли ракетааларни йўналтирди. 1999 йилда Буюк Британия АҚШ билан биргаликда Югославияга қарши энг қатъий чоралар кўриш тарафдори бўлди. Британия Қуролли Кучлари ҳам Сербия ҳудудига объектларни бомбардимон қилишда ҳамда Косовадаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашди. Кейинчалик маълум бўлишича, айнан Британия ҳукумат органлари ва махсус хизматлари “Милошевич режими”га қарши тарғиботчилик хуружи олиб боришда, Косовадаги миллий қатағонлар тўғрисида нотўғри маълумотлар тарқатган ҳолда қатта “ҳисса” қўшган эдилар. Бу даврда Буюк Британия “НАТОнинг Шарққа кенгайиш” жараёнини ва НАТОнинг янгиланган стратегик концепциясининг қабул қилинишини қўллаб-қувватлади.

90- йиллар охиридаги энг муҳим ва энг ўтқир халқаро муносабатларга оид муаммоларда Лондоннинг америкапараст позицияси Буюк Британия ва Россиянинг яқинлашишига салбий таъсир кўрсатди. Фақатгина 1998 йил май ойида Бирмингемда дунёнинг етакчи мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви арафасида Россия–Британия алоқаларининг жонланиши бундан мустасно эди. Ўшанда айнан Британия дипломатиясининг қўллаб-қувватлаши туфайли расман “қатта

еттилик”ни “катта саккизлик”ка айлантиришга муваффақ бўлинди. Россия–Британия муносабатлари фаоллашувининг янги босқичи 1999 йилда бошланди, унда Блэр Россия янги раҳбари Путинга жуда катта маънавий кўмак берди. Блэрнинг Петербург ва Путиннинг Лондонга норасмий ташрифлари бу ҳамкорликка шахсий муносабатлар характерини берди. Британия Хукуматининг 2001 йилгача Европа валюта тизимига қўшилиш тўғрисидаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Лейбористик ҳукумат бошлиғи Блэр 2001 йилда АҚШ сиёсатини қўллаб-қувватлаб, Афғонистонга бостириб киришда фаол қатнашди. 2003 йили Ироқдаги Саддам Хусайн режимини ағдариб ташлаш учун бошланган урушда коалиция кучлари сафида туриб қатнашди ва Ироқ нефтига эгаллик қилишда, қолаверса, Яқин Шарқда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишда АҚШнинг содиқ иттифоқчи эканини намоён қилди.

Буюк Британия бозор муносабатларининг классик (мумтоз) мамлақати бўлиб, унинг тажрибаси ҳар томонлама ўрناق бўларлидир, чунки бу ердаги ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг асосий унсурлари (элементлари) юқори даражада ривож топди, шу соҳадаги иқтисодий ғоя ҳам, таълимот ва назариялар ҳам юзага келди; шу тўғрисида уни “бозор иқтисодиёти бешиги” деб аташ мумкин. Ҳозирги даврда Буюк Британия юқори ривожланган индустриал давлат бўлиб, қишлоқ хўжалиғи жуда яхши тараққий этган. Саноат ЯИМ импортнинг деярли 50% ини ва экспортнинг 90% ини беради. Саноатнинг ялпи маҳсулоти бўйича (6,6%) АҚШ, Япония, ГФР ва Франциядан кейин 5- ўринда. Ўз даврида жаҳонда етакчи бўлган давлат кейинги пайтда ўз мавқеини анча йўқотиб борапти. Асосий саноат тармоқлари: дастгоҳлик, электротехника, авиация, кимё, электроника ва автомобилсозликдир. Иқтисодиётда монополистик корхоналар роли ниҳоятда юқори: 100 та йирик трансмиллий корхоналар саноат маҳсулоти ва ташқи савдонинг 55% ини назорат қилади. 1% бой аҳоли қўлида хусусий сармоянинг ярми жамланган. Мамлакатнинг Европа Иқтисодий Ҳамжамияти – “Умумий бозор”га аъзо бўлиши капиталнинг концентрацияси ва хўжалик монополизациясини кучайтирди. Кейинги даврда саноат таркиби кескин ўзгарди. Анъанавий тармоқлар реиндустриализацияга учради, шу билан бирга, янги соҳалар, айниқса, электроника, электротехника ва бошқалар устивор ривожланмоқда. Оқибатда ҳозир кимё, электротехника саноати, аэрокосмик ва электрон техникаси, автомобиль, тўқимачилик,

пойабзал, озиқ-овқат саноати тез ривожланмоқда. Буюк Британияда (бошқа етакчи давлатларда ҳам) хизмат соҳаларининг роли ошиб бормоқда. Масалан, банк, сугурта, фракта (кемаларга хизмат ҳақи олиш), туризм ҳозирги даврда экспорт тушумларининг ярмини берапти. Бу соҳа тармоқларининг суръатлари саноатдагидан анча баланд. Хизмат соҳаларининг ЯИМдаги ҳиссаси 1960 йилдаги 45% дан 65% га етди. Қиёслаш учун шуни айтиш керакки, ҳозирда 10 млн. тонна чўян, 18,4 млн тонна пўлат, 310 млрд квт/соат электроэнергия, 130 млн тонна нефть, 55 млрд кубо/метр табиий газ олинди, 112 млн тонна кўмир қазиб олинди. Бу давлатда йилига 2,5 млн та энгил автомобиль, 600 мингдан ортиқ юк автомобили, 210 мингга яқин трактор, 800 га яқин самолёт ишлаб чиқарилади. Йиллик экспорт – 140–145 млрд доллар, импорт эса 155–160 млрд долларни ташкил этади (пассив сальдо) бекитилади. Буюк Британияда қишлоқ хўжалиги юқори даражада юксалган. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 15% и банд бўлган аграр сектор иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди. У мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан 65%, шу жумладан, гўшт билан 90% га таъминлайди. Унинг таркиби бир неча бор ўзгарди ва ҳозирги ҳолатга келди, яъни сут-гўшт йўналиши асосийдир. Балиқчилик (орол, атрофи денгиз) муҳим ўринни эгаллайди. Бу соҳада 28 мингга яқин одам ишлайди, йилига 1 млн тоннадан ортиқ балиқ маҳсулотлари тайёрланди.

Темир йўлнинг узунлиги 16,9 минг км (1968 йил 21,2 минг км эди), шундан 5,2 минг км и электрлаштирилган ва давлат қарамогидадир. Шоссе узунлиги 360 минг км бўлиб, ички юк ташишда автотранспорт етакчи; мамлакатда 21,5 млн донна машина бор (шундан 19,8 млн доннаси энгил автомашиналар). Автомобиль ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 6- ўринда, йирик 37 та автомобиль концернларининг 3 таси – инглизларники. 1994 йил май ойида Франциядаги Коле ва Англиядаги Дувр шаҳарлари орасида сув ости йўли ишга туширилди. Ламанш бўғози орқали ўтган бу сув ости йўлининг узунлиги – 38 км. Денгиз давлати бўлгани учун кемасозлик, флот анча ривожланган. Денгиз флотининг жами ҳажми 10 млн тоннага тенг. Аммо кейинги йиллари кемасозликдаги инқироз кемалар қуришни мунтазам камайтиришга олиб келмоқда.

Буюк Британия экспортида нефть ва нефть маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар, автомобиллар, кимё саноати маҳсулоти, жун матолари, синтетик газлама ва бошқа маҳсулотлар устундир; импортда пахта толаси, олтингугурт, жун, темир рудаси ва бошқа хомаш-

ёлар етакчи ҳисобланади. Буюк Британиядаги “Рояль датч-Шелл” АҚШдаги “Экосан”дан кейин дунёдаги энг йирик нефть компаниyasi ҳисобланади, унга дунёдаги 8% нефть ва нефть маҳсулотлари савдоси тўғри келади. Англияга шу компаниянинг 42% сармояси тўғри келади. Ундан ташқари, “Бритиш петролеум” компанияси кучли бўлиб, 70 та мамлакатда филиаллари бор, 881 млн тонна нефть захираларини назорат қилади. 2009 йили “Бритиш петролеум”га тегишли нефть қувурида (платформасида) авария содир бўлди ва компания 3,5 млрд доллар зарар кўрди. Молия соҳасида барқарорлик мавжуд, фунт-стерлингнинг мавқеи баланд. Бу мамлакатдаги асосий муаммоларда: бири ишсизлик бўлиб, ишсизлар сони 2,5–3,0 млн (аҳолининг 9,1% ига тенг), инфляция даражаси 6,4% ва ундан юқори; уй-жой муаммоси кескин.

Мамлакатнинг ёзилган конституцияси бўлмаса-да, бироқ ижтимоий ҳаёт фақат ва фақат қонунлар орқали бошқарилади. Парламент ўзининг қонун ярагувчилик фаолиятида уларга ва ҳаёт синовидан ўтган урф-одатлар, анъаналарга асосланади. Айни пайтда, шуни ҳам айтиш лозимки, бу ерда кейинги пайтларда Асосий Қонун – Конституцияга эҳтиёжнинг тобора кўпроқ сезилаётгани ва бу ҳақда мунозаралар юз бераётгани тўғрисида ҳам гапирилмоқда. 2010 йил бошида Гордон Браун мамлакат аҳолисининг Парламентга нисбатан ишончини тиклашга йўналтирилган ислохотларни тақдим этди. Брауннинг фикрича, агар фуқароларга “муқобил овоз бериш” тизими таклиф этилса, уларнинг ҳукуматга нисбатан ишончи яна тикланади. Бу тизимнинг моҳияти шундаки, сайловчи номзодларни “хит-парад тартиби” асосида баҳолайди ва ўзига ёққан депутатлик курсисига даъвогар уч кишига овоз беради. Бундан ташқари, Бош Вазир мамлакат аҳолисининг 16 ёшга тўлган (айни пайтда, 18 ёшга тўлмаган британиялик овоз бериш ҳуқуқига эга эмас) барча аҳолисига овоз беришга руҳсат этилиши зарур, деб ҳисоблади. Шунингдек, Браун Лордлар палатасини ҳокимиятнинг сайлов органига айлантириш хусусидаги масаласини ҳам ўртага қўйди. Гордон Браун Парламентга ислохотлар тўпламини тақдим этиб, янги сайлов тизимига ўтиш масаласи бўйича референдум ўтказиш зарурлигини айтди. Брауннинг сўзларига караганда, референдум 2011 йилда ўтказилиши керак. Аммо лейбористлар ҳокимиятда қолсагина, бу жараён амалга оширилади. Буюк сиёсатчилар Гордон Брауннинг режасини батамом маъқуллашмади ва унинг сайлов тизимини ислох қилиш бўйича таклифини муносиб, деб ҳисоблашмади. Браун шундай ташаббус билан

чиқиш қилган эди. У сайловнинг амалдаги мажоритар тизимини бекор қилиш бўйича 2007 йилдаёқ ўз фикрини билдирганди. Бирок унинг таклифи Парламент муҳокамасигача етиб бормаганди. Буюк Британияда навбатдаги сайлов 2010 йилнинг 6 майида ўтказилди ва консерваторлар партиясининг номзоди Давид Камероннинг ҳукуматга бош бўлиши билан, Гордон Брауннинг ислохотлар режаси тўхтаб қолди.

Буюк Британия ва Ўзбекистон муносабатлари тўғрисида гап борар экан, бу давлатнинг Ўрта Осиёга қизиқиши узок тарихга бориб тақалади. Буюк Британия 1991 йилнинг 31 декабрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини таниди ва 1992 йил 18 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатди. Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонда узок йиллар ҳукмрон бўлган давлатнинг бу минтақадаги манфаатлари Россия билан юзма-юз келган, охир-оқибатда ютказган. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви (1991 йил сентябр) тўғрисида бу муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон раҳбариятининг Буюк Британияга расмий ташрифи натижасида (1993 йил 22–25 ноябр) ўзаро муносабатлар аниқ шартномалар асосида ривожланмоқда. Мальумки, Ўзбекистон Европа реконструкция ва ривожланиш банкига 1992 йилда аъзо бўлди, унинг штаб-квартираси Лондонда.

Жаҳонда пахта етказиш бўйича етакчи (3–5) ўринларда бўлган Ўзбекистон Халқаро Ливерпуль Ассоциациясига аъзо бўлди, бу соҳада жаҳон бозорига кириб келди. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ва “Лонро” ўртасида “Омонтойтов–Гелдфлиз” қўшма корхонаси тузилиб, Доугистау ва Омонтайтоу олтин конларида иш олиб борилади. “Лонро” олтин қазиб олиш соҳасида жаҳонда етакчи ҳисобланади. Дастлабки маҳсулот 1996 йил биринчи ярмида олинди. Тошкент–Лондон орасида самолётлар уча бошлади. Буюк Британиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги тобора ортиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистонга қўйилган хориж инвестициялари бўйича бу давлат учинчи ўринни эгаллайди. “ЎзБАТ” қўшма корхонаси республикамиздаги тамаки ва тамаки маҳсулотларини жаҳон андозалари даражасига етказишга имкон берди. Ҳудуддан ортиқ қўшма корхоналарда тоғ-кон ва қайта ишлаш тармоқлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқилимоқда. Юзлаб ўзбекистонлик талабалар Британиянинг етакчи университетларида таълим олмақдалар, олий-ўқув юртлири ўртасидаги шартномалар асосида профессор-ўқитувчиларимиз ўз малакаларини оширмоқдалар.

III БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА ФРАНЦИЯ

1- §. Франциянинг маъмурий-худудий бошқарув тизими

Франция сиёсий тузуми – Президентлик бошқарувидаги демократик Парламентар-республика. Ер майдони – 544026 квадрат километр; аҳолиси – 61,140 минг киши (2006 йил); давлат тили – француз тили (каталан, окситан, баск, фламанд); пул бирлиги – евро (2002 йил 1 мартдан); давлат тузилиши унитар; бошқарув шакли – Президент бошқарувидаги Парламентар-республика; давлат раҳбари – Президент Н. Саркози (2007 йил 6 майдан). Президент 6 йил муддатга сайланади. Парламент икки палатали: Сенат ва Миллий Ассамблеядан иборат. Асосий партиялари: Социалистлар, Коммунистлар, Республика учун Иттифок, Франция демократияси учун Иттифок, Миллий Фронт.

Иқтисодий тараққиёти бўйича дунёда бешинчи ўринда туради. Иқтисоди – эркин бозор иқтисоди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми – 1519,2 миллиард доллар; аҳоли жон бошига – 27 523 доллар; йиллик ўсиш – 2,3% (2007 йил).

Парламент

Бугунга келиб дунёнинг қудратли давлатларидан бирига айланган Франция сиёсий тузумига кўра демократик республикадир. Баъзан уни Бешинчи республика деб ҳам аташади. Чунки бугунга қадар мамлакат тарихида беш марта республика тузуми ўрнатилди. Дастлабки тўрт республика тақдири таназзул билан ниҳоя топди. Республикалар тарихи эса, айни пайтда, Парламентлар тарихи ҳамдир.

Биринчи республика 1792 йил 21 сентябрда ўрнатилган ва 1793 йилда қабул қилинган мамлакатнинг Конституцияси ўзининг қонуний асосларини топган. Унга кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган бир палатали Парла-

ментда мужассамлашган эди. Мазкур тузум орадан икки йил ўтмай таҳлика остида қолди ва террорнинг мудҳиш зарбаларига учраб, тез орада хотима топди. Иккинчи республика 1848 йил 24 февралда эълон қилинди. Мамлакатнинг барча нуқталарини қамраб олган инқилоб янги республика тузумининг шаклланиши учун замин яратди. Француз халқи ўзининг биринчи Президентини сайлади (Луи Бано-парт 40 ёшида Президент этиб сайланган эди). Иккинчи республика Конституциясига асосан (1848 й.), қонун чиқарувчи Парламент бир палатадан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 3 йилга сайланар эди. Бироқ Иккинчи республика сурури ҳам узоққа чўзилмади. 1852 йил 2 декабрда унинг ўрнини Наполеон III нинг Иккинчи империяси олди.

Мустабид зўравонликка қарамай, демократияга ташна француз халқи республика учун курашдан қайтмади. Узоқ курашлар натижаси ўлароқ 1870 йил 4 сентябрда Учинчи республика тузumi қарор топди. 1875 йилги давлат Конституцияси эса мамлакатда биринчи марта икки палатали Парламент тизимини жорий этди ва шу вақтдан эътиборан мазкур тизим жамият сиёсий ҳаётининг ажралмас тамойилига айланди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг озод этилган Францияда 1946 йил қабул қилинган Конституция Тўртинчи республика тузумини ўрнатди ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. У икки палатали тизим тартибини сақлаб қолди. Ниҳоят, 1958 йил 4 октябрда Бешинчи республиканинг қонуний асоси – янги Конституция эълон қилинди. Асосий Қонун демократик тузум ва давлатнинг бошқарув шакллари билан белгилади. Унга кўра, Президентлик бошқаруви жорий этилди ва, айни пайтда, Парламент ҳам ўзининг такомиллашган намунасига эга бўлди. Парламент икки палатадан: Сенат ва Миллий Ассамблеядан ташкил топган бўлиб, қонун чиқарувчи олий ҳокимиятдир. Қонунчилик ваколатлари: Асосий Қонуннинг 34- моддасига кўра, қонун лойиҳаларини тайёрлайди ва овозга кўяди, ўзгартиришлар юзасидан таклифлар киритади. Бу соҳада ҳукумат билан ҳамкорлик қилади. Йиллик дастурлар, халқаро шартномаларни ратификация қилиш ҳам унинг ваколатига киради (53- модда). Молия-бюджет соҳасидаги ваколатлари: “ҳамён ҳуқуқи” ваколати даражасида молиявий қонунларни қабул қилади. Миллий бюджетни тақсимлайди, янги харажатлар хусусида ўз розилигини беради. 1996 йил 22 феврал қонунига кўра, ижтимоий ҳимояни барқарорлаштиришнинг асосий шартларини молиявий қонунлар чиқариш йўли билан белгилайди.

Назорат қилиш ваколатлари тизимида ҳукумат фаолиятини назорат қилиб боради ва уни истеъфога чиқариш мумкин. Булар Парламентнинг умумий ваколатлари ҳисобланади. Ўз навбатида, Парламентлар ҳам бир қатор ваколатларга эга.

Қонунчиликда 577 нафар депутатдан иборат Миллий Ассамблея нисбатан устивор мавқега эга, бикамерализм тизимида етакчи ўринни эгаллайди. У тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан халқ томонидан сайланади. Ҳукумат фаолиятини назорат қилади ва уни сиёсий жавобгарликка тортади, ишончсизлик билдириш билан унинг истеъфосини талаб қилади (49- модда). Ҳар икки палатанинг ваколатлари доирасига кирувчи қонун лойиҳалари, биринчи навбатда, Миллий Ассамблеяда қабул қилинади, молиявий соҳада бюджет масалаларини кўриб чиқиш учун Сенатга нисбатан кўпроқ вақт ва муҳлатга эга (39- модда). Сенатнинг сўл соҳилида жойлашган университет кўчасидаги Бурбон саройи қуйи палатанинг қароргоҳидир.

Сенат эса юқори палата бўлиб, “Тафаккур палатаси” деб ҳам аталади. Сенаторлар сони – 321 нафар. Сенат қонунчилигида конституциявий ислохотлар ташаббусига эга. Чунончи, у Асосий Қонуннинг посбони ҳамдир (46- модда). 1984 ва 1990 йилда Ф. Миттеран томонидан Конститутциянинг 11- ва 61- моддаларига ўзгартишлар киритишга қаратилган қонун лойиҳалари Сенат томонидан рад этилган. Сенаторлар ҳам қонунчилик ташаббусига эга. Ҳукумат фаолиятини назорат қилади. Сенат қонунчилик ташаббусига эга бўлиб, қуйи палата тақдим этган қонун лойиҳаларини қайта кўриб чиқади ва ўзгартишлар киритади. Демак, хизмат қилаётган Люксембург саройи ҳам Сена дарёсининг оқими бўйича сўл соҳилида Вужирард кўчасида жойлашган.

Эслатиб ўтиш жоизки, ҳар икки палата қонунчиликда тенг таъсирга эга. Шу туфайли икки палата орасида амалда ижодий рақобат яққол кўзга ташланади ва “Парламент наветлари” (моқиси, яъни қонун икки палата орасида уёқдан-буёққа бориб келади) деган шартли ибора билан номланади. Бунда уч ҳолат намоён бўлади.

Биринчи ҳолат: қонуннинг лойиҳа матни биринчи ўқишдан сўнг Миллий Ассамблея томонидан қабул қилинади ва Сенатга тақдим этилади. Сенат матнини ўзгартиришсиз қабул қилади. Демак, қонун ҳар икки палата томонидан яқдиллик билан қабул қилинади.

Иккинчи ҳолат: Миллий Ассамблея томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаси Сенат муҳокамасида маълум ўзга-

ришларга учрайди. Матн ўзгаришлари тасдиқ этилиши учун Миллий Ассамблеяга қайтарилади. Қуйи палата мазкур ўзгартишларни иккинчи ўқишда қабул қилади ва иккинчи марта Сенатга тақдим этади. Сенат ислоҳ қилинган қонун матнини қабул қилади. Бунда қонун иккинчи ўқишда “ўзаро келишув асосида” таҳрирланган ҳолатда қабул қилинади.

Учинчи ҳолат кам учраса-да, гоят қизиқарли ва ўзига хосдир. Бунда биринчи ўқишдан сўнг Сенатга юборилган қонун матни ўзгартишлар билан қуйи палатага юборилади. Бу ўзгартишлар иккинчи ўқишдан кейин ҳам Миллий Ассамблея томонидан қабул қилинмайди ва Сенатга иккинчи марта тақдим этилади. Сенат ҳам, ўз навбатида, ўз “вето”сини ишга солади ва қонун матнини ўз таҳрири остига Ассамблеяга қайтаради. Шундан сўнг, 45- моддага асосан, Бош Вазир ташаббуси билан “яраштирувчи комиссия” тузилади. Икки сенатор ва икки вакилдан иборат тенг сонли қўшма комиссия палаталар орасидаги тортишувни ҳал этишга ҳаракат қилади. Аке ҳолда Бош Вазир мазкур комиссияни тарқатиб юборади ва қонун лойиҳаси қабул қилинмайди. Айнан шундай ҳолатда мамлакат ҳаётига тааллуқли муҳим масала қонун шаклида қабул қилинмаса, у ҳолда, мазкур масала 15 кун ичида аниқ сана билан Президент томонидан промульгация қилинади ва шу вақт ичида Президент уни қайта кўриб чиқиши учун Парламентга қайтариши мумкин. Қонунларнинг конституциявийлиги борасида Президент, Бош Вазир, 60 нафар сенатор ёки палаталар раислари Конституциявий Кенгашга мурожаат қилишлари мумкин.

Франция Парламенти палаталари орасида қонунчилик фаолиятида соҳалар бўйича айнан тақсимот йўқ. Шундай бўлса-да, нисбий маънода қуйи палата ижтимоий-иқтисодий, молия-бюджет, маъмурий бошқарув соҳаларида кўпроқ ташаббус кўрсатса, юқори палата эса бюджет назорати, муҳофаа ва хавфсизлик жабҳаларида устивор мавқега эга.

Ҳар икки палата 1995 йил 4 август қонуни билан 28- моддага ўзгартириш киритилгач, ягона сессия бир вақтда, лекин алоҳида-алоҳида: Миллий Ассамблея Бурбонлар саройида, Сенат сессиялари эса Люксембург саройида бўлиб ўтадиган бўлди. Сессия октябр ойининг биринчи ҳафтасида бошланиб, июн ойининг охиригача пайпанбасига қадар давом этади. Бош Вазир ва Миллий Ассамблея депутатларининг кўпчилиги талаби билан фавқулодда сессия Президент фармони (декрет) асосан чиқарилиши мумкин ва бу сессия 12

кундан ошиб кетмаслиги керак. Палаталарнинг фаолияти палаталар раислари томонидан бошқарилади. Миллий Ассамблея раиси 5 йил муддатга сайланади ва палата дебатларини олиб боради. У Конституциявий Кенгашнинг 3 та аъзосини тайинлайди. Президент томонидан фавқулодда ҳолат жорий этилганда хабардор этилади.

Сенат Сенат раиси томонидан бошқарилади. У Президент ва Бош Вазирдан сўнг учинчи аҳамиятли мансабдор шахедир. У Конституциявий Кенгашнинг уч нафар аъзосини тайинлайди. Фавқулодда ҳолатдан хабардор этилади. Бундан ташқари, Парламентда сиёсий гуруҳлар фаолият кўрсатади. Миллий Ассамблеянинг камида 20 нафар депутатлари ва Сенатнинг камида 15 нафар сенаторлари сиёсий гуруҳлар ташкил этиши ва гуруҳ раислари сифатида сайланишлари мумкин. Сенат ва Миллий Ассамблея қошида доимий фаолият кўрсатувчи 6 та комиссия тузилади ва барча қонунларнинг лойиҳалари мазкур комиссиялар томонидан тайёрланади. Ҳар икки палата Конгресс деб аталган умумий мажлисга тўпланиши мумкин. Бунда бешдан уч қисм кўпчилик овоз билан конституциявий ўзгартишлар ва қонунлар қабул қилинади ёки айрим масалалар референдумга ҳавола этилади.

Президент ва Парламент

Франция сиёсий ҳаётида Парламент ва мамлакат Президенти орасидаги муносабатлар ҳам ўзига хосдир. Давлат ва ҳукумат раҳбари Президентнинг у ёки бу шаклдаги устивор мавқега интилиши ва унга нисбатан Парламентнинг икки ҳокимият ўртасида ўзаро таъсирни мувозанатга келтирувчи ўзига хос механизмларни вужудга келтирган. Ана шундай механизмлардан бири Парламентнинг икки палатали эканлигидир. Чунки давлат раҳбари – Президентнинг Парламентнинг ҳар икки палатасига нисбатан таъсир муносабати бир хил эмас. Яъни Президент мамлакат Конституциясининг 12- моддасига асосан, Парламентнинг қуйи палатаси – Миллий Ассамблеяни тарқатиб юбориши мумкин, лекин юқори палата – Сенат бундай таъсирдан холидир. Айни пайтда, Сенат Президент томонидан тайинланган ҳукумат раҳбари – Бош Вазир ва унинг аъзолари истеъфосини талаб қила олмайди. Бундай ҳуқуқ эса қуйи палатага тегишлидир. Мана шундай тарзда бироз мураккаб, лекин муқобил мувозанат қарор топади. Қуйидаги ҳолатларда Президент Парламентни тарқатиб юбора олмайди:

1) Парламент тарқатиб юборилгандан сўнг, қайта янги сайланган Парламент фаолиятининг биринчи йили давомида (12. 4- модда);

2) Конституциянинг 16- моддасида кўзда тутилган фавқулодда ҳолат жорий этилгач, Президент ўз зиммасига чекланмаган ҳокимиятни олгач;

3) 7- моддага асосан республика Президенти вазифаси интерим шароитида Сенат раиси томонидан бошқарилаётган вақтда.

Президент Миллий Ассамблеяни тарқатиб юбориш масаласида Бош Вазир, Сенат ёки Миллий Ассамблея раиси билан маслаҳатлашиши мумкин. Президент ва Парламент муносабатларида Парламентдаги кўпчиликни ташкил этган сиёсий қучлар катта аҳамиятга эга. Чунки Президент ижроий ҳокимиятни Бош Вазир томонидан амалга оширар экан (Президент Бош Вазирни тайинлайди (8- модда) ва унинг тавсияси билан вазирларни тайинлайди. Шу тариқа ҳукумат ташкил топади), Бош Вазир, ўз навбатида, Парламент олдида ҳисоб беради ва Парламентнинг вакиллар палатаси ҳукумат истеъфосини талаб этиш ҳуқуқига эга. Шу жиҳатдан Президент ҳамиша Парламентда ўз тарафдорлари кўпчиликни ташкил этишидан манфаатдор. Шу туфайли Президент Парламентни тарқатиб юборади (12- модда). Ўз навбатида, парламент кўпчилиги ҳам ҳукуматга истеъфо бера олади. (48–50- моддалар). Тарихда ягона ҳодиса 1962 йил 5 октябрда рўй берган бўлиб, Парламент Бош Вазир Жорж Помпидуға ишончсизлик билдириб, бу оркали Президент Ш. де Голлга норозилик билдирган. Президент ихтилофни бартараф этиш учун зудлик билан 1962 йил 9 октябрда Миллий Ассамблеяни тарқатиб юборган.

Парламент учун ҳар хил сайлов тартиби талаблари жорий этилган. Миллий Ассамблея депутатлари 5 йил муддатга сайланади. 23 ёшга тўлган фуқаролар томонидан 577 депутатнинг 555 нафари метрополиядан сайланадилар. Сайловлар икки босқичда мажоритар асосда яқка тартибда овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар 100 минг аҳолидан биттадан, шунинг учун депутатлар мутаносиб тақсимот тамойили асосида департаментлар аҳолиси сонига қараб 2–21 нафаргача бўлиши мумкин. Масалан, Парижда 21 нафар, Нордда 24 нафар ва ҳоказо.

Сенат 321 нафар сенатордан ташкил топиб, 9 йил муддатга сайланади ва учдан бир қисми ҳар уч йилда ратация асосида янгиланади. Улар тўғридан-тўғри бўлмаган сайлов асосида сайланади. Сайловчилар аввал сайловчи коллежларни – сенатор сайловчиларини сай-

лаб олишади ва мазкур гуруҳ сенаторларни сайлайдилар. Сайловчи коллежалар депутатлар, маҳаллий кенгаш вакиллари, регионал кенгаш маслаҳатчиларидан ташкил топади. Сенаторлар пропорционал тақсимот асосида департаментлар асосида ўзгаради. 99 та департаментдан 85 тасида сенаторлар учун ўринлар сони 2–4 тагача бўлади. Биринчи босқичда умумий овознинг 25 фоизини олганлар ўтадилар. Иккинчи босқичда эса нисбий кўпчилик овозини олган номзодлар галаба қиладилар. Аммо 14 та департаментда сенаторларнинг сони 4 нафардан кўп бўлганлиги сабабли, пропорционал тақсимот асосида рўйхатдаги бир неча номзодга тенг овоз берилади. Сенатор бўлиб сайланиш ҳуқуқи 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқароларга берилган. 6 нафар сенатор хорижда жойлашган французлар манфаатини ҳимоя этиш учун Хориждаги французлар Олий Кенгаши тавсияси билан Сенатнинг ўзида сайланадилар.

Парламент сайловлари партиялар орасидаги кескин кураш билан қечади. Партиялар шартли равишда “ўнглр” ва “сўллар”га бўлинади. 1789 йил Миллий Ассамблея йиғинида раиснинг ўнг томонидан жой олгани монархия тарафдорлари – “ўнглр”, чап томонидагилар эса “сўллар” деган ном олган. Шу боис “ўнглр” консерватизм, миллий анъаналарнинг тарафдорларидир. Кейинчалик икки ўртада ҳар икки томонга мойил “центристлар” ҳам пайдо бўлди. “Сўллар” блокиннинг асосий кучи ҳисобланган социалистлар партияси Жан Жорес ғоялари асосида 1971 йил Ф. Миттеран томонидан ташкил этилган. Франция Коммунистик партияси (1920 йил ташкил топган), Яшиллар партияси, Сўл радикал партия, Фуқаролар ҳаракати кабилар ҳам “сўллар” блокага киради. “Ўнглр” гуруҳига келсак, Республика учун Иттифоқ (1976 йил Ж. Де Эстен асос солган), Миллий Фронт (1972 йил Жан Мари Ли Пен томонидан тузилган) унинг асосий партиялари ҳисобланади. 1997 йилги Парламент сайловларидан сўнг Социалистлар партияси 250 та ўрин билан Парламентда кўпчилик ўринни қўлга киритди ва партия лидери Л. Жоспен Бош Вазир этиб тайинланди. Сенатда эса ўнглр партияси 1998 йил 6 октябр сайловларидан сўнг 99 ўрин билан ютиб чиққан. Сиёсий партияларнинг фаолияти Конституцияда, 1988 йил 11 март, 1995 йил 19 январ қонунлари билан тартибга солинади.

2- §. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Франция. Тўртинчи республика

Вактинчалик режим. Тўртинчи республиканинг конституцион-ҳуқуқий расмийлашуви

Фашизм зулмидан озод бўлган Францияда ҳокимият органларини тузиш ишини Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг икки йирик ташкилоти — де голлчилар бошчилигидаги Франция Миллий озодлик ҳаракати кўмитаси ва Луи Сайян бошчилигидаги Миллий қаршилик кўрсатиш ҳаракати совети ўз зиммаларига олди. 1944 йил 2 июнда Миллий озодлик ҳаракатининг француз кўмитаси ўзини “Муваққат ҳукумат” деб эълон қилди. Кўмига раҳнамолигида Жазоирда қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг кўпгина вакилларини бирлаштирган Маслаҳат Ассамблеяси иш бошлади. Францияда уруш ҳаракатлари тугаши билан, ҳокимият Миллий озодлик ҳаракати (МОХ)нинг департамент кўмиталари ихтиёрига ўта бошлади. Француз ички кучлари (ФИК) кўллаб-қувватлашида департамент кўмиталари Виши ҳукумати маъмуриятини тугатиб, халқ трибуналлари ва милициясини тузишди.

Париж озод этилгандан сўнг, Де Голл ўз ҳокимиятини мустақкамлашга киришди. Муваққат ҳукуматнинг 1944 йил 21 августда чиқарган Ордонанс (Акти, Қарори)га биноан департамент префектлари муниципал (маҳаллий) бошқарув кенгашларини қайта тиклади. “Республика комиссарлари” Муваққат ҳукуматнинг йирик шаҳарлардаги вакилларига айланишди. 28 август куни Де Голл ФИКни тугатиш ҳақида буйруқ чиқарди. 1944 йил 15 сентябрда халқ трибуналлари, 28 октябрда эса милиция қисмлари тарқатиб юборилди. 1944 йил октябрда Франциянинг жанубидаги Авиньон шаҳрида Миллий озодлик ҳаракати кўмиталарининг съезди — Генерал штатлар чақирилди. Съездда иштирок этган делегатлар ҳукумат таркибига “Қаршилик кўрсатиш ҳаракати” ва коммунистлар вакилларини ҳам киритиш шарти билан Муваққат ҳукуматнинг бошқарув ҳокимиятини тан олишди.

Муваққат ҳукумат зиммасида мамлакат халқ хўжалигини қайта тиклаш, конституцион-ҳуқуқий ислохотлар ўтказиш каби ўта долзарб масалалар турган эди. Мамлакатда сиёсий вазият ниҳоятда мураккаб эди. Уруш француз миллатини бўлиб ташлаган эди. Ҳукуматнинг кўпгина бюрократик намояндалари ва тадбиркорлар-

нинг асосий қисми Петен ҳукумати билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эди. Виши ҳукумагининг аграр ва оила борасидаги сиёсатини деҳқонларнинг кенг қатлами қўллаб-қувватларди. Ҳарбийларнинг анчагина қисми Де Голлнинг чакиригига қулоқ солмай, Петен ҳукуматини қўллаб-қувватлашда давом этди. Франция озод этилгач, 190 мингдан ортиқ киши коллаборационизм (фашистлар ёки Франциядаги фашистик ҳукумат билан ҳамкорлик қилиш)да айбланди. Шулардан 100 минг кишига яқини озодликдан маҳрум қилинди ёки айримларининг ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Петен ҳукуматини қўллаб-қувватлаган ёки у билан ҳамкорлик қилган сиёсий арбоблар фаол ижтимоий ҳаётдан четлаштирилди.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида 170 мингдан ортиқ кишининг иштирок этишининг ўзи мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг кескин ўзгаришига олиб келди. Ҳаракат кўламининг бу даражада кенглиги 1940 йилда юз берган ҳарбий ҳалокат билан ҳам изоҳланар эди.

Урушдан кейинги даврда Францияда кўпчилик партия ва ҳаракатларнинг фаолияти Қаршилик кўрсатиш анъаналарига чамбарчас боғланиб қолди. Аммо уларнинг гоявий мақсадлари ва дастурлари турлича эди. Улар ичида голлчиларнинг ўзига хос ўрни бор эди. Де Голлнинг асосий мақсади француз давлатчилигини қайта тиклаш ва конституцион-ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш эди. Де Голлни “Франциянинг буюклиги”ни тикловчи ва “миллатни қутқарувчи” шахс сифатида тан олувчи, турли хил ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари қўллаб-қувватлар эди.

Иккинчи жаҳон уруши, қайсидир маънода, Францияда коммунистик ҳаракатнинг ўсишига тurtки бўлди. Коммунистлар қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг етакчи кучларидан бири сифатида танилди. ФКПнинг кенг халқ оммаси орасидаги обрўси ошиб кетди. 1945 йил бошларида унинг сафларида 500 мингга яқин аъзоси бўлса, 1946 йилда бу рақам қарийб 900 мингга етди. ФКПнинг раҳбарлари: партиянинг бош котиби Морис Торез ва депутатлар гуруҳининг бошлиғи Жак Дюкло сиёсий курашда Парламентар-демократияни мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб чиқди. Коммунистлар давлат бошқарувини демократлаштириш, монополияга қарши кураш сиёсатини ёқлаган ҳолда монополистик, мустамлакачилик ва “Атлантика бирдамлиги” сиёсатиға қарши чиқди.

Социалистик партиянинг мавқеи ҳам етарли даражада мустаҳкам эди. ФСП аъзолари сон жиҳатдан ФКП аъзоларидан деярли уч баробар оз бўлса-да, бироқ катта обрўга эга эди. Унинг “демократик

социализм”ни тарғиб қилувчи концепцияси коммунистларнинг янги дастуридан унчалик фарқ қилмас эди. СПнинг Л. Блюм бошлиқ раҳбарияти ФКП билан яқин алоқа ўрнатишга тайёр эди. 1946 йилда ФСП бош котиби лавозимига Ги Молленинг келиши билан антикоммунистик кайфият кучайди. ФСПнинг янги раҳбарияти “Атлантика бирдамлиги” принципини ва мустамлакаларнинг харбий-сиёсий жиҳатдан қарамлигини сақлаб қолишни ёқлаб чиқди. 1946 йилда қабул қилинган ва партия дастури статусига эга бўлган “Принциплар декларацияси” ФСП партиясини социализм ғалабаси йўлида синфий курашни қўллаб-қувватлайдиган партияга айлантириб қўйди. Бирок “демократик социализм” концепцияси “бетакрор ғоя” сифатида таърифланди ва унда жамиятнинг барча табақалари бирдамлик учун курашиши кераклиги айтилди.

Мамлакатда нуфузли партиядан яна бири Халқ республикачилик ҳаракати (ХРХ) ҳисобланарди. Партиянинг асосини Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг 1944 йилда бирлашган “Либерте”, “Резистанс”, “Комба” каби коммунистик бўлмаган гуруҳлари ташкил этарди. Халқ республикачилик ҳаракатининг раиси – “Озод Франция” радиосининг директори М. Шуман, бош котиби эса Р. Бише эди. 1944 йилдаги Таъсис Съездида ХРХнинг мақсади ҳақида шундай баёнот берилди: “Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда демократияни ўрнатиш, фуқароларнинг эркинлиги ва шахсий ҳуқуқларига рия этилишини таъминлаш, меҳнатнинг капитал устидан, шахсий хизматнинг енгиллик ва имтиёзлар устидан ҳукмронлигини таъминлаш каби вазифалар кўрсатиб ўтилди”. ХРХ Франциянинг давлат тузумини “инқилобий” йўл билан кескин янгилаш масаласига эътибор қаратди. Бу кўрсатмалар ХРХни Франциядаги радикал демократик партиядан бирига айлантирди. Бу даврга келиб ХРХ ФКПга қараганда анча оммавийлашиб кетди. 1945 йилга келганда ХРХ таркибида 235 мингдан ортиқроқ киши бор эди. ХРХ тарафдорлари ичида деҳқонлар, ишчилар ва шаҳарда яшовчи ўртаҳол табақа вакиллари кўпчилиكنи ташкил этар эди. 1945–1946 йилларда ХРХ таркиби, асосан, католиклар ҳисобига кўлайди. Бу партиянинг дастурига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Радикал демократик ғояларга аста-секинлик билан христиан динига ҳос қарашлар аралашиб кетди. Муваққат ҳукуматнинг бир қатор саноат корхоналарини давлат тасарруфига ўтказиш ва давлатнинг иқтисодиёт устидан назоратини кучайтириш йўлидаги тадбирларини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, ХРХ, асосан, корхоналарни бошқаришда иш-

чиларнинг иштирокига имкон берадиган тизимни ташкил этишнинг фаол ташаббускорларидан бирига айланди. ХРХ Де Голлнинг муваққат режим давридаги тадбирларини қўллаб-қувватласа-да, голлчиларнинг “кучли давлат” гоясига ўз норозиликларини билдириб, Парламентар-демократиянинг классик принциплари тарафдори бўлиб чиқдилар. Ташқи сиёсатда ХРХ партиялар орасида Европа мамлакатлари билан яқин алоқалар ўрнатиш гоясини илгари сурди.

Биринчи сайловлар арафасида, 1945 йил октябрда, Де Голл икки масала юзасидан референдум ўтказди. Биринчи масала – сайланаётган вакиллик органига “Таъсис Мажлиси” статусини бериш, иккинчи масала эса унинг функцияларини, яъни ваколатларини фақат конституцион тузилма доирасида чеклаш. ФСП, ХРХ ва ФКПлар бу таклифни қўллаб-қувватлаб чиқишди. Коммунистлар Таъсис Мажлиси ваколатларини чекламасдан, катта имтиёзлар берилишини ёқлади. Референдумда иштирок этганларнинг 96,4% и Таъсис Мажлиси чақирилишини ёқлаб овоз беришди. Иккинчи масала юзасидан эса сайловчиларнинг ижобий овозлари 66,3% ни ташкил этди. Референдум билан бир вақтда сайлов ҳам ўтказилди. Сайловда асосан Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида фаол иштирок этган партиялар кўп овозга эга бўлди. Таъсис Мажлисида коммунистлар 25,4%, Қаршилик кўрсатиш ҳаракати Демократик ва Ижтимоий Иттифоқи билан бир альянсга бирлашган социалистлар 24%, ХРХ 23,6% овоз олди. Голлчиларга нисбатан оппозицияда бўлган радикал ва “муътадиллар” сайловда 10,8% ва 15% овоз билан мағлубиятга учрадилар. Аммо де Голлнинг ғалабаси вақтинчалик ҳолат эди. Ҳукумат таркибига Де Голлни қўллаб-қувватловчи “партиясиз” 6 нафар тарафдорларидан ташқари ФКП, ФСП ва ХРХдан 5 нафардан вакиллар кирди. 1945 йил декабридаёқ ҳукумат ичидаги сиёсий вазият инқироз даражасига келиб қолди. Орадан бир ой ўтиб, Де Голл ўзининг истеъфога чиқишини эълон қилди. Муваққат ҳукумат бошлиғи лавозимини социалист Ф. Гуэн эгаллади.

Асосан, сўл центрист партия вакилларида иборат бўлган Конституцион комиссия 1946 йил апрелида Конституциянинг янги лойиҳасини тайёрлаб тақдим этишди. У бир палатали Парламент ташкил этишни кўзда тутар эди. Бу Парламент қонунчилик билан шуғулланиб, Президент ва Министрлар Совети Раисини сайлаш, ҳукуматнинг таркиби, дастури ва тизимини тасдиқлаш ваколатларига эга эди. 1946 йил 19 апрелида Таъсис Мажлиси Конституция лойиҳасини маъқуллади, май ойида эса у умуммиллий референдумга

кўйилди. Референдум иштирокчиларининг 51,6% и қарши овоз беришди. Референдум натижалари мамлакатдаги сиёсий вазият янада мураккаблашиб кетганини, иккинчи Таъсис Мажлисини чақириш ва янги сайловларни ўтказиш зарурлигини кўрсатди. Сайлов компанияси чоғидаёқ ХРХ ва радикалларнинг манфаатлари яқинлашаётгани кўриниб қолди. Таъсис Мажлисининг янги таркибида кучлар нисбатида кескин ўзгаришлар бўлмаган бўлса-да, энг кўп овозни ХРХ (28,1%) олди. ФКП – 26,4%, ФСП 21,1% овоз олди.

Муваққат ҳукумат ва Конституцион комиссияни ХРХ вакиллари: Ж. Бидо ва П. Коста-Флорлар бошқара бошлашди. Бу орада Де Голл яна сиёсат майдонига қайтди. У 1946 йил 16 июнда Байе шахри озод этилганининг икки йиллик юбилейига бағишланган тантаналарда нутқ сўзлади. Де Голл бу нутқида биринчи марта ўзининг Конституция лойиҳасини ифодалаб берди. Унинг асосида Франциянинг “буюклигини”, миллатнинг бирдамлиги ва мустақиллигини таъминлашга имкон берадиган “кучли давлат” сиёсати гоёси ётар эди. Де Голл Парламентар-республикачилик сиёсатини қаттиқ қоралаб чиқди. Унинг фикрича, бу гоё “партия режими”нинг мустаҳкамланиши ва ҳукумат тузумининг бағамом бузилиши хавфини келтириб чиқаради.

Голлчиларнинг ўсиб бораётган таъсир доираси билан тўқнаш келган Таъсис Мажлисида етакчилик қилаётган партиялар янги Конституция лойиҳаси бўйича компромиссга келишга ошиқдилар. Бу лойиҳа Таъсис Мажлиси муҳокамасига 1946 йил 29 сентябрида кўйилди ва 440:106 нисбат билан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Конституция тўғрисидаги референдум 1946 йил 13 октябрида бўлиб ўтди ва 53,1% овоз олди. 1946 йилнинг 24 декабридан Тўртинчи республиканинг Конституцияси кучга кирди.

Конституция Францияни демократик республика (IV республика) деб, мустақил ерлари билан эса Франция союзи деб эълон қилди. Конституция Францияни “ягона ва бўлинмайдиган дунёвий демократик ва социал республика” деб эълон қилди; халқ оммасининг суверенитетини ва бир қатор демократик ҳуқуқ ва эркинликларни, хотин-қизларнинг эркинликлар билан ҳамма соҳада тенг ҳуқуққа эга бўлишини, меҳнат қилиш мажбуриятларини, иш ташлаш ва меҳнат қобилиятини йўқотганда давлат ёрдамини олиш ҳуқуқларини, озодликни ҳимоя қилгани учун таъкиб қилинаётган ажнабийларга бошпана берилаётганини баён қилди ва миллий, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳамма корхоналар мулкани жамият мулки бўлиши керак деб кўрсатди; иқтисодий режалаштириш ва корхоналарни

бошқаришга ишчиларни жалб этиш кераклигини таъкидлади. Конституция босқинчилик урушларини таъқиқлади ва тинчлик сиёсати юритиш лозимлигини кўрсатди.

Конституцияга мувофиқ, конун чиқарувчи олий орган икки палатали Парламент, яъни Миллий Мажлис ва Республика Кенгаши бўлди. Миллий Мажлис қонунларни чиқариш, бюджетларни қабул қилиш, ҳукуматга ишонч билдириш, сулҳ шартномасини тузиш, халқаро сиёсат ҳужжатларини тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлди. У тўғри сайлов асосида 5 йилга сайланади. Сайлов ҳуқуқидан 21 ёшга етганларгина фойдаланади. Республика Кенгаши икки табақали сайлов асосида 6 йилга сайланади. Кенгаш қонун лойиҳаларининг кучга киришини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлди. Республика бошлиғи – Президент Миллий Мажлис ва Республика Кенгашининг қўшма мажлисида 7 йил муддатга сайланади. Президент иккинчи марта ҳам сайланиб, ўз ўрнида қолиши мумкин. Ижроия ҳокимияти – Министрлар Советининг Раиси Президент томонидан тайинланади. 1946 йил Конституцияси капиталистик дунёда энг демократик конституциялардан бири бўлди. Унда хусусий мулкка бўлган ҳуқуқ муқаддас ҳуқуқ деб эътироф этилди.

Франциянинг 50- йиллардаги сиёсий ҳаёти.

Тўртинчи республиканинг инкирози

1946 йил 10 ноябрда Миллий Ассамблеяга бўлган дастлабки сайлов сиёсий кучларнинг Таъсис Мажлисидаги нисбатини сақлаб қолди. ФКП ва ХРХ Миллий Ассамблеяда 182 ва 173 ўринга эга бўлган ҳолда сон жиҳатидан йирик фракцияларни ташкил этишди. ФСП фракцияси 102 та депутатга эга бўлди. Қолган партиялар эса сон жиҳатидан камроқ депутат ўринларини эгаллади. Радикаллар қуйи палатада 43 та, ҚДИИ 26 та, “мўътадиллар” гуруҳлари 67 та, Голлчилар иттифоқи вакиллари 10 та мандат ўринларини банд қилишди. Юқори палата ҳисобланган Республика Кенгашига сайловлар 1946 йил ноябрида бўлиб ўтди. Юқори палатадаги мандатлар нисбати қуйи палатадаги ўринлар нисбатидай бўлди. Тўртинчи республиканинг биринчи Президенти этиб социалист Венсан Ориоль сайланди. ХРХ партияси вакили Шампетье де Риб – Республика Кенгашининг Раиси, радикал Эдуард Эррио эса Миллий Ассамблеяга бош бўлди.

ФКП, ФСП ва радикаллардан иборат уч партиялик коалиция туфайли улар Муваққат ҳукуматда сўл центристтик парламентар

кўпчилиكنи ташкил этишга муваффақ бўлди. Ҳукуматга социалист Поль Рамадье етакчилик қилди. Аммо 1946 йил охирига келиб ФКП ва унинг иттифоқчилари ўртасидаги ўзаро зиддиятлар коалициянинг заифлашувига сабаб бўлди. 1947 йил май ойида тортишувларга барҳам берилди. Коммунистлар фракцияси Парламентда ҳукуматга ишонсизлик билдириб овоз бердилар. Ориоль ва Рамадьелар коммунистларни ҳукумат таркибидан чиқаришди. Бироқ, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бошқа Ғарб давлатларидан фарқли ўлароқ Францияда коммунистларнинг таъсир доираси кучли эди. Коммунистлар Парламентда доимо катта фракция бўлиб келган. Бундан ташқари, коммунистлар кенг халқ оммасини ўзига жалб этган шўъба ташкилотларини: Хотин-қизлар иттифоқи ва Республика ёшлари иттифоқларини ташкил этган эди.

Уч партияли коалициянинг инқироzi ва ФКПнинг ажралиб чиқиши голлчилар ҳаракатининг жиқслашиш вақтига тўғри келди. 1946 йил Голлчилар иттифоқининг ташкил топиши ва биринчи сайловларда иштирок этиши стихияли характерга эга бўлди. Голличилар иттифоқининг раҳбари Рене Капитан генерал Де Голлнинг қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатидаги яқин сафдошларидан бири эди. Шундай бўлса-да, Рене Капитан генерал Де Голл томонидан очикдан-очик қўллаб-қувватланмади. Бундан ташқари, ҚДШИ партиясидан чиққан Капитан голлчилар чап қанотининг вакили ҳисобланар эди. 1947 йил баҳорига келганда мамлакатдаги сиёсий вазият кескин ўзгарди. Де Голл ўз тарафдорларининг ҳаракатини ташкил этишга қарор қилди. Де Голлнинг яқин сафдошлари: Ж. Сустель, Ж. Шабан-Дельмас, А. Мальро, Р. Капитан, Ж. Бомеллар кўмагида ҳаракатнинг минтақавий кўмиталари ташкил этила бошланди.

1947 йил апрелида Де Голл “Бирлашган француз халқи” (БФХ) номли сиёсий ташкилотни ташкил этиш тўғрисида расман баёнот берди. Бу сиёсий ташкилотнинг вазифаларига 1946 йилда қабул қилинган Конституцияни бекор қилиш, “партия режимини бартараф этиш”, “уюшган демократия” тизимини ташкил қилиш, Франциянинг халқаро статусини қайта тиклаш кабилар киритилган эди. Де Голл БФХни Парламент ҳаётида иштирок этадиган сиёсий партия эмаслигини катъий таъкидлар эди.

Коммунистлар ва голлчиларнинг таъсиридан ҳимояланиш мақсадида ҳукумат доиралари “учинчи куч” деб аталувчи коалицияни ташкил этди. “Учинчи куч”нинг таркибига ФСП, радикаллар ва ХРХ вакиллари кирди. 1951 йил 17 июнда бўлиб ўтган сайловлар на-

тижасида голличиларнинг БФХ сиёсий ташкилоти Парламентда 119 та ўринга эга бўлди. ФКП (108 та) ва ФСП (104 та) овозлар бўйича деярли бир-бирига тенглашиб қолди. Республикачилар партиясининг муваффақияти, асосан, “бирлашган рўйхат” тактикасидан фойдаланганлиги бўлди. Сайловда қатнашганларнинг 48% и оппозицион партияларга овоз беришди (коммунистлар учун 5 млн ортиқ киши ва голлистлар учун 4 млн дан ортиқроқ).

Миллий Ассамблеянинг янги таркибида ХРХ, радикаллар, ҚДИИ ва мўътадиллардан иборат ҳукмрон ўнг центрист коалиция ташкил топди. Коалициянинг дастлабки ҳукуматини Р. Плевен бошқарди. Шундан сўнг Министрлар Кенгаши Раислиги лавозимини радикаллар 4 марта, мўътадиллар вакиллари 2 марта эгаллади. Бу ҳукуматларнинг мавқеи ўта заиф эди. Улар Парламентда озчиликни ташкил этиб, сиёсий жиҳатдан ФКП, ФСП ва БФХнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли йўққа чиқиши мумкин эди. Аммо оппозициядаги кучларнинг жипслашишига амалда имконият йўқ эди. ФКП ҳали ҳам бойкот ҳолатида эди. Партиянинг у ёки бу сиёсий кучлар билан ҳамкорлик қилиш ҳаракати ҳам вазиятни ўзгартирмас эди. БФХдаги ҳолат янада жиддий эди. Партиянинг обрўси тез тушиб кета бошлади. Ўша даврда партия таркиби 400 минг кишидан 125 минг кишига қисқариб кетди. БФХ ичида оппозицион кучлар пайдо бўлди. 1951 йилда партия таркибидан “республикачилар ва ижтимоий ҳаракат гуруҳлари” чиқиб кетди. Аввалги мавқеини сақлаб қолиш имконияти йўқлигини билгач, Де Голл 1953 йил майида БФХдан сайланган депутатларга тўла мустақиллик бериш ҳақида баёнот берди. Фракция ҳам фаолият кўрсатишдан тўхтади. Голличилар депутатлар “Республикачилар ижтимоий фаолияти иттифоқи” номли мустақил парламентар гуруҳни ташкил этишди. Аста-секинлик билан партия ҳам тарқалиб кета бошлади.

1956 йил январидан навбатдаги Парламент сайловлари бўлиб ўтиб, унда ФКП ишончли ғалабага эришди ва Парламентнинг куйи палатасида 150 ўринга эгаллик қилди. ФСП фракцияси 100 та ўрин эгаллади. Коммунист ва социал республикачиларнинг кўмагида Ги Молле ҳукумати тузилди. Янги ҳукумат таркибига социалист ва сўл радикаллар ҳам киритилган эди. Республикачилар фронтининг коалицияси кучайиб борди. Ги Молле ҳукумати социал қайта қуришларнинг кенг кўламли дастурларини амалга оширишга ҳаракат қилди. Бу ҳукумат Тунис ва Марокаш давлатларининг мустақиллигини тан олди. Ги Молле бошчилигидаги ҳукумат Жазоир муаммосини ҳал

этиш учун Парламентдан фавкулудда ваколатлар олган бўлса-да, мамлакат ичидаги сиёсий инқирознинг олдини ололмади. 1957 йил майида Ги Молле истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Унинг ўрнини радикаллар вакили М. Буржес Монури эгаллади. 1957 йил октябрида барча йирик нокоммунистик партияларнинг вакиллари ўз таркибига киритган “Республикани янгилаш ва ҳимоя қилиш ҳукумати” ташкил этилди. Унга ўнг радикал Феликс Гайар етакчилик қилди. Парламентда конституцион ислохотларни амалга ошириш йўллари ҳақида мунозаралар бошланиб кетди. Шу нарса яққол намоён бўлдики, ҳукуматни тубдан ислох этмасдан туриб, Жазоир масаласини хал этиш ва, умуман, доимий равишда бўлиб турган ҳукумат инқирозларининг олдини олишнинг имконияти йўқ эди. Тўртинчи республиканинг режими чуқур конституцион ҳуқуқий инқирозга юз тутта бошлаган эди. Франциядаги ҳукумат тузумини ислох қилиш заруриятини 1946 йилда қабул қилинган конституцияда айрим камчиликларнинг мавжудлиги ҳам келтириб чиқарди. Конституциядаги айрим бўлимлар бир-бирига зид келиб, уларни ҳаётга татбиқ қилиш ниҳоятда қийин эди. Булар ҳукуматни ташкил этиш, ишончсизлик билдириш ва тўлиқ овоз бериш ҳамда Парламентни тугатиш каби муҳим масалаларда ўз аксини топган эди. Айрим бўлимлар эса умуман амалиётга татбиқ қилинмай қолиб кетди (масалан, Франция Иттифоқи, “маҳаллий жамоалар тўғрисида”). Ўн икки йил давомида ҳукумат таркиби 22 марта ўзгарди.

40–50- йилларнинг иккинчи ярмида Франциянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти

Уруш давомида Франциянинг кўрган моддий зарари 1440 млрд франкни ташкил этди. Уруш вақтида 1 100 минг кишидан ажралди. 700 минг кишидан ортиқ киши Германияга ишлаш учун олиб кетилди. Мамлакатнинг 30 та департаменти талофат кўрди. 50 мингга яқин саноат корхоналари батамом ёки қисман ишдан чиқарилди. Кўплаб экстростанциялар, шахталар, верфлар (кемасозлик объектлари) яқсон қилиб ташланди. Транспорт тармоқлари яроқсиз ҳолга келтирилди. Франция деярли ҳарбий ва савдо флотидан маҳрум бўлди. Нефтни қайта ишлаш корхоналарининг 80% и ўз фаолиятини тўхтатган эди. Мамлакатдаги 101 та домна печидан 7 тасигина фойдаланишга яроқли ҳолатда эди. Кўмир қазиб чиқариш 4 бараварга қисқарди. Саноат маҳсулотларини умумий ишлаб чиқариш ҳажми

урушдан олдинги даврдагига нисбатан 38%, кишлок хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажми эса 60% ни ташкил этди. 1 400 минг гектар экин майдонлари ташландик ҳолга келиб қолди. Молия тизими батамом изидан чиқди. Инфляция ҳаддан ташқари юқори даражага кўтарилди. Франкнинг кадр-қиммати урушгача бўлган даврдагидан 6 бараварга камайди. 1945 йилда мамлакат бюджетига танқислик деярли 200 млн франкни ташкил этди.

Саноат ва кишлок хўжалик тармоқларини қайта тиклаш муваққат ҳукумат олдида турган муҳим масалалардан бири эди. Хўжаликни қайта тиклаш тадбирларининг асосини кўмир, газ, авиация, автомобиль ишлаб чиқариш тармоқларини давлат тасарруфига ўтказиш ташкил этарди. 1945—47- йилларда Франция саноатига тегишли бўлган корхоналарнинг 20% и давлат мулкига айлантирилди. Йирик банклардан 5 таси давлат назоратига ўтказилди (буларнинг ичида Франциянинг бош эмиссион ташкилоти саналадиган Француз банки ҳам бор эди). Бундан ташқари, жамғарма газнаси ва суғурта компанияларининг бир қисми ҳам давлат назоратига ўтказилди. Давлат тасарруфига ўтказиш компенсация тўлаш асосида олиб борилиб, коллаборационизм (фашистлар билан ҳамкорлик қилиш)да айбланган мулкдорлар бундан мустасно бўлди. Давлат тасарруфига ўтказилган корхоналарда ишчилар ишгиرويда маъмурий кенгашлар тузилиб, иш ҳақларини ошириш, меҳнат шарғномаларини тузиш, турар-жой билан таъминлаш каби муҳим масалалар маслаҳатлашилган ҳолда ўз ечимини топар эди. 1946—1950 йилларда бу кўрсаткич 27% дан 50% га ўсди.

Муваққат ҳукумат ичидаги сиёсий ихтилофларга қарамай, 1947 йил баҳоридаёқ барқарорлик дастури кўзга кўринган натижаларни берди. Шу йили саноатдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари урушгача бўлган даврдаги даражага етди (кишлоқ хўжалигида 1950 йилда), 1949 йилда ЯИМ (Ялпи ички маҳсулот) даражаси урушгача бўлган даврдагидан ошди, озиқ-овқат маҳсулотларининг қарточка тизими бекор қилинди. Шундай бўлса-да, давлат тепасида бўлган сўл центристтик коалиция ҳукуматни бошқаришнинг фаол методларидан воз кечмади. 1946 йилдаёқ Жана Монне бошчилигида иқтисодиётни режалаштириш билан шуғулланувчи Бош Қотибият ташкил этилди. Бу ташкилот мамлакатни ривожлантириш дастурларини тузиш билан шуғулланар эди. “Французча режалаштиришнинг” концептуал (фикр, тушунча мазмуни) асосларини ишлаб чиққан Монне технократик элитанинг вакилларида бири эди. У: “Иқтисодиётнинг

ҳукумат томонидан тартибга солиниши, жумладан, режалаштириш ҳам сиёсий мафкурага боғлиқ бўлмаслиги керак”, – дер эди. Сиёсий мафкурага боғлиқ бўлганда, салбий оқибатларга олиб келишини таъкидлаб ўтган эди. Режалаштириш, Монненинг фикрига кўра, консенсус (ҳамфикр) ва ишончга асосланиб, ўзига хос иқтисодий дипломатия бўлиб ҳисобланади.

1947–1953 йилларга мўлжалланган ривожлантиришнинг дастлабки миллий дастурларидан бири 1947 йилда қабул қилинди. У “Монне режаси” ёки “қуролланиш ва модернизациялаш режаси” деб номланди. Бу дастурнинг асосида давлат тасарруфига ўтказилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кескин янгилаш, саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришиш, метрология ва денгизорти ҳудудлари ўртасида савдо-сотикни кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш каби тадбирлар ётар эди. Молиявий барқарорликни таъминлаш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланди. 1947 йилнинг кузида молия министри Р. Майер молия тизимида комплекс ислохотлар ўтказишни бошлади.

1948 йил январида франкнинг девальвацияси амалга оширилди. Унга кўра, франк қиймати олтин миқдоридан 44% га камайтирилди. Молиявий барқарорликнинг юзага келишида Франциянинг “Маршалл режаси”га қўшилиши муҳим аҳамият касб этди. 1948–1951 йиллар мобайнида АҚШ Францияни 2,5 млрд доллар ҳажмидаги кредитлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва асбоб-ускуналар билан таъминлади. 1958 йилга келганда америкаликлар берган ёрдамнинг умумий ҳажми 12 млрд долларни ташкил этди. Бу дастурни амалга ошириш жараёни АҚШ сармоясининг Франция иқтисодиётига фаол кириб келиши учун кенг йўл очиб берди. Франция Ҳукумати қабул қилган мажбуриятларга кўра, АҚШга хўжалик тармоқлари ва маҳсулоти корхоналарининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақида ҳамда ташқи савдодаги маҳсулот айланмаси тизими ҳақида тўлиқ маълумотларни бериб туриш лозим эди. Бундай қарамлик Франция сиёсий ҳаётидаги кўлгина кучларнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, айнан америкалик тадбиркорлар доирасининг саъй-ҳаракати туфайли Франция иқтисодиётида катта ўзгаришларнинг амалга ошиши осон кечди.

40-йилларнинг охирида Францияда меҳнат муносабатлари масаласида муҳим ислохотлар амалга оширилди. 40 соатлик иш ҳафтаси, ҳақ тўланадиган таътил қайта тикланди. Иш вақтидан ташқари бажариладиган ишлар учун қўшимча ҳақ тўлаш жорий этила бошлади.

Эркак ва аёл меҳнатига ҳақ тўлашда тенглик принципи қафолатланди, ишсизларга ҳукумат томонидан ёрдам кўрсатиш тизими кенгайтирилди. Ишловчиларнинг сони 50 нафардан ошган корхона ва ташкилотларда маъмурият вакиллари, ишчилар, муҳандис ва техниклардан иборат “корхона қўмиталари” ташкил этилди. Уларга меҳнат шароитларини тартибга солиб туриш соҳасида маслаҳатлар бериб туриш ҳукуки берилган эди. Номинал иш ҳақи ва нафақаларнинг миқдори анча ўсди. 1950 йилдан эътиборан қафолатланган умуммиллий иш ҳақининг минимуми киритилди. У яшаш минимумининг динамикасига қараб ўзгартириб туриладиган бўлди. Қарилик ва ногиронлик нафақасига чиқиш вақти 65 ёш этиб белгиланди. Ижтимоий суғурга бўйича ҳукуматнинг ягона тизими ташкил этилди. Бу тизим қишлоқ хўжалик соҳасидан ташқарида ишлайдиган барча ёлланма ишчиларга нисбатан қўлланиладиган бўлди. Бу тизимни маблағ билан таъминлаш меҳнаткашларнинг бадаллари (иш ҳақининг 6% и) ва соҳибкорлар ажратган чегирмалари (иш ҳақи фондининг 10% и миқдорида) ҳисобига олиб борилар эди. Арзон тураржойлар қуриш ишлари бошланди. Ҳукумат хўжаликлари уруш даврида зиён кўрган деҳқонларга ва ўз хўжалигини ташкил этишга ҳаракат қилаётган ёш деҳқонларга ссудалар ажратиб бера бошлади.

“Барқарорлик шароитида модернизациялаш ва технология билан таъминлаш режаси” 1954–1957 йилларга мўлжалланган иккинчи дастур эди. У Франция саноатининг рақобатбардошлигини ва маҳсулот сифатини оширишни кўзда тутган эди. Энди эътибор хусусий секторга қаратилган эди. Ҳукумат ва фирмалар ўртасида тузилган маҳсул шартномаларга асосланиб, тадбиркорлар асбоб-ускуналар сотиб олиш учун кредитлар олиш ва муҳим лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли солиқлар тўлаш имкониятига эга бўлди. Иккинчи режада кўрсатилган кўрсаткичлар ошиғи билан бажарилди. 50- йилларнинг ўрталарига келганда ишлаб чиқариш санат маҳсулотларининг умумий ҳажми урушгача бўлган даврдаги даражадан 60% га ошиб кетди. Оғир санатдаги ўсиш ниҳоятда барқарор бўлди. Франция санатида жиддий тузилмавий қайта қуриш бошланди. Санат корхоналари жиҳозларини янгилаш оммавий хусусият касб этди.

Санатнинг инвестицион (сармоя) базаси мустаҳкамланишида ташқи бозорга капитал чиқаришнинг камайиши муҳим аҳамият касб этди. Йирик банкларнинг давлат тасарруфига ўтказилиши муносабати билан миллий иқтисодиётни сармоя билан таъминлашнинг асосий

йўналишга айланиши чет эл ссудалари ва заёмларини иккинчи даражага тушириб қўйди. Агар XX аср бошларида ташки бозорга капитал чиқариш миқдори Франция саноатига сарфланган маблағдан 10 баробар кўп бўлган бўлса, 50- йилларнинг охирига келиб четга олиб чиқиладиган капитал миқдори ички бозорга киритилган сармоядан 6 баробар кам эди. Сармоя, асосан, оғир саноат ва энергетика комплексига ажратилди. Бу соҳаларга саноатни тараққий эттириш учун ажратилган маблағларнинг 90% га яқини йўналтириладиган эди. 50- йилларнинг ўрталарига келганда эса сарфланаётган маблағларнинг асосий қисми кимё саноати, автомобиль ишлаб чиқариш, самолёт-созлик соҳаларини модернизациялаш учун ишлатила бошланди. Кейинчалик эса янги соҳалар: атом, электрон, пластик буюмлар ишлаб чиқаришга катта эътибор берилди. Саноатнинг асосий соҳаларида йирик корпорацияларнинг ўрни мустаҳкамланиб борди. Автомобиль ишлаб чиқаришнинг 98% и 4 та трест, алюминий ишлаб чиқариш 2 трест, пўлат ишлаб чиқаришнинг 72% и 5 та трест назорати остида эди. Йирик корхоналарда ишлаётган ишчилар саноатда банд бўлган ишчиларнинг 30% ини ташкил этарди. Лекин, шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, Франциянинг ўзига хос хусусияти ишлаб чиқариш концентрациясининг юқори эмаслигида бўлди. Бир корхонада ишлаётган ишчиларнинг сони ўртача 13 нафар кишини ташкил этди.

50- йилларнинг охирига келганда иқтисодий тараққиётнинг аралаш модели ўзининг олдинги самарадорлигини йўқота бошлади. Умуммиллий бойликнинг 36% ини ташкил этган давлат сектори тараққиётнинг олдинги суръатларини ушлаб туришга заифлик қила бошлади. 50- йилларнинг иккинчи ярмига келганда Францияда инфляция муаммоси яна кучайиб борди. 1957 йилга келганда нархлар урушгача бўлган даврдан ўртача 25 баравар, номинал иш ҳақи эса 21 бараварга ошди.

Хукуматнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб бораётган сиёсати ҳам кескин ўзгаришни кутаётган эди. 50- йилларда бу соҳада олиб борилган кимёлаштириш ва юқори технология билан таъминлаш ишлари амалга оширилган бўлса-да, фермерлар меҳнатининг самарадорлиги анча пастлигича қолаётган эди. Франция дунёда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда бўлиб, АҚШ биринчиликини бермай келаётган эди. Франциядаги экин экиладиган ерларнинг 25% гинаси замонавий типдаги хўжаликлар ихтиёрида эди. Дехқон хўжаликларининг тахминан 80% ида фойдаланиладиган трактор ва бошқа техникалар, асосан, қисқа муддатли ижарага олиб туриш йўли билан мавсумий ишлатилар эди.

Урушдан кейинги даврдаги халқаро муносабатларда Франциянинг ўрни. Жазоир инқирози ва давлат тепасига генерал Де Голлнинг келиши

Қаршилик кўрсатиш ҳаракати таркибида де голлчиларнинг фаоллик билан фашизмга қарши кураш олиб бориши натижасида Франция ўзининг халқаро мавқеини тиклаш имкониятига эга бўлди. Бунда СССРнинг тутган сиёсати ҳам муҳим аҳамият касб этди. 1944 йил ноябр-декабр ойларида Де Голл бошчилигидаги Франция делегацияси Москвага ташриф буюрди. Бу музокаралар натижасида “Иттифоқчилик ва ўзаро ёрдам ҳақида”ги Шартнома имзоланди. Шартномада томонлар Германия билан сепарат музокаралар олиб бормаслик, битим имзолаётган томонларга қарши қаратилган ҳар қандай иттифоқларда қатнашмаслик мажбуриятларини ўз зиммасига олдилар. СССР ва Франция ўртасидаги Шартнома Франциянинг иттифоқчи давлатлар сафидан жой олишига имконият яратди. Бу масала Ялта Конференциясида узил-кесил ҳал қилинди. Франция Германияда ўз оккупацион зонасига эга бўлган тўртта давлатдан бири бўлди. Потсдам Конференцияси қарорларига кўра, унинг вакили Ташқи ишлар министрлари Кенгашига киритилди. Бу Кенгашнинг асосий вазифаси урушдан кейинги даврда Германия билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишдан иборат эди.

Потсдам конференцияси ва Ташқи ишлар министрлари Кенгашининг йиғилишларида Франция Германия масаласи бўйича олиб борилган музокараларда ўта қатъий позицияни эгаллади. Француз дипломатияси ўзининг тарихан азалий душманини максимал даражада заифлаштиришга, Германия устидан халқаро назоратни ўта қаттиққўллик билан ўрнатишга, ҳагтоки мамлакатни бўлиб ташлаш даражасига олиб келишни мақсад қилиб олди. Франциянинг вакили Иттифоқчилар Назорат Кенгашининг умумгерман ҳукумати асосини ташкил этадиган “Марказий олмон департаментлиги”ни ташкил этиш ҳақидаги қарорга вето берди. 1945 йил ноябрида АҚШ ИНКга икки ёки уч зона учун марказий департаментлик ташкил этиш таклифи билан чиқди. Собиқ совет томони бу таклифни Германияни тўрт томонлама бошқариш принципини бузиш деб ҳисоблаб, рад этди. Бу билан, маълум маънода, Франциянинг манфаатларини ҳам ҳимоя қилди. Бир йил ўтар-ўтмас вазият кескин даражада ўзгариб кетди. Иттифоқчилар ўртасидаги келишмовчиликлар очикдан-очик қарама-қаршиликка айланди.

Инглиз–Америка оккупацион зоналарининг бирлаштирилиши, сўнгра француз оккупацион зонасининг қўшилиши Ғарбий Германияда давлат ташкил этилишига имкон яратилди. Олмон давлатининг парчалаб ташланиши, ГФРнинг ғарбий давлатлар учун ҳарбий ва иктисодий зонага айлантирилиши Франция дипломатияси манфаатларига мос келар эди.

1946 йили АҚШ билан Франция ўртасида Вашингтон Шартномасининг имзоланиши бу давлатларнинг стратегик иттифокчиларга айланиши учун биринчи қадам бўлди. Бу Шартномада Францияга кредит бериш, унинг олдинги қарзларидан воз кечиш, икки томонлама иктисодий муносабатларни эркинлаштириш (либераллаштириш), ҳукуматлар ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш ва маданий ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари кўрилди. Франциянинг “Маршалл режаси”га қўшилиши Франция ташқи сиёсатида “Атлантика бирдамлиги”нинг ғалаба қозонишига олиб келди. Франция ташқи сиёсатида атлантик йўлнинг кучайиши муқаррар равишда СССР–Франция муносабатларининг бузилишига олиб келди.

Франция Ғарб давлатлари ҳарбий–сиёсий иттифоқининг ташкил топишида фаол иштирок этди. Франция 1948 йил 17 мартда Брюсселда имзоланган Шартномага кўра ташкил этилган Ғарбий Иттифокнинг ташкилотчиларидан бири бўлди. Бир йил ўтиб Франция 1949 йил 4 апрелида тузилган Шимолий Атлантика Шартномасига аъзо бўлди. Қисқа вақт ичида Франция АҚШнинг Европадаги асосий ҳарбий плацдармига айланди. Унинг ҳудудига НАТОнинг ҳарбий ва транспорт тузилмаларининг катта қисми жойлаштирилди. Фонтенблода НАТОнинг Бош штаби жойлашди. 1950 йил 27 январда имзоланган шартномага биноан, Франция АҚШнинг Европадаги иттифокчиларига бераётган ҳарбий ва моддий ёрдамларининг асосий қисмини ола бошлади.

40- йилларнинг охирларидан бошлаб Франция Европа интеграцияси жараёнида фаол қатнаша бошлади. 1949 йилда Европа Кенгашининг ташкил этилиши эса бу борада муҳим қадамлардан бири бўлди. Урушдан кейинги даврдаги француз дипломатиясининг етакчилари: Ж. Бидо, Р. Шуман, Р. Плевен, Ж. Моннелар Европа интеграцияси жараёнининг ўзига хос концепциясини ишлаб чиқдилар.

1950 йилда Франция шу концепцияга мос келадиган ташаббус билан чиқди. 9 майда Франция Ташқи ишлар вазири Роберт Шуман Ғарбий Европа мамлакатлари кўмир ва пўлат саноатини интеграцион бирлашувини кўзда тутадиган лойиҳасини эълон қилди. “Шуман ре-

жаси” тор доирадаги интеграцион бирлашув бўлса-да, бироқ Ғарбий Европа интеграцион жараёнларининг таянч принципларига асос солди. 1951 йилда “Шуман режаси”нинг амалга ошиши натижасида Европа Иттифоқи тизимидаги биринчи ташкилот – Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси тузилди. Франция иқтисодиётининг негизи – кўмир ва металлургия саноати шу бирлашмага бўйсиндирилди.

1950 йил октябрида Бош Вазир Рене Плевен бирлашган Европа Қуроли Кучларини ташкил этиш режаси билан чиқди. Француз сиёсатчилари бунинг Европа кўмир ва пўлат бирлашмасининг мустақамланиши йўлидаги кўшимча қадам деб баҳолашди. Узок давом этган музокаралардан сўнг, 1952 йил май ойида “олтиликка” аъзо бўлган давлатлар ўртасида Европа Мудофаа Бирлашмаси (ЕМБ) тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Унга кўра, Шартнома иштирокчилари ўз Миллий Қуроли Кучларидан воз кечиб ва уларни ЕМБ доирасида бирлаштириб, Америка генераллари бошчилик қилган НАТО кўмондонлигига топширмоқчи бўлдилар. Аммо бу Шартнома кучга кирмади. 1951 йил сайловларидан сўнг Франция Парламентининг янги таркиби шартномани ратификация қилмади. ЕМБ тўғрисидаги баҳслар 1954 йил августигача давом этди ва у шуни кўрсатдики, Европа интеграцияси муаммолари Франция ички сиёсий ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бирига айланди. Интеграция алоқаларининг кераклиги ҳеч шубҳа уйғотмаса-да, миллатлараро Европа институтларнинг кучайиши кўпгина сиёсатчилар томонидан миллий суверенитетга хавф солиши мумкинлиги эътироф этилди. Шуниси характерлики, ЕМБ шартномасини ратификация қилишдан бош тортганидан бир ой кейин Франция Ғарбий Европа Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага кўшилди. Ғарбий Европа Иттифоқи тузилмасида Миллий Қуроли Кучларнинг тўла сакланиб қолиши кўзда тутилган эди.

50- йилларнинг охирида Тўртинчи республика инқирозининг кучайишига қарамасдан, Франция Европа интеграция жараёни тараққиётига ўз ҳиссасини кўшишни давом эттирди. 1957 йилда француз дипломатияси Европа Иқтисодий Ҳамдўстлиги ва Европаниннг атом энергияси бўйича ҳамкорлигини ташкил этиш лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Урушдан кейинги Франциянинг ташки сиёсатидаги энг муаммоли масала мустамлакачилик масаласи бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустамлака тизимига дарз кетди. Империяни тиклашнинг имконияти йўқлигини тан олган Франциянинг янги сиёсий куч-

лари бу вазиятдан чиқиб кетиш учун “Франция Иттифоки” формуласи кўринишидаги компромисс вариантни ўртага ташлади. Аммо бу ҳуқуқий формулани ҳам амалга оширишнинг имкони бўлмади. Бунга Тўртинчи республика режимининг сиёсий жиҳатдан барқарор эмаслиги, колониялардаги маҳаллий маъмуриятларнинг жиддий қаршилиги ва француз жамиятининг ижтимоий онгида мустамлакачиликка қарши қарашларнинг ўсганлиги ҳам сабаб бўлди. 1945 йил майда мустамлака ҳукумати Жазоирдаги кўзғолончи дахшатли равишда бостирди. Бир ярим йил ўтиб худди шундай ҳодиса Мадагаскарда ҳам бўлиб ўтди. Маҳаллий аҳоли ичидаги қурбонлар сони 80 мингдан ортиқни ташкил этди. Ҳиндихитойдаги ҳарбий можаро ҳам Франциянинг сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди.

1945 йилнинг 19 августида Вьетнамдаги кўзғолончилар қўшинининг бошлиғи Хо Ши Минь томонидан мустақил давлатнинг ташкил этилганлиги эълон қилинди. Франция ва Вьетнам ўртасида Франция Иттифоқига қирадиган Вьетнам Республикасининг мустақиллиги тан олинганлиги тўғрисида Шартнома имзоланди. Бирок Франция кўғирчоқ “Кохинхин Республикаси”нинг тузилишига яқиндан ёрдам берди ва уни кўллаб-қувватлади. 1946 йил ноябридан бошлаб Ҳиндихитой ярим ороли ҳудудида ҳарбий ҳаракатлар бошланди. У етти йилга чўзилди. 10 минг кишилиқ Вьетнам армияси партизан уруши усулларида фойдаланиб, францияликларнинг 90 минг кишилиқ экспедицион қўшинига қарши курашди. АҚШ томонидан қўллаб-қувватланган Франция экспедицион қўшинлари сонини 180 минггача етказди. Вьетнамнинг ҳам армияси таркибида 100 мингдан ортиқ жангчи бор эди.

1954 йилнинг январь-феврал ойларида Франция, Буюк Британия, АҚШ ва СССР давлатлари ташқи ишлар министрларининг Берлин Кенгашида 1954 йилнинг апрель ойида Ҳиндихитойда тинчлик ўрнатиш масаласида Женевада Махсус Кенгаш чақириш тўғрисида келишиб олинди. 1954 йил 21 июлда Женевада “Женева Шартномаси” номи билан Битим имзоланди. Унга кўра, 17- параллелдан чегара чизиги ўтказилиб, Шимолий ва Жанубий Вьетнамда мустақил суверен давлатлар ташкил этилди. Франция Ҳиндихитой ҳудудидан ўз Қуроли Кучларини олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олди. Бирок Жанубий Вьетнам Қуроли Кучлари устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолди. Бу урушда Франция ўлганлар, асир тушганлар ва ярадор бўлганлар билан жами 140 минг кишидан ажралди.

50- йиллар бошларида Франция Иттифоқига кирувчи Тунис ва Марокаш билан Франция ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб кетди. 1951 йилнинг октябр ойида Тунис ҳукумати тўла мустақиллик бериш талаби билан чиқди. Франция бунга қатагонлар тўлқини билан жавоб берди. Бу қатагонлар, асосан, Тунисдаги Нео-Дестур миллий партиясининг фаолларига қарши қаратилган эди. Тунис ҳукуматининг Бош Вазири Шеник қамоққа олинди, Тунис қасаба уюшмасининг бош қотиби Хашед ўлдирилди. Тунисда партизанлар уруши бошланди. Марокашдаги вазият ҳам ўта кескинлашди.

1952 йил декабр ойида “Истиклол” Миллий партияси ва Марокаш Коммунистик партиясининг фаолияти таъқиқлаб қўйилди. 1954 йилда Жазоирда Миллий Озодлик Фронтининг ташкил топиши миллий озодлик ҳаракатининг кучайишига олиб келди. 1955 йилда Франция Парламенти Жазоирда фавқулодда ҳолатни эълон қилишга мажбур бўлди.

Ҳукумат тепасига Ги Молленинг келиши вазиятнинг кескин ўзгаришига олиб келди. 1956 йил мартада Марокаш ва Туниснинг мустақиллиги тан олинганлиги тўғрисидаги Шартномалар тузилди. Жазоир муаммоси бундан ҳам мураккаб эди. Мамлакатда 1 млн дан ошиқ европаликлар истиқомат қилиб, улар бир неча ўн йиллар давомида Франция ва бошқа Европа давлатларидан келиб қолган ва маҳаллий аҳоли билан чагишиб кетган кишиларнинг авлодлари эди. Улар маҳаллий халқ билан этник, маданий ва лингвистик (тил) синтез (боғланиб, қўшилиб кетиш) оқибатида ташкил топган ўзига хос ижтимоий гуруҳлар эдилар. Еврожазоирликлар ўзларини бу мамлакатнинг асл хўжайинлари ҳисобларди. Франция жамоатчилиги назарида, Жазоир мустамлака эмас, балки Франциянинг бўлинмас ҳудуди ҳисобланар эди. XIX асрнинг охирига келиб Жазоир Франция Миллий ҳудудининг бир қисми эканлиги ҳақидаги статусга эга бўлди. Мусулмон аҳоли ичида миллий озодлик ҳаракатининг авж олиши туфайли фуқаролар ўртасидаги зиддиятлар кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатларга айланиш хавфини келтириб чиқарди.

Ҳаттоки деколонизациялаш (мустамлакачиликка барҳам бериш) жараёнига ҳуқуқий тус беришга интилаётган Ги Молле ҳукумати ҳам Жазоирда ҳарбий кучларни сақлаб туриш тўғрисида баёнот берди. Ги Молле бу низодан чиқиб кетиш йўли сайлов тизимида ислоҳот ўтказиш деб ҳисоблар эди. Бу ислоҳотга кўра, маҳаллий (туб) ва европаликларга оид аҳолининг сайлов ҳуқуқини тенглаштириш лозим эди. Аммо бу лойиҳа низолашаётган ҳар иккала томонни ҳам

кониқтирмас эди. Ги Молле ҳукуматига фавқулудда ваколатларнинг берилиши юзага келган инқирознинг кучайишига олиб келди. Жазоирга қўшимча равишда 100 мингдан ортиқ аскар ва захира қисмлар жўнатилди. Орадан уч ой ўтиб, 1956 йил июлида Франция Ҳукумати Сувайш каналини миллийлаштирган Миср Ҳукуматига қарши интервенцияда фаол қатнашди. Бу можарода француз дипломатиясининг мағлубиятга юз тутиши Жазоирдаги вазиятни янада кескинлаштирди.

1957 йил январида генерал Массю Жазоирдаги бошқарув ваколатини ўз қўлига олди. Бу юзага келган низони сиёсий йўл билан бартараф этиб бўлмаслигини билдирарди. Жазоирда қатағон қилиш сиёсати кучайтирилди. Янги ҳукумат бошлиғи Ф. Гайаранинг Жазоир муаммосини Америка дипломатияси ёрдамида бартараф этиш учун қилган уринишлари еврожазоирликлар орасида кучли норозиликларни келтириб чиқарди. Уларнинг раҳбарияти ичида генерал Де Голлнинг тарафдорлари муҳим ўрин тута бошлади. “Француз Жазоирини янгилаш ва сақлаб қолиш учун кураш иттифоқи”нинг ташкилотчиси Ж. Сустьел генерал Массю билан биргаликда Жазоирда ўта ўнгчилар фитнасининг ташаббускорлари бўлдилар. 1958 йил 13 майда Ж. Сустьел ва генерал Массю бошчилигидаги “Миллий кутқариш қўмитаси” Жазоирдаги бошқарувнинг тўлалигича улар қўлига ўтганлигини эълон қилди. Ўша куни Францияда Т. Пфлимлен бошчилигида коалицион ҳукумат тузилди. Янги ҳукумат билан генерал Де Голл ўртасида қисқа музокара бўлиб ўтди. Музокара Де Голл бошчилигида “Миллатни кутқариш ҳукумати”ни тузиш ва масалани Миллий Ассамблея муҳокамасига қўйиш билан тугади. Ниҳоят, 1958 йилнинг 1 июнида овоз бериш бўлиб ўтди ва кўпчилик овоз билан миллат қаҳрамони генерал Де Голл бошчилигида “Миллатни кутқариш ҳукумати” тузилди.

3- §. Голлизм ва Бешинчи республиканинг ташқил топиши

Голлизмнинг сиёсий қарашлари. Бешинчи республиканинг конституцион-ҳуқуқий тузуми

Яна миллатнинг кутқарувчиси сифатида сиёсат майдонига чиққан генерал Де Голл Жазоир муаммосини ечишдан ташқари, мамлакат-

да сиёсий қатъиятсизликни келтириб чиқараётган давлат тизимини тубдан ўзгартиришни кун тартибига қўйди. Узоқ вақт оппозицияда бўлиб, ҳокимиятга қайтган Де Голл ўзининг олдинги хатоларини қайтармасликка ҳаракат қилди. У оммавий, яхши ташкил этилган партияга таянар эди. 1958 йилда голлчиларнинг барча тарафдорлари “Янги республикани химоя қилиш иттифоқи” (французча *ЮНР*) га бирлашди. Голлизм ғоясининг мазмунини давлат қурилишидан тортиб, иқтисодиётни назорат қилишгача бўлган жабҳаларда олиб бориладиган сиёсат негизда “Франциянинг Миллий буюклиги” масаласи турарди. “Франциянинг буюклиги” тўғрисидаги голлчилар ғояси анъанавий миллатчилик ва миллий устунликни тарғиб қилувчи шовинистик қарашлардан анча йироқ эди. Франциянинг буюклиги Де Голл учун мавҳум мақсад эмас, балки бажарса бўладиган реал иқтимоий принцип эди. Де Голл: “Менинг фикримча, буюкликдан маҳрум этилган Франция Франция бўлишдан тўхтайти”, – деган эди. У “фақат кучли давлатгина миллий мустақиллик, бирлик, иқтимоий тартиб адолатпарварлик ғояларининг амалга ошишида кафолат бўла олади” ғоясини илгари суриб: “Кучли давлат бу диктатура эмас, балки синфлар ва шахсий манфаатлардан ҳам юқорида турувчи умуммиллий манфаатларни химоя қилувчи давлатдир”, – деган эди. Де Голл “Партиялар режими”га қарама-қарши равишда халқнинг суверенитетига асосланган ҳақиқий демократияни тиклашни таклиф қилди. Конституцияга оид бошқарув шакли, ёш ҳукумат раҳбари тўғрисидаги фикрлар референдум ўтказиш йўли билан ўз ечимини топиши лозим эди. Де Голлнинг таъкидлашича, бирлик, бирдамлик, ички тартиб-интизом ҳокимиятнинг ажралмас хусусиятларидан саналади.

1958 йил 1 июнда Миллий Мажлис Де Голлга ҳукумат бошлиғи лавозимини тақдим этди. Ҳукумат Конституцияни қайта кўриб чиқиш ваколатига ҳам эга бўлди. Парламентнинг тарқатиб юборилиши билан Тўртинчи республика тузумига ҳам барҳам берилди. Бешинчи республика Конституциясининг лойиҳаси ҳукумат ва Парламентнинг ҳар иккала палаталари вакилларида ташкил топган маслаҳат комиссияси иштирокида Мишел Дебре бошчилигидаги ишчи гуруҳи томонидан тайёрланди. 1958 йил 28 сентябрда Конституция лойиҳаси референдумга қўйилди ва у 79,2% овоз билан маъқулланди.

1958 йилдаги Конституция Францияда аралаш, яъни кўшма Президентлик-Парламентар бошқарувини жорий қилди. 7 йилга сай-

ланадиган Президент ташқи сиёсат, мудофаа ва миллий хавфсизлик соҳаларида катта ваколатларга эга бўлди. Президент ижроия ҳокимият устидан ўз назоратини Министрлар Кенгашида раислик қилиш ҳуқуқи асосида амалга оширди. Бундан ташқари, юқори лавозимли амалдорларни тайинлайди. Бу соҳада Президентнинг асосий имтиёзи Бош Вазирни тайинлаш ва истеъфога чиқариш ҳуқуқи туради. Аммо ҳукумат ташкил этилиши жараёнида Парламентнинг қўйи палатаси Миллий Мажлиснинг ишонч билдириши лозим бўлади.

Бешинчи республиканинг Президенти қонун чиқарувчилик жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга эди. Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар Президент томонидан кўриб чиқилиши ва маъқулланиши лозим эди. Бундан ташқари, Президент кечиктириш, вето ҳуқуқига, шунингдек, муҳим қонун лойиҳаларини референдумга қўйиш ҳуқуқига эга эди. Президент Парламентнинг қўйи палатасини хоҳлаган вақтда тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга эди. Президент ҳукуматнинг фаолиятини назорат этадиган Давлат Кенгаши ва сайлов жараёни, қонунчиликни назорат этадиган Конституцион Кенгаш каби икки муҳим давлат ташкилотларининг таркибини тасдиқлайди. Президент фақатгина давлатга хиёнат қилган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эди. Француз Парламентининг қонун чиқарувчилик ваколати 1958 йилги Конституцияга кўра анча чегараланди. Шундай қилиб, 1958 йилги Конституция Учинчи ва Тўртинчи республикалар давридаги Парламент устуңлиги ўрнига ҳокимиятни тақсимлашнинг марказлашган тизимини ташкил этди.

Ижтимоий мазмуни жиҳатидан 1958 йилги конституция ўздан олдинги Асосий Қонуннинг социал мазмунини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Унинг таркибига “Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари Декларацияси” ва 1946 йилги Конституциянинг преамбуласи (муқаддима қисми) ҳеч бир ўзгаришсиз киритилди. Шунинг билан бирга, Янги Конституция фуқароларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан кенг доирадаги ҳуқуқларини кафолатлади. Франция аввалгидек бўлинмас, дунёвий, демократик ва социал республика сифатида белгиланди. “Франция Иттифоқи” ўрнига эса, суверен давлатларни бирлаштирган “Франция Ҳамдўстлиги” таъсис этилди.

1958 йилги Конституция қабул қилингандан сўнг, ҳукумат сайлов Кодексига кўшимча иловани ишлаб чиқди. Унга кўра, Миллий Мажлиснинг 577 нафар депутати бир мандатли округларда икки турда сайланишлари белгилаб қўйилди. Бу тизим йирик партиялар-

га фойда келтирар эди. Янги тизим бўйича Парламентга биринчи сайловлар 1958 йилнинг 23–30 ноябр кунлари бўлиб ўтди. Бу сайловлар Парламентнинг куйи палатасида кучлар нисбатини кескин даражада ўзгартириб юборди. 188 мандатга эга бўлган ЮНР Парламентда кўлчилик овозга эга бўлди. 4 млн га яқин сайловчилар томонидан кўллаб-қувватланган ФКП иккинчи турда Парламентга бор-йўғи 10 нафар депутатни ўтказишга муваффақ бўлди. ФСП ва радикаллар 40 та ўрин, ХРХ эса 44 та ўрин эгаллади. “Мустакиллар” ва деҳқонлар Миллий маркази (СНИП)нинг ғалабаси кутилмаган ҳолат эди. “Мустакиллар” 133 та депутатдан иборат фракцияни ташкил этдилар. Шундай қилиб, Парламентда Де Голл тарафдорлари қатъий кўпчиликка эришди. 1958 йил декабрида Де Голл Президент этиб сайланди. У Мишель Дебрега янги ҳукумат тузиш вазифасини топширди. Бу ҳукумат таркибига, даставвал, голлчилардан ташқари, ХРХ ва “мустакиллар”дан вакиллар ҳамда социалист ва радикаллардан 1 нафардан вакил киритилди. Де Голл ўз фаолиятини коалициядаги шериклари билан келишган ҳолда олиб боришни умуман хоҳламас эди. Бундан ташқари, Президентнинг соясида қолиб кетишдан чўчиган кўпгина партияларнинг етакчилари ҳукумат ва Президентнинг фаолиятида масофа саклашга ҳаракат қилди. 1959 йилда социалистлар ва радикаллар ҳам тамоман оппозиция тарафига ўтиб кетди. Бундан ташқари, таркибидан 958 йилдаёқ мухтор социалистик партияни ташкил этган “сўл радикаллар” гуруҳи ажралиб чиққан эди. 1960 йилда бу партия Сўл социалистик иттифок билан қўшилиб, Бирлашган социалистик партияни ташкил этган эди. 1960 йилда молиявий ислохотларнинг йўллари тўғрисидаги тортишувлар СНИП раҳбарияти ичида ихтилоф келиб чиқишига сабаб бўлди. “Ўнг либерал” гуруҳларнинг вакили ҳисобланган А. Пине Де Голлнинг талаби билан молия ва иқтисодиёт вазири лавозимидан четлатилди. Натижада унинг ўрнини “мустакиллар” қанотининг ёш етакчиларидан ҳисобланган Волери Жискар д’Эстен эгаллади. Голлчилар билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги баҳс туйфайли 1962 йилда СНИПда ажралиш юз берди ва унинг таркибидан Жискар д’Эстен бошчилигидаги гуруҳ мустақил бўлиб чиқди. Улар “Мустақил республикачилар” номли депутатлар гуруҳини ташкил этиб, коалицион ҳукумат таркибида қолишди. Де Голлнинг ЕИХга нисбаган тугган қатъий сийсатидан норози бўлган ХРХ вакиллари 1962 йилда ҳукумат таркибидан чиқиб кетишди.

60- йилларнинг бошлари голлчилар ҳаракатининг ривожланиши учун муҳим босқичлардан бири бўлди. 1961–1962 йилларда Жазоир муаммоси бўйича ўтказилган референдумлар туфайли Жазоирга мустақиллик берилди. Бу эса ЮНРдан Ж. Сустель бошчилигидаги радикал қанот ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Улар Де Голлни миллатга хоинликда айблашди ва реал сиёсий куч бўлолмагани туфайли, охир-оқибатда террористик методлардан фойдалана бошладилар. Президентга нисбатан бир неча марта суиқасд уюштиришга ҳаракат қилинди. 1962 йил апрелида Жорж Помпиду Премьер-министрлик лавозимини эгаллади. Ҳукуматнинг янги бошлиғи обрўли голлчилар гуруҳи таркибида бўлмаса-да, шахсан Де Голлга энг яқин сиёсатчилардан бири эди. 1959 йилда Ж. Сустель бошчилигида Демократик Меҳнат Иттифоқи (ЮДТ) партияси тузилган эди. Жазоир муаммосининг ҳал этилиши ва ҳукумат сиёсатида ижтимоий фаолликнинг ошиши икки голлистик партияларнинг яқинлашиши учун асос бўлди. 1962 йилда улар ЮНР – ЮДТ ягона блокни ташкил этдилар. 1962 йил ноябрида бўлиб ўтган сайловлар натижасида Миллий Мажлисда иккита кутб юзага келди. ФКП ва ФСП фракциялари 41 ва 67 нафар депутатга эга бўлди. ЮНР – ЮДТ ва Жискард д' Эстен бошчилигидаги “Мустақил республикачилар” гуруҳи, ўз навбатида, 229 ва 32 та ўринга эга бўлди. Янги ҳукуматга яна Ж. Помпиду келди.

1965 йилнинг 5 ва 19 декабрларида икки турдан иборат бўлиб ўтган Президент сайловларида Де Голл қийинчилик билан ғалабага эришди. Де Голл биринчи турда – 44%, Миттеран – 32%, Леканюэ – 16%. Тиксье-Виньянкур 5% овоз олди. Иккинчи турда Де Голл 44,7% овоз олиб, 37,4% овоз олган Ф. Миттеранни ортда қолдирди.

Де Голл Президентлик қилган даврда Франциянинг ижтимоий тараққиёти

1960 йил баҳорида ҳукумат молиявий жиҳатдан барқарорлаштириш тадбирларига асосланган “вақтинчалик режа”ни қабул қилди. IV ва V (1962–1965 ва 1966–1970 йиллар) режаларда эътибор фантехника тараққиётига асосланган саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг бир ерга (бир қўлда) тўпланиш жараёнини рағбатлантиришга ва ташқи савдо ҳажмининг ўсишига қаратилди. Пул муомаласини тартибга солиш учун 1960 йилда пулларни янги франк купюра билан алмаштириш ислоҳоти ўтказилди.

Унга кўра, янги франк экисига нисбатан 1:100 нисбатда алмаштирилди. Мана шу тадбирлар киска вақт ичида “қатъий” миллий ваколатнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

1965 йилга келиб Франциянинг АҚШдан олган ташқи қарзини тўлаши ҳам молиявий барқарорликнинг юзага келишига ёрдам берди. Шу вақтдан бошлаб Франция йирик капиталнинг экспортчиларидан бирига айланди ва ташқи савдодаги ижобий сальдо балансини сақлаб қолди. 60- йилларда ташқи савдонинг умумий ҳажми урушгача бўлган даврдигидан тўрт марта ошиқ бўлди. Франциянинг ташқи савдоси иккита асосий омил туфайли ривожланаётган эди. Бир тарафдан, Де Голл ҳукумати мустақилликка эришган собиқ мустамлакалар билан савдо алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган эди. Қоидага кўра, мастамлакаларга суверенитет бериш метрополия билан мустамлакалар ўртасида иқтисодий, ҳарбий ва техникавий соҳаларда шартномалар тузиш билан амалга оширилар эди. Бундай ёндашув Франциянинг учинчи дунёда иқтисодий мавқеининг ошишига ҳам сабаб бўлди.

Франциянинг ЕИдаги шериклари билан савдо алоқаларини ривожлантиришга эришиши катта муваффақиятларга олиб келди. 60-йиллар охирида Франциянинг Умумий бозор доирасидаги ташқи савдо айланмаси Франция Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан олиб бораётган савдосидан 3 баравар ошиб кетди (1958 йилда бу рақамлар тахминан баробар эди). Бюджет-молиявий тизимнинг барқарорлиги ва фермерларни қўллаб-қувватлашга тўғридан-тўғри берилаётган харажатларнинг қисқартирилиши ҳукуматга саноатнинг юқори технологияга асосланган соҳаларини ривожлантиришга имкон берди. Айниқса, саноатнинг авиасозлик, кимё ва автомобилсозлик соҳалари тез тараккий этди. Пластмасс-ҳисоблаш қурилмаларини ишлаб чиқариш анча кўпайди. Ҳарбий саноат коплексида атом, ракета ва аэрокосмик каби янги соҳалар юзага келди. Франция дунёнинг учинчи ядровий мамлакатига айланди. Шу мақсадларда мамлакатнинг турли ҳудудларида янги соҳага оид корхоналар қурилди. Масалан, Тулуза атрофида аэрокосмик комплекс, Гренобль яқинида ядровий, Бретанда электрон техника саноат тармоқлари ва Марсель райони ва бошқа ғарбий қирғоқ бўйларида кemasозлик саноати комплекслари кенгайтирилди ва мустаҳкамланди.

Ҳн йил давомида, яъни 1958 йилгача Франциядаги саноат ишлаб чиқариш ҳажми 60% дан ошди. Саноат маҳсулоти ҳажмининг ўсиш суръатлари йилига 55% ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалик

давлатларининг етакчилик гуруҳини ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Париж АҚШдан НАТОнинг ядровий кучларига ягона назорат ўрнатиш фикридан воз кечишни талаб қилди. 60- йиллар бошларида Берлин ва Кариб инкирозлари туфайли халқаро вазиятнинг кескинлашиши, сиёсий ташаббусларнинг муваффақиятсизликка учраши Де Голлни мустақил равишда Франциянинг миллий хавфсизлигини кучайтиришга мажбур қилди. 1962 йилда ядро қуроллари тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилган музокараларда Буюк Британия французларнинг миллий ядровий кучларни ҳамкорликда тузиш тўғрисидаги лойиҳасини рад этди ва, аксинча, АҚШнинг НАТО таркибида кўп томонлама ядровий кучларни тузиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

1963 йилда Франция “атлантик бирдамлик” йўналишидан батамом воз кечди ва мустақил “ядровий кучни” тузишга киришди. Атом сувости кемалари ва 3 минг км гача радиусдаги “Ер-ер” типидagi ядровий ракеталарни олиб учадиган “Мираж-IV-2” самолётларини ишлаб чиқариш ишлари бошланиб кетди. 1964 йил июлда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Де Голл Франциянинг ядровий мамлакатга айланганлиги ҳақида тантанали баёнот берди. Кейинги йилда Франция АҚШ назорати остида бўлган ҳарбий-сиёсий тизимлардан аста-секин чиқиб кета бошлади. 1965 йилда Франция СЕАТО Кенгаши йиғилишларида қатнашишни тўхтатди. Бу эса, ўз навбатида, Франциянинг СЕАТОдан чиққанлигини англатар эди. 1966 йил мартда француз Хукумати НАТОнинг ҳарбий ташкилотидан чиқиб тўғрисида Баёнот берди. НАТО раҳбариятига қисқа вақт ичида Франция ҳудудларида жойлаштирилган 40 минглик АҚШ ва Канада ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш талаби қўйилди. 1967 йилда Франция Куролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи генерал Ш. Айере томонидан мамлакатнинг янги ҳарбий доктринаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, ядровий кучлар миллий хавфсизликнинг таянчи ҳисобланди. Бу қуролни уруш бошлаш учун эмас, балки уни тўхтатиш учун ишлатиш кўзда тутилди. Бу доктрина “барча азимутлар бўйича мудофаа” деган номни олди.

Де Голл ЕИХнинг миллатларни бошқарувчи ташкилотга айланишига қарши чиқди ва “Европа – ягона Ватан” шиорини илгари суриб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузишни ёқлади. “Европа” тушунчасига Атлантикадан Уралгача бўлган ҳудудни киритишни таклиф этди. “Европа – ягона Ватан” концепциясини тараққий эттириш давомида француз дипломатияси 1960 йилда “Фуше режаси”

лойихасини илгари сурди. Унга кўра, Европадаги “олтилик” давлатлар НАТОга бўйсунмаган ҳолда, Европанинг хавфсизлик тизимини ишлаб чиқиши, ташқи сиёсатни координация қилиши, иқтисодий жиҳатдан ривожланиш стратегиясини биргаликда ишлаб чиқиш орқали интеграцион жараёнларни чуқурлаштириши кўзда тутилган эди. “Фуше режаси”га кўра, келгусида Европа давлатларининг Иттифоқини тузиш истиқболи бор эди. Бу иттифокнинг аъзолари ўз мустақилликларини сақлагани ҳолда, жаҳон сахнасида ягона куч сифатида намоён бўлишлари лозим эди. Аммо Франциянинг ЕҲдаги шериклари НАТОга путур етказиши мумкин бўлган бу лойиҳани рад этдилар. “Фуше режаси” барбод бўлгач, Де Голл Европадаги ЕҲ тизимининг давлатлар устидан назоратининг кучайишига қарши курашди. 1965 йилда Де Голл Европа комиссиясининг раиси В. Хольштейннинг ЕҲнинг ваколатларини ошириши ҳақидаги режасини қаттиқ қоралаб чиқди.

Европа Ҳамдўстлигидаги шериклари ичида Де Голл ГФР канцлери К. Аденауэрнинг тугган позициясини юқори баҳолар эди. Франция дипломатияси томонидан “Париж–Бонн” ўқиға дунё сиёсатида, айниқса, Европада энг асосий куч сифатида қаралар эди. 1963 йилда француз-олмонлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши иккала давлатнинг яқинлашиши натижаси бўлди. Аммо ГФРда канцлер лавозимига Л. Эрхарднинг келиши ва ташқи сиёсатда атлантик йўналишнинг кучайиши оқибатида ҳар иккала давлат ўртасидаги алоқалар заифлашиб кетди.

Де Голлнинг ҳокимият тепасига келган вақти мураккаблигига қарамадан, унинг ташқи сиёсатида мустамлака масаласи биринчи ўринда турмас эди. Президентнинг кўпгина сафдошлари унга Жазоир муаммосига барҳам бера оладиган, империянинг парчаланиб кетишини тўхтатиб қоладиган қаттиққўл киши сифатида қарарди. Бироқ Де Голлнинг энди анъанавий колониализм даври барҳам топганига ишончи комил эди. У учинчи дунё мамлакатлари билан бўладиган ўзаро алоқаларнинг иккала томон учун ҳам фойдали иқтисодий алоқалар бўлишини Франциянинг ҳар қандай давлатнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига бефарқ қарамайдиган ва, керак бўлса, ёрдам берадиган давлат сифатида танилишини истар эди.

1958 йилги конституцияга кўра, Франция Иттифоқи “Ҳамдўстлик” деб ўзгартирилди. Ҳамдўстлик суверен давлатлар ихтиёрий бирлашувидан ташкил топиб, ҳар бир аъзо давлат тўла мустақиллик олиши ва ташкилотдан эркин чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Ҳамдўстлик таркибига кирмоқчи бўлган давлатлар умумхалқ референдумлари асосида қабул қилинадиган бўлди. Фақатгина Гвинея унга аъзо бўлишдан воз кечди ва 1958 йил 1 октябрда мустақил давлат бўлиб чиқди. Тез орада ташкилотга аъзо давлатлар Ҳамдўстлик сафидан бирин-кетин чиқиб кета бошлади. 1960 йил январида Камерун, сал кейинроқ Того, Франция Экватори ва Ғарбий Африкаси таркибига кирувчи бошқа давлатлар ҳам мустақилликка эришди. “Африка йили” сифатида тарихга кирган 1960 йилда Франциянинг Африкадаги мустамлакаларидан 14 таси мустақил бўлди. Аммо голландиялик ҳукуматининг тadbиркор ва пухта сиёсати туфайли, Франция бу ҳудудларда ўзининг иктисодий ва сиёсий нуфузини нафақат сақлаб қолди, балки янада мустақамлашга эришди. Конституциядаги “Ҳамдўстлик” тўғрисида”ги Низом (конун) 1995 йилга келиб тамомила бекор қилинди.

Франциянинг учинчи дунё мамлакатлари билан муносабатларининг яхшиланишида Жазоирдаги низонинг барҳам топиши муҳим аҳамият касб этди. Гоҳ Жазоир миллатчилари, гоҳ “Ультра” томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай экстремистик ҳаракатларни тугатиш учун каттикқўллик билан курашаётган Де Голл бу масалани ҳуқуқий йўл билан ечишга тайёргарлик кўра бошлади. 1959 йилнинг октябридаёқ Президент Жазоир муаммосини, жазоирликларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаши тўғрисида баёнот берди. Бунга қарши “Ультра” янги экстремистик ва зулмкорлик ҳаракатлари билан жавоб берди. 1960 йил январ ойида Жазоир пойтахтида “баррикадалар ҳафтаси” номини олган фитнага уриниб бўлиб ўтди. 1961 йил 8 январда Франция Ҳукумати “Жазоир ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисида”ги масалани референдумга қўйди. Бу лойиҳани қўллаб-қувватлаб 75% сайловчи овоз берди. Бу воқеалар туфайли “Ультра” давлат тўнтаришини амалга оширишга уриниб кўрди. Улар 22 апрелда Жазоирга дислокация (жойлаштирилган) қилинган ҳарбий кўшинлар ёрдамида Жазоир пойтахтини эгаллаб олишди ва Франция Президентининг ағдарилганини эълон қилишди. Фитнага Салан, Жуо, Шаль ва Зиллер каби генераллар бошчилик қилди. Ҳатто метрополияга Жазоирдаги ҳарбий қисмлардан десант ташлаш хавфи ҳам пайдо бўлди. Ҳукуматга содиқ бўлган ҳарбий кучларнинг Жазоирга ташланиши билан фитнага барҳам берилди.

Деярли бир йил мобайнида олиб борилган музокаралардан сўнг, 1962 йил 18 мартда Франция Ҳукумати ва Жазоир Миллий Озодлик ҳаракати ўртасида “Эвнан” Битими имзоланди. Унга кўра, ўт

очиш тўхтатилди, Жазоир ўз тақдирини ўзи белгилайдиган бўлди ва келажакда Франция–Жазоир ўртасидаги муносабатларнинг қонун-қоидалари ишлаб чиқилди. 1962 йил 1 июлда Жазоирда ўтказилган референдумдан сўнг француз ҳукумати бу мамлакатнинг мустақиллигини расман тан олди. Жазоирдаги инкирознинг барҳам топиши Франциянинг араб мамлакатлари билан алоқаларининг кенгайтишига туртки бўлди. 60- йилларнинг иккинчи ярмида Франциянинг учинчи дунё сиёсатида бу йўналиш устивор бўлиб қолди.

1968 йилги “Қизил май” ва Де Голлнинг кетиши

1968 йил баҳоридан талабалар ҳаракати кўтарилди. Улар давлат-монополистик капитализм ҳукмронлигига қарши маориф, олий таълим тизиминини реформа қилиб, демократлаштиришни, жумладан, олий ўқув юртини бошқаришда талабаларнинг ҳам қатнашишларини талаб қилдилар. Парижда талабалар машғулотларни тўхтатиб, ўқув муассасаларини эгалладилар. Полиция билан тўқнашувлар юз берди ва анчагина талабалар қамокқа олинди. Бу кенг халқ оммасини норози қилди. 1968 йил 13 майда коммунистлар ташаббуси билан ишчиларнинг иш ташлашлари бошланди. Қисқа вақт ичида жуда кенг миқёсдаги умумий иш ташлашга 9 миллион киши қатнашди. Дехқонлар ҳаракати ҳам бошланиб кетди. 24 майда дехқонлар ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик сиёсатига қарши миллий кураш кунини ўтказдилар. Бу ҳаракат олдида коммунистлар бордилар. Улар демократик бирлик, халқ ҳукуматининг тузилишини талаб қилдилар. Де Голл ҳукумати 1968 йил 30 майда Франция фуқаролар уруши арафасида турибди деб, вазиятни фавқулодда вазият деб атади ва Миллий Мажлисни тарқатиб, янги сайловлар ўтказадиган бўлди. Шу билан, барча ишчилар синфининг баъзи талабларини қондиришга мажбур бўлди. Иш ҳақи ўрта ҳисобда 14%, пенсия 15–20% га оширилди. Касаба уюшмалар ҳуқуқини кафолатлайдиган қонун чиқаришни ваъда қилди. Талабаларнинг ҳам талаблари қисман қондирилди.

1968 йил май-июн воқеалари урушдан сўнгги энг йирик воқеалар бўлиб, V республикани ларзага солди. Де Голл 1969 йил баҳорида халқ хўжалигини корпоратив руҳда ислоҳ қилиш режасини олдинга сурди. Шу мақсадда ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларини қайта қуриш, Сенатнинг ҳуқуқларини чеклаш тўғрисида қонун лойиҳасини тавсия қилди. Бу режа бўйича референдум ўтказажagini, агар маъқулланмаса, Президент лавозимидан истеъфога чиқажagini

билдирди. Хукумат сўл ва ўнг оппозиция гирдобиди қолди. Кўпгина ўнг кучлар ўз таъсирининг пасайиб қолишидан ташвишга тушган эдилар. 1969 йил 27 апрель референдумида овоз берганларнинг 52% и Де Голл қонун лойиҳаларига қарши овоз берди. Генерал Де Голл дарҳол истеъфога чиқди ва бир ярим йилдан кейин вафот этди. 1969 йил июл ойининг ўзида янги Президент сайловлари бўлиб ўтди. ЮНР галаба қилди (бу партия 1971 йилда “Республикани ҳимоя қилиш демократлар иттифоқи” – ЮДР партияси номини олди). Бу партиянинг номзоди, собиқ Бош Вазир Ж. Помпидо Президент қилиб сайланди. 1969 йил августиди хукумат “Иқтисодийётни соғломлаштириш режаси”ни қабул қилди. Бунда экспортни кўпайтириш, француз ускуналарини сотиб олувчи хорижий харидорларга кредит бериш кўзда тутилди.

Мамлакат иқтисоди соғломлашмади. Саноатнинг ўсиши секинлашди: 1970 йилда 7% га (1969 йилда 12%), 1971 йилда 6% га ўсди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1970 йилда 2,7% га, 1971 йилда 2–2,5% га ўсди. Ушбу секинлашишнинг сабаби истеъмол тушқунлиги ҳамда капиталистик дунёдаги валюта-молия инқирознинг кескинлашуви эди. Чет элга чиқарилган капитал ўрнини тўлдириш учун четдан капитал келтириш айрим саноат тармоқларини чет эл капиталига қарам қилиб қўйди. Шу боисдан хукумат четдан спекулятив капиталнинг кўп кириб келишига йўл қўймаслик ва ўз молия позициясини сақлаш учун саноат тармоқларига ўз капиталини сарфлаш, мамлакат рақобат кучини орттириш ва экспортни кўпайтиришга уринди. Ишлаб чиқариш, капитал концентрацияси ва марказлашуви жараёни давом этди. Молиявий экспорт Франция фойдасига оша бошлади ва бошқа капиталистик ривожланаётган мамлакатларда унинг роли бирмунча ошди. Ташқи савдода дефицит қисқарди ва ахвол бу ерда ҳам бирмунча яхшиланди.

Франция ташқи сиёсатда Европа ва халқаро муаммоларни ҳал қилишда, халқаро кескинликни юмшатиш масалаларида ўзининг мустақил сиёсатини юргизди. Франция НАТОнинг аъзоси бўлиб қолган ҳолда, унинг ҳарбий органларида қатнашмади. Аммо НАТОнинг аъзоси бўлган давлатлар билан ўзаро ҳарбий алоқада бўлди. Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Умумевропа Кенгашини тезда тайёрлаш ва чақириш фикрига қўшилди. АҚШ ва бошқа Ғарбий давлатларнинг шундай Кенгашга тахминий шартлар қўйишларини маъқулламади. Ғарбий Берлин масаласида тўрт то-

монламали битим тарафдори бўлди. СССРнинг беш буюк давлатнинг ядро қуролсизланиши таклифини қўллаб-қувватлади.

Ҳиндихитойдаги уруш, Яқин Шарқдаги низо, НАТО, Европа муаммолари, валюта-молия масалалари бўйича Франция билан АҚШ ўртасида жиддий қарама-қаршилик давом этди.

Франция ва ГФР муносабатлари 1963 йилги Шартнома доирасида давом этди. ГФРнинг СССР ва Польша билан имзолаган Шартномаларини маъқуллади. Помпиду ГФР ва СССР Шартномасини Европа хавфсизлигини таъминлашга қўшилган қатга ҳисса деди.

Франция ва Англия муносабатларида бирмунча ўзгаришлар юз берди. Франция Ҳукумати Англиянинг “Умумий бозор”га қабул қилинишини муҳокама қилишга рози бўлди. Икки ўртада сиёсий ва бошқа алоқалар жонланди.

Франция Яқин Шарқ масаласини Хавфсизлик советининг 1967 йил 22 ноябр қарори асосида тинч йўл билан, Фаластин масаласини одил ҳал этиш тарафдори бўлди. Франция Исроилга қурол чиқармади. Исроил буюртма қилган 50 та ҳарбий самолётни юбормади. Яқин Шарқ масаласида АҚШнинг бир томонлама ҳаракатига салбий қаради. Араб мамлакатлари билан сиёсий алоқалар, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ривожланди. Жазоир Ҳукумати Саҳрои Кабирдаги Франция нефть компаниялари фойдасидан Жазоирга ажрагиладиган улушни кўпайтириши, кейин бу компаниялар фаолияти устидан назорат ўрнатиши Франция ва Жазоир муносабатларини ёмонлаштирди. Франция Ҳиндихитойда ҳарбий интервенцияни тўхтатишни, масалани музокаралар йўли билан ҳал қилишни, халқларга ўз тақдирларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини беришни талаб қилди. АҚШнинг Камбоджа ва Лаосга қилган агрессиясига, ВДРнинг хаводан бомбардимон қилинишига норозилик билдирди. Покистон ва Ҳиндистон можаросида Покистон сиёсатини айблади, Покистонга қурол юборишни тўхтади. Бангладеш халқининг адолатли талабларини қўллаб-қувватлади. 1970 йил июлда ҳукумат делегацияси биринчи марта ХХРда бўлди. Ўзаро расмий ташрифлар йўлга қўйилди.

Франциянинг Африка мамлакатлари билан фаол алоқалари давом этди. Франция Миср ва Ироқ билан муносабатларини яхшилади. Замонавий “Мираж” типидagi 100 та қирувчи самолёт Ливияга сотилди.

Франциянинг Европа социалистик давлатлари, шу жумладан, СССР билан алоқалари янада ривожланди. Ж. Помпидунинг 1970

Йил октябрида СССРга қилган ташрифи, Л. И. Брежневнинг 1971 йил октябрида Францияга қилган ташрифи жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу визитларда сиёсий, иқтисодий, илмий-техника ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида Совет-Франция Протоколи ва Декларацияси (1970 йил) ҳамда “СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари тўғрисида”ги хужжат ва иқтисодий, техникавий ва саноат ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида 10 йилга мўлжалланган Битим (1971 й.) имзоланди. 1971 йил июлида Москвада иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлик бўйича совет-француз комиссиясининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Де Голлсиз голлизм

Янги Президент ўз ўтмишдоши тутган сиёсий йўлни сақлади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши изчил характерда бўлмай, илмий-техника инқилоби ютуқларини жорий этишда давом этар, аммо пулнинг қадрсизланиши ва ишсизлик кучаймоқда эди. Ташқи сиёсат илгаригидек мустақил характер касб этган бўлиб, америкача зўравонликка қарши қаратилган эди. Француз-совет муносабатлари муваффақиятли ривожланди, совет раҳбарлари билан олий даражадаги учрашувлар мунтазам давом этиб, анъанага айлана борди.

Голлчилар амалга оширган қайта ташкил этиш натижаларидан бири сиёсий партияларнинг қисқартирилган ва “давлатвозлик йўтали”нинг тугатилганлиги бўлди. Ҳокимият учун кураш оммавий голлчилар партияси – Республикани ҳимоя қилиш демократлар иттифоқи (ЮДР) бошчилигида ўнлар ва коммунист ҳамда социалистлардан иборат сўллар ўртасида борарди. Сўллар биргаликдаги ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга муваффақ бўлишди; унга кўра, агар сайловда ғолиб чиқилса, Парламентни Халқ бирлиги ҳукумати бошқариши керак эди. 1971 йили Франция Социалистик Партияси (ФСП) раҳбарлигига сайлов бўлиб ўтди; кўпчиликни ҳайратда қолдирган ҳолда Ф. Миттеран ғалаба қилди. Бошқа сўл ташкилот ва касаба уюшмаларининг қўллаб-қувватлаши натижасида 1972 йилнинг июнида дастур имзоланди. Парламентга ўтказилган биринчи сайловдаёқ (1973 й.) унга тарафдор бўлиб 10 миллион киши овоз берди. Бирок сайлов қонуни ўнларнинг Миллий Йиғилишда кўпчилик ўринларни эгаллашини таъминлади. 1969–1973 йилларда Ялпи ички маҳсулот йилига 5,7% ни, меҳнат унумдорлиги 5,2% ни, асосий капитал кўпайиши 4,9% ни ташкил этди.

1974 йилнинг баҳорида Ж. Помпиду вафот этди. Президент сайловларида ўнлар номзоди.— В. Жискар д' Эстен ва сўллар номзоди — социалистик партия биринчи котиби Ф. Миттеран ўртасида кураш бошланди. Унча кўп бўлмаган овозлар сони устунлиги билан Валери Жискар д' Эстен галаба килди, у Бош Вазир лавозимига республикани қўллаб-қувватлаш бирлашмаси (ЮДР) раҳбари Жак Ширакни тайинлади. Уларнинг қарашларида тўла яқдиллик йўқ эди. Президент голлизмдан узоклашди, Ширак эса садокатли голлчи сифатида олдинги йўлдан қайтишга тўсқинлик килди.

1974 йилда Францияни, бошқа ривожланган мамлакатлар қатори, иқтисодий бўҳрон қамраб олди: ишлаб чиқариш қисқарди, ишсизлар сони кўпайди, пул қадрсизланиши ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ҳамма жойда ёйилди. Ишчилар ҳаракати кучайди, халқда янгилианишларга интилиш иштиёқи ошди. Ўнларнинг бошқарувни уйдлаши чўзилди, уларнинг етакчилари Де Голлдек катта обрў-этиборга эга эмаслиги билиниб қолди.

4- §. 1974–2010 йилларда Франция

1974–1981 йилларда Франция. В. Жискар д' Эстен

Ж. Помпидунинг вафоти Республикани ҳимоя қилиш демократлар иттифоқи (ЮДР) партиясида ички курашни яна кучайтириб юборди. “Баронлар” гуруҳи Президентликка Ж. Шабан Дельмас номзодини қўйдилар. “Ёш бўрилар” гуруҳи ҳам партия раҳбарлиги учун курашга тайёр эмас эди, бироқ мурасага келишни ҳам хоҳламас эди. Жак Ширак, Пьер Жюйе ва Мари Гаролар бошчилик қилган “43 лар гуруҳи”нинг республикачи Жискар д' Эстен номзодини қўллаб-қувватлаши ички партиявий курашни юкори чўққисига олиб чиқди. Шабан Дельмасга солиқларни тўламаганлик, ахлоқий бузуқлик, яъни иккинчи хотини борлиги каби айблар қўйилиб, шов-шув кўтарилди. ЮДРда сиёсий парчаланиш ҳолати юзага келди. Партиянинг “сўл каноти”да марказга (центристик) интилувчи ғоялар устун келди. Сўллар 1969 йилги сайлов сабоқларини инобатга олиб, ўзларининг ягона номзоди сифатида Ф. Миттеранни танладилар. Уларнинг сайловолди кураши “Сўл кучларнинг қўшма дастури” асосида қурилди.

Партиядаги сиёсий қайта қуришлар центристлар нинг ҳам фа-

оллашганини кўрсатди. Центристлар янги авлодининг йўлбошчиси Валери Жискар д' Эстен бўлди. У 1966 йилдаёқ ўзининг депутатлик гуруҳини Мустақил республикачилар Миллий Федерацияси (НФНР) деб номлаганди.

Валери Жискар д' Эстен 1974 йилги сайлов компаниясида барча центрист кучларни бирлаштиришга муваффақ бўлди. НФНР лидери “демократия ва тараққиёт маркази” сифатида қўллаб-қувватланди.

Президентликка сайловнинг биринчи турида Миттеран – 43,3%, Жискар д' Эстен–32,9% ва Шабан Дельмас 16,6% овоз тўплади. 1974 йилги сайлов Франция иктисодиёти чуқур инқироз чизигига кириб бораётган вақтда ўтди. “Нефть қарахти”нинг таъсири, ишлаб чиқариш унумдорлигининг пасайиши, нарх-навоининг йилига 10% дан ошиб бориши, 1974–76- йилларда ишсизлар сонининг 2,5 баравар олиши ва франкнинг қадрсизланиши ҳолатлари кузатилди. Ҳукумат нефть компанияларига ёрдам маблағи ажратишга, хусусан, нефтни сотиб олиш учун катта маблағлар сарфлашга мажбур бўлди. Бу эса ташқи савдо тақчиллигининг ошишига ва франк курсининг тушишига олиб келди. Узоқ муддатли “арзон кредит” сиёсати ва давлат протекционализм (миллий иктисодиётни чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган) сиёсатининг натижалари ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Кейинги 20 йил давомида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нархи 5 баробар, инвестиция 12 баробар, компанияларнинг кредит қарздорлиги 15 баробар ва жисмоний шахсларнинг қарздорлиги 55 баробарга ошди.

1976–1980 йилларга мўлжалланган VII режага биноан, жаҳон бозорида рақобатбардош бўладиган соҳаларни, хусусан, йирик бизнес, автомобилсозлик, кимё, электротехника соҳаларини ривожлантириш кўзда тутилди. Асосий эътибор халқаро лойиҳаларга (авиасозликда “Аэробус” ва “Конкорд”га, космик тараққиётларда “Ариан”га) қаратилди. Ҳарбий саноат тармоғи ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланиб, маҳсулотнинг 40% и экспортга чиқарила бошланди.

Жискар д' Эстен Президентлиги даврида, иктисодий инқироз бўлишга қарамай, Францияда юқори турмуш кечириш сақланиб, ривожланган мамлакатлар бешлигидан мустаҳкам жой олди. Капитал сарфлаш самарадорлиги ёшиб, унинг асосий соҳаси сармоя қўйиш 48,3% га ошди. Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши ўртача 1,9% га, саноатда ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлиги йилига 4% га ўсди. Бу пайтда ташқи савдо 5 бараварга ўсди. Агар 1970 йилда миллий

махсулотнинг 12,7% и экспорт килинган бўлса, 1980 йилга келиб бу кўрсаткич 18% га етди.

Ташқи сиёсатда Жискард д' Эстен эътиборини "Ягона Европа"ни ривожлантириш масаласига қаратди. НАТО билан яқин ҳамкорликда ташқи сиёсат олиб боришини маълум қилди. Ўз навбатида, бу Франция—Америка муносабатларининг яхшиланишига йўл очди. Ғарбнинг етакчи давлатлари билан ўзаро муносабатлари мустаҳкамланди. Жискард д' Эстен ташаббуси билан "қучли еттилик" давлатлари раҳбарларининг йиллик учрашувлари йўлга қўйилди. "Еттилик"нинг биринчи йиллик учрашуви 1975 йил Рамбусда бўлди. Жискард д' Эстен СССР билан сиёсий мулоқотларни эҳтиёткорлик билан олиб борди, бироқ иқтисодий муносабатлар ривожланди. Жискард д' Эстен СССРга бир неча бор расмий ташриф билан келди ва юқори давлат раҳбарлари билан учрашди. Масалан, 1975, 1979 йилларда у Москвада бўлди, 1977 йилда Л. И. Брежнев Парижда расмий ташриф билан бўлди. 1975 йилда Жискард д' Эстен Франция номидан Хельсинки Умумевропа Кенгашининг сўнгги Актига имзо чекди.

Жискард д' Эстен Президентлиги даврида Франция учинчи дунё мамлакатлари билан фаол муносабатлар олиб борди. АҚШ билан яқинлашишига қарамай, Париж Исроил—Миср ўртасида имзоланган Кэмп-Дэвид Сулҳ Шартномасини қоралади, араб давлатларининг антиисроил йўлини қўллаб-қувватлади. Париж Хитой ва Эрон билан муносабатларини яхшилади, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур давлатлари билан иқтисодий битимлар тузди.

XX асрнинг 70- йилларида Франция Африка давлатлари билан фаол муносабатда бўлди. Франция қурол-яроғ экспорти бўйича дунёда иккинчи ўринга кўтарилди. Қурол-яроғларнинг асосий қисми "қора континент"га чиқарилди.

1981 йилги Президент сайловлари. "Сўл тажриба"

XX асрнинг 70- йиллари охирига келиб Франция сиёсий ҳаётида 4 та партиянинг мавқеи яққол кўзга ташлана бошлади. 1978 йилги Парламентга бўлган сайловларда ҳам шу партиялар ўртасида кураш борди. Парламентга бўлган сайловларнинг биринчи босқичида сўл партиялар 48,6% овоз олди. Ўнг партиялар 46,5% овоз олди. Сайловнинг иккинчи босқичида ўнг партиялар устунлик қилди. ОҚР—148 ўрин (1976 йил ЮДР "Республикани қўллаб-қувватлаш бирлаш-

маси” – ОПР номини олди). СФД 122 ўрин (1977 йил НФНР “Республика партияси”, 1978 йил “Франция демократияси учун” – СФД номни олди)га эга бўлди. Бироқ бир йилдан кейин Европарламентга бўлган биринчи сайловда ОПР 16% овоз олиб, қаттиқ маглубиятга учради. СФД – 27,4%, ФСП – 23,7%, ФКП 20,6% овоз олди. 1981 йилги Президент сайловлари арафасида бу партиялар ўртасидаги кураш ўзининг юқори чўққисига чикди.

1981 йил 26 апрелда ўтган Президент сайловларининг биринчи турида “Ўнг Франция”дан бўлган номзод ўз устунлигини намоён қилди. Жискар д’ Эстен – 28%, Ж. Ширак – 18%, дребре – 1,6%, Гаро – 1,3% овоз олдилар. “Сўл Франция” номзодлари: Ф. Миттеран – 25,8% ва Марше 15,3% овоз олдилар. Сайловда голландияликларнинг катта қисми Ж. Ширакнинг галабасига ишонмай, Жискар д’ Эстен учун овоз бердилар. Сайловнинг иккинчи тури 10 майда бўлиб ўтди ва Ф. Миттеран 51,7% овоз тўплаб, 48,3% овоз олган Жискар д’ Эстен устидан галаба қозонди. Галабага эришган Ф. Миттеран Парламентни тарқатиб, янги сайлов белгилади. Ўнг партиялар орасидаги бош бошдоқлик кучли сайлов компаниясини тузиш имконини бермади. Парламентга бўлган сайловларда сўл партиялар галаба қилди. Франция Социалистик партияси (ФСП) фракцияси – 271 депутат, Франция Коммунистик партияси (ФКП) фракцияси – 44 депутат, сўл радикаллар 14 депутатлик ўринларига эга бўлди. Ўнг партиялар: ОПР – 83 депутатлик ва СФД 71 депутатлик ўринларига эга бўлишди. Пьер Моруа бошчилигида тузилган ҳукумат таркибига учала сўл партияларнинг вакиллари кирди. Ф. Миттеран “Сўл тажриба дастури”ни амалга ошириш учун тўлақонли имкониятга эга бўлди. “Сўл тажриба дастури”да миллийлаштириш асосий ўринда турди. 1982 йили бешта саноат тармоқларининг миллийлаштирилиши натижасида давлат сектори халқ хўжалигига сарфланаётган маблағнинг 1/2 қисмини, Ялпи миллий маҳсулотнинг 1/3 қисмини, экспортнинг 1/3 қисмини, ёлланма меҳнатнинг 1/4 қисмини бера бошлади. Давлат ихтиёридаги корхоналар сони 3 мингдан ошиб кетди. Давлат халқ хўжалигининг информатика, энергетика, биоиндустрия каби келажаги порлоқ соҳаларида етакчилик қилди. Бир вақтнинг ўзида П. Моруа 36 коммерция банклари, йирик молия гуруҳлари: “Париба” ва “Сюз” устидан давлат назоратини ўрнатди. Натижада молия ва кредит секторларида давлатнинг улуши 95% га етди. Бироқ “Сўл тажриба”нинг салбий томонлари тезда кўрина бошлади. 1983 йили саноатнинг давлат секторидаги танқислиги 7,5

млрд франкни ташкил этди. Миллийлаштириш туфайли капиталнинг четга чиқиб кетиши кучайди. Фақат 1981 йили Франциядан 77 млрд франк четга чиқиб кетди. Бунинг устига, 1981 йилда бошланган жаҳон иқтисодий инқирози ҳам салбий оқибатларини кўрсатди. АҚШнинг валюта-молия сиёсати ҳам Францияга кучли зарба берди (яъни долларнинг қийматини сунъий равишда ошириб, иқтисодий қийинчилик келтириб чиқариш ва шу йўл билан фойда олиш). 1981–1982 йилларда Францияда ишлаб чиқариш йиллик ўсиши 2% бўлган бўлса, 1983 йилга келиб бу кўрсаткич 0,7% га тушиб қолди. Ишсизлар сони 2 млн кишидан ошди. Турмуш кечирish даражаси пасайди. 1982 йил ёзидан Ф. Миттеран “Сўл тажриба”ни тўхтатишга мажбур бўлди. 1983 йил апрелида “Ўн моддалик дастур” (“Доллар дастури”) номи билан иқтисодиётни риволантиришнинг давлат дастури қабул қилинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини тушириш ва экспорт суръатини ошириш мақсадида 18 ой ичида учинчи марта франк девальвация (муомаладаги қоғоз пулнинг қийматини тушириш) қилинди. Солиқларни ошириш кўзда тутилди, мажбурий заёмлар чиқариш эълон қилинди, ижтимоий соҳаларга маблағ сарфлаш камайтирилди, касалхона жойларига тўловлар оширилди, транспортга йўл тўловлари ва коммунал тўловлар миқдори оширилди. Бу тадбирлар охир-оқибат ўз самарасини кўрсатди. 1984 йилда ишлаб чиқаришдаги ўсиш 1,75% ни, 1985 йилда эса 2% ни ташкил этди.

1986 ва 1988 йиллардаги сайлов компаниялари. “Яшай олиш”нинг биринчи тажрибаси

“Сўл тажриба”нинг барбод бўлиши ва ҳукуматнинг ўз йўлини ўзгартириши сўл партиялар раҳбариятида таажуб туғдирди. Касаба уюшмаси яна оммавий норозилик ташкилотига айланди. 1984 йили Компартия вакиллари намоёншкорона равишда ҳукумат таркибидан чиқдилар. Бироқ бундай қадам Компартияга обрў келтирмади. Унинг таъсири тобора тушиб бормоқда эди. Ишчилар ва ёшлар орасида обрўсини йўқотиб борди. Компартия етакчиларининг бир қисми Социалистик партия томон бурилиш қилди, бир қисми миллатчи радикал гуруҳлар таъсирига тушиб қолди. ФКП 1981 йилги сайловларда 1978 йилдагига қараганда 1,8 млн овоз йўқотди. Сўл коалиция ҳукуматидан чиқиши ФКПнинг аҳволини янада оғирлаштирди. Франция Социалистик партиясида ҳам бўлиниш юз берди. 1986 йил март ойидаги Парламентга сайловларда ўнг коалиция ишончли

ғалаба қозонди. ОПР ва СФД – 291, ФСП эса 206 мандатга эга бўлди. ФКП сайловчиларнинг 10% овозини олиб, 35 мандатга эга бўлди. Миллий фронт (1972 йилда тузилган) 35 мандатга эга бўлди.

Президент Ф. Миттеран Конституция нормаларига биноан Парламентда унча катта бўлмаган Франция раҳбари Жак Ширакка Премьер-министр лавозимини таклиф қилишга мажбур бўлди. Бешинчи республика тарихида биринчи марта “яшай олиш” даври, яъни сўл Президент ва ўнг Премьер-министрнинг мамлакатни биргаликда бошқариш даври бошланди. Президент мамлакатнинг миллий хавфсизлиги ва ташқи сиёсати билан, Премьер-министр ички сиёсат масалалари билан шуғулланди. Иқтисодиётда ўзгаришлар бошланди. Бир ярим йил ичида давлат секторининг учдан бири хусусийлаштирилди. Хусусий даволаш муассасалари тикланди. Таълим олишнинг хусусий сектори кенгайтирилди. Яшаш жойларни ижарага олувчиларга давлат томонидан бериладиган ҳуқуқий кафолат қисқартирилди. Хусусийлаштириш катта маблағ келтира бошлади.

1986 йил ноябридан 1988 йил январигача хусусийлаштириш орқали давлат бюджетига 84 млрд франк келиб тушди. Бу маблағнинг 72% и давлат қарзларини тўлашга сарфланди, 28% и давлат корхоналарини замонавийлаштиришга сарфланди. Кўрилган чоралар 80-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб Ялпи ички маҳсулотнинг ва саноат ишлаб чиқаришининг йилига 3–4% ўсишига олиб келди. 1988 йилги Президент сайловларининг биринчи босқичида Ф. Миттеран 34% овоз олиб, ғалаба қилди. Ўнг партиялар лидерлари Ж. Ширак ва Барр ўртасида қизғин кураш кетди ва Ж. Ширак 19,9% овоз олиб (Барр – 16,5%), сайловнинг иккинчи босқичига чиқди. Президент сайловининг иккинчи босқичида Ф. Миттеран 54% овоз олиб (Ж. Ширак – 46%), ғалаба қозонди. Мамлакат Парламенти тарқатиб юборилди ва Президент томонидан янги Парламент сайловлари белгиланди. Бир ойдан сўнг бўлган Парламент сайловларида ФСП 276 мандатга, оппозиция 272 мандат (СФД – 130, ОПР – 128, мустақил ўнглр – 13, НФ – 1)га эга бўлди. ФСП вакили Мишель Рокар ҳуқуматга бош бўлди.

XX асрнинг 80- йилларида Франциянинг ташқи сиёсати

Ф. Миттеран ҳокимият тепасига келгандан сўнг, биринчи навбатда, Франциянинг ғарбий блок ва АҚШ билан муносабатларини яхшилашга киришди. Франциянинг НАТО билан ҳамкорлиги

сезиларли даражада фаоллашди. 1982–1983 йилларда АҚШ билан Франциянинг ажраладиган бош қисмларга (каллакларга) эга ракеталари ва нейтрон қуроллари учун зарур бўлган замонавий компьютер технологияларини етказиб бериш бўйича ҳамкорлик битимлари тузилди. Ф. Миттеран АҚШнинг ўрта масофага мўлжалланган ядро ракеталарининг Европага жойлаштирилишини қўллаб-қувватлади. 1983 йилда Франциянинг ташаббуси билан Парижда НАТОнинг Кенгаши бўлиб ўтди ва Франция бир йилга унинг раиси бўлди. Франциянинг СССР билан муносабатларига совуқлик тушди. У совет кўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилишини, Польшада ҳарбий режимнинг бекор қилинишини, совет қуролларининг қисқартирилишини талаб қилди ва Шарқий Европага совет ракеталарининг жойлаштирилишини қоралади. Франциянинг атлантик иттифоқ йўлидан бориши ва Араб–Исроил можароларида Исроилни қўллаб-қувватлаши, хусусан, Исроилнинг Жўлон тепалигини аннексия қилганлигининг Франция томонидан тан олиниши Сурия билан муносабатларининг ёмонлашувига олиб келди. 1983 йилда Франция АҚШнинг Ливанга тинчликпарвар кучларни киритиш тўғрисидаги таклифига қўшилди.

1984 йилдан Франция ташқи сиёсатида жиддий ўзгаришлар бўлди. Миттеран 1984 йили Исроилни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан воз кечди. У Ливандан тинчликпарвар кучларини чиқариб кетди. 1984 йили Миттеран расмий ташриф билан Москвага келди. М. Горбачев ҳам 1985 йилда Парижга борди. Парижда совет-француз ҳамкорлигига бағишланган “катта комиссия” сессияси бўлиб ўтди.

Франция 1984–85- йилларда Европа Иттифоқининг кенгайиши ташаббуси билан чиқди, натижада Европа иқтисодий ҳамжамиятига Испания билан Португалия аъзоликка қабул қилинди.

XX асрнинг 90- йилларида Франциянинг сиёсий ва иқтисодий ривожланиши

1988 йилда бўлган иккала сайлов компаниясидаги муваффақиятларига қарамасдан, ФСП аъзолари фаолиятида марказдан қочиш тенденцияси кучайгани кўринди. Ҳукумат бошлиғи М. Рокар “бир-галикда яшай олиш” йилларида ўзининг партиядagi мавқеини мустаҳкамлашга эришди. Рокар ҳукумати иқтисодий-иқтисодий сиёсатда кескин ҳаракатлар қилишдан қочди. У на хусусий бизнес-

нинг ривожланишини ва на давлат секторининг қайта тикланишини хохлади. Рокарнинг бу йўли “йўк-йўк” деган ном олди. Бундай муросачилик сиёсати ҳам ўнглар томонидан, ҳам ФСПда танқидга учради.

1990 йил кузидан ФСПда антирокар оппозиция кучайди. Оппозиция лидери Рокарнинг иктисодий сиёсатидан норози бўлиб, ҳукумат таркибидан намойишкорона чиққан Эдита Крессон эди. Мамлакат Президенти Крессонни сўл ҳукумат ва партия ичида бирликни сақлайдиган ҳаракатчан шахс сифатида баҳолаб, 1991 йил 15 майда унга премьер-министрлик лавозимини топширди. Эдита Крессон хоним такаббурлик билан Франция саноатини ривожлантириш дастурини илгари сурди. Унинг баъзи ғоялари голличиларнинг бундан ўн йиллар олдинги қуруқ сафсатасининг такрорланиши эди. Крессон юқори технологияга эга бўлган саноат тармоқларини ва французларнинг Европа ҳамда учинчи дунё мамлакатлари билан олиб бораётган агрессив савдо экспансиясини ҳимоя қилиш сиёсатини қўллаб-қувватлади. Бироқ Крессондан француз “темир хоним”и чиқмади. 1991 йил охирида унинг рейтинги 20% га тушиб кетди. Президент Миттераннинг ҳам рейтинги 25% га тушди. 1992 йил январда ФСП раҳбарлигига Л. Фабюснинг келиши ҳам партиянинг обрўсини сақлаб қола олмади.

1992 йил мартдаги муниципаль сайловларда социалистлар фақат 18% овоз олди, холос. 1990 йилда “Франция учун иттифок” конфедерациясига бирлашган СФД ва ОПР ўнг блоки сайловчилар овозининг 30% ини, коммунистлар 8% ини олдилар.

1993 йил мартда Миллий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди. Сайловда ўнглар ишонарли ғалабани қўлга киритди. 577 мандатдан 484 тасини ўнг партиялар (ОПР – 247, СФД – 213, уларни қўллаб-қувватлаган группалар–24 мандат) эгаллади. Миллий Мажлисида ФСП – 54, ФКП 26 мандатга эга бўлдилар.

1993 йил Парламентга бўлган сайловларда ҳам ўнглар ғалаба қилди ва Эдуард Баладюр бошчилигида ҳукумат тузилди. Баладюр ишсизликка қарши кураш ва синиш ёқасида турган ижтимоий сугуртани сақлаб қолишни ҳукуматнинг вазифаси деб билди. Молиявий базани мустаҳкамлаш учун давлат заёми чиқарилди, натижада 110 млрд франк маблағ йиғилди. Бензин ва спиртли ичимликларга эгри солиқлар оширилди. “Ижтимоий эҳтиёжлар” (барча даромадларни кўзда тутган) солиғи жорий қилинди. Ҳукумат идораларида ишлаётганларга сарфланаётган маблағни тежаш компанияси ва ху-

сусийлаштириш ишлари бошланди. 1993 йилдан давлат секторидаги анчагина корхоналар хусусийлаштирилди. Ҳукумат Европа Иттифоқидан бўлган хорижий сармоячиларнинг акцияларни сотиб олишига йўл очиб берди. Бу эса чет эл сармояларининг мамлакат ичкарисига кириб келишига имконият яратди. Кўрилган барча чора-тадбирлар туфайли давлат бюджетига танқисликнинг камайишига ва янги иш ўринларининг яратилишига олиб келди. Ҳукумат мамлакатга иммигрантларнинг кириб келишининг олдини олиш чораларини кўрди. Иммигрантларнинг ноқонуний равишда иш жойларини эгаллаб олишларига қарши кураш олиб борди. Баладюрнинг бу сиёсати мамлакатда кенг омма томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳукуматнинг қўллаб-қувватланиши иқтисодий ўсишда ҳам аке этди.

1994 йилда инфляция йиллик даражаси 1,8% га пасайди, ишсизлик камайди, Ялпи ички маҳсулот 2,9% га ўсди, бюджет танқислиги пасайди. Баладюр Президентликка асосий даъвогарлардан бири бўлиб қолди.

1995 йили Президентликка сайловнинг биринчи тури бўлиб, унда ўнгллар номзоди Жоспен 23,3% овоз олди. Сайловнинг иккинчи тури Ширак билан Баладюр ўртасида бўлиб, Ширак – 20,6%, Баладюр 18,5% овоз олди ва қийинчилик билан Ж. Ширак Президентлик лавозимини эгаллади.

1997 йил май-июн ойларида Парламентга сайловлар бўлиб ўтди. Сайловда ўнг партиялар қаттиқ мағлубиятга учрадилар. Социалистлар лидери Л. Жоспен бошчилигидаги сўллар ғалаба қилиб, 252 депутатлик мандати (коммунистлар – 39, экологлар – 7) билан Парламент ва ҳукуматда кўпчилик ўринни эгаллашди. Л. Жоспен бошчилигидаги “пушти-қизил-яшил”лар иттифоқи ҳаракатчан ва ишчан чиқди. 1997 йили ўнгллар қаршилигига қарамай, Жоспен йирик корхоналарнинг даромадига солинадиган солиқлар миқдорини 15% га оширди. 1997 йил натижаларига кўра, саноат ишлаб чиқариши 1996 йилги 1,7% кўрсаткичга қарши ўларок 6,7% ўсишга эришилди. 2000 йили 35 соатлик иш кунни тўғрисида қонун кучга кирди. Бунинг натижасида 100 минг ўринли иш жойлари яратилди. Ишсизлар сонини 10% га қисқартиришга эришилди.

XX аср 90- йиллари охирида Франциянинг сиёсий ҳаётида бир қанча шов-шувли жанжаллар бўлиб ўтди. Ф. Миттераннинг қонунга хилоф равишда сиёсий рақибларнинг телефондаги гапларини ёзиб олиш тўғрисида буйруқ берганлиги маълум бўлди. Миттеранчи Мудофаа вазири Шарль Эрню Болгария, Руминия ва СССРга хизмат

килаётган жосус сифатида фош қилинди. 2000 йил декабрида Митгераннинг ўгли Жан Кристоф халқаро савдодаги фирибгарлиги учун турмага ташланди. 2001 йил январида Митгераннинг дўсти – Ташқи ишлар вазири Ролан Дюма порахўрликда айбланиб, суд қилинди. ФКП лидерлари Ж. Марше ва Р. Юлар партияни яширин равишда маблағ билан таъминлаб туришда айбланиб, суд қилинди.

2002 йилнинг 5 май куни Францияда Президентлик учун узок давом этган сайловолди кураш ўз ниҳоясига етди. Сайлов натижаси, хусусан, амалдаги Президент Ж. Ширак 82% дан ортиқ овоз олиб, мамлакатни яна беш йил бошқариш ҳуқуқини кўлга киритди. Ўнглари номзоди Ле Пен мағлубиятга учради. Тўғри биринчи босқичда Ле Пен маълум муваффақиятга эришганди. Телемулоқотларда рақиблар бир-бирларини танқид қилиш, таъбир жоиз бўлса, “томорқасига тош отиш” билан ҳам машғул бўлишди. Бу – Франция сайлов тизими учун табиий бир ҳол. Икки номзод ўртасидаги курашда уларнинг сайловчиларга берган сайловолди ваъдалари ҳам муҳим аҳамият касб этди. Франция халқи тажрибали сиёсатчи бўлган Жак Ширакни танлади.

2007 йил 6 май куни Францияда навбатдаги Президентлик сайловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Бу сафар сўллар номзоди социалист Сеголен Руаял хоним ўнглари номзоди Никола Саркозига қарши турди. Иккинчи босқичда сайловчиларнинг 53% овозини олган Н. Саркози мамлакат Президенти этиб сайланди. Либерал йўналишдаги ўнг кучлар номзодининг ғалабаси узок йиллардан бери иқтисодиётда кенг камровли ислохотлар ўтказилишини кутаётган қатламнинг муваффақияти бўлди. Янги давлат раҳбари мамлакатда радикал ва ҳатто жиддий ўзгаришларни амалга оширишга киришди. У, бу билан турғунликни бошидан кечириётган Францияни яна жаҳондаги рақобатбардош мамлакатлардан бирига айлантириш ниятида эканлигини кўрсатди. Мутахассисларнинг фикрича, Жак Ширак, ҳақиқатан ҳам, ўз ворисига мураккаб вазиятдаги мамлакатни қолдирди. Бунинг устига, 2008 йил ёздан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мураккаб вазиятни янада оғирлаштирди. Бир томондан, Франция ижтимоий тизими ўта ривожланган, иқтисодий тараққиёт бўйича дунёда бешинчи ўринда турсада, давлатчиликнинг ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги жамият зиммасига йил сайин оғир юк бўлиб тушяпти. Молиявий институтлар маълумотига қараганда, ижтимоий таъминотга берилаётган бу қадар катта эътибор иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини издан

чиқаряпти. Иккинчидан, Ғарбий Европанинг етакчи мамлакати савдо тақчиллигидан азият чекмоқдаки, оқибатда миллий иқтисодийётнинг ўсиши Европа Иттифоқидаги айрим мамлакатлар билан солиштирилганда, унча катта эмаслиги сезилиб қолмоқда. Учинчидан, Франциядаги ишсизлик даражаси ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори бўлиб, ишлаш қобилиятига эга ёшдагиларнинг атиги 68% и доимий иш билан таъминланган. Ишсизлик даражаси 2010 йилда 10% дан ошиб кетди. Тўртинчидан, бюджетдаги тақчиллик, франкнинг қадрсизланиб бориши ва солиқларнинг оғир юки мамлакат иқтисодийётини оғир аҳволга солиб қўйди. Бирок, шунга қарамай, Франция Европа қитъасидаги энг кучли иқтисодийётга эга иккинчи мамлакат ҳисобланиб, жаҳонда ЯИМ салмоғи жиҳатидан бешинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Франциянинг иқтисодий ўсиш суръати ЕИнинг ўртача кўрсаткичидан юқори. Европанинг юқори технологик ривожланган мамлакатларидан бири ҳисобланган Франция мудофаа, аэрокосмик техника ва электроника соҳаларида Ғарбий Европа саноати ютуқларини ўзида мужассам этди. Франция ядро-энергетик технологиялар ва атом электростанция экспорти бўйича ҳам дунёда етакчи мамлакатлардан биридир. Франция ўзининг илмий-техника ютуқлари: замонавий авиация, ўта тезюрар поездлари, биринчи классли “Рено”, “Ситроен”, “Пежо” автомобиллари, илғор кемасозлик саноати билан ҳам ажралиб туради.

XXI асрнинг бошларида дунё миқёсида яратилган замонавий техника ва технологияларнинг 5,1% и Франция ҳиссасига тўғри келади.

Франция аҳолисининг 6% и қишлоқ хўжалиғи билан шуғулланади. Ишлаб чиқариш техникалари билан яхши қуролланганлик ва агрокимё фани ютуқларини жорий этиш туфайли мамлакат аҳолиси қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари билан тўла таъминланган, ҳатто чорвачилик маҳсулотлари экспортга жўнатилади. Аҳолининг 85% ини ёлланма меҳнат кишилари: ишчилар, хизматчилар, зиёлилар ташкил этади.

Франция ва халқаро муносабатларнинг ҳозирги тизими

XX аср 80- йиллар охири 90- йиллар чегарасида Франция дипломатияси бир қанча муаммоларга дуч келди. Жаҳон социализм системасининг емирилиши, СССРда бошланган сиёсий инқирозлар жараёни Парижни бефарқ қолдирмади. Миттеран сепаратизм (ажралиб чиқишга уриниш) ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига

қарши чиқди. Шу сабабли француз дипломатияси СССРдаги горбачёвчилик бошқарув тизимини қўллаб-қувватлади. Россия Президенти Б. Ельцин таъсирининг ошиб бораётганини “пайқамади”. 1992 йил Б. Ельцин расмий ташриф билан Францияга борди. Музокара-лар чоғида ҳар иккала томон ўзаро ишонч руҳида муносабатларни ривожлантириш тўғрисида келишиб олдилар. Бироқ, Россиянинг янги раҳбарига нисбатан Парижда серғаклик ва хушёрлик кайфия-ти сақланиб турди. Бунақа кайфият, айниқса, 1993 йили Москвада бўлган воқеалар пайтида яққол кўринди.

Париж худди шундай сиёсатни Югославиянинг парчаланиши даврида ҳам юритди. Франция дипломатияси Сербияга нисбатан ижобий муносабатда бўлди. Ҳатто қуроли тўқнашувлар бошланиб кетгандан кейин ҳам Парижда шу кайфият сақланиб турди. Бос-нияда уруш кетаётган вақтда, Миттеран тинчликпарвар кучлардан белгиланган мандат қондаларидан чиқмасдан ҳаракат қилишни та-лаб қилди. Ҳатто, уруш хавфига қарамасдан, Миттеран шахсан ўқ ёмғирлари остида қолган Сараевога борди. Миттеран олдида халқаро муносабатларнинг янги тизимида, яъни АҚШ ва НАТОнинг халқаро муносабатлардаги таъсири ўсиб бораётган бир пайтда, Франция-нинг ўрнини аниқлаб олишдек вазифа турарди. Айниқса, маҳаллий қарама-қаршилиқлар кучайиб, Болқон ва Форс қўлтиғида урушлар кетаётган бир пайтда бу муҳим эди. Форс қўлтиғидаги уруш Ев-ропа давлатлари ташқи сиёсатининг Вашингтон таъсирига тушиб қолганлигини кўрсатди. Ҳатто Франция ҳам, Ироқ билан иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий соҳалардаги анъанавий алоқаларга қарамай, Ироққа қарши коалицияда қатнашишга мажбур бўлди. Кейинги йилларда Миттеран иложи борича мустақил ташқи сиёсат юри-тишга ҳаракат қилди. АҚШ билан муносабатларда маълум даража-да совуқлик пайдо бўлди. 1991 йили Франция Президенти АҚШнинг Европа ишларига аралашishiга, хусусан, собиқ социалистик давлат-ларга ёрдам бериш баҳонасида ички ишларига аралашishiга намоён-ишқорона қарши чиқди. 1992 йили Франция ва АҚШ “савдо уруши” ҳолатига келиб қолди. Европа ишларига гегемонча кайфиятда арала-шишига жавобан, Франция Ҳукумати АҚШнинг ЕИХ билан тузадиг-ан шартнома ва битимлари Франция иқтисодий манфаатларига зид келса, унга қарши вето беражagini маълум қилди.

1994 йилдан бошлаб, Миттеран голдчиларга ташаббусни бериб кўя бошлади ва “Тинчлик учун ҳамкорлик” Дастурига қўшилишига ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари билан алоқаларни фаоллашти-

риш альянсига кўшилишга мажбур бўлди. Ўша йили Парижда “Му-дофаа қилишнинг Оқ китоби” нашрдан чиқди. Янгиланган француз доктринаси Франция ядро қуролининг автономиясини ва миллий ҳудудлар манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутар эди. Франция Ҳукумати Европа Иттифоқини шакллантириш музокараларида ва Маастрихт Битимининг имзоланишида ўз ҳиссасини кўшди. Миттеранга мамлакат ичкарасидаги қаршиликларни ҳам енгиб ўтишга тўғри келди. Ниҳоят, 1992 йил сентябрида умуммиллий референдумда ЕИ Шартномаси қўллаб-қувватланди ва ратификация қилинди.

90- йилларнинг ўрталарида бўлган ҳокимият ўзгариши (Ж. Ширакнинг Президент бўлиши) ҳам ташқи сиёсатда бирон-бир ўзгаришга олиб келмади. Ж. Ширак ҳам Ф. Миттераннинг ташқи сиёсий йўлини тутди. Франция–АҚШ муносабатлари 1998 йилда янада ёмонлашди. Париж НАТОнинг Югославияга қарши операциясини ва Сербия ҳудудининг бомбардимон қилинишини қаттиқ қоралади. Франция Европада ягона пул бирлиги учун курашди. Ж. Ширак ташқи мамлакатлар билан иктисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва шу орқали мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришни кўзлади. Фақат 1996 йилнинг ўзида Ширак ташқи мамлакатларга 15 та расмий ташриф уюштирди. Натижада бир йил ичида тузилган шартномалардан 100 млрд франк (16 млрд франкни бевосита Ширакнинг хизмати билан) маблағ мамлакат иктисодига келиб тушди. Айниқса, 1996 йилда Ширакнинг Японияга расмий ташрифи катта акс-садо берди. Ташриф икки ўртадаги таранглашган муносабатларга чек қўйди ва 1997 йил Францияда “Япония йили”, 1998 йил Японияда Франция йили деб эълон қилинди. Франция–Хитой муносабатларида ҳам муваффақиятлар қўлга киритилди. 1996 йил ХХР раиси Ли Пен Парижда Ж. Ширак билан музокаралар олиб борди. 1997 йил Ширак жавоб ташрифи билан Пекинга борди. Шу вақтдан бошлаб космик технология, саноат объектларини қуриш ва авиасозлик бўйича Франция–Хитой ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

1997–1998 йиллардан бошлаб Франциянинг араб давлатлари билан алоқалари фаоллашди. Франция Президентининг шахсан ташаббуси билан Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги ва Сурия давлатларига қурол-яроғ сотиш бўйича олиб борилган музокаралар муваффақиятли якунланди. Ширак Жўлон тепалигининг Сурияга қайтарилишини, мустақил Фаластин давлатининг тузилишини қўллаб-қувватлади. Натижада Франциянинг Исроил билан муносабатлари ёмонлашди.

Ширак 1997 йил сентябрида Москвага расмий ташриф билан келди. Россия Президенти билан шахсий дўстлашув юзага келди. 1998 йили Москва яқинидаги Россия–Франция–Германия давлатларининг уч томонлама учрашуви, “Катта саккизлик” Саммитининг Бирмингем учрашувлари давлатларни бир-бирига яқинлаштирди. Бироқ Чеченистон уруши туфайли Франция–Россия муносабатларига совуқлик тушди. 1999 йил ноябрида шахсан Ширакнинг ташаббуси билан ЕХХТнинг Истамбул Саммитида Россияга қарши санкция қабул қилинди. Фақат Россиянинг янги Президенти В. Путиннинг 2000 йил октябрида Парижга расмий ташрифи икки ўртадаги муносабатларни маълу м даражада яхшилади.

2008 йил августида Жанубий Осетия масаласида Россия билан Грузия ўртасида келиб чиққан уруш Франция–Россия муносабатларида совуқликни келтириб чиқарди.

Бугунги Франция Европанинг эмас, балки жаҳоннинг етакчи давлатларидан биридир. У халқаро муносабатларнинг янги архитектурасининг шаклланишида, дунёда бўлаётган геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнларга салмоқли таъсир кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Франция БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси, шунингдек, НАТО, ЕИ ва ЕХХТларнинг нуфузли аъзоси бўлиб, ушбу ташкилотларда ўзининг алоҳида сиёсий йўлига эгаллиги билан ажралиб туради.

Франциянинг дунёда тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ҳар томонлама амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида олиб бораётган сиёсати аксарият мамлакатлар томонидан маъқуullanмоқда. Шу сабабли Франция Президенти Н. Саркозининг қўллаб-қувватлашига интилаётган давлатлар ва халқаро ташкилотлар кўпчиликини ташкил қилмоқда. Франция ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар бутун дунё учун алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, Н. Саркози ўзининг ўтмишдоши – Ж. Ширакнинг аксиламерикача сиёсатидан воз кечиб, трансатлантик муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини маълум қилди. Париж 2003 йилда АҚШ томонидан Ироқда олиб борилган ҳаракатларга ўз норозилигини билдирган бўлса-да, ҳозирги кунда халқаро майдонда АҚШ олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватламоқда.

Н. Саркози маъмурияти Шимоллий Африкадаги, хусусан, Ливиядаги мавқеини мустаҳкамлаш ниятида. Шу муносабат билан Франция, НАТО давлатларининг 2011 йил март ойидан Ливияга қарши

бошлаган босқинчилик урушида Англия билан биргаликда етакчилик қилди.

Франциянинг Европа минтақасидаги энг йирик ҳамкори Германия бўлиб қолмоқда. ЕИни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги уларнинг ҳамфикрлиги бунга мисол бўла олади. Чунки ЕИнинг етакчи давлатлари ҳисобланган Франция ва Германия томонидан ЕИнинг биринчи Президенти лавозимиغا Бельгия Бош Вазири Херман Ван Ромпей номзодининг қўллаб-қувватланиши уларнинг аксарият ҳолларда битта нуктаи назарга эга эканини кўрсатади.

Франция–Ўзбекистон муносабатлари

Тарихга назар солсак, Ўзбекистон–Франция муносабатлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Гарчанд турли қитъаларда жойлашган бўлса-да, икки мамлакат халқлари ҳамкорлигига жуғрофий сарҳадларнинг узоқлиги ҳам тўсиқ бўла олмади. Бу нафақат икки халқни, балки Шарқ билан Ғарб дунёсини янада яқинлаштиришга хизмат қилди. Франция Ўзбекистон билан дипломатик алоқаларни мустақилликдан кейин ўрнатди. 1992 йил 3 январда Франция Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олди. 1992 йил 1 мартдан дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. 1993 йил 27–30 октябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Франция Республикасида расмий ташриф билан бўлди. Сафар натижасида Парижда Ўзбекистон Республикаси ва Франция ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартномалар, маданият, илмий-техникавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида, сармоядорларни ўзаро рағбатлантириш тўғрисида Битим имзоланди.

И. Каримовнинг Париж Харгиясини имзолаши Ўзбекистоннинг Европа ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан янада яқинлашувида муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1994 йил 25–27 апрел кунлари Франция Президенти Ф. Миттераннинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган Битимда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Франция ва Ўзбекистон ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги Битимлар, шунингдек, ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Декларациялар имзоланди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Франциянинг Ўзбекистон билан алоқалари айнан Ж. Ширак Президентлик даврида янги босқичга кўтарилди. 1996 йил баҳорида ҳар икки мамлакат раҳбарларининг Париждаги учрашуви ва унда

имзоланган тарихий ҳужжатлар бунинг амалий далилидир. Бундан ташқари, ташриф чоғида икки мамлакат ўртасида икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисида Конвенция ҳамда ҳамда молиявий Протокол имзоланди. Икки ўртадаги ҳамкорлик кенгайиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, нефть ва газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Сўнгги йилларда Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Ўтган йиллар давомида ўзбек-француз савдо иқтисодий ҳамкорлигига оид жами 20 та ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 2006 йилда 135,8 млн доллар, 2007 йилда 333,7 млн доллар, 2008 йилда 281,9 млн долларни ташкил этди. 2009 йилда эса ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг 174 млн доллари Ўзбекистон ҳиссасига, 109 млн доллари эса Франция ҳиссасига тўғри келди. 1996–2007 йилларда Франция Ҳукумати ва банкларнинг молиявий маблағларини жалб қилиш орқали Ўзбекистонда жами 539,8 млн долларлик 11 та лойиҳа амалга оширилди. Улардан асосийлари сифатида Фарғона вилоятининг Кўкон шаҳридаги пой-абзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Кофра” (495 минг доллар) ҳамда Тошкент шаҳридаги реклама ва тақдимот хизмати кўрсатишга мўлжалланган “ЖС Деко Уз” (1,05 млн доллар) қўшма корхоналарини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистонда франциялик сармоядорлар иштирокида 15 та қўшма корхона тузилиб, фаолият кўрсатмоқда. Франциянинг 15 компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган. Франциялик ишбилармон ва сармоядорлар Ўзбекистоннинг ёқилги-энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, сайёҳлик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати каби соҳаларига, Навоий эркин-индустриал иқтисодий зонасидаги қурилишларга ўз маблағларини ташлаганлар

IV БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА ГЕРМАНИЯ

1- §. Германияда маъмурий-худудий бошқарув тизими

Европанинг марказида жойлашган Германия Федератив Республикасининг ер майдони – 356,96 квадрат километр; аҳолиси – 84 млн киши; давлат тили – олмон тили; пойтахти – Берлин (1999 йил июлдан); пул бирлиги – евро (2002 йил 1 январдан); давлат тузumi – Парламентар-демократик республика; давлат тузилиши – 16 та земел (ўлка)дан иборат федератив давлат;

Давлат бошлиғи – Президент; ҳукумат бошлиғи – Канцлер; парламент икки палата: Бундестаг ва Бундесратдан иборат. Парламентда Социал-демократлар партияси, Христиан демократлар иттифоқи ва Либераллар партияси кўпчиликни ташкил этади. Кейинги Парламент сайловлари 2010 йилда бўлиб ўтди. Иқтисоди – эркин бозор иқтисоди. Ялли ички маҳсулот – 1940 млрд доллар; аҳоли жон бошига – 30 150 доллар (2005 й.); йиллик ўсиш – 2,8 фоиз (2008 й.). Ялли ички маҳсулот етиштириш бўйича дунёда учинчи ўринда (2006 й.).

Иккинчи жаҳон урушининг тугаши билан олмон заминида иккита давлат: 1949 йил май ойида Германия Федератив Республикаси, октябрда эса Германия Демократик Республикаси ташкил топди. 1949 йил 23 майда қабул қилинган Ғарбий Германиянинг Асосий Қонуни мамлакатни “демократик ва ижтимоий федератив давлат” деб эълон қилди. Унга кўра, давлат федератив бирлик (земел)лардан ташкил топди. Дарҳақиқат, орадан қирк йил ўтиб, 1990 йил 3 октябрда ГФР ва ГДР қўшилишидан ягона Германия давлати қайта дунёга келди.

Германия Парламенти

Мамлакатда қонун чиқарувчи ҳокимият Парламент томонидан амалга оширилади. Парламент икки палата: Бундестаг ва Бундесратдан иборат.

Бундестаг умуммиллий вакиллик палатаси бўлиб, 656 нафар депутатдан иборат. Депутатлар тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланадилар. Бундесрат эса федерал вакиллик органи бўлиб, ўлкалар манфаатини ҳимоя этади. Палата 68 аъзодан иборат. Уларнинг барчаси ўлкалар ҳукуматлари томонидан тайинланади. Шунинг учун Бундесратни ҳукуматлараро вакиллик палатаси деб ҳам аташади. Ҳар бир ўлка камида учтадан вакил тайинлайди. Аҳолиси 2 миллиондан ортиқ ўлкалар 4 тадан, 6 миллиондан ортиқ ўлкалар эса 5 тадан, 7 миллиондан зиёд аҳолига эга ўлкалар 6 тадан вакил тайинлаш ҳуқуқига эга. Бошқа давлатлардан фарқли ўларок, Германиянинг Асосий Қонуни ҳар икки палатанинг ваколатларини конституциявий тарзда белгилаб беради. Бундестагга қуйидаги масалалар бўйича мутлақ ваколатлар беради: ташқи ишлар, муҳофаа, фуқаролар ҳафсизлиги; федерация фуқаролиги кўчиб юриш эркилиги, паспорт режими, иммиграция; ўлчов, тош-торози режими, ягона вақт ўлчови; ҳудуднинг божхона ва савдо бирлиги, савдо ва кемачилик тўғрисидаги шартномалар, товар муомаласи; эмиграция, экстрадиция; валюта, пул муомаласи эркилиги, хориж билан-товар ва тўловларнинг айланиши; божхона ва чегара соқчилиги; ҳаво алоқаси, федерацияга тегишли темир йўллар алоқаси, почта ва телекоммуникациялар хизмати. Умуман олганда, миллий сиёсатнинг энг муҳим масалалари Бундестаг ваколатлари тирасига киради. Бундестаг, 67- моддага биноан, ҳукумат раҳбари – федерал Канцлерга ишончсизлик вотуми билдириши ва уни вазифасидан озод этиш тўғрисида илтимос билан федерал Президентга мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари, Бундестагга тергов комитетлари, Европа Иттифоқи ишлари бўйича комитет, ташқи ишлар комитети, муҳофаа комитети, петициялар бўйича комитет ва бошқа комитетлар фаолият кўрсатади. Бундестаг ва унинг комитетлари федерал ҳукуматнинг ҳар қандай аъзосининг ўз мажлисларида иштирок этишини талаб этишлари ва уларни тинглашлари мумкин.

Бундесрат ваколатларига келсак, унинг қуйидаги ваколатлари белгиланган: фуқаролик ҳуқуқи, жиноий ҳуқуқ ва ҳукмлар ижроси, суд тизими, суд ишларини юритиш, адвокатура, нотариал ва юридик маслаҳат фуқаролик ҳолати далолатномалари; иттифоқлар ва йиғилишлар ҳуқуқи; хорижликларнинг бу мамлакатда бўлишга ва доимий яшашга бўлган ҳуқуқи; қурол-яроғ ва портловчи моддалар тўғрисидаги қонунлар; олмон маданий бойликларини хо-

рижга ташиб кетишдан муҳофаза қилиш; қочоклар ва кўчирма қилинган шахсларга доир ишлар; оммавий ижтимоий таъминот; ўлкалардаги фуқаролик, хўжалик ҳуқуқи; ядро энергетикаси ва радиоактив ашёлар; меҳнат ҳуқуқи, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий суғурталаш; таълим соҳаси; ерлар, табиий бойликлар ва ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик ҳуқуқи; ерлар ва кишлок хўжалигида ижара ҳуқуқи; очиқ денгизда ва ички сувлардаги кема қатнови; метеорологик хизмат; йўл ҳаракатлари ва жамоат транспорти; федерацияга қарамайдиган рельсли йўллар; чиқиндиларни йўқ қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, шовкинга қарши курашиш.

Германия Парламентининг учдан икки қисми Бундестаг депутатларидан, учдан бир қисми эса Бундесрат аъзоларидан ташкил топган Қўшма комитетлар ҳам фаолияти кўрсатади. Қўшма комитетнинг ташкил этилиши ва бу жараён фаолияти махсус регламент билан тартибга солинади.

Германия парламентаризмининг ўзига хос хусусиятларидан бири икки палата орасида рақобатнинг мавжудлигидир. Айнан Конституцияда “рақобат” сўзининг ишлатилиши (72–74- моддалар) бу борада ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди. Платалар орасидаги ваколатлар тақсимоти масаласи ҳам етарли даражада аниқлик билан ўз ифодасини топган. Умуммиллий масалаларни ҳал этишда федерал палата – Бундестаг устивор мавқега эга, чунки, Асосий Қонуннинг 31- моддасига биноан “федерал ҳуқуқ ўлкалар ҳуқуқидан устунликка эгадир”.

Парламент ва Президент

Германияда Президент (федерал Президент) давлат бошлиғи ҳисобланади, ижроя ҳокимиятнинг барча жабҳаларини ўз кўлига олган эмас. У Бундестаг ва Бундесрат аъзоларидан ташкил топган Федерал Мажлис томонидан беш йил муддатга фақат бир марта қайта сайланиш ҳуқуқи билан сайланади. Бундестагга сайлаш ҳуқуқига эга ва 40 ёшга тўлган ҳар бир олмон Президент бўлиб сайланиши мумкин. Кўриниб турибдики, Президентнинг сайланиши Парламент иродасига боғлиқ. Федерал Мажлис аъзоларининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади. Агар овоз беришнинг дастлабки икки турида даъвогарларнинг бирортаси ҳам бундай кўпчилик овозни ололмаса, овоз беришнинг навбатдаги турида энг кўп овоз олган

шахе сайланган ҳисобланади. Федерал Президент ҳукумат таркибига ҳам, федерация ва ўлкаларнинг қонун чиқарувчи органи таркибига ҳам кириши мумкин эмас; чунинчи, унинг ҳақ тўланадиган бирор лавозимни эгаллаши ёки фойда олиш мақсадида тадбиркорлик билан шуғулланиши қонун билан таъқиқланади.

Президент ваколатлари барча Парламент бошқарувидаги давлатлардаги каби анча чекланган. У Вазирлар Маҳкамасини бошқармайди. Ҳукумат бошлиғи – Канцлерни тайинласа-да, унинг тақлифи билан кўрсатилган номзод Бундестаг томонидан музокараларсиз сайланиши керак. Аниқроқ айтганда, Бундестаг аъзоларининг кўпчилиги овозини олган шахс Канцлер этиб сайланган ҳисобланади ва Президент томонидан тайинланади. Одатда, Парламент сайловларида ғолиб чиққан партия лидери Канцлер этиб сайланади. Федерал Президент буйруқлар ва фармойишлар чиқаради. Бироқ улар ҳақиқий деб ҳисобланмоғи учун уларга федерал Канцлер ёки ваколатли федерал вазир имзо чекишлари керак. Бу ҳол унинг федерал Канцлерни тайинлаш ва уни вазифасидан бўшатиш, Бундестагни тарқатиб юбориш каби ваколатларига тааллуқли эмас. Федерал Президент халқаро ҳуқуқий муносабатларда федерация вакили сифатида иш олиб боради, федерация номидан хорижий давлатлар билан шартномалар тузади, хорижий давлатларга вакил тайинлайди ва элчиларни қабул қилади. Президент федерал судьялар, федерал амалдорлар, офицерлар ва унтер-офицерларни тайинлайди ва вазифаларидан озод қилади. Айрим ҳолларда у федерация номидан авф этиш ҳуқуқини амалга оширади. Ниҳоят, Президент Бундестагни тарқатиб юбориши мумкин. Бироқ бу ўз-ўзидан бўлмайди. Агар Президент томонидан таклиф этилган федерал Канцлер Бундестаг аъзоларининг кўпчилиги томонидан рад этилган бўлса, у ҳолда, Президент Канцлер тақлифи билан 21 кун ичида Бундестагни тарқатиб юбориши мумкин.

Ўз навбатида, Парламент ҳам Президент истеъфосини талаб қила олади. Бундестаг ёки Бундесрат федерал Конституциявий Суд олдида Президент Асосий Қонунни ва бошқа федерал қонунларни қасддан бузганда, унга қарши айблов кўзғатиши мумкин. Агар федерал Конституциявий суд уни айбдор деб топса, Президент лавозимидан маҳрум этилган деб эълон қилиниши мумкин. Мана шундай ҳолатларда бўшаб қолган Президент ваколатларини Бундесрат президенти амалга оширади.

Парламент ва ҳукумат

Германияда ижроия ҳокимият федерал Канцлер раҳбарлигидаги ҳукумат томонидан амалга оширилади. Канцлер миллий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилайди. Ҳукумат аъзолари – федерал вазирлар Канцлернинг таклифи билан Президент томонидан тайинланади. Улар ўз тармоғидаги ишларни мустақил равишда олиб борадилар. Вазирликларнинг фаолиятлари орасидаги мувофиқлашув федерал Канцлер томонидан йўлга солинади. У Президент таклифи билан Бундестаг томонидан музокарасиз сайланади. Агар таклиф этилган шахс сайланмай қолса, сайловдан кейин 14 кун ичида Бундестаг федерал Канцлерни ўз аъзоларининг мутлақ кўпчилик овози билан ўз номзодини сайлаши мумкин. Агар мана шу муддат мобайнида сайлов бўлмай қолса, зудлик билан овоз беришнинг янги тури ўтказилади, унда энг кўп овоз олган шахс сайланган ҳисобланади. Мазкур номзод Президент томонидан етти кун ичида тайинлаши керак, ақс ҳолда, Президент Бундестагни тарқатиб юборади (63- модда). Бундестаг федерал Канцлерга кўпчилик аъзолар томонидан унинг ўрнига ворис танлаб, федерал Канцлерни бўшатиш тўғрисидаги илтимос билан федерал Президентга мурожаат қилишлари ва, ўз навбатида, Президент бу илтимосни қондириши ва танланган шахсни Канцлер этиб тайинлаши лозим (67- модда). Мазкур ҳолат Германия тарихида икки марта қайд этилган ва уларнинг иккинчиси Бош канцлернинг истеъфо бериши билан якун топган.

1972 йил апрелда Канцлер В. Бранд Бундестагнинг ишончсизлик ҳавфи остида қолган ва атиги иккита хайрихоҳ овози билан истеъфодан қутулиб қолган эди. Бироқ бу ҳолатда Канцлер узоқ яшай олмас эди. 1972 йил 20 сентябрда у ўзига ишонч билдириш ҳақидаги Мурожаатни Бундестагга тақдим этди. 248 овоз (233 тага қарши) билан Бундестаг унинг номзодини рад этгач, Президент Парламентни тарқатиб юборган эди. Лекин бу жараён Асосий Қонунининг 68-моддаси билан амалга ошди. 1982 йилда эса Канцлер Шмидт Бундестаг ишончсизлик вотумига дучор бўлди ва 1 октябрда истеъфо беришга мажбур бўлди.

Германия сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар кам учрайди. Чунки сиёсий кучларнинг анча барқарор мувозанати қарор топган. Партиялар қурашида ҳам оломонларга хос табиат сезилиб туради.

Сийсий партиялар

Германияда сийсий партиялар фаолияти Асосий Қонуннинг 21- моддаси, 1967 йил 24 январда қабул қилинган қонун ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади. Конституциянинг 21- моддасига асосан, “партиялар халқнинг сийсий иродасини шакллантиришга кўмаклашади. Улар эркин равишда ташкил этилиши мумкин. Уларнинг ички тузилиши демократик тамойилларга мос келиши лозим. Эркин демократик тузум негизларига зарар етказишга ёхуд уни йўқ қилишга, ёки ГФРнинг мавжуд бўлишини хавф остига қўйишга интиладиган партиялар ғайриконституциявийдир”.

Германия Социал-демократлар партияси (ГСДП), Христиан демократик союз (ХДС), Христиан социал союз (ХСС), Либераллар партияси ва Яшиллар партияси асосий партиялар ҳисобланади. Христиан демократлар иттифоқи ихтиёрийлик асосида католик ва протестантларни ўзида бириштирган катта таъсирга эга партиядир. 1949–1966 йилларда ушбу партия аъзолари Бундестаг кўпчилигини ташкил этди. Партия лидери К. Аденауэр эса 1949–1963 йиллар давомида Канцлерлик вазифасини бажарди. Ҳозирда унинг 1 миллионга яқин аъзоси бор. 1982 йилги Парламент сайловлари яна уларнинг фойдасига хал бўлди. 1998 йилда эса ҳокимият тепасига Социал-демократлар партияси келди. (1998–2002, 2002–2006 й. й.). Улар марксча гоялардан анча йироқ бўлган ислохотчи социалистлардан ташкил топиб, гояларига кўра адолатсизликлардан холи капиталистик ва либерал тузум тарафдорларидир. Социал-демократлар партияси (1969–1982 й. й.), Парламентда кўпчилик ўринларни қўлга киритдилар. Партия лидери Брандт (1969–1974) ва Шмидт (1974–1982) ҳукуматни кетма-кет бошқардилар. Ҳозирда партиянинг тахминан 1 миллионга яқин аъзоси бор. Либераллар партиясига келсак, эркин иқтисод ва сийсат мазкур партиянинг асосий мақсадидир. Унинг бор-йўғи 100 минг атрофида аъзоси бор, холос. Мустақил ҳолатда ҳокимият тепасига келмаган бўлса-да, 1969–1982 йилларда Социал-демократлар билан биргаликда ҳукуматни бошқаришда иштирок этди. Кўпинча Бош Вазир – Канцлернинг истеъфо бериши ҳам партиялар фаолияти билан боғлиқ. 1963 йил К. Аденауэр, бир томондан, қариб қолганлиги боис (ўша пайтда у 87 ёшда эди), иккинчи томондан эса, Либераллар партияси билан шартномавий мажбурияти туфайли истеъфо берди. Христиан-демократ Канцлер Л. Эрхард 1966 йил либерал вазирларнинг ҳукуматдан чиқиб кетиши ва ўз партиясининг ёрдамидан

махрум бўлгач, вужудга келган танг аҳволдан истеъфо бериш билан чиқа олди, холос. Либералларнинг социал-демократлар партиясига билан бирлашиши туфайли 1969 йил канцлер В. Кизингер ва бу партиянинг социал-демократлардан ажралиб, христиан демократлар партиясига қўшилиши натижасида 1982 йил Канцлер У. Шмидт ўз лавозими билан хайрлашишга мажбур бўлди.

Кўриниб турибдики, партиялар ҳукумат фаолиятини белгилашда ҳам муҳим роль ўйнайди. 1982–1998 йиллар Германия тарихига “Коль асри” номи билан кирди. Бу давр ичида иккала Германия бирлашди, ягона олмон давлати ташкил топди, иқтисоди гуллаб бошладди. Бирок орадан кўп ўтмай Коль иқтисодий фирибда айбланди, 2000 йил 18 январда Христиан демократлар партиясига раислигидан озод этилди. 1998 йил Парламент сайловларида ғолиб чиққан Ж. Шрейдернинг Социал-демократлар партиясига мамлакатни 2006 йилгача бошқарди ва ўз ўрнини яна либералларга бўшатиб берди. Либерал демократлар 2010 йилги Бундестаг сайловларида Ангела Меркель бошчилигида иккинчи бор галаба қилиб, мамлакатни бошқармоқда.

2- §. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германиянинг бўлиб юборилиши

Урушдан кейин Германия масаласи

Урушдан кейин Германия масаласи Гитлер Германиясига қарши тузилган коалиция давлатларининг диққат марказида турган асосий масалалардан бири бўлди. Кун тартибида уруш айбдорларини ҳаққоний жазолаш ва дунё ҳамжамиятини келажакда Германия томонидан вужудга келиши мумкин бўлган навбатдаги тажовуздан халос этиш масалалари турарди. 1941 йил декабрида Москвада бўлган Совет–Англия музокараларидаёқ иккала томон рейх худудининг бир қисmini тақсимлаш, яъни Австрия мустақиллигини тиклаш, Шарқий Пруссияни Польшага, Судет вилоятини Чехословакияга қайтариб бериш ҳамда Рейн вилояти ва Боварияда мустақил давлатлар барпо этиш масалалари муҳокама қилинган эди. АҚШ маъмуриятида эса Германияни парчалаб юбориш ғоясининг тарафдорлари билан бирга, унга қарши турувчилар ҳам бор эди. 1943 йил 19–30 октябрдаги Москва конференциясида

АҚШ “Германия таслим бўлишининг асосий принциплари” номли ҳужжатни тақдим этди. Унда гап янги Германияда Пруссия таъсирини сусайтириш, Германияни бўлиб юбориш гоёси илгари сурилди. СССР бунга қарши чиқди.

1943 йилнинг 28 ноябр—1 декабридаги Техрон Конференциясида АҚШ ва Англия давлатлари бошлиқлари Германия масаласига янада шафқатсизлик билан ёндашди. АҚШ Германияни бешта мухтор давлатга бўлишни, Англия эса Германия жанубий вилоятларини “Дунай Федерацияси” таркибига киритишни таклиф қилди яъни Австрия ва Венгрия билан биргаликда тузиладиган Дунай Федерациясига қўшиш таклиф қилинган эди. Бу масалада Сталиннинг фикри бошқача эди. У Германияни парчалаш олмон миллатчилиги ва реваншизмнинг янада кучайишига олиб келади, шунинг учун Германия бўлинмас ягона давлат бўлиши керак деган фикрда қолди. 1944 йил 15 январда Британия Ҳукумати томонидан Германияни оккупация зоналарига (худудларига) бўлиш режаси таклиф қилинди. Унда илк бор келажақда ГФР ва ГДР чегарасига айланган чизик аниқ кўрсатилган эди. 1944 йил октябрдаги Квебек (Канада) конференциясида Черчилл АҚШ Молия вазирини Генри Моргентау томонидан Германияга нисбатан ишлаб чиқилган режани илгари сурди. Бу режада Германияни худудий жиҳатдан бўлиб юбориш, унинг sanoat салоҳиятини сусайтириш ва қаттиқ халқаро назорат остида аграр ишлаб чиқаришни рағбатлантириш кўзда тутилган эди. Фақат уруш тугаши арафасида АҚШ ва Буюк Британиянинг Германияга нисбатан сиёсати бироз юмшади. 1945 йил 4—12 февралдаги Ялта конференциясида АҚШнинг Германияни 5 қисмга, Англиянинг Германияни 3 қисмга бўлиш тўғрисидаги таклифлари кун тартибидан олиб ташланди ва урушдан кейинги Германияга ягона давлат сифатида қараш тўғрисида битимга келинди. Конференцияда Германияни зоналар бўйича оккупация қилиш, яъни Германияни оккупацион зоналарга бўлиш, Франция учун ҳам зона ажратиб бериш, Берлинга уч давлат қўшинларини киритиш, Германия устидан маъмурий назорат ишларини иттифокчи давлатларнинг оккупацион қўшинлар қўмондонларидан иборат Олий назорат органига топшириш мўлжалланди. Конференцияда герман милитаризми ва нацизмини битириш, Германияни демократлаштириш, Германиянинг ҳарбий sanoat куч-қудратини йўқ қилиш, ҳарбий жиноятчиларни жазолаш, Германия етказган зарарларни ундириб олиш ҳақида мажбуриятлар олинди.

Германия масаласи 1945 йил 17 июлдан 2 августгача Потсдамда бўлиб ўтган конференцияда узил-кесил ҳал этилди. Конференция Германия мағлубияти тўғрисидаги Декларацияни ва Ялтада ишлаб чиқилган Германияга нисбатан сиёсат тамойиллари кўрсатилган Коммюникени тасдиқлади. Германия, шу жумладан, Берлин ҳам 4 та оккупация зоналарига ажратилди. Бунда совет оккупация зонаси Германия ҳудудининг 40% ини, аҳолисининг 30% ини, ишлаб чиқариш салоҳиятининг 33% ини ўз ичига оларди. Тартибга солиш, Германия ва унинг иттифоқчилари билан сулҳ шартномаларини ишлаб чиқиш учун бешта давлат (СССР, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Хитой) Ташқи ишлар вазирлари Иттифоқ Кенгаши, Бош қўмондонлар Назорат Кенгаши ҳамда Берлинда иттифоқчиларнинг қўшма комендатураси ташкил қилинди. Германиянинг иқтисодий бирлигини ва олмон халқининг ягона демократик давлат тузиш ҳуқуқини сақлаб қолиш тамойили қатъий белгиланди. Аммо шу нарсага эътибор бериш керакки, Потсдам келишуви матнига “Ғарбий минтақалар” деган тушунча аллақачон киритилган эди. Потсдам конференцияси Германиянинг янги чегараларини белгилади: Шарқий Пруссия СССРга берилди, Одергача бўлган ҳудуд ва Ғарбий Нейсе Польшага, Судет вилояти Чехословакияга қайтарилди, Австрия мустақиллиги тикланди. Польша, Чехословакия ва Венгрияда яшовчи олмонлар мажбуран Германияга кўчирилди.

Товон (репарация) ҳажми ва манбалари тўғрисидаги масала баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Оқибатда АҚШ делегацияси таклифи қабул қилинди. Унга кўра, ҳар бир ҳукумат ўз оккупация зонасидан ва Германиянинг ташқаридаги маблағлари (Болгария, Венгрия, Руминия, Финляндия, Австрия) ҳисобидан товон ундириши керак эди. СССР Германиядан Ғарб мамлакатлари фойдасига ундирилган олтиндан воз кечди, аммо Ғарбий оккупация зоналардаги саноат жиҳозларининг 10% ига эга бўлди. Германия флотини СССР, АҚШ ва Буюк Британия ўртасида тенг бўлиб олинди. Товон тўловларининг аниқ суммаси белгиланмади, чунки Британия ва АҚШ давлатлари Германиянинг СССР талабини қондира олишига кўзи етмади. СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция Бош қўмондонларидан иборат Иттифоқчилар Назорат Кенгаши (СНҚ) 1945 йилнинг июн ойида ташкил қилинди. Иттифоқчилар Назорат Кенгаши ўз фаолиятининг биринчи ойларида Потсдам конференцияси қарорларига аниқлик киритувчи “Вермахтга барҳам бериш”, “Олмон ярим ҳарбий ташкилотларини тарқатиб юбориш”, “Германияда ҳарбий қурилишларни

таъқиқлаш тўғрисида”ги Қарорларни қабул қилди. Иттифокчилар Назорат Кенгаши Германия ҳудудида ҳокимиятни тўла қўлга олди. Унинг қарорлари ҳар бир томоннинг вето ҳуқуқидан фойдаланиши кўзда тутилган ҳолда консенсус (ҳамжиҳатлик) асосида қабул қилинар эди. Аммо оккупация зоналарида маъмурий бошқариш мустақил амалга оширилар эди. Оккупацион ҳукуматлар назорати остида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва олмон сиёсий партиялари тиклана бошланди. Ягона Германия Ҳукумати барпо этишга илк қадам сифатида марказий бошқармаларни (молия, транспорт, ташқи савдо ва саноат бошқармалари) тузиш ишлари бошланди. Бу бошқармалар Иттифокчилар Назорат Кенгаши назорати остида фаолият кўрсатиши кўзда тутилди.

Оккупация даври

Урушдаги қақшатқич маглубият Германияни иқтисодий ва ижтимоий-руҳий жиҳатдан ҳалоқат ёқасига олиб келди. Урушда Германиянинг талофати 13,5 миллион кишини ташкил этди. Уруш Германияни аҳолисининг ўндан бир қисмидан маҳрум қилди. Кўпгина шаҳарлар, айниқса, шарқий ҳудудлар бутунлай вайрон қилинди. Саноат корхоналарининг асосий қисми бомбардимонлар туфайли вайронага айланди. 1946 йилда саноат ишлаб чиқариши урушдан олдинги даврга нисбатан уч баравар қисқарди, қишлоқ хўжалиги ўттиз йил орқага кетди. Иқтисодиётга ишчи куч етишмас эди. Транспорт тузилмаси ва энергия тизими бутунлай ишдан чиққан эди, минтақалараро савдо алоқалар узилди. Ёппасига олиб-сотарлик, “қора бозор” ва дўконларнинг бўм-бўш расталари одатий ҳолга айланди. Урушдаги вайроналар ва аҳоли кўчиши туфайли уй-жой масаласи оғирлашди. 1945 йилда аҳолининг энг зарур нарсалар билан таъминланиш даражаси аҳоли жон бошига ҳисоблаганда қуйидагича эди: бир жуфт оёқ кийим 12 йилга, костюм 50 йилга, тарелка 5 йилга берилди. Олмон халқи очликка гирифтор бўлди. Моддий талофатга молиявий тизимнинг бутунлай ишдан чиққанлиги кўшимча эди. Муомалада бўлган пул миқдори мавжуд бўлган маҳсулотга нисбатан бир неча марта кўп эди, давлат қарзлари 1938 йил охиридаги 27,2 млрд маркадан 1945 йил майига келиб 377,3 млрд маркага етди. Инфляция урушдан олдинги даврга нисбатан 600% ни ташкил этди. Иш куни 16 соат ва ундан кўп давом этарди, аммо ойлик маош 1940 йил даражасида сақланиб қолган эди. Олмон жамиятини камраб

олган психологик эсанкираш ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Одамлар кайфиятини, асосан, ички тушкунлик ва умидсизлик кайфияти, нафрат ҳамда келажакка ишончсизлик чулғаб олганди. Фуқаролик бошқарув органларини шакллантириш ниҳоятда мураккаблашган эди. Аҳоли катта қисмининг сиёсий фаоллиги жуда паст эди. Илгариги амалдорлар ва сиёсатчиларнинг катта қисми нацистлар билан алоқада бўлганликда айбланиб, лавозимларидан четлаштирилди. Франция ва Италиядаги каби янги бошқарув органларини тузиш масаласида келишмовчиликлар мавжуд эди. 1945 йилнинг октябридаёқ АҚШ маъмурияти Потсдам конференцияси қарорлари асосида олмон Марказий бошқарувларини яратиш масаласини қўйди. Аммо бу таклифга Германияни бутунлай бўлиб ташлаш тарафдори бўлган Франция қарши турди. Франция ветосига қаршилик кўрсата олмаган АҚШ 1945 йил ноябрида Иттифоқчилар Назорат Кенгашига икки ёки уч минтақа (зона) учун марказий бошқармалар тузиш тўғрисидаги таклифни киритди. Франция билан дўстона муносабатларни сақлаб қолишга интилаётган ва АҚШ таклифига шубҳа билан қараган СССР АҚШ таклифини Германиянинг тўрт томонлама бошқарилиши тамойилининг бузилиши ва унга барҳам беришга қаратилган қадам деб баҳолади. Тикланиш жараёнини бошқариш тўлиқ оккупацион ҳукуматлар ихтиёрида қолди.

Германиядаги Совет Ҳарбий Маъмуриятининг (ГСХМ) фаолияти аҳолининг моддий таъминотига салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, саноат ускуналари, истеъмол моллари, транспорт ва хомашёни товон ҳисобига олиш ички аҳволни мураккаблаштирди. Германия худудидан 22 минг вагон хўжалик моллари, 73 минг вагон уй-жой қурилиш моллари, 154 вагон матолар, мўйналар ва ҳаттоки 24 вагон мусиқа асбоблари олиб чиқиб кетилди. СССРга 2 миллион бош қорамол олиб кетилди. 3474 та саноат ва хўжалик корхоналари асбоб-ускуналари (демонтаж) қисмларга ажратилди. Фақатгина 1947 йил январидан бошлаб демонтажни тўхтатиш ва йирик корхоналарда совет ҳиссадорлик жамиятларини яратиш ва уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни репарация (товон) ҳисобига ундиришга қарор қилинди.

ГСХМ зобитлари етарли тажрибага эга бўлмаганлиги сабабли қаттиқ бошқарув усулини ва ҳарбийлашган тартибдаги хўжалик тизимини жорий қилди. Германия совет ҳарбий маъмурияти фаолиятида Хавфсизлик хизматининг, шунингдек, Ташвиқот ва цензура бошқармасининг ўрни катта бўлди. Шарқий Германияда Ички иш-

лар чалқ комиссариати (НКВД) ҳам фаоллик кўрсатди. Ғарбий оккупацион минтақалардан фаркли ўлароқ, Шарқий Германияда тезда олмон бошқарув органлари ташкил қилинди. Аммо уларнинг фаолияти тўла Совет маъмурияти томонидан назорат қилинарди.

1945 йил охиридан бошлаб совет зонасида иқтисодий ислоҳот ўтказиш бўйича фаол қадамлар ташланди. Ғарбий ёки нацист жиноятчи деб тан олинган шахсларга тегишли саноат корхоналарини мусодара қилиш иши тезлаштирилди. Германиядаги Совет ғарбий маъмурияти мусодара қилинган корхоналар тақдирини белгилаш мақсадида референдум ўтказди, натижада бу корхоналар халқ мулки деб эълон қилинди. Шундай қилиб, Шарқий Германия саноатининг 60% и давлат сектори ихтиёрига ўтди. Бу сектор фаолияти режалаштирини тамойиллари асосида ва заводлардаги кенгашлар ва қасаба уюшмаларига ўз-ўзини бошқариш бўйича кенг ҳуқуқлар бериш билан амалга оширилди.

1945–1946 йилларда аграр ислоҳот ҳам ўтказилди. Юнкерлар ва черковдан мусодара қилиб олинган 3,3 млн гектар ер, улардаги хўжалик иншоотлари, чорва ва 6 мингга тракторлар билан биргаликда 560 минг нафар ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб берилди. Бу шарқий зонадаги қишлоқ хўжалиги ерларининг 33% ини ташкил этарди. Уларда деҳқонларнинг ўзаро ёрдам жамоа бирлашмалари тузила бошланди, 1949 йилда эса ислоҳот давомида деҳқонларга берилган ҳамма ерлар “халқ мулки” деб эълон қилинди ва бу жамоа хўжаликлари тузиш учун асос бўлди.

Ғарбий минтақалардаги иқтисодий ўзгаришлар бошидан бошқача тус олди. Вайроналарнинг шарқий ҳудудларга нисбатан камлигига қарамадан, аҳоли аҳволи бу ерда ёмонроқ эди. Урушнинг охириги ойлариданок Германия жанубига қочоқлар тўплана бошлаган эди. Совет зонасидан, шунингдек, Чехословакия, Венгрия ва Польшадан келган қочоқлар ҳам шу ерга тўпланаётган эди. Агар 1945 йилда Шарқий Германияда аҳоли 17 млн дан иборат бўлган бўлса, улар ғарбий ерларда 44 млн ни ташкил этарди. Кейинчалик бу фарқ янада катталашди.

Олмон аҳолисининг оғир аҳволи АҚШ, Англия ва Франция давлатларини ғарбий зоналардан маҳсулотлар ва саноат асбобу-скуналарини товон ҳисобига ундиришдан воз кечишга ҳамда олмон ишчиларига ойлик маоши тўланишини йўлга қўйишга мажбур этди. Ғарбий зоналардан фақат илмий лабораториялар ва техника марказларидаги махсус қурилмалар олиб кетиладиган

бўлди. Умуман, уруш оқибатида Ғарбий Германиянинг иқтисодий салоҳиятининг қисқариши урушдан олдинги даврнинг 20% ини, саноат корхоналарини қисмларга ажратиш (демонтаж) оқибатида эса 12% ини (Шарқий Германияда бу кўрсаткич 45 ва 25%) ташкил этди.

Ғарбий минтақалардаги оккупацион ҳукуматлар дастлаб амалга ошириладиган иқтисодий тадбирларнинг аниқ режасига эга эмас эдилар. Шунинг учун улар ишни учала минтақада фашист ҳарбийлари ва нацист-жиноятчиларнинг мулкларини мусодара қилишдан бошлади. Аммо у ёки бу минтақа доирасида бирор-бир марказлашган бошқарув тузилмаларини шакллантириш ва миллийлаштириш бўйича тайёрланган лойиҳалар йўқ эди. Бундан ташқари, энг яхши таъминланган АҚШнинг солдат ва офицерлари учун “қора бозор”нинг сақлаиб қолиши ҳам фойдали эди.

Оккупацион ҳукуматларнинг барқарорликни шакллантириш бўйича турлича қарашларга эга эканликлари 1946 йил майида Ташки ишлар вазирлари Кенгаши (ТИВК)нинг Парижда бўлиб ўтган сессиясида маълум бўлди. Унда на Германия билан тузиладиган Сулҳ Шартномасининг умумий тамойиллари ва на иқтисодий ўзгаришларнинг ягона режалари ишлаб чиқилди. Мамлакатни бўлиб юбориш аломатлари кўрина бошлади. Бунга зоналараро олиб-сотарлик авж олганлиги ҳам баҳона бўлди. Диний ойлик маош олиб ишлайдиган ғарбий зоналар совет зонасидан арзонроқ маҳсулотларни ва озиқ-овқатни олиб кетишга уринарди. Натижада тўрттала томон маъмурияти розилиги билан 1946 йил 30 июнида совет ва ғарбий зоналар (ҳудуд) ўртасидаги чегарада одамлар ва маҳсулотлар оқими устидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

1946 йил ёзидан бошлаб Германиядаги аҳвол кескинлаша бошлади. Июл ойида АҚШ давлат департаменти маъмурий бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида АҚШ ва Буюк Британия оккупацион зоналарини бирлаштириш тўғрисидаги истагини билдирди. “Иқтисодий бирлашган ҳудуд (Бизония) тузиш тўғрисида” 1946 йил декабрида Битим имзоланди. Бирлашган оккупацион минтақалар доирасида иқтисодий инфратузилмани, истеъмолчи бозорини, барқарорлашган меҳнат бозорини тиклашга ва тартибга солишга қаратилган сиёсат амалга оширила бошланди. Бу жараёнда аллақачон олмон бошқарув органлари, жумладан, Л. Эрхард раҳбарлик қилаётган Иқтисодий Кенгаш муҳим роль ўйнади. Бу чораларнинг ҳаммаси совет давлатининг розилигисиз амалга оширилди.

Германиянинг Шаркий ва Ғарбий ерларидаги сиёсий ўзгаришлар жараёни ҳам бир-бирдан кескин фарклана бошлади. Аввалига бу жараён Потсдам келишувлари доирасида рўй бериб, нацистлар партияси, Германия Куролли Кучлари, офицерлар корпуси, ярим ҳарбий ташкилотлар тарқатиб юборилди. Сиёсий фаолиятга аралаштириш ва фуқаролик лавозимларига эгалик қилиш ҳуқуқи фақат сиёсий ва маънавий сифатларига кўра Германияда демократияни ривожлантиришга ёрдам бера олувчи шахсларга берилди. Фуқаролик, иркий, миллий тенглик тамойиллари асосида суд тизими қайта ташкил қилинди. 1945 йил ноябри–1946 йил октябрида Нюрнбергда Халқаро трибунал суди фаолият кўрсатди. Унинг давомида пацист ва ҳарбий жиноятчилар жавобгарликка тортилди. Денацификация (фашизмни йўқ қилиш) бўйича маҳаллий оломон комиссиялари (шпрухкемер) ташкил қилинди. Улар иттифокчиларнинг трибуналлари билан ҳамкорликда айбланувчиларнинг айбдорлик даражасини аниқларди. Шунга биноан жиноий ишлар бешта тоифага бўлинди: (“асосий жиноятчилар”, “жазо юкланганлар”, “жазо билан камроқ юкланганлар”, “ҳамтовоқлар” ва “тегинмаганлар”). Жиноий жавобгарлик фақат биринчи тоифа учун белгиланди, шунинг учун айбланувчиларнинг 95% и оқланди ва қисман ҳуқуқлардан маҳрум қилинди.

Денацификация ва демократлаштириш жараёни янгиланган оломон сиёсий элитасининг шаклланиши билан биргаликда рўй берди. Ғарбий ва шарқий минтақаларда партия қурилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Совет маъмурияти 1945 йилда 4 та партияга Шарқий Германия ерларида фаолият кўрсатишга руҳсат берди: Германия Коммунистик партияси (ГКП), Германия Социал-демократик партияси (ГСДП), Христиан демократик союз (ХДС), Германия Либерал-демократик партияси (ГЛДП). 1948 йилда Германияда Совет ҳарбий маъмурияти ёрдами билан Миллий-демократик партия (МДП) ва Демократик деҳқонлар партияси (ДДП) тузилди. Бу партиялар сўл блокнинг ижтимоий-сиёсий базасини тўлдиришлари керак эди. Германия Совет ҳарбий маъмурияти ёрдами билан коммунистлар янги полиция, суд ва прокуратура органлари тузиш учун янги кадрлар танлаш имтиёзига эга бўлди. Коммунистлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ижодкор зиёлилар фаолиятини назорат қилишда ҳал қилувчи роль ўйнади ва аграр ислоҳотлар ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Компартия раҳбариятида Германияда социализм қуришни ёқловчи Вальтер Ульбрихт раҳбарлигидаги кучли сўл радикал қанот мавжуд эди. Компартия раҳбари Вильгельм Пик пози-

цияси юмшоқроқ бўлиб, 1945—1946 йилларда у партия фаолиятини умумолмон давлати доирасида Парламентар-демократик республика яратишга йўналтиришни ёқлади.

Германия Социал-демократик партиясидаги сўл радикал ва мўътадил оқимлар ўртасидаги кураш янада кескинроқ эди. Улардан бири О. Гротеваль раҳбарлик қилаётган Берлин Марказий Қўмитаси бўлса, иккинчиси Буюк Британия зонаси мададига суянувчи К. Шумахер бошлиқ Гоннавер бюроси эди. Германия Социал-демократик партияси раҳбарияти коммунистлар билан кўшилиш ва ягона Германия сўл партиясини тузиш тарафдори эди. Шу сабаб 1946 йил апрелида иккала партиянинг бирлаштирувчи съезди бўлди. Янги партия “Германия Бирлашган социалистик партияси” (ГБСП) деб номланди. Унинг дастурида долзарб иктисодий муаммоларни ҳал қилиш: “эксплуатация ва зулмга, қашшоқлик ва ишсизликка барҳам бериш ҳамда империализм таҳдидидан холос бўлган социализм қуриш ўз ифодасини топган эди. ГБСПнинг тенг ҳуқуқли раҳбарлари В. Пик ва О. Гротевальлар бўлдилар. Ягона бирлашган партиянинг дастурини қўллаб-қувватламаган аъзолари янги партия сафидан четлаштирилди.

К. Шумахер гуруҳи бирлаштирувчи съезд натижаларини тан олмади. Ўнг социал-демократлар 1946 йил майида Гоннавердаги съездда Германия Социал-демократик партиясини қайта тиклади. Шумахер коммунистлар ва уларга қўшилган социал-демократларга нисбатан қаттиқ позицияни эғаллади ва улардан бирини “совет партияси”, иккинчисини “олмон миллий манфаатлари сотқинлари” деб атади. Шаркий ерларда фаолият кўрсатишдан воз кечган ГСДП Одер-Нейсе дарёлари бўйлаб ўтган чегарани қайта кўриб чиқишни ва ҳамма босиб олинган зоналарда товоғ тўловларини бас қилишни талаб қилди. Шумахер айирмачиликнинг ашаддий душмани эди ва ягона мустақил олмон давлати тарафдори эди. Шу билан бирга, урушдан кейинги шароитда совет ҳарбий-сиёсий таъсиридан қутулиш учун ҳаттоки мамлакатнинг парчаланишига ҳам тайёр эди. Шумахер нацистлар лагерида 10 йилни ўтказган муросасиз антифашист сифатида жуда машҳур эди.

ГБСПнинг тузилиши ва бир вақтнинг ўзида Германияда Социал-демократик партиянинг парчаланиши Германиянинг ғарбига ҳам таъсир қилмай қолмади. Ғарбдаги оккупацион ҳуқуматлар ГБСП байроғи остида ягона коммунистик ва социал-демократик ташкилотлар тузилиши таъқиқлаб қўйди. Натижада 1948 йил апрелида Ғарбий

Германия Коммунистик ташкилотлари конференцияси Макс Рейман бошчилигида ўз раҳбариятини сайлади ва ГКПнинг ГБСПдан ажралиб чиқиши 1949 йилнинг 3 январида юз берди.

Германиянинг урушдан кейинги сиёсий ҳаётида христиан демократлар ҳам муҳим ўринга эга бўлди. Германия кўп асрлик христиан сиёсий ҳаракати анъаналарига эга эди. Иккинчи жаҳон уруши туғандан сўнг нафақат Германия, балки Италия, Австрия, Франция, Голландия, Бельгида ҳам христиан демократик ҳаракатнинг бирлашуви рўй берди. Христиан демократияси мафкуравий синтез асосида ривожланди: давлат қурилиши тўғрисидаги либерал-демократик қарашлар ижтимоий католицизм, “тараққиётнинг учинчи йўли” мафкураси билан қоришиб кетган эди. Ижтимоий католицизмнинг корпоратив ғояларидан воз кечган христиан демократияси жамиятга ягона ўзаро боғланган организм деб қараш, инсонни Худо томонидан яратилганлигини тан олиш, инсоннинг ўз виждони ва Худо олдида жавобгарлиги ғояларига асосланар эди. Германия учун христиан демократиянинг уйғониши ниҳоятда муҳим эди. Христиан демократияси вайронага айланган, ўз ўтмишидан ҳафсаласи пир бўлган ва келажакка умидсизлик билан қараётган мамлакатда юзага келган маънавий бўшлиқни тўлдирар олди, миллий ғоя ҳаққонийлигини сақлаб қолди. Христиан демократларнинг умумгерман ташкилоти (ХДС) 1945 йил июнида Берлинда тузилди. Унинг раҳбари Андрос Гермес тезда совет маъмурияти тазйиқи остида ўз лавозимини тарк этишга мажбур бўлди. Унинг ўрнини қасаба уюшмалари раҳбари Яков Кайзер эгаллади. ХДС совет зонасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш масалаларида сўл партияларнинг фаол рақибига айланди. ГБСП ташкил топгандан сўнг, христиан демократлар янада радикал позицияни эгаллашди. 1947 йил октябрида Берлинда бўлиб ўтган ХДСнинг 2- съездида Яков Кайзер партияни догматик марксча ва унинг тоталитар (мустабид) сиёсатига қарши курашга чақирди. Кайзер жосуслиқда айбланди. Таъқиблар остида Кайзер ва унинг бир қатор ҳамкасблари Ғарбий Германияга кетишга мажбур бўлди. Шундан кейин Шарқий Германия Христиан демократик союзига О. Нушке бошчилик қилди.

Ғарбий Германия Христиан демократияси раҳбари 1933 йилда нацистлар томонидан ўз вазифасидан озод этилган ва урушдан кейин сайланган собиқ Кельн шаҳри мэри Копрад Аденауэр бўлди. Аденауэр 1945 йил 2 сентябрида Кельндаги съездда ташкил этилган ғарбий зоналар ХДСига раҳбарликка сайланди. АҚШ Ҳукумати

ёрдами билан у обрўли жамоат арбоблари ва йирик сиёсий гуруҳ вакилларидан ўз партияси ядросини шакллантира бошлади. У партия қурилишининг “фаоллар” моделидан воз кечди. ХДС дастурида сайловчиларнинг кенг қатлами қўллаб-қувватлашига эришиш ва шу асосда янги демократик давлатчиликнинг ижтимоий асосини шакллантириш илгари сурилган эди. ХДС “барча христианлар” ва “барча қатламлар” бирлашмаси, яъни барча ижтимоий гуруҳлар ҳамда иккала христиан конфессиясининг манфаатларини ҳимоя қилувчи партия деб қараларди. Шу билан бирга, Аденауэр ХДСнинг антикоммунистик йўналишини таъкидлаб, ҳам нацистик, ҳам марксистик мафқуравий экстремизмни қаттиқ қоралади.

Ғарбий зоналардаги оккупацион ҳукуматлар томонидан ХДСнинг қўллаб-қувватланиши иттифоқчилар ўзаро муносабатларида 1946 йил охиридан бошлаб узоклашиш пайдо бўлганлигини кўрсатарди. Германия парчаланиши тобора яққол намоён бўла борди. Аденауэр Ғарбий Германия давлатини тузиш гоясини очиқчасига қўллаб-қувватловчи олмон сиёсатчиларидан бири эди. Аденауэр пруссча анъаналарни кўрарга кўзи йўқ эди. Ғарб цивилизацияси доирасида Германия буюклигини тиклашни орзу қиларди. Бундай сиёсатни амалга оширишда 1946 йилда католик христиан партия (кейинчалик конфессиялараро) сифатида Баварияда ташкил топган Христиан социал союз (ХСС) ХДСнинг ишончли иттифоқчисига айланди. ХСС раҳбари Франц-Йозеф Штраус ХДСнинг умумий тамойилларини ва Аденауэрнинг сиёсий дастурини ёқлаган ҳолда ўз фаолиятида мустақилликни сақлаб қолишга интилар эди. Ғарбий Германиянинг қолган ерларида христиан демократик ҳаракатнинг бирлашиши 1947 йилда рўй берди.

Либерал йўналишдаги сиёсий партиялар урушдан кейинги даврда Германияда сўллар ва христиан демократлар каби мустаҳкам партияга айлана олмади. Либерал-демократик партия шарқий зонада 1945 йилдаёқ ташкил қилинган бўлса-да, аммо совет маъмуриятининг қаттиқ таъйиқи остида бутун Германияга ўз таъсирини кўрсата олмади. Бунинг акси ўлароқ, 1946 йилнинг бошидан Ғарбий зоналарда либералларнинг мустақил сиёсий ҳаракати шаклланди ва 1948 йилнинг декабрида Эркин демократик партия (ЭДП) ташкил топди. Унинг раҳбари Теодор Хейс эди.

1946 йилда бўлиб ўтган земел ҳукуматлари (ландтаглар)га бўлган сайловлар Германиядаги етакчи сиёсий кучларнинг аҳволи танг эканлигини намоён этди. Ҳагтоки совет зонасида ҳам сай-

ловлар демократик мухитда ўтказилди. Натижада ГБСП ландтаглар ва земеллар бошқарувида (ГЛДП) ва ХДСлар биргаликда эгаллаган мандатлар сонига тенг мандатга эга бўлди. Ғарбий зоналарда христиан демократлар 6 та, социал-демократлар 5 та земел бошқарувига эга бўлишди. Аммо тез орада Шарқий ва Ғарбий Германия сиёсий бошқарувида ўзига хослик намоён бўла бошлади. Бунга оккупацион ҳукуматларнинг тўғридан-тўғри аралашувидан ташқари, олмон жамиятининг ўзига хос минтақавий хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатди.

Шимоллий ва Шарқий Германия бир неча ўн йиллар давомида ишчилар ҳаракатининг марказига айланганлиги ва коммунистларнинг таъсири энг кучли ҳудуд бўлганлиги билан ажралиб турарди. Айнан шу минтақа олмон тупроғида социалистик тузумнинг қарор топиши учун муҳим таянч бўлди. Ғарбий ва Жанубий Германия тарихан айирмачилик ҳаракатлари ва католицизм ҳукмронлик қилган минтақа эди. Рейн ва Бавария олмонлари ўзига хос этнопсихологик хусусиятларга эга эдики, бу хусусиятлар уларни олмон миллатининг этник асосидан ажратиб турарди. Шунингдек, муҳожирлар ва қочоқларнинг оммавий оқими ҳам олмон жамияти ва сиёсий таркибининг кутбланишига таъсир кўрсатди. Коммунистик таҳдидга кўнникишни хоҳламайдиган кўпгина олмонлар Ғарбий ерларга қочиб кетишди. Концлагерлар ва муҳожирликдан қайтган коммунистлар ва сўл социалистлар, албатта, мамлакат шарқида тўпланган эди.

1948 йилги Берлин инқирози ва Германиянинг парчаланishi

1947 йилнинг бошидаёқ Германиянинг тараққиёт йўллари масаласида иттифоқчилар ўртасидаги сиёсий музокара боши берк кўчага кириб қолгани яққол кўринди. Ташқи ишлар вазирликлари Кенгашининг 1947 йил март-апрель ойларида Москвада бўлган сессиясида совет делегацияси тайёр маҳсулотларни репарация (товон) ҳисобига ундиришни яна кун тартибига қўйди. Унинг рақиблири товон ундиришни бас қилиш ва олмонларга иқтисодий тизимни тиклашга имкон бериш лозимлигини айтишди. Баҳс-мунозара бирор аниқ натижага олиб келмади. ТИВКнинг навбатдаги – 1947 йил декабрда Лондонда бўлган сессияси ҳам мутлақо натижасиз туради. Унда ҳаттоки кейинги сессияни қачон ва қаерда ўтказишга ҳам келишиб олинмади.

Германия масаласининг кескинлашиши СССРнинг товон ундириш масаласида қаттиқ туриб олишидан ташқари, АҚШнинг ташқи

сиёсатидаги ўзгаришига ҳам боғлиқ эди. “Трумэн доктринаси” туфайли СССР–АҚШ ўртасидаги карама-қаршиликнинг бошланиши биринчи навбатда, Европа мамлакатлари тақдирига салбий таъсир кўрсатди. АҚШ Европага ҳарбий блок стратегияси нуқтаи назаридан қарай бошлади. Бу йўналишдаги илк қадам “Европанинг тикланиши ва ривожланиши (“Маршалл режаси”) дастури”нинг ишлаб чиқилиши бўлди. 1947 йилнинг июнида ишлаб чиқилган ва 1947 йил июлида Париж конференциясида кўрилган бу режа 1948 йил апрелда қонуний кучга кирди.

1948 йил январида Бизония Вазирлар Мажлисида ғарбий ерларда иқтисодий ислохотни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди. Олий суд ва Марказий Банк ташкил қилинди. Иқтисодий Кенгаш ва директоратга бирлаштирилган марказий бошқармаларнинг вазифалари кенгайтирилди. Франция Ҳукумати билан келишувга эришилди. Товон тўлаш ўрнига, Францияга Саар вилояти ижарага берилди. Франция ўзига тегишли оккупацион зонанинг АҚШ ва Англия оккупацион зоналари билан кўшилишига рози бўлди. 1948 йил февралда Тризония ташкил этилди. Саар вилояти 1957 йилгача, яъни ГФР таркибига киритилгунга қадар Франция ихтиёрида қолди.

1948 йилнинг феврал-июн ойларида Германия масаласи бўйича Лондон конференцияси бўлиб ўтди. Унда биринчи бор совет делегацияси иштирок этмади. Конференция янги Германия давлатининг Конституциясини ишлаб чиқиш учун таъсис йиғилишини чақиритишга қарор қилди. Ўша даврда АҚШ маъмурияти “Маршалл режаси”ни Германиянинг ғарбий оккупацион зоналарига жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу масалага оид шартномада таъкидланишича, Ғарбий Германия иқтисодиётининг тикланиши “шахсий эркинлик”, “эркин бошқарув”, “соғлом иқтисодий муҳит”, “мустаҳкам хорижий алоқалар” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш” таъминланишига асосланган Европа ривожланиш режасининг асосий қисми эди. Иқтисодий ислохот устидан АҚШ махсус органларининг назорат қилиши, олмон бозорида божхона чеклашларини бекор қилиш, монополияга барҳам бериш сиёсатини давом эттириш таъминланди. “Маршалл режаси” амалга оширила бошлаганининг биринчи йилидаёқ Ғарбий Германия АҚШдан 2 422 млрд доллар (бу кўрсаткич Франция ва Буюк Британия биргаликда олган маблағига тенг бўлиб, Италия олган маблағдан қарийб 3,5 баравар кўп) маблағ олди. Аммо Германияда ишлаб чиқарилган махсулотнинг бир қисми

қарзни қоплаш учун АҚШга жўнатилаётганлиги сабабли, даромаднинг 10% и (6,7 млрд марка)си Германияда қолар эди.

Германияда иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий муаммоси “мустаҳкам валюта”ни яратиш, гиперинфляциянинг ҳалокатли оқибатларини бартараф этишдан иборат бўлди. 1947 йилдан бери Иқтисодий Кенгашида марказлашган режавий хўжалик ва монетор сиёсат тарафдорлари ўртасидаги қизғин баҳс-мунозаралар давом этмоқда эди. Людвиг Эрхард раҳбарлигидаги бир гуруҳ мутахассислар кадрсизланган пулнинг катта ҳажмидан қутулишга қаратилган молиявий ислохот лойиҳасини тайёрлади. Эрхарднинг фикрича, бундай ислохотни амалга ошириш ишлаб чиқаришни фаол рағбатлантириш ва истеъмолчиларнинг энг ночор қатламини ҳимоя қилиш, истеъмолчи бозорини барқарорлаштириш ва ишлаб чиқаришни йўналтиришга қаратилган бир қатор қўшимча чоратадбирларни амалга оширишдан иборат. Дастлаб, АҚШнинг ушбу ислохотни барча 4 тала зонада амалга ошириш керак деган режаси натижа бермагач, 1948 йилдан бошлаб кўзда тутилган ишлар фақат Тризония доирасида тайёрлана бошланди.

Ғарбий зоналарда пул ислохоти 1948 йил 20 июнда бошланди. Алмашишнинг расмий нисбати 10 рейхсмаркага 1 янги олмон маркаси қилиб белгиланди (бундан ташқари, ҳар бир фукаро 1:1 курс бўйича 40 маркани алмаштира олиши мумкин эди). Аввалига алмаштирилган пулнинг фақатгина 5% ини қўлга олиш мумкин эди. Даромадларнинг қонунийлиги аниқлангач, солиқ ҳукумати томонидан яна 20% и, кейинчалик 10% и бериладиган бўлди. Қолган 65% и бекор қилинадиган бўлди. Алмашинув курсининг сўнги квотасига кўра, 6,5 олмон маркасига 100 рейхсмарка тўғри келди. Нафақа, ойлик маош, ижтимоий ёрдамлар 1:1 нисбатда қайта ҳисобланди. Давлатнинг барча олдинги қарзлари бекор қилинди. Шундай қилиб, катта пул ҳажми кискартирилди. “Ишончли пуллар”нинг пайдо бўлиши “қора бозор”га барҳам берди ва бартер (айирбошлашлар) тизимини издан чиқарди.

Ислохот бошланганидан икки кун ўтгач, марказлашган режалаштиришни бекор қилувчи ва нархларни эркинлаштирувчи қонун ҳужжатлари кучга киритилди. Аммо, шу билан бир вақтда, транспорт ва почта хизмати, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жой нархлари устидан чекловчи назорат сақлаб қолинди. Аҳолини энг зарур моллар билан арзон нархларда таъминлашга қаратилган махсус “хар бир киши учун дастури” қабул қилинган эди. Эрхард монопо-

лиянинг энг ашаддий шаклларига йўл қўймаслик сиёсатини саклаб қолиш, “давлат тадбиркорлиги” (жамият учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришда, транспорт, энергетика, ахборот инфратузилмасини ривожлантиришда давлатнинг бевосита аралашуви) тизимини ривожлантиришни талаб қилишда давом этди. Бундай иқтисодий механизмни Эрхард жамият ва шахс манфаатларини бирдай қондирувчи “социал бозор хўжалиги” деб баҳолади.

1948 йилдаги муваффақиятли иқтисодий ислохот Германияда сиёсий вазиятнинг кескинлашуви билан бирга ўтди. Ғарбий зоналарда пулларни алмаштиришга тайёргарлик кетаётганлиги тўғрисида берилган маълумотларга қарамадан, Германиядаги Совет ғарбий маъмурияти истеъмол бозорини издан чиқарувчи, қийматини йўқотган эски маркаларининг Шарқий Германияда пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган ҳеч қандай чора кўрмади. Тўғри, 1946 йил 30 июнда ёпилган зоналараро чегара бунга тўсқинлик қилиши мумкин эди, аммо тўртта секторга бўлинган Берлин бундан мустасно эди. 1948 йил 24 июнда совет кўшинлари Ғарбий Берлинни қуршаб олиб, уни ғарбий зоналардан узиб қўйди. Бу ҳаракат кўпроқ сиёсий характерга эга эди. Шундай қилиб, Ғарбдан қатта пул ҳажми оқиб келиши хавфи бартараф қилинди. Ғарбий Берлиннинг қамал қилиниши эса Ғарб мамлакатларига тазйиқ ўтказиш воситаси эди. Аммо бу ҳаракат кутилганидай эмас, балки тесқари натижага олиб келди.

Ғарбий Берлин аҳолисини қутқариш учун АҚШ ҳаво кўпригини барпо этди. Қамал даврида АҚШ самолётлари деярли ҳар дақиқада Темпельхоф аэродромига қўниб турди. Ҳар куни шаҳарга 13 000 тонна озиқ-овқат етказиб турилди. Бу олдинги ойлардаги маҳсулотларга нисбатан 3 баробар кўп эди. Жавоб чораси сифатида ғарб томони совет зонасига маҳсулот киритишга нисбатан тақиқ (эмбарго) жорий қилди. Кескин музокаралардан сўнг, 1948 йил 30 августда Берлинда ғарбий маркани бекор қилиш тўғрисида тўрт томонлама Битимга келинди. Аммо уни амалга ошириш техник сабабларга кўра узоққа чўзилди ва Ғарбий Германия давлатчилиги расмийлаша боргани сайин, уни амалга ошириш амримаҳол бўлиб қолди.

Берлин муаммоси энг қизгин паллага кирганда, 1948 йил 15–22 июлда Рюдесхаймда ғарбий ерларнинг вазир-президентлари йиғилиши бўлиб, унда Берлин обер-бургомистри Эрнст Рейтер тезда Ғарбий Германия давлатини тузиб, унга Ғарбий Берлинни қўшишга даъват этди. Йиғилиш қатнашчилари 1948 йил 1 сентябрда таъсис мажлисини чақириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлашди. Аммо, ке-

йинчалик айирмачилик тўғрисидаги баҳс-мунозаралардан қутулиш учун “таъсис мажлиси” ва “конституция” атамалари олиб ташланди.

1949 йил апрелда Вашингтонда АҚШ, Англия ва Франция ташки ишлар министрлари “окулатсион статут” (Низом)ни қабул қилдилар ва Ғарбий Германияда мавжуд 9 та земел (ўлка)дан иборат “Германия Федератив Республикасини тузиш тўғрисида” Битим туздилар. 1949 йил 8 майда Парламент Кенгаши томонидан Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонуни ишлаб чиқилди. Бу Конституция тарихга “Бонн Конституция”си номи билан кирди. Бир вақтда Шарқий Германия давлатчилиги ҳам шакллана борди. 1947 йилдаёқ совет зонасида Олмон Халқ Конгресси (ОХК) фаолият кўрсата бошлаган эди. Унинг 1947 йил декабрида бўлиб ўтган биринчи сессиясида ягона Германия учун кенг оммавий ҳаракатни шакллантириш масаласи кўйилган эди. 1948 йилдаги иккинчи сессияда Олмон Халқ Конгресси (ОХК) барча олмон ерларида Германиянинг ягоналиги тўғрисида референдумни ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Аммо шу вақтнинг ўзида Олмон Халқ Кенгаши (ОХК) ҳам ташкил қилинди. У шарқий Германия давлати Конституцияси лойиҳасини тузиш ваколатига эга бўлди. Конституция лойиҳаси ГБСП вакиллари томонидан ишлаб чиқилди ва 1949 йил 19 мартдаги Олмон Халқ Кенгаши (ОХК) йиғилишида қабул қилинди. 1949 йилнинг 29–30 майида бўлиб ўтган Олмон Халқ Кенгаши (ОХК) учинчи сессияси Германия Демократик Республикаси Конституциясини тасдиқлади. 1949 йил 7 октябр ГДР ташкил этилган кун сифатида тарихга кирди Германиянинг парчаланиши ниҳоясига етди. 1949 йил май-июнида Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг Париж сессияси ҳам бу жараённинг олдини олиб қола олмади. Шундай қилиб, Германиянинг бўлиниб кетиши урушдан кейинги давр тарихидаги энг мураккаб муаммолардан бирига айланиб қолди.

3- §. ГФР ва ГДР 50–70- йилларда

Ниҳоятда мураккаб вазиятга қарамасдан, Ғарбий Германиянинг етакчи сиёсий кучлари қисқа муддатда мамлакатнинг мўътадил ва самарали ривожланиши учун асос бўла оладиган конституциявий лойиҳани яратишга муваффақ бўлишди. Мамлакатда конституциявий-ҳуқуқий жамият қуриш масаласида Христиан демократи союз (ХДС), Христиан социал союз (ХСС), Озод демократик партия (ОДП) ва Гер-

мания Социал-демократик партияси (ГСДП) каби етакчи партиялари ҳамфикр эдилар. Конституциявий тамойилларнинг асосини эркинлик ва ижтимоий жавобгарлик ғоялари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва индивидуализмни чеклаш, миллатни умумий ижобий мақсадлар ва манфаатларга эга бўлган ҳақиқий ижтимоий организм деб эътироф этиш, фуқаролик жамиятини бошқаришда давлат ролининг ошганлиги ва, шу билан биргаликда, унинг синфий ёки ирқий ҳукмронлик воситаси эмаслигини эътироф этиш ташкил қиларди. Конституциявий назорат кўлами ижтимоий муносабатларнинг асосий ва муҳим турларини, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ташқи сиёсий муносабатларни қамраб олди. Ҳар бир индивиднинг тўлақонли ривожланиши учун шароит яратиш заруратини эътироф этган олмон конституционалиزمи инсон ва жамиятнинг ҳуқуқ ва бурчларининг ажралмаслигига таянарди. У давлатни эркинлик, адолат, бирдамлик каби таянч қадриятлар асосида тузилган ҳамжамият деб эътироф қиларди.

ГФРнинг Асосий Қонуни демократик ва ижтимоий федератив давлат тузишни мақсад қилиб олди. Конституциянинг биринчи бўлимида инсон ҳуқуқлари, жумладан, инсоннинг яшаш ва шахсий дахлсизлиги, эътиқод ва виждон эркинлиги, сайловларда қатнашиш ва иттифоқларга бирлашиши, ҳаракатланиш ва касб танлаш, адолат соҳасидаги дахлсиз ҳуқуқлари мустаҳкамланган эди. Конституцияда давлат махсус жавобгар бўлган соҳалар деб никоҳ, оила ва таълим тизими белгиланди. Конституцион тузумни қулатишга қаратилган ҳар қандай уринишга қарши курашиш олмон халқи зиммасидаги муқаддас бурч деб белгиланди.

Германия Федератив Республикаси 9 та земелдан ташкил топди (ГФРда ҳар бир федератив ҳудуд земель деб номланади). Ғарбий Берлин мухториятини сақлаб қолди, аммо Ғарбий Германия Парламентида ўз вакилларига эга эди: Саар вилояти 1957 йилда 10-земель бўлиб федерацияга кирди. Федерациянинг ҳар бир субъектига ўз конституциясига, вакиллик ва бошқарув органларига, ўз қонунчилигига эга бўлиш ҳуқуқи берилди. Федерация ва земелнинг ҳуқуқ ва ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган эди. Асосий Қонун федерациянинг амал қилувчи ва “рақобат қилувчи қонунчилик” доираларини аниқ белгилаб берди. Федератив қонунлар доирасига ташқи сиёсат, муҳофаза, фуқаролик институти, ҳаракат эркинлиги, молия, божхона ва савдо ҳуқуқлари кирди. Земеллар бу соҳаларда фақат федерация Конституцияси доирасида ўз қонунларига эга бўлишлари мумкин

эди. Марказий ҳокимият тузилмаси: Парламент, Президент ва Канцлер бошчилигидаги федерал ҳукуматдан иборат бўлди. Парламент олий ҳокимият органи бўлиб, иккита палатадан: фуқаролар томонидан сайланувчи Бундестаг (Федерал Совет) ва земеллар ҳукуматлари томонидан тайинланувчи Бундесрат (Федерал Кенгаш)дан иборат бўлди.

Асосий Қонунга кўра, республика Президенти Бундестаг аъзолари ва тенг сондаги земель ландтаглари томонидан сайланган депутатлардан иборат махсус орган – Федерал Мажлис томонидан сайланади. Президент фақатгина вакиллик ва ташкилотчилик ваколатларига (вето ҳуқуқисиз) эга бўлди. Канцлер сайлови ҳам, Канцлерга ишончсизлик вотуми билдириш ҳам (бу ҳукуматнинг истеъфога чиқишига олиб келади) Бундестаг ихтиёридадир. Конституцияга кўра, федерал Канцлер бутун ижро этувчи ҳокимиятга, жумладан, ҳукумат таркибини тайинлаш ва қонун чиқарувчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга. Канцлер Бундестагда муҳим қонун лойиҳалари муҳокамасида ўзига ишонч вотуми масаласини кўйиши ва ишончсизлик билдирилган вазиятда Президент орқали Парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Канцлер, сайлов тартибига кўра, Парламентдаги кўпчилик вакилидир ва, албатта, энг йирик партия раҳбари ҳамдир. У кенг ҳокимият ваколатларига эга. Шу сабабли ГФР давлат тизими Канцлер республикаси номини олди.

ГФР К. Аденауэрнинг Канцлерлиги даврида

ГФРда конституциявий тузумнинг самарали ютуқларга эришишида мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ёрдам берди. 1949 йилнинг 14 августига Бундестагда бўлиб ўтган биринчи сайловлар куйидаги сиёсий кучларнинг устунлигини кўрсатди. Христиан демократик союз (ХДС) 25,2% овоз билан 115 мандатга эга бўлиб, Христиан социал союз (ХСС) билан бирга 5,8% овоз билан 24 мандатга эга бўлиб, Парламентда кўпчиликни ташкил этди. Мухолифатдаги Германия Социал-демократик партиясини сайловчиларнинг 29,2% и (131 мандат) қўллаб-қувватлашди. Эркин демократик партия (ЭДП) 11,2% овоз билан 52 мандатга эга бўлиб, коалиция ҳукумат таркибига кирди ва “учинчи куч”га айланди. 12 сентябрда мамлакат Президентлигига Озод демократик партия (ОДП) раҳбари Т. Хейс сайланди, 15 сентябрда эса К. Аденауэр федерал Канцлер лавозимини эгаллади.

Христиан демократларнинг мафкуравий концепцияси ГФРнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилади. 1953 йил Парламент сайловлари арафасида қабул қилинган ХДСнинг Гамбург дастурида Ғарбий Германия давлатида конституциявий-ҳуқуқий тузумнинг ва социал бозор хўжалигининг асосий тамойиллари олмон халқи моддий ва маънавий тикланишига йўналтирилганлиги белгилаб кўйилди. ХДС раҳбарияти қатъий равишда антикоммунистик кайфиятда бўлиб, Шарқий Германия давлатини тан олмаслик, Шимолий Атлантика Иттифоқи ва Европадаги интеграцион жараёнлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш йўлини танлади. К. Аденауэр раҳбарлигида ХДС 1953, 1957, 1961 йиллардаги Парламент сайловларида ғолиб чиқди ва ҳақли равишда (36% овоз ва 191 мандат, 39,7% овоз ва 217 мандат, 35,8% овоз ва 192 мандат)га эга бўлди. ХДС/ХСС блоки Парламентда ягона фракцияни ташкил этиб, бирлашган сиёсат олиб борди.

Мурасасиз К. Шумахер раҳбарлик қилган Германия Социал-демократик партияси (ГСДП) “принципиал муҳолифат”га айланди. Социал-демократлар бозор муносабатларига қарши чиқиб, иқтисодиётда ижтимоий ташаббусни кучайтиришга даъват этарди. Ташки сиёсатда эса ГСДП Аденауэр ҳукуматининг антикоммунистик йўлини қўллаб-қувватлар, аммо ягона Германияни барпо этишни кечиктирувчи ҳар бир қадамни қоралар эди. К. Шумахер Аденауэр ҳукуматининг Ғарбий Германиянинг тўла суверенитети тикланмасдан туриб, уни қайта қуроллантириш, Шимолий Атлантика блокининг ҳарбий-сиёсий тузилмаларига киритиш, Ғарбий Европадаги интеграция жараёнларига жалб этишга бўлган уринишларига шубҳа билан қарар эди. Германия Социал-демократик партияси (ГСДП) 1953 йилги Парламентга бўлган сайловларда 28,8% овоз билан 169 мандатга, 1961 йилда 36,2% овоз олиб, 190 мандатга эга бўлди. 1960 йили партия раҳбарлигига Ғарбий Берлин бургомистри Вилли Брандт сайланди. Ғарбий Германиядаги етакчи сиёсий кучларнинг ўзаро бирлашиши сиёсий радикализм, энг аввало, сўл радикализмга қарши кураш билан бирга давом этди. Германия Коммунистик партиясига (ГКП) Шарқий Германия тузуми ва совет махсус хизматлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган экстремистик партия деб қаралди. 1951 йилда давлатга қарши сиёсий ҳаракатлар учун жазо қўллаш қонунини қабул қилинди. Бир йилдан сўнг Конституцион суд неонацистик социалистик партияни таъқиқлади. Коммунистик ташкилотлар, Совет-Германия дўстлик жамиятлари фаолияти қаттиқ назорат

остига олинди. 1956 йилда ГКП Конституцияга зид ташкилот сифатида бутунлай таъқиқланди.

Аденауэрнинг сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, Ғарбий Германияда ижтимоий тараққиётнинг мустаҳкам ҳудудий асосини яратишга бўлган уринишлари муваффақиятли бўлди. Тажрибали ҳуқуқшунос ва администратор, қатъий ва талабчан сиёсатчи бўлган Аденауэр Бонн ҳукумати фаолиятига ниҳоятда ишчан ва тартибли кўриниш бера олди. Барқарорлик ва мўътадилликка интилиш Аденауэр сиёсий услубининг ўзига хос хусусиятига айланди. Мақбул, ниҳоятда самарали иқтисодий ислохотлар ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аденауэр сиёсатининг идеологи Иқтисодиёт вазири Людвиг Эрхард эди. Аденауэр ҳукумати мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотнинг энг мураккаб даврида (1949–1950 йилларда) қатъийлик кўрсатди. Пул маркорининг қисқартирилиши ва нархларнинг либераллаштирилши аҳоли даромадлари паст бўлган бир пайтда нархларнинг ошишига олиб келди. Ишлаб чиқаришнинг қайта қурилиши эса ишсизликнинг ўсиши билан бирга рўй берди. Аммо 1951 йилдаёқ яхши томонга ўзгариш сезила бошлади. 1952 йилда эса нархлар ўсиши тўхтади, ишсизлик камая бошлади. Кейинги йилларда кескин иқтисодий ўсиш рўй берди. Йилига 9–10%, 1953–1956 йилларда эса йилига 10–15% гача ўсишга эришилди. ГФР Ғарб мамлакатлари орасида саноат ишлаб чиқариши бўйича иккинчи ўринга чиқиб олди (фақатгина 1967 йилда Япония ГФРни учинчи ўринга тушириб қўйди). Катта экспорт тўфайли Англия, Франция ва Швеция давлатларини кўшиб ҳисоблаганда, уларнинг умумий захирасига тенг олтин захира яратилди. Германия маркаси Европада энг кучли пулга айланди. 50-йилларнинг охирида ишсизлик амалда йўқолди, аҳолининг реал даромадлари 3 баробар ошди. “Олмон иқтисодий мўъжизаси”нинг бир қатор омиллари мавжуд эди. Эрхард танлаган иқтисодий тизим (унда либерал бозор механизми давлатнинг мақсадли солиқ ва кредит сиёсати билан бирга амал қиларди) ўзининг самарали эканлигини исботлади. Саноатдаги лобби (ўз нархларини ҳимоя қилиш) билан кўп йиллик баҳс-мунозарадан сўнг, Эрхард монополияга қарши қонун қабул қилинишига эришди, рақобатни чекловчи ҳар қандай шарҳномалар бекор қилинди. Сармоя киритиш дастурларини амалга ошириш учун “Маршалл режаси” асосида тузилган йирик молиявий фонд яратилди. ГФРнинг 1955 йилда НАТОга аъзо бўлишига қадар ҳарбий харажатларнинг йўқлиги ҳамда хорижий сармоялар (3,5 млрд доллар)

оқими ҳам катта роль ўйнади. Уруш йилларида вайрон қилинган sanoatни тиклашга ҳамоҳанг равишда энг янги технологияларнинг жорий этилиши ва олмон халқининг анъанавий бўлган юқори ишлаш қобилияти ҳам меҳнат самарадорлигининг тез ўсишига олиб келди. Ғарбий Германияда қишлоқ хўжалигининг муваффақиятли ривожланиши 1941–1949 йилларда оккупацион ҳукуматлар ёрдами билан амалга оширилган аграр ислоҳот натижаси эди. Ер-мулклари қайта тақсимланди, ер фондининг катта қисми йирик ер эгаларидан олиниб, ўрта ва кичик ер эгаларига берилди. Деҳқонлар меҳнатининг механизациялаштирилиши ва электрлаштирилиши бу секторда ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлади, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тузилмаси ҳам ўзгарди. Энг нуфузли соҳа чорвачилик бўлиб, бутун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 70% ити бера боилди.

Нафақа фонди, уй-жой қурилиши, бепул ва имтиёзли таълим олиш ҳамда касбий тайёргарлик тизимини кенгайтириш бўйича қўйилган фаол қадамлар билан биргаликда, ишбилармонлар ва ишчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри муносабатларни рағбатлантиришга катта эътибор берилди. Ҳукумат “Капитал меҳнатсиз, меҳнат эса капиталсиз мавжуд бўла олмайди” деган шиорни ўртага ташлади. 1952 йилдаги “Корхоналарда ишчилар аҳволи тўғрисида”ги Қонунга ўра, иш ҳафтаси 52 дан 46 соатга туширилди, ойлик маош эса урушдан олдингига нисбатан ошди. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими алоҳида корхонадаги меҳнат стажига мос равишда турлича белгиланган эди. 1960 йилда “Ишлаётган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди, 1963 йилда барча меҳнаткашлар учун меҳнат таътили белгиланди. Ҳукумат томонидан ишбилармонларга, ишчи-ходимларга қўшимча тўловларни рағбатлантиришга қаратилган ва оилавий даромад ҳамда болалар сонини ҳисобга олувчи солиқ имтиёзлари тизими ишлаб чиқилди. Ҳукуматнинг мазкур тадбир-чоралари иқтисодий ўсиш даврида унга мос равишда аҳоли сотиб олиш қобилиятининг ўсишини таъминлади. Иқтисодий сиёсат ташаббусини Эрхард қўлига берган Аденауэр ГФРнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилди. Ташқи сиёсатдаги илк қадам ГФРнинг Шимолий Атлантика блоки НАТОга қўшилиши бўлди. “Соғуқ уруш” шарофати туфайли Ғарбий Германия қисқа вақтда босиб олинган, суверенитети чекланган мамлакатдан яқиндаги голибларнинг фаол шеригига айланди. 1949 йилнинг ноябридаёқ АҚШ, Буюк Британия, Франция ва ГФР Петербург Шартномаси-

ни имзолашди. Бу хужжат ГФРга мустақил равишда ташқи алоқалар ўрнатиш, жумладан, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш борасида музокаралар олиб боришга имкон берди. 1950 йилда ГФР Европа Кенгаши аъзосига айланди ва Европа интеграцияси лойиҳаларига бағишланган музокараларда фаол қатнаша бошлади. Аденауэр Вашингтон билан ўрнатилган алоқалардан Франциянинг тарихий рақибига нисбатан шубҳаланишини бартараф этишда усталик билан фойдаланди. У Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳарбий-сиёсий бирлашиш ғояларини қувватлар ва бу ғояларнинг амалга оширилишини Германия суверенитетининг тикланишига боғларди. Бу борада энг муҳим эришиш, “Плевен режаси”га кўра, “Европа мудофаа жамияти”ни тузиш ҳақидаги музокаралар бўлди. Бу лойиҳада ГФРнинг қатнашишига 1952 йилда АҚШ, Англия, Франция ва ГФР давлатлари ўртасида Боннда имзоланган ва оккупацион статутнинг ўрнини босган шартноманинг имзолаишидан кейин йўл очилди. Унда оккупацион режимнинг бекор қилиниши, ГФРга ички ва ташқи ишларда мустақиллик бериш эътироф қилинганди. Бирок АҚШ, Англия ва Франция Ғарбий Германия худудида ўз кўшинларини сақлаб туриш ҳамда Ғарбий Берлинни назорат қилиш ҳуқуқларини сақлаб қолган эди.

1955 йилда ГФР Ҳукумати СССР билан муносабатларни нормаллаштиришга ҳаракат қилди. Иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди, Аденауэр эса 1955 йилнинг септябр ойида Москвага расмий ташриф билан борди. Ғарбий Германиянинг бу дипломатик ҳаракати халқаро миқёсда Германия муаммосини ҳал қилишда ташаббусни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилиш билан изоҳланар эди. 1955 йили Женевада урушдан кейинги даврда илк бор АҚШ, Буюк Британия, Франция ва СССРнинг ҳукумат бошлиқлари учрашуви бўлиб ўтди ва унда Германиянинг бирлашиш истиқболлари муҳокама қилинди. Муҳокамалар боши берк кўчага кириб қолганлиги сабабли, Германия муаммосини “олмон халқининг миллий манфаатлари ва Европа хавфсизлигига мос равишда ҳал этиш зарурлиги тўғрисида” Баёнот берилди. Аденауэрнинг Москвадаги музокаралари ҳам ҳеч қандай ижобий натижа бермади. Тез орада ГФР Шарқий Германияга зид бўлган энг катъий чоралардан бирини амалга оширди. 1955 йилнинг декабр ойида “Хольштейн (ГФР Ташқи ишлар вазирининг котиби) Доктринаси” қабул қилинди. Унга кўра, ГФР ўзи билан алоқа ўрнатган давлатларни ГДРни тан олишдан воз кечишга чақирди. Оқибатда ГФР 1957 йилда Югославия

билан, 1963 йилда Куба билан алоқаларни узди. 1961 йилдаги Берлин инкирози ГФРнинг СССР билан муносабатларининг ниҳоятда совуқлашишига олиб келди.

1955–1957 йилларда Саар муаммосининг мақбул ечими, яъни унинг ГФРга қайтарилиши Франция билан яқинлашишга замин тайёрлади. Бу мамлакатлар 1957 йилдаги Европа Ҳамжамиятини яратиш тўғрисидаги Рим Шартномаларининг тайёрланиши ва имзоланишида катта роль ўйнади. Аденауэр Франция Президенти Шарль де Голл билан яқин шахсий муносабатлар ўрнатишга муваффақ бўлди. Иккала раҳбарнинг 1960 йилда Рамбуйе, 1962 йил июлида Парижда учрашувлари ҳамда 1962 йил сентябридаги Ш. де Голлнинг ГФРга тантанали ташири иккала мамлакатнинг стратегик иттифоқини расмийлаштириш имконини берди. 1963 йил январ ойида Франция ва ГФРнинг турли соҳаларда ҳамкорлик қилиши, ташқи сиёсатни тартибга солиш, мамлакат раҳбарлари (камида бир йилда 2 марта) ва ташқи ишлар ҳамда Мудофаа вазирлари (уч ойда бир марта) иштирокида мунтазам маслаҳатлар олиб бориш тўғрисида Шартнома имзоланди. Аденауэр Франция билан ҳамкорликда ГФРнинг халқаро мавқеи тикланишини кўрарди ва у “Европанинг ҳеч қандай сиёсати Франция иштирокисиз ёки Францияга қарши бўлмагани каби, Германиясиз ёки Германияга қарши ҳам ҳеч қандай Европа сиёсати бўлиши мумкин эмас”, – дер эди.

Олмон “фаровонлик давлати”нинг гуллаб-яшнаши ва инкирози

XX аср 60- йиллари бошига келиб, Аденауэрнинг сиёсий обрўси туша бошлади. Унинг консервативлиги, ўзгалар фикрига тоқатсизлиги, шубҳа билан қараши ҳукуматнинг самарали ишлашига халақит бера бошлади ва партия фаолиятида норозиликнинг авж олишига сабаб бўлди. 1963 йил 23 апрелда Христиан демократик союз (ХДС) депутатлари фракцияси йиғилишида Эрхардни 87 ёшли Канцлер К. Аденауэрнинг вориси деб қабул қилди. Эрхард демократ эди, баҳс-мунозаралардан бош тортмас ва Аденауэрнинг авторитар бошқарув усулларига қарши эди. 1963 йил 15 октябрда Аденауэр 14 йиллик канцлерликдан кейин истеъфога чиқди ва Бундестаг Мажлисида Людвиг Эрхард федерал Канцлер этиб сайланди. У: “Ҳукуматнинг мақсади: ижтимоий тинчлик ва ҳамкорликка эришишга, умуммиллий манфаатларни амалга ошириш учун барча

сиёсий кучларни бирлаштиришга даъват этишдир”, – деди. Натижада ривожланиш суръатлари 1961 йилда 5% бўлган бўлса, 1964 йилдан бошлаб тараққиёт суръатлари илгариги “олтин ўн йиллик” даражасига етди. Бир йилнинг ўзida ЯММнинг ўсиши 9,5% ни ташкил этди. Бундай ўсишга ишчи-ходимлар сонини ошириш ҳисобидан эмас, балки, асосан, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. “Иқтисодий ўсиш”нинг давом этиши ниҳоятда юқори турмуш даражасини сақлаб қолишга имкон берди. 1966 йилда ўтказилган сўровларга кўра, оломларнинг 89% и ўз даромадларидан қониқишларини, 45% и эса “керагидан ҳам ортиқроқ даромад қилаётганликларини”, атиги 10% и даромадлардан норози эканлигини айтди.

Христиан демократик ҳаракатнинг ўсиб бораётган инқирози 1965 йилда бўлиб ўтган сайловларда аён бўлди. Сайловда 39,5% овоз ва 202 депутатлик мандатига эга бўлган ГСДП етакчилиқ қилди. ХДС фақатгина иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Уни сайловчиларнинг 38,1% и “сайлади, бу эса 196 мандатга эга бўлишга имкон берди. 9,5% овоз ва 49 тадан мандатга эга бўлган ХСС ва ЭДПларнинг қўллаб-қувватлаши ХДСга Парламентда кўпчилиқни сақлаб қолишга имкон берди. Аммо бу коалициянинг сиёсий барқарорлиғи сусайиб борарди.

Ташқи сиёсатга оид масалаларда Эрхард “центристик” позицияни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. У 1963 йилда АҚШ таклиф қилинган НАТОнинг кўп миллатли ядро кучлари ғоясини қўллаб-қувватлади ва ГФР ҳудудида НАТО мамлакатларининг ҳарбий иштирокини сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. “Атлантлик яқдиллик” тамойили Боннинг ташқи сиёсатидаги устивор йўналиш деб ҳисобланди. Аммо, шу билан бир вақтда, Эрхард 1963 йил августида СССР, Буюк Британия ва АҚШнинг атмосфера, космик кенглик ва сув остида ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги Москва Шартномасига ҳам ижобий баҳо берди. 1966 йилда Эрхард ҳукумати Бундестагга қурорисланиш тўғрисидаги халқаро келишув лойиҳасини тақдим этди. Аммо лойиҳа Парламентда кўпчилиқ томонидан маъқулланмади. Эрхард ГФРдаги барча етакчи сиёсий кучларни қаноатлантурувчи Умумгермания муаммоси ечимини ҳам топа олмади.

1966 йилда Эрхард ҳукумати партия сафларидаги норозилиқ сабаб инқирозга юз тутди. Уни коррупция, порахўрлик, Парламентдаги фракцияда тарқоқликка йўл қўйганликда ва партияда фаол ишлашдан воз кечганликда айблади. Эрхарднинг солиқларни ошириш

тўғрисидаги таклифи Озод демократик партия вакиллари томонидан рад этилди. Бу ҳукумат инқирозига сабаб бўлди. 1966 йил 1 декабрда Эрхард истеъфога чиқди. Унинг ўрнини христиан демократларнинг янги раҳбари Курт Кизингер эгаллади. Ҳукумат таркибига илк бор ГФРдаги барча етакчи сиёсий партиялар вакиллари киритилди. Вице-канцлер ва Ташқи ишлар вазирлиги лавозимларини Германия Социал-демократик партияси раиси В. Брандт эгаллади. ХСС раҳбари Ф. Й. Штраус эса Молия вазири бўлди. Ўзига хос ҳукумат блоки “катта коалиция” деган ном олди.

Кизингер ўзига хос иш қобилиятига эгаллиги ва ишбилармонлиги билан ажралиб турган яхши таҳлилчи эди. У Иқтисодиёт вазири Шиллер ва Молия вазири Штраусларнинг самарали ҳамкорлик қилишига эришди. 1967 йилдаги “Барқарорлик ва иқтисодиётни жонлантиришга ёрдам бериш тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилди. Унинг асосчиси Шиллер эди. Штраус, ўз навбатида, режалаштиришнинг асосий мақсади бюджет-молиялаш тизими барқарорлиги, инфляция жараёнларининг олдини олиш, нарх белгилаш жараёни барқарорлигини таъминлашга муваффақ бўлди. Бу кўрсаткичлар режалаштиришнинг мазкур олмонча варианты француз ва инглизлар тажрибасидан фарқланишини кўрсатарди. Микроиқтисодиётни тартибга солиш соҳасида “Шиллер-Штраус дастури” Эрхарднинг ижтимоий бозор хўжалиги ғоясига мос тушар эди. Ҳукумат фаоллиги иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг яшиланишига сабаб бўлди. 1968 ва 1969 йилларга келиб, саноат ўсишининг илгариги суръатлари тикланган эди (11,8% ва 12,9%). Молиявий бозор мустаҳкамлиги ҳамда ҳукуматнинг энг кўп зарар кўрган соҳаларга (қурилиш, металлургия, машинасозлик) қаратилган кредит сиёсати бунга ижобий таъсир кўрсатди. Охириги ўн йиллик давомида ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларининг кенг жорий этилиши саноатда қайта қуришнинг тугаланиши ва экспортнинг тез ўсишида катта аҳамиятга эга бўлди. Энг янги соҳалар, айниқса, электроника, кимё ва атом энергетикаси соҳалари жадал ривожланди. 60- йилларнинг охирига келиб ЕИХ мамлакатларига Ғарбий Германия экспортининг 47% и ва импортининг 53% и тўғри келди.

“Катта коалиция” ҳукумати даврида ГФРнинг Европа Ҳамжамиятида шериклар билан сиёсий муносабатлари ҳам анча мустаҳкамланди. Ташқи сиёсатда Шарқий Европага оид масалалар ҳам эътибордан четда қолмади. ГСДПнинг янги раҳбарлари: В. Брандт, Г. Венер ва Г. Шмидтлар “дўстлик кўприклари” ўрнатиш

сиёсатини, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларни яхшилаш, Умумгермания муаммосини ўзаро келишувлар орқали ҳал қилишни кун тартибига қўйди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ГДР Ҳукумаги билан дастлабки алоқалар ўрнатилди, Югославия билан дипломатик муносабатлар тикланди, Руминия билан иқтисодий алоқалар кучайтирилди. ГФР бу йиллар давомида Фарб мамлакатлари ичида СССРнинг асосий экспортчиси-га айланди. Аммо бу қадамлар ҳукуматнинг консерватив кайфиятдаги қисмининг қаршилигига учради.

“Қатта коалиция” партиялари ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг ошиб боришига Канцлер атрофидаги можаро сабаб бўлди. Кизингер “нацист режими” даврида Ташқи ишлар вазирлигининг сиёсий ташвиқот бўлимида ишлаган эди. ХДС раҳбари таржиман ҳолидаги бу саҳифалар кенг оммага маълум қилинди. Мамлакат бир-бирига қарама-қарши лагерга бўлиниб қолди: тоталитар (мустабид) тузум давр талаби эканлигини тан олиб, яқин ўтмиш билан муро-са қилувчилар ва тарихий хотирага нисбатан бутунлай муросасиз бўлганлар лагерларига. Кизингер атрофидаги шов-шувлар “айсберг чўққиси” эди, холос. 60- йиллар охирида ГФРни ижтимоий норозилик қамраб олди.

ГФРдаги “60- йиллар инқирози”нинг ўзига хослиги унинг сиёсийлашганида эди. 1967–1968 йилларда ГФР университетларида талабаларнинг норозилик ҳаракатлари бошланди. Ёшлар таълим тизимининг ислох қилинишини талаб қилар, қотиб қолган бюргерча ғояларнинг мажбурий сингдирилишига, сиёсатнинг консервативлигига қарши норозилик билдирар эди. Тез орада талабалар ҳаракати сиёсий тус олиб борди. АҚШнинг Вьетнамдаги уруши, Бонн ҳукуматининг Африка ва Яқин Шарқдаги диктатура режимлари билан ҳамкорлигига қарши намоёнчилик бўлиб ўтди. Талабалар ичида атроф-муҳит ҳимоячилари – “яшиллар” ҳаракати шакллана бошлади. “Янги сўл” ғоялари билан бирга, маоизм, троцкизм, анархизм каби назариялар ҳам кучайиб борди. 60- йиллар охирида ёшларнинг илк террорчилик гуруҳлари шакллана бошлади. Улар ичида энг машҳур “Қизил армия фракцияси” (ҚАФ) эди. У 1968 йилда полиция ҳаракатларига норозилик сифатида Фракфуртда ташкил этилган эди. “Қизил армия фракцияси” мамлакатда пролетар коммунистик инқилобни амалга оширишни мақсад қилиб қўйди. Сўл радикаллар мақсадларига эришни учун мамлакатда террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб турарди. Шу билан бирга, 60- йиллар

охирида ГФРда миллатчилик, неонацистик характерга эга бўлган ўнг радикал ҳаракатлар ҳам пайдо бўлди. 1964 йилда миллатчилик кайфиятдаги Германия Миллий демократик партияси (ГМДП) ташкил топди. Уч йил ичида унинг аъзолари сони 40 000 нафарга етди. 1967 йилдан партиёга Адольф Тадден бош бўлди. Кизингер ҳукумати сиёсий радикализмга қарши кураш чораларини кўрди. Полиция ёрдами билан норозилик ҳаракатларини шафқатсизлик билан бостирди. Бундестаг муҳокамасига “фавқулодда ҳолат” жорий этиш масаласини киритди. 60- йиллар охиридаги ижтимоий-сиёсий инқироз “катта коалиция”да инқирозни келтириб чиқарди. Бу сиёсий уюшма муваққат эди ва унинг иштирокчилари навбатдаги Парламент сайловларига фаол тайёргарликни бошлашди. ГСДП раҳбарлари ижтимоий-иктисодий ва ташқи сиёсатда чуқур тузатишлар қилишга тайёр эканликларини намойиш қилишди. В. Брандт партиёнинг ислохотчилик қиёфасидан фаол фойдаланар, “ҳақиқатни гапириш”га, алдовлар ва консерватизимни тугатишга даъват этарди.

1969 йил 29 сентябрда Бундестагга бўлган сайловлар социал-демократларга муваффақият келтирди. ГСДП 42,7% овоз ва 224 мандатга эга бўлди. ХДС 36,6% овоз ва 193 мандатга, ХСС 9,5% овоз ва 49 мандатга эга бўлди. Ҳукуматни тузиш тақдирини сайловчиларнинг 5,8% овозини олган Эркин демократик партиёга боғлиқ бўлиб қолди. Натижада бу партиё ГСДП билан коалицион ҳукумат тузишга рози бўлди. Мамлакатни 20 йил бошқарган ХДС ва ХСС ҳукуматдан четлаштирилди. В. Брандт бошчилигида ГСДП ва ЭДПнинг “кичик коалиция” ҳукумати тузилди. “Социал-либераллар коалицияси”га таянган Вилли Брандт Канцлерлик лавозимини эгаллади. ГСДПнинг сиёсий нуфузи ошганлигини 1969 йил мартдаги Президентлик сайлови ҳам кўрсатди, ГСДПнинг номзоди Г. Хайнеман Президентликка сайланди.

“Социал-либераллар даври”

Вилли Брандт Ғарбий Германия ва Европа социал-демократияси етакчиси, ўтмишда нацистлар ҳукмронлиги даврида муҳожириликда яшаган журналист, урушдан кейин Ғарбий Берлин бургомистри ва сиёсатда олмонлар учун “ёқимли шамол” олиб келган шахс сифатида танилган эди. Брандт жамиятнинг муаммолари тўғрисида очикчасига гапира бошлаган, сиёсатга ошкоралик ва оидинлик

руҳини олиб кирган ГФРнинг биринчи давлат раҳбарларидан эди. Узидан олдинги раҳбарларга хос консервагизм унга бетона эди ва ижтимоий ислохотларни жамият тараққиёти динамикасини таъминлашнинг энг самарали усули деб ҳисобларди.

Брандт 18 ёшдан ошган фуқароларга сайлов ҳуқуқини берувчи сайлов ислоҳоти ўтказди, олий таълим тизимини ислоҳ қилишни бошлади. 1971 йилда стипендия билан таъминлаш ва бепул таълим олиш, илмий даражаларни ҳимоя қилишга кўмаклашни тўғрисида федерал қонунлар қабул қилинди. 1972 йилда қабул қилинган “Давлат хизмагида антиконституцион кучларга муносабат тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, экстремистик (ўнг ёки сўл) кайфиятда бўлган шахсларга таълим муассасаларида ишлаш ҳамда бошқа ижтимоий лавозимларда ишлаш таъқиқланди. Брандт маъмурияти ижтимоий ҳимоя дастурларини анча кенгайтди. 1970 йилда болаларга ижтимоий тўловлар, кам таъминланган оилаларга уй-жойлар учун дотациялар ҳажмини ошириш тўғрисидаги қонунлар, 1971 йилда талабалар ва ўқитувчиларни мажбурий суғурта қилиш амалиётини кенгайтирувчи “Ижтимоий суғурта тизими тўғрисида”ги Қонун, 1972 йилда “Нафақани ислоҳ қилиш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилиндики, булар мамлакатда ҳаётида ижобий роль ўйнади.

Капиталистик дунёдаги инфляция туфайли ГФРда қатор қийинчиликлар юз берди. Саноатнинг ўсиш суръати секинлашди (масалан, 1969 йилда 13% га, 1970 йилда 5,7% га, 1971 йилда 1,6% га ўсди). Лекин саноат ишлаб чиқариши жиҳатидан дунёда АҚШдан кейинги иккинчи ўринда, Ғарбий Европада биринчи ўринда қолаверди. ГФРнинг дунёда саноат маҳсулотлари ҳиссаси 9,7% ни ташкил этди. Ташқи савдо ҳажми жиҳатида дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда турди. “Ислохотчи Канцлер” фикрича, Германиянинг хориж мамлакатлари билан муносабатларини тубдан янгилаш пайти келган эди. Брандт “Европа халқларининг олмонлар олдида тарихий кўрқуви”га барҳам берувчи инсонпарварлик маданий алоқаларни фаоллаштиришга катта эътибор берди. Ғарбий Германия дипломатияси, жумладан, Европа Ҳамжамияти таркибини янада кенгайтириш, энг асосийси, Европа шарқида “кўприклар барпо этиш”дан иборат бўлиб қолди.

Брандт ҳукумати СССР, Польша ва Чехословакия билан кенг музокаралар олиб борди. Бу музокаралар “Шарқий Шартномалар” (1970 йил 12 августдаги Москва Шартномаси, 1970 йил 7 декабрдаги Варшава Шартномаси, 1973 йил 11 декабрдаги Прага Шартномаси)

нинг имзоланиши билан якунланди. Бу Шартномалар иштирокчилари урушдан кейинги чегараларнинг бузилмаслигини (жумладан, Одер-Нейсе дарёлари бўйлаб чегараларнинг ҳам) эътироф этар, худудий даъволардан ва халқаро муносабатларда куч ишлатишдан воз кечишни кўзда тутар эди.

1971 йил ноябрда Ғарбий Берлин мақоми бўйича, АҚШ, Франция, Буюк Британия ва СССР ўртасида тўрт томонлама Битим имзоланди. 1972 йилда кучга кирган ва Ғарбий Берлин масаласида куч ишлатишдан воз кечишни, урушдан кейин тузилган Шартномалар асосида Ғарбий Берлин мақомини белгиланида катта аҳамиятга эга бўлди. Битимда Ғарбий Берлин ГФР худудининг бир қисми эмас деб ҳисобланди. Бундан ташқари, Битимда транзит ҳаракатланиш, транспорт, телефон ва телеграф алоқалари масалалари ҳам кўриб чиқилди. Мазкур масалалар бўйича ГДР, Ғарбий Берлин ва ГФРнинг тегишли муассасалари ўртасида уч томонлама муносабатлар механизми белгиланди. Ғарбий Берлин шаҳри хавфсизлиги ва мавқеига боғлиқ бўлмаган масалалар бўйича ГФР Ғарбий Берлин фуқаролари манфаатларини химоя қилувчи ваколат ҳуқуқига эга бўлди. Аммо ГФР Ғарбий Берлин хавфсизлиги ва мавқеи билан боғлиқ масалаларга аралашмайдиган бўлди, бундай ҳолларда Ғарбий Берлин номидан халқаро миқёсда АҚШ, Буюк Британия ва Франция иш кўрадиган бўлди.

Ғарбий Берлин мавқеи бўйича муросали келишувнинг имзоланиши ГДР ва ГФР ўртасидаги муносабатлар асослари бўйича Шартнома имзолашга тўртки бўлди (1972 йил 21 декабр). ГДР Бонн ҳукумати томонидан суверен мустақил давлат деб тап олинди. Иккала томон яхши кўшничилик муносабатларини ривожлантириш, суверенигет, чегаралар дахлсизлиги ва дискриминация (милий камситиш) га йўл қўймаслик тамойилларига амал қиладиган бўлди. Шартномада кўрсатилишича, бир олмон давлати иккинчиси номидан халқаро соҳада иш юрита олмайди. 1973 йилда ГДР ва ГФР БМТга аъзоликка қабул қилинди. Брандтнинг ташқи сиёсати муҳолифат кучларнинг газабини кўзгатди Биринчи ҳужум 1972 йил 27 апрелда бўлиб ўтди, унда ХДС ва ХСС депутатлари Бундестагда Брандтга расмий ишончсизлик вотуми билдиришди ва Канцлер лавозимига христиан демократларнинг янги раҳбари Райнер Барцел номзодини таклиф этди. Аммо муҳолифатчи кучлар ғалабаси учун икки овоз етмади. Бир кундан кейин бюджет лойиҳасини овозга қўйиш жараёнида овозлар тенглиги (247:247) кузатилди. Бундай вазиятда Брандт

ўзининг Бундестагни тарқатиб юбориш ҳукукидан фойдаланди. Янги сайловлар 1972 йил 19 ноябрда рўй берди. Брандт коалициясининг ишончли ғалабаси билан яқунланди. ГСДПни сайловчиларнинг 45,8% и қўллаб-қувватлади ва бу уларга 230 та мандат тақдим этди. 8,4% овоз ва 41 мандатга эга бўлган Эркин демократик партия ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олди. Христиан демократик союз (ХДС) 35,2% овоз ва 177 мандатга, Христиан социал союз (ХСС) эса 3,7% овоз ва 48 мандатга эга бўлди.

Социал-либераллар коалицияси нуфузига таъсир қила олмаган мухолифат кучлар Канцлерга қарши шов-шувли айблов бошлаб юборди. Брандт таржимаи ҳолидаги турли далиллар, унинг обрўсизланган давлат ва жамоат арбоблари билан бўлган ўтмишдаги алоқалари муҳокама қилинди. Ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатда йўл қўйган хатолари ҳам муҳокама қилинди. Муаммо ечими Канцлер В. Брандт референти М. Гийомнинг ГДР махсус хизматлари агенти эканлиги фош бўлгандан кейин ўз ечимини топди. Тергов жараёнида В. Брандтнинг Норвегияга қилган расмий сафари вақтида Гийом Брандтнинг қизлар билан учрашувини ташкил қилганлиги маълум бўлди. 1974 йил 5 майда Брандт истеъфо берди. Унинг жойини ГСДП вакили Гельмут Шмидт эгаллади. ЭДПнинг раҳбари ҳам ўзгарди. Шеель Президентликка сайлангандан сўнг, ЭДП партия раҳбари Ганс Дитрих Геншер бўлди. Ҳукумат. 1 Геншер Вице-канцлер ва Ташқи ишлар вазири лавозимларини эгаллади. Социал-либерал коалициянинг сиёсий раҳбарияти янада мўътадил ва прагматик характерга эга бўлди. “Темир канцлер” лакабини олган Шмидтнинг қаттиқ ва жиддий, раҳбарлик услуби ислохотчилик романтизми даврини ўз ниҳоясига етказди.

Шмидт ҳукуматининг фаолияти ниҳоятда мураккаб иқтисодий вазият даврига тўғри келди. 1974 йилдан Фарбнинг етакчи мамлакатларида бошланган иқтисодий инқироз ГФРга ҳам таъсир қилмай қолмади. 1974 йилда ГФРда ЯИМ 4% га, саноат ишлаб чиқариш даражаси 7,5% га пасайди. Ишсизлар 1,2 миллион кишидан ошди. Аммо 1975 йилдан вазият барқарорлашди, 1977 йилга келиб ГФР иқтисодиёти инқироздан олдинги даражадан ўтиб кетди. Умуман, инқироз йилларида ГФР Фарбнинг бошқа етакчи мамлакатларига нисбатан камроқ зарар кўрди. Фарбий Германия иқтисодиётининг самарадорлиги, шунингдек, ҳукуматнинг муваффақиятли сий-ҳаракатлари бунга омил бўлди.

Шмидтнинг инқирозга қарши дастурида саноатни тубдан структуравий янгилаш, меҳнат муносабатларини яхшилаш, молия тизимини мустаҳкамлаш кўзда тутилган эди. Ҳукумат давлат томонидан режалаштиришнинг кенг амалиётидан ва ва тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга маблағ қўйишдан воз кечди. Асосий эътибор эркин тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилди (80- йилларнинг бошларига келиб солиққа тортиш умумий даражаси чоракка камайди). Кичик ва ўрта бизнесни кредит орқали қўллаб-қувватлашга эътибор берилди. 70- йилларнинг ўрталарида ГФРда 1,9 миллионга яқин кичик тадбиркорлар мавжуд бўлиб, ҳукумат сиёсати туфайли инқироз йилларида ҳам ўса борди. 1982 йилнинг бошида иш беришнинг янги тартиби жорий этилди, маоши фарқланувчи ва каттик аттестация қоидаларига асосланган бешта малакавий категория (тоифа)лар ташкил қилинди. Ҳукумат ишсизларни иш билан таъминлаш тизимини яхшилашга ҳаракат қилди, аммо ишсизлик нафақасини оширишдан воз кечди. Бу йилларда ишсизлик даражаси ишга яроқли аҳолининг 4–4,5% ини (1 миллион киши) ташкил этди. Бу кўрсаткич Фарбнинг бошқа етакчи мамлакатларига нисбатан анча паст эди.

1975 йилда “Бюджет тизимини яхшилаш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Унга кўра, ижтимоий дастурларга бюджетдан ажратиладиган харажатлар қисқартирилди. Нафақа ва суғурта фондларини молиялашда жисмоний шахсларнинг улуши ниҳоятда кучайди. Мамлакатда молиявий тизимнинг барқарорлиги ҳукумат сиёсатининг энг устувор йўналиши бўлиб қолди. 70- йилларнинг иккинчи ярмида олтин-валюта захираларини кўлайтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Натижада олтин захираси 40 миллиард маркани ташкил этди. АҚШ долларига нисбатан марка курси 1972–1979 йилларда 85% га, француз франкига нисбатан 48% га, фунт стерлингга нисбатан 98% га ошди. Марка халқаро ҳисоб-китобларнинг кенг тарқалган воситасига айланди ва турли мамлакатларнинг валюта захираларидан жой олди.

Глобал дунёвий сиёсат масалаларида Шмидт ҳукумати “мувозанат стратегияси”га амал қилди. 1975 йилда ГФР Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки йиғилиши қарорларига қўшилди. 1978 йилда Боннга СССР давлат бошлиғи Л. Брежнев ташриф буюрди, икки йилдан сўнг ГФР ҳукумат делегациясининг Москвага жавоб ташрифиди эса иккала мамлакат ўртасида илк бор ҳамкорлик тўғрисида узоқ муддатли Шартнома имзоланди. Шмидт бир вақтнинг ўзиде АҚШ билан ҳам яқинлашишга ҳаракат қилди.

1974 йилда НАТОнинг Брюссельдаги сессияси томонидан ҳарбий блок доирасида янада тенг ҳуқуқли шерик бўлишга эришишни кўзда тутилган Атлантик муносабатлар тўғрисида янги Декларациянинг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. 1976 йилда ГФР ўз ҳудудида жойлашган АҚШ ҳарбий қисмлар таъминоти учун бериладиган тўловларни тўхташишга эришди.

Шарқий Европа мамлакатлари ҳудудида “СС-20” типдаги совет ракеталарининг жойлаштирилишидан сўнг, ГФР НАТОнинг ядро куролларини янгилашни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этди. Бироқ натижа Ғарбий Германия дипломатияси кутганидан ошиб тушди. АҚШ Ғарбий Европада ўрта ва кичик масофали ядро ракеталарнинг янги синфини жойлаштиришни талаб қила бошлади. Натижада НАТОнинг 1979 йилги Брюссель сессиясида қарор қабул қилинди. Қарорда Ғарбий Германия ҳудудида АҚШнинг 108 та “Першинг-2” ва 96 та қанотли ракеталарини жойлаштирилиш кўзда тутилди. 1979 йил охирига келиб халқаро вазият янада кескинлашди. ГФР НАТОдаги шериклари билан биргаликда СССРнинг Афғонистонга интервенциясини (агрессиясини) кескин қаролади. Олмон спортчиларига Москвада бўлиб ўтадиган 1980 йилги олимпиадада қатнашмаси ёққа кўрсатма берилди. Аммо бундай чоралар Шмидтга 1980 йилнинг ёзида Москвага ташриф буюриб халқаро хавфсизлик масаласи бўйича Совет-Америка музокараларини бошлашда воситачилик қилишга халақит бермади. Ғарбий Германия дипломатияси 1981 йил Женевада бошланган Совет-Америка музокараларини қўллаб-қувватлади.

Шмидт ҳуқумати бутун 70- йилларнинг иккинчи ярми давомида мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаб қолишга муваффақ бўлди. 1976 ва 1980 йиллардаги Парламент сайловлари социал-либерал коалициянинг устунлигини яққол намоён этди. ГСДП мамлакатда йирик партиялигича қолиб, 1976 йилда 42,6% овоз ва 214 мандат, 1980 йилда эса 42,9% овоз ва 218 мандатга эга бўлди.

ЭДПнинг мавқеи янада мустаҳкамланди. Эркин демократлар 1976 йилда 7,6% овоз ва 39 мандатга, 1980 йилда эса 10,3% овоз ва 52 мандатга эга бўлдилар. Аммо партиядо ички вазият кескинлаша борди. Унинг сўл қаноти ГСДП билан иттифокни фаоллик билан ҳимоя қиларди. Аммо Геншер 1977 йилда янги коалицион тактикани таклиф этди. Парламентда социал-демократлар билан ҳамкорликни давом эттириб, бир қатор ерларда ландтаг сайловларида ХДС билан коалиция тузиб иштирок этди. Бундай сиёсат “партия фронтларини юмшатиш” деб номланди. Нихоят, ЭДПнинг ўнг қаноти (“иктисодий”

қанот) Х. Фридерикс, М. Бангеман ва О. Ламбсдорфлар томонидан бошқарилар ва ХДС/ХСС билан коалиция тузишга ва улар билан бутунлай бирлашишга чақирди. Бу қарор 1981 йилда Кельндаги ЭДП партия съездида кўпчилик томонидан маъқулланди, бу эса ҳукмрон социал-либерал коалицияни анча сусайтирди.

ХДС/ХСС блоки илгаригидек Парламентдаги энг йирик фракцияни ташкил этар, аммо ҳозирча ўз ҳукуматини тузиш учун етарли кучга эга эмас эди. Иккита Христиан демократик партияларнинг ўзаро муносабати ҳам мураккаблигича қолмоқда эди. 1976 йилдаги сайловларда ХДС 38% овоз ва 190 мандат, ХСС эса 10,6% овоз ва 53 мандатга эга бўлган эди. ХДСнинг Гамбургдаги (1973 йил ноябрида бўлиб ўтган) съездида сайланган янги раҳбар Гельмут Коль партиянинг мафкуравий пойдеворини янгилашни эндигина бошлаган эди. ХДСнинг янгиланган концепциясининг дастлабки тамойили 1978 йилда қабул қилинган “тамойиллар дастури”да намоён бўлди. Дастурда атлантик яқдиллик ва ЕХХК (Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши) байроғи остида Бутуневропа хавфсизлигини мустаҳкамлаш муҳимлиги эътироф этилганди. Дастурда Германия масаласи “очик” деб эълон қилинган бўлса-да, бироқ ГФР ва ГДР ўртасида тузилган барча битимларга риоя қилиш зарурлиги таъкидланганди. Христиан демократ К. Карстеннинг 1979 йилда Президент этиб сайланишида Кольнинг қўллаб-қувватлаши муҳим роль ўйнади.

ХДСдаги чуқур ташкилий ва мафкуравий қайта қуриш Ф. Й. Штраус томонидан бутун коалиция раҳбарлиги учун ҳал қилувчи курашни бошлашга чақирик бўлди. 1976 йилдаги ХСС дастурида христиан демократиянинг анъанавий ғояларига эътибор қаратилди. ХСС тартиб-интизом, барқарорлик ва жавобгарлик ғояларига содиқ қолган “халқ партияси” деб эътироф этилди. Ташқи сиёсий доктрина илгаригидек айирмачилик характериға эга бўлиб, халқаро сиёсатда Ғарб ва Шарқни бир-бириға қарама-қарши қўйишға асосланган эди. Кескин европапарастлик Шимолий Атлантика уюшмасиға содиқлик билан уйғунлашган эди. Штраус 1979 йил ёзида ХДС/ХСС номидан ўз номзодини Канцлерлик лавозимиға кўрсатди. Аммо 1980 йилдаги сайловлар христиан демократларға яна мағлубият келтирди. ГФРда 70- йиллар охиридаги ички сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусияти “Парламентдан ташқари муҳолифат” кучларнинг фаоллашишида кўринди. Мамлакатда ядро қуролининг жойлаштирилишиға қарши ҳаракат тобора кенг қулоч ёзди. Терроризм хавфи ҳам жиддийлигича қолмоқда эди. “Қизил армия фракцияси” жангариларининг ҳаракати

фаоллашди. Ғарбий Германияда “яшиллар” ҳаракати ҳам тез кучая борди. Бу йўналишдаги биринчи партия 1977 йил май ойида куйн Саксонияда таъсис этилди. 1978–1979 йилларда “яшил” партиялар Бавария, Бремен, Гамбург, Баден-Вюртемберг ва Гессенда пайдо бўлди. 1979 йил июнида Ғарбий Германия “яшиллари” махсус сиёсий уюшма – “Яшиллар” иттифоқини тузиб, Европа Парламентига сайловларда ўз номзодларни кўрсатди (ва 3,2% овозга эга бўлди). 1980 йилнинг январ ойида Карлсруэда Федерал яшиллар партияси”нинг таъсис съезди бўлиб ўтди.

Мамлакатдаги сиёсий вазият социал-либераллар коалициясининг сакланиб қолишига имкон берди. Бироқ 1980–1982 йилларга келиб ҳукумат аҳвол ёмонлаша бошлади. Ғарбнинг барча ривожланган мамлакатларида бошланган инқироз ГФРга жиддий таъсир кўрсатди. Ишсизлик 9% (2,5 млн киши)ни ташкил этди. Бюджет танқислиги икки баравар ошди. Урушдан кейинги даврда биринчи марта Ғарбий Германияда саноат ва молня корхоналарининг касодга учраши (банкрот) рўй берди. Либерал коалицияда парчаланиш юз берди.

1982 йил апрелда бўлиб ўтган ГСДП съезди Шмидтнинг ўз партияси қўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлганлигини кўрсатди. Съезд делегатларининг сўл кўпчилиги бандликни ошириш, давлат саноат инвестицияларини ошириш, ишбилармонларнинг солиқ имтиёзларини қисқартириш бўйича кенг дастурларни амалга оширишни талаб қиларди. Ечим 1982 йил июлида янги йил бюджети муҳокама қилинаётганда қўлга киритилди. ЭДПнинг “иктисодий” гуруҳи бюджетнинг барча харажатларини 5–10% га қисқартириш, ишсизлик учун нафақа тўлаш муддатини қисқартириш, нафақа фондини молиялашда давлат улушини камайтириш, уй-жой тўлови даражасини тартибга солишдан воз кечиш, стипендиялардан қисман ўқиш учун кредит беришга ўтишни кўзда тутган инқироздан чиқиш лойиҳасини тақдим этди. ГСДП раҳбарияти бу лойиҳага салбий муносабатда бўлганлиги сабабли ҳукумат фалажланиб қолди. Шмидтнинг муросага келишга уринишлари зое кетди. 1982 йил сентябрда ЭДП ГСДП билан тузилган коалициядан чиққанлигини маълум қилди. 1 октябрда овоз бериш пайтида Шмидтга билдирилган ишончсизликни вотумини қўллаб-қувватлади. Социал-демократларнинг коалицион ҳукумати мағлубиятга учради ва ҳукумат тепасига ХДС раҳбари Гельмут Коль келди.

«История Германии», т. 1, с. 231; «История Германии», т. 2, с. 179; «История Германии», т. 3, с. 145; «История Германии», т. 4, с. 113; «История Германии», т. 5, с. 128.

ГДРда социализм қурилиши

1949 йил май ойида олмон Халқ Конгресси (ОХК) томонидан тасдиқланган Германия Демократик Республикаси Конституцияси Муваққат Халқ палатаси тузилгандан кейин, 7 октябрда кучга кирди. 10 октябрда ГСХМ Совет назорат комиссияси (СНК)га айлантирилди. 11 октябрда В. Пик республика Президенти этиб сайланди, 12 октябрда эса Халқ Палатаси О. Гротеваль раҳбарлигида ГДР Ҳукумати таркибини тасдиқлади. 1949 йил 15 октябрда ГДР ва СССР ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1949 йил Конституцияси Шаркий Германияда “пролетариат диктатураси давлати” ташкил қилинганлигини эътироф этди, шу билан бирга, Конституция халқ ҳокимияти, давлатнинг демократик тузumi, давлатнинг антифашистик характери каби конституцион тамойилларни ҳам ўз ичига олган эди. Конституцияда расман демократик ҳуқуқ ва эркинликларни, жумладан, сўз, уюшмаларга бирилашиш, матбуот эркинлиги, никоҳ ва oilани, ҳамда кичик миллатлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича давлат жавобгарлиги белгилаб қўйилган эди.

ГДРда кўп партиявийлик тизими сақланиб қолди, ammo у ўзига хос кўринишга эга эди. Барча қонуний партиялар (ГБСП, Миллий демократик партия, Дехқонлар демократик партияси, ГЛДП, ХДС) Миллий фронтга бирилаштирилди. Халқ Палатасига сайловлар ўтказиш учун Миллий фронт барча партияларнинг ягона рўйхатини тузиб, ҳар бир партиянинг олдиндан Халқ Палатасидаги овозлар ўрнини белгилаб қўйди. (ГБСП учун 117 мандат, қолган партиялар учун 52 мандат ажратилди). Шунинг учун сайловлар натижаси олдиндан маълум эди. Тўғридан-тўғри умумий сайловлар асосида сайланадиган Халқ Палатаси, 1949 йилги Конституцияга кўра, ГДРнинг олий органи эди. 1960 йилда Президентлик лавозими ҳам бекор қилинди. 1949 йилдан 1960 йилгача (вафотига қадар) бу лавозимни В. Пик эгаллаган эди. Президентлик лавозими ўрнига давлат раҳбари вазифасини бажарувчи орган – Давлат Кенгаши тузилди. Ижро этувчи ҳокимият Министрлар Совети бўлиб, у ҳам Давлат Кенгаши каби Халқ Мажлиси томонидан сайланар эди.

Шаркий Германия давлат тузумининг шаклланишида ГБСПнинг 1950 йил июлида бўлиб ўтган III съезди муҳим аҳамиятга эга бўлди. Съездда ГБСПМҚ Бош қотиби этиб В. Ульбрихт сайланди. СССРнинг социализм қуришдаги ижтимоий, иқтисодий тажрибасидан нусха

олишни, ГБСПнинг ҳукмрон партия сифатида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини назорат қилишини бошлаб берди. Ташкил қилинганидан бошлаб ГДР социалистик давлатлар доирасида имтиёзли мавқега эга бўлди. ГДРда эришилаётган муваффақиятларга социалистик тузум муваффақиятлари ва афзаллиги деб қаралди. ГДРда амалга оширилаётган ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш учун совет ҳукумати 1950 йилда репарация (товон) тўловларини икки марта қисқартирди, хомашё ва техника ёрдамини кучайтирди. Урушдан кейинги йилларда яратилган кўпгина совет ҳиссадорлик корхоналари ГДРнинг давлат секторига топширилди. 1950 йил октябрида Прагада бўлиб ўтган 8 та Шарқий Европа мамлакатлари конференциясида илк бор “Германиянинг Бирлашган Куролли Кучларда иштироки” тўғрисида сўз борди.

1950 йили ГДР ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига қабул қилинди. 1952 йилда ГДРда социалистик тузум асосларини яратишнинг бошлангани расман эълон қилинди. Давлат бошқарувини марказлаштириш даражаси ниҳоятда кучайди. Полицияда ходимлар таркибининг сиёсий тозаланиши ўтказилди. Қишлоқ жойларни мажбурий равишда кооперативлаштириш, саноатни кенг миқёсда давлат тасарруфига ўтказиш бошланди. Аҳолининг турмуш даражаси пастлигича қолаверди. Шахсий ишбилармонлик ташаббусини бўғиш, ишчиларнинг иш соатлари нормаларининг оширилиши, солиқларнинг оширилиши, диннинг таъқиб қилиниши ва “социализм асосларини қуриш”га хос бўлган бошқа ёт жараёнлар халқ учун жуда оғир эди.

Сталин вафоти ГДР раҳбариятига ўз сиёсатида ўзгартиш киритишга имконият туғдиргандек бўлди. Шу муносабат билан 1953 йил 10 июнда ГБСП МК “йўл қўйилган хатолар”ни тузатиш учун “янгича йўл тутиш” тўғрисида қарор чиқарди. Деҳқонлар ва хунармандларга нисбатан солиқ сиёсатини юмшатиш чоралари амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, 16 июнда Берлин ишчиларининг ҳам чиқишига сабаби бўлди. 16 июнда ишчилар иш соатлари ҳажминини қисқартиришни талаб қилиб чиқдилар. 17 июнда бу тўлқин Шарқий Германия шаҳарларини камраб олди. Бу тарқоқ ҳаракатнинг асосий сабаби ГБСП сиёсатидан норозилик, паст турмуш даражаси ва мамлакат ҳудудида совет кўшинларининг сақланиб туриши эди. Ишчиларнинг чиқишларини бостириш учун совет танк қисмлари ишга солинди, қурбонлар сони 25 дан 300 тагача етди.

17 июн воқеалари ГБСП раҳбариятини ислохотлар жараёнига тузатишлар киритишга мажбур қилди. СССР берган қарзлар ва мод-

дий ёрдамдан фойдаланиб, чакана нархларни пасайтириш ва ишчи-ходимлар ойлигини оширишга муваффақ бўлинди. Енгил саноат ва уй-жой қурилишига сармоялар оширилди. Қишлоқ хўжалиги кооперативларига ихтиёрий қўшилиш тамойили изчиллик билан амалга оширилди. 3 мингдан ортиқ мусодара қилинган хусусий дўконлар ўз эгаларига қайтарилди.

ГДР раҳбарияти Умумгермания муаммосини ҳал қилиш масаласига нисбатан ўта муросасиз мавқени эгаллади (Ғарбда бу сиёсат “Ульбрихт доктринаси” деб номланди). Умумий Битим (1954 йил 26 майда) имзоланиши пайтида ГДР Ҳукумати ГФР билан чегара бўйлаб “таъқиқланган зона” яратишини эълон қилди. У тиканли сим, чегара пости, патруль ва ҳоказолар билан таъминланган мустақкам минтақа қўринишига эга бўлди. Германия муаммосида СССР ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги 1953–1955 йиллардаги музокараларнинг муваффақиятсизликка учраши ГДРнинг социализм системаси лагерига ўтиб кетишини таъминлади. 1954 йилда СССР репарациянинг қолган қисмини олишдан воз кечди ва ГДРга ўзига қарашли Шарқий Германия ҳудудидаги саноат корхоналарини топширди. ГДРга иқтисодий дастурларни амалга ошириш учун қўшимча кредитлар берди ва ГДР ҳудудидаги совет ҳарбий қисмларининг таъминоти учун бериладиган тўловларни қисқартирди. 1954 йил март ойида СССР ва ГДР ўртасида ГДРга тўлиқ давлат суверенитетини бериш тўғрисида Битим тузилди. СССР фақатгина ГДР хавфсизлиги ва тўрт мамлакат келишувларида кўзда тутилган ташқи сиёсатни назорат қилиш мажбуриятини олди. 1955 йилда ГДР Варшава Шартномаси Ташкилоти (ВШТ)га аъзо бўлиб кирди.

50- йиллар охиридан ГДР атрофидаги сиёсий вазият янада кескинлашди. Хрушчев 1958 йил 10 ноябрда Совет–Польша дўстлиги митингида сўзлаган нутқида “Берлиндаги оккупацион режим қолдиқлари”дан воз кечиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида баёнот берди. 27 ноябрда АҚШ, Буюк Британия, Франция ГДР ва ГФРдавлатлари бошлиқларига юборилган хатда Ғарбий Берлинни “қуроллардан холи бўлган эркин шаҳар”га айлантириш тўғрисида таклиф киритилди. СССР Ғарбий Берлин ва ГФР ўртасидаги транспорт ҳаракати тартибини қайта кўриб чиқишни таклиф қилди. Шу масала бўйича тўрт мамлакат ташқи ишлар вазирларининг Женева йиғилиши натижасиз якунланди. Американинг жосус “У–2” самолётининг СССР осмонида уриб туширилиши билан боғлиқ воқеалар, Париждаги олий мартабали учрашувнинг муваффақиятсизликка

учраши ва 1961 йил июнда Хрущев ва Кеннеди ўртасидаги муваффақиятсиз музокаралар ГДР атрофидаги вазиятни янада кескинлаштириб юборди.

1961 йил ёзидан бошлаб аҳолининг ГДРдан Берлиндаги очик чегара орқали Ғарбга кўчини бошланди. Агар 1959 йилда ГДРни 144 минг киши, 1960 йилда 203 минг киши тарк этган бўлса, 1961 йилнинг фақат июл ойида ГФРга 30 минг август ойининг биринчи ўн кулигида 48 минг киши кочиб ўтди. 1961 йилнинг 13 дан 14 августига ўтар кечаси СССРнинг ташаббуси билан Берлиннинг ғарбий ва шарқий секторларини ажратиб турувчи темир бетон девор қад ростлади. Бу тadbирни ГДР Хукумати давлат чегарасини мустаҳкамлаш ва “ғарб агентлари” ҳаракатларига барҳам бериш учун қўлланилган чора деб шарҳлади. “Берлин девори” Европани икки қарама-қарши лагерга бўлган “темир парда” рамзига айланди.

60- йилларда ГДРнинг тараққиёти Венгрия ва Чехословакиядаги жараёнларга ўхшаш эди. 1963 йилда ГБСП нинг VI съезди партия дастурини қабул қилди. Унда ГДРда социалистик тараққиёт босқичи бошланганлиги эълон қилинди, меҳнат унумдорлиги ва халқ хўжалиги комплекси самарадорлигини ошириш, фуқаролар ўртасида “социалистик муносабатлар” ўрнатиш, Германиянинг миллий бирлигини тиклаш вазифалари кўйилди. 1963 йилдан “социалистик бозор” моделини яратишга қаратилган иқтисодий ислохотни амалга ошириш бошланди. ГБСПнинг 1967 йилдаги VII съезди “ривожланган социалистик ижтимоий тузум”ни яратиш тўғрисидаги Қарорни қабул қилди. 1968 йилда қабул қилинган янги Конституция ГДРни “олмон миллатининг социалистик давлати” деб эълон қилди. Илгариги давлат тузумини сақлаб қолган 1968 йил Конституцияси ГБСП ролини янада аниқроқ белгилаб қўйди. Ульбрихт ва унинг тарафдорлари мамлакатда партия етакчи мафкуравий-сиёсий куч бўлиши керак, аммо маъмурий бошқарув Давлат Кенгаши қўлида бўлиши керак, деб ҳисоблашарди. ГДР раҳбариятининг 1968 йилдаги “Прага баҳори” воқеаларига муносабати намойишкорона руҳда бўлиб, Ульбрихт Варшава Шартномаси Ташкилоти (ВШТ) мамлакатларининг Чехословакияга нисбатан қаттиққўллигини қўллаб-қувватлади. ГДРнинг ҳарбий кўчлари “Прага баҳори” қатнашчиларини қонга ботиришда иштирок этди.

1971 йил баҳорида Ульбрихт “ўз илтимосига кўра” ГБСП МҚ Биринчи қотиби вазифасидан озод қилиниб, партиянинг фахрий раҳбарига айланди. ГДРнинг янги раҳбарияти Эрих Хонеккер бош-

чилигида СССР сиёсатини қўллаб-қувватлади. Фаол иқтисодий сиёсатни сақлаб қолган ҳолда мавжуд тузум устидан мафкуравий назорат кучайтирилди. ГБСП сафларида бирликни мустаҳкамлаган ва нокоммунистик партияларга тазйнкни кучайтирган Э. Хонеккер турмуш даражасини кўтариш орқали жамиятда ижтимоий тинчликка эришишга ҳаракат қиларди. 70- йилларда ГДРда нархлар барқарор сақланган ҳолда, ойлик маош ва нафақа тўловлари ошириб борилди. Дунёдаги ноқулай иқтисодий вазиятга қарамасдан 70- йилларнинг биринчи ярмида мамлакат миллий даромади 33% га ошди.

“Хонеккер режими” Умумгермания масаласига муносабатни тубдан ўзгартирди. 1971–1972 йилларда Ғарбий Берлин масаласида иккита Германия давлатлари ўртасидаги муносабатларда олдинга силжиш рўй берди. Аммо бу янгиликларни қўллаб-қувватлаган Хонеккер (ажралиш, айрилиш, узоқлашиш, тўсиқ яратиш) “алоҳидалик” сиёсатини қўллаб, бирлашиш масаласига қарши эди. ГДР Конституциясининг янги таҳриридан (1974 й.) “Германиянинг бирлашишга эришиши давлат сиёсатининг асосий мақсади” деган банд олиб ташланди. Ушбу банднинг ўрнига “ГДР – социалистик ҳамдўстликнинг ажралмас қисмидир” ва СССР билан иттифоқчилик муносабатлари абадий ва дахлсиздир”, деган банд киритилди. Икки олмон давлати фуқаролари ўртасидаги алоқалар чеклаб қўйилди. ГФР билан чегаралар бўйлаб кесиб ўтувчиларни отиб ташлаш ҳоллари тез-тез рўй бериб турди. “Узоқлашиш” сиёсати Шарқий Германия раҳбариятига “маҳбуслар билан савдо-сотик қилиш”га халақит бермади: маълум тўлов эвазига ГДРда “давлатга қарши жинойт”да айбланган шахслар озод қилиниб, ГФРга сотилар эди. Бу амалиёт 60- йиллардаёқ ГФР ташаббуси билан бошланган эди, аммо бу савдо айнан Хонеккер ҳукмронлиги даврида ниҳоятда кенгайди. 1964–1989 йилларда жами 33 минг кишининг ҳар бири ўрта ҳисобда 95847 дойч маркадан сотилди.

4- §. “Коль даври”: олмон неоконсерватизми ва Германиянинг бирлашиши

Г. Коль ва олмон неоконсерватизми

Ҳокимият тепасига келганида Гельмут Колнинг сиёсий обрўси юқори даражада эмас эди. Бўйи – 193 см, оғирлиги 100 килограмм-

дан ортиқ бўлган, оғир вазминли, кўнгилчан ва меҳрибон кўринувчи, аммо вақти-вақти билан қатъиятли ва чўрткесар бўладиган Коль ўз халқининг барча камчилиги ва фазилатларини ўзида мужассамлаштирган “оддий олмон” кийфасини ярата борди. Аммо ХДСда Коль сиёсий интригалар, нозик бошқарув ўйинлари устаси, керакли одамлар билан “дўстлаша олувчи” ва содиқ тарафдорларни кадрлайдиган одам сифатида маълум эди. Коль 1930 йилда туғилган бўлиб, урушни кўрган, аммо айбдорлик ва рухий азобдан холи бўлган авлодга мансуб эди. Тарбияси ва дунёқараши бўйича католик ва консерватор бўлган Коль ХДС сафига талабалик давридаёқ кирганди. Гельмут Коль, руҳияти ва қарашларига кўра, неоконсерватив мафкурага яқин бўлган христиан демократиянинг янги концепциясини ишлаб чиқаётган сиёсатчиларга раҳбар эди. Германиянинг янги консерваторлари Эрхард томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий бозор хўжалигининг классик тамойилларига таянар эдилар. Г. Коль ўз стратегик мақсадларини яққол англаган ҳолда барча сиёсий кучлар билан самарали мулоқот олиб боришга эътиборини қаратди. Қарор қабул қилишда шошма-шошарликка йўл қўймаслик ва муаммонинг “пишиб етилишигача кутиш”га ҳаракат қилиш – бундай сиёсий услуб туфайли Г. Коль олмон жамиятининг турли қатламлари вакиллари ишончини қозонди ва Германиянинг энг машхур ва обрўли сиёсатчиларидан бирига айланди.

Г. Коль Парламентда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун Бундестагни тарқатиб юбориб, навбатдаги сайловларни ўтказди. Сайловлар 1983 йил 6 мартда бўлиб ўтди ва янги коалициянинг ишончли ғалабаси билан яқунланди. ХДС – 38,2% овоз ва 192 мандат, ХСС – 10,6% овоз ва 52 мандат, ЭДП 7% овоз ва 34 мандатга эга бўлди. ГСДП 38,2% овоз олиб, 193 мандатга эга бўлди ва расман энг йирик фракцияга айланди, аммо таъсир кучи бўйича Парламентда янги коалициядан ортда қолаётган эди.

1983 йил Бундестаг сайловларида кутилмаган ҳодиса “яшиллар”нинг муваффақияти бўлди. Улар 5,6% овозга эга бўлиб, илк бор Бундестагда ўз фракциясига эга бўлди. Сайловда “яшиллар” 1983 йил январиди партиянинг V съездида қабул қилинган янги дастур билан чиқди. Унинг шiori қуйидагича эди: “Мақсадли меҳнат қилиш, яқинлик билан яшаш. Ишсизлик ва ижтимоий ҳуқуқларни чеклашга қарши курашиш”. Ўз ҳаракатларининг энг муҳим тамойилларини сақлаб қолган ҳолда, “яшиллар” ўз дастурига энергетика, транспорт, уй-жой қурилиши, ишсизлик, инфляция, ижтимоий

хизматлар фаолиятини тўхтатишга қарши курашга қаратилган бир қатор долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни киритди. “Яшиллар” стратегик мақсад сифатида ҳам инсон, ҳам табиатни эксплуатация қилишга йўл қўймайдиган тоғув ва демократик жамият, янги “экологик тузум”ни барпо этишни мақсад қилиб қўйди.

“Яшиллар”нинг партиявий спектрнинг доимий элементиغا айланиши ГФРдаги бутун сиёсий тизимини барқарорлашуви учун катта аҳамиятга эга эди. “Яшиллар” партияси раҳбарлари “Парламент ташқарисидаги муҳолифат”ни (яъни халқаро Гринпис ташкилотига интилувчи радикал-экологларни, қонун чиқариш жараёнида қатнашишга ҳаракат қилувчи мўътадил “Парламент қаноти”, уруш ва фашизмга қарши курашувчи гуруҳлар, талаба фаоллари) ни бирлаштиришга муваффақ бўлди. Шу билан, “янги ижтимоий ҳаракат”ларни мамлакат сиёсий тизимига қўшишнинг ўзига хос механизми шаклланди. Бундан фақатгина ўнг радикал гуруҳлар мустасно эди. Бу гуруҳларнинг энг йириги 1983 йилда ташкил топган Республикачилар партияси эди. Унинг дастуридан экстремистик характердаги миллатчилик ва қасоскорлик (реваншизм) ўрин олган эди. Терроризм илгаригидек барқарорликка зарба берувчи роль ўйнади.

Янгиланган христиан демократик ҳаракатнинг сиёсий устуңлиги бутун ўн йиллик давомида яққол кўринди. 1984 йил ГФР Президенти этиб ХДСнинг энг обрўли раҳбарларидан бири Рихард фон Вейцеккер сайланди. 1987 йилдаги Парламент сайловларида ХДС/ХСС қанотининг мавқеи пасайди. ХДС 34,5% овоз (174 мандат), ХСС 9,8% овоз (49 мандат)га эга бўлди. Аммо ҳукумат коалицияси 9,1% овоз (46 мандат) олган ЭДП туфайли саклаб қолинди. 37% овозга эга бўлган ГСДП фракцияси Бундестагда 187 мандатга эга бўлди. Бу сайловларда социалистлар электоратининг бир қисми ривожланаётган “Яшиллар” партияси 8,3 овоз, 42 мандатга эга бўлди.

Тузилмавий сиёсатнинг янги элементи хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишдан иборат бўлди. Аммо Ғарбнинг бошқа илғор мамлакатларидан фарқли ўлароқ олимон неоконсерваторлари бу соҳани устивор деб ҳисобламадилар. Хусусийлаштиришнинг биринчи ўн йиллиги давомида Г. Коль ҳукумати (1982–1992) бюджетдан атиги 10 миллиард марка олди, холос. Шу билан бирга, халқ хўжалиги фаолиятида катта роль ўйнамайдиган, унчалик катта бўлмаган корхоналар хусусийлаштирилди. Кичик ва ўрта бизнесга нисбатан юритилган рағбатлантириш сиёсати муҳимроқ роль

ўйнади. Бу сиёсатнинг асосий усули корпоратив маблағга чексиз имтиёзлар берувчи солиқ-молия ислоҳотини амалга оширишдан иборат бўлди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида асосий эътибор йирик ишлаб чиқарувчиларга қаратилди. Қош хукумати қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонини қисқартиришга (у 80- йилларнинг охирига келиб иқтисодий фаол аҳолининг 4,5% игача тушиб қолди) эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонлари қисқартирилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши экинларнинг янги серҳосил навларини яратиш ва чорва моллари зотларини селекция қилиш, экинларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини янгилаш ва ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ҳисобига таъминланди.

Қош хукумати ички сиёсатининг ютуғи кўп жиҳатдан хўжалик иқтисодиёти доирасида ўсиш фазаси бошланганлигига боғлиқ эди. Ишлаб чиқаришнинг инқироздан чиқиши 1983 йилдан бошланди ва кейинги 8 йил давомида ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсиб борди. Ўсиш чўккиси 1990 йилга тўғри келди. ЯИМ ўсиши ўша йили 4,5% ни ташкил этди. Айниқса, машинасозлик, автомобиль, кимё, электротехника соҳалари юқори суръатлар билан ривожланди. Экспорт ҳажми бўйича ГФР АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида экспортнинг тез ўсиб бориши ташқи савдонинг барқарор ошириб боришга имкон берди. 1990 йилда ташқи савдо миқдори 148,5 миллиард маркани ташкил этди (икки йил олдин 128 млрд марка эди). Ишсизлик даражаси секин, аммо бир маромда пасая борди. 1990 йилга келиб, ишсизлик ўн йил ичида илк бор 2 млн кишидан (иқтисодий фаол аҳолининг 7% и) камроқни ташкил этди. ГФР молиявий тизимининг барқарорлиги марканинг халқаро ҳисоб-китоблардаги ролининг сақланиб қолишига имкон берди.

Ташқи сиёсатдаги устивор йўналишлар Г. Қош томонидан Канцлер лавозими учун кураш давридаёқ эълон қилинган эди. У ГФРнинг демократия ва халқаро ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлашга, “атлантик яқдиллик” принципига риоя қилишга, НАТО аъзолари ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларга эришишга интилди. Г. Қош ГДР суверенитетини сўзсиз тан олар, аммо иккита олмон давлати ўзаро муносабатларининг (“Германия масаласи”) халқаро-ҳуқуқий характерга эга бўлишини нотўғри деб ҳисоблади. Г. Қош ҳокимият тепасида бўлишининг илк йилларида НАТОдаги стратегик шерикла-

ри билан муносабатларни мустахкамлашга эътибор қаратди. Мамлакатда урушга қарши ҳаракатларнинг авж олишига қарамасдан, Коль ҳукумати ГФР ҳудудида АҚШнинг ўрта ва қисқа масофага учириладиган ядро ракеталарини жойлаштириш бўйича тузилган барча шартномаларга қатъий риоя қилди. Ғарбий Германия дипломатияси Буюк Британиянинг Фолкленд (Мальвин) ороллари учун курашини ва АҚШнинг Гренадага бостириб киришини маъқуллади. Коль ҳукумати Стратегик мудофаа ташаббуси (СМТ) дастурига қўшилди. 1986 йил Рейкявикда бўлган АҚШ–СССР олий даражадаги музокараларида Рейганнинг позициясини қўллаб-қувватлади. Г. Коль Ташқи ишлар вазири лавозимини ўзида сақлаб қолган Геншернинг фаол қўллаб-қувватлашига таяниб, Европада ривожланиш жараёнининг янги босқичини бошлашга катта ҳисса қўшди. Коль 1989 йилги “Европа Иттифоқи тўғрисида”ги Декларациянинг имзоланишида иштирок этди. 1984 йилдан Франция Ғарбий Германия алоқалари фаоллаша борди.

80- йиллар ўрталаридаги халқаро муносабатлар характерининг ўзгариши билан ГФРнинг глобал сийсатига тузатишлар киритилди. Г. Коль олий даражадаги Совет–Америка мулоқотини фаол қўллаб-қувватлади. У кичик ва ўрта масофага учувчи ядро ракеталарининг қискартирилиши тарафдори бўлди. 1988 йил октябрида Г. Колнинг Москвага сафари ва 1989 йил июнидаги М. Горбачевнинг жавоб ташрифи иккала мамлакат раҳбарияти ўртасидаги самарали мулоқотга замин яратди. Совет–ГФР ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан бири СССРда яшовчи олмон миллатига мансуб фуқаролар тақдири, уларнинг тарихий ватанига қайтишларини қонунийлаштириш ва таъминлаш муаммоси бўлди. Кейинчалик, СССР ҳудудида бўлган сийсий ўзгаришларга қарамасдан, Совет–Германия алоқаларининг ижобий барқарорлиги сақланиб қолди. Бу самарали ҳамкорлик Ғарбий Германия дипломатиясининг асосий масалалари бўлган Германияни бирлаштириш муаммосининг ҳал этилишини анча енгиллаштирди.

Шарқий Германияда социализмнинг таназзулга юз тутиши ва Германиянинг бирлашиши

XX асрнинг 80- йилларида иккала олмон давлати муносабатларида янги саҳифалар очилди. Кутилмаганда ГДРдаги расмий тарғиботларда Умумгермания масаласи яна кун тартибига чиқди. “Умумий маданий мерос” тўғрисида сўзлар тез-тез қўллана бошла-

ди. Хонеккернинг ГФРда “демократик кучлар” галабасидан кейин Германиянинг бирлашиш масаласи тўғрисидаги Баёноти шов-шувга сабаб бўлди. 1981 йилда Хонеккер ва Шмидт учрашувида илк бор Европа хавфсизлиги учун ГФР ва ГДР нинг “умумий жавобгарлиги” ибораси тилга олинди. Шарқий Германия раҳбариятининг янги йўли Боннда кўллаб-қувватланди. Г. Коль ҳукумати ГДРни иктисодий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўрди. 1983–1984 йилларда умумий қиймати 1,9 миллиард маркадан иборат кредит бериш тўғрисида Шартнома тузилди. Иккала мамлакат университетлари, шаҳар жамоалари, ижодкор зиёлилар гуруҳлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. 1987 йилда тарихда илк бор ГДР раҳбари Боннга ташриф буюрди. Аммо Хонеккер ҳеч қандай либерал ислоҳотчи эмас эди. ГФР билан муносабатларни юмшатишга ҳаракат қилишдан мақсади ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга бўлган интилишдан бошқа нарса эмас эди. Ички сиёсатда, аксинча, консерватив кайфиятлар кучайди. Хонеккер ва унинг тарафдорлари ҳокимияти авторитар характерга эга бўла бошлади. Ўзгача фикрловчиларни қатағон билан йўқ қилиш усуллари кўпроқ қўлланила бошланди.

СССРда қайта куриш сиёсати бошлангандан сўнг ГДР раҳбарияти Горбачевнинг ислоҳотчилик йўлидан боришдан воз кечди. 1987 йилда ГБСП нинг гоявий бошлиғи К. Хагер “Штерн” журналига берган интервьюсида шундай деди: “Агар қўшнингиз девор безакларини алмаштирса, бу сиз ҳам таъмирни бошлашингиз керак дегани эмаску?!” Фаравонлик давлат қарзларининг ўсиб бориши ҳисобига сақлаб турилди. Агар 1971 йил ГДРнинг Фарб давлатларидан қарзи 3,5 млрд маркдан иборат бўлган бўлса, 1989 йилга келиб у 10 барабар ошди. Молиявий инқироз хавфи аниқ бўлиб қолди. ГДР аҳолиси орасида барча муаммоларни Германиянинг кўшилиши орқали ҳал қилиш гояси тобора кучайиб борди.

Ўсиб бораётган ички сиёсий инқироз Хонеккер ҳукуматини очикчасига террор усулини қўллашга мажбур этди. Фарбга қочиб ўтишга уринишлар бераҳмлик билан жазоланар эди. “Штази” махсус хизмати кенг қамровли жосуслик тизимини яратди. ГДР аҳолиси 18,4 млн кишини ташкил этгани ҳолда, давлат хавфсизлиги вазирлиги шахсий таркиби 100 минг кишидан ошиб кетди, яна шунча киши “Штази” агентлик тармоғига жалб қилинган эди. Буларга қўшимча 2 млн дан ортиқ ГБСП аъзолари ҳам бор эди. Шунга қарамай, социалистик тузумнинг таназули яқин эди. 1989 йил кузида Чехословакия

билан очик чегара оркали Австрия ва ГФРга қочоқлар оқимининг кўлами ГДРдаги социалистик тузум ўз умрининг сўнгги кунларини яшаётганлигидан дарак берарди.

ГДРнинг 40 йиллигини нишонлаш кунлари яқинлашиб келмоқда эди. М. Горбачевнинг 1989 йил 6 октябрдаги сафари сиртдан “дўстона” вазиятда ўтган бўлса-да, ГБСПдаги кураш сўнгги нуктасига келганди. 7–8 октябрларда омманинг полиция билан тўқнашувлари бўлиб ўтди. Бу қонли воқеа давлат раҳбарларини сиёсий хатоларга йўл қўйишда айблаганга асос бўлди. 1989 йил 18 октябрда ГБСПнинг IX пленумида Хонеккер эгаллаган лавозимларидан четлаштирилди. Унинг ўрнини Эгон Кренц эгаллади. Хукумат юқори эшелонларида тозалаш бошланди. Аммо ГБСПнинг янги раҳбарияти мамлакат бошқарувини тезда қўлдан бой бера бошлади. Деярли ҳар куни ГДРнинг турли шаҳарларида оммавий митинглар ва намойишлар бўлиб ўтарди. 7 ноябрда Вазирлар Кенгашининг бутун таркиби Вилли Штоф раҳбарлигида истеъфога чиқди. 8 ноябрда эса ГБСП МҚнинг таркиби тубдан ўзгартирилди. 13 ноябрда Халқ Палатаси Вазирлар Кенгашининг раиси лавозимига машҳур муҳолифатчи ГБСПнинг Дрездендаги округ кўмитаси биринчи котиби Ханс Мадровни сайлади. Мадров тезда ГФР билан “Шаргномавий Ҳамжамият” тузиш режасини маълум қилди. Режада иккала герман давлатларининг иктисодий, валюта ва транспорт иттифоқини босқичма-босқич шакллантириш, конфедерация тузиш кўзда тутилган эди. Бу режа Г. Коль томонидан қўллаб-қувватланди.

1989 йил декабр бошида юз берган “Шаркий Германияда қайта қуриш” воқеаси ГБСП сиёсий монополиясининг барҳам топишига олиб келди. 1 декабрдаёқ ГДР Конституциясидан партиядинг раҳбарлик роли тўғрисидаги модда чиқариб ташланди. Икки кун ўтгач, ГБСП МҚ XII пленуми Хонеккер раҳбарлигидаги собиқ етакчиларни партиядан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. 8 декабрда ГБСПнинг фавқулудда съездида Э. Кренц ҳам ўз вазифасидан озод қилинди. Съезд партиядинг раҳбари этиб Грегор Гизини сайлади (Бош котиб лавозими ва Сиёсий Бюро бекор қилинди). Партиядинг ўзи Демократик социализм партиясидан (ДСП) номини олди.

1989 йил ноябрида ГДРда янги партиядан – Социал-демократик партиядан (СДП) ташкил топди. 1990 йил январидан ўз дастурий асосларига кўра; Бовариядаги ХСИга жуда яқин бўлган Олмон Социал Союзи (ОСС) тузилди. Тез орада ОСС ва ХСС ўртасида мустақкам алоқалар ўрнатилди. Ғарбий Германиядаги ХДС эса, аксинча,

ўзининг Шарқий Германиядаги шериги билан яқинлашишга шошилмади. Фақат ГДРда эркин сайловлар ўтказиш арафасида Г. Коль Шарқий Германия христиан демократларини қўллаб-қувватлай бошлади. 1990 йил 18 мартдаги сайловлар арафасида ГДРда сиёсий кучларнинг бирлашуви рўй берди. 5 февралда Г. Коль таклифи билан Шарқий Германиядаги ХДС, ОСИ ва “Демократик зарба” “Германия учун альянс” блокига бирлашди. Бу коалиция амалда ГФР раҳбарияти томонидан расман қўллаб-қувватланди ва иккала Германияни бирлаштириш бўйича янада аниқ дастур ишлаб чиқилди. 1990 йил 18 мартдаги сайловлар қутилган натижа берди. ХДС – 40,9%, ОСС – 6,32%, “Демократик зарба” 0,92% (шундай қилиб, “Германия альянси” – 48,14%) овозга эга бўлди. Германияни бирлаштиришнинг халқаро-ҳуқуқий ечими “2 + 4” шаклидаги АҚШ, СССР, Буюк Британия, Франция музокараларида ўз ечимини топиши керак эди. Бу музокаралар 1990 йил майида бошланди. Британия ва Франция раҳбарларининг шошилмасликларига қарамай, бу музокаралар иштирокчилари олмон халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олишди. Бунда СССР Президенти Горбачевнинг Бирлашган Германия раҳбариятига мамлакатнинг ҳарбий ва иқтисодий блокларга кириш масаласини ўз ихтиёрига бериш ва ГДРдан совет кўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарори муҳим роль ўйнади. Умуман, М. С. Горбачев ГДРнинг ГФРга қўшилишига рози эканлигини Г. Колга 1990 йилнинг 10 феввалидаёқ маълум қилган эди. 1990 йил 12 сентябрда “2 + 4” иштирокчилари томонидан “Германия масаласини узил-кесил ҳал этиш тўғрисида”ги Шартнома имзоланди. Шартномада Германиянинг урушдан кейинги чегаралари дахлсизлиги, ГФРнинг оммавий қирғин қуролига эга бўлмаслиги ёки ишлаб чиқариши мумкин эмаслиги қатъий белгиланган эди. Шартномага кўра, Германия ўз Қуроли Кучларини керакли даражада қисқартириши керак эди. Шарқий Германияда совет кўшинларининг 1994 йилгача бўлиши ва уларни чиқариш тартиби ҳам келишиб олинди.

1990 йилнинг май ойидаёқ ГДР ва ГФР ҳукуматлари томонидан 1 июлда кучга кирган икки мамлакат ўртасида иқтисодий, валюта ва ижтимоий иттифоқи тўғрисидаги Шартнома имзолади. Бу Шартнома 1 июлда кучга кирди. 22 августда ГДР Халқ палатаси ГФРнинг сайлов тартиби асосида Умумгермания сайловларини ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилди. ГДРни ГФРга қўшиш тўғрисидаги Қарор Асосий Қонуннинг 23- моддасига мувофиқ қабул қилинди. Бу эса ГДРда

давлатчилик барҳам тошганини ва унинг худудида Ғарбий Германия қонунчилиги жорий этилганлигини билдирарди. Бу воқеа санаси сифатида 1990 йил 3 октябр белгиланди. 24 августда Бундестаг Халқ Палатасининг ГДРни ГФРга қўшиш тўғрисидаги Қарорини қўллаб-қувватлади ва Умумгермания сайловларини 1990 йил 2 декабрга белгилади. Бу қарорлар 31 августда имзоланган ва 1990 йил 3 октябрда кучга кирган “Германиянинг бирлашиши тўғрисида”ги Шартномада ўз аксини топди. 3 октябрдан бошлаб ГДР дунё харитасидан ўчирилди. Октябрнинг ўрталарида Шаркий Германиядаги маъмурий тизим Ғарбий Германиядаги маъмурий бошқарув тизими билан бирлаштирилди. Оқруғлар ўрнига илгаригидек бешта земель худудий бирлиги тикланди. “Земель” ландтағларига (маҳаллий Парламент) сайловлар 14 октябрда бўлиб ўтди. Бранденбургда социал-демократлар, қолган тўртта земелда христиан демократларнинг кўли баланд келди. 2 декабрда Бутун Германия худудида Бундестаг сайловлари ўтказилди. Бу сайловлар ҳукмрон коалициянинг ишончли ғалабаси билан якунланди. ХДС – 36,7% овоз ва 268 мандат, ХСС – 7,1% овоз ва 51 мандат, ЭДП 11% овоз ва 79 мандатга эга бўлди. 33,5% овоз ва 239 мандатга эга бўлган ГСДП ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олди. Бундестагнинг 1990 йил 20 декабрдаги Таъсис мажлисида Канцлер Г. Коль бошчилигидаги биринчи Умумгермания ҳукумати тузилди.

Бирлашган Германиянинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти

Германиянинг бирлашиши мамлакатнинг халқаро мавқеини анча мустаҳкамлади. Аммо дунё сиёсати тизимидаги янги мавқе ГФРга имтиёзлар бериш билан бирга, зиммасига буюк давлатга хос янги сиёсий, молиявий ва ахлоқий мажбуриятларни ҳам юкледи. 1990 йилнинг январидаёқ Г. Коль ГФРнинг халқаро майдондаги муаммоларни ҳал қилишдан, можароларни бартараф этишдан четга қола олмаслигини таъкидлаган эди. Бу жуда рамзий баёноат эди, чунки унинг эълон қилиниш вақти БМТ байроғи остида Форс кўрфази минтақасида ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши даврига тўғри келди. Гап ГФР ҳарбий доктринасини тубдан ўзгартириш тўғрисида бораётган эди. Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг, федерал Конституциявий суд “Германия барқарорлиги ва бирлигига зарар келтириши мумкин бўлган можаро ва инқирозларни бартараф этиш учун” Бундесверни ГФР ва НАТО аъзолари худудларидан ташқарида

хам ишга солиш қонунийлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Қуроли кучлар таркиби ҳам қайта тузилди. Бундесвер таркибида 54 минг кишидан иборат “инқирозли вазиятларда ҳаракат қилувчи кучлар” тузилди. Кейинги йилларда ГФР НАТОнинг халқаро хавфсизликни таъминлаш стратегияси, жумладан, бу блокни Европа шаркига қаратиб кенгайтириш режаларини қўллаб-қувватлаб келди. Бундесвер учун биринчи синов Босния ва Герцоговинадаги “тинчликпарварлик” операциясида қатнашиши бўлди.

ГФРнинг НАТОдаги сиёсий мавқеининг ўзгариши унинг иттифоқчилари томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. АҚШ Президенти катта Ж. Буш Шимолий Атлантика блоки раҳбариятида ГФРнинг иштирокини кўзда тутган ҳолда “тенг ҳуқуқли раҳбарлик” гоясини илгари сурди. Аммо Г. Коль ташки сиёсатда Россия билан ҳам дўстона алоқаларни сақлаб қолишга уринди. Бу йўналишда ҳал қилувчи қадам 1992 йил декабрда Москвага ташрифи давомида қўйилди. Ельцин ва Колнинг 1992 йил 16 декабрдаги Қўшма баёноти ўзаро алоқаларини мустаҳкамлади. Баёнотда: “Россия томони Россия (собиқ СССР) Ғарбий гуруҳ қўшинларининг кўчмас мулкига даъвосидан, Германия эса Россия қўшинлари жойлаштирилган ерларда атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш бўйича даъвосидан воз кечди”, – дейилганди. Россия қўшинларининг Германиядан чиқарилиши 1994 йил 31 августда якунланди. Кейинчалик, Коль ва Ельцин ўртасидаги муносабат дўстона характерга эга бўлди. 90- йилларнинг ўрталарида Россия–Германия сиёсий мулоқотининг халқаро муносабатлар тизимидаги ривожланиши 80- йиллардаги Совет–Амрика муносабатларини эслатар эди.

Г. Коль раҳбарлиги даврида Германия ташки сиёсатидаги энг устивор йўналиш Ғарбий Европадаги интеграция жараёни бўлиб қолди (турли мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг ягона иқтисодий сиёсат асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожланиш шакли). Мамлакат бирлашуви келтириб чиқарган улкан иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, ГФР Маастрихт келишувлари асосида интеграцияни чуқурлаштиришнинг фаол тарафдорларидан бўлди. 1995–1996 йилларда Франциянинг янги Президенти Ж. Ширакнинг бу масалада босиқлик билан сиёсат юритишидан фойдаланиб, Г. Коль Европа интеграцияси жараёнида етакчилик ролини ўз қўлига олди. 1996 йилда Париж ва Бонн Европа ҳамжамиятлари таъсис ҳужжатларидаги бир қатор низомларни ўзгартириш ва Маастрихтда баён қилинган интеграция дастурларига аниқлик киритиш бўйича ташаббус билан

чикдилар. Гап, энг аввало, Европа пул бирлигига ўтиш механизмларини ишлаб чиқиш ва Европа Иттифоқининг келажакда кенгайтиши масаласини ҳал этиш тўғрисида борарди. Г. Коль санаб ўтилган барча масалаларни муҳокама қилишда ва ЕИнинг XXI аср бошида ривожланиш стратегиясини белгилаб берган 1997 йил Амстердам Шартномасини тайёрлашда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бирлашган Германиянинг Европа Иттифоқида етакчилик қилиш даъволари фақатгина унинг раҳбарияти даъволаридан эмас, балки янги геополитик вазиятда ҳам кўринарди. Германия у билан ҳамкорлик қилишни мўлжаллаган қўшни давлатлар ва Европа бозорлари марказида турар эди. Бенилюкс Иттифоқи (Белгия, Нидерландия, Люксембург) мамлакатлари, Австрия ва ЕИга кирган Скандинавия мамлакатлари билан биргаликда Марказий Европа ядросини ташкил этар ва Германия дипломатиясининг узоқ йиллик орзусини ифодаларди. Германия Шарқий Европада ҳам фаоллашиб, Венгрия, Чехия, Польша, Болтик денгизи мамлакатларини жалб этувчи стратегик иттифоқчига айланди. 1991 йилда ГФР Ҳукумати Югославиядан биринчи бўлиб ажралиб чиққан иккита: Словения ва Хорватия республикалари суверенитетини тан олди. Г. Кольнинг бу қадами федерацияга қаттиқ зарба бўлса-да, бироқ Германиянинг Словения ва Хорватиядаги халқаро мавқени мустаҳкамлади.

Германия бирлашишининг ички оқибатлари анча мураккаб кечди. Турлича ижтимоий тузумда ўнлаб йиллар давомида яшаш, бир миллатни бўлиб ташлаб, бир-бирига қарама-қарши қўйган ташвиқотнинг фаоллиги, ижтимоий муносабатлар, ҳаётий ва миллий қадриятларни турлича қабул қилиш, тарихан шаклланган психологик хусусиятлар – бунинг ҳаммаси ягона олмон миллатининг қайта шаклланишини қийинлаштирди. Бирлашиш жараёнида ўзаро қарама-қаршилиқ, жирканиш, менсимаслик ва Ғарбий Германиядаги ишбилармон ва сиёсий доиралар томонидан шарқий олмонларни яширинча камситишлар рўй берди. ГДР аҳолисининг илгариги сара гуруҳи: ҳарбий хизматчилар, спортчилар, маданият ходимлари ва зиёлилардан санокли кишиларгина ўзларига яраша арзигулик иш жойига эга бўлишди. Германия бирлашишининг мўъжизавий иқтисодий самараси ҳақидаги умидлар хомхаёл бўлиб чиқди. Ижтимоий-иқтисодий тизимларни бирлаштириш стратегик режалаштиришсиз, синовлар ва хатолар йўли билан амалга оширилди. Олдинги ишлаб чиқариш ва савдо инфратузилмасининг барбод бўлиши, тузилмавий қайта қуришнинг бошланиши “янги ерлар”да ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетишига олиб кел-

ди. Бу ёрда ишчи ўринларининг 50% дан кўпроғи йўқ қилинган эди. Ишсизлик 30% ни ташкил этди. 1990 йил июлида пул ислоҳотининг ўтказилиши Шарқий Германия учун қутилмаган ҳол бўлди. ГДР маркалари дойчмаркаларга алмаштирилди. Ўтиш даврида ойлик маоши, стипендиялар, нафақалар, яшаш жойи учун ижара тўловларининг олдинги ҳажми сақлаб қолинди ва аҳоли учун алмаштириш 1:1 коэффицент билан болаларга 2 минг маркагача, катталарга 4 минг маркагача ва пенсионерларга 6 минг маркагача амалга оширилди. Бундан ортиқ маблағлар 1:2 нисбатда алмаштирилди. Аммо тез орада Шарқий Германиядаги маҳсулот бозори издан чиқди ва бу ерларда аҳоли турмуш даражаси ниҳоятда пасайиб кетди.

Шарқий Германия саноатини маъмурий қайта қуришга уриниш ҳам қийин ва самарасиз кечди. Ғарбий германиялик мутахассислар ҳисобига маъмурий ходимларни ёпласига янгилаш муаммоси, мутлақо бошқа ишлаб чиқариш маданияти, асбоб-ускуналарнинг технологик қолоқлиги, анъанавий бозорларнинг издан чиқиши ва бошқалар катта ишлар қилиш кераклигини билдирди. Бунинг ҳаммаси ГФР Ҳукуматини шарқий ерларни янгилаш федерал дастурларини узоқ муддат ичида сақлаб туришга мажбур қилди. Земелларга молиявий маблағлар қўйиш 1991 йилда 140 млрд, 1992 йилда 152 млрд ва 1993 йилда эса 182 млрд маркани ташкил этди. ГФР эса бу даврда янги иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган эди.

90- йилларнинг бошида Ғарбдаги етакчи мамлакатлар иқтисодий таназзулга дуч келди. Германия иқтисодиёти ҳам энг оғир аҳволда эди. Инқирознинг энг юқори нуқтаси 1993 йилга тўғри келди, унда ЯИМ ўсиши 1,1% ни ташкил этди. Машинасозликнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришнинг пасайиши 20–25% ни ташкил этди. Ишсизликнинг турғун ўсиши бошланди, у 1991 йилда 5,5% ни, 1993 йилга келиб эса 8,9% ни ташкил этди. Бундай жиддий иқтисодий инқироз сабаблари қисман бирлашиш муаммолари билан боғлиқ эди. Шарқий Германия иқтисодиётини янгилаш дастурларини амалга ошириш Ғарбий Германия иқтисодиёти барқарорлиги пойдевори бўлган молиявий тизимнинг зўриқишига сабаб бўлди. Бюджет мувозанати издан чиққан эди. Бу ҳолат кейинчалик ҳам, бутун 90- йиллар давомида ҳам сақланиб қолди. Давлат қарзлари ўсиб борди, инфляция белгилари пайдо бўла бошлади. Ҳукумат солиқларни ва банклардаги фоиз кўрсаткичларини оширишга мажбур бўлди. Аммо бу тадбирлар молиявий йўқотишларни кам микдорда қоплаб, ишбилармонлик фаолиятини пасайтирди ва ишлаб чиқаришнинг қисқаришини янада чуқурлаштирди.

1994 йилда иқтисодий аҳволнинг жонланиши кўзга ташланди. ЯИМнинг ўсиши 2,8% ни ташкил этди. Аммо 1995—1996 йиллардаёқ янги инқироз бошланди. Ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши рўй бермаган бўлса-да, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимда жиддий номуносивбликлар сақланиб қолганидан дарак берарди. 1997 йилга келиб, ишсизлар иқтисодиётдаги фаол аҳолининг 11,3% ини ташкил этди. Ўн йиллик бошида ЯИМ 40% ини ташкил этган, давлат қарзлари ҳам мунтазам ўсиб борди ва 1996 йилга келиб ЯИМнинг 60% идан ошиб кетди. ЯИМнинг ўсиши билан бирга юз берган 1997 йилдаги инқирозни енгиб ўтиш, асосан, экспортнинг ошишига боғлиқ эди. Бундай шароитда ҳукумат ўз сиёсатига тузатишлар киритиши керак эди. Асосий шиор ҳар томонлама иқтисод қилиш бўлиб қолди. Г. Коль ҳукумати умумий иш ҳақининг ярмидан кўпроқ даражасигача солиқларни оширишга, давлат хажаратларини, жумладан, шарқий ерларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган харажатларни кескин камайтиришга мажбур бўлди. “Меҳнатга кўмаклашиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ (1996 й.) малака ошириш, қайта тайёрлаш учун маблағлар ва ишсизлик нафақаси анча қисқартирилган эди. Соғлиқни сақлаш ва нафақа учун тўлов харажатлари камайтирилди. Бундай чораларнинг қўлланилиши ҳукумат обрўсининг тезда тушиб кетишига сабаб бўлди.

Германияда 90- йилларнинг биринчи ярмида сиёсий вазият барқарор эди. Кузда рўй берган мамлакатнинг бирлашиш жараёни унинг ташкилотчиси христиан демократлар устунлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу 1994 йили Г. Коль партиясига навбатдаги тантанани туҳфа этди. Май ойида мамлакат Президенти этиб ХДС вакили, 1987 йилдан ГФР Конституцион суди раиси вазифасида ишлаб келаётган 60 ёшли ҳуқуқшунос Р. Херцог танланди. 1994 йил кузида Бундестагга навбатдаги сайловлар бўлиб ўтди. Муҳолифат ўз мавқеини анча мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. ГСДП 36,4% овоз ва 252 мандатга эга бўлди. Шунга қарамасдан, ҳукумат коалицияси Парламентда кўпчиликни ташкил этди. ХДС 34,2% овозга (244 мандат), ХСИ 7,3% овозга (50 мандатга) эга бўлди. Қийин иқтисодий аҳволни ҳисобга олганда, бу ютуқ Г. Колнинг катта шахсий муваффақияти эди. Колнинг Германияни бирлаштиришдаги хизматларини олмон халқининг қадрлаши деб эътироф этилди. Навбатдаги, 1998 йилги Бундестаг сайловларигача ўтган тўрт йил мобайнида христиан демократлар на ўз обрўларини оширишга ва на дастурларини янгилашга муваффақ бўлишди. Фақат 1998 йил даво-

мида иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши сайлов компаниясининг омадли бўлишига умид тугдирарди, холос. ЯИМнинг ўсиши дастлабки 8 ой ичида 2,2% ни ташкил этди. 1998 йил сайловлари арафасида социал-демократларнинг обрўси ошганлиги кўриниб турарди.

1998 йил сайловлари социал-демократларга узоқ кутилган ғалабани ҳада этди. ГСДП 40,8% овоз ва 298 мандатга эга бўлди. Парламент сайловларида ғалаба қилиш учун “алвон-яшил” коалиция ташкил қилинди. 67% овоз ва 47 мандатга эга бўлган “Иттифок–90” яшиллар” блоки унинг аъзоси бўлди. Биринчи марта ДСП 5% ли тўсиқни ошиб ўтди (5,1% ва 35 мандат). ХДС/ХСС блоки 35,3% овозга (245 мандатга), ЭДП эса 6,2% овоз (44 мандатга) эга бўлди. Герхард Шредер Германиянинг янги Канслери бўлди. Шредер ҳукуматда Ташқи ишлар вазири “Иттифок–90” яшиллар” блоки етакчиси Йошка Фишер бўлди. 1999 йил май ойида социал-демократлар муваффақиятли равишда Президент сайловларини ўтказди. Бу лавозимни Йоханнес Роу эгаллади.

Ички сиёсатда Шредер “неоконсерватив тўлқин” позициясида турган янги сиёсатчилар Блеер ва Жоспен тажрибасидан фойдаланди. Устивор йўналишлар: компаниялар солиқларини камайтириш, меҳнат бозори эгилувчанлигини таъминлаш ва иш куни давомийлигини ўзгартириш, меҳнатга ҳақ тўлаш учун чегирмаларни қисқартириш, иқтисодиётдаги ижтимоий секторни янгилашдан иборат бўлди. Ижтимоий бозор, иқтисодиёт тизимини тубдан қайта тузиш амалга оширилмади, аммо иқтисодий ўсиш давридаги мақбул сиёсат жуда самарали бўлиб чиқди. Давлат харажатларини тежашга, асосан, земеллар бюджетлари ҳисобидан эришилди. 1999 йилда ҳукумат таълим соҳасини кенг миқёсда ислоҳ қилиш қарорини маълум қилиб, бу соҳага бўлган харажатлардан оқилона фойдаланиш, рационаллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилди. Истикболли илмий-техник тадқиқотлар учун қўшимча маблағлар ажратила бошланди.

Ташқи сиёсатга ҳам Шредер катта тузатишлар киритди. 1999 йилда Германия ЕИнинг ранси бўлишига қарамасдан, валюта иттифоқини шакллантиришга қаратилган Умумевропа дастурлари лойиҳаларини маъқуллашга шошилмади. Германия интеграция жараёнига қатнашишга тайёр эканлигини намоён этди, аммо бошқа мамлакатлар учун маблағ тўлашдан бош тортди. 1999–2000 йилларда Германия НАТО таркибида фаолроқ бўлди. Шредер Косовадаги можарога нисбатан ўта муросасиз йўл тутди. Россия билан ўзаро

муносабатларда эса совуқлик даври бошланди. Охириги Парламент сайловлари вақтида Россия Президенти Ельцин томонидан Колнинг очикчасига қўллаб-қувватланиши Москванинг янги ҳукумат билан яқинлашишига тўсқинлик қилди. 2000 йилда шу йўналишда Германия дипломатияси Россиянинг ташқи қарзлари масаласида етарлича муросасиз йўл тутди.

Ҳозирги ГФР Ялпи миллий маҳсулоти миқдори бўйича Европада биринчи, жаҳонда учинчи ўринда туради. ЯММ миқдори – 1 трлн 950 млрд доллар; жон бошига – 30150 доллар (2005 й.); йиллик ўсиш – 2,8 фоиз (2008 й.). ГФРга жаҳон ЯММнинг 7,8 фоизи, ЕИ ЯИМнинг 28 фоизи тўғри келади. ГФР жаҳон саноат маҳсулотининг 6,8 фоизини бермоқда. Мамлакат саноатида металлургия, кимё, электро техника, машинасозлик соҳалари, қурилиш саноати юкори даражада ривожланган. Йилига 43 млн тонна пўлат, 6 млн донна автомобиль (“Опель”, “Мерседес-Бенц” машиналари ҳаммага яхши маълум) ишлаб чиқаради. 780 млрд кВт соат электро энергия ишлаб чиқаради. Атом энергияси 20 фоизни ташкил этади. Энергия манбаи – тошқўмир (35 фоиз). Унинг захиралари 20 млрд тоннага тенг.

Мамлакат ниҳоятда унумли қишлоқ хўжалигига эга бўлиб, унинг бу соҳадаги улуши ЯММнинг 15 фоизига тўғри келади. Бу соҳада аҳолининг 5 фоизи банд. Ички истеъмолнинг 90 фоизи шу ҳисобдандир. Аграр соҳада чорвачилик етакчи ҳисобланади. Маҳсулотнинг 67 фоизи шу тармоққа тўғри келади. Йил давомида жон бошига ўртача 97 кг гўшт маҳсулотлари истеъмол қилинади. Мамлакатнинг ғарбий ўлкаларида гектаридан 65–67 центнер, шарқий ўлкаларда эса 52–54 центнердан ҳосил олинади.

ГФРдаги транспорт тизимида, асосан, давлат тасарруфидаги федерал темир йўллар етакчилик қилади. Уларнинг умумий узунлиги деярли 41 минг километрдан ошиқ бўлиб, шулардан 50 фоизи электрлаштирилган. Автомобиль транспорти ҳам яхши ривожланган, жами 50 млн га яқин автомашина бор, шулардан 40,5 млн доннаси енгил автомобиллардир. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 224 минг км. Савдо флотига 110 дан ортик кема бор. Давлатнинг ташқи савдо айланмаси – 1 трлн 350 млрд маркадан ошиқ, шундан экспорт 700 млрд маркани ташкил этади. Савдо шериклари, асосан, Европа Иттифоқи мамлакатларига тўғри келади (айланманинг 51 фоизи). АҚШ, Россия МДХ, шу жумладан, Ўзбекистон билан ҳам савдо, техникавий, илмий ва амалий муносабатлар ўрнатган. Сайёҳлик ГФР иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллай-

ди. Бу соҳа йилига 17–18 млрд марка даромад келтиради. Айниқса, Болтикбўйи қирғоқлари, Саксония Швейцарияси, Баден кўли, Альп тоғ ёнбағирлари сайёҳларнинг севимли масканлари ҳисобланади. Давлат бюджети камомати 2008 йилда ЯММнинг 4 фоизини ташкил этди, инфляция даражаси эса 4–4,5 фоизга яқин бўлди. Жами ишсизлар сони – 5,2 млн киши. Федерал банкнинг олтин захиралари – 13,500 млрд марка.

Германиянинг иқтисодий тараққиётидаги бош омил унинг халқидир. Миллий анъаналар, ёшлиқдан сингдириладиган урф-одатлар туфайли аниқ ҳисоб-китоб, меҳнатсеварлик, тозалик ва покизаликка интилиш асосий роль ўйнайди. Қонун-қоидаларга сўзсиз амал қилиши ниҳоятда ибратлидир. Йўлда ҳеч қандай транспорт бўлмаса ҳам, йўловчилар йўлни фақат яшил чироқдагина кесиб ўтишади. Агар бирор сабаб билан кўшни ўз атрофини ифлослантирса (масалан, сафарда бўлса), ён кўшниси бундан ор қилиб, яширинча тозалаб кўяди. Шу ўринда, бир савол туғилади. Хўш, 16 йил давомида ҳукуматни бошқариб келган, икки олмон давлатининг бирлашишида буюк сийёсий роль ўйнаб, Германия тарихида ўчмас из қолдирган “улкан амаки” Гельмут Колнинг 1998 йил ноябр даги Парламент сайловларида мағлубиятга учрашига нима сабаб бўлди? Қолаверса, Шредер дастурининг қайси жиҳатлари Коль ҳукуматига нисбатан афзалроқ бўлди? Шунингдек, 2002 йилги сайловларда Шредернинг 2- марта Канцлерликка сайланишига нималар сабаб бўлди? Шуни айтиш жоизки, олмон халқи тарихий бирлашув шараф-шониға, унга айтилган мадҳиялардан чарчади. Гарчи бу воқеа давлат тарихида қанчалик аҳамиятли ва қимматли бўлмасин, аниқ ўлчовни севадиган олмонларни бошқа муаммолар ташвишлантирарди. Мазкур муаммолар халқ хўжалигининг турли йўналишларида бўлиб, уларнинг энг асосийларини куйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, ишсизлар муаммосидир Коль ҳукумати қанчалик уринмасин, уларнинг сонини қисқартира олмади. Аксинча, уларнинг сони мамлакатнинг шарқий қисмида иқтисодий ислохотларнинг салбий меваси сифатида пайдо бўлган ишсизлар ҳисобига янада ортиб кетди.

Иккинчидан, йирик муаммо – бу иммиграция масаласидир. Иммиграция, яъни хориждан доимий ёки вақтинча яшаш учун Германияга келаётганлар мамлакатда жуда кўплаб ташвишларни юзага келтирди. 1998 йилда Германияда 7,5 миллиондан зиёдроқ чет эл фуқаролари бўлиб, уларнинг сони йил сайин ортиб борди. Энг ачи-

нарли ва хавфли томони чет элликларнинг мамлакатга тўхтовсиз оқиб келиши бу ерда миллатчилик кайфиятларининг ҳам авж олишига сабаб бўлди.

Учинчидан, солиқлар билан боғлиқ муаммо. Сайловчиларнинг аксарият қисми учун бу энг аҳамиятлидир. Чунки ривожланган бозор иқтисодиёти шаклланган мамлакатларда давлат хазинаси учун “Кимдан қанча олиш керак?” масаласи гоят муҳимдир. Сайловдан олдин бу борада барча партиялар ўз дастурларини сайловчилар ихтиёрига тақдим этган эдилар. Шредер ҳукумати бу соҳада ҳам уларнинг кўнглини ола билди. 2002 йилги Парламент сайловларида ҳам Социал-демократик партия кўп овоз олиб, Шредер иккинчи марта Канцлерлик лавозимини эгаллади. Бирок Шредер ҳукумати мамлакатдаги мавжуд муаммоларни тўлиқ бартараф қилолмади. 2006 йилги Бундестагга бўлган сайловларда ХДС ва унга иттифоқчи бўлган партиялар ғалаба қозонди. А. Меркел ГФР Канцлерлиги лавозимини эгаллади. У 2010 йилги Парламент сайловларида ҳам ғалаба қилиб, навбатдаги муддатга қайта сайланди. 2008 йилда АҚШда дастлаб молиявий инқироз сифатида бошланган, сўнгра иқтисодий соҳани ҳам қамраб олган инқироз дунёнинг ривожланган мамлакатларини, шу жумладан, ГФРни ҳам қамраб олди: саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қисқарди, ишсизлар сони 8 млн кишидан ошди, ташиқ савдо қисқарди; қишлоқ хўжалиги издан чиқди, ўнлаб банклар сийди; аҳолининг даромад куввати камайди. Шунга қарамай, ГФР Европа Иттифоқида етакчи давлатлигича қолмоқда.

Ўзбекистон–ГФР муносабатлари

Германиянинг бирлашуви ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви тарих мезонларига қараганда деярли бир вақтга тўғри келди. Ҳар иккала воқеа ҳам XX аср охирида жаҳоний эврилишлар натижаси бўлди. Германияда Ўзбекистон билан муносабатлар масаласини ана шу нуқтаи назардан баҳолашади, ҳар иккала томон сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамламоқда. Ўзбекистон билан ГФР ўртасида 1992 йил 6 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Иккала давлатнинг олий мартабали раҳбарларининг ўзаро ташрифлари, ишбилармонлар, маданият арбобларининг узвий алоқалари иқтисодий ва маданий яқинликни яратди. Бу яқинлик Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг 1993, 1995 ва 2001 йиллардаги ГФРга расмий

ташрифлари асосига қурилди. 2006 йилнинг июл ва ноябр ойларида ГФР давлат вазири Гернарт Эрлернинг, шунингдек, ГФР Ташқи ишлар вазири Франг-Валтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда Президент И. А. Каримов томонидан қабул қилиниши ўзаро муносабатларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон ГФР муносабатларида Парламентлараро ўзаро ташрифларнинг аҳамияти катта бўлди. Олий Мажлис ва Бундестаг раҳбарларининг 1996, 2002 ва 2003 йиллардаги ўзаро ташрифлари иккала давлат ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди. 2007 йилнинг 29 сентябридан 4 октябригача Берлин шаҳар депутатлар палатаси президенти В.Момпернинг, 2008 йил 10–13 мартда Бундестаг депутати М. Бекнинг Ўзбекистонга ташрифи, 2009 йил 1–2 июлда олмон экспертларининг Тошкентда ўтказилган “Ҳозирги замон Парламентчилигида сайлов ва уни ривожлантириш масалалари: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги халқаро конференцияда иштироки муҳим аҳамият касб этди. Германия Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритаётган йирик давлатдир. ГФР сармоячилари иштирокида Ўзбекистонда 1 млрд евролик 100 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди. Икки ўртадаги молиявий ва техникавий ҳамкорлик миқдори 240 млн евродан ошиб кетди. “АББ” (“ABB”) компанияси Тошкент, Навоий ва Термиз шаҳарлари аэропортлари ва кўниш майдончаларини кенгайтиришда. “Кнауф” (“Knauf”) компаниясининг Бухоро гипс заводини қуришдаги фаолиятлари эътиборга моликдир. “ТахТекс” текстил фабрикаси (2005 йил август) “Пэкон” ойна (шиша) заводи қурилишлари, Миллий телерадиокомпаниянинг “Сименс” (“Siemens”) фирмаси томонидан жиҳозланиши ва “Клаас” (“Claas”) бугдой ўргич комбайнларининг келтирилиши ўзаро муносабатларнинг ёрқин саҳифасидир. 2009 йил октябрда Берлин шаҳрида “Ўзбекистон халқ хўжалиги кунлари” ўтказилди. Маданий ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, 1996 йилда Ўзбекистонда “Германия маданияти ҳафталиги”, 1997 йил апрел, ноябр ойларида Германияда “Ўзбек маданияти кунлари”, 2009 йил 11–14 март кунлари Тошкент, Урганч ва Самарқанд шаҳарларида Германия санъат усталарининг концерти бўлди. 2009 йил сентябрида Тошкентда “Европа келажаги” мавзусида олмон-ўзбек мулоқоти бўлиб ўтди. Фан, таълим ва ижтимоий ҳаётда биргаликдаги лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

У БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА ИТАЛИЯ

1- §. Италиянинг маъмурий-худудий бошқаруви ва республиканинг ўрнатилиши

Сиёсий тузуми – Парламентар-республика; ер майдони – 301,2 минг кв км; аҳолиси – 59,1 млн киши (2006 йил); давлат тили – италяян тили; пул бирлиги – евро (2002 йил 1 мартдан); давлат бошлиғи – Президент, у етти йилга сайланади. Қонуни чиқарувчи орган – икки палатали Парламент (Депутатлар палатаси ва Сенат); ижроия ҳокимият Премьер-министр бошчилигидаги Министрлар Кабинети. Асосий партиялари: “Олга, Италия!” партияси, Италия Либерал партияси (ИЛП), Италия Республикачилар партияси (ИРП), Италия Социал-демократик партияси (ИСДП), Италия Коммунистик партияси (ИКП), Италия Халқ демократик партияси (ИХДП).

Иктисодий тараққиёти жихатидан дунёда 6 ўринда туради. Иктисодиёти – эркин бозор иктисоди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми – 1 490,3 млрд доллар; аҳоли жон бошига – 29,414 доллар (2005 йил); йиллик ўсиш – 2,2% (2006 йил).

Бугунга келиб дунёнинг қудратли давлатларидан бирига айланган Италия сиёсий тузумига кўра демократик республикадир. Европанинг жанубида, Ўрта Ер денгизи ҳавзасида жойлашган Италия Апеннин ярим ороли, Сицилия, Сардиния ва бир қанча майда ороллари ўз ичига олади.

Икки анклав (барча томонлари бир давлат худудидан ўраб олинган) давлат: Ватикан ва Сан-Марино Италия ичкарасида жойлашган. Иккинчи жаҳон урушида Италиянинг мағлубиятга учраши халқ оммасини руҳий жихатдан оғир ахволга солиб қўйди. Италия ўз миллий бойлигининг 1/3 қисмидан ажралди. Уруш тугайли 330 минг киши ҳалок бўлди, 85 минг киши ярадор бўлди. Уруш тугаши арафасида мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги кучайди. Чайқовчилик ва қора бозор авжига чиқди. Инфляция авжига чиқиб, ишсизлар сони 2 млн кишига етди. Мамлакат худуди Инглиз–Аме-

рика бирлашган кўшини томонидан оккупация қилинди. Шу билан бир вақтда, италияликлар фашизм билан курашда қатта тажрибага ҳам эга бўлди. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати, ўз табиати ва аъёналарига кўра, уруждан кейинги дастлабки йиллардаги демократик тараққиётда ўз изини қолдирди. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида етакчилик қилган илгир партиялари оммавийлашиб (ИКП сафларида 4,5 млндан ортиқроқ киши, Социалистик партия сафларида эса 0,7 млн киши), сиёсат майдонида қатта эътибор қозонди. “Сўллар” ва “ўнлар” ўртасидан жой олган қаршилик кўрсатиш ҳаракатида ўзига хос муваффақият қозongan оммавий партиядан яна бири – Христиан демократик партия (ХДП) (аъзолари 1 млн кишидан ортиқ) ҳам бор эди. ХДП 1919 йилда тuzилган католик Халқ партияси – “Пополари”нинг негизида 1943 йили ташкил топган эди. “Христиан демократияси” атамаси халқ партиясининг асосчиси, италиялик руҳоний Луиджи Стурцога тегишли эди. ХДП дастурининг матни 1943 йилнинг 25 июлида Муссолини ҳокимиятдан четлатилган куни матбуотда эълон қилинган эди.

“Қаршилик кўрсатиш” ҳаракати”нинг аъёналарига кўра, урушдан кейинги даврнинг дастлабки йилларида бу партиялар ўртасидаги ҳамкорлик сақланиб қолди. Лекин шу нарсани айтиб ўтиш керакки, фашизмга қарши қуролли кураш олиб боришдан кўра, Италияда янги жамиятни шакллантириш анча мураккаб эди. Италияликлар Муссолинининг фашистик режими томонидан оёқ ости қилинган буржуа-либерал демократиядан анча узоклашиб қолган эди. Мамлакатда Италиянинг келгусидаги истиқболи ва тараққиёт йўллари ҳақида қизгин баҳс кетарди. Айниқса, бошқарув тизими масаласи қатта тортишувларга сабаб бўлди. 1946 йил майида қирол Виктор Эммануил III сиёсий ҳийлани амалга оширди. У ўзининг ўғли шахзода Умберто II фойдасига тахтдан воз кечди. Шу сабабдан италияликлар Умберто II га “Май қироли” деб ном беришди.

Фашизм таназзулга юз туггач, италияликларнинг монархияга муносабати кескин ўзгарди. Дастлаб монархияга нисбатан ижобий фикр билдирилган бўлса-да, уруш тугагач, салбий муносабатлар кучайиб борди. Бунга сабаб Италия Монархияси томонидан Муссолини фашистик режимининг қўллаб-қувватланиши бўлди. Жамият ҳаётида республикачилик кайфияти ўсиб, мустақамланиб борса-да, аммо монархиянинг тарафдорлари, асосан, либераллар ва христиан демократлар орасида ҳам етарлича эди. 1946 йил июнида давлат бошқаруви шакли тўғрисида референдум бўлиб ўтди. Бу

референдумда биринчи мартаба аёллар ҳам қатнашди. Республика бошқарув шакли учун овоз берганлар сони 2 млндан ошиқ эди. “Май кироли” Умберто II овозларни санаб чиқишда хатога йўл қўйилган деб мамлакатдан чиқиб кетишдан бош тортиб, баёнот берди. Бунга жавобан жуда катта норозилик намойишлари бўлиб ўтди ва ҳукумат ҳам референдум натижаларининг тўғрилигини расмий жиҳатдан тасдиқлади. Тахтда бир ойча ўтирган Умберто II халқ оммаси катта қисмининг иродасига бўйсунтишга ва ватанини бир умрга тарқ этишга мажбур бўлди. Италия республикага айланди.

Референдум билан бир вақтда, Таъсис Мажлисига сайловлар ҳам бўлиб ўтди. Сайлов натижаларига кўра, ХДП етакчиси Альчиде Де Гаспери республиканинг Премьер-министри бўлди. У Италиянинг сиёсий етакчиси бўла олиш иқтидорига эга жамоат арбобларидан бири эди. Де Гаспери ўта ўқимишли ва антифашист ҳаракатнинг фаол намояндаларидан бири эди.

Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлиги ва адлия министри лавозимлари мамлакатда нуфузли партиялардан ҳисобланган ИКПнинг бош котиби, мамлакатнинг сиёсий арбоблардан бири Палмиро Тольяттига насиб этди (1948 йил июл ойида Тольяттига уюштирилган суиқасдга жавобан мамлакатда норозилик намойишида 7 млнга яқин киши қатнашган эди). Республика Таъсис Мажлиси Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга киришди. Таъсис Мажлиси таркибидаги депутатларнинг 80% и антифашистик ҳаракатда фаол иштирок этганлар эди. Янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун депутатларга 272 кун вақт кетди. Таъсис Мажлиси томонидан 1947 йил декабрида қабул қилинган янги Конституция расман 1948 йилнинг 1 январидан кучга кирди. Урушдан кейинги даврда сиёсий кучларнинг бу тарзда тақсимланиши Италия Конституциясини ривожланган мамлакатлар ичидаги энг демократик конституциялардан бирига айлангирди. Янги Конституцияга кўра, Италияда тарқатиб юборилган фашистик партиянинг бирор-бир шаклда бўлса ҳам қайта тикланиши батамом таъқиқланди. Фашизм даврида юқори лавозимларни эгаллаб келган шахслар Конституция кучга кирган кундан бошлаб, то беш йилга қадар ҳукумат ташкилотларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Конституцияга кўра, зодагонлик унвонлари бекор қилиниб, Савайя сулоласининг барча аъзолари ва бўлажак авлодларига мамлакат ҳудудида яшаш таъқиқланди, уларнинг барча мол-мулклари эса давлат ихтиёрига ўтказилди. Конституциянинг дастлабки моддалари давлатнинг асосий принципларини

Ўзида мужассам этиб, Италия инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва кафолатлари тан олинган демократик республика деб эълон қилинди. Чунончи, бундай ҳуқуқларга қонун олдида барча кишиларнинг тенглиги, шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам кирарди. Конституцияда урушлардан “бошқа халқларнинг озодлигига раҳна соладиган қурол сифатида ва халқаро низоларни бартараф этишда ҳеч қачон фойдаланмаслик” масалалари қонун билан мустаҳкамланди. Конституциянинг 1- қисмида фуқароларнинг ҳуқуқи ва бурчлари тўғрисидаги моддалари ўрин олган эди.

Барча фуқароларнинг меҳнат қилиши ва уларни рағбатлантириш ҳуқуқи тан олинди. “Тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш” принципи киритилди, ҳар ҳафтада дам олиш, йилда бир марта ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқи ва ижтимоий таъминоти кўзда тутилди. Касаба уюшмаларининг эркинлиги ва намойиш ўтказиш ҳуқуқи тан олинди. Конституцияга кўра, икки турдаги мулк: давлат ва хусусий мулклар дахлсиз деб тан олинди.

Конституциянинг 2- қисми давлат бошқарув органлари ва ҳокимиятнинг бўлиниш принципларини аниқлаб берди. Давлат бошлиғи Президент бўлиб, у Парламент томонидан 7 йил муддатга сайланади. Президентликка сайланадиган фуқаронинг ёши 50 дан ошган бўлиши белгиланган бўлиб қўйилди. Президентга Министрлар Советининг Раисини, ундан ташқари, ватанни ўзининг буюк хизматлари билан машҳур қилган фуқаролардан бештасини доимий (умрбод) сенаторликка тайинлаш; Парламентга Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларини юбориш, Парламентни тарқатиб юбориш, референдумни тайинлаш, қонун кучига эга бўлган декретларни қабул қилиш; Қуролли Кучларнинг Олий Бош Қўмондонлиги бўлиш ва Парламент қарорига асосланиб уруш ҳолатини эълон қилиш каби жуда катта ваколатлар берилди. Ҳукумат таркиби Раис ва министрлардан иборат бўлиб, улар Раис таклифи билан ва Парламент назорати остида Президент томонидан тайинланади. Парламент Депутатлар палатаси ва Сенатидан иборат бўлиб, умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан, пропорционаллик принципинга асосланиб 5 йил муддатга сайланади. Бундан ташқари, Италия халқи ҳам қонун ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга эди. Конституция халқ тапиаббуси билан референдум-петиция (50 минг сайловчилар томонидан қонун лойиҳасини киритиш) ва отлагатель (500 минг сайловчи томонидан қонунни “халқ ветоси” йўли билан кечиктириш ёки бекор қилиш) ўтказишни кўзда тутган эди.

Мамлакатда конфессия (черковга оид) анъаналарнинг чуқур из қолдирганлиги туфайли черков ва давлат ўртасидаги алоқалар катта аҳамиятга эга эди. 7- моддага кўра, “давлат ва католик черкови ўзларига тегишли бўлган соҳаларда мустақил ва суверен” бўлиб, уларнинг муносабатлари 1929 йилда қабул қилинган Лютеран Шартномаларига кўра белгиланган эди. Бу шартномага кўра, черков оилавий муносабатлар қонунчилигини ва мактаб таълими соҳасини ўз назорати остига олган эди. Масаланинг бу тарзда қўйилиши христиан демократлар ва сўл партиялар ўртасидаги компромиссни белгилаб берди. 1947 йилги Конституция мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлинишини 20 та вилоят, 93 та провинция ва 8 мингга яқин жамоага ажратди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда Италиянинг сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа 1947 йил феврал ойида Парижда Италия билан Иттифокчилар ўртасида Тинчлик Шартномасининг имзоланиши бўлди. Шартномага кўра, Италиядаги фашистик ташкилотларни тарқатиб юбориш, чегараларни аниқлаштириш, ҳарбий жиноятчиларга бериладиган жазоларни тасдиқлаш, мамлакат ҳудудида ҳарбий базаларни жойлаштиришни таъқиқлаш, СССРга (100 млн доллар), Югославияга (125 млн доллар), Грецияга (105 млн доллар), Албанияга (5 млн доллар) ва Эфиопияга (25 млн доллар) миқдорида репарация тўлаш каби масалалар белгилаб олинди. Италия ўз мустамлакаларидан воз кечишга мажбур бўлди. Илгари Италияга қараган Хорватиянинг бир қисми Югославияга олиб берилди. Грецияга Эгей денгизидаги Додеканес ороллари (Жанубий Спорадалар) қайтарилди. Инглиз–Америка ҳарбий маъмурияти назоратида бўлган Триест БМТ назорати остидаги эркин шаҳарга айлантирилди (орадан 7 йил ўтгач – 1954 йилда Югославия ва Иттифокчилар ўртасидаги келишувга мувофиқ, Триест Италияга берилди). 1947 йил охирида Америка ва Буюк Британиянинг қўшинлари ҳамда ҳарбий маъмурияти Италия ҳудудидан чиқиб кетди. Тинчлик Шартномасига кўра, Италияга мудофаа учун лозим бўлган Куролли Кучларни сақлаш ҳукуқи берилди. Бу Куролли Кучларнинг сони 250 минг аскар ва зобитдан ошмаслиги белгилаб қўйилди. ХХК (Ҳарбий-ҳаво кучлари) ва ХДК (Ҳарбий-денгиз кучлари)нинг шахсий таркиби 25 минг кишидан ошмайдиган қилиб белгилаб қўйилди. Италияга сувости кемалари, авианосецлар ва торпедо билан қуролланган катерларга эга бўлиш таъқиқлаб қўйилди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳукумат олдида муҳим ва жид-

дий муаммолар турар эди. Бунга уруш туфайли таназзулга юз тутган халқ хўжалигини қайта тиклаш ва тинчлик шароитидаги ишлаб чиқаришга мослаштириш, демобилизация қилиш ва демобилизация қилинганларни иш билан таъминлаш каби ишларни амалга ошириш кирарди. Шу мақсадда 1948 йил июн ойида “Маршалл режаси”га кўра икки йил муддатга Италияга ёрдам кўрсатишни кўзда тутган Битим имзоланди. Бу Битим Италия билан Америка ўртасида имзоланди. “Маршалл режаси”га кўра, АҚШ Италияга 1,5 млрд доллар ҳажмида (озик-овқат маҳсулотлари ва саноат жиҳозлари) ёрдам беришни мўлжаллаган эди. Шу билан бир вақтда, Америка ёрдаминиң сиёсий қиймати Премьер-министр Де Гасперига тазйик ўтказиш орқали сўл партияларнинг вакиллари хукумат таркибидан чиқаришни кўзда тутар эди. Шу нарса маълум эдики, хукумат таркибига кирган партияларнинг асосий мақсадлари турлича бўлганлиги туфайли улар ўртасидаги ҳамкорлик узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Лекин айнан ташқаридан ўтказилган тазйиклар (гарчи мамлакат ичқарисидаги воқеалар баҳона қилиб кўрсатилган бўлса-да) ҳамкорликнинг бузилиб кетишига сабаб бўлди. 1947 йили Сицилияда мафиянинг бир гуруҳ тўдаси биринчи май намойишида иштирок этган ишчиларни ўққа тутди. Бу воқеа мамлакатда инқирозни юзага келтириш билан бирга, хукуматнинг тарқатиб юборилишига ҳам сабаб бўлди. Де Гаспери бошчилигида тузилган янги хукумат таркибига коммунистлар ва социалистларнинг вакиллари киритилмади. Социалистлар етакчиси Пьетро Ненни агар аҳвол шундай давом этаверса, Италиянинг ички ҳаёти ташқи омилларга янада кўпроқ боғлиқ бўлиб қолишини ачиниш билан таъкидлади. У ташқи омиллар деганда, Ватикан ва АҚШни назарда тутган эди. Социалистик партия таркибидан ажралиб чиққан ва Италия Социал-демократик партиясида (ИСДП) раҳбарликни ўз қўлига олган социалистлар ўнг қанотининг етакчиси Жузеппе Сарагат янги тузилган хукуматда Премьер-министр ўринбосари лавозимига тайинланди. У коммунистлар билан ҳамкорлик қилишдан воз кечди. Ватикан антикоммунистик сиёсатни қўллаб-қувватлади.

Урушдан кейинги йилларда биринчи бор неофашистларнинг ташкиллаштирилган ҳаракати юзага келди. Италияда фашизм қақшатқич мағлубиятга учраган ва янги Конституцияга кўра тарқатилиб юборилган фашистик партия бирор-бир шаклда бўлса ҳам, қайта тикланиши тамоман таъқиқлаб қўйилган бўлса-да, жамиятдаги баъзи гуруҳлар ўз ҳайрихоҳликларини сақлаб қолди. Улар фашизмнинг

мағлубиятини қайғу билан қабул қилишди. Фашизм тарафдорлари сафида монополистлар, ҳарбий ва давлат амалдорлари (Муссолини диктатураси даврида юқори лавозимларга эга бўлганлар), кичик буржуазиянинг маълум бир қисми ва Италия ижтимоий ҳаракати (ИИХ) ҳам бор эди. 1946 йил декабрида неофашистларнинг ижтимоий ҳаракати партиясига асос солинди. Бу партияни дастлаб Ж. Альмиранте, кейинчалик эса А. Микелини бошқарди. Италия Ижтимоий ҳаракати партиясига дастурида фашистик корпоратив тизимни ўрнатиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, антмарксизм, ташқи сиёсатда “империяча” ғояларнинг устунлигини таъминлаш вазифалари илгари сурилди. Партия аъзолари ичида фракциялар ўртасида кескин ихтилофлар юзага чиқишига сабаб бўлса-да, умуман, ИИХ легал сиёсий фаолият олиб бориш ва неофашистларнинг ўнг радикал либерал-монархистик доиралар билан бирлашиш йўлидан борди. Италия сиёсий ҳаётида ИИХ кичик партиялар каторига кириб, уларнинг электорати Парламент сайловларида кўпинча 6% дан ортқ овоз ололмади.

1948 йил баҳорида Парламент сайловлари бўлиб ўтди. Неофашистлар 2% овозга эга бўлди. Коммунист ва социалистларнинг бирлашган блоки учун сайловчиларнинг 1/3 қисми овоз берди. Христиан демократик партия деярли 50% овоз олиб, катта муваффақиятга эришди. Де Гаспери Парламентда, асосан, ХДП аъзоларидан иборат бўлган ҳукуматини тузди. Бу ҳукумат Де Гаспери бошчилигида тузилган 5- ҳукумат эди.

2- §. ХДП ҳокимият тепасида

Христиан демократлар сиёсатда раҳбарлик мавқеига эга бўлиб олишгач, мамлакат иқтисодиётини тиклаш жараёнини бошлаб юборди. Бунда АҚШнинг “Маршалл режаси”га кўра олинган молиявий ёрдами муҳим аҳамият касб этди. Италия 40–50- йиллар орасида “Маршалл режаси” асосида 3,2 млрд доллар миқдорида молиявий ёрдам олди. Бундан ташқари, иқтисодиётни тиклаш ва янада ривожлантириш учун бошқа маблағлардан ҳам фойдаланилди. Хўжалик протекционизми (миллий иқтисодни чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат), давлат томонидан молиялаш ва кредит бериш, давлат сектори шаклида давлат-монополистик назоратни кучайтириш ва бошқалар шулар жумласидандир. Италиянинг йирик

монополист-олигархларидан Аньелли, Пирелли, Орландо, Пезен-ти, Мардзотто, Ферруцци ва бошқалар мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига катта миқдордаги сармоя (инвестиция)лари билан ўз ҳиссаларини қўшишди. Жаҳон бозорида хомашё ва ёнилғи нархларининг арзонлиги, ишлаб чиқаришда фан-техника инқилоби ютуқларидан фойдаланиш, иш ҳақининг ўсишини мажбурий равишда ушлаб туриш (меҳнат самарадорлиги 40% га ўсган ҳолда, реал иш ҳақи бор-йўғи 8,9% га ошди) ва Италиянинг Европадаги иқтисодий интеграция жараёнига қўшилиши (Италия 1957 йилда умумий бозорга аъзо бўлди) нафақат иқтисодиётни тиклашда, балки “Италиянинг иқтисодий мўъжизаси” номини олган иқтисодий тараққиётида катта роль ўйнади. 50–60- йиллар бошларида иқтисодий тараққиётдаги юқори суръатлар Италия Миллий даромадининг деярли икки баравар ошишига олиб келди. Инфраструктура, базис ва стратегик жиҳатдан ниҳоятда муҳим бўлган хўжалик соҳаларини ўз ичига олган кучли давлат сектори юзага келди. Давлат секторидан Сано-атни реконструкциялаш институти (СРИ) раҳбарликни ўз қўлига олди. СРИ ҳукумат ҳолдинги ҳисобланиб, 1933 йилдаёқ ташкил топган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда СРИ Италиядаги йирик хўжалик комплексларидан бирига айланди. Қудратли давлат сектори ўрға ва кичик бизнес ҳамкорлигидаги йирик хусусий сектор билан биргаликда фойдали қазилма бойликлари деярли йўқ даражада бўлган шароитда иқтисодиёт структурасини қайта куриш вазифасини амалга оширди. Италия замонавий технологиялар бўйича чет давлатларнинг илғор патентларини сотиб олиш учун катта миқдордаги сармояларни ҳеч аямасдан сарфлади. Ташқарига “орғикча” ишчи кучини экспорт қила бошлаган Италияга АҚШ ва Европа Ҳамдўстлиги мамлакатларидан катта миқдордаги сармоя оқиб кела бошлади. Чет эл сармояларининг кириб келиши Италия иқтисодиётининг тез тараққий этишига имкон берди. Шу билан бир вақтда, йирик миллий тадбиркорлар, асосан, субподряд (асосий пудратчидан ишчи кучини пудратга олиш) ва кооперациялар эвазига кўп сонли кичик тадбиркорларни монополистик ишлаб чиқариш тизими-га киритишга муваффақ бўлдилар. Бундан ташқари, ишчи кучига сарфланаётган харажатларнинг ниҳоятда пастлиги туфайли “яширин иқтисодиёт”нинг имкониятларидан кенг фойдаланилди (ҳозир ҳам фойдаланилмоқда). “Яширин иқтисодиёт” мавжудлигининг салбий оқибатлари ҳам бор бўлиб, унинг фаолиятига мафиянинг кириб келишини мисол қилиб келтирсак бўлади.

Иқтисодий ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда, жумладан, италияликларнинг фикрлаш доираси, турмуш тарзи ва истеъмол клиш стандартларида ижобий ўзгаришлар бўлишга сабаб бўлди. Шу билан бир вақтда, “иқтисодий мўъжиза” мамлакат учун бир қанча салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Чунончи, иқтисодий тараққиётнинг нотекислиги ва даврийлиги, чет эл сармоялари ва импорт технологияларига қарамлик, қишлоқ хўжалигининг қолоқлиги, қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга миграцияси (1,8 млн киши), ишсизлар сонининг ортиши, транспорт ва уй-жой муаммосининг кучайиши, иш ҳақи ҳажмининг секин ўсиши қабилар шулар жумласидандир. Айниқса, “жануб муаммоси” ўз кескинлигини йўқотмаган эди. Жанубий минтақаларнинг қолоқлиги (олтита жанубий вилоятлар, Сицилия ва Сардиния ороллари) Италиянинг тарихан оғриқли нуктаси ҳисобланиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг номутаносиб жойлашишига сабаб бўлаётган эди. 50- йилларнинг бошларида Жанубий ҳудудларнинг мамлакат қишлоқ хўжалигидаги улуши 33,2% ни, саноат ишлаб чиқаришида эса 15,1% ни ташкил этарди. Меҳнат самарадорлиги шимолий минтақаларга қараганда анча паст кўрсаткичларга эга эди. Шу билан бир вақтда, муаммо нафақат иқтисодий қолоқликда эди. Бунда сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги пассивлик ҳам муаммонинг иккинчи томонини ташкил этар эди. Жанубий минтақалар мамлакат ҳудудининг 43% ини ташкил этиб, Италия аҳолисининг 1/3 қисмидан кўпроғи шу ҳудудда яшар эди. 50- йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад кўрсаткичи мамлакатнинг қолган қисмидаги даражанинг 50% ини ташкил этар эди. Ишсизлик даражаси шимолий ҳудудлардагига нисбатан икки баравар кўп эди. Бу ер аграр аҳоли ўта зич жойлашган, ишсизлик ва ночорлик ҳукмронлик қилаётган минтақа ҳисобланиб, маблағ топиш учун иш қидириб, мамлакатнинг шимолий ҳудудлари ва хорижий мамлакатларга юз минглаб кишилар кетган эдилар (италиялик муҳожирларнинг 80% га яқини жанубликлар ҳисобланар эди). Жануб ҳукумат бюджетидан бераётганига нисбатан яқини баравар кўп маблағ олаётган эди. Жанубнинг тарихан заиф ривожланиши, аҳолининг ижтимоий ва маданий жиҳатдан қолоқлиги, ҳаётнинг барча жабҳаларида мафиянинг таъсири мамлакатнинг умумий иқтисодий юксалишига тўсиқ бўлаётган эди. 1950 йилда қолоқ ҳудудларни узок муддатли молиялашга мўлжалланган ҳукуматнинг ихтисослаштирилган фонди – Жануб кассасининг ташкил этилиши билан, ҳукуматнинг жанубий ҳудудларни доимий ва кагта микёсда

ривожлантириш сиёсати бошланиб, кетди. Жанубий ҳудудлардаги хўжаликларнинг аралаш (кўшма) корхоналар томонидан молиялаштирилиши кўшимча манба бўлди.

Ҳукумат сиёсатида бу масалани ҳал қилиш бўйича иккита асосий йўналиш кўзга ташланди. Дастлаб жанубий минтақа иктисодиётини мустақил ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги, инфраструктура ва кейинчалик саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун катта миқдордаги сармоялар йўналтирилди. Бир неча йилдан сўнг “мухторият” концепциясининг заиф томонлари намоён бўлиб қолгач, бу режа қайта кўриб чиқилди ва 1956 йили “Ванони режасида” (ХДПдаги раҳбарлардан бири) ифодаланган ғоя қабул килинди. “Ванони режаси”нинг асоси жанубий минтақани иктисодий жиҳатдан юксалтириш учун уни Италиянинг умумий иктисодий тизимига киритиш ғояси кўзда тутилган эди. Бу ғоя амалий жиҳатдан 60–70- йилларда “сўл марказ” томонидан ҳаётга татбиқ этилди.

70- йилларда ҳукумат сармояларининг деярли 50% ини ташкил этган молиявий оқим жанубий минтақада ҳаттоки оғир саноатнинг металлургия ва машинасозлик каби соҳаларини ҳам барпо этиш имкониятини берди. Жанубий минтақа қишлоқ хўжалиги устун бўлган ҳудуддан индустриал-аграр ҳудудга айланди. Жанубий минтақанинг тараққиёти шимолий минтақалардан келаётган маблағ ҳисобига амалга оширилаётгани сабабли, нисбатан кучлироқ ҳисобланган шерик ўз шартномаларини қабул қилдиришга ҳаракат қилиши табиий ҳол эди. Жанубий минтақаларнинг тараққиётидаги тобелик модели сақланиб қолаётган эди. Жануб шимолнинг маънафатларидан келиб чиқиб ривожланаётган эди. 40 йил давомида “жануб сиёсати”ни амалга ошириш учун ишлатилган катта миқдордаги молиявий ҳаражатлар, камтарона бўлса-да, ўз самарасини кўрсатди. Аҳолининг яшаш тарзидаги фарқ 10% га қисқарди, кўпгина оилалар ҳали ҳам чет мамлакатларда ишлаётган қариндошлари юбораётган маблағлар ҳисобига яшаётган эди. Аҳоли ўсишидаги юкори суръатлар бандлик муаммосини бартараф этиш имконини бермади. Жануб билан боғлиқ яна бир муаммо бўлиб, бу ер муаммоси эди. Шунинг учун ХДП ҳукумати ўтказган муҳим тadbирларидан бири ер ислохоти эди. Бу ислохот дехқонлар ва ижарачилар томонидан йирик ер эгаларининг бекор ётган ерларини эгаллаб олиш учун мисли кўрилмаган кенг миқёсдаги ҳаракатнинг юзага келишига туртки бўлди. Оммавий ҳаракатларнинг тазйиқи туфайли христиан демократларнинг

ҳукумати Конституциянинг 44- моддасига мувофиқ, 1950 йилда “Ер ислоҳоти тўғрисидаги Қонунни қабул қилди. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги министри А. Сенъининг лойиҳаси бу қонун учун асос қилиб олинди. Қонунга кўра, 8000 га яқин йирик ер эгалари ортиқча ерларни ҳукуматга сотишлари керак эди. Шундай йўл билан ташкил этилган фондга яна баъзи йирик компанияларнинг ер майдонлари ва давлат ерлари ҳам киритилди. Кейинчалик бу фонддаги ерлар қуръа ташлаш орқали аниқланиб, 30 йил муддат ичида нарҳини тўлаш шарти билан муҳтож деҳқонларга сотилди. Тўғри, ер ислоҳоти барча ер-сиз ва кам ерли деҳқонларнинг истакларини рўёбга чиқара олмаган бўлса-да, бироқ кўпгина (200 мингга яқин) кишилар ўз аҳволларини яхшилаб олишди.

Христиан демократларнинг ташқи сиёсати Ғарб цивилизацияси қадриятларининг устуңлигини тап олиб, АҚШ билан яқинлашишни кўзда тутар эди. Италия НАТОнинг ташкил этилишида иштирок этди ва унинг ҳудудида НАТО ҳарбий қўшилмалари ва пгтаблари жойлаштирилди. Италия Ҳукумати билан АҚШ ўртасида “Мудофаа мақсадида ўзаро ёрдам кўрсатиш” Битими имзоланди. Унга кўра, АҚШ Италияга қурол-яроғ етказиб бериши, Италия томони эса Ҳарбий-ҳаво кучлари (ХХК), Ҳарбий-денгиз кучлари (ХДК) базаларидан фойдаланишга руҳсат бериши керак эди. ХДПнинг ташқи сиёсатда АҚШ билан яқинлашиш йўлини тутиши сўл оппозиция, асосан, социалистлар ва коммунистлар томонидан танқид остига олинди.

Италиянинг сиёсий ҳаётида ХДП центристик позицияда бўлиб, ҳукумат бошқарувида ижтимоий консерватизм унсурларидан ташқари, ижтимоий найранглардан ҳам кенг даражада фойдаланар эди. Оммавий ҳаракатларнинг сиқуви остида ХДП баъзан ижтимоий масалаларда меҳнатқашларга ён босишга мажбур бўлар эди.

Шу билан бирга, айрим ҳолатларда бундай чиқишларда иштирок этган намоёнчиларни жазолаш ва қатағон қилиш чоралари ҳам қўлланилди. Бунда, асосан, мотгорлаштирилган полициянинг махсус бўлинмалари (челере) астойдил “хизмат” қилди. Бу оппозиция кучларининг бир мушт бўлиб тўпланишига сабаб бўлди. 1953 йили ўтказилган навбатдаги Парламент сайловларида ХДП 50% лик маррани эгаллай олмади. Де Гаспери истеъфога чиқди ва бир йилдан сўнг вафот этди. Де Гасперининг кетиши ХДПнинг сиёсий мавқеига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Энди ҳукуматга бошқа кишилар интилаётган эди. ХДПда ўнг қанот (гасперистлар) вакилларининг таъсири заифлашиб, социалистларга коалицияни таклиф этган

сўл канот вакилларининг мавқеи ошди. Лекин, умуман олганда, ХДПнинг сиёсий котиби Аминторе Фанфани бошчилигидаги центристтик фракция устун эди. А. Фанфани бошчилигида бир неча бор 50–60- ва 80- йилларда ҳукуматлар тузилган эди.

3- §. XX асрнинг 60–80- йилларида Италиянинг ривожланиши

50- йиллар ва 60- йиллар бошлари, яъни “иктисодий мўъжиза” даврида халқ хўжалигини ривожлантиришдаги салмоқли ютуқлар ва, шунингдек, сиёсат майдонида ХДПнинг устунлиги Италиядаги бошқа сиёсий партияларнинг, биринчи навбатда, ИСП ва ИКПнинг ўз сиёсий йўналишларини қайта кўриб чиқишини тақозо қилди. Пьетро Сенни бошчилигидаги ИСП раҳбарияти оппозицион партия статусидан воз кечди ва ҳукумат тепасига чиқиш учун кураш бошлади. ИСП коммунистлар билан алоқани узди. Компартия эса “социализмга боришнинг итальянча йўли” стратегиясини қабул қилди. Бу стратегиянинг асосида монополияга қарши фаол ва оммавий кураш олиб бориш, барча антимонополистик кучларни ўз томонларига оғдириб олиш ва социализмга тинч йўл билан босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилган эди. ХДП сўл партияларнинг жамиятдаги сиёсий мавқеи ва электорати сонининг ошиб бораётганини эътиборга олиб, ҳокимиятга интилаётган ИСПни ўзига қаратиб олишга ва Италия Социал-демократик партияси (ИСДП) томонидан ҳам қўллаб-қувватланишга эришишга ҳаракат қилди. Шу йўл билан ХДП жамиятда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишни кўзда тутиб, “сўл марказчилик” стратегиясини илгари сурди. “Сўл марказчилик” стратегияси ХДПнинг сўл партиялар билан Парламент ва ҳокимият бошқарувида ҳамкорлик қилишдан ташқари, христиан демократлар томонидан сўл партияларнинг (Компартия бундан мустасно) баъзи бир талабларини қабул қилишини ҳам билдирар эди. Чунки реакционер сифатида танилган Пий XII нинг вафотидан сўнг (1958) унинг ўрнига келган рим папаси Иоанн XXIII христиан демократлар янги стратегиясининг тасдиқланишига деярли ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмади. Иоанн XXIIIнинг “Пацем ин террис” (“Ер юзида тинчлик бўлсин”) номли энциклики (католикликка қарата Мурожаатномаси)нинг асосида турли хил сиёсий оқимларнинг ҳамкорлиги ва ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш гоялари ётар эди. Черковнинг кенг халқ оммаси билан алоқалари масаласидаги муаммо бўйича янгиланиш тарафдор-

лари ва консерваторлар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлиб, бу курашда янгиланиш тарафдорларининг қўли баланд келди.

Шу билан бир вақтда, ҳукуматда тез-тез рўй бериб турган инкирозлар ХДПнинг сиёсат майдондаги яқка ҳокимлик даврига чек қўйилаётганини кўрсатиб турар эди. ХДПнинг 1962 йилда бўлиб ўтган съездида “сўл марказчилик” стратегияси маъқулланди. Христиан демократларнинг вакили А. Фанфани христиан демократлар, социал-демократлар, республикачилар вакилларида ташкил топган биринчи коалицион ҳукуматни тузди. Бу “Сўл марказчилик” стратегиясини амалга ошириш учун қилинган биринчи уриниш эди.

1963 йилдан бошлаб, “сўл марказчилар” ҳукумати таркибига Италия Социалистик партиясининг вакиллари ҳам киритилди. 1963–1968 ва 1974–1976 йилларда юкоридаги ҳукумат тепасида Италиянинг кўзга кўрилган сиёсий арбобларидан бири Альдо Моро турди. Христиан демократларнинг вакили Альдо Моро сўл партиялар билан ҳамкорлик қилиш тарафдори бўлиб, юксак ахлоқий принципларга қатъий амал қилувчи сиёсатчи сифатида обрў қозонган эди. А. Моро (1916–1978 йиллар) университетнинг юриспруденция ихтисослигини тамомлагач, ҳуқуқ фалсафаси бўйича доктор бўлди. Иккинчи жаҳон урушида қатнашди. Худога ўта ишонувчи А. Моро дастлаб ёшлар ташкилоти ҳисобланган университетлардаги католикларининг федерациясида, сўнгра эса ХДПда фаолият кўрсатди. Сиёсий фаолиятини эрта бошлаган А. Моро ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти ҳамда тиришқоқлик, чидамлилик, сабр-бардошлик ва қатъийлик каби ижобий хислатлари туфайли сиёсат майдонида Де Гаспери даражасидаги йирик сиёсий арбобга айланди. Унинг энг кўзга кўринган хизматларидан бири ХДПдаги стратегиянинг ўзгариши бўлди десак, муболаға бўлмайди. Чунки унинг даврида ХДП Де Гаспери давридаги марказчиликдан “сўл марказчилик” стратегиясига ўтди. А. Моро халқ орасида сўл партиялар, жумладан, коммунистик партиянинг қатта обрўга эга эканлигини ҳисобга олиб, ва уларнинг иштирокисиз ҳеч қандай умуммиллий масалаларни ҳал этиб бўлмаслигини биринчилардан бўлиб тушуниб етди. А. Моро ХДПдаги консерватив оқимнинг очикчасига жиддий қаршилик кўрсатишига қарамасдан, нафақат социалистлар, балки коммунистлар билан ҳам ҳамкорлик қилиш тарафдори бўлиб чиқди. Умрининг охиригача қатъий христиан демократ бўлиб қолган А. Моронинг фикрича, ХДП ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг сиёсий ҳукмронлигини йўқотмаслиги керак эди.

“Сўл марказчи” ҳукумат бир канча ислоҳотларни амалга оширди. 1962 йилда иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган электр энергияси ишлаб чиқариш саноати миллийлаштирилди. Натижада давлатнинг кучли “Бирлашган миллий электроэнергия саноати” ташкил топди. Давлат тасарруфига ўтказишга мўлжалланган йирик хусусий компанияларнинг эгалари мулклари. Эвазига ҳукуматдан катта миқдорда компенсация олдилар ва бу маблағларни саноатнинг бошқа соҳаларига ишлатиш имкониятига эга бўлдилар. 1965 йилда давлат сектори учун мажбурий режалаштириш амалга оширилди. 1967 йилдан бошлаб эса “миллий 5 йиллик режалаштириш” жорий этилди. Шу билан бир вақтда, давлат режаларининг директивалари хусусий сектор учун мажбурий эмас эди. Таълим тизимидаги ислоҳотга кўра, тўлиқсиз ўрта мактабларда ўқувчиларни 14 ёшгача бепул ва мажбурий ўқитишни амалга ошириш бўйича конституцион принцип жорий қилинди. Ишчиларнинг ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Улар иш ҳақининг оширилишига, иш ҳақининг минтақавий даражаларининг баргараф этилишига, саноатда меҳнат қилаётган ишчиларга бир ҳафтада 40 соатлик иш кунини жорий этишга, касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини кенгайтириш ва нафақа таъминотини яхшилашга муваффақ бўлдилар. Аммо сўл марказ ўз фаолияти давомида баъзи бир иқтисодий муаммоларга ҳам дуч келди. Бу даврга келиб, иқтисодий вазият янада оғирлашди. “Иқтисодий мўъжиза” даври тугаб, Италия иқтисодиётининг ўсиш суръатлари пасайди ва 60- йилларнинг ўрталарига келиб инқироз юқори нуктасигача бориб етди. 1974–1975 йилларга келиб эса Италия ҳам жаҳон иқтисодий инқирози гирдобига тушиб қолди. Миллий даромадни тақсимлаш, такрор ишлаб чиқариш структураси ва механизмдаги номуаносибликлар жиддий келишмовчиликларни келтириб чиқарди. Жаҳон бозорида нархларнинг кескин ошганлиги туфайли, иқтисодиётни хомашё ва ёнилғи билан таъминлаш муаммоси янада кучайди. Касаба уюшмалари фаолиятининг кучайиши ва иш ташлашларнинг ўсиши туфайли мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият кескин ўзгарди.

Инқирозлар туфайли ҳукумат ва тадбиркор доиралар иқтисодий стратегияларга ўзгартишлар киритиш, ривожланган Ғарб давлатларидан модернизациялашнинг илғор методларини ўрганиш ва жорий этиш каби вазифаларни амалга оширишга мажбур бўлди. Италия тадбиркорларининг элитаси (сараланган гуруҳи) мамлакатни кучли “еттилик” сафида сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Ўша даврда

Италиядаги иқтисодий тараққиётнинг экстенсив (сифатга эътибор бермай, фақат маҳсулот миқдорини оширишга қаратилган) модели ҳам ўз мавқеини батамом йўқотмагани туфайли, 70- йилларнинг ўрталарига келиб иқтисодий тараққиётнинг экстенсив йўларини юқори технологияли жараёнлар билан алмаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Италия иқтисодиёти ички қайта қуришларни амалга оширмаганлиги туфайли 70- йилларда жаҳон бозорида ноқулай аҳволда қолди. Иқтисодий тараққиётдаги нотеқислик меҳнат муносабатлари ва ижтимоий соҳага салбий таъсир кўрсатар эди. 1968 йилда талабаларнинг университетларни ислох қилиш тўғрисидаги кескин чиқишлари бўлди.

Касаба уюшмаси ва коммунистик партия талабаларни қўллаб-қувватлади. 1968 ва 1969 йилларда нафақа ислохотини ўтказиш ва уй-жой муаммосини бартараф этишни талаб қилиб чиққан иккита йирик умуммиллий иш ташлашлар бўлиб ўтди. Ҳукумат маълум даражада ён берди, халқ уйларини қуриш учун катта миқдорда маблағ ажратди. 1969 йилнинг “жазирама кузи”да янада яхшироқ шарт-шароитларни таъминлаб беришни, жамоа шартномаларини тузишни талаб қилиб миллионлаб кишилар иш ташладилар. Бунинг натижасида 1970 йилнинг май ойида Меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари Статути (Низом) қабул қилинди. Бу статутга кўра, касаба уюшмаларининг корхоналардаги ўрни аниқланди ва корхона эгаларининг ишчиларни ишдан бўшатиш имконияти чегаралаб қўйилди.

1974 йилда Италиянинг Конституцион суди ижтимоий-сиёсий талаблар илгари сурилган иш ташлашларни қонуний деб тан олишга мажбур бўлди. Иш ташлашлар орқали эришилган ютуқлар туфайли касаба уюшмаларининг мавқеи ва таъсири янада ортди. 1969 йилдан бошлаб касаба уюшмалари ва ҳукумат вакиллари ўртасида ўтказилиб келинаётган музокаралар доимий ҳолатга кирди. 1970 йилда сўл кучлар никоҳдаги эр-хотиннинг ажралишларига рухсат берадиган қонунни қабул қилинишига эришди. Черков расм-русумларига кўра, никоҳ бузилмас деб ҳисобланса-да, 1974 йилда ўтказилган референдум никоҳдаги ажралишларнинг қонунийлиги масаласини маъқуллади. Шундай қилиб, сўл марказ ҳукумати иш ташловчиларнинг асосий талабларини бажариб, катта ён босишлар қилишга мажбур бўлди.

“Сўл марказ”нинг, айниқса, 1969 йилдаги “жазирама куз”дан сўнг меҳнаткашлар билан муроса қилишга уриниши, иқтисодий қийинчиликлар, ишсизликнинг кўпайиши ўнг радикал оппозиция

ичида карама-қаршиликнинг кучайишига сабаб бўлди. Неофашистик гуруҳ ва ташкилотлар фаоллашиб, уларнинг сони 30 тага етиб қолди. Уларнинг ичида “Янги тартиб”, “Миллий авангард” ва, айниқса, “Миллий фронт” энг йириклари ҳисобланар эди. Собик ҳарбий жиноятчи, йирик молиячилар билан алоқа ўрнатган, золим, бешафқат ва ўтакетган мутаассиб (фанатик)лиги учун “Қора князь” лақабига эга бўлган князь Ю. В. Боргезе ташкилотда раҳбарликни ўз қўлига олган эди. 1969 йили Падуя шаҳрида бўлиб ўтган йигилишда тасдиқлаб олинган “график” асосида неофашистларнинг террорчилик ҳаракатлари сони кескин равишда кўпайди (портлатишлар, фаол жамоатчилар ва сўл кучларнинг маъмурий биноларига ҳужумлар уюштириш ва бошқалар шулар жумласидандир). “Ўта ўнгчилар” (“қора”)нинг террорчилик ҳаракатлар уюштиришларидан асосий мақсади мамлакатда давлат тўнтариши келиб чиқишига сабаб бўладиган вазиятни юзага келтириш, жуда бўлмаганда, минимум режага кўра мамлакатда “тартиб ўрнатиш” вазифаси эди. “Ўта ўнгчилар”нинг бу йўналиши “кескин стратегия” номини олган бўлиб, 1969 йил декабрида Миландаги Фонтана майдонида жойлашган Қишлоқ хўжалиги банки биносининг портлатилиши бу сиёсатнинг бошланиши эди. Бу террорчилик ҳаракати туфайли 16 киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, 100 га яқин киши ярадор бўлди. Фонтана майдони миллий ҳалокати террорчиликка қарши курашнинг рамзига айланди. Мана шу фожиадан сўнг яна бир қанча йирик террорчилик ҳаракатлари бўлиб ўтди. Чунончи, 1970–1971 йилларда Реджо-ди-Калабрия шаҳрида неофашистларнинг полиция ва ҳарбийлар билан бир неча ой давом этган қонли тўқнашувлари, баррикада жанглари; 1971 йил мартида Аквила шаҳрида барча сиёсий партия биноларининг портлатилиши; Боргезе бошчилигидаги “Миллий фронт”нинг республикага қарши тайёрлаган фитнасининг ошкор бўлиши; 1974 йил майида Бреше шаҳрида ўтказилган митингдаги портлаш натижасида 8 кишининг ҳалок бўлиши; 1974 йил августида Балонья яқинида поёзднинг портлатилиши оқибатида 12 та йўловчининг ҳалок бўлиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Неофашистик ҳаракатнинг бошида Италия ижтимоий ҳаракати (ИИХ) турган бўлиб, 70- йилларнинг биринчи ярмида бу ташкилот аъзоларининг сони 400 минг кишига ётди. Бу вақтга келиб неофашистлар сайловларда ҳам бир қанча муваффақиятга эришди. Масалан, 1972 йилда бўлиб ўтган сайловларда улар Депутатлар палатасида (630 ўриндан) 56 та ўринга, Сенатда эса (315 ўриндан) 26

та ўринга эга бўлишди. Ўз хузур-халоватини ўйлаб, ИИХ монархия талабдорларининг қолдиқлари билан бирлашди. Бу вақтинча бўлса-да, ИИХнинг мамлакатда обрў жиҳатидан тўртинчи сиёсий партияга айланишига олиб келди. 1973 йилдан бошлаб ИИХ Италия Ижтимоий ҳаракати “Миллий ўнг кучлар” (ИИХ – МЎК) деб атала бошланди ва унинг раҳбари эгиб яна Жоржо Альмиранте сайланди. Ишчилар ҳаракатининг фаоллашишидан норози бўлган шимолий худудлардаги кичик ва ўрта буржуазия вакиллари томонидан қўллаб-қувватланиши туфайли, ИИХнинг таъсири янада ортиб кетди. Аммо ИИХни 70- йилларнинг бошларида қўллаб-қувватлаган табақалар, асосан, шаҳар аҳолисининг ўрта қатлами, люмпен-пролетарлар вакиллари ва қатламлари бўлди. 1972 йилда ИИХ учун жануб аҳолисининг 1/3 қисми овоз берди. Неофашистлар миллий ва чет элдаги реакцион кучлар томонидан маблағ билан таъминлаб турилди. Кичик сармоялардан ташқари, неофашист ташкилотларга Италиянинг йирик тадбиркорлари ҳам ҳомийлик қила бошлади (Пезенти, Монти ва бошқалар). Маблағларнинг бир қисми Франция, Испания, АҚШ, Португалия банкларидан ҳам келиб тушарди. “Сўл марказ”нинг тадқиқотларидан хавотирга тушган обрўли доиралар мамлакатдаги вазиятни ўзгартириш ва “кучли давлат” сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида неофашист ташкилотларни доимо қўллаб-қувватлаб туришди.

Неофашистлар томонидан амалга оширилган жиноятлар уларнинг обрўси тушишига олиб келди. 1976 йилдаги сайловларда ИИХ олдинги сайловлардагига қараганда 1/3 қисм кам овоз олди. Бунинг оқибатида ИИХ ичида ички карама-қаршиликлар кучайиб кетди. Бу ҳол партиянинг заифлашиши ва тарқоқлашишига олиб келди. Бунга 70- йилларнинг ўрталаридаги террорчилик ҳаракатлари ва сиёсий фитналарнинг қатнашчиларига нисбатан олиб борилган суд жараёнлари ва ҳибсга олишлар ҳам сабаб бўлди. Аммо мамлакатдаги етук партияларнинг бу жараёнларга нисбатан эътиборсизлиги туфайли неофашистлар устидан қўзғатилган жиний ишларнинг аксарияти самарасиз яқун топар эди. Чунончи, суд жараёнларида бор-йўғи 20 та неофашист жиний жавобгар деб топилиб, озодликдан маҳрум этилган. Альмерангининг депутаг сифатидаги дахлсизлик ваколати олиб ташланди ва “Янги тартиб” ташкилотининг фаолияти батамом таъқиқлаб қўйилди.

Шундай қилиб, 70- йилларнинг ўрталарига келганда ўнг радикалларнинг “қора” террори иккинчи даражага тушиб қолди ва сўл

радикалларнинг “қизил” террорига ўз ўрнини бўшатиб берди. Сўл экстремизмнинг ёшлар орасида кенг тарқалганлиги, талабаларнинг 1967 – 68- йиллардаги ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ эди. 1968 йилнинг баҳорида талабаларнинг норозилик чиқишлари Италиянинг барча 36 та университетига ёйилди. Талабалар олий таълимнинг эскириб қолган ва нодемократик тизимига қарши бош кўтарди. Бутун мамлакат оммавий норозиликлар гирдобига тортилди, полиция билан тўқнашувлар бўлиб турди, маъмурий бинолар ишғол этилди ва ишчилар билан талабалар ўртасида мустақкам алоқалар ўрнатилди. Сўлларнинг ўша вақтда ташкил топган гуруҳлари (“Кураш”, “Ишчилар ҳокимияти”, “Меҳнатқашларнинг социализм учун кураш ҳаракати”, “Манефесто”) сиёсий жихатдан содда позицияларни эгаллаган бўлиб, ўзларини “инқилобий” кураш олиб бормоқдамиз деб ишонтиришга ҳаракат қилар эди.

70- йилларнинг 2- ярмига келганда турлича фикрлашнинг криминаллашуви ва унинг одатий жиноятларга қўшилиб кетиши (“Отмоқдаман, демак, маъжудман”, “Ўғрилаяпман, демак, пул топаяпман”) жараёни юз берди, шунда ёшларнинг 1968 йил авлодлари ҳаёлий (утопик) режаларидан ихлослари батамом қайтди ва улар террорчилик тактикасини танлашди. 1977 йилга келганда “ўта сўллар”нинг “қизил”, “инқилобий” байроқ остида фаолият кўрсатаётган 97 та террорчилик ташкилотлари борлиги маълум эди. Сўл экстремистларнинг яширинча фаолият кўрсатаётган террористик ташкилотлари ичида энг хавфлиларидан бири 1970 йилнинг сентябр ойидаёқ ташкил топган “қизил бригадалар” бўлди. Улар мамлакатда зўравонликни янада кучайтириш, буржуа-демократик давлатни фуқаролар уруши очиб имконини берадиган репрессив ва авторитар давлатга айлантириш ҳолатини илгари сурди. “Қизил бригадалар” сиёсий мақсадлари рўқач қилиб, одамларни ўғрилай бошлашди, улар ҳаттоки гаров тариқасида таклиф этиладиган пуллардан ҳам ҳазар қилишмас эди. 70- йилларнинг охирига келганда “қизил бригадалар”нинг қурбонлари сафида сиёсатчилар, судьялар, католик арбоблар, тадбиркорлар, журналистлар ва полиция хизматининг юқори мансабдор кишилари ҳам бор эди. Бу қурбонларнинг ичида Альдо Мородек сиёсатчининг бўлиши ва унинг ваҳшийларча ўлдирилиши энг шов-шувли воқеа бўлди. Экстремизм давлатнинг ҳуқуқий нормаларини оёқ ости қилиб, аслида, жиний гуруҳлардан бирига айланиб улгурган эди.

Экстремистик, террористик ташкилотлар ва мафиянинг фаолла-

шиши сўл кучларнинг ҳам сезиларли даражада фаоллашувига туртки бўлди. 1975 йили бўлиб ўтган вилоят ва муниципал сайловларда неофашистлар ўз электоратининг бир қисмидан маҳрум бўлишган бўлса, сўл партиялар эса сайловчилари сони жиҳатидан центристлар ва ўнглاردан ҳам ўзиб кетишди. ИКП 70- йилларнинг ўрталарига келганда мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни ва нуфузини сақлаб қолмоқда эди. Сайловчиларнинг каттагина қисми ИКПга демократияни ҳимоя қилиш ва ўнг кучларнинг ҳужумларини қайтаришга қодир куч сифатида қарар эди. ИКПнинг 1975 йили бўлиб ўтган съездида бош котиб Эрико Берлингуэрнинг ташаббуси билан коммунистлар “тарихий компромисс” деб номланувчи тактикани қабул қилишди. Унда коммунистларнинг социалистлар ва ҳаттоки католиклар билан ҳам ҳамкорлик қилиши кўзда тутилган эди. 1976 йил июнида бўлиб ўтган Парламент сайловлари сўл кучлар учун Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан буён биринчи марта максимал даражадаги муваффақиятни келтирди. Коммунистлар ва социалистлар биргаликда христиан демократларга нисбатан кўп овозга эга бўлди. ХДП учун овоз берганлар ИКП учун овоз берганлардан бор-йўғи 4,4% кўп эди. Бу Компартия ва шахсан Берлингуэрнинг муваффақияти эди. Сайловлар коммунистларнинг қўллаб-қувватлашисиз ҳар қандай ҳокимият таназзулга юз тутиши мумкин деган хулосага олиб келди. Сўл марказ тарқалиб кетди. Янги ҳукумат фақатгина ХДП вакилларида ташкил топди. Тажрибали сиёсий арбоб, христиан демократ Жулио Андреотти янги ҳукуматнинг Премьер-министри лавозимини эгаллади. Андреотти сиёсатчи католиклар оиласида ўсиб улғайди. Рим папаси Павел VI билан яқин дўст эди. Ўзининг сиёсий фаолиятини Де Гасперининг кўмагида бошлаган Андреотти кўпгина ҳукуматларда министр, етти марта эса Премьер-министр лавозимларида ишлаган. Унга христиан демократларнинг айёр, қари ва жанговар оти деб баҳо беришган. У 50- йилларда партиянинг ўнг қанотиغا мансуб бўлса, 60- йилларда эса сўл марказни қўллаб-қувватлади. 70- йилларнинг бошида коммунистларнинг “тарихий компромисс” тактикасини қўллаб-қувватлади, кейинчалик эса худди шу тактиканинг барбод бўлишига сабабчи бўлди.

Коммунистлар ва бошқа сўл республикачилар партиялари билан биргаликда Парламентда “бетарафлар коалицияси” – депутатлар блокини ташкил этди. Бу блок Парламентда Андреотти ҳукуматыни қўллаб-қувватлади. 1976–1979 йилларда ХДП бошчилигидаги ҳукумат “Миллий бирдамлик” сиёсатини амалга оширди.

италиянинг олти сиёсий партияси ва (ИКП ҳам бор) Андреотти ҳукумати ўртасида терроризмга қарши курашиш, иқтисодийни барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ва бошқа масалалар бўйича дастурий шартнома имзоланди. Шу дастур доирасида ўтказилган чора-тадбирлар натижасида, Италия 1974–1975 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига бардош берди. Шу даврда ёшларни ишга жойлаштириш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу мамлакат сиёсий ҳаётида коммунистларга нисбатан ўтказиб келинадиган дискриминация сиёсатининг заифлашувига олиб келди.

ХДП ҳукуматининг сўл партиялар томонидан қўллаб-қувватланиши ўнг қучларда ғазабланиш ҳиссини қўзғатган бўлса, сўл экстремистик террорчи гуруҳларда норозиликни келтириб чиқарди ва улар навбатдаги сиёсий босқинчилик ҳаракатини амалга оширди. 1978 йил 16 март куни эрталаб “қизил бригада”нинг террорчилари 10 дақиқа ичида ҳеч бир қийинчиликсиз 5 та кўриқчини ўлдириб, ХДПнинг раиси Альдо Морони ўғрилаб кетишди.

У бир қанча вақт давомида гаровда ушлаб турилди. Ҳукумат “қатъий позиция”да туришга ва террорчилар билан ҳеч қандай музокаралар ўтказмаслик тўғрисида қарор қабул қилди. Деярли ҳар куни 35000 га яқин киши А. Морони қидириш ишларида иштирок этди, бундан ташқари, 1500 га яқин ҳарбийлар кеча-қундуз жангвор навбатчиликларида турди. Полиция ва махсус хизмат ходимлари ҳар бир уйни синчиқлаб текшириб чиқишга ҳаракат қилишди.

Атиги бир неча юз кишини ташкил этадиган “қизил бригада” террорчиларининг шафқатсиз ҳаракати барча учун ҳақоратомуз қақриқ бўлиб, давлат аппаратининг заифлиги ва инқирозга юз тутаётганлигини яққол кўрсатиб берди. Мана шу ваҳшийликка жавобан қасаба уюшмаларининг қақриғи билан Италияда умумий иш ташлаш эълон қилинди. Умумий иш ташлашда 16 млн дан ортиқ италияликлар иштирок этиб, демократияни ҳимоя этиш ва терроризмга қарши курашишга тайёр эканликларини намоён этишди. Террорчилар томонидан амалга оширилган ваҳшийликлар уларга эргашувчилар ва ёқловчилар сонининг кескин камайишига олиб келди. Терроризмнинг янги тўлкиши Италияни 70–80- йиллар оралигида яна ўз гирдобига тортди. Навбатдаги сиёсий суиқасдлар, қотилликлар ва бошқа зўравонликлар содир бўлди. Фақатгина 1980 йилнинг ўзидаёқ 1200 га яқин турли террорчилик ҳаракатлар амалга оширилди. Уларнинг орасида Балонья вокзалида 1980 йил 2 август куни террорчилар

томонидан қўйилган бомбанинг портлатилиши ўтакетган конхўрлик чиқиши бўлди. Портлаш оқибатида 85 киши ҳалок бўлди ва 200 га яқин киши яраланди. 1969 йилдан 1980 йилгача жами 7866 та террорчилик ҳаракатлари қайд этилган бўлиб, бу ҳаракатлар туфайли 362 киши ҳалок бўлган, 4530 киши яраланган.

Мафия структурасида ҳам сифат ўзгаришлари юз берди: мафиянинг аёлларни ўлдиришни таъкиклайдиган ва зарурият туғилган тақдирдагина қотиллик қилишга рухсат берадиган “ор-номус, иззат кодекс” энди ўтмишда қолди. Мафиянинг Сицилия ва ундан ҳам шафқатсизроқ ҳисобланган Калибррия шўъбаси ўз йўлларига тўғаноқ бўладиган ҳар қандай кишининг ҳаётига зомин бўлишга тайёр эди. Улар ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай тўсиқни ҳам ҳеч ўйламасдан парчалаб ташлашга бел боғлаган эди. Шу билан бир вақтда, коррупция Италиянинг сиёсий ҳаётининг ажралмас хусусияти бўлиб қолди. У билан боғлиқ бўлган маиманалар янада баландроқ садо бермоқда эди. 1978 йилда Христиан демократлар партиясининг аъзоси, мамлакат Президенти Ж. Леоне солиқларни ўз вақтида тўламаганликда ва коррупция билан шугулланганликда гумон қилиниб, унга АҚШнинг “Локхид” номли авиа концерни билан боғлиқ порахўрликда алоқадор деган айб қўйилди. Ж. Леоне истеъфо беришга мажбур бўлди. Италия Президенти этиб илк маротаба ИСП аъзоси, қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг фаол иштирокчиси, Италия миллагининг энг яхши хусусиятларини ўзида мужассам эта олганлиги туфайли катта обрўга эга бўлган 82 ёшли Александро Пертини сайланди. Юқори лавозимли мансабдор шахсларнинг республикага қарши уюштирган фитниси – “П-2” (“Пропаганда-2”) номли Масонлар (“Масонлар оқими”) ёлғони” билан боғлиқ жинояти жамиятда катта шов-шувга сабаб бўлди.

Ҳақиқатда эса, “миллий бирдамлик” сиёсати моҳияти ўз функциясини бажармай қўйган эди. 1979 йилнинг январ ойида коммунистик партия Парламентдаги кўпчиликни тарк этиб, ХДП ҳукуматига қарши оппозицияга ўтди. Президент Пертини томонидан муддатидан олдин ўтказилиши эълон қилинган Парламент сайловлари 1979 йилнинг июнида бўлиб ўтди. Президент сайловлари христиан демократлар ва, айниқса, коммунистларнинг бир қисм овоздан маҳрум бўлганлигини кўрсатиб берди. Шундай бўлса-да, коммунистлар ҳали ҳам кучли оппозицион партия сифатида фаолият кўрсатишга қодир эди. ИКП “тарихий компромисс” тактикасидан воз кечди ва “демократик альтернатива” номли янги дастурни қабул қилди. Унга

кўра, Компартия ҳокимият учун курашда ХДП билан рақобатлаша оладиган сўл партияларнинг коалициясини тузишни кўзда тутган эди. Социалистлар, социал-демократлар ва радикалар эса, аксинча, ўз мавқеини яхшилаб олишди. Ўзларининг мавқеларига катта баҳо бериб юборганликлари сабабли, ИСП коммунистлар томонидан илгари сурилган дастурни қўллаб-қувватламади.

4- §. XX асрнинг 80–90- йилларида Италия

Италиянинг 80- йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти сиёсий беқарорликнинг сақланиб қолганлиги билан изоҳланади. Мамлакат Парламентида “мустаҳкам кўпчилик”нинг йўқлиги Парламент ва ҳукуматларни бошқаришда коалициялар амалиётидан фойдаланишга сабаб бўлди. Парламентни тарқатиб юбориш, янги таркибни тузиш бўйича навбатдаги сайловлар 70- йиллардагидек муддатидан олдин ўтказилар эди. Кўпгина қонунлар қоғоздагина мавжуд бўлиб, улар бажарилмас эди. Мамлакатда партияларнинг имкоиятларига ишонмаслик, ҳафсаласи пир бўлиш ҳолатлари кучайди. Гиёҳвандлар ва мафиянинг қурбонлари сони янада ортди. Терроризм ва коррупция Италия сиёсий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолди.

1980 йилда бешта сиёсий партия: христиан демократлар, социалистлар, социал-демократлар, либерал ва республикачилар вакилларидан иборат коалицион ҳукумат ташкил топди. Христиан демократлар бу сафар ҳам ҳукумат бошқарувини ўз қўлларида сақлаб қолди. Шу билан бир қаторда, ХДПнинг ичида бир-бирига қарама-қарши оқимлар фаолият кўрсатди. ХДПнинг етакчиси Ч. Те Мита А. Моро сиёсатига қайтишни таклиф қилди. Бу эса ХДПнинг коррупцияга қарши курашиш ва сўл томонга оғиб кетишини аниқлар эди. А. Фанфани бошчилигидаги ўнг қанот вакиллари эса бу таклифни қўллаб-қувватламади.

Шу даврга келиб Италия сиёсий ҳаётида учинчи ўринни эгаллаб турган Италия Социалистик партиясининг бошқарув тизимида бир қанча ўзгаришлар юз берди. 1976 йилда Бенедетто (Беттино) Кракси ИСПнинг сиёсий котиби лавозимини эгаллади. У ўз олдига ИСПни ҳукумат тепасига олиб чиқиш ва мамлакат тарихида социалистлардан чиққан биринчи Премьер-министр бўлиш мақсадини қўйди. Кракси ўзининг “Социализм инжили” номи рисоласида социалистларнинг коммунистлар билан ҳамкорлик қилишини плюрализм ша-

роитида хусусий секторнинг иқтисодий жиҳатдан катта салоҳиятига эга эканлиги ҳақидаги тезис билан изоҳлади.

1983 йилда социалистлар ҳукумат таркибидан чиқиб кетди. Премьер-министр Фанфани Парламентдан ишонч вотумини (Парламентнинг ҳукумат сиёсатини маъқуллаши ёки маъқулламаслиги) ололмаганлиги сабабли истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Италия Президенти Пертини томонидан Парламент тарқатиб юборилди ва муддатидан олдин Парламент сайловлари ўтказиш белгиланди. Сайлов натижаларига кўра, ХДП 5% га яқин сайловчилар овозидан махрум бўлган бўлса, ИСП эса ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. ХДП Премьер-министрлик лавозимини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга мажбур бўлди.

Беш партияли ҳукуматни Италия тарихида биринчи марта социалистлар вакили Б. Кракси эгаллади. У жамоатчилик орасида қатъий ва бир сўзли бўлиб, 1983–1987 йллар мобайнида ҳукуматни бошқарди. Янги ҳукуматнинг стратегик дастури 1980–1983 йилларда юз берган навбатдаги даврий инкироздан неолиберализмга ҳос бозор методларини неоконсерватив тадбиркор доираларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўллашни кўзда тутган эди. Мамлакат инфраструктурасининг деярли катта қисмини ташкил этган давлат секторининг истиқболи масаласи муҳим аҳамият касб этди. Чунончи, ўша вақтда тоғ-кон саноатининг, шу жумладан, чўян ва пўлат ишлаб чиқариш саноатининг 3/4 қисми, кemasозлик соҳасининг 70% и ва электромеханика саноатининг 2/3 қисми давлат секторига тегишли эди. Давлат секторига нисбатан юзага келган янгича ёндашишга кўра, давлат секторининг маълум бир қисмини хусусийлаштириш ва зиён келтираётган давлат корхоналарини тугатишдек долзарб масалаларни амалга ошириш режаси ишлаб чиқилди. Ҳукумат қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш саноатига қарашли, лекин ностратегик ҳисобланган корхоналарни хусусий секторга беришни мўлжаллади. Шунинг билан бир вақтда, давлат секторига қарашли бўлган стратегик жиҳатдан таянч соҳаларда технологик катта урилишларни амалга ошириш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтиришни режалаштирди. Бундан ташқари, ташқи савдо камомати туфайли мувозанати бузилган тўлов балансини барқарорлаштириш вазифаси куннинг энг муҳим масалаларидан ҳисобланар эди. Кракси ҳукумати илгари сурган сиёсатнинг асосида оддий меҳнаткаш халққа янада зуғум ўтказиш ҳисобига “қатъий иқтисодиёт” сиёсатини амалга оширишга имконият туғилди. Бунинг учун иш ҳақидаги “ўзгаруечан”

(“сирғамчи”) шкаланинг таъсир кучи чеклаб кўйилди ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим соҳаларидаги давлат харажатлари қисқартирилди. Шу билан бир қаторда, Кракси ҳукумати католик черковининг мактаб ва оила қонунчилигига таъсирини бироз бўлса-да чеклаб кўйди, мафия ва терроризм билан қатъий кураш олиб боришга ҳаракат қилди: полиция ва суд органларининг ваколатларини янада кенгайтирадиган (умумий ялпи тинтув ўтказиш, (суддан олдинги) қамокнинг муҳлатини ошириш ва бошқалар) фавқулодда тадбирлар ишлаб чиқилди.

80- йилларнинг биринчи ярмига келганда Италияда ўнг томонга консерватив бурилиш юз берди. Бу сиёсий жараён, бошқа давлатлардаги билан қиёслаганда, ўнг кучларнинг ўта фаоллиги шароитида амалга ошди. Масалан, 1980–1982 йилларда бутун мамлакат бўйлаб 42 млн киши намойишларда иштирок этди. Бу кўрсаткич АҚШ, Буюк Британия, Франция, ГФР ва Япония давлатларидагини бирга кўшиб ҳисоблаганда ҳам икки баробар кўп эди. АҚШ қанотли ракеталарининг Сицилия ҳудудига жойлаштирилиши туфайли мамлакат ичкарасида урушга қарши бўлган ҳаракатлар кучайиб кетди. Атроф-муҳитни химоя қилишни муҳим вазифа деб ҳисоблайдиган “яшиллар” ҳаракати юзага келди. Социалистлар билан христиан демократлар ўртасидаги рақобат натижасида ҳукумат доимий инкирозлар гирдоби остида қолди. Шу билан бир қаторда, Италиядаги консерватив бурилиш бошқа давлатлардагига нисбатан хусусийлаштириш салмоғининг кичиклиги ва давлат секторининг ҳукмрон мавқеини сақлаб қолганлиги билан ажралиб турарди.

80–90- йиллар бўсағасида Италия иқтисодий соҳада ривожланган индустриал давлатлардан бирига айланди ва капиталистик дунёда ЯИМ (Ялпи ички маҳсулот) кўрсаткичларига кўра 6 ўринни эгаллади. Машинасозлик (турли хил достгоҳлар ишлаб чиқариш бўйича капиталистик дунёда 4- ўринни эгаллайди) ва автомобиль ишлаб чиқариш саноатида юқори технологияли “ФИАТ” концерни бу соҳанинг етакчиси бўлиб қолмоқда. Италия иқтисодиётида хорижий сармояларнинг маблаглари ҳисобига 1200 дан ортиқ турли хил корхоналар фаолият кўрсатди. Шу билан бир қаторда, Италия сармоя киргиладиган давлат бўлиши билан бир вақтда, четга сармоя чиқариш имкониятига ҳам эга бўлди. Қуйидаги фаолиятлар бу соҳадаги энг йирик қадамлар ҳисобланади, чунончи, олигарх Берлускони томонидан Испания телевидиниеси бешинчи каналининг сотиб олиниши; “Фиаат” концернининг Франция ва Англиядаги автомобиль фирмала-

ри акцияларига эга бўлиши; “Оливетт”нинг электроника соҳасида етакчилик қилаётган гуруҳлар сафига кириб бориши ва бошқалар мисол бўла олади. Италия экспортининг асосини қишлоқ хўжалик техникаси, химикатлар, мебель ва қурилиш материаллари, тикувчилик маҳсулотлари, оёқ кийимлари, электротехника ва тиббиёт аппаратураси, транспорт воситалари ва саноат асбоб-ускуналари, мевалар, вино, виночилик маҳсулотлари ташкил этди. Туризм индустриясининг тезкор ўсиши бинокорликнинг тараққий этиши ва озиқ-овқат саноатининг ривожланишига туртки бўлиш билан бир қаторда, бу истиқболли соҳада аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш имкони ни тугдирди. ЯИМда туризмнинг улуши ва туризм соҳасидаги валюта даромадларининг кўрсаткичлари юқори бўлди.

Аммо Италия иқтисодиётида мавжуд бўлган баъзи бир салбий ҳолатлар ҳозирги пайтда ҳам сақланиб қолмоқда. Бу салбий ҳолатларга минтақавий (шимол-жануб) ва тармоқлараро диспропорция (номутаносиблик), турмуш кечиришнинг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, ишсизлик, хомашё ва ёқилғи қувватининг импорти учун сарфланаётган харажатларнинг кўплиги, юқори технологиялар ишлаб чиқариш соҳасида янада илгорроқ ҳисобланган мамлакатлар олдидаги тобеликлар мисол бўла олади. Глобаллашган иқтисодиёт шароитида жаҳон технологияларининг даражаси бевосита илмий-тадқиқот ишларининг (ИТИ) ҳолатига боғлиқ бўлди. 80–90- йилларда Италияда ИТИни асигнация (бирор бир мақсад учун маблағ ажратиш) қилиш қисқартирилди ва ИТИ натижаларининг самарадорлигини назорат қилиш мавжуд эмас эди. Давлат ва хусусий тармоқлар ўртасида ИТИ ва фаннинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида ҳеч қандай табиий муносабатлар ўрнатилмаган эди. Кичик ва ўрта корхоналарнинг кўплиги илмий тадқиқотларнинг орқага кетишига сабаб бўлди. Чунки бу корхоналар ИТИ учун жуда кам миқдорда маблағ сарфлади. Масалан, 1991 йилда ИТИга кетган харажатлар улуши ЯИМнинг бор-йўғи 1,4% ини ташкил этди. Режалаштириш муаммолари ҳам ўз актуаллигини йўқотгани йўқ. Жаҳон бозорларининг глобаллашуви узок муддатли ва йирик масштабли режаларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқараётган бир даврда, Италия Парламентидаги беқарорлик туфайли ҳукумат қисқа муддатли режалар асосида фаолият кўрсатишга мажбур бўлди.

90- йилларга келганда Италия ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги беқарорлик ва карама-қаршилиқлар янада кучайди. Кескин сиёсий

инкирозлар, асосан, мўътадил келишувлар билан тугар эди. Электр-рат динамикаси шундан далолат берадики, 90- йилларнинг бошида социалистларнинг обрўси янада ошди. Бунга карама-карши равишда эса коммунистларнинг нуфузи тушиб кетди. Шарқий Европада социализмнинг инкирозга юз тутиши шароитида ИКП раҳбарияти Компартияни оммавий сўл кучлар партиясига айлантириш ташаббуси билан чиқди. ИКПнинг 1991 йил бошларида бўлиб ўтган XX съездида унинг сафларида ихтилоф оқибатида ажралиш юз берди. Кўпчилик Компартиянинг Италияда демократияни ўрнатиш ва ҳимоя қилишдаги хизматларини унутишни ўзига маъқул кўрди. Яқин ўтмишда бу партия учун сайловчиларнинг 1/4 то 1/3 гача қисми овоз бериши ҳам эсдан чиқарилди. Натижада коммунистларнинг катта (авзоларининг деярли 2/3) қисми сўл кучларнинг Демократик партиясини (ДПЛ) ташкил этишди. Ёшлар коммунистик ҳаракатининг собиқ етакчиси ва Компартиянинг кундалик газетаси ҳисобланган “Унита”нинг муҳаррири Массимо Д’Алема 1994 йилдан бошлаб ДПЛнинг котиблигида ишлай бошлади. ДПЛ Европадаги социал-демократик ҳаракатларнинг сафларига сингиб (кўшилиб) кетди. Собиқ ИКПнинг кичикроқ қисми (ўзларини сталинчилар деб ҳисоблаган партиянинг авзолари) эса Коммунистик уйғотиш партиясини ташкил этди. Янги партияни коммунистик ҳаракатнинг фахрийси Фаусто Бергиногги бошқарди.

ХДП учун ҳам қийин кунлар бошланиб кетди. 90- йилларнинг бошидаёқ ХДП коммунистларнинг давлат тепасига чиқишига тўсик бўлган ҳолда, давлатни бошқа партиялар коалициясида бошқарди. Бу вазиятни беқарор мувозанат деб аташди. 90- йилларнинг бошига келганда Италияни янги сиёсий можаролар ларзага келтирди. Бу можароларга давлат амалдорлари билан бир қаторда, йирик сиёсатчилар ҳам аралашиб қолган эди. 1992 йил февралда Миландаги партиялар уйининг директори М. Къез қамоққа олинди. Олиб борилган тергов натижасида шу нарса аниқландики, кўпгина саноат компаниялари юкори лавозимларга, давлат буюртмаларига эга бўлиш ва бошқа ғаразли фаолиятлар учун амалдорлар ва турли сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳисобига сармоя ўтказиб туришган. Маълаг ўтказилиб турилган партиялар қаторига христиан демократлар, социалистлар, социал-демократлар ва коммунистларни ҳам киритиш мумкин эди. Шу нарса маълум бўлдики, коррупция ҳар бир ноқонуний битим бўйича пора олиш учун мустаҳкам ва самарадор тизимга айланиб улгурган эди. Бунинг устига, ҳукумат манфаатдор томон сифатида

намоён бўлиб қолди. Пропорционал вакиллик принципига асосланган сайлов тизими ҳукумат ичида амалга оширилаётган фирибгарликнинг яширин манбаларидан бири эканлиги ҳам аниқланди. Қун тартибига уни мажоритар принцип билан алмаштириш масаласи қўйилди. Бу орада эса сиёсий можаролар давлат хизматчилари билан уюшган жиноятчилик ўртасида мустаҳкам алоқалар мавжудлиги тўғрисида кўпгина далилларни кўрсатиб берди. М. Къезнинг ҳибсга олинishi билан Италияда “Тоза қўллар” номли умуммиллий компания авж олиб кетди. Асосан, сўл қарашларни қўллаб-қувватловчи Милан шахри прокуратураси хизматчиларининг бир гуруҳи (“магистратлар” деган ном билан аталган) жуда катта тергов жараёлини бошлаб юборди. Бу жараён туфайли мафия билан бир неча минглаб кишилар қамоққа олинди. Улар орасида кўзга кўринган тижоратчилар ва тадбиркорлар, йирик ва кичик партияларнинг функционерлари, ҳукуматдаги юқори доираларнинг вакиллари ҳам бор эди. Бу суд амалиётида ўхшаши бўлмаган ва кенг халқаро аке-садога эга бўлган, мисли кўрилмаган операция эди.

Собиқ Премьер-министр, христиан демократиянинг устунларидан бири саналган Д. Андреаттига нисбатан партияни ноқонуний йўллар ёрдамида маблағ билан таъминлаш, мафия билан алоқадорликда ва буюртмали суиқасдлар уюштириш билан шуғулланганликда гумон қилиниб, айб қўйилди. Қўйилган айблар шу даражада жиддий эдики, ҳатто Д. Андреотти ўз ихтиёри билан депутатлик дахлсизлигидан воз кечишга рози бўлди ва ҳибсга олинди. “Тоза қўллар” операцияси социалистлар етакчиси, собиқ Премьер-министр Б. Краксини ҳам сиёсий жиҳатдан бадном қилди. ИСПни 16 йил давомида бошқарган Б. Кракси истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Қамалишдан кўрқиб, Кракси мамлакатни тарк этди. Тунисда қувгинда яшади ва 2000 йилда шу мамлакатда вафот этди. Сиёсий тус берилганлиги ва айрим сунистеъмолларга йўл қўйилганлигига қарамасдан, гайриқонуний ҳаракатларни фош қилувчи “Тоза қўллар” компанияси етарли даражада самарали бўлди ва Италияда янги сиёсий қураш тури сифатида пайдо бўлди, яъни коррупцияга қарши қурашиш сиёсий характерга эга бўлди.

Христиан демократлар учун ҳукумат маблағларини тақсимлаш имконияти янада чекланди ва, бинобарин, партиянинг оммавий базаси кучсизланди. ХДПнинг ҳукуматдаги электорати ҳам озчилиқни ташкил этиб, етакчиларнинг нуфузи тушиб кетди. ХДП ичидаги партиявий қураш янада кескинлашди. ХДП обрўсининг тушиб ке-

тишига халқ рухиятида, айниқса, ёшлар орасида католик черкови анъаналарига бўлган қизиқишнинг сусайганлиги ҳам туртки бўлди. Италия жаҳондаги энг забардаст католик давлатлардан бири бўлиб қолаётган бўлса-да, италияликлар менталитетига черковнинг таъсир этиш самараси пасайиб кетди. Шундай қилиб, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ХДП ўз обрўсини йўқотди ва қуйида “Тоza кўллар” номли операциянинг зарбалари остида сўл кучлар билан иттифоқ тузишни мақсад қилиб олди. Ўз навбатида, халқ партиясининг ўзи ҳам яна 3 та оким ва бир қанча гуруҳчаларга ажралиб кетди. Масалан, собиқ христиан демократ, Палермо шахрининг мэри Л. Орландо етакчилигидаги гуруҳ “яшиллар” ҳаракати билан бирлашиб, Сицилияда фаолият кўрсатувчи “Тўр” номли партияни ташкил этди. Бу партиянинг мақсадларидан бири мафияга қарши кураш олиб бориш эди. Мамлакатдаги бошқа сиёсий партияларнинг тақдири ҳам шу қисматга дучор бўлди. Молиявий нопокликлар ҳақидаги айбловлар ёмғири авваллари коалицион ҳукуматлар таркибига кирган республикачилар, либераллар ва социал-демократлар каби партияларни амалда сиёсат майдонидан тушириб ташлади. Эндиликда ХДП бу партиялар учун таянч нуқтаси бўлолмай қолди. Сиёсий ҳаётдаги ўзгариш, хусусан, ХДП ва ИКПларнинг занфлашиши ўзига хос сиёсий бўшлиқни келтириб чиқарди. Ўз навбатида, бу сиёсий бўшлиқни, асосан, ўнг партиялар ва қисман ДПЛ тўлдирди. Ўнг партияларнинг пешқадам мавқега кўтарилиши 90- йиллар сиёсий маркетингида янги воқеа бўлди. Умберто Босси бошчилигидаги “Шимол лигаси” номли ўнг сиёсий гуруҳ, жануб муаммоси Италия ва, айниқса, шимолдаги барча кулфатларнинг манбаи деган фикрни илгари сурди. Лига тарафдорларининг қарашлари учун сепаратив (бир томонлама) кайфият характерли эди. Раҳбарият эса оммабоп тактикани асос қилиб олди. Лиганинг асосий электорати табиий равишда мамлакатнинг шимолий вилоятларида тўшланган эди. 1992 йилдаги сайловларда “Шимол лигаси” катта муваффақиятга эришди. Чунончи, Парламентда 55 та (1 та қарши) ва Сенатда 25 та (1 та қарши) ўринга эга бўлди. “Шимол лигаси” ўнг партиялар билан коалицияда бўлиш йўлини қўллаб-қувватлади. Ўнг канотга оид бўлган сиёсий гуруҳлардан яна бири, яъни неофашистлар 90- йиллар ўрталарига келганда сиёсий курашнинг респектабель (салобатли, хурматли) қатнашчисига айланиб улгурди. Уни ИСДП ҳаракатининг аъзоси ва кейинчалик “Италия Ижтимоий ҳаракати” (ИИХ) – “Миллий ўнг кучлар” (МУК) партиясининг етакчисига айланган Жанфранко

Фини бошқарди. Уни Италияда кўпчилилик Ж. Альмиратанинг ғоявий меросхўри деб ҳисоблашар эди. Фашистик ўтмишдан узоқлашган ҳолда, Фини неофашизмнинг ортодокслари (мустаҳкам эътиқодли, собитқадам, содиқ) билан алоқани узди ва 1993–1995 йиллар орасида бу партияни постфашистик “Миллий альянс”га айлантирди. Бу партия ўз мақсадлари йўлида “ўнг” ва “марказчи” рақиблари билан сиёсий шерик бўлишга ҳам тайёр эди.

Ўнг марказчи гуруҳларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи 1993 йилда ташкил топган “Олға, Италия!” номли партия эди. Бу партия марказий сиёсий куч бўлишга даъвогарлик қилди. “Олға, Италия!” партиясининг ташкилотчиси ва етакчиси С. Берлускони ҳисобланади. Сильвио Берлусконининг асли касби ҳуқуқшунос бўлиб, у ўзининг шахсий сифатлари ва қобилияти ҳамда ноқулай вазиятдан муваффақиятли чиқиб кета олиш иқтидори эвазига жуда катта бойлик орттирди. У ҳозирги кунда Италиядаги энг бой кишилардан бири ҳисобланади. Берлускони яхши тиждоратчи ва тугма тадбиркор сифатида ҳам тан олинган. У ҳозирги кунда мамлакатдаги учта йирик хусусий телеканал, бир қанча супермаркетларга, катта микродордаги қурилиш компаниялари, Италиядаги 30 та йирик газеталарнинг назорат акцияларига эга шу билан бирга, “Мондадори” номли нашриёт уйи ва “Милан” футбол клубининг хўжайини ҳисобланади. Шубҳасиз, оддий банк хизматчиси ўғлининг молиявий империя эгасига айланиб кетиши қонунни ҳимоя қилувчи органларнинг эътиборини тортмасдан қолмаган. Турли даврларда Берлусконини ноқонуний маблағларни айлантириш, солиқларни тўлашдан бош тортиш, мафия билан ҳамкорлик қилиш, сиёсий арбоблар, судьялар ва солиқ полицияси хизматчиларини ўз томонига пора бериб оғдириб олиш каби жиноий ишлар билан шуғулланганликда айблашган. Лекин, шунга қарамасдан, медиумагнат бу каби айбловларни рад этган. Унинг фикрича, гуёки бу машмашалар унинг ўта бойлигидан ҳасад қиладиган сиёсий рақибларининг таъна ва ҳийланайрангларидан бошқа ҳеч нарса эмас. Берлусконини ҳуқуқий жиҳатдан юқори малкали шахсий адвокатлар таъминлаб турса-да, аммо энг катта маъадни сиёсий арбоблар билан бўлган алоқалардан олар эди.

Берлускони “Озодлик альянси” номли сайловолди блокани ташкил этди. Блокка “Олға, Италия!” партиядан ташқари, неофашистик “Миллий альянс” ва ўнглarning сиёсий гуруҳи ҳисобланган “Шимолий лига” ҳам кирган эди. Янги коалиция 1994 йил мартда бўлиб

ўтган сайловларда 38% овоз билан галаба қозонди. Бу сайловларда бошқа пуфузли гуруҳ ва партияларнинг обрўси анча тушиб кетди. Масалан, ХДП учун сайловчиларнинг 11% и, социалистлар учун эса бор-йўғи 2,2% и овоз берди. “Озодлик альянси”нинг галабаси туфайли ўнлар депутатлар палатасида абсолют кўпчиликка (301 мандат) эга бўлди. Сайловларда “Олга, Италия!” партияси 21% овозга эга бўлиб, етакчиликни ўз қўлига олди, Берлускони эса 1994 йилнинг май ойида Бош Вазир этиб тайинланди.

Бош Вазир Берлусконига иктисодий муаммоларни бартараф этишдан ташқари, “Озодлик альянси”нинг бир-бири билан муҳолиф бўлиб қолган икки вакилини муроасага келтириш муаммоси ҳам пайдо бўлди. “Шимолий лига” ўнг марказчи коалициялардан чиқиб, Парламентдаги кўпчиликка барҳам берганида, Берлусконининг ҳокимият тепасига келганига бор-йўғи 7 ой бўлган эди. Бу сиёсий воқеалар 1994 йил декабрида Премьер-министрни истеъфого чиқишга мажбур қилди. Италиядаги жамоатчилик орасида Берлусконининг телевизион салтанатини битта каналгача чеклаш ва реклама монополиясига барҳам бериш ҳақидаги фикрлар тўлқини юзага чиқди. Берлускони бу гавғолардан омон қолган бўлса-да, яна дарҳол янги коррупция машмасисига аралашиб қолди. Бу можаро кичик укаси ва унга қарашли бўлган “Фининвест” компаниясининг директорларига дахлдор бўлиб, Берлускони бу компания орқали телерекламани монополия қилар ва Италиядаги кўпгина телеканалларнинг фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлган эди. Берлускони порахўрлик ва солиқ найрангларида ҳамда неофашистик “Миллий альянс” ва “Шимолий лига” сепаратизмни қўллаб-қувватлаш каби жиноий ишларда айбланиб, суд олдида жавоб беришга мажбур бўлди. Унга Кракси давридаги сайлов компаниясини ноқонуний молиялашдаги “хизматини” ҳам эслатиб қўйишди. Суд уни уч марогаба айбдор деб ҳукм чиқарган бўлса-да, юқори малакали адвокатларнинг саъй-ҳаракати билан қамоқ жазосини ўташдан қутулиб қолаверди.

Медиамагнат истеъфого чиққанидан сўнг, Президент О. Л. Скальфаро 1995 йил январида Берлускони ҳукуматида Молия вазири лавозимида фаолият кўрсатган технократ Ламберто Динига партиясиз ҳукумат тузиш вазифасини топширди. Ламберто Дини ўз даврида ХВФда фаолият кўрсатганлиги учун халқаро молиявий доираларда таникли шахс эди. Дини ҳукуматининг асосий мақсади мамлакатда молиявий тизимни соғломлаштириш бўлди. Аммо октябр

ойида янги йилдаги бюджет масаласи ишлаб чиқиладиган вақтда, “Олга, Италия!” ва “Шимолий лига” реванш олишни мақсад қилиб, Парламентда ҳукуматга ишончсизлик билдириш (вотум) масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Сўл партияларнинг кўмаги Дини ҳукуматини вақтинчалик сақлаб қолса-да, 1996 йил январига келиб бу ҳукумат истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

1996 йил апрелида бўлиб ўтган сайловларда Сўл демократик партияга мансуб бўлган экс-коммунистлар кўпчилиكنи ташкил этган “Зайтун дарахти” номли сўл марказчи блоки Берлускони етакчилик қилган ўнг марказчи коалициядан кичик фарқ билан устунлик қилди. Бу блокнинг ташкилотчиси ва етакчиси иқтисодий профессор Романо эди. Романо Проди ўзининг сиёсий фаолиятини христиан демократлар сафида бошлаган бўлиб, у нафақат Италияда, балки Европадаги ишбилармонлар доирасида ҳам эътиборли арбоб эди. Бу ҳукумат нисбатан барқарорроқ (бардошлироқ, чидамлироқ) бўлиб, 2,5 йил фаолият кўрсатди. Аммо 1998 йил кузида бюджет масаласи бўйича Парламентда бўлиб ўтган кизгин баҳслардан сўнг, Р. Проди истеъфога чиқди. Президентнинг топшириғи билан тузилган янги коалицион ўнг марказчи ҳукуматни 49 ёшли экс-коммунист (СДП аъзоси) Массимо Д’Алема бошқарди. У Италия тарихида собиқ ИКП нинг ҳокимият тепасига чиққан биринчи вакили эди. Массимо Д’Алема ҳокимиятни 18 ой давомида бошқарди.

Ҳукмрон сўл коалиция (Р. Проди ва М. Д’Алема) ўзининг беш йиллик фаолияти давомида (1996–2001 йиллар) мамлакат хазинасини давлат секторига қарашли корхоналарни миллийлаштириш ҳисобига 60 млрд доллар билан тўлдиришга муваффақ бўлди. 1 млн ишчи жойларининг ташкил этилиши билан, ишсизлар сони анча кичик қартирилди. Қуролли кучларда ўтказилган ислоҳот туфайли ҳарбий мажбуриятни бекор қилишди ва шартнома асосида хизмат қилиш жорий этилди. Италия Европадаги иқтисодий ҳамкорлик тизимидаги ягона валюта – евро зонасига қўшилган давлатлар қаторидан ўрин олди. Шу билан бир қаторда, сўлларнинг ижтимоий соҳадаги кўпгина ваъдалари коғозда қолиб кетди. Йирик шаҳарларда жиноятчилик миқдори анча ўсди, фуқароларда шахсий хавфсизлик, Албания ва собиқ Югославиядан муҳожирларнинг оқиб келишидан қўрқув ҳисси сақланиб қолди. Мамлакат ичидаги ижтимоий фикр кескин ўзгарди, “Тоza қўллар” операциясининг таъсири сусайди. Кўпгина тadbиркорлар, жумладан, Берлускони билан боғлиқ суд жараёнлари тўхтатилди, Д. Андреотти судда оқланди ва Б. Кракси,

эса мухожирликда вафот этди. Юкоридаги омилларнинг барчаси 2000 йил баҳоридаги сиёсий воқеаларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

2000 йилнинг апрел ойида 20 та вилоятнинг 15 тасида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида маъмурий сайловлар бўлиб ўтди. Д. Алеманинг “ярим коммунистик режими”дан норози бўлган ўнг оппозиция ўзининг сиёсий рақибларига нисбатан қақшатқич кураш бошлади. Ўнг марказчи “Озодлик кутби”нинг (“Озодлик кутби”га бириятчи галда “Олга, Италия!”, “Миллий альянс” ва бир қатор бошқа партия ва ҳаракатлар кирди) етакчиси Берлускони яна бир бор “Шимолий лига”нинг федералчилари билан бирлашди ва қизгин сайловолди ташвиқотини бошлаб юборди. Черков диндорларни ўнг кучларнинг номзодларини ёқлаб овоз беришга чақирди. Натижанда ўнглр шимолдаги саноати ривожланган барча ҳудудлар билан кўшиб ҳисоблаганда, 8 та вилоятда ғалаба қозонди.

Яқиндагина: “Сўллар ҳокимият тепасига узоқ вақтга келди”, – деб Баёнот берган Массимо Д’Алема бундай вазиятда ўз мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди ва Президентга истеъфога чиқиш ҳақидаги ҳужжатни топширди. Президент К. А. Чампи (1999 йилда сайланган) технократларнинг ўтиш ҳукуматини белгилади ва ғазна, бюджет ва иқтисодий режалаштириш масалалари бўйича социалист вазир Жулиано Аматога ҳукуматни бошқаришни таклиф қилди. Журналистлар таниқли иқтисодчи ва сиёсий арбоб Ж. Амато-ни ўзига хос сезгирлиги учун “ўткир жаноб” деб номлашган. Яқин ўтмишда у ИСПнинг раҳбарларидан ва Б. Краксининг издошларидан бири эди. Янги Бош Вазир учун мерос бўлиб қолган муаммолардан бири сайлов тизимидаги мутоносиб принципни бартараф қилиш орқали сайлов тўғрисидаги қонуннинг моҳиятини ўзгартириш эди. Маблағларни айлантириш жиноятига оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳам қонунчиликдаги долзарб муаммо эди. Чунки Италияда бу турдаги жиноят мисли кўрилмаган даражада кўпайиб кетди. Тўғри, маблағларни айлантириш жиноят сифатида тан олиниб, жиноят кодексига кўра, 4 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум этиш ва 2 млн лирадан дан 30 млн лирагача жарима тўлаш белгилаб қўйилган бўлса-да, бу иллатга қарши курашиш самарадорлиги юқори эмас эди.

Шу билан бир қаторда, Италияни 2001 йилда бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловлар кутмоқда эди. 2000 йилда ўнг кучлар томонда рўй берган туб бурилиш янада кўзга ташлана борди. 2000 йил

баҳорида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари а бўлиб ўтган сайловлардаги муваффақиятдан руҳланиб кетган Берлускони “Озодликлар уйи” номли янги альянсни ташкил қилади. “Озодликлар уйи” 2001 йил баҳоридан сайловолди компаниясига киришиб кетди. Янги альянсга марказий куч бўлишга интилаётган “Олга, Италия!” партиясига ҳамда ўнларга тегишли бўлган “Миллий альянс” ва “Шимолий лига”лар қўшилди. Сайловолди компаниясида Берлускони империясининг бутун қудрати ишга солинди. Ташвиқот-тарғибот ишларида энг янги сиёсий технологиялар, сўл кучларнинг заиф жойларини очиб ташлаш, италияликлар руҳиятида ҳукуматнинг бошқарув институтлари ва қонунларидан ҳафсалаларини пир қилиш каби воситалардан ҳам фойдаланилди. Бундай шароитда Ф.Рутеллининг “Зайтун дарахти” номли сўл марказчи коалицияси ўзини сайловолди компаниясида тўла намоён қила олмади. Натижада 2001 йил 13 майда сайловчиларнинг катта қисми Берлускони етакчилигидаги “Озодликлар уйи”ни ёқлаб овоз беришди. Анча вақтдан бери қонунни ҳурмат қилмай қўйган италияликлар, кўра била туриб, қонун таъқиб остига олган Берлускони кўллаб-қувватлаб овоз беришди. Улар ўз ҳаётини шу даражада яхши қила олган киши мамлакатга ҳам ёрдам бера олишга қодир, деган фикрга асосланиб, бундай йўлни танлашди.

Сайлов натижаларига кўра “Озодликлар уйи” коалицияси мамлакат Парламентидаги кўпчилик ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди, жумладан, Депутатлар палатасидаги 630 ўриндан 367 тасига, Сенатдаги 315 ўриндан 177 тасига эга бўлди. “Зайтун дарахти” номли сўл марказчи блок 248 та, коммунистлар 11 та ва қолганлар эса 4 та депутат мандатига эга бўлдилар. “Олга, Италия!” партиясига мамлакат Парламентидаги энг катта фракцияга айланди. Олдинги сайловларга қараганда, у ўз электоратини 21% дан 30% гача оширишга муваффақ бўлган ягона партия бўлди. Парламентнинг ҳар иккала палатасида ҳам кўпчиликка эга бўлган Берлускони назарий жиҳатдан ҳукуматни қонун билан белгилаб қўйилган 5 йил муддат давомида тўла бошқариш имкониятига эга бўлди. Бош Вазир лавозими ва бир вақтлар олинган Европарламент депутатининг статуси Берлусконига катта иммунитет ҳуқуқини берди. Яъни уни нафақат италиялик судьялар ва балки бошқа давлатларнинг қонунни ҳимоя қилувчи ташкилотлари ҳам жиноий жавобгарликка тортиш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Янги Бош Вазир олдида ундан олдин фаолият кўрсатган ўтмишдошлари урдалай олмаган муаммоларни

ҳал қилиш вазифаси турарди. Бундай муаммоларга конституцион тизимни такомиллаштириш, ҳукуматнинг асосий иллатлари сифатида сақланиб қолаётган бюрократизм ва коррупцияни йўқ қилиш, юқори даражадаги ишсизлик (9%), мактаб ислоҳоти, солиқ тизимини тартибга солиш каби ўнлаб масалалар турарди. С. Берлускони муаммоларни бартараф қилиш бўйича ўз дастурини “контракт” деб номланган сайловолди ҳужжатига эълон қилди. Унга кўра, Берлускони ишсизларни 1,5 млн кишига қисқартириш, нафақалар бўйича ислоҳот ўтказиш, кичик бизнесга ёрдам бериш, солиқларни қисқартириш, меросга солинадиган солиқларни бекор қилиш, криминал ва бюрократияга қарши курашишга ваъда берди. Ташқи сиёсатда эса чуқур ўзгаришни амалга ошириш кўзда тутилмаган эди. Италия Ироққа қарши коалация кўшиқларида иштирок этди, Афғонистонга НАТОнинг кўшиқлари таркибида ўз ҳарбий қисмларини юборди.

Шундай қилиб, Италия XXI асрга блоклараро стратегия анъаналарини сақлаб қолган ҳолда кириб келди. Мамлакат юқори қатламида барча сиёсий партияларга тегишли ўзгаришлар юз берди: баъзи бирлари ўз фаолиятларини тўхтатишса, баъзилари эса бўлиниб кетди ёки янгиланди. Ўнг партиялар блоклараро сиёсий ўйинларнинг қондаларини қабул қилиб, мамлакатни бошқариш дастагини ушлаб туришга ҳаракат қилди. Христиан демократия эса “Католик дунё”нинг монопол (ягона) сиёсий вакилигини қўлдан бера бошлади.

5- §. XXI аср бошларида Италия

Апеннин ярим оролида жойлашган Италияда икки кун мобайнида бўлиб ўтган Парламент сайловлари жаҳон матбуотининг диққат марказида турди. Чунки Италия – жаҳон сиёсатига, Европадаги воқеаларнинг боришига таъсир этувчи. ўз овози ва ўрнига эга давлатлардан бири. Айни сиёсий тадбирда фуқаролар собиқ раҳбари Романо Проди ва амалдаги Бош Вазир Сильвио Берлускони блоклари учун овоз бердилар. 2006 йил апрел ойида Италияда бўлиб ўтган Парламент сайловларида Романо Продининг “Иттифок” блоки амалдаги Бош Вазир Сильвио Берлускониининг “Олға, Италия!” блоки устидан ғалаба қозонди. Проди бошчилигидаги сўл марказчи “Иттифок” блоки Парламентнинг қуйи палатасига ўтказилган сайловда Берлускони бошчилигидаги “Олға, Италия!” блокнини атиги

0,1 фоиз фарқ билан ортда қолдирди. Парламентнинг юкори палата-си сайловларида эса Проди блоки кичик фарқ билан ғалаба қозонди.

Дарвоқе, кейинги 10 йил мобайнида “Олға, Италия!” блоки ҳатто Берлускони сайлов компаниясида шахсан иштирок этмаса-да, осон-лик билан зафар кучишга муваффақ бўлаётган эди. Ўшанда сўл мар-казчи коалиция заифлигидан унинг раҳбарлари ҳам тез-тез ўзгариб турарди. Ўнг канот кучлар муваффақиятига ижтимоий ёрдамга мухтож фуқароларга тўкин ҳаёт ваъда қилишнинг ўзи кифоия эди. Бу, ўз навбатида, кенг истеъмољ моллари нархининг кўтарилишига олиб келди. “Олға, Италия!” блоки сўнгги сайловда ёшларни иш билан таъминлашга ҳам ваъда берди. Ҳукумат, албатта, ишсизлик даражасини сезиларли даражада камайтиришга эришди. Аммо бун-га вақтинчалик ишга ёллаш йўлидаги қонун орқали эришилди. На-тижада ёшлар 3–4 ойлик иш билан таъминланган бўлсалар-да, дои-мий иш ўрнига эга кишилар сони камайиб кетди. Бундан ташқари, ҳукумат ҳар йили солиқларни енгиллаштириш сиёсатини ўтказди. Шубҳасиз, мазкур чоралар омма орасида қўллаб-қувватланди. Ле-кин Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига фойдаси бўлмади. Аксига олиб, бюджет тақчиллиги Ялпи ички маҳсулотнинг 4,2 фоизгача ўсди. Бу эса молиявий барқарорлик ҳақидаги Европа Пактини бузиш саналарди. Мазкур ҳужжатга кўра, бюджет тачиллиги Ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоиздан ошмаслиги керак эди.

2001 йилдан бери ўнг марказчилар Италияда бирор-бир сайлов компаниясида ютолмадилар. Улар мунтазам равишда минтақавий ва муниципал сайловларда ҳатто университет ректорларининг тан-ловида мағлубият аламини тортишга мажбур бўлдилар. Оқибатда, 2005 йилга келиб Европа жанубидаги 60 миллионли бу мамлакат ўнг ҳукумат бошқарадиган сўл мамлакатга айланиб улгурди. Сильвио Берлускони учун сўнгги ва сезиларли мағлубият ўнглارнинг 2005 йил апрелида минтақавий сайловлардаги муваффақиятсизлиги бўлди. Сўллар йиғирмата вилоятнинг ўн олтитасида зафар кучдилар. Охир-оқибатда Сильвио Берлускони футболга хос атамани қўллаб: “Ўзим майдонга тушишимга ва ортимдан командани эргаштиришимга тўғри келяпти”, – дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, у “майдонга ту-шишга”, деярли ҳар куни кўп сонли мухлисларига эга телеканаллар орқали чиқишга, солиқларни пасайтиришдан тортиб, оилавий му-носабатларга қадар масалаларда фикр юритишга мажбур бўлди. На-тижада шахсий рейтинги, қолаверса, партиясининг обрў-эътибори жадаллик билан ўсди. “Олға, Италия!” блокининг рейтинги Берлус-

кони шасиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлганлиги боис, Бош Вазир ҳукуматни сақлаб қолиш илинжида сайлов ислоҳотини ўтказишга мажбур бўлди. Сайлов можаритар тизим (партиялардан кўрсатилган номзодлар учун овоз бериш) кўринишига алмаштирилди. Бу ҳол ўнг марказчиларнинг имкониятларини янада оширди. Чунки сўллар мамлакатда кўплаб кўзга кўринган минтақавий сиёсатчиларга эга бўлсалар-да, ёрқин миллий етакчилари йўқ эди, аксинча, ўнларда кўзга кўринган минтақавий сиёсатчилар етишмаса-да, бироқ Сильвио Берлускони каби миллий лидерлар мавжуд эди.

Амалдаги Бош Вазирнинг дадил одимларига унинг блоки орасидаги келишмовчиликлар, Америка бошчилигидаги Ироққа қарши коалицияга кириш, бу ерда кўрилган талофатлар, Италия фуқароларининг гаровга олиниш ҳодисалари, қолаверса, ўзига қарашли хусусий ҳамда давлат телевидениеси халал берди. Яъни 1996 йил қабул қилинган қонунга кўра, номзодлар оммавий ахборот воситаларидан теппа-тенг фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Буни яхши тушунган Берлускони қонунни Парламентда бекор қилишга уриниб кўрди. Сўллар мазкур уринишга бирор-бир қаршилиқ кўрсата олмасликлари аниқ эди. Бироқ коалициядаги иттифоқчиси Жанфранко Финининг “Миллий альянс” партияси қонунни бекор қилишга қарши овоз берди.

Сайловолди талбирлар ҳам жуда кескин ва муросасиз руҳда ўтди. Айниқса, ҳар икки блок вакилларининг бир-бирларини турли воситалар билан айблашга зўр беришлари шундан далолатдир. Биргина Берлускони сўл марказчи коалиция турли мақсадларни кўзлаган партиялардан иборат бўлганлиги учун ҳокимиятга келар-келмас парчаланиб кетишини, муваққат номзод Романо Проди ички сиёсий амбициялар туфайли ҳукуматни бошқаришни эплай олмаслигини такрорлашдан чарчамади. Жаноб Берлускониининг ушбу Баёнотлари сўл марказчи мухолифатни жипслашишга ва беш йил мобайнида Романо Продини қўллаб-қувватлаши ҳақида гапиришга мажбур этди. Мухолиф коалиция Проди атрофида уюшгани, мамлакатдаги барча сиёсий кучлар: касаба уюшмаларидан тортиб, саноат иттифоқигача уларни қўллаб-қувватлаётганига ишонч ҳосил қилган Бош Вазир популистик (кўчмас мулк солиғини, ахлат олиб кетилгани учун ҳақ тўлашни бекор қилиш) ваъдалар бериш ҳамда тўғридан-тўғри шахсни ҳақоратлаш йўлини тутди. Натижада бутун мамлакат, ҳатто иттифоқчилари ва душманлари уни тарбиясизликда, ёлғончиликда айблашга мажбур бўлдилар. Бу ҳагги-ҳаракатларнинг барчаси эндиликда собиқ Бош

Вазирга айланаётган Берлускони зарарига ишлади. Италияда янги сиёсий кучларнинг хокимият тепасига келиши мамлакатнинг АҚШ, Россия ва Хитой каби қудратли давлатлар билан муносабатларига унчалик катта таъсир кўрсатмаслигини кузатувчилар яқдиллик билан таъкидладилар. Шунини эътироф этиш керакки, Сильвио Берлускони Фарб давлатлари каторида Россия Президенти Владимир Путин билан дўстона муносабатларни сақлаб қолаган Европа сиёсатчиларидан бири эди. Айнан у Римда ўтган Россия – Европа Иттифоқи Саммитида расмий Москвани Чеченистон ва “ЮКОС иши” масалаларида қўллаб-қувватлаганди. Қолаверса, 2005 йил апрель ойидаги ҳукумат инкирозига қарамай, айрим америкалараст сиёсатчилардан фарқли ўларок, баҳонани бир четга йиғиштириб қўйиб, Москвадаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилгани ғалабанинг 60 йиллиги тантаналарида иштирок этди. 2008 йил 13–14 апрелда Италияда навбатдан ташқари Парламент сайловлари бўлди. Сайловларда “Олга, Италия!” блоки бошлиғи, 71 ёшли С.Берлускони ғалаба қилиб 3- март Премьер-министрлик лавозимини эгаллади. Оппозиция кучлари С. Берлусконини ахлоқсизликда (балогатга етмаган Марокашлик қиз билан алоқа қилганликда) айблаб, ҳукуматдан кетишини талаб қилмоқда. Бу С. Берлусконининг обрўси тушиб кетишига олиб келди. Кейинги 60 йил давомида Италияда 62 марта ҳукумат ўзгаришлари бўлди.

Ҳозир Италия – Европа Иттифоқи (ЕИ) ва НАТОнинг фаол аъзоси. Дунёда ривожланган етти давлатнинг бири. ЕИга аъзо давлатларнинг ягона иқтисодий валютасини ташкил этиш ғоясини ҳам айнан ушбу мамлакат ҳукумати илгари сурган. Шу билан бирга, Италия сиёсат бобида ҳам жаҳондаги энг нуфузли давлатлардан саналади. Бир мисол, 1997 йил бошида Албанияда юз берган можароларни тинч йўл билан ҳал этишда Италия “нажот қалъаси” вазифасини бажарган эди. Италия 2011 йил 19 мартдан НАТО блоки давлатларининг Ливияда М. Каддафи режимини ағдариб ташлаш учун бошлаган ҳарбий ҳаркатларида фаол қатнашди. Агар мамлакат тарихига назар ташласак, Италия Иккинчи жаҳон урушидан сўнггина ривожланиш, эркин тараққиёт сари қадам ташлаганлигига гувоҳ бўламиз. Ана шу қисқа давр ичида “Фиат”, “Альфа-Ромео” ва “Ферарри” автомобиллари дунё юзини кўрди. Ҳақли савол туғилиш мумкин: бу каби иқтисодий мўъжизаларга эришишнинг сирини нимада? Қўлчилик кузатувчилар айни шу хусусда фикр билдирар экан, бу халқнинг ҳукуматга ва ҳукуматнинг халққа бўлган ўзига ҳос ишон-

чи тужайлидир, дея изохлашади. Бу гапта жон бор. Чунки оддий италиялик сиеват сиеватдонлар учун, хукумат эса хар қандай шароитда ҳам халқ манфаатини кўзлаб иш тутиши керак, деган қатъий фикрда. Ўз навбатида, хукумат тепаеига келган рахбар бу ишончни мустахкамлашга интилади.

Италия – сайёхаларни ўзига жалб қиладиган мамлакат. Хар йили 50 млн дан ортиқ сайёхлар Италияга боришади. Давлатнинг асосий даромадаларининг бир қисми сайёхликдан келади.

Ўзбекистон–Италия муносабатлари хусусида тўхталадиган бўлсак, икки халқ алоқаларига илк пойдевор “Буюк ипак йўли” воситасида Амир Темур даврида қўйилган. Аммо чин маънодаги ҳамкорлик мустақилликка эришгандан сўнггина бошланди. Италия Ўзбекистонни 1992 йилнинг 10 январидан тан олди ва шу йилнинг 24 мартдан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг Европа сари интеграциялашуви жараёнида Италиянинг ўзига хос ўрни бор. 1996 йил ёзида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Флоренцияга ташрифи Ўзбекистон–Италия муносабатларида янги даврни бошлаб берган эди. Мазкур сафар чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди. Ўшанди бу Европада чинакам воқеа сифатида баҳоланди. Бунинг исботини қитъадаги йирик ахборот маҳкамаларининг 57 та ахборотидан Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлар ўрин олганлигидан ҳам билиш мумкин. Жумладан, “Рейтер”, “Франс-пресс”, “Европа” ва бошқа машҳур ахборот агентликлари томонидан ушбу Битим хусусида шарҳлар берилди. Шу маънода, Ўзбекистоннинг халқаро майдон сари ташлаган дадил қадамларидан бири айнан Италиядан бошланган десак, муболага бўлмайди. Ҳаммага яхши маълум бўлган пластмасса буюмлари (Ўзбек пластитал корхонаси маҳсулотлари) диққатга сазовордир. Тўғри, мамлакатлар ўртасидаги масофа яқин эмас. Бири Европада, иккинчиси Осиё қитъасида жойлашган. Бирок хар икки мамлакатнинг бир-бирига қизиқиши узоқ йиллардан буён давом этиб келмоқда. Илгари бу масофани карвонлар яқинлаштирган бўлса, эндиликда бу йўлни улкан ҳаво лайнерлари бир неча соат давомида бирлаштирмоқда. Қолаверса, ўзбек ва италян халқларининг кўнглидаги яқинлик олдида масофа ўз қадрини йўқотади.

Бугун Ўзбекистон ва Италия муносабатларини янада ривожлантиришга бўлган хайрихоҳлик хар икки томонда ҳам кучли. Чунки Ўзбекистон саноати замонавий асбоб-ускуналарга, янги техноло-

гияларга эҳтиёж сезмоқда. Қолаверса, Европа мамлакатлари, хусусан, Италиянинг бозор иқтисодиётини шакллантириш тажрибаси Ўзбекистонга қўл келади. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги муҳим мавқеи, салоҳияти, бой хомашё ресурслари италиялик ишбилармонларни ўзига жалб этмоқда. Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги алоқалар ана шу ўзаро интилишларнинг самарасидир. Ўзаро алоқалар доирасида икки томонлама солиқдан озод қилиш тўғрисидаги Битим алоҳида аҳамият касб этади. 2000 йил ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов расмий ташиф билан Италияда бўлди ва бир қатор битимлар имзоланди. Алоқаларни янада ривожлантиришга келишиб олинди. Ўзбекистон билан Италия ўртасида, айниқса, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, сайёҳлик, малакали мутахассислар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик қилинмоқда.

VI БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА АҚШ

1- §. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда АҚШ

АҚШнинг маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими

Америка Қўшма Штатлари – 50 штат ва Колумбия округидан ташкил топган федератив давлат. Сиёсий тузумига кўра, Президентлик бошқарувидаги демократик республика. Пойтахти – Вашингтон. Ер майдони – 9363200 кв км. 308 миллион аҳолига эга (2010 й.). Инглиз тили давлат тили ҳисобланади. Асосий сиёсий партиялар: Республикачилар ва Демократлар партияси. Парламент Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат. Иқтисодиёти – эркин бозор иқтисоди. Ялпи ички маҳсулоти 10 трлн доллардан ортиқ; аҳоли жон бошига – 28 минг доллар (2002 й.). Дунё ялпи маҳсулотининг 23 фоизи АҚШ ҳиссасига тўғри келади (2010 й.). АҚШ Парламенти – Конгресс ўз ишини 1789 йилдан бошлади. 1787 йил Филадельфияда қабул қилинган мамлакат Конституцияси унинг ваколатларини белгилаб берди ва қонунийлаштирди. Юқори палата – Сенат 100 нафар сенатордан иборат бўлиб, ҳар бир штатдан, катта-кичиклигидан қатъи назар, иккитадан вакил қабул қилинади. Мамлакат аҳолисининг 20 фоизини ташкил этувчи 25 та штат сенаторлари Сенатда 50 фоиз ўринни эгаллайди. Қонунга кўра, 35 ёшдан кам бўлмаган ва мамлакатда 9 йил муқим истиқомат қилаётган АҚШ фуқаролари сенатор бўлиб сайланишлари мумкин. Сенат 6 йил муддатта сайланади ва ҳар икки йилда сенаторларнинг учдан бир қисми янгиланиб турилади. Ҳар бир сенатор биттадан овозга эга. Сенатдан фарқли ўлароқ Вакиллар палатаси 435 депутатдан иборат бўлиб, ғоят қисқа – икки йил муддатгагина сайланадилар. Вакиллар палатасига сайланиш ҳуқуқи 25 ёшга тўлган ва АҚШ ҳудудида 7 йил муқим яшаган ҳар бир фуқарога берилади. Палаталарнинг ҳар иккаласи умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан ноябр ойининг биринчи се-

шанба кунда сайланади. Президент сайловлари каби, Парламент сайловлари ҳам амалда икки мухалиф партия: республикачилар ва демократлар партияси орасида кечадиган кескин кураш билан характерланади. Асосан, ҳар икки палатадаги ўринлар икки партия ўртасида унча катта бўлмаган фарқ билан бўлишиб олинади. Яъни бир партиянинг қайсидир палатада мутлақ кўпчиликни ташкил этиш ҳолати амалиётда кам кузатилади. Лекин партиялардан бирининг кўпроқ ўрин эгаллаш ҳоллари ҳам учраб туради. Ҳар икки палатада айни бир партиянинг ғалаба қозониши мухалиф партиянинг вакили сифатида сайланган Президент учун бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. 1956 йил республикачи Д. Эйзенхауэр (1953–1960), 1980 ва 1984 йилларда Р. Рейган (1981–1988), 1990 йилда Президент Ж. Буш (1989–1993) Парламентда кўпчиликни ташкил этган демократлар билан “тил топишиш”га мажбур бўлган эдилар. 1972 йил иккинчи муддатга мамлакатнинг 37- Президенти этиб сайланган республикачи Р. Никсон (1969–1974) Вакиллар палатасида ва Сенатда ҳам мутлоқ кўпчиликни ташкил этиб қолган демократлар партияси билан кескин мurosасизлик туфайли таҳликали “Уотергейт иши”дан сўнг, 1974 йил 8 августда истеъфо беришга мажбур бўлган эди. АҚШ Парламенти ҳаётида яна бир ҳодиса шуки, ғоят қисқа икки йил ичида Парламентда сиёсий кучлар таркиби тубдан ўзгариши ва Президент Конгрессдаги ўз таянчидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. 1994 ва 1996 йилларда Демократлар партиясининг президенти Б. Клинтон (1993–1999) Парламент таркибининг республикачилар фойдасига ўзгариши натижасида асосий сиёсий кўмакдан ажралиб қолган эди. Шундай ҳолат яна бир демократ Х. Трумэн (1945–1952) Президентлигида ҳам рўй берганлиги қайд этилган. Лекин Конгресс палаталарининг ҳар бирида қандай сиёсий таркиб ташкил топмасин, палаталар қонунчилик ҳокимиятини тенг асосда ва ўзаро ҳамкорликда амалга оширадилар. Қонун лойиҳалари ҳар икки палатада навбатма-навбат ёки айни бир пайтда кўриб чиқилади.

Ҳар икки палата аъзолари қонунчилик ташаббусига эга. Шу билан бирга, кўпгина қонун лойиҳалари Президент маъмурияти томонидан ҳам тайёрланади. Бу лойиҳаларнинг қабул қилиниши учун Президент Парламент билан “дўстона” алоқада бўлиши керак. Шу билан бирга, Президент ҳам Парламентнинг қонучилик фаолиятига ўзининг вето (рад этиш) ҳуқуқи билан таъсир ўтказа олади. “Кечиктириш” ёки “пайсалга солиш” деб аталадиган мазкур меҳназимга кўра,

Конгресс томонидан қабул қилинган қонун матни Президент томонидан имзоланмайди ва қайта кўриб чиқиш учун Сенатга ёки Вакиллар палатасининг қайтарилади. Агар Конгресснинг ҳар икки палатаси учдан икки қисми овози билан қонун лойиҳасини қабул қилсагина (бундай ҳолат Америка ҳаётида жуда кам учрайди), Президент томонидан рад этилган қонун матни қабул қилинган ҳисобланади, ақс ҳолда, унинг тақдири яна Президентга боғлиқ бўлиб қолади. АҚШ Президентларидан Ф. Д. Рузвельт (1933–1945) 631 марта, Х. Трумэн (1945–1953) 250 марта, Д. Эйзенхуэр (1953–1961) 181 марта вето ҳуқуқидан фойдаланган. Р. Хардинг (1921–1924) атиги 6 марта, У. Клинтон эса (1993–1999) 19 марта ўз ветосини ишга солган.

Айни пайтда, Конгресс ҳам Президент ҳокимиятига таъсир эта олади. Бу жиҳат унинг назорат қилиш ҳуқуқи доирасида амалга ошади. Чунончи, Президент томонидан тузилган муҳим халқаро шартномалар кучга кириши учун Сенат томонидан ратификация қилинмоғи шарт. Баъзан бундай шартномалар Сенат томонидан бекор қилиниши ҳам мумкин. Бундай ҳолат 1937, 1947, 1995 йилларда қайд этилган эди. Чунончи, Версаль Шартномаси ҳам Сенат қаршилигига учраган ва ратификация қилинмаган. Бундан ташқари, энг муҳим мансабдор шахслар, Олий суд судьялари, элчилар Президент томонидан тайинлангач, Сенат тасдиғидан ўтиши лозим. Шунингдек, Президентнинг уруш эълон қилиш ва ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш ҳуқуқи тамомила Конгресс назорати остидадир. Ниҳоят, импичмент (Президент истеъфосини талаб қилиш) ҳуқуқи Вакиллар палатаси тақдимоғи билан Сенат орқали амалга оширилади. Парламентнинг Вакиллар палатаси фаолиятини юритишда Спикер (Speaker) – Раиснинг роли каттадир. Янги сайланган палата, энг аввало, ўз ишини Спикер сайлашдан бошлайди. Сенат, одатда, Вице-Президент томонидан бошқарилади. Олдиндан кўзда тутилмаган Парламент дебатлари вақтинча сайланган раис томонидан олиб борилиши мумкин. Ҳар бир сенатор хоҳлаганча сўз олиши ва имкони етгунича гапириши мумкин, улар учун вақт чекланмаган. Бугунги кунда АҚШ Парламенти 435 нафар депутат вакил, 100 сенатор ва тахминан 30000 хизматчидан иборат йирик тармоқлашган ва ихтисослашган институтдир. 10000 дан зиёд сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчилардан иборат етук мутахассислар депутат ва сенаторларга меҳнат қиладилар. Шу кунга қадар Конгресс 26 та конституциявий ўзгартиш, 10 миндан зиёд қонун ҳужжатларини қабул қилди ва ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Бу қонунчилик ҳокимиятининг мукам-

мал тизими вужудга келганлигидан дарак беради. Қолаверса, АҚШ Парламенти 223 йиллик узоқ тарихий тажрибага эга.

АҚШда урушдан кейинги аҳвол. “Адолатли йўл”. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўнг консерватив бурилиши

АҚШ, бошқа мамлакатларга қараганда, Иккинчи жаҳон урушида энг кам зарар кўрди. Бор-йўти 300 минг одам ҳалок бўлди ва бедарак йўқолди. Бундан ташқари, уруш Америка иқтисодиётининг жадал ўсиши омилига айланди. Масалан уруш йилларида АҚШда ишлаб чиқариш қуввати икки барабар, экспорт ҳажми эса беш барабарга ошди. АҚШ урушдан ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий-сиёсий жиҳатдан қудратли бўлиб чиқди. 1948 йилда капиталистик дунё ишлаб чиқаришида АҚШнинг ҳиссаси 54,6% ни, олтин захираси эса дунё олтин захирасининг 53,3% ини ташкил этди. СССРни ҳисобламаганда, дунё олтин захирасининг 73% ига эга бўлди. АҚШ капиталистик дунё саноат ва ҳарбий стратегик ашёлар захирасининг 50% ин, жаҳон капиталистик саноат ишлаб чиқаришининг 62% ини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 32% ини бера бошлади. Дунё капиталистик экспортдаги ҳиссаси 40% ни ташкил этди. 1945 йилда АҚШнинг савдо флоти 1941 йилдагига нисбатан 2,3 барабар ошди. Уруш охирида АҚШ капиталистик дунёда энг кўп сонли ва қудратли армияга эга бўлган давлатга айланди. 1949 йилгача у атом қуроли монополиясига танҳо эгалик қилди ва ундан 1945 йилда фойдаланди. Шунинг учун АҚШ ўзини “эркин дунё” манфатлари химоячиси деб эълон қилиши табиий эди. “Эркин дунё” туншунчаси барча капиталистик мамлакатларни қамраб оларди.

Урушдан кейинги даврда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда Президент Ф. Д. Рузвельтнинг “Янги йўл” дастури асосида бошланган ислохотлар давом эттирилди. 1944–1946 йилларда ҳарбий ҳаракатлар тугагандан сўнг, армиядан бўшаган ҳарбийлар ва аҳолининг қашшоқ қатлами аҳволини яхшилашга йўналтирилган бир қатор қопунлар қабул қилинди. Булар жумласига, уруш қатнашчилари учун катта имтиёзлар беришни кўзда тутган “Аскар билли” (билл – муҳрланган ҳужжат), “Ишсизликни камайтиришга қаратилган бандлик тўғрисида”ги Қонун, нафақа ва тўловларни ошириш Акти кирарди. 1945 йил апрелида Ф. Д. Рузвельт вафотидан сўнг АҚШ Президенти бўлган Г. Трумэн ўз сиёсатини “Адолатли йўл” деб атади.

Маълумки, кўпчилик Европа мамлакатларида урушдан кейинги

вазят аҳоли кенг қатламларининг кайфияти сўл томонга оғилан характерланади. Бирок АҚШда бунинг тескариси бўлилакат ҳаётида ўнг ва консерватив кучлар чиқиши кузатилди. Бу, хусусан, 30- йилларда ижтимоий соҳада қабул қилинган қонунларни қайта кўриб чиқишга бўлган уринишларда кўзга ташланди. Америкалик қонун чиқарувчилар позицияларидаги ўнгга бурилишлар 1947 йилда ўз моҳиятига кўра ишчиларга қарши бўлган “Тафт-Хартли” (бу қонун ташаббускорлари номига кўра шундай номланган) Қонунининг қабул қилиниши бўлди. “Тафт-Хартли” Қонуни 1947 йил 23 июнда қабул қилинди. У “корхона эгаларининг миллий ассоциацияси” томонидан илгари сурилган бўлиб, унинг муаллифлари сенатор Тафт ва вакиллар палатаси аъзоси Хартли эди. Қонун “Меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисида қонун” деб аталади. Унинг асосий мақсади касаба уюшмалари фаолиятини чеклаш ва назоратга олишдан иборат эди. Бу қонун, жумладан, давлат хизматчилари уюштирган ва барча сиёсий йўналишдаги норозиликларни, бойкот ва пикетларни таъқиқлаб кўярди. Ҳукумат норозилик намойишлари ва иш ташлашларни 80 кун муддатга тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлди. Касаба уюшмаларнинг иш ташловчилар билан ҳамкорлик қилиши, иш ташловчиларга ёрдам кўрсатиш учун фондлар яратиш таъқиқланди. Касаба уюшмаларига иш ташлаш ҳақида 60 кун олдин корхона эгаларини хабардор қилиш вазифаси юклатилди. Корхона эгаларининг илтимоси билан касаба уюшмалари судга тортиладиган бўлди. “Тафт-Хартли” Қонуни коммунистларни касаба уюшмаларига раҳбарлик қилишдан четлаштирди. 500 минг касаба уюшма аъзолари коммунист эмаслиги тўғрисида қасам ичишга мажбур қилинди. Ишчилар ҳаракатини назорат қилишни янада кучайтиришга қаратилган бу йўналиш 1959 йилда қабул қилинган ва Меҳнат вазирлигининг касаба уюшмалари ички ишлари, хусусан, уларнинг молиялари ва касаба уюшмаси олий раҳбариятини танлаш механизми устидан назорат ўрнатишни кўзда тутувчи “Лэндрем Гриффин” қонунини қабул қилиш билан давом эттирилди. Натижада меҳнат муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш тизими янада кучайтирилди.

Ўнг томонга бурилиш яққол намоён бўлишининг кўринишларидан яна бири жамоатчилик орасида антисовет ва антикоммунистик кайфиятларнинг кучайишига уриниш эди. 1947 йилда давлат хизматчиларини “лоялигини (содиклигини) текшириш” номли ишлар бошланиб кетди. Бу ишлар, аслида, коммунизм ва СССРга

хайрихоҳликда шубҳа қилинган, мавжуд жамиятга нисбатан бошқача фикрловчи ва ишончсиз шахслардан давлат аппаратини тозалаш компаниясига айланиб кетди. 1949 йил январда ўнг доиралар ташаббуси билан кенг кўламда АҚШ Коммунистик партиясига қарши суд жараёни бошланди. Партия гайриқонуний йўл тутишда ва ҳатто СССР фойдасига жосуслик қилишда айбланди. 9 ой давом этган бу жараён натижасида Коммунистик партия марказий комитетининг ўн бир нафар аъзоси турли хил муддатга қамоқ жазосига маҳкум қилинди. АҚШ маъмуриятида ўнгга бурилишнинг яққол намунаси ва ўта шафқатсизлик билан антикоммунистик ва антисовет сиёсат олиб борилиши 1950–1953 йиллардаги маккартизмда намоён бўлди. Сенатор Ж. Маккарти раҳбарлигида ўнг доиралар томонидан кенг миқёсдаги антикоммунистик ва антисовет компания шундай номланди. Ҳақли равишда “Алвастилар ови” деб аталган бу компания гўёки СССР бошчилигида жаҳондаги коммунистлар томонидан АҚШга қарши тил бириктириш олиб борилаётир, деган баҳона билан уларни жазолашга қаратилган эди. Шу билан халқ оммаси онгида ваҳима ва нафратни уйғотиш эди, коммунистлар ва уларнинг тарафдорлари гўё ҳукумат олий доираларига йўл олганликлари ҳақида уқтирилди. Республикачи сенатор, ўтакетган реакционер Жозеф Маккартининг умумий раҳбарлигида Вакиллар палатасининг 1938 йилда тузилган “Америкага қарши фаолият”ни тергаш Комиссияси илғор ишчиларни, қасаба уюшмаларни, барча прогрессив кишиларни қаттиқ назорат остига олди ва таъқиб қилди. Тухмат, шантаж, жазолаш ва шу сингари хатти-ҳаракатлар авж олдирилди. Ж. Маккарти 1951 йил бошида ички хавфсизлик бўйича тузилган “Ҳукумат органларини тергов қилиш Кичик Комиссияси”га ҳам раҳбарлик қилди. Э. Гувер бошчилигидаги федерал Тергов Бюроси тинтув ва жосусликни авж олдириб юборди. Миллионларча кишилар устидан шахсий папкалар очилди. 152 млн кишининг бармоқ излари олинди. Агентлар сопи 13000 кишига етди. 1959 йилда Кореяда уруш бошлаб юборилгандан кейин ҳарбий ҳолат ҳам жорий қилинди. Маккартизм ички реакцион оқим бўлиб, 1950–1954 йилларда авжига чиқди ва ташқи сиёсатда СССРга, социалистик мамлакатларга қарши уруш қилишни тарғиб қилди.

1949 йилдан бошлаб Куролли Кучларни кучайтириш ва кенг куролланиш дастурини амалга оширишга киришди. Мамлакат милитарлаштирилди. 1951 йил бошида “Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Мунтазам Армия кўпайтирилди.

Ҳарбий блоклар тузилди, бир қатор давлатлар билан ҳарбий ёрдам тўғрисида битимлар имзоланди. Ҳарбий-денгиз ва Ҳарбий-ҳаво флотига янада катта аҳамият берилди. 1950–1953 йилларда харажатлар тўрт бараварга оширилди. Ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқариш саноат ишлаб чиқаришининг 20–25% ини ташкил этди. Саноатнинг авиация, радиоалоқа, автомобиль тармоқлари, асосан, ҳарбий буюртмалар бўйича ишлайдиган бўлиб қолди. Атом ва водород қуроллари ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Йирик капитал эгалари юзлаб ва минглаб майда ва ўрта савдо саноат корхоналарини синдириб, ўз корхоналарини йириклаштириб олдилар. Монополияларнинг мавқеи тобора юксалди. Корпорацияларнинг сони кўпайиб борди. Банклар энг йирик молия капитали магнатлари: Америка банки, Чейз-Манхаттан банки, Биринчи миллий Нью-Йорк Сити банки кўлида марказлашди. Мамлакатдаги ҳукмронлик 8 та молия гуруҳи (Морган, Рокфеллер, Кун Лебе, Дюпон, Меллон группалари ҳамда Чикаго, Кливленд ва Бостон банклари группалари) кўлида бўлди. Шулардан 4 та йирик гуруҳ (Морган, Рокфеллер, Дюпон ва Меллон) миллиардерлар корпорациясининг кўпига эгалик қилди. Биргина Морган банки гуруҳи 55 млрд доллар капитали бўлган монополияларни назорат қилди.

Молия ва саноат монополистик бирлашмаларининг маркази Нью-Йоркдаги Уолл-Стрит бўлиб, унинг магнатлари мамлакатнинг ҳам иқтисодий ҳам сиёсий ҳукмронлари бўлиб қолдилар; давлат апаратини ўзларига бўйсундирдилар. Масалан, генерал Эйзенхауэр Президент бўлганда, ҳукумат кабинети энг йирик саноат ва молия магнатларидан иборат бўлди: “Салливан энд Кромвелл” деган йирик юридик фирманинг эгаларидан бири Жон Фостер Даллес давлат котиби лавозимини, пўлат ва кўмир бўйича энг йирик магнат Жорж Хемфри Молия вазири, “Женерал Моторс” концернининг президенти Чарльз Вильсон Мудофаа вазири лавозимларини эгалладилар, Эйзенхауэр ҳукуматининг аъзолари 86 та йирик корпорацияда директорлик қилди. Энг йирик ҳарбий саноат ва автомобиль концерни “Женерал Моторс” 50- йилларда мудофаа, почта ва телеграф, ички ишлар ва қишлоқ хўжалиги вазирликларида катта лавозимларни эгаллади. Бу концерн мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсатди. Энг йирик 12 та монополия вакилларидан иборат “Маҳсул маслаҳат Комитети” Америка капитализмининг бош штаби ролини бажарди. Бу комитетнинг қарорлари саноат корхоналари эгаларининг Миллий Ассоциацияси ва Савдо палатаси орқали

қабул қилинди. Ушбу Ассоциация 18,5 минг саноат корпорациясини бирлаштирди, бу корпорацияларнинг саноат корхоналари АҚШ ишчиларининг 75% ига эга бўлиб, мамлакат саноат маҳсулотининг 80% ини ишлаб чиқарди. Кўп молия ва саноат корхоналари, шунингдек, истеъфога чиққан генерал ва адмираллар эса Пентагон (мудофаа вазирлиги биноси)га, йирик корпорацияларга жойлашиб олдилар. Монополистик капитал билан ҳарбийлар иттифоқи ҳарбий саноат мажмуини вужудга келтирди. 1954 йил январида катта фойда олувчилардан солиқлар олиш бекор қилинди. Шунингдек, йирик нефть магнатларига нефть конлари топширилди. АҚШ монополистлари максимал фойда олиш учун зўр бердилар. 1946 йилда 23,5 млрд, 1948 йилда 32,8 млрд, 1959 йилда 41,2 млрд доллар фойда олдилар. Солиқларнинг фақат 25–30% ини монополиялар тўласа, қолгани меҳнаткашлар зиммасига тушди. Трумэн Президентлик даврининг (1945–1952 йиллар) 7 йили ичида олинган солиқлар илгариги 32 Президент даврида олинган солиқлардан ҳам ошиб кетди. Монополиялар томонидан ерларнинг тортиб олина бошлаши натижасида фермерлар хароб бўлди, уларнинг сони қисқариб кетди. 1940 йилда майда фермерларнинг сони 6 млн бўлса, 1951 йилда 3,8 млн бўлиб қолди. Уларнинг қарзи кўпайиб, 1952 йилда 14 млрд, 1954 йилда 171 млрд долларга етди. 1950–1954 йилларда 600 минг фермер хўжалиги синди.

Мамлакатда негрларнинг аҳволи жуда оғир эди. Уларнинг сони 17 млн (мамлакат аҳолисининг 10% и) бўлиб, 90% и оқ танли плантаторлардан ерни ижарага олиб тирикчилик қиларди. Фақат 10% негрлар кам миқдордаги ерларга эга эдилар. Ислохотчи Президент Ф. Д. Рузвельтнинг ҳукмронлик даври “сотқинликнинг йигирма йили” деб номланди. Олий мақомдаги мансабдор шахслар, ижодий зиёлилар намояндалари, таникли олимлар ва жамоат арбоблари бадном этилар эди. Уларнинг баъзиларига қарши суд жараёнлари амалга оширилди. Маккарти давлат департаменти Пентагондаги “коммунистлар”ни излаб топарди. Ҳатто Эйзенхауэр маъмуриятини Хитой билан савдо-иқтисодий муносабатларни олиб бораётган Англияни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда айблади. Бузғунчи “унсурлар” ва иммигрант (муҳожир)лар тўғрисида қонунлар ҳам қабул қилинди. Хусусан, 1954 йилда “АҚШ Конгресси коммунистларни назорат қилиш тўғрисида” Қонун қабул қилди. Бу қонунга мувофиқ, Коммунистик партия аъзолари “чет эллик агент” сифатида ҳар йили Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказиб турилди. Маккартизм ҳаддидан ошиб

кетди. АҚШга “қарши тил бириктириш” айбловларида ҳеч қандай чегара билмайдиган, керак бўлса, сохта гувоҳларни ҳам “мухайё қиладиган” жўшқин сенатор ва унинг тарафдорларининг фаолияти мамлакат обрўсига путур етказиши мумкинлиги аниқ бўлиб қолди. 1954 йилда АҚШ Сенати Маккартини олий қонун чиқарувчи органни айблашда ҳамда “коммунизмга қарши кураш”га ажратилган давлат маблағларини ноқонуний ўзлаштиришда айблаб, жавобгарликка тортишга мажбур бўлди. 1954 йилнинг 2 декабрида эса Сенат аъзоларининг кўпчилик овози билан сенаторни айблади ва у сиёсий саҳнани тарк этди.

Урушдан кейин ташқи сиёсатдаги ўзгаришлар

Хукмрон доиралар мавқеидаги ўнг томонга бурилиш, хусусан, ташқи сиёсат соҳасида ҳам кўзга яққол ташланди. Бу урушнинг тугаши арафасидаёқ антигитлер коалицияси давлатлари ўртасидаги келишмовчиликлар тобора ўсиб бораётган пайтда яққол намоён бўлди. Уруш тугаши билан, бу қарама-қаршиликлар ҳаммага ошқор бўлиб қолди. Бу қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви аввал коалициянинг амалда парчаланишига, кейин “совуқ уруш”нинг бошланишига олиб келди. Бу масалада ташаббус АҚШ томонида бўлди. “Совуқ уруш” ва унинг натижасида юзага келган “куч ишлатиш нуқтаи назаридан”, “кучлар мувозанатини сақлаб туриш”, “ялпи уруш олиб бориш” ва бошқа шу каби ташқи сиёсий доктриналар халқаро кескинликнинг кучайишига ва янги жаҳон уруши хавфининг пайдо бўлишига олиб келди. “Совуқ уруш” сиёсати доирасида Трумэн ташқи сиёсатда хавфли қадамлар ташлади ва бир қатор ташаббусларни қабул қилди. Улар таркибида “Трумэн доктринаси” ва “Маршалл режаси” ҳам бор эди. “Трумэн доктринаси”нинг бош мақсади “коммунизмни тийиб қўйиш” ёки, соддароқ қилиб айтганда, СССРга қарши ҳаракат қилиш, барча чоралар билан Греция ва Туркияда сўл кучларнинг ҳукумат тепасига келмаслиги учун СССР таъсирини йўқ қилишдан иборат эди.

“Ж. Маршалл (ўша пайтдаги давлат котиби) режаси”га кўра, АҚШ ўзининг Европадаги иттифоқчиларига уруш пайтида ишдан чиққан иқтисодиётни қайта тиклашга ёрдам бериши керак эди. “Маршалл режаси” амал қилган (1948–1952) даврда АҚШ жуда ката миқдордаги маблағ – 12,5 млрд долларни Европа мамлакатлари иқтисодиётига сарфлади ва бу мамлакатларни иқтисодий томон-

дан карам қилиб қўйди. АҚШнинг Европа давлатларига “Маршалл режаси”ни қабул қилдиришдан асосий мақсади бу мамлакатларда юз бериши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг олдини олиш ва Европада вазиятни ўзи хоҳлагандай кўринишда барқарор сақлаб туришдан иборат эди. Бу масалада АҚШ ҳақ эди, агар “Маршалл режаси”га мувофиқ йўл тутилмаганда, бу мамлакатларда сўлга бурилиб кетиш хавфи ҳам йўқ эмас эди.

Трумэн Германия масаласидаги 1945 йилги Қрим ва Потсдам Конференцияси қарорларини қўпол равишда бузиб, Германиянинг иқтисодий, сўнг сиёсий жиҳатдан бўлиниб кетишига ўз ҳиссасини қўшди. АҚШнинг Узоқ Шарқдаги сиёсати ошқора реакцион ва тажовузкорлик сиёсати эди. АҚШ Хитой халқининг миллий-озодлик курашини бўғиб, чан кай шичиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. 1946 йил 4 ноябрда Трумэн маъмурияти Чан Кай Ши ҳукумати билан “Дўстлик савдо алоқалари ва денгизда кемалар қатнови тўғрисида” тенгсиз Шартнома тузди. Чан Кай Шига 6 млрд доллардан ортиқ ҳажмда ҳарбий материаллар юборди, 166 та го-миндан дивизияси қуроллантирилди. 757 та ҳарбий ва ёрдамчи кемалар, 1720 та ҳарбий самолёт, мингдан ортиқ маслаҳатчилар юборилди. Бироқ АҚШ 1947 йил апрелда ўз қўшинларини Хитойдан олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1945 йил сентябрида АҚШ япон қўшинларини қуролсизлантириш баҳонасида ўз қўшинларини Жанубий Кореяга киритди. 1945 йил декабрда Москвада бўлган Буюк давлатлар Ташки ишлар министрлари Кенгашининг Кореяни бирлашган мустақил давлатга айлантириш тўғрисидаги қарорини бузиб, ўз қўшинини олиб чиқиб кетмади ва Жанубий Кореяни ўз плацдармига айлантирди. Жанубий Кореяда америкапараст кўғирчоқ Ли Син Ман ҳукумати тузилгандан кейин, АҚШ ўз қўшинини Японияга олиб чиқиб кетди.

АҚШ Яқин ва Ўрта Шарқда ўз мавқеини яхшилаб олиш ҳамда бу ҳудуднинг бойликларига эга бўлиш учун зўр бериб ҳаракат қилди. Бу борада АҚШ–Англия рақобати кескин тус олди. АҚШ Баҳрайн оролларидаги (Жанубий Эрон) нефть қорхонасини ва собиқ Англия–Эрон нефть компаниясини амалда ўзига қаратиб олди. Саудия Арабистонида АҚШнинг “Арамко” нефть концерни тузилади. Бу концерн фақат 1951 йилнинг ўзида 300 млн доллар фойда олди. Яқин ва Ўрта Шарқ нефть бойлигининг деярли 50% и АҚШники бўлиб қолди. Янги ташкил топган Исроил давлати Яқин ва Ўрта Шарқдаги (вогчина) мулкига айланди. АҚШ мазкур мулкни орқали Яқин ва

Ўрта Шарқда ўз сиёсатини амалга ошира бошлади (ҳозирги вақтда ҳам шу сиёсат давом этиб келмоқда).

АҚШ бошчилигида 1947–1948 йилларда бўлган панамерика конференциялари панамерика ҳарбий-сиёсий блокни расмийлаштирди, сўнгра Америка давлатлари ташкилоти тузилди. Бу ташкилотда АҚШ ҳукмрон бўлиб қолди. 1948 йил мартада Брюсселда АҚШнинг ташаббуси билан беш давлат: Англия, Франция, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург давлатларининг Ғарбий Иттифоқи тузилди. АҚШ 1949 йил 4 апрелда Вашингтонда янги йирик ҳарбий блокни – 12 давлатдан (АҚШ, Англия, Франция, Канада, Бельгия ва бошқалардан) иборат агрессив Шимолий Атлантик блок (НАТО)ни тузди. Дастлаб, НАТО блоки 12 мамлакатни ўз ичига олган бўлса, кейинчалик яна учта мамлакат унинг аъзоларига айланди. 1982 йилда эса Испаниянинг аъзо бўлиши билан унинг аъзоларининг сони 16 тага етди. Социализм системаси емирилгандан кейин, бу блокнинг сафи кенгайиб, аъзолари сони 28 тага етди.

1951 йилда қабул қилинган “Хавфсизликни бирга таъминлаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, АҚШ Европадаги иттифокчиларини зўр бериб қуроллантиришга маблағ ажратди. Хитой халқига қарши гоминдончиларни қўллаб-қувватлади, ХХРни тан олмади. 1950 йил июнида АҚШ қўшинлари Тайвань ва Пэнхуледао (Пескадор) ороллари босиб олди. Тайвань чан кай шичиларнинг қароргоҳига айланди. АҚШ 1950 йил 25 июнда Жанубий Кореядаги Ли Син Ман ҳукуматининг Корея Халқ Демократик Республикасига бошлаган фуқаролар урушининг илҳомчиси бўлди. Бу уруш АҚШ–СССР ўртасидаги муносабатларни янада ёмонлаштирди. Япониядаги оккупацион кучларнинг бош кўмондонни Макартур 1949 йилда “полиция захира корпуси” ва “фуқаро полицияси” кўринишида 250 минг кишилик япон армиясини тузди. Японияда Ҳарбий-ҳаво ва Ҳарбий-денгиз флоти тиклана бошлади. 1951 йил сентябрида Сан-Франциско конференциясида Япония билан тузилган сепарат Сулҳ Шартномасининг АҚШ–Англия лойиҳаси, сўнг Америка қўшинларининг муддатсиз Японияда қолишини кўзда тутган ҳамда Японияни янада асоратга солган “Мудофаани биргаликда таъминлашда ёрдам кўрсатиш тўғрисида” Америка–Япония ҳарбий Шартномаси тузилди. Япония, хусусан, унинг Окинава ороли АҚШнинг Узоқ Шарқдаги ҳарбий-стратегик базасига айланди. Японияда уруш жиноятчилари озод қилинди. 1951 йил сентябрида Трумэн маъмурияги ташаббуси билан Сан-Франциско конференциясида “Тинч океан хавфсизлиги Пакти”

ниқоби остида АҚШ, Австралия ва Янги Зеландиядан иборат янги ҳарбий иттифок (АНЗЮС) тузилди. Трумэн маъмуриятининг “совук муносабатлар уруши” ва ҳарбий блоклар тузиш сиёсати, айниқса, Кореяда бошлаган уруш Америкада, шунингдек, халқаро майдонда кенг жамоатчиликни норози қилди.

Негрлар энг оғир ишларни бажарсалар-да, оқ танли ишчилардан 2 хисса кам иш хаки олардилар. Негрларга нисбатан ирқчилик сиёсати: хўрлаш, таҳқирлаш, негрларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб кўйиш, негрларни оқ танлилардан ажратиб кўйиш (сегрегация) авж олиб кетди. Негрларга, барча прогрессив кучларга нисбатан гангстеризм, таъкиб – жазо чоралари кучайтирилди. Реакцион фашистик ташкилотлар: “Ку-Клукс Клан”, “Америка легиони”, “Оқ танли фуқаролар Кенгаши” ва бошқалар авж олди. Негрларга қарши ирқчилик давом этди. 1947 йилда Президент ҳузурида олий маслаҳат органи – Миллий Хавфсизлик Кенгаши тузилди. Ўша йили Марказий разветка бошқармаси барпо этилди.

Республикачилар ғалабаси. Д. Эйзенхауэр сиёсати

1952 йилги Президент сайловларида 1932 йилдан бери оппозицияда бўлган Республикачилар партияси ғалаба қозонди. Машҳур генерал Д. Эйзенхауэр Президент бўлди. У Иккинчи жаҳон уруши даврида Европадаги АҚШ кўшинларига ва иттифокчилар кўшинларининг Франция Шимолига киритилгани (иккинчи фронтнинг очилиши) операциясига раҳбарлик қиларди. Уруш тугаши билан, Эйзенхауэр АҚШ Куроли Кучлари Бош штаби бошлиғи, 1947 йилда эса Колумбия университети президенти (ректори)га айланди. 1951 йилда генерал НАТОнинг Ғарбий Европадаги аъзоларининг пиёда, Ҳарбийденгиз ва Ҳарбий-ҳаво кучларига кўмондонлик қилди. 1952 йилга келиб у мамлакатнинг машҳур ва обрўли кишисига айланди.

Эйзенхауэр ғалабасига, аввало, шу нарса сабаб бўлдики, у кенг жамоатчилик орасида Корея урушини тугатишга ваъда берганди. Бу уруш Америка халқига катта талофатлар етказди. Эйзенхауэрнинг ўзи мемуарларида таъкидлаганидек, бу уруш, иккита жаҳон урушлари ва АҚШдаги фуқаролар урушини ҳисобга олмаганда, мамлакат тарихидаги энг қонли уруш бўлди. АҚШ Корея урушида ўлганлар, ярадор бўлганлар ва асир тушганларни кўшиб ҳисоблаганда, 398 минг кишисидан ажралди. Иттифокчилари эса 29 минг кишини (Жа-

нубий Кореядан ташқари) йўқотди. Шунинг учун Эйзенхауэр Корея урушини тўхтатишга қаратди.

Корея уруши муносабати билан, АҚШнинг халқаро майдондаги обрўси тушаётган эди. Урушни ғолибона тугатишнинг иложи қолмаган эди. 1953 йил 27 июлда АҚШ Паньминьжон (Корея)да ярашув тўғрисида Битимни имзолашга мажбур бўлди. Эйзенхауэр Президентликка иккинчи марта 1956 йилда сайланди. Эйзенхауэр Президентлиги даврида СССР билан илгариги совуқ муносабатлар сақланиб қолаверди. 1953 йилда АҚШ Ахборот агентлиги тузилди, унинг чет эллардаги агентларининг сони 8 минг кишидан ошди. Мамлакатда милитаризм, ирқчилик ва фашизмга тарафдор бўлган ташкилотлар фаоллашди. “Жон Бёрч жамияти”, Америка нацистлар партияси ва бошқалар ўсди. АҚШ 1960 йил 1 майда СССР ҳудудига ўзининг жосуслик самолётини юборди. Бу билан СССРнинг ҳарбий куч-қудратини синаб кўрмоқчи бўлди. 22 км балангликда учиб ўтаётган самолёт Екатеринбург (Свердловск) осмонида уриб туширилди. Учувчиси Паурюс қўлга олинди. 1954 йил сентябр-октябр ойларида АҚШ бошчилигида ўтган Лондон ва Париж Кенгашларида қабул қилинган битимлар Ғарбий Германияда 500 минг кишилик мунтазам армияни яратиш, Ғарбий-ҳаво ва Ғарбий-денгиз флотини тиклаш, Ғарбий Германияни узил-кесил Ғарбий блокка ва Шимолий Атлантика Пактига кўниш масласини ҳал қилди. 1954 йил 2 декабрда Вашингтонда АҚШ ва Чан Кай Ши гуруҳи ўртасида имзоланган “Ўзаро хавфсизлик тўғрисида”ги Шартномага мувофиқ, Тайван ва Пескадор оролларининг босиб олиниши қонуллаштирилди.” 1955 йил январидан АҚШ Конгресси бу оролларни “мудофаа” қилиш мақсадида Президент Эйзенхауэрга Қурулли Кучлардан ўз билганича фойдаланиш ҳуқуқини берди. АҚШ 1955 йилда ташкил тошган Боғдод Пактининг илҳомчиси бўлди. 1956 йил ёзида Миср томонидан миллийлаштирилган Сувайш каналини “интернационаллаштириш (“Даллас”) режаси” билан чиқиб, канални Миср ихтиёридан олишга уринди. 1956 йил кузида Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши Сувайш авантюраси барбод бўлгандан кейин, Якин Шарқни ўзи эгаллашга уринди. 1957 йил январидан “Эйзенхауэр доктринаси” эълон қилинди. 1958 йил июнида ўз қўшинларини Ливанга киритди. Ироққа қарши Англия билан бирга интервенция уюштириш режасини ишлаб чиқди.

Умуман, республикачилар маъмуриятининг ташқи сиёсати Совет Иттифоқига нисбатан “куч ишлатиш нуқтаи назаридан” олиб бориш

билан характерланарди. Аммо Эйзенхауэр Кўшма Штатларнинг шундай арбобларидан бири эдики: “Америка ҳамма нарсага кодир эмас ва унга ҳамма нарса ни қилиш ҳукуқи берилмаган” дер эди. Бу нарса, айниқса, 1957 йил октябрда Совет Иттифоқи дунёда биринчи бўлиб ернинг сунъий йўлдошини учирганидан кейин янада яққолроқ намоён бўлди. Бу, ўз навбатида, СССРнинг ядро куроллари ни АҚШнинг ҳаётий муҳим марказларига стқазииш қудратига эга бўлганини билдирар эди. Бундан буён АҚШ рақибининг тўғридан-тўғри ҳамласига белисандлик билан қарай олмаслиги аён бўлиб қолди. Шунинг учун Эйзенхауэр СССР билан ҳамкорлик қилиш заруриятини тушунар, фан, санъат ва маданият соҳаларида Совет-Америка алоқаларини ривожлантиришни муҳим деб ҳисобларди. Эйзенхауэрнинг хизматларидан яна бири шундан иборат эдики, у куролланишни зўр бериб ёқлаётган ҳарбий саноат комплексининг ўга уришқоқ намояндаларини тўхтатиб турарди. У агар бундай шахсларга бошқарув ҳокимияти берилса, АҚШнинг партизан давлатга айланиб қолишига ишонарди.

Оқ уйга келгандан кейин, Эйзенхауэр сайловолди ваъдаларини, айниқса, ички сиёсат масалаларига тааллуқли ваъдаларини бажаришга шошилмади. Маълумки, республикачиларнинг сайловолди дастурида давлатнинг бошқарувчилик ролини қисқартириш, эркин ракобат ва эркин бозор тамойилларини тиклаш асосий ўрин тутарди. Аммо сиёсат бобида реалист бўлган Эйзенхауэр Америка капитализмининг аллақачон корпоратив шаклга эга бўлганини ва давлатнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ролини қисқартириш эмас, балки ошириш керак деб тушунарди. Шунинг учун ички сиёсатда, айниқса, ижтимоий соҳада унинг маъмурияти ўзидан олдин ҳукмронлик қилган демократлар сиёсатини кичик тузатишлар билан давом эттираётган эди.

Ж. Кеннеди. Демократларнинг ҳокимиятга қайтиши

АҚШнинг урушдан кейинги тарихида, хусусан, 1960 йилги Президент сайловларида Демократлар партияси номзоди Массачусетс-лик 48 ёшли сенатор Ж. Кеннедининг ғалабаси муҳим босқични ташкил этди. В. Вильсон ва Ф. Рузвельтлар аънарасини давом эттирган Кеннеди “Янги сарҳадлар” номи ислохотлар дастурини олиб чиқди. Ўз йўналиши ва сиёсий дунёқарашига кўра, у Ф. Рузвельтга жуда яқин эди, ҳам мамлакат ичкарасида, ҳам халқаро майдонда вазиятга тўғри баҳо бериши билан ажралиб турарди. Жуда бадавлат он-

ладан чиққан, интеллектуал ва сиёсий салоҳият намоёнчаси бўлган Кеннеди аҳолининг кенг қатламлари аҳволини яхшилаш ва уларни бозор иқтисодиёти ва сиёсий демократия ғоялари курашчиларига айлантириш учун давлат сиёсатини доимо такомиллаштириб бориш зарурлигини яхши тушунарди. Кеннеди ҳукумати иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ижтимоий ҳимоя бўйича дастурларни кенгайтиришга қаратилган бир қатор чораларни кўрди ва амалга оширди. У айрим олинган алоҳида соҳалар, жумладан, электротехника ва пўлат қуйиш соҳаларида нархлар кўтарлишини таъқиқлаб қўйди. Эътиборни қашшоқ минтақалар (энг аввало, кўмир қазиб олувчи минтақалар)га ёрдам берип, ишчиларни янги касбларга ўқитиш ва малакаларини ошириш, кагта ёшдагилар орасида саводсизликни тугатиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган эди. Кеннеди маъмуриятининг энг муҳим ютуғи шундан иборат эдики, республикачилар ҳукмронлиги давридаёқ (1957 ва 1960 йиллар) қабул қилинган, яъни мактабларда ва мансабдор шахсларни сайлашда ирқий камситишга йўл қўймаслик тўғрисида қарор ва қонунларни ривожлантирган ҳолда, жамоат жойларида ва ишга қабул қилиш пайтида ҳам ирқий камситишни бартараф қилишни кўзда тутган янги қонун лойиҳасини Конгрессга тақдим этди. Хусусий капиталга кенг йўл очиб берди. Илмий-техника ривожланди. 1962 йил баҳоридан ишлаб чиқариш кўтарила бошлади. Саноат 14% га ўсди. Ишсизлик камайди. Кеннедининг ташқи сиёсат масалаларига ёндашуви ҳам ўзгача эди. Унинг даврида “Тинчлик корпуси” ташкил қилинди. Бу ташкилот қолоқ мамлакатларда иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ишлашга истак билдирган кўнгилдилардан ташкил топди. 10 йилга мўлжалланган ва кенг оммавийлаштирилган “Тараққиёт йўлида бирлашув” номли дастурга муҳим эътибор қаратилди. Бу иккала дастурдан кўзланган мақсад АҚШнинг халқаро миқёсдаги таъсирини кучайтиришдан иборат эди.

Айни пайтда, Кеннедининг ҳукмронлик даврида 1959 йилдаги инқилобдан сўнг АҚШнинг таъсир доирасидан чиққан Куба ҳудудида совет ракеталарининг жойлаштирилиши 1962 йилги Куба ракета инқирозини келтириб чиқарди. Инқироз шу даражада кескинлашдики, урушдан кейинги даврда биринчи марта дунё термоядро уруши ёқасига келиб қолди. Аммо Ж. Кеннеди ва ўша пайтдаги совет раҳбари Н. С. Хрущёв жуда чигал ва дунё халқлари тақдирини учун ўта хавфли бўлган бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топдилар. Ҳар иккала томонга мақбул бўлган келишувга эришилди.

1963 йилда Кеннеди маъмурияти атмосфера, сув ости ва космосда ядро синовларини таъқиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномасини имзолади. Шуниси эътиборлики, ўша йили Кеннеди ядро асрида иккала кудратли мамлакат ўртасидаги уруш бемаъни эканлигини ва бу урушда ғолиблар бўла олмаслигини таъкидлади. Кеннеди ўзининг мамлакат бўйлаб сайловолди учрашувлари пайтида, Даллас шаҳрида 1963 йил 22 ноябрда ёлланган қотил (ёки қотиллар) томонидан ўлдирилди. Бу фожеали воқеа нафақат Америкада, балки бутун дунёдаги замондошларини ларзага солди. Лекин “Аср жинояти” деб номланган бу қотиллик сири ҳозирга қадар очилмай қолмоқда ва бу, эҳтимол, Америка тарихидаги сирли жумбоқлардан бири бўлиб қолар. Кеннеди ўрнини Вице-Президент Л. Жонсон эгаллади. 1964 йилги Президентлик сайловларида Л. Жонсон ғалаба қилди. Кеннеди йўлини давом эттириб, Жонсон “Буюк жамият” дастурини эълон қилди, унинг доирасида бир қатор ислохотлар мажмуи ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Масалан, 1963, 1965 ва 1968 йилларда таълим соҳасида ва ишга қабул қилишда негрларнинг ирқий камситилишини тугатишга қаратилган фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонунлар қабул қилинди. Умумий фаровонликни таъминловчи “буюк жамият” қуриш, шунингдек, қашшоқликка қарши курашиш дастури ҳам қабул қилинди. 1965 йил августида “Негрларнинг сайлов ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонун кучга кирди. Буюк мамлакатда Куклукскланчилар ташкилоти “Жон Бёрч жамияти” ва шу каби фашистик ташкилотлар фаоллашди. Ирқчилик авжига чиқиб, уларни монополистлар кўллаб-қувватлаб турди. 1968 йил апрелда негрлар ҳаракатининг атоқли арбоби, “Нобел” мукофоти лауреати, руҳоний Мартин Лютер Кинг, 1968 йил июнда демократ сенатор, Президентликка ўз номзодини қўймоқчи бўлган Роберт Кеннеди (Ж. Кеннедининг укаси) ўта ўнг доиралар томонидан ўлдирилди. Вьетнамдаги уруш ва социал зиддиятларнинг кескинлашуви ижтимоий-сиёсий аҳволни ёмонлаштирди. Шундай вазиятда ўтган 1968 йилги Президент сайловлари Демократлар партиясини мағлубиятга олиб келди. Аммо Вьетнамдаги урушнинг тобора кенгайиб бориши Жонсон маъмуриятини бир қатор кўп харажатли ижтимоий дастурларни қисқартиришга ёки бутунлай тўхтатишга мажбур қилди.

1964 йил бошланган бу уруш 1965 йилда тобора кенг қулоч ёймоқда эди. Чекланмаган куч-қудрат ва ярим миллионлик армиянинг сафарбар қилинишига қарамасдан, америкаликлар Вьетнам халқи устидан ғалаба қозона олмади. Аксинча, улар ўзларининг шармандаларча мағлубиятларини тан олишга мажбур бўлишди.

60- йилларда фуқаролик ҳуқуқлари учун кураш

XX асрнинг 60- йиллари АҚШ тарихида кенг норозилик ҳаракатлари авж олганли билан характерланди. Бунга 1965 йилдаёқ мамлакатдаги иккита энг йирик қасаба уюшмаларининг: Америка Меҳнат Федерацияси (АМФ) ва Ишлаб чиқарувчилар қасаба уюшмалари Конгрессининг (ИКК) бирлашиб, ўз сафида 15–16 млн аъзога эга бўлган ягона умуммиллий ташкилотга айланиши муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, қора ва қизил танли аҳолининг ижтимоий ва сиёсий соҳаларда (маиший, таълим, ишга қабул қилиш, сайлов ва б.) ирқий камситилиши негрлар ҳаракати тўлқинини авж олди. Бу чиқишлар давомида ёш негр руҳонийси Мартин Лютер Кинг катта шухрат қозонди.

1960 йилда негрларга қарши ирқий камситиш кампанияси бошлангандан сўнг, негрлар ҳаракати янги босқичга ўтди. Бу компаниянинг асосий мақсади ирқий айирмачилиқдан иборат бўлиб, мамлакатда негрларни оқ танлилардан ажратиб ўқитиш, негрларни фақат оқ танлиларга мўлжалланган жамоат жойларига яқинлаштирмаслик ва бошқалар эди. Бундан ғазабланган негрлар ўз ҳуқуқлари учун кураш воситалари сифатида оммавий юришлар ва намойишларни уюштирди, оқ танлиларга “мўлжалланган” кафе, ресторан ва бошқа жамоат жойларига бостириб боришарди. Айнан шу чиқишлар мамлакат раҳбарларини негрларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилишга мажбур қилди. 60- йиллар ўрталарида негрлар ҳаракатида шундай гуруҳлар пайдо бўлдики, улар ҳақ-ҳуқуқлари учун қуч ишлатиш йўлини ёқлаб, шиорлар билан чиқа бошлади. Бу нарса, хусусан, 1965 йилда Лос-Анжелесда бўлган тўқнашувларда намоён бўлди. Тўқнашувларни бартараф қилиш учун 10 минг нафар миллий гвардиячи полициячилар сафарбар этилди. Асосий мақсади капиталистик тузумни емиришдан иборат қуролланган “Қора коплон”, “Қора юзлар” ташкилотлари вужудга келди. Бироқ Американинг ирқчи доиралари ҳам қўл қовуштириб ўтиришмади. 1968 йил 4 апрелда улар ёллаган қотил ўқидан Мартин Лютер Кинг ҳалок бўлди. Уни дафн этиш маросимида 150 000 киши қатнашди ва қора танли аҳолига нисбатан зўравонликка қарши сиёсий намойишга айланиб кетди.

1964 йилда Беркли шаҳрида талаба ёшларнинг норозилик чиқишлари оммавий тус олди. Талабаларнинг ҳаракат дастурларида ижтимоий адолатсизлик, қашшоқлик, ирқий камситишга чек қўйиш,

Вьетнамдаги урушни тугатиш ва бошқалар асосий ўрин эгалларди. Мамлакатнинг турли минтақалари олий ўқув юртли ва марказий университетлардаги талабаларнинг чиқишлари ва фаолиятларини тартибга солишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган турли талабалар ташкилоти юзга кела бошлади. Улар орасида “Талабалар ва демократик жамият” уюшмаси сезиларли роль ўйнади. Бу ҳаракатнинг асосий таркибини “янги сўллар” ташкил этарди. Уларнинг бундай номланишига сабаб шу эдики, улар ижтимоий адолат ва тинчликни қарор топтириш, ирқий камситишни тугатиш, конфессуал ва бошқа кичик миллий жамоалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, таълим тизимини мукаммалаштириш ва бошқаларни талаб қиларди. Аммо улар марксизм ғояларига асосланган ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлаштирувчи кучи сифатида ишчилар синфини эътироф этувчи анъанавий сўллардан фарқли ўлароқ, ҳаракатлантирувчи куч сифатида зиёлилар ва талабаларни эътироф этишарди.

Вьетнамдаги урушга қарши ҳаракатлар кенг кўламга эга бўлди. Бутун мамлакат бўйлаб *норозиллик юришлари ва намойишлар*, армияга чақирилишдан бош тортишлар ва чақирув қоғоз (карточка) ларини ёқиб юборишлар авжига чиқди. Бу ҳаракатнинг энг яққол намоён бўлиши АҚШнинг ҳарбий маҳкамаси – Пентагоннинг қамал қилиниши бўлиб, унда 300 минггача одам қатнашди. Бу ҳаракатлар ўз самарасини берди. 1968 йилда Жонсон маъмурияти АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикаси раҳбарияти билан тинчлик музокаралари олиб боришга рози эканлигини эълон қилди. Бундан ташқари, Жонсон 1968 йилдаги Президентлик сайловларига ўз номзодини қўймаслигини ҳам маълум қилди. Мамлакатда норозиллик галаёналарининг кескинлашувига 1968 йил август ойида, сайловолди чиқишлари пайтида Кингдан кейин Ж. Кеннедининг укаси – машҳур сиёсатчи арбоб ва сепатор, Президентликка ўз номзодини қўйишни мўлжаллаган Р. Кеннедининг ўлдирилиши ҳам сабаб бўлди.

Нагжада Президент сайловларида Демократлар партиясидан Г. Хэмфри номзоди кўрсатилди. Вьетнам уруши ва тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларнинг юки демократлар учун оғирлик қилди ва сайловда арзимаган устунлик билан республикачилар номзоди Р. Никсон ғалаба қозонди.

2- §. АҚШ 1970–1990 йилларда

Республикачилар реванши

Никсоннинг ҳокимият тепасига келиши Американинг сиёсий тарихида республикачилар даврининг бошланиши дейиш мумкин. Бу изоҳ шу билан асосланадики, Демократлар партияси вакили бўлган Ж. Картернинг (1976–1980) тўрт йиллик раҳбарлигини ҳисобга олмасак, 1968–1992 йиллардаги 6 та Президентлик муддатининг 5 тасида Оқ уйдаги олий лавозим республикачи Президентлар қўлида бўлди. Никсонга жуда оғир мерос қолган эди. Чунки XX аср 60-йиллари охири–70- йиллар бошларидан АҚШнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида чуқурлашаётган тартибсизликлар тобора кўзга ташланиб борди. Инфляция (пулнинг қадрсизланиши) ўта кескинлашиб, атиги 2 йил (1972–1974) мобайнида 24% га етди. 1973 йилнинг охиридан АҚШни ва Ғарб дунёсини ёнилғи инкирози қамраб олди. Араб–Исроил урушида Исроилни қўллаб-қувватлаётган Ғарб мамлакатларидан, шу жумладан, АҚШдан ҳам норози бўлган бир қатор нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар эмбарго (нефть чиқаришни таъқиқлаб қўйиши) қўллади. Натижада бутун саноати ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШда ҳам ёнилғи танқислиги келиб чиқди. Нефтнинг етишмаслиги унинг кескин қимматлашувига олиб келди, бу эса, ўз навбатида, 30- йиллардан кейинги даврда энг ўткир иқтисодий инкирозни келтириб чиқарди. Бу инкироз 1975 йил ўртасига келиб энг юқори чўққига кўтарилди. АҚШда саноат ишлаб чиқариш ҳажми инкироздан олдинги даврга қараганда 12,7% га қисқарди, автомобиллар, пўлат ва электроэнергия ишлаб чиқариш пасайди, ишсизлар сони кескин ошиб, 8,5 млн кишини ташкил этди.

Республикачилар маъмуриятининг ички сиёсати, асосан, иқтисодий инкирозни бартараф этишга қаратилган эди. Барча кўрсаткичларнинг пасайиб бориши шароитида, 1971 йил августидан, Никсон “Янги иқтисодий сиёсат” дастурини эълон қилди. Унда, энг аввало, нархлар ва иш ҳақи тўловларини, қашшоқликни бартараф қилиш, таълимни қўллаб-қувватлаш каби ижтимоий соҳаларга ажратилган маблағларни қисқартириш кўзда тутилди. “Қонун ва тартиб” шиори остида урушга қарши чиқувчилар ва талабалар ҳаракатларига қарши кескин чоралар ишлаб чиқилди. Бу тадбирлар 1970 йил 4 майда ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Ўшанда Кент универ-

ситети талабаларига қарши қурол ишлатилди, натижада тўрт нафар талаба полициячилар томонидан ўлдирилди.

Никсон маъмурияти ташқи сиёсатда ижобий силжишлар қилди. 1973 йилда Вьетнамдаги урушни тўхтатди. Жанубий Вьетнамдан АҚШ қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши билан, Сайгон режими агдарилди. 1975–1976 йилларда Вьетнамнинг ягона давлатга бирлашиши узил-кесил ҳал бўлди. Бу Жануби-Шарқий Осиёда АҚШ агрессиясининг батамом мағлуб бўлганини билдирарди. Президент Никсон даврида халқаро майдонда кескинликни юмшатувчи Совет–Америка муносабатларида ижобий ўзгаришлар бўлиб ўтди. Масалан, 1970 йилдан бошлаб 1968 йилдаёқ имзоланган “Ядро қуроллини тарқатмаслик тўғрисида”ги Шартнома кучга кирди. Хусусан, Никсоннинг 1972 йилдаги Москва шахрига таприфидан, СССР ҳамда АҚШ ўртасида 10 та Битимнинг имзоланиши катта аҳамиятга эга эди. Бу келишувлар ичида икки давлат ўртасидаги “Ўзаро муносабат асослари”, “Ракетага қарши муҳофаза чоралари” (РҚМ) Битимлари ва “Стратегик қуролларни музлатиш бўйича” вақтинчалик Битим катта аҳамиятга эга бўлди. 1973 йилда юқоридаги битимларга қўшимча ядро урушига йўл қўймаслик ва ракетага қарши муҳофаза воситаларини қискартириш тўғрисидаги Битимлар имзоланди.

Бу ва бундан кейинги келишувлар нафақат Совет–Америка муносабатларини, балки, шу билан бирга, халқаро микёсда ҳам кескинликнинг анча юмшашига олиб келди. Бу ижобий ўзгаришларнинг натижаси сифатида 1975 йил 15–25 июлдаги Совет–Америка қўшма космик тажрибасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Икки давлат космик кемалари: “Союз” ва “Аппалон” фазода бир-бири билан туташди.

АҚШда “Уотергайт иши” деб аталган воқеа чуқур сиёсий инқирозни келтириб чиқарди. 1972 йил сайлов компанияси даврида Р. Никсон қайта Президентлика сайлаш қўмитаси билан боғлиқ бўлган бир гуруҳ шахслар Демократик партия штаб-квартираси жойлашган “Уотергейт” меҳмонхонасида яширин эшитиш қурилмасини ўрнатаётганида қўлга тушди. Жиноят текширилганда, йўллар Ок уйга туташди, давлат бошлиғининг ёрдамчилари ва ишончли кишиларидан кўпчилиги суд жавобгарлигига тортилди. Кўплаб шов-шувга сабаб бўлган ва кенг ёйилган “Уотергейт иши” пайдо бўлди. Шов-шувлар фош этилиши натижасида, Никсон импичментдан (Конгресс иккала палатасининг Президентга ишончсизлик билдириши) кейин, 1974 йил августида ўз хоҳиши билан истеъфо беришга мажбур бўлди. Бу Америка тарихида мамлакат Президентининг им-

пичмент билан муддатидан илгари ўз лавозимидан четлаштирилган биринчи вокса эди. Конституцияга кўра, Президентлик лавозими Вице-Президент Ж. Фордга топширилди. Кейинги йилларда Америка халки бир неча марта ҳокимиятнинг юқори поғоналаридаги коррупция-порахўрликнинг очиб ташланганлигининг гувоҳи бўлди. Кўплаб юқори лавозимдаги амалдорлар ўз вазифасидан ғаразли мақсадларда фойдаланганлиги учун хизмат вазифасидан бўшатилди.

АҚШ 70- йилларнинг иккинчи ярмида

1976 йилда Қўшма Штатлар мустақиллик эълон қилнганининг 200 йиллигини кенг нишонлади. Шу йили навбатдаги Президент сайловлари бўлиб ўтди ва унда демократик партия номзоди Ж. Картер галабага эришди. Унинг сайловолди дастурида марказий ўринни коррупцияни тугатиш, ҳарбий харажатларни қисқартириш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини яхшилаш, ишсизликни камайтириш, америкалик сайловчилар орасида маънавий-ахлоқий тозалаш чоратадбирларини ўтказиш каби масалалар эгаллади.

Бунинг устига, кўпчилик сайловчиларнинг ёдидан Республикачилар партиясининг яқиндагина фош этилган коррупция ва “Уотергейт” воқеаси билан боғлиқ жиноятлари кўтарилмаган эди. Демократлар партиясини эса Картерни оммавий ахборот воситалари орқали маънавий-ахлоқий тоза (обрўсига доғ тушмаган) арбоб, коррупция ва шов-шувлардан холи, оддий америкаликларнинг манфаатлари ва истакларини амалга оширишга қодир бўлиш шахс сифатида таништира олди. Шунингдек, Картер яна сайловчилар учун мароқли бўлган халқаро кескиликни юмшатишни, бу борада музокараларни кенгайтириш ва давом эттириш, халқаро майдонда ижтимоий ва сиёсий тузумидан қатъи назар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари учун курашишга ваъда берди. Натижанда республикачилар номзоди Ж. Форд мағлубиятга учради ва демократлар ҳокимият тепасига келди.

Картер маъмуриятининг СССР ва АҚШ ўртасида стратегик қурооларни қисқартириш тўғрисидаги Совет–Америка Шартномасини имзолашига эришиши катта аҳамият касб этди. АҚШ Сенати бу Шартномани ретификация қилмаган бўлса-да, иккала томон ўзаро келишувга асосан, унинг асосий қоидаларига риоя этишди. Кэмп Дэвид (АҚШ Президентларининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳи)да АҚШ воситачилигида Исроил ва Миср (1978 йил, сентябр) ўртасида тузилган Шартнома ҳам дунёда турлича қабул қилинди. Бу Шартно-

ма, мохиятан, Мисрни Исроилга қарши курашаётган араб мамлакатларининг иггифокидан чиқарди. Картер 2000 йилдан бошлаб “Панама каналини Панама давлатига қайтариш тўғрисида”ги Шартномага ҳам имзо қўйди. Лекин, умуман олганда, Картер ўзининг барча сайловолди ваъдаларини бажаришга муваффақ бўлолмади. Айниқса, унинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти қониқарсиз бўлди.

1978 йилги Афғонистонда савр инқилоби, 1979 йилда Эронда шоҳ режимининг ағдариб ташланиши АҚШнинг Ўрта Шарқдаги позициясига кучли зарба бўлди. Бунинг устига, 1979 йил охирида совет кўшинларининг Афғонистонга бостириб кириши Картер маъмуриятини мураккаб аҳволга солиб қўйди. Айниқса, 1979 йил январда Эрон шоҳи Ризо Паҳлавийнинг мамлакатни ташлаб қочиши, 40 мингдан ортиқ АҚШ аскарлари ва мутахассисларининг Эрондан чиқариб тоборилиши, 1979 йил 4 ноябрда АҚШнинг 60 та дипломатининг гаровга олинishi, уларни қутқариш учун тузиб чиқилган операциянинг муваффақиятсизлик билан тугаши Картер маъмуриятининг обрўсига путур етказди. Бу йўқотишларнинг ўрнини тўлдириш учун Картер баъзи бир кескин чораларни ҳам кўрди. 1979 йил декабрда АҚШнинг ташаббуси билан Брюсселда НАТО давлатлари бошлиқларининг учрашувида ўрта масофага учириладиган ядро ракеталарини (“Першинг-2”, канотли ракета – “Тамогавк”) 1981 йилдан бошлаб Европага жойлаштириш тўғрисида келишув бўлди. Бу халқаро кескинликни янада кучайтирди. АҚШ – СССР муносабатлари ёмонлашиб, “совуқ муносабатлар уруши” авжига чиқди. Картерга турли томондан айбловлар қўйила бошлади. Жумладан, унинг сусткашлиги, ички ва ташқи сиёсий муаммоларни АҚШ фойдасига ҳал эта олмаганлиги тўғрисидаги айбловлар ёға бошлади. 1980 йилги навбатдаги Президентлик сайловларида Картер маълубиятга учради ва Республикачилар партияси номзоди, машҳур киноактёр ва Калифорния штати губернатори Р. Рейган ғалаба қозонди.

Р. Рейган маъмурияти

Р. Рейган иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда давлат ролини ошириш, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш дастурини илгари сурди. У, шу билан бирга, камбағалларга ёрдам кўрсатиш ишларига ажратиладиган давлат маблағларини кескин қисқартириш, қасаба уюшмалари фаолиятини чеклаб қўйиш, Совет

Иттифокига нисбаган қаттиққўллик билан сиёсат юритишни мақсад қилиб олди. Рейганнинг бу қадами омма кўпчилиги кўзи ўнгиди мамлакат бошқарув доиралари стратегиясида ўнг томонга бурилиш рўй берганидан далолат берарди. Бу ички сиёсатда ўнгга қараб ёки консерватив бурилиш эллик йилдан ортиқроқ давом этаётган жуда катта ва кўпинча ўзини оқламаган харажатларга мажбур қилувчи эски давлат бошқарув тизимидан америкаликларнинг норози эканликларини кўрсатди. Шунинг учун ҳам Рейганнинг тобора чуқурлашаётган инфляция ва ишсизлик муаммоларини, “давлат юкени халқ елкасидан олиб ташлаш” ва давлат бошқарувидаги бюрократик усулни тугатиш ҳақидаги ваъдаси алоҳида аҳамият касб этди. Рейганнинг ижтимоий-иқтисодий дастури “рейганомика” номи билан машҳур бўлди. Рейган маъмурияти ўзининг асосий мақсадлари қилиб 80- йиллар бошида иқтисодиёт учун асосий тўсиқ бўлган инфляцияни жиловлашни, АҚШнинг илмий-техник салоҳиятини оширишни, иқтисодиёт тўзилмасини қайта қуришни, дунё бозоридаги рақобатчилик мавқеини кучайтиришни кўзда тутди. Бу мақсадларга эришишнинг қуйидаги йўллари таклиф қилинди: давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш ва бозор иқтисодиёти асосларини ҳар томонлама рағбатлантириш; кейинчалик иқтисодиётга сармоя киритиш учун аҳоли жамғармаларини ошириш; ижтимоий ҳаракатлар, яъни ишсизлар ва ногиронлар нафақаларини, тиббий ёрдам ва бошқаларни камайтириш орқали федерал ҳукумат харажатларини чеклаш; федерал бюджет танқислигини камайтириш. Рейган ўздан олдинги Президент Картер давридаёқ бошланган иқтисодий тушқунликни бартараф этишга, инфляция ва ишсизликни қисқартиришга, даромад солиғини пасайтиришга, иқтисодий ўсиш суръатларини оширишга, норозилик ҳаракатларини жиловлашга эришди. Бу ва баъзи бошқа омиллар унга 1984 йилдаги Президент сайловларида иккинчи марта ғалаба қозонишга имкон берди.

Рейган ташки сиёсатни ҳам устакорлик билан олиб борди. Яқинлашаётган совет таҳдиди ҳақидаги ташвиқотдан ваҳимага тушган кўпчилик америкалик сайловчилар учун Рейганнинг ҳокимият тепасида қолиши айни муддао бўлган эди. Гўёки АҚШнинг ракета-ядро соҳасида СССРдан орқада қолаётганлиги ҳақидаги шов-шувлар Рейган маъмуриятига кўл келди. Рейганнинг бу борадаги заифликка чек қўйиш тўғрисидаги шиори алоҳида жозибадорлик касб этди. Совет Иттифоқини “Ёвузлик империяси” деб атагани ҳолда, Рейган уни ҳолсизлантириш ва тўхтовсиз давом этаётган қуролланиш пой-

гасига жалб қилиб, иқтисодий жиҳатдан заифлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини эълон қилди.

Рейганнинг ҳокимият тепасига келиши билан, Совет–Америка муносабатларининг янада кескинлашуви кузатилди, қуролланиш пойгаси янги юксакроқ даражага кўтарилди. Ҳарбий харажатлар 1979–1980 молиявий йилда 134 млрд доллардан Рейган Президентлигининг охирига келиб 291 млрд долларга кўтарилди. Унинг даврида “Юлдузли жанглар” деб номланган “стратегик мудофаа ташаббуси” ўта қиммат тадқиқот дастури сифатида амалга оширила бошланди. Унда фазовий жойлашиш элементларига эга бўлган кенг миқёсдаги ракетага қарши мудофаа (РҚМ) тизимини яратиш кўзда тутилган эди. Уни амалга ошириш учун миллиардла доллар ажратилди. Аммо кейинчалик маълум бўлишича, бу дастурнинг кўпгина қисмлари етарлича ҳисоблаб чиқилмаганлиги ва шунинг учун уни амалга ошириш амримаҳол эканлиги аён бўлди. Рейган Президентлигининг иккинчи даврида АҚШ бошқарув доираларининг ташки сиёсий стратегиясида навбатдаги реализмга юз тутиш ва СССР билан муносабатларни яхшилашга қаратилган бурилиш кузатилди. Бунга бир қатор омиллар, энг аввало, СССРда 1985 йилдан бошлаб АҚШ билан муносабатларни яхшилашга, “янгича фикрлаш”га асосланган М. С. Горбачев бошчилигида янги раҳбариятнинг ҳокимиятга келиши сабаб бўлди. Бундан ташқари, АҚШ бошқарув доиралари томонидан қуролланиш пойгасини кучайтириш стратегиясининг истикболли йўқлигини, ядро урушида ғолибларнинг бўлмаслигини тушуниб етишлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

1986 йил октябрда Рейкьявикдаги СССР ва АҚШ давлат бошлиқларининг учрашуви Совет–Америка муносабатларидаги кескинликни юмшатиш йўлидаги муҳим воқеа бўлди. Барча ҳаётий муҳим масалалардаги келишмовчиликларнинг мавжудлигига қарамасдан, иккала томон стратегик қуроллар ҳамда ўрта масофадаги ракеталар борасида келишиб олдилар. Бу келишувлар ўзаро жавобгарликка асосланган шартномалар даражасига кўтарилмаган бўлса-да, Рейкьявикдаги учрашув ядро қуролларини қисқартириш учун курашни янги босқичга олиб чиқди ва сифат жиҳатдан янги халқаро вазиятти юзага келтирди. Совет–Америка муносабатларининг яхшиланишида энг муҳим ва кўзга кўринган воқеа М. С. Горбачевнинг 1987 йил декабрида АҚШга ташрифи бўлди. Ташриф давомида икки мамлакат раҳбарлари “Ўрта ва қисқа масофага учуриладиган ядро ракеталарини тугатиш тўғрисида”ги Шартномани имзолашди. Шартномада

АҚШнинг Ғарбий Европа мамлакатларида ва, ўз навбатида, СССРнинг ғарбий минтақаларида жойлаштирилган бу турдаги барча ракетааларни тугатиш кўзда тутилган эди.

3- §. XX аср охири—XXI аср бошларида АҚШ

АҚШ 90- йилларда

Р. Рейган маъмурияти сиёсатидаги ижобий сиёжишлар Республикачилар партиясига 1988 йилда навбатдаги Президент сайловларида осонгина галабани қўлга киритишга имкон берди. Амалдаги Президент омма орасида катта обрўга эга эди. фақатгина АҚШ Конституцияси мезонлари унинг учинчи муддатга сайланиш имконини бермасди. Шунинг учун 1988 йилги Президент сайловларида Американинг урушдан кейинги даврдаги тарихида биринчи марта Вице-Президентликдан тўғридан-тўғри Президентликка Катта Ж. Буш сайланди. У АҚШнинг 41- Президенти эди. У АҚШнинг Иккинчи жаҳон урушида катнашган охириги Президенти эди. У ўзининг узоқ муддатли сиёсий фаолиятида катта тажриба ортирган эди. Буш АҚШнинг БМТдаги вакили, Хитойдаги элчиси ва МРБ (ЦРУ) директори лавозимида ишлаган эди.

Бушнинг Оқ уйга дастлаб Вице-Президент, кейинчалик мамлакат раҳбари сифатида келиши Кўшма Штатлар юқори доираларининг сиёсатига катта таъсир кўрсатган дунёдаги улкан воқеалар даврига тўғри келди. Гап “совуқ уруш”нинг тугаши, ядро уруши хавфининг камайиши, СССР ва социалистик ҳамдўстликнинг барҳам топиши, Германиянинг кўшилиши, Исроилнинг араб мамлакатлари билан очиқ музокаралар олиб боришининг бошланиши, хозирги дунё сиёсий харитасидаги ўзгаришлар ҳақида борапти. Совет Иттифокидай ҳарбий-сиёсий жиҳатдан энг қудратли рақибнинг дунё сиёсий саҳнасини тарк этиши АҚШ раҳбарлари учун улкан воқеа эди. Энди уларнинг фикрича, АҚШ ягона ва умумэтироф этилган дунёвий йўлбошчиға айланади ва АҚШ бошчилигида ягона қутбли дунёвий тузум вужудга келади, деган хомхаёллар чулғаб олган эди. Мамлакатда иқтисодий қийинчиликлар ва бюджет таққислигининг кучайиб бориши даврида республикачилар маъмурияти олдида вужудга келган янги ташқи сиёсий имкониятлар истиқболли эди. Ж. Буш ўзининг кенг сиёсий тажрибасига таянган ҳолда, АҚШнинг мудофаасини ку-

чайтириш ва дунё саҳнасида очилган янги имкониятлардан самарали фойдаланишни ўз олдига мақсад қилганини эълон қилди.

Ж. Буш Президентлиги ички сиёсатининг бошланиши мамлакатда кредит тизимидаги иккирознинг бошланиши билан бир даврга тўғри келди. Буш маъмуриятининг бир қатор жамғарма муассасаларини тугатиш ва 1989 йилда молиявий институтларни ислоҳ қилиш тўғрисида қабул қилинган қонунга таянишга бўлган уринишлари муваффақиятсиз бўлди. Федерал депозитларни сугурта қилиш зарурати натижасида бюджет харажатларининг кескин оши. 1991 йилда бошланган иқтисодий пасайиш кейинчалик бюджет танқислигининг ошишига олиб келди ва Президент Рейганнинг консерватив молиявий дастурини давом эттириш ҳақидаги сайловолди ваъдасидан воз кенишга мажбур қилди. Катта Ж. Буш маъмурияти тезда солиқларни ошириш, ижтимоий эҳтиёжларга ажратилган маблағ ва қисман харбий харажатларни қайтаришга мажбур бўлди. Солиқ сиёсати тубдан қайта кўриб чиқилди, катта даромадли шахслардан солиқ олишдаги бир қатор чеклашлар бекор қилинди. Шу билан бир вақтда, кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда маъмурият ихтиёридаги солиқ воситалари, энг аввало, солиқ имтиёзларининг эгилувчан тизими каби давлат томонидан тартибга солиш тури орқали эркин савдони таъминлаш дастури ишлаб чиқила бошланди. Президент бу дастурни амалга оширишга эришолмади. У давлат харажатларининг янги моддаларини жорий қилишнинг иложи йўқлиги сабабли қийин вазиятга тушиб қолди. Шундан кейин у ҳомийликни рағбатлантириш ва кенгайтириш бўйича катта ишларни бошлади. Шу сабабли унинг маъмурияти бир қатор зарур бўлган маблағларни ҳомий ташкилотлар ва шахслардан олиб, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа шу каби соҳаларга сарфлади.

Республикачиларнинг ташқи сиёсати анча муваффақиятлироқ эди. Буш маъмуриятининг Америка китъасидаги фаолияти АҚШда маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. 1989 йил декабрда генерал М. А. Норчеги режимини ағдариш ва сайланган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШ кўшинлари Панамага киритилди. Ғарбий ярим шар мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги ривожланди. 1990 йилда “Умумамерика ташаббуси” – қарзларни ўзаро ҳисоблаш ва келишув қатнашчилари ўртасида божхона тўловларини бекор қилиш йўли билан Америка давлатлари иқтисодиётига инвестиция (сармоя) киригиш ва савдони кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг амалий босқичига ўтди. АҚШ, Канада, Мексика

ўртасида эркин савдо муносабатлари тўғрисида Шимолий Атлантик келишувини қабул қилиш тўғрисидаги музокаралар муваффақиятли ўтди.

Ж. Буш халқаро кескинликни юмшатиш ва “совуқ уруш” асоратларини бартараф этиш сиёсатини олиб борди. Унинг СССР раҳбари М. Горбачев билан биринчи учрашуви 1989 йил декабр ойида бўлиб ўтди. АҚШ томонидан таклиф қилинган ва 21 банддан иборат бўлган Совет–Америка муносабатларини ривожлантириш дастури деярли тўла қабул қилинди. Кейинчалик, СССР парчаланиб кетгач, Россия Федерацияси раҳбарлари билан бўлган бир қатор учрашувларда иккала мамлакат муносабатига салбий таъсир кўрсатиб келган бир қатор баҳс-мунозарали масалалар АҚШ фойдасига ҳал қилинди. АҚШ томони СССРнинг жаҳон иқтисодиётига тўлиқ қўшилишига ёрдам беражagini ваъда қилди. Айни пайтда, Ғарбий Европадан совет ва Америка қўшинларини қисман чиқариш, қуролланишни назорат қилиш ва Европада хавфсизликнинг янги тизимини яратишда ЕХҲК (1975 й.) ролини ошириш ҳақида музокаралар олиб борилди. АҚШ маъмуриятининг фаол иштироки остида Шарқий ва Ғарбий Германиянинг қўшилиши масаласи муҳокама қилинди. Кўп томонлама олиб борилган музокаралар натижасида 1990 йил 12 сентябрда Москва шаҳрида Шартнома имзоланди. Унга кўра, СССР НАТОнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида ягона Германияни тузишга розилик билдирди. 1990–1991 йиллардаги музокаралар натижасида Европадаги Қуролли Кучларни ҳамда оддий ва стратегик ҳужумга мўлжалланган қуролларни кенг миқёсда қисқартириш тўғрисидаги Шартномалар тузилди.

1991 йил 11 сентябрда АҚШнинг 41- Президенти ўзининг “Янги дунё тартиби” мавзусидаги нутқини Америка халқи эътиборига ҳавола қилди. Бу нутқида инсоният коммунизм ва у тугдирган даҳшатли хавф – ядро уруши таҳдидидан қутулгани, ана энди том маънодаги “янги дунё”ни барпо этиш имконияти туғулгани тўғрисида гапирди. Бушнинг фикрича, одамлар охир-оқибат демократия энг маъқул бошқарув усули эканини тушуниб етишди. АҚШ Ҳукумати 1990 йилда Қувайтга ҳужум уюштирган Ироққа қарши Ғарб давлатлари коалициясини тузди ва унинг устидан енгил ғалаба қозонди. СССРнинг тугатилиши ва МДХнинг ташкил топиши жаҳон сиёсий хариталарини ўзгартириб юборди. АҚШда янги шароитда ягона “қудратли давлат” эканликларини уқтириш бошланди. Бу океан ортида сиёсат борасида исалган фикрни олға суриш кайфия-

тини келтириб чикарди. Бу тенденция кўпроқ АҚШнинг Ироққа қарши давлатлар коалициясида бош ҳарбий куч сифатида майдонга тушиб, оз талофат билан Форс кўрфазидagi 1991 йилги жангда голиб чиққанлигига асосланарди. Маълумки, Хитойда 1989 йилдаги талаба ёшларининг тинчлик намойишлари бўлиб ўтди. Уларга қарши ҳукумат шафқатсизлик билан чоралар кўрди, кўшлаб кишилар ҳалок бўлди, турмаларга ташланди. Ж. Буш ҳукумати Хитой воқеаларига аралашмади. Инсон ҳуқуқларининг бузилишга қарши чоралар, яъни иқтисодий санкцияларни қўлламади. Ўз навбатида, бу Ж. Буш маъмуриятига нисбатан АҚШда кенг жамоатчиликнинг порозилигига сабаб бўлди.

1992 йилда бўлиб ўтган Президент сайловларида республикачилар маглубиятга учради. Демократлар республикачиларнинг қийинчиликларидан усталик билан фойдалана олди ва Демократлар партияси вакили Уильям Жефферсон Клинтон Ок уй хўжайинига айланди. Унинг ғалабасини таъминлаган энг муҳим омилилардан бири шу эдики, у демократик партиянинг қиёфасини тубдан ўзгартирди, мамлакатда туб демократик ислохотларни ўтказишни ваъда қилди. “Рейганомика”нинг мафқуравийлашган принципларидан воз кечган Клинтон ўз партиясининг анъанавий шиорларидан узоклашишни афзал кўрди. Клинтон республикачиларнинг бир қатор машхур шиорлари, жумладан, федерал бюджетни мувозанатга келтириши мажбуриятини ўзлаштириб олди. Марказлашган сиёсатга таянган ҳолда, демократлар, умуман олганда, мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида давлат аралашуви тизими асосларини яратган Рузвельт-Кеннеди анъаналарига содиқ қолди. Клинтон янги “иқтисодий фалсафа” йўлини эълон қилди. Бунда давлатнинг социал функцияси тўла сақланади, аммо у тақчилликсиз молиялаш йўли билан амалга оширилиши керак эди. Айни пайтда, Клинтон ва унинг тарафдорлари фуқароларнинг шахсий ташаббусини қўллаб-қувватлаш, бозор принципларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва шунга ўхшаш соҳаларни ислох қилиш тўғрисида ваъдалар билан чиқди.

Клинтоннинг энг муҳим шиорларидан бири АҚШнинг дунё микёсидаги пешқадамлигини таъминлаш учун иқтисодиётнинг гуллаб-яшнаши ва ички барқарорликка эришишга даъват қилишдан иборат эди. Бу вазифани амалга оширишда асосий роль давлатга топширилди, давлат эса бозорни тўлдирди, эркин рақобат қондаларини белгилайди. Клинтон маъмуриятининг иқтисодий стратегияси бюд-

жет тақчиллигини камайтириш, одамларга сармоя орттириш, хорижий бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган эди. Клинтон маъмурияти аввал иқтисодиётни барқарорлаштиришга, кейин уни барқарор ривожлантиришга эришди, бу эса, ўз навбатида, иш ўринларининг кескин ошишига, инфляциянинг қисқаришига, аҳолининг харидорлик қобилиятининг яхшиланишига олиб келди. Бу ва бир қатор бошқа омиллар Клинтонга 1996 йилдаги сайловларда яна галаба қилишга имкон берди. Клинтоннинг иккинчи муддатдаги Президентлик даврида бир қатор шов-шувли гаплар тарқалди ва сал бўлмаса, уни импичментга, яъни суд аралашуви билан Президентлик лавозимидан четлатишга олиб келиш хавфини тугдирди. Икки Президентлик муддатида Б. Клинтон ҳарбий харажатларни анча қисқартирди ҳамда бир қатор ижтимоий дастурларнинг самарадорлигини оширишга эришди. Шу йўл билан социал таъминотга қаратилган харажатларни ислоҳ қилиш йўлини тутди. Ҳукумат тепасида демократлар турган вақтда, АҚШда 20 миллион янги иш ўринлари яратилди. 1998 йилдан бошлаб Қўшма Штатлар ижобий (мусбат) бюджет сальдосига эришди. Бир неча ўн йилликлар давомида илк бор федерал ҳукумат даромадлари харажатлардан оша бошлади. Б. Клинтон 2000 йил 27 январдаги мамлакатдаги вазият тўғрисида Конгрессга йўллаган мактубида сармояларни яқин ўн беш йил давомида миллий қарзларни тўлашга сарфлашни таклиф қилди.

Клинтон маъмуриятининг иқтисодиётдаги муҳим ютуғи пулнинг қадрсизланиш жараёнини икки бараварга секинлаштиришга эришигани бўлди, бу америкаликларнинг юқори даражадаги турмуш тарзини сақлаб қолишга имкон берди. Бюджет тақчиллигини ҳарбий харажатларни қисқартириш йўли билан бартараф этишга эришилди. Ҳарбий мақсадлар учун маблағ ажратиш 1998 йилда федерал бюджетнинг 16% ини ташкил этди. Натижада ҳукуматнинг ижтимоий харажатлари ҳарбий харажатларга қараганда уч баравар кўп бўлди. Ҳукумат дастурларида узлуксиз технолофик инқилобни бошдан кечираётган иқтисодиёт шароитида ишчи кучларининг юқори малакавий даражасини таъминлайдиган муҳим омил – таълим соҳасини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Клинтон даврида федерал бюджет фан соҳасидаги барча харажатларнинг учдан бир қисmini (бу микдорнинг ярмини эса фундаментал тадқиқотлар учун) ўз зиммасига олганди.

Клинтон маъмуриятининг ташқи сиёсий стратегияси иқтисодий салоҳиятга, самарали ҳарбий техника янгиликларига, телевидение,

кино. Интернет оркали эришилган маданий-ахборот соҳаларидаги муваффақиятларга таянган ҳолда олиб борилди ва АҚШнинг “дунё йўлбошчиси” сифатидаги ролини сақлашга асосланди. 1993 йилдан бошлаб Шимолий Америка мамлакатлари Эркин Савдо Минтақаси (НАФТА)ни тузиш тўғрисидаги келишув кучга кирди. 1994 йилда АҚШ Президенти ташаббуси билан “Америка китъаси Эркин Савдо Минтақаси” (ТАФТА)ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. АҚШ Осиё-Тинч океан иқтисодий ҳамжамиятида фаол иштирок этди. Янги “Евроатлантик бозор”ни яратиш режалари ишлаб чиқилди.

Шу билан биргаликда, ҳарбий кучга таяниш АҚШ ташқи сиёсатининг асосий воситаларидан бири бўлиб қолди. 90- йиллар бошида Ракетага қарши мудофаа (РҚМ – DAR) чораларини ривожлантириш дастурига эътибор қаратиб, Стратегик мудофаа ташаббуси (СМТ – SDI)дан воз кечди. Аммо 1998 йилда Ҳиндистон ва Покистонда ядро қуроли, Эрон ва Шимолий Кореяда ўртача узокликдаги ракеталар синовининг ўтказилиши Президентнинг Ракетага Қарши Мудофаа чораларига бўлган муносабатини ўзгартиришга мажбур қилди. 1999 йилда Клинтон ҳарбий харажатларнинг оширилиши ва ҳарбий қуролларнинг янги турларини яратиш ҳақида гапирди. 1991 йилнинг ноябрида Америка Қўшма Штатларининг Президенти Билл Клинтон олмон халқини ва Германияни иккига бўлиб турган “Берлин девори” ўртадан олиб ташланганлигининг 10 йиллиги муносабати билан бир вақтлар ўзи таълим олган Жоржтаун университетида (Колумбия округи) нутқ сўзлади. Маъруза “совук уруш” сиёсатидан кейинги дунё, Берлин деворининг кулаши боис юз берган ўзгаришлар, янги аср арафасидаги халқаро умумий вазият ҳамда Қўшма Штатларнинг учинчи минг йилликдаги энг муҳим вазифаларига бағишланди. Нотиқ Америка Қўшма Штатлари манфаатларидан ҳамда анъанавий америкача кадриятлардан келиб чиққан ҳолда, “яхлит, барқарор, демократик Европани юзага келтириш” борасидаги савй-ҳаракатларни кенг шарҳлади, америкалик талабаларга Берлин деворига ўхшаш темир панжарага ўралиб олган коммунистик дунёдаги ҳақиқий ахволни тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, Америка янги асрда ҳам ўзининг “анъанавий лидерлик мақомини” сақлаб қолиши ва дунё ишларига шу мақомда бошчилик қилиши керак.

Бироқ Клинтоннинг ташқи сиёсий фаолияти танқидий фикрларни ҳам келтириб чиқарди. Унинг Россия, БМТ, Яқин Шарқ мамла-

катлари билан муносабати, АҚШ Курояли Кучларининг хориждаги тўқнашувларда қатнашганлиги танқид остига олинди. Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) мутахассисларининг фикрича, XX аср охирида АҚШ иқтисодиётида зўриқиб аломатлари сезила бошланди ва иқтисодий инқирознинг муқарарлиги кўзга ташланди.

XXI аср бошларида АҚШ

АҚШда 2000 йилдаги Президентлик сайловлари фожиали характерга эга бўлди. Демократлар ҳукмронлиги даврида кўзга ташланган иқтисодий муваффақиятлар уларнинг номзоди, Вице-Президент Альберт Горнинг ғалабасига умид уйғотди. Республикачилар ҳам ғалаба иштиёқида эдилар. Улар жамиятнинг анъанавий қадриятларини ҳимоя қилиш шиори остида сайловчиларни ўзлари томон оғдириш учун ҳамма имкониятларни ишга солдилар. Ўзларининг сайловолди дастурларида республикачилар Б.Клинтон қўлаган тажрибани ишга солдилар. Бунда улар демократларнинг баъзи шиорларини ўзлаштириб ва марказлашган ёндашувга таяниб, демократлар мавқеига яқин мавқеда туришди. Мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, иқтисодиётни раванқ топтириш тўғрисидаги анъанавий ваъдалар сайловчилар қайфиятига таъсир кўрсатди. Натижада сайловолди муҳокамаларда анъанавий бўлган иқтисодий муаммолар 2000 йилга келиб иккинчи даражали муаммоларга айланиб, таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодий таъминот масалалари ҳамда дин, жамиятнинг оилавий ва маънавий қадриятларига боғлиқ масалалар биринчи ўринга чиқди. Бу масалаларда республикачилар мавқеи аҳолининг кўпчилиги қисми томонидан қўллаб-қувватланди.

Сайлов нағижалари инкор этиб бўлмас характерга эга эди. Альберт Гор Ж.Бушга қараганда 542 мингдан кўпроқ сайловчилар овозини тўплаганига қарамасдан, сайлов коллегияси (хайъати)да озгина фарқ билан республикачилар тарафдорлари устунлик қилди. Бунақа ҳолатга АҚШ сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари сабабчидир. Маълумки, Америкада сайлов тақдирини умумхалқ овоз беришида қатнашадиган сайловчилар эмас, балки сайловчилар ҳайъати ҳал қилади. Демак, АҚШдаги Президентлик сайлови жараёнларини тушуниб олиш учун, аввало, мамлакат Конгресси, яъни Парламентнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олишга тўғри келади. Конгресс икки палатали. Юқори палата Сенат бўлиб, унга ҳар бир штатдан икки нафардан вакил сайланади. Америка 50 та штатдан

ташқил топганини назарда тутсақ, юқори палата 100 нафар депутатдан иборат эканлиги маълум бўлади. Қуйи палата – Вакиллар палатасида депутатлар сони ҳар бир штат аҳолисининг сонига қараб тақсимланган. Вакиллар палатасидаги депутатлар сони, одатда, 435 кишидан иборат бўлади. Ҳар икки палатани қўшганда эса, 535 депутат ҳосил бўлади.

Энди Президент сайлаш тартибига ўтайлик. Юқорида Президентни хайъат сайлайди, деб айтдик. Бу хайъатга барча штат вакиллари киради. Аъзолар сони Конгресснинг тегишли штатдан сайланган ҳар икки палатадаги депутатлар сонига тенг. Сайловчилар хайъатида ҳам 535 вакил бор. Президентликка сайланиш учун номзодга хайъат аъзоларининг камида 270 нафари овоз бериши керак. Одатда, Мейн ва Небраскадан ташқари барча штатларда сайловчиларнинг кўпчилик овозини олган номзод ўша штат хайъатларининг барча овозларини олади. Бир номзод рақибига қараганда оз овоз олиб, сайловда ютиб чиққан ҳолатлар камдан-кам рўй берган. Айни шу воқеа 100 йилдан бери илк бор 2000 йилги Президентлик сайловида содир бўлганди. Жорж Буш Флоридада рақибидан кам овоз олганига қарамай, хайъат аъзолари кўлловига эришиб, кичик фарқ билан бўлса-да, Альберт Гор устидан ғалаба қозонди.

Сайловчилар хайъати қондалари кичик штатлар учун бир мунча фойдалидир. Масалан, ҳар бир штат аҳолисининг сонидан қатъи назар, Сенатда бир хил, яъни 2 нафар аъзога эга. Вакиллар палатасидаги депутатлар эса аҳоли сонига қараб тақсимланади. Масалан, АҚШ умумий аҳолисининг 12 фоизини ташқил этгани ҳолда, Калифорния хайъатда ва қуйи палатада 55 тадан овоз (10 фоиз)га эга. Ваҳолатки, Вайоминг кичик штати эса умумий аҳолининг 0,18 фоизини ташқил этса-да, хайъатда 3 та ўрин (0,56 фоиз) олди. Сайлов натижасини белгилашда республикачиларнинг Флорида штатида сайлов варақаларини қайта санашга йўл қўймаганликлари уларнинг ғалабасини таъминлади. Флорида штатидаги сайлов натижалари демократларнинг бир қанча норозиликларига сабаб бўлганди. Сайловда ким ғалаба қозonganлиги масаласини АҚШ Олий суди кўриб чиқди. Натижада АҚШ Олий суди қарорига кўра АҚШнинг 43-Президенти этиб кичик Ж. Буш эълон қилинди.

Кичик Жорж Буш Президентлик курсисига ўтириши билан, мамлакат бир қатор ички ва ташқи муаммоларга дуч келди. 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида бўлган террористик ҳаракат туфайли 3000 га яқин кишининг ҳалок бўлиши, 2001 йилнинг охирларида

АҚШда бошланган иқтисодий инкироз, ташқи сиёсатда терроризмга қарши кураш, АҚШнинг ташқи сиёсатдаги ғолибона юришини таъминлаш, хусусан, Афғонистон ва Ироқдаги антидемократик режимларни ағдариб ташлаш баҳонасида у жойларда АҚШнинг позициясини мустаҳкамлаш каби муаммолар ечимини топиш керак эди. Икки йилдан бери давом этаётган иқтисодий инкироздан 2003 йил охири-ларига келиб кутила бошланди. АҚШ Федерал заҳира тизими (ФЗТ) нинг маълумотига қараганда, 2003 йилнинг охирига келиб, ФЗТнинг 12 та округидан 10 тасида иқтисодий ўсишга эришилди. Саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилди, чакана савдо ҳажмлари ошди, кўчмас мулк бозорида жонланиш рўй берди. 2004 йилда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 4,4 фоизга ўсди. Ушбу кўрсаткич 1999 йилдан бери энг юқори натижа эди. Бу эса жаҳон ЯИМ кўрсаткичларидан атиги 0,4 фоизга кўп бўлди, холос. Бу кўрсаткич АҚШ иқтисодиётининг заиф бўғини ҳали ҳам ортиқча ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлигидан, корхоналар фойдасининг пастлигидан дарак берарди. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги жиддий муаммо тақчилликнинг тез ўсиб бораётганлиги бўлиб, 2004 йилда энг юқори кўрсаткичга – 550 млрд долларга етди. Бундай тақчиллик ташқи савдонинг ҳолатини акс эттирди ва импорт ҳамда экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати ўртасидаги фарқни кучайтирди.

Бунинг устига, чет эл инвестициялари (сармоялари) кириб келиши пасайди. АҚШ Ҳукумати ташқи дефицит (танқислик)ни қоплаш учун қимматли қоғозлар чиқаришни кўпайтиришга мажбур бўлди. Мазкур қоғозлар чет элдаги Марказий Банклар орқали сотилди. Бу ҳол шуңдоқ ҳам жуда катта миқдор, яъни 1 трлн 347 млрд АҚШ долларига етган давлат қарзининг янада ўсишига олиб келди. Шу нарса диққатга сазоворки, мазкур қарзнинг 41,9 фоизи Япония ва Хитой ҳиссасига тўғри келди. Бунинг устига, ҳарбий харажатлар ошириб борилди. Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг Вакиллар палатаси 2003 йилнинг 8 июлида Мудофаа вазирлигининг 2003 йилнинг 1 октябридан бошланадиган келгуси 2004 молия йили учун 369 млрд доллар миқдоридаги ҳарбий бюджетини қабул қилди. Қуйи палата аксарият кўпчилик овоз – 399 тарафдор, 19 қарши овоз билан Жорж Буш маъмуриятининг мудофаа эҳтиёжлари учун асосий сўровини амалда ортиқча баҳс-мунозараларсиз тасдиқлади.

Ажратилган маблағ ҳисобидан армиянинг техник жиҳатдан қуролланишини жиддий равишда янгилаш режалаштирилди. “Брадлей” зирҳли автомобиллари ва “Абрам” танқларини янгилаш, шу-

нингдек, ҳар бири 2 млрд доллар турадиган “Виржиния” типидagi 5 та атом сувоисти кемасини куришни мўлжаллади. Ташқи сиёсатда кичик Жорж Буш Афғонистондаги толибонлар ҳукуматини ва террорчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Бен Ладенни йўқ қилиш баҳонасида иттифоқчилари билан 2001 йилнинг охирида ҳужум бошлади, толибонлар ҳукумати ағдарилди ва Ҳамид Карзай бошчилигида афғонлар ҳукумати тузилди. АҚШ Афғонистонда мустаҳкам ўрнашиб олди ва кичик Ж. Буш отаси бошлаб берган Ироқ урушини 2003 йил ниҳоясига етказди. Ироқда оммавий қирғин куруллари бор, Саддам Хусайн “Ал-Қоида” террористик ҳаракати билан алоқадор деган баҳоналар билан АҚШ маъмурияти ўзининг азалий нияти бўлган Ироқ нефтига хўжайинлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчидан, Исроил давлатига нисбатан Ироқ томонидан туғилаётган хавфни ҳам бартараф қилди.

2004 йил 2 ноябрда бўлиб ўтган Президент сайловлари кичик Жорж Бушнинг галабасини таъминлади ва ўз Президентлигининг иккинчи муддатида олдинги 4 йилда бажаролмай қолган ишларини бажаришни мақсад қилиб қўйди. 2005 йил 20 январ куни Буш қасамёд қабул қилди. Бушнинг иккинчи Президентлик даври АҚШ иқтисодиётининг ўсиш даврига тўғри келди. XXI асрнинг бошида дунё миқёсида яратилган замонавий техника ва технологияларнинг 35,8% и АҚШ ҳиссасига тўғри келди (бу кўрсаткич Японияда 17,6%, Германияда 6,6%, Буюк Британияда 5,7%, Францияда 5.1%, Хитойда 1,6% ни ташкил этди). Табиийки, бундай қудратга эга мамлакат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва етакчи омилига айланди. Америкалик футуролог Х. Макрей бундан буён Американинг барча соҳалардаги интеллектуал устунлиги сақланиб қолиши, унинг маданияти, гоёлари ва тили бутун дунё бўйлаб тарғиб этилишига ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини таъкидлайди. Бироқ кичик Жорж Буш Президентлигининг охириги йили – 2008 йилнинг ёзида АҚШда иқтисодий инқироз бошланди. АҚШ жаҳон иқтисодий инқирозининг ўчоғи бўлиб қолди. Дунё маънан иккинчи депрессияга тайёргарлик кўра бошлади. Ҳақиқатан ҳам, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жаҳон иқтисодида бундай пасайиш рўй бермаган эди. Халқаро Валюта Фонди маълумотларига қараганда, жаҳонда иқтисодий ўсиш сўнги 60 йил ичида биринчи марта 2009 йилда 1,06 фоизга қисқарди, яъни ўсиш тўхтаб, чегара чизигидан пастга тушди. Таққослаш учун айтиб ўтиш лозимки, дунё иқтисоди оғир бўҳронни бошидан кечир-

ган 1982 йилда ҳам Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 0,9 фоизга ўсган эди.

Маълумки, иктисодиётда товар ёки хизматга бўлган талаб ва таклиф ўртасида мувозанат бузилса, молиявий инқироз юз беради. У, асосан, банклар ликвидлиги (тўлов қобилияти)нинг заифлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашуви, кредит бозорида юз берган танглик ва маблағ (пул)нинг етишмаслиги туфайли келиб чиқади. Бугун дунё бўйлаб “канот” ёзаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳам, аслида, шу асосда илдиз отди. Юзага келган мазкур вазиятдан қандай чиқиш йўллари қидирилди. 2008 йили Вашингтонда 20 та йирик давлатнинг иктисодчилари Саммитида айни шу йўл изланди. Чунки улар бу глобал инқироз эканини, олдин эришилган марраларга қайта чиқиб бўлмаслигини англашди. Холбуки, жаҳон бўйича ялпи маҳсулотнинг 85 фоизини мана шу 20 та йирик давлат ишлаб чиқарган, лекин бугун молиявий-иктисодий ва банк тизимлари барқарорликни йўқотди, ҳимоя механизми заифлашди, банкларнинг тўлов қобилияти сусайиб, кредит бериш жараёнида танглик юз берди. Охир-оқибат товарлар, хизматларга бўлган талаб ва таклиф мувозанатида бузилиш содир бўлди. Пул етишмаганидан, иш ўринларини қисқартириш, катта-катта банк тизимларини банкрот деб эълон қилиш, корхона ишчи-хизматчиларининг маош миқдорини камайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш каби бир-бирига боғлиқ жуда нохуш ҳолатлар юзага келди. Иш ташлашлар, норозилик намойишлари бошланди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги ва салбий ташқи савдо сальдосининг кузатилаётганлиги жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келишининг асосий омилларидан бири бўлди. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи миқдори ва унинг ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги инқироз кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташқи қарзининг Ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90 фоизни ташкил этди, яъни 10 трлн доллардан ошиб кетди. 2009 йилги давлат бюджетидagi дефицит 1,8 триллион долларни ташкил этди. Ташқи қарз эса 2011 йил январ ойига келиб жуда катта астрономик рақам – 14 трлн долларга етди. Ҳозирда, маълумотларга қараганда, дунё бозорида айланаётган валюта захираларининг салкам 74 фоизи доллар бўлса, 24 фоизи евродир. Қолган икки фоиздан сал кўпрокни Буюк Британия ва Япония пуллари: фунт-стерлинг ҳамда иена ташкил этади.

Шу ўринда, захира валюта нима эканига аниқлик киритиб олсак. Захира валюта деб давлатларнинг банклари томонидан йиғиладиган ва халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланадиган халқаро пулга айтилади. Авваллари захира валюта ролини фунт-стерлинг бажариб келган. 1944 йилда Бретон-Вудеда бўлиб ўтган конференцияда доллар иккинчи захира валюта сифатида қабул қилинган. Шундан сўнг АҚШ пули тезлик билан барча бозорларни эгаллай бошлади ва биринчи валютага айланди.

АҚШ долларининг дунё бозорида айланиши мамлакат иқтисодининг тез ва жадал ривожланишига катта туртки берди. Америка Қўшма Штатлари қоғозга пул босиб бойиб кетди. Чунки XX асрнинг 50–60- йилларида долларга дунё бозоридаги ҳамма нарсани сотиб олиш имкони туғилди. Натижада Америка пул станоклари тўхтамасдан ишлади ва дунёдаги энг янги технологияларни сотиб ола бошлади. Бундан ташқари, энг ақли одамларни ҳам АҚШга таклиф қилиш имкони пайдо бўлди. Бугун дунё бозорида қанча доллар борлигини ҳеч ким билмайди.

Халқаро экспертларнинг эътироф этишларича, АҚШ жаҳон Ялпи ички маҳсулотининг асосий истеъмолчиси эканлиги жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқишига фаол таъсир кўрсатган. Маълумотларга қараганда, АҚШнинг жаҳон Ялпи ички маҳсулотигаги улуши 23 фоизни ташкил қилса-да, унинг истеъмолдаги ҳиссаси қарийб 40 фоизга тенг. Хўш, қолган 17 фоиз истеъмол товарларини АҚШ қаердан олади? Албатта, уларни бошқа мамлакатлар ҳисобидан, товар билан таъминланмаган қоғоз пуллар (АҚШ доллари)ни керагидан ортиқ босиб чиқариш ҳисобига сотиб олади. Шу йўл билан дунё миллий бойлигини тақсимлашда, айтиш мумкинки, қароқчилик йўлини тутди.

Ташқи сиёсатда Ироқ, Эрон, Ливия, Судан, Сурия каби давлатларда демократик жараёнларни қўллаб-қувватлашни АҚШ ўзининг устувор йўналаши сифатида белгилади. Ироқдаги “конли уруш” давом эттирилди; мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ироқдаги ҳарбий амалиётлар учун АҚШ бир ойда 12,5 млрд доллар сарфланган. АҚШнинг Ироқда уруш ҳаракатларини бошлангандан бери сарфланган харажатлари 850 млрд доллардан ошиб кетди. 2005 йилдан бошлаб АҚШнинг Эрон Ислом Республикаси билан муносабатлари янада кескинлашди. 2008 йилги Президентликка сайловларда демократлар партиясининг номзоди Хусайн Барак Обама галаба қилди. Унинг Президентлик курсисига ўтириши АҚШда молиявий

ва иктисодий инкирознинг авж олаётган палласига тўғри келди. Буни қарангки, иктисодий таназзулдан зарар кўрмаган корхоналар ҳам бўлди. Истамбулдаги “Байдан Шоос” (“Baydan Shoes”) коланияси инкироз туфайли кагта даромад килди. Ироқ пойтахти Боғдоддаги матбуот анжуманида АҚШ Президенти Жорж Бушга отилган туфли айнан ўзларида ишлаб чиқарилганини баён қилган мазкур пойабзал ширкати ҳаддан зиёд буюртмани қондириш учун яна 100 кишини ишга олди. Компания бошқарувчиларининг айтишларича, кейинги кунларда “Бушнинг туфлиси” деб аталаётган 271- русумдаги эркаклар туфлисига бўлган талаб тўрт барабар ортган. Туфлига бўлган 10 минглаб буюртмалар АҚШ ва Ироқдан келиб тушган. 2008 йилнинг 14- декабрида Президент Ж. Буш ва Ироқ Бош Вазири Нур ал-Маликийнинг Боғдоддаги матбуот анжумани чоғида 28 яшар маҳаллий тележурналист Мунтадар Заидий айнан шу мақсадда сотиб олган туфлисини Америка раҳбарига қарата отганди.

2011 йил бошланибдики, бироқ 2008 йил ёзида бошланган иктисодий инкирознинг қачон тугагини ҳеч ким айта олмаяпти.

Барак Обама ташқи сиёсатда ижобий силжишлар томон қадам ташлади. 2010 йилда Ироқдан АҚШ кўшинларининг асосий қисми олиб чиқилди. Қолган ҳарбий қисмларнинг ҳам 2011 йилда олиб чиқилишини маълум килди. Б. Обама Ж. Бушнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун кўшинлар сонини кўпайтириш режасини маъқуллади. АҚШ маъмурияти Эрон Ислоҳ Республикасига муносабат масаласида ҳам ўзидан олдинги Президентларнинг йўлини тутмоқда. Жаҳон иктисодий инкирозининг бошланиши халқаро сиёсатнинг айрим ҳодисаларига ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, 2008 йил августда Кавказдаги урушдан кейин Ғарб ва Россия ўртасида бошланиши мумкин бўлган навбатдаги “совуқ уруш” хавфининг йўқолишида, Форс кўрфазида Эрон иштирокида уруш келиб чиқишининг олди олинмишида намоён бўлди. Россия Федерацияси билан муносабатлари яхшиланди. 2010 йилнинг декабрида АҚШ Конгресси стратегик қуролларни чеклаш бўйича Учинчи Шартномани (“СҚЧ–3”) кўриб чиқди ва кўпчилик овоз билан уни қабул килди. 2011 йилнинг февралда Россия давлат Думаси ҳам мазкур шартномани муҳокама қилиб қабул килди. Шундай қилиб, узок музокаралардан сўнг “СҚЧ–3” Шартномаси феврал ойида ратификация қилинди.

4- §. АҚШ ривожланишининг асосий омиллари

Дунё давлатлари орасида иқтисодий кудрати жиҳатидан Америка Қўшма Штатлари биринчи ўринда туради. Американинг мустақил давлат сифатида юксакликка интилиш омилларида ўрганиш фойдадан холи эмас. Американинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жаҳаларда шунчалик юксакликка эришгани тасодифий эмас. Бунинг объектив – инсон иродасига боғлиқ бўлмаган, субъектив – инсон иродасига боғлиқ бўлган омиллари бор. Биринчи гуруҳ омиллар ҳақида гап борганда, АҚШ ҳудудининг катталиги – майдони 9,3200 квадрат километр бўлиб, Европа қитъасига тенг, жугрофий шароити қулай (Тинч ва Атлантика океанлари икки томондан ўраб олган), иқлим шароити мўътадиллиги, хусусан, ёгин-сочининг етарли миқдорда эканлиги, қазилма бойликлар, дарё, кўл, ўрмонлар мавжудлиги, ерларининг серҳосиллиги ва бошқаларни айтиш мумкин. Россия билан қиёслангудек бўлса, АҚШ шимолий қисмининг табиий шароити Қора денгиз бўйиникига мувофиқ келади, Россия шароитининг 30 фоизигинаси АҚШникига ўхшаш. Бу ерда гўза майдонларининг асосий қисмида суғорилмай пахта етиштирилади, бинобарин, сарф-харажат озлиги туфайли самарадорлик юқори. АҚШ иқтисодиёти илдам ривожланишининг энг муҳим жиҳатлари иккинчи гуруҳ омилларга тегишли бўлиб, унинг раванкини, аввало, Европадан кўчиб келганларнинг заковати, илми, меҳнати таъминлади. Америкадаги мавжуд қулай имкониятлар ишчи кучига муҳтож эди, шу туфайли нисбатан юқори иш ҳақи тўланди ва машина-механизмларга алоҳида эътибор берилди. Хориждан бу ерга кўчиб келувчилар тобора кўпайиб борди. Агар XIX асрда Европа аҳолиси 2 марта ўсган бўлса, АҚШ аҳолиси 14 барабар ортганлиги фикримиз далилидир. Ҳозир ҳам Америкага йилига ўртача 700 минг аҳоли кўчиб келади.

1782 йили француз агрономи ва сайёҳи Гектор Сен Жен де Кревекор “Америкалик ким ўзи?” деган саволга шундай жавоб келтирган: “У ё европалик, ёки европаликнинг авлод-аждоди бўлиб, турли қонларнинг ғаройиб қоричмасидирки, бундай ҳолатни бошқа бирон мамлакатда учратмайсиз... Мен шундай оилани мисол сифатида келтиришим мумкинки, унда бува – инглиз, буви – голланд, ўғли француз аёлга уйланган, неваралари эса бошқа миллат вакилларига уйланган ёки турмушга чиқишган. Кўчиб келадиганлар, асосан, Европадан бўлиб, уларнинг аксарияти соғлом, билимли, ишбилармон, ўз олдига аниқ мақсад қўйган, қийинчиликларни енгишга қодир бўлган

турли миллат ёшларидир. Демак, америкаликлар турли миллат ва халкларнинг қоринмасидан иборат. Аммо улар ягона инглиз тили асосида ягона давлат, – Ватан туйғуси билан йўғрилган гоё учун кураш олиб бориб, шу туфайли катта ютуққа эришдилар”.

Эркин бозор муносабатларига асосланган демократик ўзгаришларнинг амалга оширилиши шу ютуқларнинг муҳим омили бўлди. Эркин, демократик хусусий тадбиркорлик кайфияти доимо устун бўлган. Ютуқ ҳар бир шахснинг ҳаракати ўлароқ юзага келган, шу сабабли шахсий рағбат ҳар вақт биринчи ўринда бўлган. Халқ хўжалиги ривожланди, айниқса транспорт, темир йўллар ривож тараққиёт асоси бўлди, мамлакатнинг Атлантика океани билан Тинч океан оралиғини боғловчи темирйўли барпо этилди. Мамлакат иқтисодиётида ички ёниш двигателига асосланган автомобиль саноати алоҳида ўринни эгаллайди. Генри Форд 1913 йили бу соҳада конвейер усулини илк бор амалда қўллади, натижада меҳнат тақсимооти такомиллашди, бу эса меҳнат унумдорлиги ошишини миқдор ва сифат жиҳатдан яхшиланишини таъминлади; юқори иш ҳақи белгиландики, бунда ишчилар ўзлари ишлаб чиқарган машинани харид этишга қодир бўлди.

Йирик ишбилармонлар Гулд, Морган, Эндру Карнеги, Рокфеллер, Форд ва бошқалар барчага ўрнак бўладиган усулда иш юритишди. Иқтисодиётнинг бундай ривожини ниҳоятда тўғри олиб борилган ички ва ташқи сиёсат маҳсули эканлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз, зеро, ривожланиш доимо илгарилаб, равон бормаган. Иқтисодий инкирозлар Американи ҳам четлаб ўтмади. Айниқса 1929–1934 йиллардаги буюк инкироз мавжуд сиёсатни ўзгартиришни тақозо этди. Агар илгари, асосан, эркин хусусий иш юритилган ва мамлакат ялли маҳсулотининг аксарият қисми хусусий мулкка тегишли бўлса, Ф. Д. Рузвельт Президентлик қилган йилларда (1933–1945) муҳим ижобий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, йўл қурилиши, кишлок хўжалиги, банк, ижтимоий муҳофаза ва халқ фаровонлигига алоҳида эътибор берилди, давлат бу соҳаларга кўпроқ сармоя ажратди. Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даврида Америкада олиб борилган сиёсат яхши натижа берди, ҳарбий соҳа ривожини мўмай даромад манбаига айланди: Европа олтин захираси Америкага “йўл олди”. Америкаликларнинг бошқалардан муҳим фарқи шундаки, уларда шароит тақозоси туфайли зарурий ўзгаришлар, ислохотлар, шароитга мослашув тез амалга оширилади. Масалан, юқорида айтиб ўтилган буюк инкироз даврида ишсизлар 17

миллион кишини ташкил этди, мамлакат иқтисодининг 50 фоизи инқирозга учради. Шунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш зарурати кескинлашиб, бу иш дарҳол амалга оширилди. Шунингдек, 70- йилларда нефть инқирози рўй бериб, федерал ҳукумат ўтказган сиёсат талабга жавоб бермай қолди. Бундай таъгликни бартараф этиш учун 1980 йили Рональд Рейган бир қанча солиқларни қисқартириб, хусусий тадбиркорликка кенг имтиёзлар берди. Шундан буён йиллик инфляция 5 фоиздан паст даражада сақлаб келинмоқда.

XX аср ўрталаригача саноат, хусусан, оғир саноат, кейинги даврларда эса хизмат кўрсатиш соҳаси (савдо-сотиқ, транспорт, алоқа, информатика, туризм ва бошқалар) етакчи бўлиб қолди. Айниқса, компьютерлаштириш, космонавтика, экспорт саноати мунтазам ривожланмоқда. Умуман, XXI аср информатика асри бўлишига шакл-шубҳа йўқ.

Бу ерда фермерчиликка асосланган қишлоқ хўжалигида аҳолининг оз қисми банд бўлса-да, аммо унумдорлик ва самарадорлик низоҳатда юқорилиги туфайли мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан тўла таъминланган ва хорижга ҳам кўплаб чиқарилади. Масалан, Америкада пахтачилик юқори даражада ривожланган бўлиб, унга жаҳон пахта толаси экспортининг 30 фоизи, Ўзбекистонга эса 20 фоизи тўғри келади. Нуфуси дунё аҳолисининг атиги 5 фоизини ташкил этган Америка жаҳон бўйича етиштирилаётган маҳсулотнинг салкам тўртдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Америкада “Ҳар бир инсон – ишбилармон” деган шior бор. Маълумотларга қараганда, бу ерда 20 миллионга яқин фирма бўлиб, жумладан, 13,5 миллиони ижарага олинган яқка мулкдорчилик, 1,8 миллиони шерикчилик асосида ва 4,2 миллиони корпорация тарихасида иш юритади. Фирмаларнинг аксарияти кичик бўлиб, йилига 100 минг доллардан камроқ бизнес киримига эга. Кичик ва ўрта бизнес муҳим ўрин эгаллайди, чунки бу соҳада ишловчилар сони катта бизнесдагиларга деярли тенг. Сўнгги даврда вужудга келган янги иш жойларининг 60 фоизи кичик бизнес корхоналаридадир. XX асрнинг 80- йилларида АҚШда кичик бизнес корхоналари 7 миллионга кўпайди. Айниқса, америка аёлларининг яқка мулкчилик асосидаги бизнес корхоналари йил сайин кўпаймоқда: 1977 йили улар сони 1,9 миллион бўлса, 2002 йилда 4,4 миллионга етди. Яқка мулкчилик бир шахс эгаллигида бошқариладиган фирма бўлиб, унинг раънақи ёки инқирози буткул ўша шахснинг ўзига боғлиқ. Бунинг афзал томони шундаки, мулк соҳиби биров билан келишмай, тезкор ва

катъий қарор қилиши мумкин. Корпорацияга нисбатан камроқ солиқ тўлайди. Дарвоқе, кичик бизнес, одатда, янги маҳсулот ёки хизмат тури ярағилишининг бошланғич нуқтасидир. Айтайлик, шахс бирор гоёни амалда татбиқ этишга уринади. Агар иши бароридан келса, бизнеси ривож топади ёки маҳсулотни каттароқ фирма сотиб олиши мумкин. Кичик бизнес кишининг тажрибасини орттирадики, бу ҳол кейинчалик каттароқ миқёсда қўл келиши. ихтисослашган маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга яхши мослашиши мумкин. Оммавий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дидига маъқул келмаган истеъмолчиларга ҳунармандлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни, хизмат турларини таклиф этишлари мумкин. Аксари кичик бизнес катта бизнес миқёсига етиб, давлатнинг иқтисодий қудрати ортиришига ҳисса қўшади. Америкада жорий этилган техник янгиликларнинг 55 фоизи кичик ва ўрта бизнес соҳаларига мансубдир. Дарҳақиқат, кичик тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётига куч бағишлаб, ижодкорлик ва рақобат муҳитининг муҳим қисми саналади.

АҚШ–Ўзбекистон муносибатлари

АҚШ давлати Ўзбекистон Республикаси билан давлатлараро алоқаларни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйди. 1992 йил 15–16 феврал кунлари АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда биринчи бўлиб АҚШнинг элчихонаси очилди. 1993 йил 14 сентябрда АҚШ Давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси Строб Талбот Ўзбекистонга келиб, Ўзбекистон Президентиги билан ҳамкорлик қилиш масалаларида суҳбатлашди. 1993 йил 6 апрелда АҚШ Мудофаа вазири Уильям Перси юртимизга келди, Ўзбекистоннинг НАТО “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” Дастурида иштироки муҳокама қилинди. АҚШ Армияси ўқув-машқ марказида бўлиб ўтган тинчликни таъминлаш мақсадидаги ҳарбий машқларда Ўзбекистон Қуролли Кучлари взводи иштирок этди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида сармоёларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисида Шартномалар тузилди. Тошкент–Нью-Йорк ўртасида бевосита ҳаво йўли очилди. Ўзбекистонда 1996 йил бошларигача америкалик сармоюдорлар иштирокида 200 та Ўзбек–Америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатди. Булар орасида Навоий вилояти Зарафшон водийси-

даги Мурунговда АҚШнинг “Ньюмонт Майнинг” корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиб олувчи “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси бор. Американинг 28 та компания, фирма ва банки Тошкентда ўз ваколатхоналарини очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1996 йил 23–28 июн кунлари АҚШда бўлиши Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларини янги поғонага кўтарди. Унда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, томонлар манфаатига дахлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик масалалари муҳокама этилди.

1996 йил 25 июн куни Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 2002 йил 11–14 март кунлари АҚШга расмий ташриф билан борди. Америка Қўшма Штатларида Ўзбекистон раҳбарига кўрсатилган эътибор, алоҳида ҳурмат Президент Жорж Буш билан мулоқотдан бошланди. АҚШ давлат раҳбари бу учрашувга улкан аҳамият беришини намойиш этган ҳолда, суҳбатга АҚШнинг олий даражадаги раҳбарлари, министрларни ҳам таклиф қилди ва учрашув ғоятда самимий, дўстона вазиятда ўтди. Президент Ж. Бушнинг: “Ҳамма билан бўлиб кўйсин, биз Ўзбекистон билан энди стратегик шерикмиз”, деб айтган сўзлари, шунчаки, лутф эмас, балки кўп йиллик синовлардан ўтган, бугун шартномавий ҳужжатлар бўлиб муҳрланган муносабатларнинг ифодаси эди.

Биринчидан, Марказий Осиё келажаги, қисматига бевосита боғлиқ дунёда 11 сентябр фожияларидан кейин юзага келган ўзгача сиёсий вазият янгича ишончли муносабатларнинг меҳвариди турган улкан воқеа бўлди.

Иккинчидан, давлат раҳбаримиз 2000 йилги Наврўз тантаналаридаги табригида таъкидлаганларидек, жаҳон ҳамжамиятининг озод ва обод Ваганимизга нисбатан ҳурмат-эҳтироми, эътироф ҳамда ишончи тобора ортиб бораётганлиги исботи бўлди.

Учинчидан, ташриф ўзбек дипломатиясининг тан олинган улкан ютуғи сифатида ҳар икки мамлакатда замоннинг янги воқеликларига мувофиқ келадиган сифат жиҳатдан янги муносабатларни ривожлантиришга бўлган қизиқишлар ўсувчанлигидан далолат беради.

Тўртинчидан, икки давлат ўзаро стратегик шерикка айланди. Айни пайтда, Ўзбекистон АҚШ ҳамкорликларининг ишончли ше-риги бўлди.

Бешинчидан, АҚШ стратегик ҳамроҳ сифатида Ўзбекистон билан бирдам бўлиб, унинг миллий тикланиши ва халқаро мавқеининг ошишида, туб ислоҳий жараёнларнинг янада самарали ҳамда истиқболли бўлишига кўмаклашади. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган 160 миллион доллар миқдоридан маблағ ажратилишига келишилганлиги, шунингдек, Жаҳон Банкининг 350 миллион доллар миқдоридagi имтиёзли кредит бериши билан боғлиқ Жаҳон Банки бошлигининг 2002 йил апрель ойидаги Тошкент сафари натижалари – фикримиз исботи.

Олтинчидан, АҚШ Марказий Осиёдаги тинчлик ва сиёсий барқарорликнинг кафили, халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги энг яқин ҳамкорга айланди.

Еттинчидан, хавсизлик ва мудофаа масаласида АҚШ Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик ҳамда тараққиёт кафилига айланди. Мамлакатимиз Қурулли Кучлари ислоҳига 2003 йилда 43 миллион доллар миқдоридан амалий кўмак беришга келишилди. Давлат чегараларини мустаҳкамлаш, халқаро террорчилик, диний ақидапарастлик, уюшган жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашиш, оммавий қирғин қуроқларини тарқатмаслик борасида ёрдам кўрсатиш режалари белгиланди.

Саккизинчидан, буюк имкониятлар уфқи очилди, ички ва ташқи сиёсатимиз, миллий тараққиётимиз, мақсад ва орзу-интилишларимиз тўғри ҳамда истиқболли эканлигига ўзимизда ва демократик маърифий дунёда яна бир бор қониқ ишонч билан мустаҳкамланди.

Оқ уй олдида ўтказилган учрашувда иштирок этган Президент Жорж Буш ўз нутқида Ўзбекистоннинг аксилтеррор коалициясидаги ролини алоҳида таъкидлаб, мамлакатимиз раҳбарияти ва халқига ўз миннатдорлигини билдирди.

Бундай учрашувлар давомида Ислом Каримов АҚШ Президенти Жорж Буш, унинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс, Пентагон раҳбари Дональд Рамсфельд, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқалар билан мулоқотда бўлинди.

Ўзбекистон Президентининг аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлаш доирасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берилди.

Ислом Каримов халқаро терроризмга қарши курашга қўшган ҳиссаси ва хизмати учун “Халқаро миқёсидаги буюк давлат арбоби” юксак мукофоти билан тақдирланди.

Сафар давомида икки томонлама имзоланган олгита ҳужжатнинг барчаси долзарб. Лекин улар орасида иккала давлат ўртасидаги сиёсий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида” Декларация алоҳида ажралиб туради. Унинг сиёсий аҳамияти АҚШ Ўзбекистонни стратегик шерик сифатида расман тан олишида бўлди.

АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан йўллаган табригида, жумладан, бундай дейилади:

“Ўзбекистон ва Қўшма Штатлар ўзаро муҳим манфаатларга эга. Ўтган ўн йил мобайнида бир катор долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда бирга ҳаракат қилиб келдик. Оммавий қирғин қуроллари тарқатилишининг олдини олиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний оқимини тўхтатиш ва халқаро терроризмга қарши курашишдаги ҳамкорлигимиз бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур ҳамкорлик нафақат давом этмоқда, балки янги муаммолар пайдо бўлгани сари чуқурлашмоқда ва кучаймоқда ҳам. Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг ЕХХТ, “Тинчлик йўлида ҳамкорлик”, НАТОнинг ҳамкорлик бўйича Евроатлантика Кенгаши каби халқаро ташкилотлардаги иштирокини фаол қўллаб-қувватлайди”.

Бу нарса АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовга йўллаган мактубида ҳам ўз ифодасини топди. Ушбу мактубда, жумладан, бундай дейилади: “Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши кураш ҳамда Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттираётган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаши борасида шахсан Сиз кўрсатаётган сабъ-ҳаракатларни юксак кадрлайман. Ўзбекистонда АҚШ Қуролли Кучларининг муайян қисмини қабул қилиш ҳақидаги қарорингиз амалга ошираётган ишимизга қатта ҳисса бўлиб кўшилди. Вазифамиз осон эмас, муваффақиятга эришмоғимиз учун анча вақт керак. Аммо биз биргаликда, барибир, ўз мақсадимизга етамиз.”

2001 йилнинг декабр ойи ва 2002 йилнинг январ ойи жаҳон оммасининг диққат марказида Ўзбекистон турди десак бўлади. Бу давр мобайнида Ўзбекистонга нуфузли ва юксак мартабали давлат жамоат арбоблари ташриф буюрди. 2001 йил декабр ва 2002 йил январ ойида АҚШ сенаторлари делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу ўринда, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, АҚШ сенаторларининг

10 фоизи юртимизда бўлиб, халқимиз ҳаёти билан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Бундан ташқари, Ўзбекистонга АҚШ давлат котиби К. Пауэллнинг Мудофаа вазири Д. Рамсфельд, генерал Т. Френке, АҚШ сенаторлари делегациясининг ташриф буюриши, БМТ собиқ Бош котиби Кофи Аннанднинг Президент Ислом Каримовга миннатдорлик мактубини йўллаш халқаро террорчиликни таг-томири билан йўқотиш борасида Ўзбекистон қўшаётган катта амалий ҳиссани эътироф этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2002 йилнинг 29 январидан ушбу делегация аъзоларини Оксаройда қабул қилди. Қабул асносида Юртбошимиз, жумладан, шундай деди: “Ўзбекистонга АҚШдан бундай мўътабар делегациянинг келиши, бу қадар кенг камровли музокаралар ўтказилишидан биз мамнунмиз. Буни АҚШда Ўзбекистон билан муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга интилиш кучайганининг тасдиғи ҳамда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорлик янада мустаҳкамланишидан мамлакатингиз мапфаатдорлигининг ифодаси, деб биламиз”.

Бироқ 2005 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган воқеаларга (диний-экстремистик ҳаракатлар) нисбатан АҚШнинг асосиз танқидий муносабати Ўзбекистон–АҚШ ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатди. Хонободдан АҚШ ҳарбий базаси чиқариб юборилди ва ёпилди. Бу воқеа америкалик сиёсий доираларга дарс бўлди. Шундан сўнг Вашингтон Марказий Осиё бозорида газ-ёқилғи етказиб берувчи воситаларга оид ҳар қанақанги катта лойиҳалар Ўзбекистоннинг иштирокисиз, қолаверса, минтақадаги тинчликнинг таъминланиши, халқаро терроризмга қарши куралиш каби масалалар ҳам амалга ошмаслигини англаб етди. Андижон воқеалари ҳақидаги асосиз муносабат ўйламасдан, воқеаларни ўрганмасдан ташланган қадам эканлигини тушунди ва олдинги позициясидан воз кечиб, Ўзбекистон билан алоқаларни тиклаш йўлига ўтди.

Ўзбекистон 1994 йил НАТО нинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига қўшилди ва унинг ҳарбий машқларида қатнашиб келмоқда. Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун БМТ шафеълигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва АҚШ, НАТО ва Россия вакилларида иборат “6 + 3” мулоқот гуруҳини тузиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. АҚШ–Ўзбекистон муноса-

батларининг яхшиланиб бораётганлигини мамлакатимизда ишлаб турган ўнлаб кўшма корхоналардан ҳам билса бўлади.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар каби кўплаб йўналишларда изчил тараққий этмоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтаришга хизмат қиладиган кенг қўламли масалалар бўйича самарали мулоқотлар олиб бориляётир. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, жумладан, халқаро терроризмга қарши курашиш, наркотрафикни бартараф этиш борасида ҳам ўзаро ҳамкорлик мустақкамланмоқда. Томонлар турли дастурлар доирасида мутахассислар учун ўқув тренинглари ташкил этиш орқали мазкур йўналишда мунтазам тажриба алмашмоқда. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган иқтисодиёт, савдо, сармоя, ҳаво транспорти, таълим каби соҳалардаги ҳамкорликка оид Битимлар ўзаро муносабатни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиляётир. Икки мамлакат ҳам улкан иқтисодий салоҳият ва тажрибага эга. АҚШнинг етакчи компаниялари мамлакатимиздаги корхоналар билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир. Жумладан, жаҳон автомобилсозлик саноатининг етакчиларидан бўлган “Женерал Моторс” (“General Motors”) компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган “ЖМ Ўзбекистан” (“GM Uzbekistan”) кўшма корхонасида ишлаб чиқариляётган автомобилларга бугун нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб катта.

Ҳозирги вақтда АҚШнинг “Женерал Моторс”, “Тексако”, “Чар-тис” каби катор компаниялари Ўзбекистонда йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Юқори технологиялар соҳасининг етакчилари деб эътироф этилган “Хоневелл”, “Сикорский эйр-крафт”, “Эксон мобил”, “Женерал электрик” сингари компаниялар Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш жараёнини ривожлантирмоқда.

2010 йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 181 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Юртимизда америкалик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 243 та кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мамлакатнинг 63 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар, асосан, автомобилсозлик, нефть-кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослаштирилган.

VII БОБ. 1945–1991 ЙИЛЛАРДА СССР

1- §. Урушдан кейинги дастлаб йилларда Совет Иттифоқи

Урушдан кейинги йилларда иқтисодийтни тиклаш

Уруш йилларида мамлакатнинг халқ хўжалиги жуда катта талофат кўрди. Оккупация қилинган ерлар деярли вайрон бўлган, халқ турмуш даражаси ачинарли аҳволда эди. 1946–1947 йилларда Россия, Украина, Молдавиянинг бир қатор районларида бошланган очарчилик тахминан 20 млн аҳолини қамраб олди. улардан 1 млн га яқин киши очарчилик туфайли ҳаётдан кўз юмди. Кўчаларда бошпанасиз, яшаш учун маблағи бўлмаган кўчада одамлар дайдиб юришарди.

Миллионлаб Германияга асир қилиб олиб кетилганлар, оккупантлардан қочганлар, эвакуация қилинганлар ва хизматдан бўшатирилганлар ўз яшаш жойларига қайтишга уринардилар, лекин уларни жойлаштириш, иш билан таъминлаш муаммо эди. Муҳтож одамларга ёрдам кўрсатиш жуда мушкул эди. Ҳукумат фаолиятини қайта тиклаш суёт даражада амалга оширилаётганди. Урмонларда Ғарбий Украина, Белорус ва Болтиқбўйи давлатларининг СССР таркибига киришини хохламайдиган, оломонлар билан ҳамкорлик қилаётган полицайлар тўдаси изғиб юрарди. Улар Ғарбнинг ёрдамига ишонардилар. Биргина 1946 йилнинг ўзида Ғарбий Украинада кўпчилиги партия ва ҳукумат раҳбарлари бўлган 2 мингга яқин киши ўлдирилди.

1945 йилда мамлакатда фавқулодда вазият бекор қилинди. Давлат Мудофаа қўмитаси тарқатиб юборилди. Халқ Комиссарлари Совети Министрлар Совети сифатида қайта тузилди. Мамлакатни истикболли ривожлантириш масалалари муҳокамаси жараёнида Министрлар Совети Раиси П. А. Вознесенский гражданлар урушдан кейин мамлакат иқтисодийтини тиклашда қўлланган НЭП билан

боғлиқ тажрибадан фойдаланиш керак, деб таклиф киритди. Колхозларни тарқатиб юбориш, кичик хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш каби таклифлар ҳам ўртага ташланди. Фуқароларнинг демократик ҳуқуқларини кафолатловчи янги давлат дастури ва янги Конституция қабул қилиш ҳақида фикрлар муҳокама қилинди. Ҳукумат раҳбарларининг бир қатор чиқишларида синфий кураш тобора чекинаётганлиги, Совет Иттифоқида “синфий душман” фаолияти учун асос йўқ эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ғоя, асосан, Г. М. Маленковга (1902–1988) тегишли бўлиб, ўша даврда у Министрлар Совети Раиси ўринбосари вазифасида ишларди ва Сиёсий Бюро аъзоси ҳам эди.

Лекин И. В. Сталиннинг нуқтаи назари ҳаммасидан устун келди. У тугилаётган муаммоларни буйруқ ва сафарбарлик тартибида ҳал этиш усулларини олға сурди. Натижада тўртинчи беш йилликда (1946–1950) ҳам марказлашган қаттиққўл бошқарув усулларидан фойдаланилди. Беш йилликда уруш даврида вайрон бўлган саноат корхоналарининг асосий қисми тикланди, мамлакатнинг шимолий ва шарқий ҳудудларини ўзлаштириш ҳам давом эттирилди. Нефть, газ, кўмир қазиб олиш тез ривожлана борди (хусусан, Печора бассейнида), Волга-Дон канали қурилиши тугалланди. 1948 йилда иқтисодий ривожланишнинг урушгача бўлган кўрсаткичларидан ўзиб кетилди (оғир саноат 1940 йилга нисбатан 118%). 1953 йилда СССР жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ривожланган давлатлар йигирмалигидан ўрин олди ва Чор Россиясининг кўрсаткичларидан анча ўзиб кетди. Аҳоли турмуш даражасини кўтариш бўйича ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 1947 йилда карточка тизими бекор қилинди. 8 соатлик иш куни, меҳнат таътили жорий қилинди. Беш йилликда 100 млн кв дан ортиқроқ уй-жой қурилди, янги мактаблар, кутубхоналар, касалхоналар ишга туширилди.

Олий таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. 1947 йилда талабалар сони урушдан аввалги кўрсаткичдан ошиб кетди. 1949 йилдан бошлаб аҳоли эҳтиёжи маҳсулотлари нархи йилига ўртача 20% га пасайиб борди. Умуман олганда, 1947–1952 йилларда нархлар тахминан 50% га пасайиб, иш ҳақи оша борди. 1954 йилга келиб иш ҳақи 40–50% кўтарилиб, Россия империясининг энг юқори кўрсаткичларидан ўзиб кетди.

Халқнинг турмуш даражаси бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Асосий ресурслар (88%) оғир ва ҳарбий саноатни ривож-

лантиришга қаратилиши боис бунинг иложи бўлмади. АҚШни ядро қуроли монополиясидан маҳрум қилиш устувор вазифа бўлиб қолганди. Ҳарбий техникани такомиллаштириш, армияни қайта қуроллантириш масаласи халқ эҳтиёжи маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан муҳимроқ саналарди.

Совет Иттифоқининг юқори даражали ҳарбий технологиялар соҳасида АҚШни қувиб етишига нима омил бўлганлиги ҳанузгача баҳсларга сабаб бўлмоқда. Американинг тарихий маълумотларига кўра, СССР бунга шпионаж ёрдамида, яъни АҚШнинг ҳарбий сирларидан воқиф бўлиш натижасида эришган, деб ҳисобланади. Совет разведкачиларининг чош этилган мемуарлари бу ҳолатни анча ойдинлаштирди. Американинг ядро қуроли лойиҳасида иштирок этган бир қатор олимлар Америка Қўшма Штатлари дунёда ҳукмронлик ўрнатиш учун атом бомбасидан фойдаланиш мумкин, деб ҳайқардилар. Ҳақиқатан ҳам, олимлар СССР разведкасига ядро қуролига тегишли баъзи бир маълумотларни етказиб берганлар. Бу эса Совет Иттифоқида ядро қуроли яратилиши муддатини бир неча йилга қисқартирди. Аммо ядро қуроли тадқиқотлари, асосан, атом энергияси институти олимлари томонидан олиб борилган ва муваффақиятли якунланган (раҳбар – И. В. Курчатов). 1953 йилда шу аснода биринчи бор водород бомбаси яратилди. Биринчи бор атом электростанцияси ҳам Совет Иттифоқида (Обнинск) 1954 йилда ишга туширилди. Урушдан кейинги йилларда юқори суръатли ривожланиш ва армияни қуроллантиришдаги муваффақиятлар қуйидагилар билан асосланади:

– Совет Иттифоқининг Германиядан умумий миқдори 4,3 млрд долларга тенг бўлган репарация товон олиши;

– озодликдан маҳурм қилинганлар, Германиядан қайтиб келганлар, лагерлардаги (9 млнга яқин киши) маҳкумлар меҳнатидан бепул фойдаланиши;

– қишлоқлардан моддий бойликларни тортиб олиш;

– гармоқлар бир қисмининг колхозларга қўшиб юборилиб, колхозларнинг эса йириклаштирилиши. Бозорларда маҳсулотлар сотиш солиқлари оширилди. Давлатга мажбурий маҳсулот сотиш миқдори кўнайти. 1948 йилда колхозчиларга паст нархда давлатга майда мол сотиш мажбурияти юклатилди.

– 1947 йилда пул реформаси ўтказилди. Пул маблағларини омонат кассаларида сақлаганлар катта йўқотишлар кўрди. Улар 10 сўмга янги 1 сўм олганлар. Облигациялар, давлат заёмлари бўйича алманш-

тириб бериш 1:3 нисбатни, кичик омонатлар учун 2:3 нисбатни ташкил қилди.

Расмий маълумотларга кўра, бу реформа уруш йилларида чайқовчилар кўлида тўпланиб қолган пул маблағларини олиш мақсадида ўтказилганди.

Аслида эса, етиштирган маҳсулотини бозорда сотиб, пул маблағларини уйда сақлаган деҳқонларга катта зарар етказди. Ҳақиқатда эса, пулдор шахслар пулларига реформага қадар заргарлик буюмлари, суратлар, иконалар сотиб олиб, деярли зарар кўрмаган эди.

1940 йилларнинг охири–50- йиллар бошларида мафкура ва сиёсат

Урушдан кейинги йилларда Совет Иттифоқида ички қарама-қаршилиқларнинг кучайиши кузатилади. Бир тарафдан, СССР аҳолисининг асосий қисми ғалабани Сталин номи билан боғларди. Халқ хўжалигининг тез суръатларда тикланиши, турмуш даражасининг ўсишини ҳам Сталин хизмати деб ҳисобларди. Бошқа тарафдан, уруш ва урушдан кейинги йилларда жамиятда вужудга келган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар тез орада ижобий ўзгаришларга умид боғларди. Фронтларда қатнашган ҳарбийлар, Германияда бўлган асирлар, Ғарбий Европада бўлиб қайтган уруш қатнашчилари буржуа жамияти ҳақидаги ташвиқотларнинг ёлғонлигини ва у ерларда аҳоли турмуш даражаси Совет Иттифоқидагига нисбатан анча юқори эканлигини ўз кўзлари билан кўриб келдилар. Уруш, асирлик азобларини кўрган кишиларга “халқ душмани” сифатида қарашиб, лагерларда сақланди. Эндиликда улар ўз тақдирларига бошқача қарай бошладилар. Лагерга сургун қилинган ёзувчи зобит А. Солженициннинг (1974–1994 йилларда муҳожирликда бўлган) ёзишича, фронт қатнашчиларида ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, яшашни янгича қабул қилиш ҳислари уйғонган. 1948–1953 йилларда бўлган маҳбуслар қўзғолони шундан дарак беради. Партия бошқаруви таркиби ўзгарганди. Аъзоларнинг кўпчилиги (2/3) қисми уруш йилларида, яъни партиёга аъзо бўлиш шартлари осонлашган вақтда аъзоликка ўтган шахслардан иборат эди. Уларнинг асосий қисми фақатгина бошланғич маълумотга эга бўлиб, Совет Иттифоқида рўй бераётган ҳақиқий аҳволни тушуниб етмасди. Улар партиёнинг

юкори раҳбарияти ҳийла-найранглирига осонгина мослашиб, янги репрессия жараёнларида фаол иштирок этганди.

Германияга олиб кетилган ёки асир тушган ва уруш тугагандан кейин СССРга қайтган одамлар биринчи навбатда таъкиб остига олинди. Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси ходимлари уларнинг рейхга жўнатилиши ва асирликка олиб кетилишини қатъий назорат остига олдилар. Натижада 2 млн дан ортик кишилар лагерларга жўнатилди. Антисовет ва миллатчилик қайфиятлари пайдо бўлган ҳудудларда ўта қаттиққўллик билан сиёсат юритилди. Уруш йилларидаёқ НКВД “исёнчилар” ва “бандитлар” ҳаракатига қарши кураш олиб борди. 1943–1944 йилларда Шимолий Кавказда Германия кўмондонлиги билан ҳамкорликда иш олиб борган 20 минг кишилик жангчилар гуруҳи йўқ қилинди. Чеченлар ва ингушлар мажбуран Қозоғистон ва Қирғизистонга кўчирилди. Худди шундай таъкиблар Шимолий Осе-тия, Доғистон, Грузия, Қабардо болқорлари, черкеслар ва Қримда ҳам ўтказилиб (жами 1,5 млига яқин), аҳоли ватанидан бошка жой-ларга кўчирилди.

Олмонлар Ғарбий Украинадан чекингандан сўнг, уларнинг тахми-нан 100 минг кишилик қуролланган тарафдорлари оккупантлар би-лан ҳамкорликда иш олиб бориб, Украина “мустақиллигини” сақлаб қолмоқчи бўлдилар. Совет кўмондонлигининг маълумотларига кўра, бу курашда кизил армия жангчиларидан 25 минг киши ҳалок бўлди. 1956 йилгача Литвада ҳам шундай курашлар давом этди.

Умуман айтганда, 1947–1953 йилларда Литва, Латвия, Эстония, Молдавия, Украинадан қамок лагерларига 280 минг киши жўнатилди. Оқлангандан сўнг, фақат 15 минг киши ватанига қайтишга муваффақ бўлди. Миллий округлардаги зиддиятлар партия раҳбарларини янги ғоявий сиёсат ўтказишга мажбур қилди. 1946–1947 йилларда рус халқининг Совет Итифокидаги ўрни, рус проваслав черковининг фа-шизм устидан ғалаба қилишдаги аҳамияти кенг тарғибот қилинди. И. В. Сталиннинг яқин сафдошларидан бири А. А. Жданов (1896–1948) мамлакатда мафкуравий ишларга раҳбарлик қилди. Унинг фикрича, кўглаб фан ва маданият арбоблари “Ғарбга тиз чўкиш” да айбланиб, уларга чоралар кўрилди. 1946 йилда ВКП МҚнинг “Звезда” ва “Ленин-град” журналлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор ёт фикрларга қарши қабул қилинган ҳужжат эди. 1947 йилда СССР Олий Советининг фармонида асосан, мамлакат фуқароларининг чет эллик фуқаролар билан никоҳдан ўтиши таъқиқланди. “Давлат сирлари тўғрисида”ги Қонунлар ҳам кучайтирилди. Оммавий ах-

борот воситаларида, йнгилишларда, меҳнат фаоллари мажлисларида А. Ахматова, М. Зашенко, Д. Шостакович, С. Эйзенштейн каби шоир, композитор ва режиссёрлар фаолиятини қораловчи қарорлар қабул қилинди.

Кўплаб илмий тадқиқотлар танқид остига олинди. Генетика ва кибернетика реакцион буржуа ва ёлгон йўналиш деб эълон қилинди. СССР раҳбарлари тўғри баҳо бера олмагани туфайли бу соҳалар бўйича тадқиқотлар тўхтатилиб, илмий ходимлар тарқатиб юборилди. Лекин анча фурсатдан сўнг академиклар Н. И. Вавилов ва С. А. Лебедевларнинг ҳатти-ҳаракатлари боис бу соҳаларда Совет Иттифоқида ҳам анча муваффақиятларга эришилди.

1951 йилда Совет Иттифоқида биринчи бор ЭХМ яратилди. Урушдан кейинги йилларда илмий соҳада марксизм-ленинизмни қурол қилиб олган авантюристлар асосий ўрин эгалладилар. Бунинг ҳаммаси оммавий қатағон учун замин яратиб борди. 1946 йилда “совук уруш”га ўтиш даври бошланди. АҚШ билан муносабат кескинлашиб кетганлиги сабабли иттифокчи республикалар ўртасида мустақкам бирлик ўрнатиш зарурлигига эътибор қаратилди. 6,5 млндан ортиқ киши 1948–1953 йиллардаги қатағон қурбонлари бўлди. Улар орасида илгари камалган ёки сургун қилинганлар ҳам бор эди. Қатағонлик йиллари даврида машҳур инсонлар ҳарбий бошлиқлар кўпчилигини ташкил қиларди. Уларни ўз вазифасини суниестемол қилганликда айблаганлар. Маршалл Г. К. Жуков ҳам шубҳа остига олинди, аммо машҳурлиги сабаб камалмади.

“Ленинград иши” катта шов-шувга сабаб бўлганди. Унинг натижасида ленинградлик кўплаб раҳбарлар қатағон қилинди. Огиб ташланганлар орасида Ленинград област партия комитети котиби Н. А. Вознесенский ҳам бор эди. Бир вақтнинг ўзида “космополитизмга” қарши кураш бошланди. Улар ватанпарвар эмасликда, Ғарб олдида тиз чўкишда айблана бошладилар. Айниқса, яҳудийлар исканжа остига олинди. Яҳудийларнинг маданий маркази, газета-журналлари, мактаблари ва театрлари ёпиб ташланди. Паспортдаги миллати деган ёзув яҳудийларни ташвишга солиб қўйди. Уларга ҳатто олий ўқув юртларида ўқиш ҳам чегараланган эди. Яҳудийларни Узок Шарққа, яҳудий автоном республикасига кўчириш режаси ишлаб чиқилди. 1953 йилда “шифокорлар иши” уюштирилди. Улар партия раҳбарларини нотўғри даволашда, зараркунандалиқда айбландилар. Биринчи навбатда, айблов яҳудий миллатига мансуб шифокорларга қаратилди. Кўплаб воқеа иштирокчиларининг ҳулосасига кўра, Ста-

лин ишончини йўқотган сафдошларидан шу йўсинда кутулиш бу воқеаларнинг асосини ташкил қилган.

Сталиннинг вафотидан кейин бундай қатагонлар барҳам топди. И. В. Сталин ҳаётининг сўнгги йилларида партия ичида демократия меъёрлари бузилиб бўлган эди. Раҳбар органлар йиғилиши қақирилмасди, ҳатто 13 йил давомида бирор марта съезд ўтказилмаганди. Фақат 1952 йилда XIX съезд қақирилиб, ВКП КПСС деб атала бошланди.

2- §. СССР Сталин вафотидан кейин

Сийёсий реформалар бошида

1953 йил 5 март куни И. В. Сталин вафот этди. Унинг ўлими ҳокимият учун кураш ва совет жамияти ривожининг янги йўлларини излаб топиш ўн йиллигини очиб берди.

1953 йилда давлат бошқарувидаги лавозимларни Сталиннинг сафдошлари эгаллади. СССР Министрлар Совети Раислиги лавозимини Г. М. Маленков, КПСС МҚ Биринчи секретарлиги лавозимини Н. С. Хрущёв эгаллади. Н.С. Хрущёв 1938–1949 йилларда Украина Компартияси МҚ Биринчи секретари, 1949–1953 йилларда КПСС МҚнинг секретари, Москва шаҳар Компартияси биринчи секретари эди. Янги лидерлар орасида Л. П. Берия ҳам катта мавқега эга эди. Ички ишлар вазирлиги лавозимида бўлган Л. П. Берия мамлакатда ўтказилган қатагонлик сийёсатининг тепасида турди.

Бунгача у НКВД раҳбари бўлиб, мамлакат миқёсида маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишдан тортиб, СССРнинг ядро қуролини яратиш дастуригача бўлган ишларга ҳам бошчилик қилганди. И. В. Сталиннинг хоҳиш-иродаси бўйича ишлаб келган бу раҳбарлар ички ва ташқи сийёсатда ўзгаришлар қилиш лозимлигини тушуниб етардилар. Бу ўзгаришлар куйидаги ҳолатлар билан боғлиқ эди:

– Авваламбор, ГУЛАГ (Лагерлар бош бошқармаси) муаммоси турарди: тюрма ва қамоқ лагерларида 2,5 млн киши, тураржойга эга бўлишда ва касб таълашда чеклашлар ўрнатилганлар 7.5 млн киши. Улар орасида кўплаб машҳур кишилар ва илгари жамиятда обрў-эътиборга эга бўлган ва ноҳақ судланганлар жуда кўпчиликни ташкил этар эди. Жазо муддатлари яқунланиб борган сари, янги

раҳбарият оммавий қатағон қурбонлари тўғрисидаги ҳақиқат юзага чиқишидан жуда кўрқарди. Норильск, Воркута, Қарағанда ва бошқа лагерларда Сталин ўлиmidан кейин жуда кўплаб кўзғолонлар бўлди ва бу кўзғолонлар қийинчилик билан бостирилди.

– Мамлакат иқтисодийети ҳам қийин аҳволда эди. Қишлоқлар вайрон бўлган, зудлик билан ёрдам берилмаса, очарчилик бошланиши муқаррар эди. Аҳолининг 60% ини ташкил этувчи деҳқонлар оммасида норозилик кайфияти кучайиб борарди. Таъкибларга қарамасдан, кўп деҳқонлар шаҳарга кетиб қолгандилар. Фақат 1949 йилнинг ўзида меҳнатга яроқлилар сони 3,3 млн кишига қисқарди. Бунинг устига, кейинги беш йиллик режасида оғир ва ҳарбий саноатни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигидан олинадиган солиқларни ошириш кўзда тутилган эди.

– Халқаро майдонда мамлакатнинг аҳволи анча мураккаб эди. Корей урушдан кейин, СССР АҚШ билан ҳарбий тўқнашув ҳолатида эди. “Совук уруш” туфайли Ғарбий ва Шарқий Европа ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар узилиб қолди. Бунинг устига, СССР ўз ички муаммоларини ҳал этиш ўрнига, социалистик давлатлар ва иттифоқчиларга ёрдам кўрсатарди. Кўрсатилган бу ёрдамлар мамлакат аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланмасди. 1953 йилда ГДРда антисоциалистик ва антисовет кайфиятдаги кўзғолонлар бўлиб ўтди. Бу кўзғолон совет қўшинлари томонидан бостирилди.

Мамлакатда Л. П. Берия ва Г. М. Маленковлар ташаббуси билан реформалар бошланди. Матбуотда Сталин номи камроқ эслатила бошланди. “Шифокорлар иши” ҳам беғуноҳ инсонлар жабр кўрганлиги сабабли тугатилди. Ноҳақ камалган, гуноҳсиз судланганларни оқлаш жараёни, яъни реабилитация бошланди. ИИВни қайта тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Янги раҳбарлар хўжалик органларининг родини ошириш, миллий сиёсатни қайта кўриб чиқиш ва бош лавозимларга ҳудудлардан миллий кадрларни танлаб олиш тўғрисида таклифлар билан чиқа бошладилар.

Ташқи сиёсатни тубдан ўзгартириш масаласи кўтарила бошланди. Жумладан, Л. П. Берия Германия масаласида олдинги сиёсатдан воз кечиш ва Германиянинг бирлашишида СССРнинг тўсқинлик қилмаслиги ҳақидаги фикрни илгари сурди. Лекин бу масала СССР, КПСС раҳбарияти томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Айниқса, Ташқи ишлар вазири В. М. Молотов буни совет сиёсатига хиёнат деб баҳолади. Партия сафида ўз обрўсига эга бўлган “Сталин гвардияси” аъзолари Бериянинг хатти-ҳаракатларига қарши чиқдилар. Хрушчев

бундан фойдаланиб, Берияни камоққа олиш ташаббуси билан чиқди. 1953 йил 26 июн куни Министрлар Совети Президумининг қарорига биноан Берия камоққа олинди. Зудлик билан чақирилган КПСС МҚ Пленумида Берияга давлат тўнгариши қилишга тайёргарлик кўриш, партияни ҳукуматдан ажратиш, уни ИИВга бўйсундириш, чет эл махсус хизматлари билан ҳамкорлик қилиш ва асоссиз репрессиялар каби айбловларни кўйди. 1953 йил декабрида Берия ва бир қатор ИИВ раҳбарлари отиб ўлдирилди.

1953 йилнинг ёздан бошлаб реформалар ташаббуси билан чиқиш Маленков қўлига ўтди. Унинг таклифига биноан, кишлоқ хўжалиги солиғи миқдори деярли 2 барабар пасайтирилди ва унинг миқдори 9,5 млрд сўмдан 4,1 млрд сўмга туширилди.

Ўтган йиллар бўйича олинган қарзлар колхозларга қайтарилди, давлат томонидан сотиб олиш нархлари оширилиб, деҳқонларга томорка ер майдонлари кенгайтириб берилди. 1953 йил июнда КПСС МҚ Пленумида Маленков Сталин шахсига сизгини иллат сифатида қоралаб чиқди. 1953 йилнинг августида СССР Олий Совети сессиясида беш йиллик режани қайта кўриб чиқишни, хусусан, енгил ва озиқ овқат саноатини, кишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш ишларини кун тартибига киритди. Бошқача қилиб айтганда, гап совет жамияти ривожланишининг янги Дастури ҳақида бораётган эди. 1954 йилдан бошлаб, янги ерларни ўзлаштириш Компартия сиёсатининг диққат марказида турди. Янги ерларга энг малакали мутахассислар, бир неча ўн минглаб ёшлар жўнатилди. Беш йил ичида 42 минг гектар ер ўзлаштирилди, Қозоғистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудларининг ўзлаштирилиши мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қоплади. Маленков халқаро аҳволни яхшилаш, АҚШ билан муносабатларни тиклашга уринди. 1954 йилда у: “Совуқ уруш” янги жаҳон урушига сабаб бўлиб, яна миллионлаб одамлар қурбон бўлишига олиб келади”, – деб таъкидлади. Жаҳон урушидан капитализмни йўқ қилишда фойдаланиш умидида бўлган “Сталин гвардияси” дарҳол Маленковни таъкиб остига олди. 1955 йилда КПСС МҚ Пленумида Н. С. Хрушчев Маленковни сохта обрў орқасидан қувувчи оппортунист ва, шунингдек, Берия сафдоши деб айблади. 1955 феврал ойида Маленков вазифасидан озод қилинди ва бошқарув Хрушчев қўлига ўтди.

Н. С. Хрушчев сиёсатдаги қарама-қаршиликлар

1954–1955 йилларда қатагон қурбонларини реабилитация қилиш давом этди. “Ленинград иши” бўйича айбланган, “космополитизм” қурбонлари ва яна кўглаб ҳарбий бошлиқлар оқландилар. 1930 йиллардаги репрессия ишлари ҳам қайта кўрила бошланди. 1956 йилнинг феврал ойидаги КПССнинг XX съездида Н. С. Хрушчев Сталин режими репрессияларини қатъий қоралаб чиқди. Ушбу маъруза асосида КПСС МКнинг “Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Бу маъруза Хрушчевнинг шахсий ташаббуси билан тайёрланганди. Бошқа раҳбарлар унинг мазмуни билан таниш эмасдилар. Сталинни доҳий ва етук раҳбар сифатида қабул қилган съезд қатнашчилари докладни эшитиб, қарахт бўлиб қолдилар. Залда кимдир: “Аҳмоқ!” – деб қичқирди. Кейинчалик Хрушчев ўз мемуарларида сталинизм даврида Совет Иттифоқида нималар рўй берганлигини мамлакат халқига ва бутун дунёга маълум қилиш нияти реабилитация давридан бошланганини ёзган эди.

XX съезддан кейин қатагон қурбонларини реабилитация қилиш анча давом этди. 1956–1961 йилларда 700 мингга яқин киши оқланди. 1957 йилда чеченлар, ингушлар, болқорлар, қорачайлар, қалмиқлар ўз ватанига қайтиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўтган йилларда йўл қўйилган барча хато ва камчиликлар Сталин номи билан боғланди (Ежов ва Берия ҳам мустасно эмас эди).

Мамлакатда илиқлик жараёни бошланди, цензура анча юмшатилади. Аввал реакцион деб ҳисобланган шоир ва ёзувчилар асарлари чоп этила бошланди. “Халқ душмани” тамғаси босилган шахслар ҳақида ёзиш, улар тақдири билан боғлиқ воқеаларни халқ оммасига етказиш имконияти тугилди.

Лекин янги сиёсатда ҳамма нарса силлиқ кетяпти деб бўлмасди. Баъзи бир қарорлар ўйланмасдан қабул қилинарди. Сурғундан ўз ватанларига қайтиб келганлар ва уларнинг жойларини эгаллаган руслар ўртасида миллий зиддиятлар келиб чиқди. Қрим татарлари, Повольже олмонлари реабилитация қилинмай қолди ва бу ҳам муаммолар чиқишига замин яратди. Ўтмиш тарихини тубдан қайта кўриб чиқиш масаласини кўтаришга КПСС раҳбарияти ҳали тайёр эмасди. Бухарин, Зиновьев, Каменев, Троцкий каби антисталин оппозицияси раҳбарларини реабилитация қилиш кун тарғибига умуман қўйилмади. Директив услублар ёрдамида ижодий фаолиятга

ҳам раҳбарликни қўлга киритиш давом этарди. Н. С. Хрушчев ва бошқа партия раҳбарларининг зиёлилар билан учрашувларида бадий асарлар мазмуни соатлаб “тахлил” қилинар, уларнинг муаллифларига расмий баҳолар бериларди. Сталиннинг қораланиши ва Информбюронинг таркатилиб юборилиши СССР ва Шарқий Европа давлатлари орасидаги муносабатлар кескинлашишига сабаб бўлди. Бу мамлакатларда Сталин ташаббуси билан шаклланган режимлар ички оппозиция билан тўқнаш келдилар ва кейинчалик улар ҳам Сталинга қарши сиёсатга юз тутдилар. 1956 йилда Венгрияда антикоммунистик инқилоб бошланди ва бу ҳаракат ҳам совет кўшинлари томонидан бостирилди.

1953 йил Венгрияда бошланган реформалар ташаббускори Премьер-министр И. Надь эди. Лекин Венгрия меҳнаткашлар партияси раҳбари М. Ракоши уни ревизионист деб қоралади ва у вазифасидан четлаштирилди. 1956 йил октябрда Будапештда оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ВМП раҳбариятининг истеъфого чиқишини талаб қилди. Намойишлар қуролли қўзғолонга айланиб кетди. Қўзғолон қатнашчилари давлат хавсизлиги хизмати ходимларига, ҳокимият раҳбарларига қарши ноқонуний суд жараёнларини ҳам ўтказдилар. Бундай шароитда ВМП раҳбарияти ҳокимиятни И. Надга топширди. ВМП тарқатиб юборилди. СССРнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Я. Кадар бошчилигида Венгрия Социалистик ишчи партияси тузилди.

1956 йил 1 ноябрда И. Надь Венгрия Варшава Шартномасидан чиққанлигини эълон қилди ва совет кўшинларининг зудлик билан мамлакат худудидан олиб чиқиб кетилишини талаб қилди. Венгриядаги воқеалар совет раҳбарияти томонидан контрреволюцион тўнтариш деб баҳоланиб, Я. Кадар Москвага чақириб олинди. Совет кўшинлари Будапештни штурм қилиб (4–11 ноябр), бир ҳафта ичида бутун Венгрия худудида “тозалаш” ишларини олиб борди. Жанглар натижасида 200 минг киши Венгриядан қочиб кетди. 3 мингга яқин киши ҳалок бўлди. Совет армияси талофати 2170 киши бўлиб, шулардан 669 киши ҳалок бўлди. Я. Кадар “контрреволюция” бостирилгач, Венгрияга раҳбарлик қилишни ўз қўлига олди.

Я. Кадар бошчилигидаги янги ҳокимият оппозицияга қарши репрессияни бошлаб юборди, 20 мингдан ортиқ кишилар устидан суд ишлари бўлиб ўтди. 400 дан ортиқ қўзғолончилар ва, шу жумладан, И. Надь ҳам қатл қилинди. ДХК маълумотларига қараганда, совет армиясининг 200 дан ортиқ ходимлари Венгрияга қарши агрессияни

қоралагани учун жазоландилар. Венгрия воқеаларидан ва XX съезддан сўнг Сталинни халқаро коммунистик ҳаракат йўлбошчиси деб ҳисоблаган жуда кўплаб мамлакатлар Компартиялари билан КПСС ўртасида муносабатлар кескинлашди. Уларнинг фикрига кўра, СССР социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан маслаҳатлашмасдан, Сталин шахсига сиғиниш сиёсатини олиб бормаслиги керак эди. Шу сабабли Хитой билан ҳам алоқа бузила бошлаганди. Хрушчевнинг Ғарб давлатларига нисбатан сиёсати қарама-қаршиликлардан иборат бўлди. Коммунистик партиянинг XX съездида улар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида таъкидлаб ўтилганди. Буидан ташқари, носоциалистик давлатлар билан муносабатларни яхшилаш ҳақида гапирилиб, савдо алоқаларини ўрнатиш ҳам кўзда тутилганди. Сталин ўлимидан сўнг Корея билан ярашишга эришилди. 1955 йилда иттифоқчилар томонидан оккупация қилинган Австрия муаммоси ўз ечимини топди. СССР, АҚШ, Англия келишувига асосан, ушбу давлатларнинг қўшинлари Австрия ҳудудидан олиб чиқилди. Австрия бетараф демократик давлатга айланди.

Бир вақтнинг ўзида халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ишлари СССРнинг ҳарбий салоҳиятини кучайтириш эвазига амалга оширилаётган эди. Унда АҚШга қарши давлатларни қўллаб-қувватлаш ҳам кўзда тутилган эди. Бу қарама-қаршиликлар Хрушчев сиёсатига путур етказди. КПСС Марказий Кумитаси Президиуми аъзолари: Ворошилов, Молотов, Кагановичлар 1957 йилнинг 18 июнида Н. С. Хрушчевнинг истеъфога чиқишини талаб қилдилар. Юз берган вазиятга СССР мудрофаа вазири Р. К. Жуковнинг катта саъй-ҳаракати Н. С. Хрушчевнинг ўз вазифасида қолиши аҳамиятга эга бўлди. Унинг ташаббуси билан Москвага Хрушчев тарафдорлари самолётларда зудлик билан етказиб келинди. 1957 йил 27 июнда КПСС МҚ Пленумида Хрушчев оппозицияни террор ва репрессия даврига қайтишда айблади. “Сталин гвардияси” лидерлари мағлубиятга учрадилар. Улар ўз вазифаларидан озод қилиниб, нафақага чиқариб юборилди. Шундан сўнг Хрушчев Жуковга қарши ҳаракат бошлади. КПСС МҚ Жуковни истеъфога чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. 1958 йил март ойида Хрушчев КПСС МҚ Биринчи қотиби бўла туриб, СССР Министрлар Совети Раиси лавозимини ҳам эгаллади. Шу тариқа мамлакатда яна яккахоқимлик сиёсати ўрнатилди.

3- §. 1950- йиллар охири ва 1960- йиллар бошларида СССР

1950- йиллар охирида КПСС иқтисодий сиёсатининг инқирози

50- йилларнинг охири—60- йилларнинг бошларида совет жамияти ривожланили қарама-қаршиликлар билан характерланади. Бу сиёсат Н. С. Хрущевнинг мамлакатда ислохотларни бир текисда ўтказмаётганлиги билан боғлиқ эди.

1953 йилда мамлакатда кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари ижобий натижалар бера бошлаган эди. 1953—1958 йиллар орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 34% га ошди, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари эса 1,6 баробар кўпайди. Мамлакатда фан-техника ютуғи сифатида 1957 йилда учирилган ернинг сунъий йўлдошини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бу ютуқлар партия раҳбариятида совет жамияти ва социалистик тизимнинг имкониятлари ниҳоятда катта деган ишончни туғдирди. КПССнинг 1959 йилда бўлган XXI съездида ўн йил ичида СССРнинг энг ривожланган мамлакат — АҚШдан ҳам ўзиб кетиши вазифа қилиб қўйилди. Бу вазифаларни қўйишда КПСС раҳбарияти халқ хўжалиги ривожланишининг юқори суръатларини (яъни 1 йилда 10% дан ортиқ) сақлаб қолишни кўзда тутган эди. Бироқ бундай ривожланишга эришиш учун мамлакатда моддий ресурслар ҳам, ишчи кучи ҳам етишмасди.

Иқтисодий ўсиш суръатларини кўтаришда Хрущев ва унинг атрофидагилар эски маъмурий буйруқбозлик услубларидан фойдаланардилар. Ривожланиш модели мафкуравий асосда шакллантирилди. XXI съездда социализмнинг узил-кесил ғалаба қилганлиги таъкидланди ва коммунистик жамият қуриш вазифа қилиб қўйилди. Иқтисодий ривожланишнинг тамойиллари совет раҳбарларининг коммунизм қуриш ҳақидаги тасаввурларига мувофиқлашган эди.

Иқтисодий тажрибалардан дехқонлар катта зарар кўрдилар. Бироқ баъзи бир йўналишлар бўйича улар манфаат ҳам кўрдилар. Масалан, 1964 йилдан бошлаб уларга нафақа белгиланди, фуқаролик паспорти берила бошланди. Лекин томорқа хўжалиги юритиш эскилик сарқити, коммунистик жамият учун ёт нарса деб қаралди.

1959 йилда колхозлардан ва жисмоний шахслардан мажбурий равишда молларни сотиб олиш сиёсати бошланди. Чорвадор туманларда шахсий хўжаликларда 1 та сийир, 7 та майда шохли чорва

мол сақлаш белгилаб қўйилди. Бундай сиёсат оқибатида мамлакатда чорва моллари сони кескин камайиб кетди. Бир вақтнинг ўзида МТС (машина-трактор станциялари)ни йўқ қилиш тўғрисида қарор чиқди. Колхозлар қарздор бўлиб қолдилар. Кўплаб инженер ва механиклар шаҳарларга кетиб қолганликлари сабабли, комбайн ва тракторларга техник хизмат кўрсатувчи ходимлар етишмай қолди. Қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, агрошаҳарчалар қуриш идеал ҳисобланарди. Колхозлар совхозларга айлантирилиб, кооператив мулкчиликдан давлат мулкчилигига ўтиш бошланиб кетди. Колхоз ва совхозларни бирлаштириш сиёсати олиб борилди. Колхозчилар томорқа қилиш, мол сақлаш учун шароити бўлмаган шаҳар типидagi посёлкаларга кўчирилди. Хулоса қилиб айтганда, 1955–1963 йилларда колхозчилар сони камайиб, 91 минг нафардан 39 мингга тушиб қолди. Томорқа хўжалигини йўқотиб юбориш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори анча камайиб кетди. Дехқонлар ҳам ўз меҳнатлари эвазига даромад олиш имкониятидан маҳрум бўлдилар.

Н. С. Хурушчевнинг маккажўхори экиш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларини қоплаш тўғрисидаги сиёсати қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Маккажўхори ҳосили анча паст бўлишига қарамай, 1955 йилдан 1962 йилгача маккажўхори учун ажратилadиган ер майдонлари ҳажми ошиб борди. Буғдой етиштиришда узилишлар пайдо бўлди.

Қишлоқ хўжалигидаги инқироз чўл зоналарини ўзлаштириш ҳисобига маълум даражада сезилмай турарди. Лекин ерларни тинимсиз эксплуатация қилиш маҳсулдорликни пасайтириб юборди. 1962–1963 йилларда ўзлаштирилган ерлардан келадиган даромад икки мартага тушиб кетди. Бу эса мамлакатда очарчилик хавфини туғдирди. Зудлик билан чора кўриш керак эди. Мамлакатда биринчи бор чет элдан буғдой сотиб олиш бошланди. Нон маҳсулотлари, гўшт нархи кўтарилди. Халқда норозичилик кайфияти уйғонди. 1962 йилда Новочеркасқда очикчасига кўзғалонлар бўлиб ўтди. Бу ерга етиб келган КПСС МҚ Президиуми аъзоси А. И. Микоян радио орқали шаҳарликларга мурожаат қилиб, нарх-навонинг ошиши сабабларини тушунтиришга уринди. Лекин кўзғалон тинчимади. 46 киши камокқа олинди, 23 киши ҳалок бўлди. Бу воқеалар 1980 йиллар охирига келиб халққа ошқор этилди. КГБнинг маълумотларига қараганда, бундай ҳаракатлар ўнлаб шаҳарларда юз берган. Хрушчев реформалари яхши натижа бермади. Иқтисодни марказлаш-

ган бошқарув асосида ривожлантириш, самарадорликни ошириш ўрнига, аксинча, унга тўсиқ яратди. Ўн минглаб корхоналарнинг бир-бири билан ҳамкорлик қилиш алоқлари узилиб қолди. Бу шароитдан чиқиб кетиш учун янги бошқарув тизимини яратиш зарур эди. 1957 йилда соҳа вазирликлари қисқартирилиб, уларнинг ўрнига Халқ хўжалиги ҳудудий Кенгашлари тузилди. Уларнинг сони Россия Федерациясида 70 та, умуман, мамлакат бўйича 100 дан орттирок эди. Корхоналарнинг бир қисми Иттифокдош республикалар ихтиёрига берилди. Улар ишлаб чиқилган маҳсулотларни ўзлари сотиш имкониятига эга бўлдилар. Лекин бу орада ўтказилган реформаларнинг салбий оқибатлари юзага чиқди. Бошқарув тизими мураккаблашиб, амалдорлар сони ошиб кетди. Саноат ривожланишига маҳаллий манфаатдорлик таъсир қилди, ягона бошқарув тизимига путур етди. Бу хатоларни бартараф этиш мақсадида республика Халқ хўжалиги Кенгашлари тузилди. Ушбу тизимни 1962 йилдан бошлаб янги бошқарув органи – Халқ хўжалиги Олий Кенгаши бошқара бошлади. Унга Д. Ф. Устинов раҳбарлик қилди. У аввал мудофаа саноати вазири бўлиб ишлаган ва янги соҳага раҳбар этиб тайинланиши тасодиф эди.

Н. С. Хрушчевнинг ташқи сиёсатида тинчлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари ижобий натижа бермади. “Совук уруш”, АҚШ ва СССР ўртасидаги ҳарбий-техникавий рақиблик давом этди. Бунинг устига, яна оғир ва мудофаа саноатини ривожлантириш устувор йўналишга айланди. Мамлакат ҳарбийлаштириб борилди. 1960 йилнинг бошида мудофаа саноатининг ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 1953 йил кўрсаткичларидан анча ошиб кетган эди.

60- йилларнинг боши: янги ечимлар изидан

1960 йиллар бошида СССРда эришилган муваффақиятлар талайгина эди. 1961 йилнинг 12 апрелида дунёда биринчи инсон (Ю. Гагарин) кoinотга учирилди.

Уй-жой масаласида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Ўн йилдан камроқ вақт ичида мамлакатнинг ҳар тўртинчи фуқароси уй-жой шароитини яхшилаб олди. Эндиликда одамлар коммунал хоналарда эмас, алоҳида хонадонлар билан таъминландилар. Бироқ қурилган бу уйларнинг сифати ҳақида кейинчалик танқидий фикрлар пайдо бўлди. Бу уйлар 20–25 йил фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, шароитлари етарли эмасди. Бундай уйлар “хрушчевкалар”

деб ағалиб, шахар кўринишига кўрк қўшмасди. Шундай бўлса-да, олдин уйга эга бўлмаган аҳоли учун бу яхши қулайлик эди. Аҳолини ижтимоий-химоя қилиш чора-тадбирлари кўрилди. Нафақа ёши пайсайтирилиб, миқдори ошди. Мажбурий 8 йиллик ўрта таълим жорий қилинди. Олий ўқув юртлирида ўқиш имкониятлари кенгайди. Иш ҳафтаси қисқартирилди, маошнинг бир қисмини заёмлар билан бериш тўхтатилди. Бир вақтнинг ўзида мамлакатда ечими топилмаётган муаммолар ҳам йиғилиб қолди. Қишлоқ хўжалиги инқироzi, саноат ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, 1959–1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик режанинг бажарилмай қолиши шулар жумласидандир. Аҳолининг озик-овкат ва биринчи эҳтиёж маҳсулотлари етишмаслигидан норозиликлари кучайиб борса-да, бироқ ошкор қилинмасди. Мамлакат раҳбариятининг айтган сўзи ва амалда бажарилиши орасида катта тафовут пайдо бўлди. КПССнинг XX съездидаги Сталин шахсига сўгинишга қарши кураш билан бошланган “иликлик” юқоридаги салбий ҳолатлар туфайли аста-секин йўқотилди. Мамлакатда рўй бераётган воқеаларни тасвирлашга уринган ёзувчилар, режиссёрлар таъкиб қилина бошланди.

Б. Л. Пастернак иши катта шов-шувга сабаб бўлди. 1958 йилда “Нобел” мукофотига сазовор бўлган “Доктор живаго” романида Россияда инқилобий воқеалар, фуқаролар уруши ва совет жамияти моҳияти ҳаққоний тасвирлаб берилди. Ёзувчи ҳокимият босими остида “ўқувчилар” жамоалари, ҳатто бу романи ўқиб кўрмаган одамлар олдида ўз “хатоларини” бўйнига олишга ва кечирим сўрашга мажбур этилди. 1961 йилда қабул қилинган партиянинг янги дастурига кўра, зиёлилардан ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида фаол иштирок этиш талаб қилинганди. Коммунизм моддий ва маънавий бойликларга тўлиб-тошган ва “ҳар бир кишидан қобилиятига яраша, ҳар бир кишига эҳтиёжига яраша” тамойилига асосланган жамият сифатида тарғиб этиларди. Бир вақтнинг ўзида “тушуниб етмаганлар”, яъни ўз эҳтиёжи чегарасини билмайдиганларга қарши танқид ишлари ҳам олиб борилди. Халқ ишончини қозониш учун Сталинга қарши янги компанияни шакллантиришга уринишлар бўлди. КПСС сафидан Сталиннинг яқин сафдошлари чиқариб юборилди. XXII съезд қарорига асосан, Сталиннинг жасади мавзолейдан олинди ва ерга кўмилди. Янги Конституция ҳақида фикрлар муҳокама қилинарди. Жамиятни демократлаштириш борасида гоъялар илгари сурилди. Бу ерда, асосан, ҳукумат раҳбарларининг юқори лавозимларни эгаллаш муддатлари, давлат органлари ишида

ошкоралик, завод ва фабрика, совхоз раҳбарларини сайлов асосида қўйиш, референдумлар ўтказиш, Конституцион судни шакллантириш каби муҳим масалалар ҳақида гап борарди. 60- йилларда юқори раҳбариятдагиларнинг бир қисми қуруқ ғоялар билан яхши натижага эришиб бўлмаслигини тушуниб етганди.

Хрушчев иктисодчи Е. Г. Либерманнинг товар-пул муносабатлари тўғрисидаги уринишларини қўллаб-қувватлади. Унга кўра, баъзи корхоналар ва совхозларда иш натижасига қараб пул тўлаш кўзда тутилганди. 1962 йилда обком ва райкомларни саноат ва қишлоқ партияларига ажратиш бўйича маъмурий хўжалик тажрибаси ўтказилди. Бунда асосан ўз мавқеларни суиистеъмол қилаётган партия раҳбарларига қарши кўраш кўзда тутилган эди. Аммо реформа бюрократизмнинг кучайиб илдиз отиб кетишига олиб келди ва яхши самара бермади. Баъзи тадқиқотчилар Шарқий Европанинг халқ демократик давлатларидаги аграр партиялар намунасига асосланган эди. У сиёсий ҳаракатни ривожлантириб, унга мусобака элементларини олиб кириши керак эди.

Н. С. Хрушчев сиёсатидаги қарама-қаршилиқлар, муваффақиятсизлиқлар, ғоявий соҳадаги узилишлар унга қарши янги муҳолифатни вужудга келтирди. Бу муҳолифат Хрушчевнинг энг ишончли одамларидан иборат эди. Улар орасида кўрик ва бўз срларни ўзлаштиришга бошчилик қилган КПСС МҚ секретари Л. И. Брежнев Давлат Хавфсизлиги комитети бошлиғи В. Е. Семичастный, партия назорат Қўмитаси раиси А. Шелепин ва бошқалар бор эди. 1964 йил 13 октябрда оппозиция (муҳолифат) КПСС МҚ Пленуми чақирилди ва Қримда дам олаётган Н. С. Хрушчев ҳам таклиф қилинди. Хрушчев мамлакат ҳаётини издан чиқаришда, жамият ривожини орқага кетказишда ва яккахокимликда айбланди. Хрушчев истеъфога чиқишга мажбур бўлди. КПСС МҚ Биринчи секретари қилиб Л. Ч. Брежнев сайланди. Аввал Молия вазири лавозимида ишлаган А. Н. Косигин Министрлар Советининг Раиси бўлди.

4- §. Совет Иттифоқи: ислоҳотлар сиёсатининг барбод бўлиши

Н. С. Хрушчев ҳукуматдан четлаштирилгандан сўнг, мамлакатда барқарорлаштириш мавсуми бошланди. Олдинги бошқариш тизимларига барҳам берилди: совхозлар тарқатиб юборилди, соҳа вазир-

ликлари қайта тикланди. Брежнев ва унинг сафдошлари жамиятни барқарорлаштириш сиёсатини амалга ошира бошладилар, Сталин шахсини танқид қилиш тўхтатилди. Лекин бу ўзгаришлар жамият ривожига ижобий таъсир кўрсата олмади. Бошқаришнинг марказлаштирилиши бюрократизмнинг кучайиши, мансабдорлар сонининг кўпайиб кетишига сабаб бўлди. 80- йилларнинг бошига келганда кўпчилик партия раҳбарларининг ёши 70 дан ошиб қолган эди. Иттифоқдош республикалар бошлиқларини янгилаш тизими йўқ эди. Улар, асосан, маҳаллий манфаатдорлик билан боғлиқ эди. 1965 йилдан бошлаб иқтисодий ислохотлар бошланиб кетди. Уларнинг ташаббускори Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин эди.

Аграр соҳада ҳам анчагина ўзгаришлар амалга оширилди. Шахсий хўжалик юритишга рухсат этилди, совхоз ва колхозларга маҳсулотлар нархини кўтаришга рухсат берилди. Барқарор маош берилди бошланди. Экин майдонлари кўпайтирилди. Бугдой, сули, маккажўхори учун ер майдонлари ажратилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун кагга маблағлар ажратила бошланди. Бу ислохот корхоналарга мустақиллик берди. Моддий рағбатлантириш яхши натижа олиб келди, корхона раҳбарларига даромаднинг бир қисmini эҳтиёжлари учун ишлатишга рухсат берилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланди. 60- йилларда саноат ривожланди. Миллий даромад 4% дан 7,7% гача ўсди. 2 мингга яқин саноат корхоналари ишга туширилди. Красноярск ГЭСи, Ғарбий Сибирь ва Қарағанда металлургия комбинати шулар жумласидандир. 1970 йилда Тольяттида автомобил заводи ишга туширилди. Лекин ислохотлар шомма-шомарлик билан ўтказилгани учун яхши самара бермади. Бу чекланган ва қисқа муддатли ислохотлар эди. Кўпгина режалаштирилган ишлар амалга ошмай қолди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четдан келтириш давом этди. Халқ хўжалигида, асосан, қўл меҳнатидан фойдаланиларди. Аҳолининг 40% и саноатда, 60% и курилишда, 70% и қишлоқ хўжалигида банд эди. Халқ хўжалигига янги технологияни жорий қилиш секинлик билан борди, ҳатто янги техникаларнинг яратилиш йиллик кўрсаткичи 60- йиллардаги 4,8 мингдан, 80- йиллар бошига келиб 3,5 мингга тушиб қолди. 1980 йилларнинг бошида Ялпи миллий маҳсулот ўсиш миқдори 3,5% га тушиб қолди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 40% гача қисқарди.

Мамлакатнинг кўп жойларида карточка тизими жорий қилинганди. Икки ўн йилликда сиёсатда ва иқтисодиётда ўзгаришлар бўлмаганлиги

сабабли, бу давр “Турғунлик даври” деб атала бошланди. Факатгина жаҳон бозорида нефть нархининг кўтарилиб кетиши жамиятда барқарорликни таъминлаб турди. Шунинг учун ҳам 1960–1985 йилларда СССРнинг жаҳон бозорида нефтни экспорт қилиш улуши 16,2% дан 54,4% га ошди.

Инқирознинг асосий сабаби бошқарув тизимининг фаолияти билан боғлиқ эди. Амалдорлар ханузгача корхоналар мустақиллигини чегараларди. Ҳар бир корхонага ишлаб чиқаришнинг умумий миқдори тахминан 5–8% атрофида кўпайтирилиб, ҳар йили режа белгиланарди. Агар улар бажарилмаса, маъмурий ва хўжалик чоралари қўриларди. Хусусан, ижтимоий харажатлар учун белгиланган маблағлар кесиб қолинарди. Кўплаб хўжаликлар сунъий равишда ишлаб чиқариш ўсишини ушлаб туришарди. Янги техникадан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширса-да, иш ҳақини оширмасди, балки амалдаги тарифларни камайтириб юборарди. Халқ хўжалигида мудофаа ва оғир саноатни ривожлантиришга бўлган эътибор ҳамон катта эди. 1970 йилларда СССР пўлат эритиш бўйича АҚШдан ўзиб кетган бўлса-да, бошқа халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 6–10 баробар орқада эди.

Ташқи алоқалар ҳам ислоҳотлар чуқурлашишига халақит бермоқда эди. Совет Иттифоқи ҳарбий устунликка эришиш йўлидан тоймасди. Куролланиш пойгаси авж олдирилди. Мамлакат раҳбариятига ҳарбийлар таъсири ошиб борди.

СССР ва 1960 йиллар иккинчи ярмида халқаро майдоцдаги инқирозлар

Вьетнам уруши халқаро вазиятни жуда кескинлаштириб юборди. 1954 йилда Вьетнам 17- параллел бўйлаб 2 давлатга бўлинганди. Шимолий Вьетнам (Вьетнам Демократик Республикаси) мамлакатдаги революцион демократик ҳаракатни қўллаб-қувватларди. Бу эса Жанубий Вьетнамдаги диктаторлик режимига ёқмади ва улар АҚШга ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. АҚШ Жанубий Вьетнамнинг коммунистлар таъсирига тушишидан ва Жануби-Шарқий Осиёда ўз мавқеини йўқотишидан кўрқиб, 1964 йилда Жанубий Вьетнамга 12 минг кишилик ҳарбий маслаҳатчиларни юборди. 1964 йил 2 август куни АҚШ Ҳарбий-денгиз кучлари ва Вьетнам торпедо катерлари ўртасида тўқнашув бўлди. Бу АҚШнинг очикдан-очик Вьетнамга уруш бошлашига туртки бўлди. АҚШнинг бу урушдаги иттифоқдошлари

Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Корея, Таиланд давлатлари эди. 1965 йилга келиб АҚШнинг 400 минга яқин, иттифокдош давлатларининг 70 мингга яқин армияси Вьетнам урушида қатнашди. Ҳарбий юришлар ҳатто Лаос, Камбоджа давлатлари ҳудудини ҳам четлаб ўтмади. Совет Иттифоқи Шимолий Вьетнамга кенг кўламда ёрдам кўрсатди. У ерга совет ҳарбий маслаҳатчилари, самолётлар, ҳарбий қурол-яроғлар, янги турдаги “МИГ–21” қирувчи самолётлари ҳам юборилганди. 1965–1971 йилларда СССР Вьетнамга ёрдам мақсадларида 1,6 млрд доллар ажратди. Бундан ташқари, иқтисодий, илмий–техникавий ёрдам берилди. 1953–1991 йилларда СССР Вьетнамга 15,7 млрд доллар қийматида маҳсулот юборди. Вьетнам урушида Совет Иттифокидан 6,3 мингдан ортиқ генераллар ва зобитлар қатнашди.

Вьетнам билан алоқа самарали бўлиши учун СССР Хитой билан яхши муносабатда бўлиши керак эди. Лекин 1960 йилларнинг бошида СССР–Хитой муносабатлари ёмонлашди. 1964 йилда Хитой СССР ҳудудидан 1,5 млн кв км жойни талаб қилди. КПСС ва ХКП орасида муносабатлар бузилди. 1967 йил Совет Иттифокининг Пекиндаги элчихонасига ҳужум уюштирилди. Чегарада тўқнашувлар юз берди. Улардан энг йириги 1969 йилда Даманск оролида рўй берди. Уларга қарши СССР қўшинлари реактив артиллерия қўллади. СССР–Хитой муносабатларининг ёмонлашиши сабабли шарқий чегараларни мустаҳкамлаш зарурати туғилди. Араб–Исроил уруши ҳам Совет Иттифокининг анчагина моддий бойликлари сарфланишига сабаб бўлди. 1967 йилда Исроил ва қўшни араб давлатлари Миср, Сурия ва Иордания ўртасида уруш бошланди. Араб давлатлари армия сони жиҳатидан Исроилдан устун турарди (пиёдалар 2,5 баробар, танклар 2 баробар кўп эди). Уларнинг лидерлари тезкорлик билан ғалаба қозониш умидида эди. Асосий мақсадлари яҳудий давлатини йўқ қилишдан иборат эди. Лекин Исроил давлати уларга қаттиқ зарба берди. Арабларнинг авиациациясини йўқ қилишга эришди. Курукликдан ҳам катта ҳужум уюштириб, араб қўшинларини бўлақларга бўлиб ташлашга муваффақ бўлди. Синай ярим ороли, Ғазо сектори, Иордан дарёси ғарбий қирғоғи ва Жўлон тепалигини ишғол қилди. Араб қўшинларидан 40 минг киши ўлдирилди, 900 га яқин танк, жами 1000 дан ортиқ тўплар, 400 та самолёт йўқ қилинди. Исроил армияси эса 1000 га яқин киши, 100 та танк, 48 та самолёт йўқотди. Урушдан кейин Совет Иттифоқи Сурия ва Мисрнинг салоҳиятини тиклаш учун катта ёрдам берди. 1967 йилда Совет

Иттифоки Мисрга 210 та қирувчи самолёт етказиб берди. Исроилнинг ҳаводан Мисрга қилган ҳужуми вақтида 20 мингга яқин совет ҳарбийлари ҳам қатнашганди. 1969–70- йиллардаги урушда Исроил самолётларининг ярмидан кўпини йўқотди ва Мисрга ҳаводан ҳужум қилишни тўхтатди. СССР 1965 йилдан 1972 йилгача, яъни ҳамкорлик алоқалари узилгунга қадар Мисрга 3,2 млрд доллар миқдорда ёрдам кўрсатди.

1968 йил Чехословакия инқирози ва унинг оқибатлари

1968 йилда Чехословакияда бўлиб ўтган воқеалар Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги мавқеига катта таъсир кўрсатди. Европанинг энг ривожланган давлатларидан ҳисобланган ЧССР да турғунлик даври бошланиб, иктисодиёт ривожини пасайиб кетганди. 1968 йилда Чехословакия Коммунистик партияси раҳбари этиб А. Дубчек сайланди. У ислохотлар тарафдори эди. Мамлакатда буйруқбозлик услубларидан воз кечилиб, демократик эркинликлар кўллаб-қувватланди. Бу эса ёшлар фаоллигини оширди. Мамлакатда юзлаб сиёсий тўғарақлар пайдо бўлди. Улар, асосан, Чехословакия Коммунистик партияси сиёсатига норозилик билдириб, мамлакатда демократик ўзгаришлар қилинишини талаб қилиб чиқдилар. Прагада бўлиб ўтган воқеалар СССР раҳбариятини чўчитиб юборди. Улар бу воқеани Ғарб маҳсус хизмати ходимлари томонидан социализмга қарши уюштирилган фитна деб баҳолади. Чехословакияга Варшава Шартномаси давлатлари кўшинларининг киритилиши контрреволюцион кучларга қарши ёрдам деб баҳоланди. Аслида эса, бу ёрдамни сўраган шахслар ҳукумат номидан иш юритишга ваколатлари йўқ эди. 1968 йил 20 август кuni 500 минг кишилиқ армия, 5000 та танк ва БТР (асосий қисмини СССР Армияси, қолганлари Польша, Венгрия, ГДР ва Болгария армияси ташкил қиларди)дан иборат Варшава Шартномаси кўшинлари Чехословакия чегарасини ёриб ўтди. Прага, Барно аэропортлари ва ҳукумат биноларини совет кўшинлари ишғол қилди. А. Дубчек Москвага олиб кетилди. Чехословакия Коммунистик партиясига Г. Гусак бошчилик қила бошлади. Чехословакия Армияси қаршилиқ кўрсатмади. Чехлардан 94 киши ҳалок бўлди, 345 фуқаро яраланди. “Прага баҳори” деб номланган бу воқеадан сўнг, СССР социализмни “химоя қилиш” унинг бурчи эканлиги ҳақида Баёнот берди. Ғарб давлатлари, Варшава Шартномасига кўра, Со-

вет Иттифоқининг ўз иттифоқдошлари ички ишларига аралашиб ҳуқуқини “Брежнев доктринаси” деб атаётган бошладилар. Бу доктрина 2 сабабга кўра аниқланган, бир томондан, идеологик тушунчалар билан совет лидерлари Шарқий Европага мажбуран тарқатилган социализмнинг советча моделининг барбод бўлишини тан олдилари келмасди ва бу ҳолат Совет Иттифоқига салбий таъсир кўрсатади деб ҳисобландилар.

Иккинчи томондан, “совуқ уруш” шароитида ва Европанинг икки ҳарбий-сиёсий лагерга бўлиниб кетиши ва биттасининг кучсизланиши иккинчи блок учун ғалаба деб қараларди. Варшава Шартномасидан бирор-бир давлатнинг чиқиб кетиши Европада кучлар мувозанатининг бузилиши деб баҳоланарди. Совет раҳбарияти НАТО блокини СССР чегараларидан илоҳи борича узоқроқда бўлиши тарафдори эди. Чехословакия воқеалари СССР ва иттифоқдош давлатларга ниҳоятда салбий таъсир кўрсатди. КП раҳбарияти ҳар қандай ўзгаришларга шубҳа билан қарай бошлади. Совет Иттифоқида демократик кайфиятлар таъкиб этила бошланди. Баъзи бир диссидентлар фаолияти ядро қуроли каби қабул қилинарди.

Баъзи бир давлатларда, хусусан, Венгрияда Совет Иттифоқининг “кайфиятини бузмаган” ҳолда реформалар ўтказила бошланди. Лекин бу ўзгаришлар буйруқбозлик тизимига путур етказмасдан ўтказиларди. Совет Иттифоқининг Чехословакияга қўшин киритишига қарши турган давлатлар: Югославия, Албания, Руминия, Хитой билан ҳам алоқаси бузила бошлади.

1960–70- йилларда дунёнинг илғор давлатларида рўй берган ўзгаришлар халқаро майдонда янги босқични келтириб чиқарди. СССР ва АҚШ Шарқда ва Ғарбий Европада сиёсатнинг янги қирраларини излаб топиш йўлига ўтдилар.

5- §. “Совуқ уруш” сиёсатининг инқирози

1970 йилларда бир-бирига душман бўлган икки лагер ўртасидаги “совуқ уруш”га асосланган сиёсат инқирозга учрай бошлади. Бутун “совуқ уруш” йиллари мобайнида АҚШ ҳам, СССР ҳам ўзаро келишмовчилик юз берганда ғалабани таъминлайдиган куч йиғи олмадилар. “Совуқ уруш”нинг дастлабки йилларида АҚШ ядро қуроли монополиясига эга, СССР эса бошқа турдаги қуролланиш бўйича устунликка эга эди. Деярли бир вақтнинг ўзида АҚШда Со-

вет Иттифоқида водород бомбалари яратилди. Улар ядро куралига нисбатан 1000 баробар кучли эди. Ядро куралини етказиб берувчи китъалараро баллистик ракеталар, стратегик бомбардимончи самолётлар атом, сув ости кемалари ҳам яратилди. Биринчи марта АҚШ ҳудуди ҳам Совет Иттифоқи каби яхши ҳимоя қилинмайдиган майдонга айланди. Ядро арсеналининг кўпайтирилиши ҳар икки давлат учун катта хавф туғдирарди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, 500 та ядро зарбаси берилганда, АҚШ ва СССР аҳолисининг 1/3 қисми ҳалок бўлиб, 75% га яқин саноат иншоотлари йўқ қилинарди. Ҳар иккала давлат ҳудуди радиактив чўлга айланарди. Кўплаб олимларнинг таъкидлашича, талофат кўрсатувчи зарба – 300 та ядро курали бирвақайга ишга солинганда, юқоридаги талофат рўй берад экан. Миллионлаб аҳоли ҳалок бўлишидан ташқари, атмосферага минглаб тонна чанг ва кул кўтарилади. Ер жуда кўп йиллар давомида куёш нуридан маҳрум бўлади, ядро қиши бошланади. Океан ва денгизлар музлаб қолади, ҳатто экваторда ҳам ҳарорат ўнлаб градусга тушиб кетади. 1960 йилларда АҚШда 4000 дан ортиқ, Совет Иттифоқида 500 га яқин ядро курали мавжуд эди. 20 йилдан кейин бу рақамлар 15 минг ва 10 минг билан алмашди. Бундай шароитда ҳар икки давлат, ўртадаги келишмовчиликка қарамасдан, ядро ҳалокатининг олдини олиш ҳақида ўйлай бошладилар.

1970 йиллар бошида, ҳарбий экспертларнинг ҳисоблаб чиқишларича, ядро зарбаси берилган вақтда ғалаба қилишнинг ҳеч иложи йўқ экан, чунки рақиб ҳар қандай шароитда ҳам қарши зарба беришга улгуради. Ҳудудий низолар ва урушлар бўлиши мумкин эди, лекин ушбу келишмовчиликлар катта урушга айланиб кетишининг олдини олишдан ҳар иккала давлат ҳам манфаатдор эди. “Совуқ уруш”нинг боши берк кўчага кириб қолгани блоклар ўртасидаги қарама-қаршиликлар сиёсатининг инқирозига олиб келди. Жуда кўп давлатлар АҚШ ва Совет Иттифоқининг ўзларининг хавфсизлигига чанг солишидан чўчирди. Улар ҳудудлари ўзга давлатлар манфаати учун жанг майдонига айланиб кетиши мумкинлигидан безовта эдилар. Шарқий Европада Варшава Шартномасидан чиқиш ҳақида шиорлар пайдо бўла бошлади. АҚШ иттифоқдошлари тизимида ҳам узилишлар рўй берди. 1960 йилда НАТОдан Франция ва Греция чиқиб кетди. СЕНТО, СЕАТО иттифоқлари ҳам пароканда бўлди. Урушдан кейинги инқироздан чиқиб олган Ғарбий Европа давлатлари иқтисодий ўсишдан руҳланган ҳолда ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш ҳаракатига тушдилар. Бироқ икки ҳарбий блок

карама-қаршиликлари шароитида рақиблар билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий алоқалар ўрнатиш жуда мушкул бўлиб, қаттиқ чегаралашлар мавжуд эди. “Совуқ уруш” халқаро имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳалақит берарди.

Икки блок ўртасидаги муносабатлар инқирозига Қўшилмаслик ҳаракати давлатлари ҳам қатта таъсир кўрсатди. Унинг бошида Ҳиндистон турарди. Мустақилликка эришгандан сўнг, ҳарбий блокларга қўшилмаслик сиёсатига амал қилган Осиё ва Африканинг 29 та давлати қўшилмаслик принципини қабул қилди. 1970 йилларда 50 дан ортиқ давлат, 1980 йилларда эса 100 та давлат бу ҳаракатга қўшилди. Қўшилмаслик сиёсати, бир томондан, социалистик тузумни кенгайтишига ҳалақит берса, АҚШни эса Осиё ва Африкадан ўз иттифоқчиларини топиш имкониятидан маҳрум қилди. Урушга қарши тинчликпарварлик сиёсати оммавий тус олди. Олдинги тинчлик сиёсатидан коммунистлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланардилар. 1950 йилда тузилган Бутунжаҳон Тинчлик Кенгаши коммунистлар таъсири остида эди.

1960–70- йилларга келганда эса мустақил тинчликсеварлик сиёсати кенг қулоч ёйди. Бу сиёсатни АҚШ ва Совет Иттифоқидан норози бўлган еврокоммунистлар олиб борарди. Асосий зиддият бир-бирига карама-қарши бўлган ҳарбий блоklar билан боғлиқ эди. У ривожланишга тўсқинлик қилаётган асосий муаммолардан бири бўлиб, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий қийинчиликлар манбаси ҳам эди.

Кескинликнинг юмшашини ва унинг натижалари

Кейинги йилларда “совуқ уруш”дан чиқиб кетиш, АҚШ ва СССР ўртасида муносабатларни яхшилаш борасида бир қатор тадбирлар ўтказилган эди.

50- йилларда СССР қуроқларни қисқартириш таклифи билан чиқди ва бу ҳақда НАТО давлатларига таклиф киритган эди. Лекин Фарбда бу таклиф қуруқ ташвиқот сифатида қабул қилинди. Чунки СССРнинг ўзи ҳам ҳудудида қуроқларнинг назорат остида қисқартирилишига қарши эди. Шундай бўлса-да, ядро қуроқлари синовларини чеклаш бўйича маълум бир ютуқлар қўлга киритилди.

Қариб инқирозидан кейин, СССР ва АҚШ давлатлари Ядро ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича икки томонлама битимга келдилар. Хусусан, 1963 йилда АҚШ, СССР ва Буюк Британия давлатлари

ўртасида сув, атмосфера ва ерда ядро синовларини ўтказмаслик тўғрисида Шартнома имзоланди. Раҳбариятдаги ўзгаришлар, Вьетнам уруши ва “совуқ уруш”дан чикиб кетиш имкониятларини сусайтирса-да, бироқ СССРнинг жаҳонда барқарорлик сиёсатини қўллаб-қувватлашига, Ғарбий Европа давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, НАТО ва, энг аввало, АҚШ билан муносабатлари яхшиланишига монелик қилмасди.

1970 йилда Москва ва Вашингтон ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилди. Ядро куроллари таркатмаслик тўғрисида Шартнома имзоланди. 1972 йилда АҚШ ва СССР стратегик куроллари чеклаш (СҚЧ-1) тўғрисида Шартнома имзоладилар.

Ядро куролининг тинчлик мақсадида сақлаб қолиниши ҳақида гап борарди. СССР ва АҚШ ракетага қарши мудофаа тизимининг қисқартирилиши тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарор кагта аҳамиятга эга бўлиб, янги куролланиш пойгасининг олдини оларди. 1972 йилда СССР ва АҚШ ўзаро муносабатлар тўғрисида Шартнома имзоладилар. Бу Шартнома ядро урушига йўл кўймаслик сиёсатини олга сурди. Улар ўзаро ҳурмат ва миллий манфаатларни ҳисобга олиш тўғрисида келишиб олдилар. Ҳар қандай келишмовчилик мулоқот ёрдамида ҳал қилиниши кўзда тутилганди. Бироқ ўзаро келишувлар ва тинчлик шартномалари икки давлатнинг куролланиш бўйича режаларини тўхтата олмади. Ракеталар ишлаб чиқариш, янги куроллар турларини яратиш давом этарди. Лекин ҳар икки давлат ҳам бу соҳада бир-биридан устунликка эриша олмади.

1979 йилда стратегик куроллари қисқартириш бўйича 2 та шартнома имзоланди. Икки буюк давлат ўртасида муносабатларнинг юмшаши Европада кескинлик даражасини анча пасайтирди. Бироқ Европа сиёсатининг энг мураккаб масалаларидан бири Германиянинг 2 та давлатга: ГДР ва ГФРга бўлинганлиги эди. Улар бир-бирини тан олмас, қарама-қарши блокларга аъзо эди. Фақат 1955 йилга келиб СССР ва ГФР ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганди.

ГДР ва ГФР муаммосининг энг оғриқли нуқтаси бу Берлин шахри муаммоси эди. Шаркий Берлин ГДР пойтахти деб эълон қилинган, лекин Ғарбий Берлиннинг статуси белгиланмаган эди. СССР ва ГДР уни маълум бир давлат тузилмаси сифатида қабул қиларди.

Шаркий Берлин аҳолиси коммунистик режимдан норози бўлиб, Ғарбий Берлин оркали ГФРга кочиб кетардилар. 1950 йилдан то 1958 йилгача 1 млн га яқин оломонлар ГДРни тарк этганди. Қочоқларни камайтириш учун 1961 йилда СССР ёрдами билан шаҳарни иккига

бўлувчи бетон девор қуриб битказилди. Бу воқеа ГФР ва ГДР муносабатларини кескинлаштириб юборди.

1971 йилда Совет Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия ва Франция давлатлари Ғарбий Берлин бўйича Келишув имзоладилар. Унга мувофиқ, Ғарбий Берлин ўз Сенатига эга бўлган ва ГФРнинг таркибий қисми бўлмаган алоҳида шаҳар деб тан олинди. 1972 йилда ГФР ва ГДР ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва БМТ аъзолигига қабул қилинди. Келишувлар Европада шу вақтга қадар мавжуд бўлган зиддиятларга барҳам берди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш ўтказиш учун шароит туғилди.

Бу Кенгаш 1975 йилда Хельсинкида ўтказилиб, 35 та давлат унинг сўнги Актига имзо қўйишди. Шу тариқа ЕХХК тузилди. Умумевропа Кенгашининг сўнги Акти Ғарбий ва Шарқий Европа давлатлари мажбуриятларини белгилаб берди. Европа давлатлари, СССР, АҚШ, Канада бир-бирини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқлари, суверенитет, ўзаро ҳамкорлик, хавфсизлик масалалари бўйича келишиб олдилар.

Илиқлик даврининг инкирози: сабаб ва оқибатлар

Илиқлик даври Учинчи жаҳон урушининг олдини олишга омил бўлди, Европада савдо-иқтисодий алоқаларнинг яхшиланишига олиб келди. Аҳвол шундай давом этаверса, қуролланиш пойгаси баргарф этилиши мумкин эди. Хельсинки Шартномасининг ижроси СССР ва Шарқий Европа давлатлари сиёсий ривожланишини янги чўққиларга олиб чиқиши муқаррар эди. Лекин Варшава Шартномаси давлатлари ўзгаришларга шубҳа билан қарардилар. Улар бу Шартноманинг дипломатик фаолият билан боғлиқ тарафини қабул қилиб, ички сиёсатга боғламас эдилар. 1977 йилда қабул қилинган СССРнинг Янги Конституциясида халқаро мажбуриятлар қисман ўз аксини топган бўлса-да, бироқ унинг 6- моддасида Совет жамиятида КПССнинг раҳбарлик мавқеи мужассамлашган эди. Шунга қарамадан, КПСС раҳбариятига оппозицион кайфиятда бўлган интеллектуал гуруҳлар бу шартномани ўз фаолиятларини легаллаштириш учун асос деб қабул қилдилар. СССРда вужудга келган диссидентлар ҳаракати тарафдорлари: А. Д. Сахаров, ёзувчи Солженицин дастлаб сиёсий талаблар билан чиқмадилар. Бу ҳаракат тарафдорлари фақат давлат бюрократизмига қарши кураш олиб борди, оддий фуқаролар манфаатини қўллаб-қувватлади, муҳим қарорлар қабул қилишда фуқаролар фикри инobatга олинмаслигини танқид қилди.

Уларнинг тарафдорлари кўплаб Шарқий Европа давлатларида ҳам вужудга келганди. Шунинг учун диссидентлар ҳаракати ҳукуматлар томонидан таъқиб остига олинди ва яна репрессиялар бошланиб кетди. НАТО давлатлари СССР ва унга иттифоқдош давлатлар сиёсатида ўзгаришларга умид боғларди. Диссидентлар ҳаракати, СССРда ва социалистик давлатларда инсон ҳуқуқларининг топталиши АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари сиёсатида ҳамда фуқаролари кайфиятига таъсир қилмасдан қолмади. СССР сиёсатини қоралаб, кўплаб давлатлар баёнотлар бердилар, омманинг норозилик чиқишлари юз берди.

НАТО давлатларида СССР тургунлик давридан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқда, деган фикр туғила борди. Бу фикр 1970 йилларда СССРнинг юритган сиёсати туфайли юз берган зиддиятлар билан изоҳланади.

1975 йилда СССР Анголадаги социализм тарафдорларини қўллаб-қувватлади. 1975 йилнинг январида бу ерда фуқаролар уруши бошланиб кетди. Жангларда 10 мингдан ортиқ совет ҳарбийлари иштирок этдилар. Анголага ҳарбий техника, қурол-яроғлар етказиб берилди. 1977 йилда Ҳабашистонда ҳукумат бошлиғи Менгисту Хайле Мариам социализмнинг тарафдори сифатида катта моддий ёрдам олди. Асосан, Сомалига қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун бу ёрдам кўрсатилган эди. Эфиопияда 11 мингдан ортиқ совет ҳарбийлари фаолият олиб борди. Африка давлатлари билан қарама-қаршилиқларга Куба ҳам жалб этилди.

1977–1985 йиллардаги жангларда 500 минг кубаликлар иштирок этди. Афғонистонга совет кўшинларининг киритилиши илиқлик даврига кескин салбий таъсир кўрсатди. 1978 йилда Афғонистонда радикал кайфиятдаги кучлар раҳбарликни эгалладилар. Улар СССР ёрдамига таяниб, мамлакатда ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар ўтказиш, уни қолоқликдан олиб чиқиш умидида эдилар. Лекин кўп қишлоқ оксоқоллари, мусулмон бошлиқлар бу ғояни рад этдилар. Мамлакатда этник, диний тўқнашувлар бошланди. Афғонистон раҳбарияти СССРга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Афғонистондаги вазиятни тўлиқ тушуниб етмаган совет раҳбарлари 1979 йил декабрида Афғонистонга ҳарбий кўшин киритилиши ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу эса СССРнинг аралашуви натижасида фуқаролар уруши бошланиб кетишига сабаб бўлди. Уруш мобайнида СССР томонидан 14 мингдан ортиқ ҳарбий ҳалок бўлди. 10 минглаб аскарлар ватанга ногирон бўлиб қайтдилар.

АҚШ маъмурияти СССРнинг Афғонистонга кўшин киритишини илиқлик даврига қатъий чек кўйди деб ҳисоблади. СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди. 70- йилларнинг охирига келганда АҚШнинг кўплаб давлатларидаги маъмурият даражада заифлашганди. 1979 йилда Никарагуада узоқ давом этган фуқаролар урушидан кейин, АҚШга иттифоқдош бўлган Сомоса тузумига барҳам берилди. Раҳбариятга Кубага хайрихоҳ революцион гуруҳлар келди. 1979 йилда Эронда АҚШ билан дўстона алоқада бўлган шох режими ағдарилди. Ҳукумат раҳбариятини ислом тарафдорлари эгаллади. АҚШ элчихонаси ходимлари гаровга олинди. Уларни қутқаришга бўлган уриниш муваффақиятсиз тугади. Никарагуада революция галабаси, Эрондаги ислом инқилоби, Афғонистонга совет кўшинларининг киритилиши АҚШ жамоатчилиги орасида “совет хавфи” кайфиятини уйғотди. 1980 йилда Р. Рейган Президентлик сайловида ғолиб чиқди. Унинг асосий шиори “ёмонлик империяси СССРга қарши курашиш” эди.

Бирок ҳар иккала буюк давлат раҳбарлари Осиёда битта душман (ислом фундаментизми) билан тўқнаш келганликларини АҚШ маъмурияти тушуниб етмаган эди. Вашингтон эронлик фундаменталистларни душман деб ҳисобласа-да, афғонистонлик мужоҳидларни “ҳақиқат учун курашчилар” деб эълон қилганди ва уларга ҳарбий ва моддий ёрдам кўрсатарди. Бу қадам кейинчалик, яъни XXI аср бошига келиб АҚШнинг ўзи учун жуда катта муаммоларни туғдирди.

6- §. Мамлакатда қарама-қаршиликнинг кескинлашуви

Л. И. Брежнев ҳақида эса: “Култ бор, аммо шахс йўқ”, – деб айтишарди. Аммо номенклатурадаги ходимлар унга хос бўлган эскиликни ёқлаш, кўнгилчанлик ва бемалоллик хусусиятларини ҳамда хатоларга ва суниестемол қилишларга бепарволигини кадрлар эди. Ундан кейин олигархияни бошқарган, 1982–1984 йилларда КПСС МҚ Бош қотиби бўлган Ю. Андропов “реал социализм”нинг ленинча ҳаётийлигига заррача шубҳа қилмасди. У интизомни мустаҳкамлаш, “совет халқи”ни маъмурий-миллий бирлаштириш (руслаштириш орқали) ва мамлакатни ҳарбийлаштириш учун жон куйдирди. Унинг қатъийлиги ва жамиятни ўрганиш заруратини тан олганлиги мамлакатда ўзгаришларни кутиш сукунатини жонлантирди, аммо у

1984 йил февралда оламдан ўтди. Унинг вориси К. Черненко, касал бўлишига қарамай, имкони борича “брежневча” йўл тутди, аммо 1985 йил мартгача ҳам яшай олмади.

“Тантанали дафнлар беш йиллигида” (учга Бош котиб) олигархиянинг асосий қуроли – КПСС ҳамма нарсага қодирдек туюларди. Унинг аъзолари сопи 19 миллион кишини ташкил этди. Сиёсий Бюро сиёсатини амалга оширувчи юз минглаб партия кўмиталари барча совет хўжалик ва ижтимоий ташкилотларини қамраб олган эди. Улар 18 миллионга яқин турли бошқарув тузилмалари ходимлари фаолиятини бошқарар ва кенг омма, жумладан, касаба уюшмалари, “ижодий уюнималар” ва бошқа ижтимоий ташкилотлар, ҳатто филатерист (марка йиғувчи) ва овчиларнинг сиёсий ҳатти-ҳаракатларини ҳам йўлга солиб туришарди. Оммавий ахборот воситалари, кино ва театрларда цензура ҳукмронлик қиларди. Радиотелеалоқа, кўпайтирувчи техника ва компьютерлардан эркин фойдаланишга йўл қўйилмасди.

КПСС бор кучи билан ҳаммани ёрқин келажак ҳақидаги хом-хаёлларга ишонтириш, халқ ва ҳокимият манфаатлари бирлигини уқтириб, халқ фаоллигини оширишга ҳаракат қиларди: “Халқ ва партия бир бутундир!”. Ҳатто КГБ 80- йиллар бонига келиб турли ҳуқуқшунос либераллар, демократлар, миллатчилар ва ҳоказоларни чегаралаш, лагер ва руҳий касалликлар шифохонасига жойлаш ёки мамлакатдан ҳайдаш чораларини кўрди ва унинг уддасидан чиқди.

КПСС бошланғич ташкилотлари ва уларнинг фаол таркиби “социализм афзалликлари”, “социалистик демократия” ва “советча яшаш тарзи”нинг устунлиги, “коммунизм қурувчиси”ни тарбиялашни тарғиб қилишни кучайтирар, меҳнат жамоаларини “жамиятнинг асосий ячейкаси”га айлантиришга ҳаракат қиларди. Ижтимоий бирлик манфаатлари учун тенглаштириш тенденцияларининг қўллаб-қувватланган тадбирлари ўтказиларди. Одамларга уларнинг бутун ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни “ёрқин келажак” учун хизмат деб тушунишларини уқтирардилар.

“Совет халқи – одамларнинг янги тарихий жамоаси” сифатида тарғиб қилинди ва унинг бирлиги учун ҳуқуқат кенг интеграция жараёнини, миллатлараро ва элатлараро никоҳлар ва руслаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлар, элатлар ўртасидаги ўзига хосликни ҳамда фарқларни камситиб, уларнинг она тилини ўрганишларини ва ўз тилларида китоблар чоп этишни қисқартириб борди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва илмий техника тараққиётини жадаллаштириш учун Сиёсий Бюро “Иқтисодиёт

иктисодли бўлиши керак!” деб жар солар ва ишлаб чиқаришнинг экстенсив ўсишдан интенсив ўсишга ўтишига даъват қиларди. Барча бошқарув идоралари томонидан режалаштириш ва бошқарувни яхшилаш, энг янги соҳаларни, бригада ва корхоналарни хўжалиқ ҳисобига ўтказиш ва ривожланишини тезлаштириш, юксак технологияларни жорий қилиш, ишчиларнинг ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигини ошириш бўйича чоралар қабул қилинарди. Асосий эътибор импортга, қуролларни янгилаш учун юқори технологиялар яратишга қаратилди. Бутун мамлакат хўжалигини Марказ бошқариб турар, республикалар ҳокимиятидагилар эса ўзларидаги ишлаб чиқаришнинг кўпи билан 15–20% ини бошқара олишарди, холос. “Улар Москвадан сўрамасдан туриб, оддий миҳ қоқишни ҳам уddaлай олишмайди”, – деб уларнинг конституциясида “ёзилган” суверенитетини шундай баҳолар эди М. Горбачев.

Аммо ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга муваффақ бўлинмади. 80- йилларга келиб эскирган асбоб-ускуналар улуши 40% дан ошди. Энг янги машиналарни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун СССРда АҚШдагига кўра 9–10 баробар кўпроқ вақт сарф этиларди. Совет ишлаб чиқаришида энергия ва хомашё сарфи Ғарбий Европадагидан 1,5–2 баравар кўп, аммо ишлаб чиқариш самарадорлиги бир неча баробар паст эди. Корхоналарнинг 25–30% и сурункали равишда даромад бўйича режаларни бажармас эди. Агросаноат комплексининг махсус тарзда ташкил қилинишига қарамасдан, 70% га яқин колхоз ва совхозлар ҳатто совет ўлчовлари бўйича зарарига ишлар эди. 80- йилларнинг ўрталарига келиб нефтнинг дунё бозоридаги нархлари пасайиши муносабати билан, совет бюджети учун жуда муҳим бўлган нефть экспортидан олинадиган даромад ҳам анча қисқарди.

Совет иктисодиёти харбийлигича қолаверди. Энг аввало, харбий мақсадларда стратегик хомашёни қазиб олиш оширилди, тадқиқотларнинг 4–5 қисми харбий мақсадларда ўтказилди, янги харбий технологиялар яратилди, ракеталар ва сувний йўлдошлар учириларди. Аммо СССР бирор стратегик технология бўйича АҚШдан ўзиб кета олмади ва фақатгина бир неча йўналиш бўйича тенгликни сақлаб қола олди, холос. “Улар, – деб ёзади ракиблар ҳақида КГБ раҳбари В. Крючков, – Совет Иттифоқини лазер технологиялари, авиация, Харбий-денгиз флоти, оддий қуролларнинг баъзи турлари бўйича анча ортда қолдиришди”. СССР устунлиги уёқда турсин, ҳатто харбий стратегик тенгликни сақлаш имкониятидан

ҳам маҳрум бўлди, АҚШ эса сифат жиҳатидан янги қуролни ишлаб чиқаришга киришди.

Умуман, ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръатлари 13,2 дан 10% гача пасая борди. Юксак технологиялар ўчоқлари яратилишидан қатъи назар, ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича у электрон ахборот ишлаб чиқаришга ўтган мамлакатлардан тобора ортда қолиб борди.

Аҳолининг давлат монополиясига асосланган эксплуатацияси чуқурлашиб борди. Меҳнатга ҳақ тўлаш унинг натижаларига умуман мос келмас эди ва ишчилар яратган даромаднинг тобора катгароқ қисми ижтимоий истеъмол фондлари томонидан меҳнат самарасига номутаносиб тарзда тақсимланарди. Энг малакали ва қобилиятлиларнинг бор маҳорат билан меҳнат қилиши қизиқ бўлмай қолди, чунки уларнинг меҳнати жуда паст баҳоланар эди. “Умуман, СССРда яхши ишлаш бефойда эди”, – деб гувоҳлик беради В. Павлов.

Юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг “истеъмолчилар жамияти”дан фарқли ўлароқ СССРда фуқаролик товарларини ишлаб чиқариш билан саноатнинг атиги 10–15% и банд эди. Бунинг натижасида мамлакатда 50 миллион аҳолига жон бошига ҳисоблаганда, ўртача 9 м² яшаш жойи тўғри келган ва аҳолининг овқатланиши рацион меъёрлардан ҳам 40–30–20% камроқ бўлган. Дори-дармонлар ҳам етишмас эди. 80- йилларнинг ўрталарига келиб, ҳукуматнинг эътироф қилишича, аҳолининг 40 миллион нафари қашшоқ аҳволда яшаган. СССРда аҳолининг соғлиқ даражаси ва ўртача умр кечириши энг ривожланган мамлакатларга нисбатан анча ёмон эди. Ҳар йили 120 минг носоғлом болалар туғилардики, бу аҳоли генефонди (наслий ақл-заковати)га катта зарар етказди.

Нефтни экспорт қилишдан келадиган даромаднинг камайгани сабабли импорт қисқартирилди ва аҳолига зарур моллар танқислиги ошди, ҳукумат эса ўзининг харажатларини қоплаш учун пул эмиссиясини оширди. Бу нархларнинг кўтарилишига, олиб-сотарликнинг авж олишига ва ноқонуний корхоналар – “яширин иқтисодиёти”нинг фаоллашишига олиб келди.

Экологик вазият ҳам тобора мураккаблаша борди, табиатнинг атом ва кимёвий чиқиндилар билан ифлосланишининг ҳақиқий кўрсаткичлари яширилди эди. Йиллик экологик талофотлар СССРда табиатни муҳофаза қилиш учун сарфланган харажатлардан 4–5 баробар кўп эди. Экологик офат минтақалари сони 150 дан ошиб кетди. Орол денгизи қуриб борар, Байкал ва Ладога кўллари заҳарланди,

мамлакатда истеъмол қилинадиган сувнинг 80% и зарур тозалик стандартига (меъерий ўлчами) жавоб бермас эди.

Буларнинг ҳаммасига қарамасдан, СССРнинг ҳарбий харажатлари Иккинчи жаҳон урушининг энг қизгин пайтидагидан ҳам кўпроқ эди. Совет раҳбарлари “дунё тарозиси палласига ўзининг кучли салоҳиятини кўйганлиги”дан мақтанишар эди. Сиёсий Бюро мамлакат захиралари ҳисобидан Ангола, Куба, Никарагуа, Жанубий Яман, Ҳабашистон режимларини сақлаб туришга ва бошқа “дўстлар”га, ҳамда ўнлаб хорижий Компартияларга миллиардлаб сўм ва долларни жўнатар эди. Унинг глобал даъволарини қондириш мақсадида ҳарбий база ва йўллар қурилиши учун, ХХР билан чегара бўйлаб кўшин сақлаш учун катта харажатлар амалга оширилди. Юзлаб совет кема ва атом сув ости кемалари денгиз ва океанларни кузатиб юрарди. Юзлаб “йўлдошлар” рақибни назорат қиларди.

СССРнинг бой берилган илгариги таъсирини тиклаш учун Сиёсий Бюро қарори билан 1979 йилнинг декабрида Афғонистонга совет ҳарбий интервенциясининг бошланиши кўп йиллик қон тўкишларга олиб келди. Унда 620 минг совет ҳарбийлари катнашиб, 14,5 минг киши ҳалок бўлди, бундан бир неча баробар кўп киши ярадор бўлиб, катта миқдордаги техника қўлдан бой берилди. Ўнлаб миллиард долларлар кўкка совурилиб, миллиондан ортиқ афгонлар йўқ қилинди, аммо ғалабага эришилмади. Бу интервенция барча мамлакатларда норозилик уйғотди. Муваффақиятсизликлар ва обрўнинг тўкилишидан ғазабга келган совет милитаристлари Куролли Кучларни кўпайтиришни талаб қилишар, огоҳлантирувчи ядро зарбаси ғоясини қўллаб-қувватлар ва “бутун мамлакатни ҳарбий лагерга айлантириш”га интиларди. 1984 йилда учта “оператив-стратегик театрлар”да Ғарбий, Жанубий ва Узоқ Шарқ Бош қўмондонликлари тузилди.

Совет раҳбарияти на ХХР билан алоқаларни яхшилашнинг, на Европа мамлакатларидаги “реал социализм”ни, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги дўстона тузумларни мустаҳкамлашнинг, на халқаро тинчликни сақлашнинг ва на парчаланиб бораётган жаҳон коммунистлар ҳаракатида ўз гегемониясини тиклашнинг уддасидан чиқа олди.

СССР ичидаги ижтимоий-сиёсий вазият кескинлаша борди. Аҳолининг мамлакат раҳбариятига ишбатан ишончи йўқолди. Кўпчилик социализмга содиқ қолса-да, аммо ҳар бир киши ўз фойдаси нуқтаи назаридан амал қилар, иккилама стандарт асосида ҳаёт

кечирарди. Кўлчилик мослашиб туриб, инсоний ор-номус ва эркинликни тинчлик ва майда имтиёзларга, фуқаро жавобгарлигини оддий, аммо нисбатан барқарор маишатга алмаштирди.

Бунда хўжаликда банд бўлганлар асосий қисми учун ишдан қониқмаслик, паст интизом, иш вақти ва усқуналардан нотўғри фойдаланиш, маҳсулот сифатига бефарқлик, кўшиб ёзишлар билан “пул ишлаш”га ва маошни талон-тарож қилиш йўли билан тўлдиришга интилишлар хос бўлди. Социологларнинг аниқлашларича, мамлакатнинг атиги 15–17% меҳнаткашлари виждонан меҳнат қиларди.

Тузум камчиликлари ва дардларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланувчилар кўпайиб борди. Жиноятчилик катта суръатлар билан ўсарди. Ичкиликка суяниб қолган ва ҳафсаласи пир бўлганлар сони ошиб кетди. Ичкиликбозлик умумхалқ оdatига айланди.

Мажбурий миграция ва иш характеридан, маошдан норозилик натижасида йиллик ишчи кучининг ташқарига оқиб кетиши ишда бандларнинг 25–30% ини ташкил этди. Шу билан биргаликда, корхона ва идораларда иш вақтининг 15–20% и бекорга сарфланар, миллионлаб қалбаки иш билан бандлар бўлиб, аҳолиси зич жойлашган жанубий минтақаларда иш топа олмаётган ишга лаёқатлилар сони ортиб борди.

Бутун мамлакат бўйича онгсиз оммавий давлат монополиясига асосланган эксплуатация ва ишчи-ходимларнинг бевосита манфаатларини поймол қилишга нисбатан норозилик авж олиб борди. Ҳукумат уни фуқаролар ҳаётини маъмурий чеклаш орқали баргараф қилишга уринди, аммо бу қутилган натижани бермади, балки қоғозбозликни янада кучайтирди. Раҳбариятнинг барча бўғинларида хато ва қийинчиликларни яшириш, тартибсизлик ва масъулиятсизлик, коррупция ва порахўрлик орқали мансабпарастлик касалига грифтор бўлиш кучайди. Олий раҳбариятнинг таъсири ҳам пасайди, чунки у, Андропов эътироф этишича, совет жамиятини яхши билмас эди. Бажариш учун ҳеч қандай маблағ ва воситалар бўлмаса-да, буйруқлар тез-тез берилиб турар, бажарилиши мумкин бўлганлари ҳам бажарилмас эди. Бундан ташқари, ташвиш билан Горбачев тан олганидек, “бутун тузумда” лаганбардорлик, хўжакўрсинчилик, шаҳсий алоқалар ва турли раҳбарлар атрофида турли мафия (клон)лар ҳукмрон эди.

Аҳолининг энг фаол қисми ўзгаришга мойил эди. Шунинг учун Андропов мамлакатда душманона кайфиятдаги юз минглаб одамлар бор ва тузум қатағонлар уюштиришга мажбур деб ҳисоблар эди. Бу

одамлар турлича ҳаракат қилишарди. “Ленинча ғоялар”га қайтишга даъват этишарди, қатагонлар туфайли ярим унутилган ва йўқолиб бўлган ўз элатлари фуқароларини ёки тили ва маданиятининг эркинликларини ҳимоя қилишарди. Тузум жиноятларини фош этишни ва либерал қадриятлар – инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни талаб этишарди. Диний эркинликни талаб қилишарди, қуролланиш пойғасига ва совет интервенцияларига нисбаган норозилик баён қилишарди.

Усталик билан амалга оширилган таъқиблар ва қатагонларга қарамасдан, Ю. Орлов, С. Ковалев, В. Буковский, В. Черновил каби кўркмас кишилар деярли ҳамма республикалардаги йирик марказларда ҳамда чет элда фаолият кўрсатишарди. Уларнинг чиқишлари мамлакат ичида яширин тарзда бўлса ҳам, кенг халқаро таъсирга эга бўлиб, совет тоталитаризмига қарши кучларнинг бирдамлигини оширишга хизмат қилди. А. Солженициннинг “Гулаг Архипелаги” китоби ва академик А. Сахаровнинг мавжуд тузум ва унинг агрессиясига қарши норозиликларини СССР ҳақидаги хомхаёлларга қаратадиган зарба берди.

Тарқоқ норозилик баён қилиб чиққанлар гуруҳлари кўп эмас эди, аммо бутун мамлакат бўйича норозилар – диссидентлар (уларни шундай аташарди) сони 250 мингтага етарди. Уларнинг ўз мақсадларига эришиш йўллари турлича ва ўта абстракт (хаёлий) эди. А. Амальрик каби СССР парчаланишини олдиндан билганлар жуда кам эди. Аммо улар унинг халқлари шарафини фидойилик билан ҳимоя қилишарди.

Уларнинг чиқишлари ва аҳолининг пассив қаршилиги ҳамда норозилигининг ўсиши тоталитар (мустабид) режимни эгавларди. Қийинчиликларнинг ўсиб бораётганини эътироф этган Ю. Андропов: “Биз бундай кийин вазиятда муаммоларни бир уринишда ҳал этолмаймиз, агар биз барча йўлларни очсак ва халқ ўз бахтсизлик ва норозиликларини тўқиб соладиган бўлса, бу оқим бизни ютиб юборади ва биз уни тўхтата олмаймиз”, – деган эди. Инқирозга энди бепарволик билан қараб бўлмасди, аммо уни қандай бартараф қилиш кераклигини ҳам ҳеч ким билмас эди.

7- §. СССРда қайта қуриш даври

Ўсиб бораётган “салбий ҳолатлар” оқимини бартараф этиш йўллари излашни фаоллаштириш мақсадида Сиёсий Бюро 1985 йилнинг март ойида Бош қотиб лавозимига ўз аъзолари ичида энг лаёқатли бўлган М. Горбачевни олиб чиқди. Албатта, бу “содик

ленинчилар” тараққийёт йўлини ҳеч қачон ўзгартирмасликни хоҳлардилар ва агар улар танлаган Бош котибнинг келажақда нималарга қўл уришини билганларида, уни танлаш тўғрисида ҳеч қандай гап-сўз бўлиши мумкин эмас эди. Горбачевнинг ўзи ҳам Сиёсий Бюрода: “Биз сиёсатни ўзгартиришимиз шарт эмас. У тўғри, ҳақ ва ҳаққоний сиёсатдир”, – деб баён қилган эди.

Олигархиядаги бузилмас тартиб туфайли олий ҳокимият “оқиллик” ва жавобгарликка эга бўлган Горбачев ҳамкасбларини алдамаётган эди. У пайтда қийинчиликларни бартараф этишга иштиёқ тоталитар тузумнинг барҳам топиши ва кейинчалик олий мақсаддан воз кечишга олиб келиши унинг хаёлига ҳам келмаган эди. У “реал социализм” инкирозга учраганини тан олмасдан, маслақдошлари ва мамлакатни синов ва хатолар йўлига бошлади. Совет партиявий аъналарига кўра, у авторитар фаолият кўрсатди.

Аввалига у ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш шиорини ўртага ташлади. Аммо тезда эскирган асбоб-ускуна ва технологияларни энг янгиларига алмаштиришга кўпроқ эътибор берилиши бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келди. Буни амалга ошириш учун воситалар ҳам етарли эмас эди.

Айниқса, ичкиликбозликка қарши олиб борилган аёвсиз кураш, бир томондан, алкоголизмни камайтирган бўлса-да, иккинчи томондан, одамлар соғлиғи ва ишлаб чиқаришга зарар етказди, бюджетни бир печа йил спиртли ичимликларни сотишдан келадиган фойдадан – 200 миллиард сўмдан (рублдан) маҳрум қилдики, бу мамлакат бюджетига қаттиқ зарба бўлди.

Ривожланишни жадаллаштириш мақсадида интизом қатъийлаштирилди. Саноатда ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш мақсадида уни давлат қабул қилиб олиш тартибини жорий қилди. Ишчиларнинг ташаббускорлиги ва жавобгарлигини ошириш учун меҳнат жамоалари тўғрисидаги қонун, уларга хаттоки раҳбарларни сайлашгача бўлган кенг ҳуқуқларни берди. Аммо ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг давлат томонидан қабул қилиниши маҳсулотнинг илмий-техник даражасини кўтарди, ишчилардаги “хўжайинлик туйғуси” эса “жамоавий худбинликда”, яъни “қулай” раҳбарларни танлаш, нархлар ва ойликни ихтиёрий кўтаришда намоён бўлиб, у хўжалик ва жамиятга қатта зарар етказди.

Саноатда одамлар ҳавфсизлиги таъминотини инобатга олмаслик оқибатида 1986 йилда Чернобилда ядро реактори портлаши юз бер-

ди, у кўпгина мамлакатларга зарар етказди ва кенг минтака аҳолиси учун фожиага айланди.

Иқтисодиётнинг кўп тармоқларини ўзгартириш зарурлигига ишонч ҳосил қилган Горбачев илгари Хрушчев томонидан қўлланган қайта қуриш ишларини ўртага ташлади. КПССнинг 1986 йил бошидаги съезди уни қўллаб-қувватлади ва меҳнатқашларни “социалистик ўзаро ёрдам ва талабчанлик”ни оширишга чақирди ва қисқа муддатда ишлаб чиқаришни кескин ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, аҳолининг уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминланиш муаммоларини ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

1987 йилга келиб аҳоли эҳтиёжи учун зарур моллар ва бюджет танқислигини бартараф қилишга уриниб, олий ҳокимият органлари Горбачев ташаббуси билан иқтисодиёт бошқарувини тубдан қайта қуришга киришдилар, давлат корхоналари, вазирликлар, республика идоралари, таъминот тизимлари, банклар мавқеини ўзгартирувчи қарор ва қонунлар ҳамда кенг ижтимоий дастурлар қабул қилишди. Бу чоралар хўжалиқни маъмурий кўрсатмалар орқали бошқаришни шартномавий бошқарувга алмаштирди, аммо улар ҳар доим ҳам бири-бири билан мос тушмас ва режаларнинг бажарилишини кафолатлай олмасди. Дастурларни амалга ошириш учун эса воситалар йўқ эди.

Кўрилган чоралар натижасида ҳокимият томонидан аҳоли истеъмоли учун йўналтирилган маҳсулотлар улуши бироз кўтарилди. Ишчиларнинг ўз-ўзини молиялаш, пудрат ва ижара асосида ишни ташкил қилиш жорий қилинди, раҳбарлар ишлаб чиқаришни аҳоли эҳтиёжларига йўналтириш, меҳнатга ҳақ тўлашни эса унинг натижаси билан боғлиқ тарзда амалга оширишга ҳаракат қилишарди. Кейин кооператив, моҳиятан ишбилармонликка асосланган, индивидуал меҳнат фаолиятига руҳсат этилди ва қонунлаштирилди. Ҳокимият руҳсати билан қўшма корхоналар ҳатто чет элликлар иштирокида тузила бошланди. Бу чоралар аҳолининг давлат томонидан эксплуатация қилинишининг марказлашишини сусайтириб, эксплуатация вазибаларининг бир қисми тармоқлар ва корхоналар раҳбарлари қўлига ўтди.

Аммо бошланган иқтисодий ташаббускорлик (ишбилармонлик) совет саноатининг асоси – ҳарбий-стратегик саноати уёқда турсин, ҳаттоки истеъмомол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни ҳам қамраб олмаган эди.

1985–1989 йилларда бюджет танқислиги 5 баробар ошди, аммо уни бартараф этиш учун амалга оширилган эмиссия СССР ички

қарзларини 2,5 баробарга оширди. Иктисодиёт ва жамиятдаги “салбий ҳолатлар” кўпайишни давом эттирди. Бу йўналишда ислоҳотлар иш бермаётган эди.

Аммо иктисодиётни қайта қуриш давом этарди. 1988 йил ёзидаги КПССнинг Бутуниттифоқ конференцияси иктисодий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қарор килди: давлат буюрмалари ва кўрсатмалари асосидаги маъмурий бошқарувни чеклаш, тўла хўжалик ҳисобини ва унинг шаклини меҳнат жамоа томонидан танлавишини жорий этиш ҳамда иктисодий ўз-ўзини бошқариш вазифалари қўйилди. Иктисодиётни либераллаштиришга қаратилган бу қадам кўпгина хўжалик раҳбарларини эсанкиратиб қўйди ва ҳарбий санат кўрғонларига дуч келивди. Ишлаб чиқариш ўсиши секинлашди ва 1990 йилга келиб дунё ялпи маҳсулотида СССР ҳиссаси 8% гача пасайди ва, энг асосийси, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар танқислиги ошди. “Магазин (дўкон)лар пештахталарида зарур озиқ-овқат маҳсулотлари тобора кам пайдо бўлмоқда, охириги пайтларда балик, гўшт, ёрмалар, макарон маҳсулотлари савдодан умуман йўқолди” – деб жойлардан МҚга хабарлар келарди. Озиқ-овқат ва энг оддий санат маҳсулотларини “излаб топиш” тобора қийинлашиб борар, нархлар кўтарилиб борар, навбатлар чўзилар, олибсотарлик авжига чиқаётган эди. Ҳукумат томонидан кўтариб чиқилган “Кучли ижтимоий сиёсат” шиорини амалга ошириш учун захиралар йўқ эди.

1986 йилдаёқ Горбачев ва унинг издошлари фақатгина иктисодиётни қайта қуриш аҳамияти ва жозибалигини таъкидлаб, уни инқилоб деб атади. Унинг тўғридан-тўғри халққа қайта қуриш ҳақидаги даъватлари билан мурожаат қилишлари унга Сиёсий Бюрода тан олинган дахлсизликка эришишига ёрдам берди. Икки йил ичида у Сиёсий Бюро аъзоларининг 70% ини “қайта қуриш иш бошқарувчилари”: Б. Ельцин, А. Яковлев, Э. Шеварднадзе ва бошқалар билан алмаштиришга улгурди. МҚ (Марказий Кўмитга) таркиби 40% га янгиланди.

Кўпгина партия ва давлат арбобларининг мутаассиблиги ва расмиятчилигига дуч келган Горбачев сталинча “деформация” ва “тормозлаш механизмини” бартараф этишга, “социалистик демократия” ва “халқнинг ўз-ўзини бошқариши”ни ривожлантиришга даъват этди. Унинг ташаббуси билан Сиёсий Бюро ва МҚ ошкораликни – анча илгари йўқ қилинган сўз эркинлигини социализм доирасида эълон қилди. Камчиликларнинг ва кўпгина раҳбарлар фаолиятининг куйидан туриб танқид қилиниши, фуқаролар томонидан ўз таклифларининг ўртага ташланиши ва тарқоқ ҳолдаги оммавий чиқишлар

қайта қуришнинг кенгайиши ва чуқурлашувига олиб келди. Натижада вилоят партия ташкилотларида 60% котиблар ҳамда кўпчилик совет ва хўжалик раҳбарлари алмаштирилди.

Мўлжални аниқ белгилаш ва қайта қуриш концепциясини ишлаб чиқиш қийин эди. 1987 йил кузида Горбачевнинг “Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун” номли китоби чиқди. Унда у умуминсоний кадриятлар устунлиги ва барча мамлакатлар халқлари уларнинг атрофида бирлашиши зарурлиги ҳақида ёзган эди. Бу М. Горбачевга СССР олий раҳбарият органлари қўшма йиғилишида ўз сўзларига ишонтиришга халақит бермади: “Биз янги олам сари – коммунизм олами сари бормоқдамиз”. “Бу йўлдан биз ҳеч қачон чекинмаймиз!”. Китобда эса у гап “умумхалқ социалистик давлат”, “жамоавий мулк” бошқарувдаги партияни ўзгартириш ҳақида эмас, балки уларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, СССРнинг ички ва ташқи ўтқир муаммоларини очишга ноанъанавий ёндашишни ўзгартириш, марксча-ленинча ёндашув ва жамиятни яхши билмаслик натижасида концепциясини ишлаб чиқиш қийинлашаётган янгича сиёсат юритиш зарурлигини тан олишдан иборат эди.

Горбачевнинг “янгилашиш мафқураси” билан чиқиши консерваторлар (“принципларидан воз кеча олмайдиган”), мўътадил “янгилашганлар” (социализмни инсонпарвар, демократик қилиш учун), радикаллар (“кўп партиявийлик, республикалар ва фуқаролар ҳуқуқларини кенгайтириш учун”) ўртасидаги кизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

1988 йилдаги КПСС нинг Бутуниттифоқ конференцияси бироз иккиланиб, сиёсий тизимни қайта қуриш, ички партиявийлик демократиясини тиклаш ва қатагон қурбонларини оқлашни давом эттиришга қарор қилди.

Горбачев КПСС ролини мустаҳкамлашга даъват этар ва, шу билан биргаликда, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш орқали одамларнинг қайта қуришда иштирокини таъминлашга ҳаракат қилди. Конференция делегатларининг деярли ярми бундай ўзгаришларга қарши бўлиб, уни асосий йўналишдан чекиниш деб ҳисоблашарди.

Конференция коммунистик партиянинг мафқуравий-сиёсий монополиясини сақлаган ҳолда, кенгашлар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотларни анъанавий маъмурий буйруқбозлик билан бошқаришдан воз кечиш ва уларнинг, айниқса, кенгашларнинг ролини оширишга қарор қилди.

Унутилган “Бутун ҳокимият советларга!” шиорини ўртага ташлаб, “халқ ҳокимияти”ни тиклаш ва “социалистик ҳуқуқий давлат”ни шакллантириш мақсадида марказий, республикавий ва маҳаллий советлар ва улар билан бирга судларга мустақиллик беришга интилар, уларнинг тузилиши ва шаклланиш усулларини ўзгартиришарди. Партия ва давлат органлари функция (вазифа)ларининг ажралиши бошланди. Бу илгариги ҳокимиятни сусайтирди ва парчалади. Сиёсий ва иқтисодий плюрализм (хилма-хиллик)сиз янги ҳукуматни барпо қила олмасди.

Мамлакатда ва партия ичида ҳам социализм ва демократиянинг талқини тўғрисида кескин баҳс-музокаралар бошланиб кетди. 1988 йил охирига келиб либерализм (индивидуал эркинлик ва ҳуқуқлар устуңлиги) ҳамда национализм (ўз миллат (элат)ининг манфаатлари устуңлиги тарафдорлари) пайдо бўлди. Ўз ихтиёри билан фаолият юритаётган кўпчилик коммунистлар иштирокида ижтимоий уйғониш бошландики, у кўпгина турли киёфадаги “норасмий” – ноқонуний, таъқиқланмаган ташкилотларнинг ва оммавий ҳаракатларнинг, ҳаттоки халқ фронтларининг пайдо бўлишига олиб келди. КПСС нафақат мамлакат муаммоларини ҳал қилиш йўлларини муҳокама қилиш бўйича монополиядан маҳрум бўлди, балки, шу билан бирга, халқ оммаси кайфияти ва ҳатти-ҳаракатини бошқариш имкониятидан ҳам маҳрум бўлди, совет жамиятининг парчаланиши бошланди.

Жамиятнинг янги сиёсий тузилиши, СССР янги олий органининг вазифалари ва сайловлари тўғрисидаги СССР Конституциясига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонунлар ҳукуматларни тақсимлаш, сайловчилар ва минтақаларнинг эмас, ҳаттоки сайловчиларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлигини ҳам таъминлай олмасди. Улар “бошқариладиган демократия” тизимини яратишга йўналтирилган эди. Сиёсий Бюро ва улар томонидан бошқариладиган ташкилотлар ўз вакиллари учун тўғридан-тўғри жойларнинг учдан бирига эга бўлишарди. Аммо совет сайловчилари 1989 йил баҳорида илк бор бир нечта эркин номзодлардан Халқ депутатлари съездига ўз делегатларини сайлаш имкониятидан мамнун эдилар.

Сайловларни КПСС органлари бошқарар ва сайловчиларнинг 80% и коммунистлар эди, аммо партиявий интизомнинг сусайиши боис уларни бошқариш қийинлашди. Албатта, кўпчилик Ю. Афанасев номлаганидек, “агрессив итоаткор” эди. Горбачев съезд ташкил этган Олий Совет Раиси этиб сайланди, аммо унинг (советнинг) “сталин-

ча-брежневча” кўпчилигига озгина радикалларни кўшишга мажбур бўлди.

Радикаллар қайта қуриш душманлари ва Горбачев сусткашлигини танқид қилиб, СССР нинг асосий мақсадини шубҳа остига қўйди. Улар томонидан А. Сахаров ва Б. Ельцинлар раҳбарлик қилаётган минтақалараро депутатлар гуруҳи ташкил қилинди, қонуний муҳолифат тикланди.

Навбатдаги съездеда кузга келиб фаоллашган радикаллар “социалистик янгилаш” учун КПСС монополиясини сиёсий плюрализм билан, унитар давлатни Сахаров (декабрда вафот этган) конституция лойиҳасида кўрсатган эркин республикалар иттифоқи билан алмаштиришни, мулкчиликнинг турли шакллари ва бозор муносабатларини эътироф этишни талаб қилишди. Бунда улар бунинг ҳаммасини аҳоли турмуш даражасини ёмонлаштирмасдан туриб амалга ошириш мумкин деб ишонтирарди. Бундай чиқишлар “бошқа бундай яшаш мумкин эмас”лигига ишонганларга илҳом бағишларди. Мамлакатда митинг ва намойишлар кўпайиб, оммавий характерга эга бўлди. Уларда юз минглаб одамлар иштирок этарди. Улар таъминотни яхшилашни, фуқаро ва халқлар ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришни талаб этишар, бюрократизмга қарши норозилик билдирар, радикалларни қўллаб-қувватлардилар. Бундай талаблар билан чиққан Б. Ельцин машҳур бўлдики, КПСС раҳбариятининг унга тазйиқи унинг машҳурлигини янада оширди.

1989 йилдаги ўзгаришлар натижасида тоталитар тузум тугагилди. Партия, давлат ва хўжалик органларига “янгича фикрлашни” ўзлашгириш қанчалик қийин бўлса, концепцияси эндигина ишлаб чиқиляётган янгича сиёсат юритиш ундан-да қийинроқ эди. Бу, ўз навбатида, ҳокимият таъсирчанлигини сусайтирарди. Ижтимоий уйғониш қайта қуришни нафақат олдинга сурар, балки ундан ошиб ўтаётган эди. Жамият таркибий қисмларидаги парчаланишнинг бошланиши “бошқариладиган демократия”ни шакллантиришни қийинлаштирди.

8- §. КПСС яккаҳуқумронлигининг кулаши

Таракқиёт ва қайта қуришни жадаллаштиришга ҳаракат қилаётган Горбачев ва унинг тарафдорлари мамлакатда бу ўзгаришларни амалга ошириш учун дунёнинг энг йирик мамлакатлари: АҚШ ва унинг

иттифокчиларидан ва ХХРдан қуролланиш соҳасида орқада қолиб кетмаслик учун сарфланаётган харажатларни камайтирмай эриша олмаслигига қаттиқ амин бўлдилар. Горбачев тан олишича, “мудофаа харажатлари халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларидан ҳаёт шарбатини сипқораётган эди”. Шунинг учун янгиланган совет раҳбарияти халқаро кескинликни ва қуролланиш пойгасини тўхтатишга чақирикларни фаоллаштирди. Бу йўлдаги асосий нарсалар Горбачевнинг 1986 йил бошидаги қуроллари қисқартириш тўғрисидаги кенг миқёсдаги таклифлари, унинг КПСС съездидаги урушда ҳам, қуролланиш пойгасида ҳам ғолиблар бўлмаслиги ҳақидаги нутқлари, унинг АҚШ ва бошқа йирик мамлакатлар раҳбарлари билан учрашувлари бўлди. СССРдаги йирик ҳарбий харажатлар зарурлиги ҳақидаги шубҳаларни Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизими томонидан хорижий самолётнинг Қизил майдонгача учиб борганининг пайқалмагани ҳамда Афғонистондаги урушнинг беъмани ва келажаги йўқлиги кучайтирди. Шу нарса аён бўлдики, СССРнинг юксак технологиялар соҳасида қолоклиги ўсиб бораётган бир пайтда АҚШ томонидан бошланган янги қуролланиш пойгасига қўшилиш ўз жонига қасд қилиш билан баробар эди. Сиёсий Бюро мамлакатнинг тинқасини қуритган қонфронтация – қарама-қаршилиқни тўхтатишнинг радикал (кескин) чораларини излашга мажбур бўлди.

Мамлакат раҳбарияти совет кўшинларини Афғонистондан чиқаришга рози бўлди, дунё мамлакатларини ҳарбий соҳаларда ақлидрок билан иш юритишга даъват этди, “нол вариант”, яъни Европада Буюк Британия ва Франция ракеталари сақланиб қолгани ҳолда, СССР ва АҚШнинг ўрта ва қисқа масофага учириладиган ракеталарининг йўқ қилинишига розилик билдирди.

1988 йилнинг охирида эса Горбачев БМТда “умуминсоний манфаат” ва “умуминсоний консенсусни излаш” (ўзаро келишув йўлларини излаш) устуңлигини маъқуллаб, барча мамлакатлар томонидан яшаш тарзининг ўз сиёсий ва ижтимоий тартибини танлаш эркинлиги” ҳақида Баёнот берди. Бу, моҳиятан, нафақат социализм манфаатларининг миллий манфаатлардан ҳам устуңлиги тўғрисидаги “Брежнев доктринаси”дан, балки “пролетарча байналмилалчилик” ва СССРнинг ленинча-сталинча дунёвий мақсадидан ҳам бутунлай воз кечишни билдирар эди. 1989 йил 15 февралда совет кўшинларининг Афғонистондан чиқарилиши, кейинчалик СССРнинг Европанинг қўлгина мамлакатларида “реал социализм”ни қулатган воқеаларга

аралашмаганлиги ҳамда 1988 йил охирида АҚШ билан совуқ муносабатлар урушини тугатиш ҳақида келишиб олиниши бу баёнотларнинг нақадар жиддийлигидан далолат берарди. Коммунистларнинг бир бутун бўлган буюк мақсадининг бир қисмидан (бу мақсад йўлида СССР яратилди ва ривожлантирилди) унинг раҳбарияти томонидан воз кечилди: идеократия (мафкура устунлиги) кемтик бўлиб қолди.

Энди ўткирлашган инқироз туфайли заифлашган СССР Европа ва бошқа китъаларда совуқ уруш туфайли ўз аҳамиятини йўқотган позицияларини сақлай олмас эди. Бу маълум харажатни ҳам талаб қиларди. “Совуқ уруш” туфайли иттифокчиларни қўллаб-қувватлаш беъманилигини англаган совет раҳбарияти уларга ёрдам беришни тўхтатди ва иттифокчилардан маҳрум бўлди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЁК) ва Варшава Шартномаси Ташкилоти (ВШТ) ўз мавқеини йўқотди ва аъзоларининг қарорига кўра тарқатиб юборилди. Совет Куролли Кучлари қисқара бошлади. Стратегик ҳужумга мўлжалланган куролларни қисқартириш тўғрисидаги янги келишувлар тузилди.

Мамлакатнинг заифлашгани ва қайта қуриш учун вақтдан ютишга интилиш музокараларда иқир-чиқирларни муҳокама қилишга имкон бермас эди. Шунинг учун Горбачев СССРда ҳали кўпчилик томонидан танилмаган ва тан олинмаганлар билан курашда кўпинча уларга ён берарди. Европа ва, умуман, бутун сайёра аҳолиси эса ўн йиллар давомида бошидан кечираётган дунё ядро урушидан қўрқув ва ваҳимадан халос бўлди. Мамлакат ичкарасида тинчликпарварлик обрўсининг тушиб кетишига карамай, Горбачевнинг халқаро майдонда обрўси ошиб кетдики, у 1990 йилда “Нобел” мукофотига сазовор бўлди. Бу СССР дунёнинг энг бой мамлакатларидан қайта қуришни амалга ошириш учун бир неча миллиард долларни қарзга олиш имконини берди.

Шу билан бир пайтда, 1989 йил кузидан 1990 йилнинг ёзигача мамлакатда, айниқса, Москва ва бошқа йирик шаҳарларда турли либерал-демократик гуруҳларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини талаб қилувчи ва КПССнинг мафкуравий-сиёсий монополиясига эътироз билдирувчи митинг ва намойишлари сони ошиб бораварди. Уларда консерваторлар танқид остига олинар ва Горбачевни эса қайта қуриш самарадорлиги пастлигида айблашар эди. Биринчи май намойишларида Қизил майдонда кўпчилик “Йўқолсин КПСС!” “Горбачев истеъфога!” каби шиорлар билан чиқди. Бир қатор минтақаларда аҳоли турмуши ёмонлашишига қарши йирик

стачка (иш ташлаш)лар бўлиб ўтди. Ҳамма жойда кооператив ва хусусий корхоналар пайдо бўла бошлади. Баъзи норасмий ташкилотлар партия ва сиёсий ҳаракатларга айлантирилди. Радикаллارни қўллаб-қувватловчи оммавий ахборот воситалари таъсири ошиб борди.

Иқтисодий ва сиёсий хилма-хилликнинг фуқаролар томонидан амалга оширилиши “реал социализм” доирасидан чиқиб кетар, ижтимоий тараққиёт йўналиши либерал-демократик тус олар ва қайта қуриш ташаббускорларини янада илгорроқ бўлишга мажбур этарди. Май ойида СССР Халқ депутатлари съезди Конституциядаги КПССнинг раҳбарлик роли тўғрисидаги моддани бекор қилишга мажбур бўлди.

Бунга жавобан, Сиёсий Бюродаги мўтадил “янгиланганлар”, Марказий Кўмитадаги, партия ва давлат аппаратадаги, генераллар орасидаги газабланган консерваторлар фаоллашди. Турли партияларнинг, хусусий мулк ва бозор муносабатларининг пайдо бўлиши, Конституциядан КПСС устунлиги тўғрисидаги модданинг олиб ташланиши консерваторлар томонидан СССР асосий мақсадининг иккинчи қисмидан ҳам воз кечишдек қарор қабул қилинди. Сиёсий Бюро ва МҚдаги 1990 йилги келишмовчиликлар Бош котибни дахлсизликдан маҳрум қилиб, айна пайтда, олигархияни фалажлаб, унинг парчаланишини бошлаб берди. КПССда тарқоқлик юзага келди: баъзилар “принциплардан воз кечиш”ни хоҳламас, иккинчилар эса турлича талқин қилинувчи партия ва мамлакатнинг янгиланиш тарафдорлари эдилар. Учинчилар нима қилишларини билмасдан, хафсаласи пир бўлар, кўпчилик эса партияни тарк этди. КПСС ўзининг обрўсини ва ишга лаёқатини йўқотди. “Реал социализм” мафқураси, сиёсий тизим ва иқтисодиёти парчаланиб кетди. Сусайган ҳокимиятнинг мустаҳкамлаш борасидаги узоқ ва кескин баҳс-мунозаралардан кейин, 1990 йилда Халқ депутатлари съезди СССР Президенти лавозимини таъсис этди ва май ойида 60% овоз билан бу лавозимга Горбачев сайланди. Президентга айланган Бош котиб радикал рақибларни “дўстона яшаш”га чорлар, аммо улар ўртасидаги кураш тобора кескинлаша борди. Бировларнинг ташвиши, бошқаларнинг қувончи, инқилоблар Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида “реал социализм”нинг қулаши ва либераллаштириш билан мустаҳкамланиб борди.

Партияни янгилаш йўли билан кучларни ислохотларга сафарбар қилиш ва мамлакатни бирлаштиришга интилиб, Горбачев 1990 йил июлида КПССнинг XXVIII съездини ўтказишга муваффақ

бўлди. Ельцин ва бошқа радикаллар партия сафларини тарк этишди. Мўътадил “янгиланганлар” эса консерваторлар қаршилигини барта-
раф этиб, СССР асосий мақсадининг иккинчи қисмини қайта кўриб
чиқиб, марксизм-ленинизм концепциясини нафақат халқ оmmasига,
балки коммунистларга ҳам тушунарсиз бўлган бошқа социализм
концепцияси билан алмаштиришди.

Съезд “Инсонпарвар демократик социализм сари!” шиори-
ни қабул қилдики, у плюралистик демократик ва ҳуқуқий давлат
қуришга қаратилган бўлиб, мулкчиликнинг турли шаклларини ва
“бошқариладиган бозор муносабатлари”ни тан оларди. Мамлакат-
да инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши керак эди. Бу
ғояларни КПССнинг янги дастурига киритишга қарор қилинди.

Бунда партиянинг етакчилик роли хилма-хилликка асосланган
демократия шароитида ғояларни ишлаб чиқиш, оммани тарбия
қилишга йўналтиришидангина иборат бўларди. Партия энди республи-
ка партияларининг федерациясига айланган ва унинг Сиёсий Бюроси
эса республика раҳбарларидан сайланарди. Қайта ташкил қилинган
МҚ ўзгарган шароитда партияни фаоллаштириш йўллари кидирар
ва кескин вазиятларга мўлжаллаб яширин молиявий захиралар шак-
ллантира бошлади.

Аммо на партия ходимлари ва на оддий коммунистлар улар-
нинг тажрибаси ва илгариги тасаввурларидан кескин фарқ килувчи
ғояларни амалга татбиқ қилишга қодир эмас эдилар. МҚга хабар
беришича, илгариги кўпгина ташкилотлар ишдан чиқди, маҳаллий
жойларда ташкил қилинганлари эса ишломас эди. Маҳаллий
раҳбарларга йўналтирилган МҚнинг қарорлари бекорга кетар,
уларни ҳеч ким амалга ошира олмасди. “Халқ билан мустаҳкам
боғланмаган партия аппарати ўз қозонида қайнаётган эди”, – деган
хабарлар МҚга етиб келарди. Халқ КПСС ишини кўрмас ва сезмас
эди. Партия қаердадир идораларда эди. Кўпчилик КПССни тарк
этди. 1990 йил январ ойидан 1991 йил январ ойигача унинг аъзолари
сони 19,2 млн дан 16,5 миллионга тушди, қолганлар эса фақатгина
расман партия таркибида эди.

Партия сиёсий кучдан маҳрум бўлди. Сиёсий Бюро эса ўз таркиби
устидан бошқарувни қўлдан бой берган ва республикалар манфаат-
ларини мувофиқлаштирувчи органга айланиб қолган бўлиб, олигар-
хия хусусиятларидан маҳрум бўлди ва бошқа идеократия (мафкура
устунлиги)нинг олий инспекцияси бўлмай қолди.

Коммунистларнинг асосий мақсадидан воз кечилиши билан пар-

чаланган “реал социализм”ни ҳеч қандай кучга эга бўлмаган инсонпарвар демократик социализм ғояси билан алмаштиришга уринишга қарамасдан, идеократия империя билан биргаликда йўқолди. СССР мақсадлари утопияга айланди, у буюк мақсадга эришиш учун тузилган ва ривожлантирилган мамлакатга умуман ўхшамай қолди. Аммо 1990 йилда рўй берган чуқур ўзгаришларнинг тап олинishi учун, илгариги давлат ва партия тақдирини ҳал қилиш учун бир йилдан ортиқроқ курашишга тўғри келди.

Консерватор коммунистлар билан биргаликда социалистик йўлни танлаган Горбачев уларга мос келмайдиган демократик социализм сари юришга ҳаракат қилиб, бозор ислохоти ва СССРни янгилаш йўлларини излади. У социализмга бўлган садоқатини фаоллашган либерал-демократик кучлардан ҳимоя қилиб, социализм ва либерализмни бирлаштиришга ҳаракат қилди.

Давлат бошқаруви ва меҳнат жамоаларининг ўз-ўзини бошқарувида юзага келган қийинчиликларнинг объектив ва субъектив сабаблари дезинтеграция (парчаланиш)га ва ишлаб чиқариш ҳамда тақсимотнинг қисқаришига олиб келди. Н. Рижков ҳукумати бир неча йилга мўлжалланган режаларни, социалистик иқтисодиётга ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини жорий этиш дастурини ишлаб чиқди. Аммо уни амалга ошириш шартли парчаланаётган совет хўжалигининг барқарорлашувидан иборат деб ҳисобланди. Аммо бунга эришилмади. Рижков ҳукумати “мафқуранинг иқтисодиётдан устулиги”ни бартараф этолмаслигини тан олди. Бунинг устига, талаб йўқ бўлган маҳсулотни ҳар қандай вазиятда ҳам ишлаб чиқариш давом этаётган эди. Ҳукумат озиқ-овқат нархларини унинг таннархи билан мувофиқлаштирувчи зарур, аммо маиҳур бўлмаган қонунларни қабул қилишни ҳам уддалай олмади.

Ўзгаришларни ривожлантириш мақсадида, Горбачев 1990 йил ёзида Россия Бош Вазирлиги ўринбосари Г. Явлинский томонидан тақлиф қилинган ва РСФСР Олий Совети томонидан маъқулланган “500 кун” дастурини қўллаб-қувватлади. Бу дастур бозор муносабатларига ўтиш учун нархларни тезда эркинлаштириш ва корхоналарни хусусийлаштиришни кўзда тутибди. Аммо СССР Олий Совети мумкин бўлмаган нарсани, яъни “Рижков Дастури” билан бирлаштиришни сўрадики, у мамлакатдаги ўзгаришларни издан чиқарди.

1990 йилда: “Мамлакат ҳукумати хўжалик бошқарувини қўлдан бой берди”, – деб ҳисоблади Қозоғистон раҳбари Н. Назарбоев. Йил охиригача инвестициялар 4% га, саноат ишлаб чиқариши 1,2% га,

кишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2.3% га, Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) 2% га камайди. СССР Ялпи миллий маҳсулоти АҚШ Ялпи миллий маҳсулотининг 10% ини ташкил этди. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши ишсизлар сонини кўпайтирди. Давлат бюджеті танқислиғи ва уни қоплаш учун эмиссия анча ўсди, ҳукумат меҳнатга ҳақ тўлашни оширмади, озик-овқат ва бошқа маҳсулотлар тобора камайиб борди. Инфляция бир йилда 119% ни ташкил этди. Унинг кескин ошиши билан, жиноятчилик тобора авж олди.

Қайта куришдан ўз аҳволи яхшиланишини кутган халқ норози эди ва унинг қутилмаган оқибатларидан қазабга келарди. Турмуш даражасининг ёмонлашуви ва ислохотларнинг секинлиғига қарши оммавий чиқишлар кўлами 1990 йилда СССРда мисли кўрилмаган даражада кўпайди. Йил давомида 16 миллион одам иштирокида 10 мингта митинг, намойиш ва иш ташлашлар рўй берди. Уларнинг 2-3 қисмида тўқнашувлар, тартиб бузишлар рўй берди. Иш ташлашларда 17 миллиондан ортиқ киши / соат (иш самарадорлиғи бирлиғи) бой берилди. Бу хўжалиқни янада издан чиқариб, мамлакатни сиёсий барқарорлиқдан маҳрум қилди. Бу, В. Павлов ёзганидек, “хамма нарсани камраб олган инқирознинг барча кўринишларда намоён бўлишидан” далолат берарди.

9- §. Республикаларнинг мустақиллик одимлари

Тоталитар тузумнинг кулаши, жамиятнинг парчаланиши, ҳокимият самарадорлиғининг пасайиши ва мафкура устуворлиғининг сусайиши билан, олдинги мазмунини йўқотган давлатчиликнинг парчаланиши бошланди. Бутуниттифок манфаатлари устуворлиғининг бузилиши ва хўжалиқнинг марказлашган бошқарувининг йўқолиши билан, элатлар, миаллатлар ва маҳаллий минтақалар манфаатлари олдинги саҳнага чиқди.

Ошқоралик миллий чиқишларнинг фаоллашуви, миллий ҳаракатлар ва ташкилотларнинг лайдо бўлиши ҳамда кучайишига ёрдам берарди. Бу ташкилотлар ва ҳаракатлар СССР таркибида ўз худудлари ёки мунозаравий минтақаларда яшовчи, турли хил фазаларда, ижтимоий шакларда турган 150 дан ортиқ элатларнинг хилма-хил интилишларини ифода этарди. Умуман, миллий ўзликни англаш ўсиши натижасида 1990 йилга келиб СССР аҳолисининг атиғи 10% и ўзини “совет халқи”га мансуб

деб билса, қолгаплари ўзларини ўз халқи, миллат ва қабилаларига тегишли деб ҳисобларди.

Қайта қуришнинг биринчи йилларидаёқ СССРда миллатлараро муносабатлар мураккаблашди. Руслаштиришга қарши, шимол халқларининг тирик қолиши, қатагон қилинган халқларни тўла реабилитация қилиш талаби билан кичик миллатларга қарши сиёсатни қоралаб ва мухториятларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга чақирувчи чиқишлар юзага келди. 1988–1991 йилларда бу соҳада 150 дан ортиқ тўқнашувлар рўй берди. Уларнинг 20 тасида қурбонлар бўлди, 600 киши ҳалок бўлиб, ўн минглаб кишилар қочишга мажбур бўлди. Сумгаитдаги арманларнинг қонли тўқнашуви, Тоғли Қорабогдаги арман–озарбайжон уруши, Фарғона водийси, Янги Ўзган, Абхазия, Дубоссари, Жанубий Осетия, Ингушетиядаги миллатлараро тўқнашувлар авж олди. Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги уруш мамлакатни ларзага келтирди. Иттифоқ маркази бу воқеаларнинг олдини олишга ҳам, қурбонлар сабабчиларини жазолашга ҳам, баҳс-мунозараларни ҳал этишга ҳам муваффақ бўлмади. Бу унинг обрўсини туширди.

Иттифоқдош ва баъзи мухтор республикаларда миллий ҳаракатлар, асосан, она тили ва маданиятини ҳимоя қилишдан, миллий ўзликни англаш, тикланиш ва қайта қуришни қўллаб-қувватлашдан бошланар эди. Россиядан ташқари барча республикаларда миллий тилга давлат тили мақомининг берилиши идеократия томонидан яратилган ягона рус тилидаги бошқарувни йўққа чиқарди. Миллий маданият устунлигини таъминлаш, уни СССРнинг барча халқлари маданиятини бирлаштирувчи “социалистик мазмун”дан ҳалос этарди, СССРнинг маданий-мафкуравий бирлигига зарба берарди. Миллий ўзликни англашнинг тикланиши миллий манфаатларнинг социалистик ва Бутуниттифоқ манфаатларидан устунлигини билдирар эди. Бунда 1991 йилга келиб шу нарса маълум бўлдики, Иттифоқдош республикалар ўртасидаги 23 маъмурий чегаралардан атиги учтасида тўқнашувлар рўй бермаган.

Шу билан бирга, кичик миллатлар – турли республика ва мухториятлардаги 60 миллион кишининг ҳудудлари ва маданиятининг ривожланиши ҳамда кам сонли шимол халқларининг сақлашиб қолиши муаммолари кескинлашди.

Аҳолини энг зарур нарсалар билан ўзлари таъминлашим кераклигига ишонч ҳосил қилган республика раҳбарлари республикаларни ҳўжалик ҳисобига ўтказишни талаб қилдилар. Бу нарса республика-

ларни халқ хўжалиги комплексининг асосий субъектларига айлан-тирилишини билдирар эди. СССРдаги ишлаб чиқаришнинг 80% ига эгаллик қилувчи соҳавий идоралар бунга йўл қўйишни истамас эди-лар. Сиёсий Бюро 1990 йилда, энг аввало, бу идораларнинг манфа-атларини ҳисобга олиб шу қарорга келдики, республикаларга уларда яратиладиган бойликнинг кўпи билан 15% ини қолдириб, 85% ини Иттифок марказий идораларига бериши керак эди. Бу республи-каларни ҳеч қониктира олмас эди ва улар ўзларига Конституция тақдим этган, аммо, аслида, сароб бўлган мустақиллик суверенитет-ларини амалиётга оширишларидан бошқа чоралари қолмади. Унинг эълон қилиниши ва амалга татбиқ этилиши республикалардаги бар-ча ишлаб чиқариш ва табиий ресурслари устидан республикалар ҳокимиятининг ўрнатилишига, республика қонунларининг Иттифок қонунларидан устунлигига ва мустақил ташқи сиёсатга эга халқаро муносабатлар субъекти ҳуқуқларига эга бўлишига қаратилган эди.

Кўпчилик республикаларнинг Мустақиллик Декларацияларида уларнинг СССР таркибидан чиқишлари қайд этилмаган бўлса-да, мустақилликнинг амалга оширилиши, республика раҳбарлари сўзла-ри ва хоҳишларидан қатъи назар, Иттифок марказига бўйсунишни пучга чиқарар, Иттифок давлатчилигини барбод қиларди. СССР тар-кибидан чиқишни республикалар ўз Мустақиллик Декларациялари-да баён қилишди. Марказ республикалар устидан ҳукмронлигидан маҳрум бўлди ва СССР парчалана бошлади. Улар бу республика-лар ўртасида ягона мафқуравий-сиёсий йўналиш ва ҳаётий мақсад бўлганда, янги конфедератив муносабатлар ўрнатилиши мумкинли-гини инкор этмас эди; аммо бу СССР эмас, балки бошқа бир мазмун-даги конфедератив давлат бўлар эди.

Горбачев 1988 йилдан бошланган республикаларнинг кетма-кет мустақилликларини эълон қилишларини киноя билан “суверени-тетлар марши” деб атаган эди. 1988 йил ноябр ойида Эстония Олий Совети Мустақиллик Декларациясини маъқуллади ва республика Конститутциясига ҳам мос ўзгартишлар киритди. Келаси йил май ойида эса СССРдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1989 йил кузида Грузия аҳолисининг кўпчилиги унинг мустақиллигини тиклаш учун овоз берди ва 1991 йил апрел ойидаги референдумдан сўнг мамлакат мустақил деб эълон қилинди. Молдавия Республика-си 1989 йилда ўзининг суверенитетини, 1990 йилда мустақиллигини эълон қилди. 1990 йил баҳорида Литва ва Латвия ўз мустақиллик ва суверенитетларини тиклаб олишди. 1990 йил ёзида Россия, Украина,

Белорус, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг суверенитетлари эълон қилинди. 1990 йил октябрида Қозоғистон, декабрида Қирғизистон ўз суверенитетларини эълон қилдилар. 1990 йилда Иттифокдош республикалардан ташқари, Тоғли Қорабоғ, Абхазия, Жанубий Осетия, Гагаузлар Республикаси ва Днепрбўйи Молдавия Республикаси ўз суверенитетини эълон қилди.

Бўлиб ўтган янгиланишларнинг ташқи томонидан кўра, ички принципиал ўзгаришлари муҳимроқ эди. Кўпчилик республикаларнинг суверенитети ва мустақиллик эълон қилишлари уларда ҳокимият тепасига миллий либерал, миллий демократик ёки либерал-демократик кучларнинг келиши билан боғлиқ эди. Улар ёки улар томонига ўтган илгариги раҳбарлар содиқ коммунистларни ҳокимиятдан четлаштирар ёки ўзларига бўйсундиради, социалистик йўлдан воз кечар, миллий, либерал ёки демократик кадриятларни қўллаб-қувватлар эдилар. Республикалардаги ижтимоий-сиёсий тизим шунга мос равишда ўзгариб борарди. Уларнинг баъзиларида мустақилликка ва янги йўлга фаол қаршилиқ кўрсатган коммунистик ташкилотлар таъқиқланиб, уларнинг мулки миллийлаштирилган эди.

Республикалардаги ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий-сиёсий соҳадаги йирик тафовутлар уларда ягона ва бир вақтда амалга оширилаётган ислохотларни йўққа чиқарар, уларда янги мафкуравий-сиёсий йўналишнинг ишлаб чиқиши эса уларнинг мустақилликка бўлган интилишларига нисбатан анча номутаносиб эди. Бу жараён 1988 йилдан бошланиб, 1990 йилда кўпгина республикаларда рўй берди ва 1991 йилнинг охирига келиб социалистик йўлга содиқ бўлган коммунистлар фақатгина Беларус, Озарбайжон ва Тожикистонда ҳокимият тепасида қолган эди. Бу республикаларнинг суверенитет ва мустақиллик эълон қилишларидан ҳам кўра, СССРдаги социализмга йўналтирилган давлатчиликка қаттиқроқ зарба берилди. Ундан фақатгина харобалар қолди, холос. Ўша пайтда республикаларнинг мафкуравий-сиёсий узоклашувининг аҳамиятини халқлар уёқда турсин, балки баъзи раҳбарлар англамаган бўлса-да, айнан шу нарса ягона давлат парчаланишини қайтмас жараёнга айлантирди.

Республикалар учун мустақилликка ва суверенитетга эришиш, айниқса, мафкуравий-сиёсий йўлни ўзгартириш осон бўлмади, Горбачев, Сиёсий Бюро, Марказий Қўмита, КПССнинг съезд ва конференциялари ҳамда Халқ депутатлари съезди республикаларнинг суверенитетга эга бўлишларига иложи борица қаршилиқ кўрсатди.

Сиёсий Бюро ва МҚнинг миллий сиёсатга бағишланган Пленумларидан бирида партия съездлари томонидан совет раҳбариятининг бир қатор элатларга нисбатан йўл қўйган хатолари шарҳлаб берилди, “ленинча миллий сиёсат”га киритилган тузатишлар тушунтирилди. Уларнинг раҳбарлари миллий ҳаракат ўчоқларида бўлишди, МҚнинг Болтиқбўйи республикалари бўйича махсус комиссияси тузилди. Горбачев республикаларга тобора кўпроқ аҳамият берарди. Иттифокнинг партия ва совет органлари республикаларнинг раҳбарлари ва халқларига қаратилган кўп сонли мурожаатларида ва оммавий ахборот воситалари орқали республикаларнинг СССРдан ташқари яшай олмаслигини ва муваффақиятли қайта куриш ва халқлар фаровонлиги учун Иттифок давлатини сақлаб қолиш зарурлигини исботлашга ҳаракат қилишарди. Иттифокдош ва мухтор республикалар эркинлигини кенгайтириш, Иттифок марказига эса фақат умумий муаммоларни ҳал қилиш ваколатини бериш таклиф қилинди. Аммо, шу билан бирга, социалистик йўлнинг устуңлиги, ягона давлатнинг олий раҳбарияти белгиловчи жамият манфаатлари ҳимоя қилинарди. Илгаригидек миллий манфаатлар устуңлиги – миллатчилик ва социалистик йўлдан воз кечиш катъий қораланар эди. Бу эса келишмовчиликларнинг сабаби эди.

Республикаларнинг суверенитетига интилаётган раҳбарларни худбинлик ва мансабпарастликда айблашарди. Республикалардаги мустақилликка қарши бўлган кучлар байналмилал фронтлар, коммунистик ташкилотлар ва ҳоказолар очикчасига ва яширинча қўллаб-қувватланди. Иттифокдош республикалардаги мустақилликка ингилишни айирмачиликни қўллаб-қувватлаш, яъни улардаги кичик миллатларнинг (абхазлар, осетинлар, ёқутлар, поляклар, гагаузлар ва бошқалар) суверен бўлишга ингилишлари билан кўрқитиш орқали тўхтатишга ҳаракат қилинди. Мустақиллик эълон қилган республикаларга қарши иқтисодий жазо (санкция) чоралари, қамаллар қўлланди. Бу чоралар республикалар хўжалиги ва аҳолисига зарар келтирди, аммо миллатчи-ватанпарварларни тўхтата олмади.

Иттифок Ҳукумати суверенитетга эришишга қаратилган республикалар қонунларини бекор қилувчи қонунларни қабул қилар, республикалар ҳукуматлари эса ўз қонунлари устуңлигида устивор эдилар. Иттифок Ҳукумати томонидан қабул қилинган қонун республикаларнинг СССРдан чиқишини Бутуниттифок референдумида маъқулланганидан кейингина рухсат этишини маълум қилди. Аслида, бу СССРдан чиқмаслик тўғрисидаги қонун бўлиб, республикалар уни эътиборга олишмади.

1988–1990 йилларда Ереван, Степанокерт, Душанбе, Тбилиси, Боку ва бир қатор бошқа шаҳарларда мустақиллик тарафдорларига қарши Куролли Кучлар ишлатилди, куролланган махсус қисмлар сафарбар қилинди. Бунинг оқибатида юзлаб кишилар қатл этилди, ярадор бўлди ва ҳибсга олинди. Аммо Куролли Кучлар қаршиликка ва парчаланаятган тузумга қарши бўлганларнинг қучайиб бораётганигига дуч келди. Ҳатто йнрик оммавий намойишлар қўшинлар ёрдамида бостирилган Ереван, Душанбе ва Бокуда миллий ҳаракатлар анги куч билан аланга олди.

Россияда 1990 йил январидаёқ Россия Халқ депутатлари съезди-га тайёргарлик давомида “Демократик Россия” блоки тузилган эди. Баҳорга келиб унга янги тузилган бир қатор партиялар қўшилди за у либерал-демократик тус олди. Унинг аъзолари сони атиги бир неча ўн минг кишидан иборатлигига қарамасдан, унинг инсон ҳуқуқ за эркинликлари устунлиги, демократлаштириш ва Россия суверенитетини қўллаб-қувватловчи шнорларини РСФСРнинг барча минтақаларида рўй бераётган митинг, намойиш ва стачкалар (иш ташлашлар)нинг юз минглаб қатнашчилари қўллаб-қувватлаятган эди.

Россиянинг кўпгина коммунистлари “инсон қиёфасидаги социализм” тарафдорларига айланишди ва КПССда “демократик канот”га йн босдилар. Баҳорда бўлиб ўтган Россия Компартиясининг таъсис съезди (курултойи)да “делегатлар партиясининг асосий вазибалари қақида ҳеч қандай тасаввур йўқлиги” таъкидланди. Аммо Сиёсий ёуро ёрдами билан съездда консерваторлар ғалаба қилишди ва республика Компартиялари ичида энг кўп сонли бўлган Россия Компартияси Демократик Россияга қарши қўйилди.

Турли партиялар ўртасидаги кескин кураш 1990 йил баҳорида Россия Халқ депутатлари съезди сайловида бўлиб ўтди. Сайланганларнинг 86% и коммунистлардан иборат эди, аммо уларнинг кўпчилиги Компартия кўрсатмаларига энди бўйсунмас эди. Шунинг учун Россия Олий Совети шаклланишида либерал-демократлар қатъий талабага эришишди. Горбачев томонидан қўллаб-қувватланаётган юмзодларга қарши кескин курашдан кейин, РСФСР Олий Совети Раиси этиб Б.Ельцин сайланди. Бундан ташқари, бу Олий Совет 1990 йилнинг 12 июнида Россияни суверен, яъни ўз ишлаб иқариш ва табиий ресурсларининг тўлақонли хўжайини деб эълон қилувчи Декларацияни қабул қилди. Декларация Россиянинг ижтимоий-сиёсий тузилишини янгилаш йўлидаги биринчи қадам бўлиб,

у халқ ҳокимияти, ҳукуматнинг тақсимланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва Россия қонунларининг устиворлигини эълон қилди. Бу сана Россиянинг мустақиллиги байрами куни бўлди. Кейинчалик ҳукумат тўғрисидаги декрет орқали Россияда КПССнинг раҳбарлик мақомини бекор қилишга киришилди. 1991 йил бошида эса Россия Олий Совети “РСФСРда мулк тўғрисида”ги Қонунни қабул қилдики, у ишлаб чиқариш воситалари, жумладан, ернинг хусусий мулк бўла олишини эътироф этди.

Россия ва бир қатор бошқа Иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка эришиши ва либерал йўналишни танлашга интилишлари маркази “социалистик йўлга” содиқ қолувчи СССРни парчалади. Сийёсий Бюро “барқарор тартиб бузилганини, кўп миллатли совет давлатининг бирлиги хавф остида қолганлигини” эътироф этишга мажбур бўлди.

10- §. Империянинг бутунлай қулаши

Социализм ҳимоячилари билан либерализм тарафдорлари ўртасида, унитар (мамлакат бир бутунлигини сақлаб қолмоқчи бўлган) кучлар билан миллий суверенитет курашчилари ўртасидаги қарама-қаршиликлар тобора кескинлашиб борар ва ҳукумат назоратидан чиқа бошлаган эди.

Бир неча муваффақиятсизликлар ва Россиядаги йирик мағлубиятга қарамадан, Горбачев социализмни қайта қуриш учун курашни давом эттирди ва СССРни янгилаш ширини ўртага ташлади. 1990 йил охирида тажовузкор консерваторларнинг ишончсизлиги ва маломатларига қарамадан, у фаоллашган социализм ва СССР ягоналигини либераллар ва миллатчилардан ҳимоя қилувчиларнинг “соғлом консерватизми”га ижобий баҳо берди. Бу консерваторлар ва “демократик социализм” тарафдорларини бирлаштириш мақсадида Горбачев ўзини “центрист” деб, қайта қуриш муваффақиятини эса Иттифоқни янгилашнинг мақсади деб эълон қилди.

1990 йил охири—1991 йил бошида у СССР Халқ депутатлари съезидан фавқулодда ваколатлар олишга, Вазирлар Маҳкамасига айланган совет ҳукуматини қайта тузиб, ўзига бўйсундиришга эришди. “Центристлар” ва консерваторлар национализм ва либерализм-

га қарши курашни кучайтиришди. 13 январ 1991 йилда Вильнюсда оммавий ахборот воситалари марказларига десантчилар билан хужум қилиниши, коммунистларнинг Литва, Латвия ва Эстонияда ҳукуматни қайтариб олишга уринишлари ватанпарварларнинг қаршилигига дуч келиб мағлубиятга учради ва СССР аҳолисининг катта қисмининг нафратини уйғотди. РСФСР Ҳукумати Болтиқбўйи ватанпарварларига ён босди. Миллатчи ва либерал-демократик кучлар барча республикаларда фаоллашди. Уларни бостиришга тайёрланиб, Иттифоқ ҳокимиятлари турли хил ҳарбий идораларнинг қуроли кучлари устидан ягона раҳбарият ташкил қилди. “Ривожланишнинг сафарбарлик модели” — авторитар тузумнинг “бошқарилувчи демократия” сари йўналтирилган Концепцияси ва фавқулодда ҳолатни жорий қилиш режалари ишлаб чиқилди.

КПССнинг парчаланishiни тўхтатиш, XXVIII съезд қарорлари асосида партия ташкилотларини бирлаштириш ва уларни миллатчилар ва либерал-демократларга қарши хужумга сафарбар қилиш чоралари кўрилди. 1991 йил март ойида 15 республикадан 9 тасида референдум ўтказилди. Унда фуқароларнинг катта қисми ҳақиқатга ҳилоф тарзда мамлакат буюклигини ўз фаровонлиги гарови деб ҳисоблаб, аммо унинг янгиланишини истаган ҳолда янгиланган Иттифоқнинг сақланиб қолиши учун овоз берди.

Бу Горбачев ва унинг иттифоқчиларининг Россия мустақиллигини талаб қилувчиларга қарши курашда фаоллашишига ёрдам берди. 1991 йил март ойининг охирида Иттифоқ Ҳукумати Россия депутатлари съезди бўлаётган пайтда Москвага қўшин киритиб, Ельцинни ағдаришга ва четлатишга уриниб кўрди. Аммо унинг либерал-демократик ўзгаришлар билан аҳоли аҳволини яхшилаш ҳақидаги ваъдаларига ишонган кўлгина шаҳарликлар кўчаларга чиқиб, Ельцинни ҳимоя қилди. Съезд талабига кўра, қўшинлар Москвадан олиб чиқилди, съездда эса коммунистларнинг чиқишлари бирор-бир натижа бермади.

Бу муваффақиятсизлик консерваторларни Горбачевдан либерал-демократик кучларга нисбатан катъийроқ чоралар кўришни талаб этишга ундади. “Биз, — деган эди ўзининг ташаббусга, фаолликка бўлган ҳуқуқини исботлаётган Ўзбекистон раҳбари И. Каримов, — бу ерда (Москвада) қабул қилинган қарорларнинг асири бўла олмаймиз”. МҚнинг апрел Пленумидаги консерваторларнинг таъна-маломати Горбачевни Бош коғиблик лавозимидан истеъфoga чиқишга мажбур қилди. Мажлис аъзоларининг кўпчилиги буни

қабул қилмади, аммо Горбачевнинг ўз обрўсини йўқотганлиги яққол кўриниб қолган эди.

Социализм ҳимоячиларининг либералларга қарши кураши Россия Президентлигига умумхалқ сайловлари вақтида янада кучайди. Горбачев ва Ельциннинг ўзаро шахсий адовати нимадалигидан қатъи назар, улардаги зиддиятнинг моҳияти мамлакатни тараққий эттиришнинг турли йўллари, социалистик ва либерал йўллар учун курашдан иборат эди. Уларнинг республикалар мустақиллигига турли муносабатда бўлиши ва ҳокимият учун кураши ҳам шу билан белгиланар эди. Горбачев ва унинг иттифоқчилари барча кучларни Ельцин рақибларини қўллаб-қувватлашга сафарбар этганларига қарамасдан, 1991 йилнинг июн ойида сайловчиларнинг 57% и ислохотлар ўтказишга ваъда берган Ельцин учун овоз берди. Ельцин Россиянинг Президенти бўлди. Шундай қилиб, кўпчилик Россияликлар келажак ҳақида ҳеч қандай тасаввурларсиз либерал-демократик йўлни танлади. Энг йирик иттифоқчи республика – Россияда коммунистлар ҳокимиятни қўлдан бой бердилар.

1991 йил ёзига келиб, Сиёсий Бюро аниқлашича, “кўпгина партия кўмиталари ва ташкилотларнинг фаол сиёсий ишга тайёр эмасликлари аниқ бўлди”, “мамлакатнинг кўпгина минтақаларидаги” советларга эса “тарқатиб юборилиш таҳдиди солинар эди”. Жойлардан хабар берилишича, “аҳоли ва коммунистларнинг ўзи КПСС раҳбарияти сиёсатини тушунмай қолдилар” ва “халқ қайта куриш сиёсатига нисбатан ўзининг ишончсизлигини баён қилди”.

В. Павлов раҳбарлигидаги СССР Министрлар Кабинети ишлаб чиқаришни ўстириш, аҳоли таъминотини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат молларининг анъанавий нархлари нисбатини бартараф этишга бўлган ҳаракатларни фаоллаштирди. Мудофаа харажатларини Министрлар Кабинети Раиси “халқ хўжалиги учун оғир юк” деб атади. Ҳарбий ишлаб чиқаришни беш йил ичида атиги 10% га қисқартириш режалаштирилди, аммо давлат буюртмаларини бажариш учун воситаларнинг йўқлиги совет иктисодиётининг бу асосий қисмини фалажлаштирган эди. Горбачев ўз инвестицион сиёсатида “экологик муаммоларни самарадорликнинг гарови сифатида биринчи ўринга қўйишга” чақирди. Аммо маблағ ажратиш (инвестиция) учун мамлакат фондлари етмас эди ва ҳукумат уни топишга ҳам қодир эмас эди.

КПСС раҳбариятининг изоҳлашича, “партия мулкчиликнинг барча турлари тенг ҳуқуқлигини ёқлаган ҳолда, унинг жамоавий

шакллари маъқуллайди”. Ҳукумат томонидан давлат мулки бир қисмини хусусийлаштириш, аренда (ижара)га кўп эътибор бериш, хорижийларнинг мамлакат бойликларига эгаллик қилишларига йўл қўймасликни кўзда тутувчи хусусийлаштириш лойихаси тайёрланди. Аммо яқка тартибдаги ва кооператив фаолият, кичик тадбиркорликнинг аланга олиши ва ҳиссадорлик жамиятларини тузиш, директорлар ва ишлаб чиқариш жамоалари томонидан корхоналарнинг ижарага ёки сотиб олинishiнинг авж олиши бу режалар доирасидан чиқиб улгурган эди.

Бирок истеъмол молларини ишлаб чиқариш ўсмади. “Бутун мамлакат бўйича товар айирбошлаш ва ўз маҳсулотларини сотиш ҳажми, Савдо вазирлигининг Сийёсий Бюрога хабар беришича, 1990 йил апрел ойига нисбатан яримга, бир қатор республикаларда (Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон) эса бундан ҳам кўпроқ кискарди”. Аҳоли учун зарур моллар танқислиги сабабли уларни тарқатишнинг талон тизимини жорий этиш орқали тартибга солишга ҳаракат қилинаётганлигидан қатъи назар, нархлар ва навбатлар, олибсатарлик ва жиноятчилик ўсаётган эди.

Иттифоқ марказидан зарур восита ва молларнинг келишидан умидини узган республикалар ҳокимиятлари озик-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг ўз республикалари ҳудудидан олиб чиқилишини ва Марказ учун мўлжалланган даромадларни чеклай бошлади. Бу, ўз навбатида, молиялаштиришнинг идоровий ягоналиги “илдизига болта урар эди”. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш воситаларининг танқислиги ва рублнинг кадрсизланиши корхоналарни ҳеч ким томонидан назорат қилинмайдиган тўғридан-тўғри товар айирбошлаш – бартер усулига ўтишга мажбур қилди.

Давом этаётган оммавий норозилик ва элатлараро тўқнашувлар халқ хўжалигига катта зарар (ўнлаб миллиард рубль) етказди. Натижада фақатгина 1991 йилнинг дастлабки ойларида 650 минг киши зарар кўрди. Бунинг оқибатида, 1991 йил натижасига кўра, ишлаб чиқариш 8% га, ЯИМ 17% га пасайди, истеъмол моллари нархлари қарийб 2 барабар ўсди, давлат бюджети камомати ЯИМнинг 20% игача ўсди, мамлакат олтин захираси эса 1,5 минг тоннага тушиб қолди.

Ҳукумат инкирозга қарши иқтисодиёт ва сиёсатни барқарорлаштиришга қаратилган чораларни режалаштирди. Уларни амалга ошириш учун унга республикалар иқтисодиёти ва молиясини бўйсундирувчи кенг ваколатлар керак эди. Аммо Марказ бу

ҳокимиятни қўлдан бой берган эди. Консерваторлар қўллаб-қувватлашига қарамай, Горбачев Иттифокни янгилаш ва фавқулодда чораларсиз социалистик йўналишни сақлаб қолишга умид қиларди. Аммо бу умидларнинг муваффақияти кафолатланмаган эди.

Президент Иттифокни 6 республика тарк этганлигининг асосий сабаби уларнинг социалистик йўналишдан воз кечиши ва бошқа кадриятларга юз тутинида эканлигини тан олмас эди. У ҳали Иттифокни тарк этмаган бир қатор республикаларда турли хил носоциалистик йўналишларга бўлган мойилликка ҳам эътибор бермас эди. Афтидан, у Иттифокнинг сақланиб қолиши бундай ҳолатларни бартараф этади деб умид қиларди. Горбачев 8–9 республика раҳбарлари билан кўп маротаба учрашди. Июл ойининг охирига келиб улар ўртасида янги Иттифок Шартномаси – Марказ ва қолатларини чекловчи ва аралаш мафкуравий-сиёсий йўналишга эга бўлган Федерация тузиш тўғрисидаги Шартнома лойиҳаси келишиб олинди. Иттифок ҳақидаги Янги Шартноманинг имзоланиш куни 20 август қилиб белгиланди.

Вазият ниҳоятда кескинлашган эди. Ғазабланган консерваторлар, Иттифок тўғрисидаги Янги Шартноманинг имзоланиши марказий ҳокимиятнинг ниҳоятда чеклаб қўйилишига, мамлакатни социалистик таракқиёт йўлидан махрум қилинишига ва бир қатор республикаларнинг ундан чиқиб кетишига олиб келади, деб ҳисоблашарди. Вазиятга баҳо берган КГБ (ДХК) раҳбари В.Крючков: “Бизнинг ватанимиз фалокат ёқасида турибди”, – деган эди. У СССРни ва “реал социализм”ни сақлаб қолиш тарафдорларини ва халқни бирлашишга чақирувчи “Халққа сўз” номли ҳужжатни эълон қилди. Янги Иттифок Шартномаси СССР Олий Кенгаши Раиси А. Лукьянов ва кўпгина депутатлар томонидан танқидга учради. РСФСРда коммунистларнинг ҳокимиятни қўлдан бой беришлари ва корхона ва ташкилотларда КПСС ташкилотларининг тарқатиб юборилиши билан вазият янада оғирлашди. Ноябр ойида янги дастур қабул қилиш учун КПССнинг съездини чақиритишга қарор қилган М. Горбачев МҚ Пленумининг кўпчилик аъзолари томонидан танқид қилинди.

Горбачев Кримда дам олаётган пайтида, Крючков ва унинг аτροφиди тўпланган бошқа мансабдор шахслар вазиятдан фойдаланиб, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этиш режасини тайёрлашди. Москва ва Болтикбўйида улар ўз тарафдорлари ва қўшинларни ҳал қилувчи ҳужумга қаратишди. Улар Кримда дам олаётган Горбачевга бу режалари ҳақида хабар беришди. У бу режага қарши эди, аммо уларга халақит беришга уриниб кўрмади.

18 август куни СССР ва КПССнинг бир гуруҳ олий мартабали кишилари, жумладан, Вице-Президент, Президент маъмурияти раҳбари, ҳукумат бошлиғи, КПСС МҚнинг баъзи котиблари ва баъзи вазирлар Президентнинг бетоблиғи ҳақида хабар бериб, мамлакат бирлиги ва социалистик тузумни сақлаб қолиш учун Фавқулодда Ҳолат Давлат Кўмитаси (ФХДК) ташкил этилганлигини маълум қилди. Аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришни ваъда қилиб, Кўмита мамлакатнинг бир қатор минтақаларида фавқулодда ҳолат жорий этилганлигини эълон қилди ва Иттифок Шартномасининг имзоланишини бекор қилди. У КПСС тасарруфида бўлган оммавий ахборот воситаларидан бошқа ҳамма оммавий ахборот воситаларини таъқиқлади, либерализм ва демократия тарафдорларига қарши чоралар кўра бошлади. Москвага кўшин киритиб, РСФСР ҳукумат органилари жойлашган Оқ уйга танкларни йўналтирди ва штурм қилишга қарор қилишди. О.Шенин томонидан чақирилган КПСС МҚ Котибияти барча партия ташкилотларидан ФХДКни вақтинча қўллашни талаб қилди ва Сиёсий Бюронинг бунга мос бўлган қарорини тайёрлади.

Аmmo давлат аппарати ходимлари, жумладан, ҳарбийлар ҳам ФХДК фармонларини бажаришга шошилмадилар. Ҳатто ФХДКни қўлаган КПСС таркибидаги Компартиялар ва баъзи республика раҳбарлари ҳам бунга мос чораларни кўришмади. Қозоғистон раҳбари Назарбоев ФХДКни қўллаб-қувватламади, Болтиқбўйи республикалари раҳбарлари эса уни қоралашди. Деярли ҳамма жойда коммунистлар турли кайфиятда эди ва ҳатто ФХДКга норозилик билдиришди. Бу КПССнинг тўла лаёқатсизлигини намоён этди.

Россия ва бошқа республикаларда аҳолининг фаол қисми, ҳатто янгиланган Иттифокнинг сақланиши учун овоз берганлар ҳам очиқчасига янгилинишга қарши турган путчага қарши эди, қонун бузилганлигини, айниқса, Куролли Кучларнинг ишга солинишини кескин қоралади.

Москвада давлат тўнтаришига қарши бўлганлар “Демократик Россия” блоки ва РСФСР Олий Кенгаши атрофида тўшланди. Б. Ельцин танк устида туриб, демократик ва эркинлик душманларига қарши курашга даъват этди. У ГКЧП (ФХДК) ишларини қоралади, СССР Президентини ҳимоя қилди, РСФСР ҳудудида жойлашган барча кўшинлардан унга бўйсинишларини талаб қилди.

ФХДКга қарши Оқ уй қаршисида тўпланган ўн минглаб кишилар норозилик билдирди. Улар баррикада курдилар, қурол олишга

ва ҳужумни қайтаришга ҳаракат қилди. 20 август куни ФХДҚ томонидан жўнатилган бронетехника (зирҳли машиналар)га қаршилик кўрсатиш чоғида уч киши ҳалок бўлди. Санкт-Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарларида митинглар ва норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

ФХДҚ Оқ уйни штурм қилиш ва омма қаршилигини синдиришга муваффақ бўлмади. У парчалана бошлади, барча республикалар ҳукуматлари ва ҳаттоки баъзи республика Компартиялари раҳбарлари ундан узоқлаша бошлади. Тўртинчи куни унинг аъзолари қочиб кетишди ва ҳибсга олинди.

ФХДҚнинг мағлубияти ва Россияда либерал-демократик кучларнинг фаол ҳимоя қилиниши натижасида Иттифокқа қарашли органлар ўз фаолиятларини тўхтатдилар ва уларни бошқараётган коммунистлар ҳокимиятини қўлдаи бой берди, республикалар эса ҳаққоний мустақилликка эга бўлди. Либерал демократларнинг қутилмаган ғалабаси уларнинг Россиядаги ҳокимиятини мустаҳкамлади. Шундай қилиб, 19–23 августда СССРда ихтиёрсиз инқилоб рўй берди ва ягона давлат энди мавжуд бўлмай қолди.

Москвага келган Горбачев “бутунлай бошқа мамлакатга келганлигини”, раҳбарлари бошқа Пленумни чақиришга ҳам қодир бўлмаган КПСС Бош қотиби лавозимидан маҳрум бўлганини фахрлади. У вазирларни ишдан бўшатди. Иттифок Ҳукумати ўрнига, Республикалараро Иқтисодий Қўмита тузди.

СССР Халқ депутатларининг 2 сентябрдаги навбатдан ташқари съездида эълон қилинган 10 Иттифокдош республика раҳбарларининг янги давлат – Республикалар Конфедерациясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи олдинги давлат, яъни СССР парчаланганининг эътироф этилгани эди. Съезд СССР Олий Кенгашини тузмади, балки ўз ваколатларини Президент бошчилигидаги Давлат Кенгашига топширди. СССР давлат аппарати бутунлай парчalandи. Ельцин қарорига кўра, 1991 йил ноябрда Россияда КПСС фаолияти таъқиқланди ва унинг мол-мулки давлат ҳисобига ўтди.

Республикалар ҳукуматлари энди ўз суверенитет ва мустақилликларини мустақкамлаш учун қайғуришлари керак эди, чунки баъзилари Россия раҳбариятидаги Иттифок маркази функцияларини ўз қўлига олишга бўлган мойилликдан ташвишда эдилар. Болва (пуча)дан кейин тезда Молдавия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Украина, Озарбайжон, кузда Тожикистон ва Белорус, декабрда Қозоғистон ўз мустақилликларини эълон қилишди. Референдумлар ўтказиш

орқали сентябрда Арманистон, октябрда Туркманистон, 1 декабрда Украина мустақиллигини тасдиқлашди. 1991 йил кузига келиб, хужжатларда аке эттирилмаган бўлса-да, СССР амалда мавжуд эмас эди.

Хаттоки Болқария ва Чеченистон Республикаси (кейинчалик Ичкерия) ҳам мустақил деб эълон қилинган эди.

СССР парчаланганлигининг халқ оммаси ва хаттоки сиёсий арбоблар томонидан англаб етилиши ҳақиқатдан анча орқада қолаётган эди. СССР Давлат Кўмитаси Раиси – Президент Горбачев Иқтисодий Кўмита томонидан таклиф қилинган республикаларнинг иқтисодий интеграцияси режасини маъқуллади. Унинг асосида 8 та мустақил республика раҳбарлари Горбачев билан биргаликда Иқтисодий Ҳамжамият тўғрисидаги Шартномани имзолашди. Уни амалга ошириш ва тасдиқла парчаланган хўжалик ва республикаларнинг аниқ хўжалик манфаатлари мавҳумлигига дуч келди.

Аммо Горбачев бундан кўпроқ нарсани талаб қила бошлади. Ўз маслаҳатчиларига таяниб, Б. Ельцин, Н. Назарбоев ва бир қатор бошқа республика раҳбарлари маъқуллаган Конфедеренция шаклидаги Суверен Давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги Шартномани ишлаб чиқишга эътибор қаратди. Моҳиятан, гап собиқ давлатни, бор-йўғи Президенти ва унинг идоралари ва рамзий белгиларигина саклалиб қолган СССРни тиклаш ҳақида эмас, балки янги давлат тузиш тўғрисида бораётган эди. Аммо, шу билан бирга, Ново-Огарёводаги йиғилишларда қатнашиб турган республикалардаги турли сиёсий ҳолатни ҳисобга олмасдан, социалистик йўналишни саклаб қолишни таъкидлар эди. Табиийки, республикалар раҳбарлари ўз конун чиқарувчи органлари томонидан қараб чиқмасдан, бу Шартномага имзо қўя олмас эдилар.

Горбачевнинг 7 та республика раҳбарлари билан олиб борган узоқ ва оғир музокараларига Украинадаги референдум қақшатқич зарба берди. Бу давлатда қабул қилинган мустақиллик Конфедерацияда қатнашишни инкор қилар эди. Албатта, қайсики, 2–3 республика Янги Иттифоқ тузишлари мумкин эди, аммо у ҳам моҳият, ҳам шакл жиҳатдан 1988–1991 йилларда парчланиб кетган илгариги Иттифоққа тенглаша олмас эди.

Турлича ва унчалик аниқ бўлмаган сиёсий йўналишларда бўлган республикаларнинг социалистик йўналишдаги Марказ билан конфедерация тузиши амримаҳол эди.

Бир хафта ўтгандан сўнг. 8 декабр куни Россия, Украина ва Белорус рахбарлари Вискули (Беловеж пуха)да СССРнинг тугатилганлиги тўғрисидаги Хужжатни имзолашди, унга “Ўлганлик хақида гувоҳнома” беришди. 1988 йилда бошланган ва 1991 йил кузида яқунланган жараённинг кечиккан қайд этилиши рўй берди. Бу уларнинг мотивлари ва кайфиятлари қандай бўлишидан қатъи назар, мустақил давлатлар қонуний рахбарларининг сиёсий қарори эди. СССР парчаланганлиги тўғрисидаги қарорнинг моҳияти ва оқибатларини тўла тушуниб етмаган бўлсалар-да, парчаланган собиқ империя ҳудудидаги барча республика рахбарлари ва парламентлари маъқуллашди. Иттифокнинг охириги идоралари, жумладан, Президент лавозими тарқатилди ва бекор қилинди.

Бу ҳужжатнинг мавжуд бўлган қонунларга мувофиқлигини муҳокама қилиш ортиқчадир, чунки сиёсий қарорлар қучлар нисбатига кўра қабул қилинади ва амалга оширилади. Бу қарор Вискулида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)ни яратиш тўғрисидаги Келишувга имзо чекишга имкон берди. Унда МДХнинг бўлажак аъзоларига кам талаб қўйилган эди ва декабр ойи охиригача унга умид боғлаб, кўпчилик собиқ совет республикалар ҳукуматлари қўшилишди. Бундан ортигига эришиш мумкин эмас эди. Бу ҳужжатлар ўша пайтда янги мустақил давлатлар ўртасида эришилган келишувнинг энг юқори даражаси эди.

Таназзулга юз тутган идеократик империянинг мероси мамлакат, жамият, мафкуралар “реал социализм” иқтисодиёти ва давлатининг харобаларидан иборат бўлди. Бу харобалар Евроосиё шимоли-шарқидаги 22403,2 минг квадрат километрга ёйилган эди. Бу ҳудудда қисман ўзлаштирилган дунё табиий ресурсларининг 27% и жойлашган, аммо унинг ҳудудининг 70% ини музлоқ ерлар ва экологик офат ўчоқлари қамраб олган эди.

Аҳолиси 280 миллион, 130 миллатни ўз ичига олган ва, умуман, юқори даражадаги умумий саводхонликка эга бўлган мамлакат эди. Аммо бу саводхонликни соғлом эди дейиш кийин. Деярли ҳамма жойда саноат ишчилари етарли бўлса-да, аммо юқори технология ходимлари жуда танқис эди. Энг асосийси, улардаги меҳнатга муносабат ахлоқи паст даражада эди: меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатига жавобгарлик йўқ эди. Кўпчилик онгида ўн йиллаб давомида тарбияланган “текисчилик”, ҳуқуқ ва мулкка эътибор бермасликка мойиллик устунлик қиларди. Бу ҳокимиятни илоҳийлаштириш ва ижтимоий боқимандалик, масъулиятсизлик, бардошсизлик ва

зўравонлик билан уйғунлаштирилган эди. Ўзгаришдан кейин ҳам жуда оз кишилар ўз манфаатларини англаб, вазиятга тўғри баҳо бера олишди. Фуқаролардаги ички эркинлик аллақачон эришилган тапқичи эркинликдан анча орқада эди.

Республикалардаги турли миллат вакиллари бўлган фуқаролар ўзларини ягона халқ деб англамай, улар қайси миллатга мансубликка кўпроқ эътибор беришарди. Кўп сонли элатлар тараққиётнинг турли босқичларида турарди, улар турли ижтимоий шаклда эдилар. Уларнинг баъзилари йўқолиб бораётган эди. Элатлараро муносабатлар оддий масала эмас эди ва бир катор минтақаларда тўқнашувлар оқибатида анчагина мураккаблашган эди.

Совет мафқурасининг таназзулга юз тутганидан сўнг юзага келган ва фаоллашган турли хилдаги мафқуравий-сиёсий йўналишларнинг ҳеч бири гегемонлик қилишга қодир эмас эди. Омма “реал социализм” камчиликлари ва тузум жиноятларини, совуқ урушда ва энг ривожланган мамлакатлар билан беллашувда СССРнинг мағлубиятини тўла тушуниб етмаган эди. Бундай ҳолат имкониятларга тўғри баҳо бериш ва нотўғри даъволардан воз кечишга ҳалақит берди. Кўпчилик олигархия ва Компартиялар ўртасидаги фарқни, шунингдек, партиялар ва халқларнинг ҳар бирининг жавобгарлиги нимадалигини тушунмас ва парчаланган тузум жиноятларини одил жазолашни эплай олмас эди. Собиқ совет республикаларида коммунистлар фаолияти давом этди, рўзнома ва театрларнинг “коммунистча” номлари, собиқ тузум байрамлари (инқилоб, биринчи май, комсамол, чекистлар ва бошқалар), “совет ватанпарварлиги” ёдгорликлари ва туйғулари сақланди. “Реал социализм” даврида вояга етган ёшлардан тортиб, кексаларнинг хотираларида, авлодларда ёшлиқдан, А. Чехов айтганидек, “Ўтмиш қандай бўлган бўлишидан қатъи назар, хотираларда фақат жонли, таъсирли ва шодли лаҳзаларгина қолади...”

Марказлашган бошқарувдан маҳрум бўлган барча айланма воситалар, стратегик хомашёни қазиб олиш, қурол ва ҳарбий материалларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва юқори технологиялар ўчоқларига эга бўлган қудратли саноат бутунлай тўхтаб қолди ва республикалар ҳудудлари бўйлаб парчланиб қолди. Бирон-бир республикада ягона, яхлит ва йирик ишлаб чиқарувчи мажмуа қолмади. Фақатгина парчланиб кетган ҳарбий-иқтисодий объектлар ва фуқаролик ишлаб чиқариш элементлари бор эди, холос. Ўзаро кам боғланган ёки умуман боғланмаган корхоналарни ягона миллий иқтисодиётга бирлаштириш учун республикалардан жиддий

саъй-ҳаракат ва вақт талаб қилинар эди. Бу саноат дастгоҳларининг кўпчилиги эскирганлиги, ҳарбий ишлаб чиқаришни фуқаролик ишлаб чиқаришига ўтказиш учун воситаларнинг йўқлиги билан янада оғирлашди. Қишлоқ хўжалиги ҳамма жойда самарасиз бўлиб қолган эди.

Республика ва мухториятлар бўйлаб парчаланган ва ягона партиявий марказдан махрум бўлган советлар тизими мазмунсиз саркитга айланиб қолди. Республикаларда суверенитетга мос бўлган давлат аппарати ўрнида илгариги идораларнинг харобалари бор эди.

1988–1991 йиллардаги “реал социализм” таназзули ва СССРнинг парчаланиши натижасида Евроосиёнинг шимоли-шарқидаги улкан худудда 15 та мустақил давлат пайдо бўлди. СССРнинг раиғ-баранг худуди, аҳолиси ва ишлаб чиқаришини мерос қилиб олган республикалар ўз йўлларини излашни уларга мерос сифатида берилган муаммоларни ҳал этишдан бошлашлари, “реал социализм” харобалари устида ўз келажақларини куришлари керак эди.

Замонавий “ажралиш” – мустақил давлатлар томонидан СССР меросини тинчлик йўли билан тақсимлашга 1991 йил декабрида МДХнинг тузилиши ва унинг фаолияти ёрдам берди. Унга аста-секин 12 республика аъзо бўлиб кирди. Фақатгина Болтиқбўйи давлатлари бундан мустасно.

Энг асосийси, МДХ аъзолари баъзи инқиланишлар билан ва Болтиқбўйи давлатлари республикалараро маъмурий чегараларнинг давлат чегаралари эканлигини тан олишга ва ўзаро худудий даъволардан воз кечишга рози бўлишди. Арманистон унга қўшилишга ингилаётган Тоғли Қорабоғни қўшиб олишдан бош тортди. Шундай бўлса-да, кескин тўқнашувларнинг олдини олишга муваффақ бўлинмади. Бундай можаро ва тўқнашувлар республикаларнинг ўзаро даъволари туфайли эмас, балки Тоғли Қорабоғ, Абхазия, Жанубий Осетия, Днестрбўйи, Чеченистоннинг айирмачилиги туфайли рўй берди.

СССР худудида ва кўпгина республикаларда ҳамда МДХ худудидан ташқарида жойлашган Куролли Кучларнинг, шунингдек, ҳарбий флот ва ядро қуролининг тақдирини ҳал қилиш кийин бўлди. МДХ аъзоларининг совет Куролли Кучларини мустақил давлатларнинг Бирлашган Куролли Кучларига айлантиришга уринишлари зое кетди: ҳар бир давлат ўз Куролли Кучларига мухтож эди ва қисман СССР собиқ қўшинларидан фойдаланиб, ўз қўшинларини туза бош-

лади. Фақатгина Болгиқбўйи давлатлари ўз Қуролини Кучларини бугунлай янғидан тузишди.

Россия, Украина, Қозогистон ва Белорус худудда жойлашган ядро қуроллари тақдирини ҳал қилиш осон кечмади. Охир-оқибатда барча ракета-ядро қуроллари зарарсизлантириш учун Россияга топширилди ва бошқа республикалар зарарсизлантирилган ядро қуроллари маҳсулотлари ва қолдиқларига эгаллик қилиш ҳуқуқини сақлаган ҳолда ўзларини ядродан холи ҳудуд деб эълон қилдилар ва Ядро қуролини тарқатмаслик Шартномасига кўшилдилар.

Фуқаролик флоти собиқ совет республикаларнинг ишлаб чиқариш кучига мутаносиб равишда бўлинган бўлса, ҳарбий флот тўлалигича Россияга насиб этди. Унинг Қора денгиз флотининг катта қисмига даъвогарлик қилаётган Украина билан узок муддатли музокаралари ўзаро манфаатли келишувга олиб келди.

СССР бошқа мамлакатлар билан жиддий ўзаро мажбуриятларни кўзда тутувчи 16 минг шартнома ва келишувга эга эди. СССР ташқи давлатларнинг баъзиларидан 80 млрд долларга яқин қарздор бўлса, унинг кўп иттифоқчилари ҳам унга шунча маблағ беришлари керак эди. Украина билан олиб борилган мураккаб музокаралар ва бошқа республикалар розилиги билан Россия МДХдан ташқаридаги совет Қуролини Кучлари, СССРнинг бошқа мамлакатлар билан шартнома ва келишувлардаги қарз ва кредитлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олди.

Россия Федерацияси (1922 йилдан кейин) халқаро муносабатлар субъекти сифатида тикланди ва СССРнинг асосий меросхўр ворисига айланди, БМТдаги СССР ўрнига эга бўлди, БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзосига айланди, аммо СССРнинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеи ва ролига эга бўла олмади. Украина ва Белорус БМТнинг таъсис этувчи аъзолари бўлишган бўлса, эндиликда бошқа барча республикалар БМТ аъзолари бўлишди. Мустақилликка эришиш даврида уларнинг ҳар биридаги ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий-сиёсий вазият ўзига хос эди. Шунинг учун СССР худудда пайдо бўлган 15 та янги мустақил давлатларнинг таракқиёт йўли турлича бўлди. Аввалдан Эстония, Латвия ва Литванинг либерал йўналиши маълум бўлди. Кўпгина бошқа республикаларда Россиядаги каби либерал йўлни танлаш кучли муҳолифатни бартараф этишни талаб этди. Кўпчилигида янги йўналишни ишлаб чиқиш кийин бўлди ва уларда жамият ва давлатчиликнинг шаклланиши янада кийинроқ кечди.

Аммо деярли ҳамма республикалар учун энг оғир муаммолар СССРдан мерос бўлиб қолган ушбу ҳолатлар эди: парчаланган жамият, кам таъминланган аҳоли, таянч (марказ)га эга бўлмаган бошқарув, ҳеч қандай бозор муносабатларига эга бўлмаган таркок корхоналар, тўхтаб қолган ва конверсия қилишни, яъни ўзгартиришни талаб этган куруллар ва ҳарбий материалларни ишлаб чиқариш корхоналари, коллективлашган (жамоалашган) қишлоқ хўжалигининг паст самарадорлиги, миллий маданиятнинг сустиги ва элатлараро зиддиятлар.

Бу муаммоларни бартараф этиш илгари тахмин килинганидан анча кўп куч ва вақт талаб қилади. Кўпчиликнинг умумий фаровонликка тезда эришишга бўлган умидлари амалга ошмади. Кўпчилик буида совет меросини эмас, балки “реал социализм” харобалари устида қийинчиликлар билан йўл топаётган ислохотчиларни айблай бошлашди.

VIII БОБ. 1991–2010 ЙИЛЛАРДА РОССИЯ

Россия Федерацияси Шарқий Европа ва Шимолий Осиёда жойлашган бўлиб, майдони – 17075 минг кв км, аҳолиси – 142,9 млн (2006 й.) киши. Россия – республика бoshқарувидаги демократик федератив давлатдир. 1993 йил 12 декабрда қабул қилинган Конституцияга биноан ички ва ташқи сиёсатини олиб боради. Давлат бошлиғи – Президент, у Куролли Кучларнинг Олий Бош Қўмондонидир. Қонун чиқарувчи орган – икки палатали Парламент. Парламент қўйи палата – Давлат Думаси ва юқори палата – Федерал Советдан иборат. Ижроия ҳокимият – Бош Вазир. Россия Федерациясида 156 та миллатлар, халқлар ва элатлар яшайди. Аҳолининг 90% и христиан динининг православ мазҳабида, қолганлар – мусулмонлар ва буддистлар.

Россия Федерацияси индустриал-аграр мамлакат бўлиб, унинг ҳудуди 12 та йирик иқтисодий районга бўлинган. Пул бирлиги – рубль. Миллий байрами – Россиянинг Мустақиллик Декларацияси қабул қилинган кун (12 июн).

1- §. Ислохотлар бошланишидан то 1993 йил давлат тўнтаришигача

1991 йил августидан тўсатдан бўлган инқилобнинг ғалабаси Б. Ельцин ва “Демократик Россия”нинг елкасига қутилмаганда юк бўлиб тушди. Россия Ҳукумати туб ўзгаришлар дастури ишлаб чиқилгунча шиошилинч тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлди. “Демократик Россия” ҳаракатида бундан кейинги олиб борилиши керак бўлган ишларнинг усул ва йўлларида қарама-қаршилиқ борлиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли Ельцин ва унинг тарафдорлари август-сентябрда радикал ислохотлар учун халқнинг кўтаринки руҳидан фойдалана олмадилар.

Аммо сусткашлиқ қилишга имкон йўқ эди: 1991–1992 йил кишида Россияда на озиқ-овқат, на уларни сотиб олишга маблағ ва

на бошқариш тизими бор эди. Россия Халқ депутатлари съездининг кўпчилиги аъзоларига тузумнинг пучлиги ва уни қайта тиклашнинг иложи йўклиги, унинг ўрнига шошилиш равишида янги ҳукуматни тузиш зарурлиги очик-ойдин маълум эди. Шундай бўлса-да, турли хил таклифларнинг кўпчилигига қарамай, СССРнинг Россиядаги харобалари ўрнида фақат имкони бор нарсани қилиш, фақат янги раҳбарлар ва ночор аҳоли кўлидан келадиган ишларни амалга ошириш мумкин эди.

Либерал-демократик туб ўзгаришларнинг асосий йўналишларини октябрнинг охирида Ельцин съездга таклиф этди ва буни Россия депутатлари съезди эса маъқуллади. Либерал ислохотчилик ишини амалга оширишдан энг тажрибали кадрлар бош тортгандан кейин, эски раҳбариятнинг бир қисми билан реформист ҳукумат ишга киришди. Е. Гайдар “командасини” қўллаб-қувватлаш учун бу ишни Президентнинг ўзи бошқарди, унинг биринчи ўринбосари эса “Демократик Россия” ҳаракати раҳбарларидан бири бўлган Г. Бурбулис эди.

Туб ўзгаришларнинг қийин кечишини олдиндан кўра билган министр-ислохотчилар ўзларини “камикадзе” (ўлимга маҳкум қилинганлар) деб ҳисобладилар ва бу ўзгаришларни татбиқ этишни қисқа муддатларда амалга оширмоқчи бўлдилар. Белгиланган ислохотчилик тадбирларини амалга ошириш учун Президент ва Ҳукуматнинг ҳуқуқи старли деб ўйладилар, “қаддини ростлаган” кишиларнинг мафқураси эса ўз-ўзидан либерал мафқура бўлиб қолади деб ишондилар. Бунинг устига, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мадад олиш учун қайгуришмади. Бу ҳаракат ҳам худди Президент ўйламасдан туриб бир йилдаёқ аҳволни яхшилаيمان, деб берган ваъдасидек жиддий хато бўлиб чиқди.

Ҳукумат ўз ишини меҳнат ҳақини ва ижтимоий таъминотни бирмунча яхшилаш ҳамда маъмурий ва молиявий ташкилотларни янги вазифаларга мослаштириш чораларидан бошлади. Сўнгра ҳукумат баъзи соҳаларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусий мулкчиликни тиклаш ҳамда бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар режаларини ишлаб чиқди ва амалга оширишга интилди.

Либераллаштиришга қарши турган рақибларнинг ҳамда уни бошқача усул билан амалга ошириш тарафдори бўлганларнинг шафқатсиз қаршилиги, шунингдек, маъмурий органларнинг паст даражада ижрочилиги ислохотларни амалга оширишни

қийинлаштиради. 1992 йил баҳорда мамлакат Президенти ва Ҳукумат Марказдан қочиб ҳаракатларини бартараф этиш ва Россиянинг бутуцилигини сақлаб қолиш учун “мустақил республикалар”. ўлкалар, вилоятлар ва автоном округлар билан Федератив Шартнома тузиб, ҳар бир субъектга (ҳудудий бирликка) улар “ҳазм қила ола-олгунларича” ваколат беришга мажбур бўлдилар. Туб ўзгаришлар жараёни пароканда бўлиб тарқалиб кетаётган совет бошқарув органлари томонидан амалга оширила бошланди. Бу аппаратнинг ходимлари янги вазифаларни амалга оширишнинг йўлларини эплай олмадилар, баъзилари эса ҳохламадилар. Бунинг устига, аппаратда ислохотчиларнинг янги оқими етарли эмас эди. Ислохотларни амалга оширишда саботаж (ишдан бўйин товлаш) ва ҳар хил ҳокимият органларининг бир-бирига қарама-қарши буйруқлари ҳалақит берар эди.

Аммо, ҳарҳолда, Олий Советнинг бир қатор қонунлари ва Президентнинг кўплаб буйруқлари асосида 2–3 йил ичида хусусий мулкчиликка ўн йилликлар мобайнида нафрат уйғотилган бўлса-да, Россияда нафақат бозор муносабатлари қайта тикланди, балки у устунлик ҳам қила бошлади.

1992 йилнинг ўзида барча маҳсулотларга нархлар эркинлаштирила бошланди: эҳтиёж ва талабдан келиб чиққан ҳолда, улар бозор муносабатлари асосида шакллана бошлади. Йилнинг охирига келиб давлат назорати остида фақат давлат бюджетидаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ва нархларни белгилаш қолди. Нархларнинг бундай либераллаштирилиши рублнинг ягона тўлов воситаси ва ҳўжаликни бошқариш қуроли бўлишига етарли асос бўлди. Ҳукумат Халқаро Валюта Фондининг миллиардлаб доллар кредитлари ёрдамида рублни мустаҳкамлашга, бюджет тақчиллигининг олдини олишга ҳамда мамлакат молия тизимини мустаҳкамлашга интилди. Бироқ маблағнинг етишмаслиги давлат буюртмаларининг қисқаришига олиб келди. Ўз навбатида, бу энг асосий саноат корхоналаридан ташқари барча корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ишининг бошланиб кетишига сабаб бўлди. Бу корхоналар бошлиқларнинг ва ишчи ходимларнинг ҳиссадорлик мулкига айланди. Улар бошқа фуқароларга акцияларнинг қатта қисмини хусусийлаштириш чекига (ваучерга) сотиш ҳуқуқига эга эдилар. Ваучерлар ҳаммага берилар эди: уларни аҳолининг 90 фоизидан кўпроғи, асосан, фондлар ва олибсотарлар орқали олишарди ва сотишарди. Хусусийлаштириш керакли даражада қонуний асосга эга эмас эди.

Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг нархлари баланд эмас эди, уларнинг баҳолари фондларнинг абстракт нархда эмас, балки нархлар бозор эҳтиёжларининг паст даражадаги тўлов имкониятларига мос тарзда белгиланар эди.

Шундай қилиб, мамлакатда 24 минг корхона ва 15% кўнгилли фермерлар ташландиқ ерларга эга бўлдилар. Турли хил хусусий саноат ва савдо корхоналари ҳамда банклар қонуний йўл билан ишга тушди ва уларни ташкил этиш тезлашди. Аммо кўплаб янги хўжайинлар ичида анчагина илгаритдан хўжалик юритувчилар ҳам бор эди, улар бозор шароитларида иш олиб боришни билмас эдилар. Шу сабабли самарали ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлиши жуда мураккаб жараён бўлди, бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнининг пасайиб кетишига олиб келди ва жонланишнинг анча чўзилиб кетишига сабаб бўлди.

Давлатда етарли маблағнинг йўқлиги буюртма ва сармоя кутаётган ҳамда конверсия учун ресурсларга эга бўлмаган, шунингдек, бозорга керакли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир бўлмаган саноат корхоналарининг катта қисмини фалаж қилиб қўйган эди. Корхоналарнинг бир-бирига қарзини тўламай юриши хўжалиқнинг издан чиқишини кучайтирди. Натижада бир йилда ишлаб чиқариш 20% га тушди ва пасайиш давом этди. Жуда кийин аҳволда давлат дотацияси билан яшаётган фонд, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот каби соҳалар маблағсиз қолди.

Мулкчиликни ва бозор муносабатларининг қонун томонидан ҳимояланишининг йўқлиги, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари янги ланишининг кечиктирилиши суниестемол ва жиноятнинг ўсишига имкон берди. Рубль миссияси нархнинг 26 баробар ўсишига, пулнинг қадрсизланишига ва рублнинг доллар томонидан сиқиб чиқарилишига олиб келди. Пулнинг қадрсизланиши омонат пулларнинг ваучерларнинг ва маошнинг қувватини тушириб, аҳолининг катта қисмини ночор аҳволга солиб ўйди. Ишсизлик ўсди ва маошни ўз вақтида тўламаслик оммавий тус олди. Аҳоли даромади 2 баробар пасайди. Халқнинг таъминот ва фаровонлик ҳақидаги умидлари пучга чиқди ва бу аҳолининг барча қатламларини норози қилди. Бу воқеалар кўпларга – А. Солженициндан тортиб, то Г. Зюгановгача, яъни барчага либераллаштириш ва хусусийлаштиришни талончилик ва халққа қарши ҳаракат деб аташга асос бўлди. Коммунистлар халқнинг қийналишининг асосий сабаби “реал социализм” ўн йилликларининг ҳалокатли оқибати эмас, балки ислохотларни нўноқлик

билан амалга ошираётган янги ҳокимиятдир, деб жар солишди ва шу йўл билан мамлакатни яна социализм йўлига қайтаришга уриндилар.

Мамлакатдаги карама-қаршиликлар “Демократик Россия” блокининг парчаланишига олиб келди. Ислохотлар сабабли бўлаётган катта сарф-харажатлар норозиликларни кучайтирди ва кўплаб оппозициядаги партия ва ҳаракатларни руҳлантириб юборди. Олий Советда ва депутатлар съездида нафақат либерал-демократик туб ўзгаришларнинг рақиблари бўлмиш коммунистлар, шу билан бирга, монархистларгача бўлган оппозициядаги кучлар ҳам фаоллашиб қолдилар. Вице-Президент А. Руцкойга ўхшаган вақтинчалик шериклар, ислохотларнинг бошқача вариантларини тавсия этувчи Р. Хасбулатов ва Г. Явлинский кабилар ҳам фаоллашиб қолдилар. Уларнинг таъналари Ельцинни ислохотларнинг баъзи бир соҳаларини тўхтатиб туришга, ҳукумат таркибига “бошқармачиларни” киритишга, сўнгра ундан ўзи чиқиб, Гайдарга қолдиришга мажбур қилди.

1992 йил декабрида съезд ишини барбод қилишга қаратилган муваффақиятсиз уринишдан сўнг, Ельцин Гайдарни “бошқармачилар” ва “директорлар” орасида катта обрўга эга бўлган собиқ совет вазирларидан бири В. Черномирдин билан алмаштиришга мажбур бўлди.

“Бошқармачилар” кўпчилиكنи ташкил этган В. Черномирдин ҳукумати халқнинг ишончини ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини бироз энгилаштириш каби ваъдалар билан қозонмоқчи бўлди. “Бошқармачилар” туб ўзгаришларни ўзларининг назоратчилари остида бўлган холдинглар тузишга қаратмоқчи бўлган бўлсалар-да, ҳокимият либерал вазирларнинг зўр бериши билан Ельцин қувватлаётган ислохотлар дастурини, яъни хусусийлаштиришни ҳамма жойда – қаерда хусусий мулкчилик давлатникидан самаралироқ бўлса, ўша жойда амалга оширишни давом эттирди ва инфляция ҳамда бюджет танқислигини пасайтиришга интилди. Бу ҳол, бир томондан, Ельцин ва ҳукумат билан, иккинчи томондан, Олий Совет ва съезддаги кўпчилиكنи ташкил этувчи оппозиция ўртасидаги низони кучайтириб юборди. Оппозиция Олий Совет съездининг Конституция бўйича олий ҳокимият бўлишидан, ҳатто Конституцияни ўзгартира олишидан, ҳукумат ҳаракатларини тўхтата олишидан ва мамлакат ресурсларини назорат қила олишидан фойдалана билди. Съезд ваколатларини чегаралаб қўйишга интилган

Ельцин ва ҳокимиятдан Ельцинни четлаштиришга интиланган оппозиция ўртасидаги кескин ихтилоф 1993 йил 25 апрелда умумхалқ референдумини ўтказишга олиб келди. Референдумда кўпчилик Президентга ишонч билдирди ва унинг ижтимоий сиёсатини қўллаб-қувватлади, аммо на депутатларни ва на Президентни муддатидан олдин қайта сайлашни истамадилар. Норози бўлган коммунистлар 1 майда Москвада катта намоёиш ўтказиш билан ҳокимиятни штурм қилиб олишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Оппозиция съезднинг мутлоқ ҳукмронлигидан ва ислохотларни сўндириш учун советларнинг мутаассиб тизимидан фойдаланганлиги сабабли, коммунистлар модернизациялашган Совет Конституциясини сақлаб қолиш тарафдори эдилар. Бу Конституцияни Парламентар-республикаси руҳида янгилашга рози бўлдилар; бу таклифни эса Президент тутган йўлнинг либерал-демократик муҳолифлари беришган эди. Ельциннинг сафдошлари янги Конституцияга мувофиқ либерал-демократик Президентлик-республикасини тузишга интилдилар, унинг лойиҳаси эса ельцинчилар томонидан қақирилган Конституцион Кенгаш томонидан тайёрланган эди.

Олий Совет Раиси Р. Хасбулатов бошқарган оппозиция кучларининг сафарбар этилишига ва Президент ваколатларини чеклашга кўрилаётган тайёргарликларга қарши Ельцин 1993 йил 21 сентябрда давлат тўнтаришини амалга ошириши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш билан чикди. У ўз фармойишида оппозицияни ҳокимиятни фалаж қилганликда айблаб, босқичма-босқич конституцион ислохотларни бошлаганлигини эълон қилди. Халқ депутатлари съездини ва Олий Советни тарқатиб юборганлигини эълон қилиб, уларнинг аъзоларига Президент ҳамма фуқаролар қатори янги Конституция ва янги ҳуқуқий органларини сайлаш ҳақидаги референдумда қатнашишларини таклиф қилди.

Олий Советнинг кўпчилик депутатлари буйруққа буйсунишдан бош тортдилар. Олий Совет Оқ уйда Халқ депутатлари съездини қақирди ва Ельциннинг ишдан олинганлигини эълон қилди. Вице-Президент Руцкойни вақтинчалик Президент этиб сайлашганларини билдирдилар. Оқ уй оппозициянинг таянч қароргоҳига айланди ва бу ерга уларнинг тарафдорлари оқиб кела бошладилар, экстремистлар эса хоҳловчиларга қурол тарқата бошладилар ва отрядлар туздилар. Ельцинни қўллаб-қувватлаган ҳукумат томонидан Оқ уйнинг қамал қилиниши оппозиция раҳбарларини Ельцин вакиллари билан музокара олиб боришга мажбур этди, бу вакиллар эса низони тинч йўл

билан хал этиш тарафдорлари эдилар. Патриарх ёрдами билан битим тузилди. Аммо ҳамма маҳаллий советлардан олинган кутловлар ва экстремистларнинг ташаббуслари “Хасбулатов-Руцкой” блоки галаба қилишига ишонч уйғотди. Шунинг учун тузилган битим улар томонидан маъқулланмади. Куролланган экстремистлар 3 октябрда Москва мэри биносини қўлга олдилар ва телемарказга хужум уюшгирдилар, Хасбулатов эса кечаси Кремлни қўлга олишга чақирди.

Оппозициянинг бир қисми куролли ҳаракатларга ўтгани сабабли, уларга Ельцин куролли куч билан жавоб берди, бу куч эса Ельцинда кўпроқ эди. 4 октябрда Оқ уй ўққа тутилди ва оппозиция таслим бўлди. Оппозициянинг бошлиқлари эса қамоққа олинди. Икки томондан жами бўлиб 150 киши ҳалок бўлди. Россияни радикал янгилаш муҳолифларининг ўзига ишонганлиги ва улар томонидан курол ишлатилганлиги қонли тўқнашувга ва қурбонларга олиб келди. 21 сентябрда бошланиб 4 октябрда тугаган тўнтариш мамлакатнинг давлат тузумини янгилаган Конституция ҳақидаги референдумга йўл очди. Референдум йўлини тозалаш учун октябр ойида Президент ўзининг буйруғи билан ҳамма қатламдаги советларни тарқатиб юборди. 1917 йилда барпо бўлган совет тузуми тугатилди. Аҳоли бундан ҳаяжонга тушмади, сабаби омма бўлаётган воқеаларни хали охиригача тушуниб етмаган эди. Иккинчидан, советлар аллақачондан бери номигагина ишлаётган эдилар. Ўлка-вилоятларнинг вақтинчалик раҳбарлари Президент этиб сайландилар. Ельцин оппозициянинг куролли ҳаракатига қўшилган шахсларни ва ташкилотларни референдумда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Туб ўзгаришларга дадил қадам ташлай туриб, Президент ерни эркин олди-сотди қилиш ҳақидаги буйруғини чиқарди ва янги Конституция лойиҳасини эълон қилди.

Аммо ривожланишнинг ҳар хил йўналишлари тарафдорларининг тўқнашувлари деб баҳоланган тўнтариш, қон тўкишларнинг моҳияти аҳолига қоронғи эди ва у кўпчилик томонидан жаззак раҳнамоларнинг ёки ҳокимиятдаги турли хил тоифаларнинг тўқнашуви деб тушунилди. Кўпчилик оммавий ахборот воситалари ҳам шу ҳақда фикр билдирдилар. Бу тушунмовчилик жуда қимматга тушди ва Ельцин ҳамда унинг тарафдорларига бўлган ишонч пасайиб кетди.

1993 йил 12 декабрдаги умумхалқ референдумида сайловчиларнинг 54 фоизидан кўпроғи қатнашди ва (Татаристон ва Чеченистон Республикасидан ташқари) сайловчиларнинг 58 фоизидан кўпроғи

таклиф этилаётган Конституция учун овоз бердилар. Сайлов натижалари халқ ҳокимиятини, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини устун деб тасдиқлайдиган янги Конституция қонунчилигининг асоси бўлди. Россияликлар содир бўлаётган воқеаларнинг аҳоли томонидан тушунилиш даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, яна бир марта ўзларининг либерал-демократик йўлининг тўғрилигини тасдиқладилар, аммо бу йўлдан ислохотларни амалга ошириб бориш жуда қийин кечди.

2- §. Россияда янги сиёсий тизимнинг шаклланиши ва ислохотлар тақдири

Янги Конституция олдинги совет даври конституцияларидан кескин фарқ қилар эди. Россия демократик федератив республика бўлди, унда ҳокимият манбаи сифатида кўп миллатли халқ оммаси тан олинди, инсонпарварлик гоялари, инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари, кўчиб юришлари, хусусий мулк ва тадбиркорлик устувор ва дахлсиз деб эълон қилинди. Янги Конституция, федерал тузилишнинг хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, федерация субъектларининг тенглигини (улар сайлаган ҳукуматлар катта ваколатларга эга эдилар). Россия Федерацияси ҳудудларининг бутунлиги ва бузилмаслигини эълон қилди. Россияда ҳокимият тармоқларининг бўлиниши, Президентнинг кенг ваколатлари давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаши, ҳукуматни тузиши ва буйруқлар чиқариш ҳуқуқлари билан бирга қўшиб олиб борилди. Федерал Мажлисга, яъни Давлат Думаси ва Федерал Советга бўлган сайлов натижаларига халқ оммаси кенг табақаларининг эркинлик ва демократия тўғрисидаги ғира-шира тасаввурлари ҳамда улар катта қисмининг коммунистик ва миллатчилик кайфиятадаги пуч орзулари таъсир кўрсатиб турди. Либерал-демократик ислохот тарафдорлари Давлат Думасида энг кагга фракцияни тузишга эришган бўлсаларда, бироқ улар ўртасидаги ўзаро низолар ва оппозиция кучлари қонунчилик ишларининг бажарилишига халал бериб турди.

Бахтга қарши, либерал-ислохотчилар ташаббуси билан бошланган кўпгина муҳим ўзгаришларни Президентнинг фармонлари билангина амалга оширишга тўғри келди. Бунинг устига, кенг ваколатларга эга бўлган Президент аҳолининг катта қисми томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги учун фармонлар, қарорларнинг

амалга оширилиши учун етарлича ҳокимиятга эга эмас эди. Ҳатто у таъкиб остига олинарди. Ислохотлардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга интилган одамлар Президент атрофида ҳаддан ташқари кўп тўпланган бўлиб, катта таъсир этувчи кучга эга эди. Натижада улар мамлакат халқ хўжалиги ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун сарфланадиган маблағларнинг анчагина қисмини кераксиз нарсаларга: Кремль саройларини таъмирлашга ва Президентнинг янги резиденцияларини қуришга сарфладилар.

В.Черномырдиннинг ҳукуматида 1997 йилгача “бошқармачилар” кўпчилигини ташкил этарди. Илгариги советларнинг бошқариш аппарати ўрнига янги маъмурий аппаратни тузиш Марказда ҳам ва федерация субъектларида ҳам жуда суёт борарди, федерал ҳокимиятнинг юқори поғонаси заифлигича қолмоқда эди. Илгариги партия-совет хўжалиги соҳаларида ишлаган раҳбарлар бошқаришнинг марказий органлари ходимларининг 60% ини, республикалар, ўлкалар ва вилоятлар маъмуриятлари ходимларининг 80% ини ва куч ишлатадиган ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмаларининг 100% ини ташкил этардилар.

Аммо ҳукуматда ва Президент маъмуриятида, шунингдек, Давлат Думасида ҳали либерал реформаторлар мавжуд эди (А. Чубайс ва бошқалар), уларнинг ташаббуси ва Президент қўллаб-қувватлаши билан туб ўзгаришлар, ҳарна бўлса-да, давом этарди. Мамлакат ишлаб чиқаришининг 70% га яқини хиссадорлар ва хусусий компаниялар қўлига ўтди. Давлат Думаси томонидан Конституцияга мос келадиган фуқаролар кодекси қабул қилинди, унда хусусий мулкчилик муносабатлари мустаҳкамланди. Ягона суд системаси ҳақидаги Қонун чуқур суд ислохотларини бошлаб берди. Аста-секин Конституцияга мос келадиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш системаси (тизими) шакллана бошлади, шаҳарларда ва туманларда советлар ва управалар сайланиб, ҳаракат қила бошладилар. СССРдан мерос қолган Қуролли Кучлар аста-секинлик билан уч баробарга қисқартирилди.

Аммо ҳукумат бозор иқтисодиётига хос бўлмаган муносабатларни енгиш учун чора тополмади. У давлат мулкидан келадиган даромадни кўпайтира олмади ва солиқ йиғишни таъминлай олмади. Рўйхатдан ўтишни хоҳламаган корхоналар – “хуфёна иқтисодиёт” мамлакат Ялпи ички маҳсулотининг 25% идан 45% игача бериб турди. Кўплаб уддабуронлар катта маблағни ҳатто чет элга ҳам ўтказиб юбориш йўлини топдилар. Ҳукумат майда ва ўрта бизнесни ҳамда

фермерларни қўллаб-қувватлаш учун жуда оз маблағ ажратди. Колхоз ва совхозларнинг ерга ҳақиқий эгалигисиз ҳисадор жамиятларга айлантириш номигагина бўлди ва қишлоқ хўжалигини жонлантиролмади. Ҳокимият тегасида турганларнинг аҳолини маъмурий йўл билан керакли томонга йўналтирмоқчи бўлган уринишлари коррупциянинг ривожланишига имкон берди. Ҳокимиятдагилар мулкчиликнинг дахлсизлигини нафақат ҳимоя қила олдилар, балки ўзлари фуқароларнинг бошқа ҳуқуқларини ҳам буздилар, маош ва нафақаларни ўз вақтида беролмадилар. Черномирдин: “Яхши бўлишини истадик, аммо ҳар донмигдай қолаверди”, – деб очикчасига тан олди.

Оппозиция Давлат Думасида ерни эркин олди-сотди қилишга ва гаровга қўйишга халақит берарди. “Табийий монополияларнинг” мустақкамланиб олган раҳбарлари, кўп тармоқли молия-саноат гуруҳларининг бойиб кетган хўжайинлари ва колхоз-совхозларнинг “агрария” деб аталадиган соҳа раҳбарлари ҳукуматдагиларга ўз манфаатларини бўйинтуруқ қилдилар, молиявий фирибгарликда куйиб касод бўлган банклар эса миллионлаб одамларни алдадилар.

Ҳукумат томонидан кам таъминланган қатламларга ёрдам бериш, маошни ва нафақаларни индексация қилиш борасида чоралар кўрилди. Аммо ишлаб чиқаришнинг жиддий тушиб кетиши, ишсизликнинг купайиши ва аҳоли турмуш шароитининг ёмонлашуви давом этди. Ижтимоий кескин қарама-қаршилик, айниқса, “янги руслар”, “шоҳона” яшаш тарзига ўрганиб қолган бюрократик юқори табақалар ва зўр-базўр ҳаёт кечираётган кўпчиликни ташкил этадиган аҳоли ўртасида кучайиб кетди.

Касаба уюшмаларида меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тажрибаси жуда оз эди, қайтадан реконструкция қилинган тоғ-кон саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларининг ишчилари катта иш ташлашлар қилиб, темир йўллари бекитиб қўйдилар, марш юришлари уюштирдилар, камал қилдилар, пикетлар уюштириб, ғалаённинг бошқа турларини ўтказдилар. Маош ололмаган ўқитувчилар ва шифокорлар ҳам ғалаён кўтардилар. Ахлоқ қондаларининг ва ҳокимиятнинг заифлашиб кетиши натижасида мулкни қайта бўлиш ва бойишнинг янги имкониятлари туғилган бир вақтда, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг ниҳоятда ривожланиб кетишига имкон тугдирди. Кўплар, яъни ўзининг фаровонлигини давлатнинг буюклигига боғлиқ деб ҳисоблайдиган кишилар (улар учун тескари бўлиши мумкин ҳам эмас эди) либерал-демократик туб

Ўзгаришлардан умидларини ҳам уздилар. Натижада турли хил “буюк давлатчилар” фаоллашиб кетдилар, булар: Россия Федерацияси Компартияси ва бошқа “муросасиз” партиялар, социализмга қайтишга уринаётган оппозициячилар, шунингдек, миллатчилар, буюк давлатчилар ва турли хил миллий сепаратистлар: чечен ва татарлардан тортиб, то тувалик ва ёқутларгача фаоллашдилар.

Президент сиёсати натижаларидан аҳолининг норозилигига умид боғлаган коммунистлар 1995 йилда Давлат Думасига бўлган сайловларда ғалаба қилишди. Сайловда ядросини Россия Федерацияси Коммунистик партияси ташкил этган оппозиция мутлақ кўпчилик овозга эга бўлди. Компартия мамлакатда туб иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни ўтказишга ва Россия Федерациясининг халқаро мажбуриятларини бажаришга халақит берди. Бу ҳол, айниқса, чет эл кредитлари ва сармояларини жалб этишда яққол кўринди.

Мамлакат тепасида турганлар, асосан, илгариги партия ва совет органлари номенклатурасида турганларнинг қолдиқларидан ва либерал-демократик оқимларнинг раҳбарликка кўтарилган вакилларидан иборат эди. Булар ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўз манфаатларини ўйлайдиган рақиблирдан иборат эдилар. Уларни элита деб ҳурмат қилганлари билан, уларда на малака ва на Россиянинг янги муаммоларини ҳал этиш учун керакли тажриба бор эди. Жамиятнинг жипслашишига этносларнинг хилма-хиллиги ҳам халақит берар эди. Уларнинг ичида энг буюги руслар бўлса-да, бироқ ўзларининг миллий бирлиги зарурлигини етарли даражада англай олмаганлиги ҳамда кўплаб диний оқимлар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги, шунингдек, яқин ўтмишдаги йўқотишлардан ўзини ўнглаб ололмаган православия мазҳаби ўртасидаги рақобатлар жамиятнинг жипслашишини мураккаблаштириб қўйган эди. Кўпчилик республикалар ва округларда титулли этнослар озчилиқни ташкил этардилар. Деярли ҳамма округлар область ва ўлкалар таркибида эдилар, областлар ва ўлкаларнинг эса таъминлай оладиган хўжалиги йўқ эди ва Марказ дотациясига қарам эди (дотация – бериладиган қўшимча ёрдам). Федерациянинг субъектлари ўртасида эса илгаригидек бевосита бозор алоқалари ва иқтисодий ўзаро боғлиқлик йўқ эди.

Федерацияни жипслаштириш учун ҳукумат Россия Федерациясининг 50 тагача субъектлари билан уларнинг ваколатларига ўзгартишлар киритиш учун алоҳида шартномалар тузди. Аммо марказдан қочма интилишлар кучайди, республикалар, ўлкалар, об-

ластлар ва округлар томонидан Россия Федерацияси Конституцияси моддаларининг ва Федерал Қонунларининг кўплаб бузилиши одатий хол бўлиб келди. Федерал мамлакатда яхшиликнинг “эмакляб парчаланиш” даври бошланди, бунга эса факат субъектларнинг ўзаро ҳаётий боғлиқлиги тўсқинлик килиши мумкин эди.

Федерал кўшиқларнинг ўзини мустақил деб эълон қилган Чечен Республикасига (Ичкерияга) “конституцион тартибни” ўрнатиш учун юборилиши оқибатида 1994–96- йилларда 100 мингга яқин киши ҳалок бўлди. Вайронагарчилик келтирувчи урушга сабаб бўлди. Бу уруш мамлакат хомашёсига путур етказди, халқаро обрўининг тушиб кетишига олиб келди ва мағлубият билан тугади. Ичкериянинг ўзини мустақил деб эълон қилган статуснинг Россия томонидан тан олинishi эса кейинга қолдирилди. Б. Ельцин ва Ичкерия аҳолиси томонидан сайланган Президент А. Махадовнинг Қўшма Баёнотида: “Россия ва Ичкериянинг муносабатлари халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга оширилади”, – деб таъкидланди.

Аҳолининг Президентга ва ҳукуматга бўлган ишончига анча путур етган эди. Аммо Ельциндан бўлак ислохотлар учун курашчилар орасида 1996 йилги Президентлик сайловларида коммунистларнинг номзоди Зюгановга қарши турадиган бошқа номзод топилмади. Ельциннинг ғалабасига ишонмаган унинг атрофидаги бир қисм кишилар тўнтариш уюштиришни, яъни Компартияни таъқиқлаб қўйиш ва сайловларни орқага суришни таклиф қилдилар. Аммо А. Чубайс ва бошқа ислохотчиларнинг сабъ-харакатлари билан Ельциннинг шухратини оширишга эришилди ва, ҳуллас, 1996 йилнинг ёзида сайловларнинг иккинчи турида коммунист рақибларнинг деярли ҳаммаси Ельцинга овоз бердилар. Алданганига, умидлари пучга чиққанига қарамай, кўпчилик россияликлар либерал туб ўзгаришлар йўлидан чекинмадилар. Бу нарса Ельциннинг ғалабасини таъминлади ва, шунингдек, унинг атрофидан ва ҳукуматдан тўнтариш тарафдорлари бўлганларни четлаштириш имконини таъминлади. Аммо ғалабадан сўнг у ярим йилча бемор ётди, Черномирдиннинг ҳукумати эса Ельциннинг муваффақиятларидан ислохотларни тезлаштириш учун фойдалана олмади.

Факат кейинги йилнинг баҳорида Ельциннинг ташаббуси билан ҳукуматга Чубайс ва бошқа “ёш ислохотчилар” киргандан сўнг, ҳужумга ўтиш учун уриниш қилинди: йирик компанияларнинг давлат акцияларини танлов асосида сотиш бошланди, солиқ кодекси, ижтимоий таъминот, уй-жой хўжалиги, Қуролли Кучлар ва ерни ол-

ди-сотди қилиш масалаларини қайта ислохот қилиш кўзда тутилди. Бироқ туб ўзгаришлар ўтказилишининг ракиблари оммавий ахборот воситаларидан ва Думадан кенг фойдаланиб, ёш ислохотчиларнинг обрўйини туширишга ва уларнинг саъй-ҳаракатларини фалаж қилишга эришдилар.

Давлат Думасида кўпчилик бўлган коммунистлар ва улар иттифоқчилари ижтимоий соҳаларга, собиқ колхоз-совхозлар ва ҳарбий корхоналар учун белгиланган харажатларни кўпайтиришни ҳукуматдан талаб қилди. Ортикча харажатлар учун маблағ бўлмасида, ҳукумат буларнинг талабларини рад этишга журъат этолмади.

Натижада 1998 йилнинг баҳорида Давлат Думаси томонидан маъқулланган давлат бюджетини амалда ҳаётга татбиқ этишнинг иложи бўлмади ва Ельцин Черномирдинни С. Кириенко билан алмаштирди. Давлат Думаси тасдигидан қийинчилик билан ўтган янги Премьер-министр фалаж бўлган мамлакат ҳўжалигига керак бўлган маблағни топиш имконини берадиган бир нечта қонулар пактини ишлаб чиқди. Аҳвол жаҳон молия-валюта инқирози туфайли янада мураккаблашди. Бунинг устига, Давлат Думасидагиларнинг кўпчилиги С. Кириенкони хуш кўрмаганлиги туфайли унинг таклифларини рад этишди ва шу йўл билан улар бюджетни охириги имкониятдан ҳам маҳрум қилишди. Халқаро Валюта Фондидан кредит олинишига қарамай, кўплаб банк ва корхоналарнинг аҳволи оғирлашди. Ишчи ва хизматчиларга маош тўламаганлиги сабабли мамлакат ғалаён ва кўзғолонлар оловида қолган эди, ғалаёнчи шахтёрлар йўлларни тўсиб қўйган эдилар. Ҳукумат ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам, маблағ олиш масаласида ҳам мадад ололмади. Шунинг учун 1998 йил 17 августда С. Кириенко давлат ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширишга қодир эмас, деб эълон қилишга мажбур бўлди. Россия Ҳукуматиға нисбатан ишончға зил кетди, рубль тез орада 3 баробар қадрсизланди, кўплаб банклар синди, нарх-наво ниҳоятда кўтарилиб кетди ва аҳоли яшаш шароити жуда ёмонлашди. Давлат Думаси нафақат ҳукуматни, балки Президентнинг ҳам истеъфоға чиқишини талаб қила бошлади. Коммунистлар Президентнинг ваколатларини чеклашға ва ҳукуматни Давлат Думаси назорати остиға олишға интилдилар.

Бу чуқур сиёсий инқироз эди. Президент Ельцинда на ҳукуматға мадад беришға ва на Черномирдинни жойиға қайтаришға илож бор эди. 1998 йили сентябрда у ижро ҳокимиятиға бошлиқ қилиб коммунистларға ёқадиган Е.Примаковни қўйишға қарор қилди. При-

маковнинг ҳукуматига анчагина коммунистлар ҳам жалб қилинган эди. Аммо уларга либерал ислохотлар руҳи катъийлик билан қарши турди. Натижада бундай аҳвол иқтисодий сиёсатни пароканда қилди. Инфляция импортнинг қисқаришига олиб келди, бу ҳол, ўз навбатида, импортнинг кўпайиб кетиши сабабли тўхтаб қолган баъзи соҳаларда 1999 йилдан ишлаб чиқаришнинг жонланишига олиб келди. Бирок туб ислохотчилик ўзгаришларини тугаллаш учун янги мулкчиликни мустаҳкамлаш, ерларни, ишчи кучларини ва уй-жойлардан фойдаланишни бозор муносабатларига киритиш бўйича бир қадам ҳам босилмади. Коммунистлар мамлакатни режалли хўжаликка қайтара олмадилар, аммо шунга карамай, тез-тез касал бўлиб турган Президентга ҳужум қилиб турдилар ва баҳор ойида унинг ҳокимиятдан четлатилишини талаб қилдилар. Коммунистлар мамлакатда барқарорликни эълон қилишда таниқли сиёсатчи Примаков билан иттифоқларининг муваффақиятига умид қилар эдилар. Бу эса, ўз навбатида, либерал туб ўзгаришлар тақдирини хавф остига қўйди.

Шунинг учун 1999 йил май ойида коммунистлар альянси билан “гулоби” ҳукумат ўргасидаги иттифокнинг янада мустаҳкам бўлишининг олдини олиш учун Президент Примаковни ишдан олди, Давлат Думасида эса Ельцинни Президентлик лавозимидан олиш тўғрисида қўйилган резолюция етарли овоз ололмади. Бу ҳол коммунистлар позициясини (мавқени) анча заифлаштирди.

Ботқоққа ботган ислохотлар йўлини асраш мақсадида Ельцин Давлат Думасидагиларнинг кўпчилигига ёқадиган В. Степашинни ҳукумат бошлиғи қилиб тайинлади. Бу қадам илгари Кириенко томонидан кўзда тутилган молиявий-иқтисодий тизимни мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунларни қабул қилиш имконини берди. Аммо янги Премьер либерал-демократик оммани бирлаштириб, сафарбар қила олмади.

Шундай бир пайтда Москва шаҳар мэри Ю. Лужков томонидан етакланган “бюрократик капитализм” тарафдорлари майдонга чиқишди, уларнинг шиори маъмурий йўл билан “капитализмчасига ишлаш, аммо социализмчасига тақсимлаш” эди. Улар ўзларини Ватан химоячилари деб эълон қилиб, ўз томонига қўплаб губернаторларни оғдириб олдилар ва Примаков бошчилигида “Ватан – Бутун Россия” (ОВР – “Отечество – Вся Россия”) номли блокни туздилар. Президентнинг туган йўлига қарши ҳужумда улар ҳатто тухмат ва уйдирмалардан ҳам фойдаланишда коммунистлардан ҳам ўзиб кет-

дилар. Улар шу билан либерал-демократик туб ўзгаришлар йўлига жиддий ғов бўлиб қолдилар.

Б. Ельцин 1999 йил августида ҳукумат бошлиғи лавозимига кўтарилган В. Путининг Давлат Думасидаги сайловларда ғалаба қилишига ва ўзи тутган йўлни давом эттиришига умид боғлади. Мамлакатда ҳали унча таниш бўлмаган янги премьернинг чечен жангариларининг Доғистонга бостириб киришига йўл қўймаслик ва уларни Москва ҳамда бошқа шаҳарлардаги террорчилик ҳужумларига чек қўйишдаги қатъиятлиги уни машҳур қилиб юборди.

1996 йилнинг кузидан бошлаб Ичкерия ҳақиқий мустақилликка эришган эди. Аммо аҳолининг партикуляризмлиги ва дала командирларининг бебошлиғи Ичкерияда ягона жамиятнинг шаклланишига, давлатчиликнинг ва қонунчиликнинг мустаҳкамланишига ҳалақит берди. Ваҳобийлик билан жамиятни бирлаштиришга бўлган уриниш ғоявий тарқоқликни кучайтирди. Чечен жангариларининг чет эл террорчилари томонидан гижгижланган авантюраси, яъни уларнинг Доғистонга бостириб кириши ва Россия шаҳарларидаги қўпурувчилик ҳаракатлари Ичкерия аҳолисини Россия ҳарбийларининг зарбасига дучор қилди. Ўн минглаб аҳоли нобуд бўлди, юз минглаб кишилар қочок бўлдилар. Грозний шаҳрининг вайрон қилинишига, қишлоқларнинг топталишига олиб келди, оммавий репрессияларга қарши аҳолининг бир қисми қаршилик кўрсатиш, партизанлар уруши олиб бориш билан жавоб берди. Вазиятни жиддий снёсий йўл билан, ҳамма томонларнинг қатнашувидаги музокаралар йўли билан ҳал этиш ва тинчлик ўрнатиш мумкин эди. Кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар Чеченистондаги ва уларни қўллаб-қувватлаган чет эл террорларини қораладилар. Чеченистонга гуманитар ёрдам юбордилар ва, шунинг билан бирга, Россия Ҳукумати ва ҳарбийлари томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши норозиликлар билдирдилар.

1999 йил кузида маъмурият “Единство” ҳаракатини ташкил этди. Бу ҳаракат ўзининг терроризм ва коррупцияга чек қўйиш, ҳуқуқ-тартибот ва барқарорликни таъминлаш каби талаблари билан ўзининг сафига аҳолининг анча қисмини жалб этди. Бу ташкилот ҳам сайлов компаниясига қўшилди ва янги номзодларни илгари сурди. Бу ташкилотнинг ривожланишига Премьер-министр Путин ҳамнафас эканлиги ҳам уларга ёрдам берди. Шафқатсиз сайловолди курашларида бу ташкилот осон ғалабага ишонган Компартия ва ОВРга (“Отечество – Вся Россия”) қарши кучли рақибга айланди.

1999 йил декабрида янги Давлат Думасига сайловлар натижасида коммунистлар ва уларнинг иттифокчилари заифлашиб қолдилар, натижада улар кўп овоз ололмадилар. “Лужков-Примаков” блоки – ОВР ҳам ҳал қилувчи муваффақиятга эриша олмади. Думада кучли фракциялар пайдо бўлди: “Единство” фракцияси ва “Союз правых сил” (“Ўнг кучлар иттифоки”) фракцияси. Биринчи марта туб ўзгаришлар ўтказишни давом эттириш тарафдорлари бўлган ҳар хил фракциялар ва гуруҳларнинг биргаликдаги ҳаракатлари, шу жумладан, “Яблоко”га ҳам Давлат Думасида кўпчилик овоз олиш имкони берди.

Ўзининг туган йўлига қарши турган рақиб кучларнинг навбатдаги Президент сайловларида жисслашишининг олдини олиш учун Ельцин муддатидан олдин – 2000 йилнинг бошида истеъфога чиқди. Ҳукумат бошлиғи В. Путин “Қонун диктатураси” номли оммабоп шиор ва бозор иктисодиётини жонлантириш режалари билан чиқиб, нафақат Президент вазифасини бажарувчи, балки, шу билан бирга, март ойида муддатидан олдин бўладиган Президент сайловларида ғалаба қилнш учун энг оммавий номзод ҳам бўлиб қолди. Унинг оммалашшига ишлаб чиқаришнинг, нефть экспорти ва солиқ йиғимларидан келган даромадларнинг бир қадар ўсиши ҳам сабаб бўлди. Путин номзоди учун ислохотлар тарафдорларининг кўпчилиги ва ҳокимиятни кучайтиришни хоҳлайдиганлар овоз берди.

3- §. XXI аср бошларида Россия Федерацияси

2000 йил 26 мартдаги сайловларда В. Путин кўп овоз олиб, Президентликка сайланди. Ҳукумат бошлиғи қилиб М. Касьянов таъинланди. Президент тарафдорлари нафақат ижроя ҳокимиятга эга бўлдилар, балки Думада ҳам депутатларнинг асосий қисмини ташкил этдилар. Тўпланган тажриба асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий соҳаларини ривожлантириш давлат Дастури ишлаб чиқилди. Сиёсий соҳада ҳокимиятни мустаҳкамлаш кўзда тутилганди. Россия ҳудуди 7 та федерал округга бўлинди. Округларда Президент вакиллиги институтлари барпо қилинди. Федерация Кенгашини ташкил этишнинг, мэр ва губернаторларни сайлаш мавсумини ўтказишнинг янги қонун-қоидалари ишлаб

чиқилди. Бу ўзгаришларнинг асосий мақсади ҳокимиятнинг суниетъмол қилинишига, амалдорларнинг тадбиркорларга нисбатан зулм ўтказишига йўл қўймаслик эди. Шунинг билан биргаликда, бизнес ва оммавий ахборот воситаларининг ҳокимият институтларига таъсир ўтказиши чегараланган эди. Жиноий ва маъмурий қонунчиликни бозор иқтисодиёти билан мувозанатлаштириш мақсадида ҳуқуқий ислохотлар ҳам бошлаб юборилди.

Тадбиркорлик фаолиятига ёрдам сифатида солиқ миқдори камайтирилди. Солиқ миқдори 13% қилиб белгиланиб, бу дунёдаги энг кам солиқ кўрсаткичи эди.

Мамлакат ишлаб чиқариш саноатини қўллаб-қувватлаш мақсадида божхона сиёсати ҳам ўзгартирилди. Амалдаги баъзи бир омиллар Россия учун салбий таъсир кўрсатаётган эди. Жумладан, 2001 йилда халқаро миқёсда нефть ва газ нархи тушиб кетди. Баъзи бир ҳудудларда об-ҳаво ноқулайликлари ёки маҳаллий ҳокимиятнинг самарасиз иш услублари туфайли ортиқча маблағлар сарфланди. Ташқи қарз (170 млрд доллар) ҳам Россия иқтисодиётига қўшимча “юк” эди. Шунингдек, бир қатор давлатлар Россиядан қарздор эдилар (Куба, Ироқ, Вьетнам, Гана, Никарагуа, Эфиопия, Ангола ва бошқалар). Ўз вақтида СССР уларга катта ёрдам кўрсатганди. Уларнинг қарзи 150 млрд долларга яқин эди. Лекин давлатларнинг кўпчилиги ночор иқтисодий аҳволда бўлганлиги сабабли, улардан қарз ундириш амримаҳол эди. Шунга қарамасдан, Россия иқтисодиёти 2001–2002 йилларда яхши кўрсаткичларга эришди. Ишсизлик камайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Ислохотларнинг охирида Россияда иқтисодиётнинг янги тизими ярагилди. Бунда асосий улуш давлат секторига эмас, балки В. О. Потанин, М. М. Фридман, П. О. Авен, О. В. Дерипаски каби тадбиркорлар раҳбарлик қилган молиявий ишлаб чиқариш гуруҳларига тегишли эди. Улар мамлакат иқтисодининг асосий қисмини назорат қила туриб, рақобатнинг кучайишидан манфаатдор эдилар. Бундай ютуқларга эришган компаниялардан “Лукойл”, “ТНК”, “Сибнефть” “Газпром” кабиларни санаб ўтиш мумкин. Ҳукумат ҳарбий буюртмаларни стабиллаштиришга эришди. Юқори технологиялар учун маблағлар ажратилди, бюджет соҳаси ходимларининг аҳволи яхшилана борди.

Жамоат фикрини ўрганиш натижаларига кўра, Президент ва ҳукумат сиёсати аҳоли томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Давлат Думасида ислохотлар тарафдорларининг кўпчилиги иштирокида бўлган Путиннинг ғалабаси туб ўзгаришларни да-

вом эттиришга қулай шароит яратди, унинг оммавийлигининг ва машхурлигининг сақланиб туриши эса ҳокимият самарадорлигининг ошишига имкон яратди. У томонидан либерал ислохотларни чуқурлаштириш Дастури белгилаб олинди. Бу Дастурни амалга ошириш учун федерал ҳукумат органлари кучайтирилди ва Федерация Совети таркиби ўзгарди, федерация субъектларининг қонунлари Россия Федерацияси Конституцияси ва қонунларига мослаштирилди, иқтисоддаги бюрократизмдан қутулиш лойиҳалари илғари сурилди, “табiiй” монополиялар, судлов, сув, ер, нафақа, уй-жой ва бошқа ислохотлар реструктуризация қилинди.

Бирок ҳудудларда бозор иқтисодиётининг барқарор ўсиши учун, сармоялар жалб этиш учун, ишлаб чиқаришнинг эскирган асбоб-ускуналарини конверсия қилиш ва янгилаш учун шароит ҳозирча яратилмади. Аҳолининг харид қилиш қобилияти ўсиб бораётган инфляция билан сусайтирилди. Шундай бўлса-да, уй-жойларни иссиқлик, ёнилғи ва сув билан таъминлашнинг эскича тизимини бузиш тезлаштирилди. Маъмурий идораларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмасдан “тартиб ўрнатишни” эплай олмасликлари, ҳар қандай ташаббусни фалаж қилиб ташлайдиган бюрократизм ва ўсиб бораётган коррупция, шунингдек, Чеченистондаги қонли уруш, у ерда аҳолининг бир қисми фақат тирик қолиш учунгина федерал ҳукумат билан ҳамкорлик қилаётганлиги – буларнинг ҳаммаси жамиятнинг жипслашувини қийинлаштирди. Қийинчиликларга қарамадан, либерал бозор ислохотлари ва янги Конституция туфайли Россия Федерацияси жаҳон ҳамжамиятида либерал йўналишдаги мамлакатлар сирасига кириб олди. Бирок у, шу билан бирга, СССРдан баъзи бир буюк давлатчилик ва милитаристик хусусиятларни ҳам мерос қилиб олди. Булар жумласига урушда қўлга кирилган ҳудудларни ушлаб туриш, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқини чеклаш, маъмуриятни милитаризациялаш, таҳдид қилиш ва сиёсий масалаларни ҳал этишда Куролли Кучлардан фойдаланиш, ракета-ядро ва Ҳарбий-денгиз флоти соҳасида буюк бўлишга даъво қилиш, ҳудудий гегемонликка интилиш, чет элда “ватандошлар” ҳуқуқини химоя қилиш (булар қаторига СССРнинг барча собиқ фуқароларини ёки русийзабон фуқароларни ҳам қўшадилар) каби масалалар киради. Аммо маъмурият Россиянинг ўз ичида ҳам инсон ҳуқуқлари бузилишини бартараф этишга қодир эмас эди. Бозор иқтисодиёти бўйича туб ўзгаришларнинг тугалланмаганлиги, ишлаб чиқаришнинг паст даражадалиги Россияни

“Ўтиш давридаги иктисодиётли” мамлакатлар сирасига киритадилар. Унинг ҳўжалиги “асосан, эркин эмас” деб ҳисобланади, чунки унда давлат тўғридан-тўғри катта ва маъмурий тарзда аралашади. Россия жаҳон ялли маҳсулотининг 2,67 фоизини беради – АҚШ ва Хитойдан бир неча баробар оз. Агар ёқилғилар, куролларнинг баъзи турларини ва атом энергиясини экспорт қилишни ҳисобламасак, етарли даражада бўлмаган рақобатбардошлиги ва ташкилий-молиявий заифлиги Россиянинг жаҳон савдосида қатнашувининг кенгайишни қийинлаштиради. Жаҳон савдосида Россиянинг улуши жаҳон ялли маҳсулотидаги улушидан ҳам паст эди.

Ҳозирги Россия бундан 10 йил олдинги Россия эмас. Агар ХХ асрнинг охирида коммунистлар, демократлар ҳамда либерал-демократлар мамлакатда катта куч ҳисобланган бўлса, бугун улар ўз мавқеларини йўқотдилар. Давлат тизимининг барча бўғинларида “Единая Россия” (“Ягона Россия”)нинг ошиғи олчи. Давлат Думасида ҳам илгариги чақириклар, фикрлар карама-каршилиги, эҳтирослар йўқ. Бугунги Дума, асосан, битта сиёсий партия вакилларида ёки шу партия дастурига хайрихоҳ депутатлардан уюшган Парламент ҳисобланади. Бугунги кунда ҳукумат билан Парламент тил топишиб ишламоқда. 2004 йилнинг март ойида Россияда Президент сайлови бўлиб ўтди. Владимир Путин яна Россия Президентлигига сайланди. Мана шу Президент сайлови компанияси ҳам Россиядаги сиёсий кучларнинг бир фикрга келишиб ишлаётганини билдирди. 2007 йил 2 декабрда Давлат Думасига бўлган сайловлар В. Путин йўлининг тўғри эканини яққол кўрсатди. Сайловларда “Единая Россия” (“Ягона Россия”) партияси 64% даң ортиқ овоз олди. Б. Грузлов Давлат Думаси Раислигига янги муддатга сайланди. Натижада мамлакат иктисодиётида ўсиш юз берди, одамларнинг турмуш кечирishi, уларни иш билан таъминлаш яхшиланди. Унинг халқаро миқёсдаги обрўси ошди.

Агар 2001 йили мамлакат аҳолисининг 30% и камбағал даражасида яшаган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 18% га тушди. Ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши 2004 йилда 5–6% ни ташкил этган бўлса, 2007 йилда у 7,6% ни ташкил этди. Ташқи қарз тўлиқ узилди. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш йилдан-йилга ўсмоқда. Агар 2002 йили у 4 млрд, 2003 йили 6 млрд, 2004 йилда 10 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб 80 млрд доллардан ошиб кетди. Қишлоқ ҳўжалигига кейинги 2 йилда киритилган сармоя 3 баробар ошди. Шунинг натижасида 2007 йилда мамлакатда

буғдойдан энг юқори ҳосил олинди, аҳолининг реал даромади 10% га ошди. Бироқ Чеченистон масаласида, Грузия ва Украина давлатлари билан муносабатлар масаласида Россия билан Европа Иттифоқи, НАТОга аъзо давлатлар ҳамда АҚШ ўртасида фикрлар қарама-қаршилиги мавжуд. Курилл ороллари масаласида Япония давлати билан узоқ йиллардан бери тортишув давом этмоқда.

Россия Федерациясининг кўйлаб муаммолари Ҳамдўстлик давлатлари билан муносабатларига боғлиқдир. Ягона иқтисодий ва муҳофаа ҳудудини сақлаб қолиш мақсадида Россия ўз зарарига ҳам ҳаракат қилди. МДХ давлатларига ёқилги паст нархларда сотиларди. Уларнинг чегараларини кўриқлашни ҳам ўз зиммасига олган эди. Ҳамдўстлик давлатлари доирасида рус миллатига мансуб аҳоли учун икки фуқароликни жорий этиш имкониятидан ҳам фойдаланмади (руслар 25 млн кишини ташкил этади). Очик чегаралар Россиядан ноқонуний тарзда хомашё олиб чиқиб кетиш имкониятини берди. СССРнинг мулкани бўлиб олиш юзасидан келишмовчиликлар ҳам бўлди. Масалан, Қора денгиз флоти, Бойкўнғур космодроми ва бошқаларда юзага келди.

Иттифоқдош республикаларда миллий тўқнашувлар юз берди. Россия бу ҳудудларда тинчлик ўрнатиш тадбирларини ўтказишга мажбур бўлди (Денестрбўйи, Абхазия, Тожикистон ва бошқалар). Кўшни давлатлардан қочокларни қабул қилиш ҳам Россия иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Ҳамдўстлик давлатлари бир-биридан ривожланиш суръати, иқтисодиёти, жамиятни демократиялаштириш бўйича катта фарқ қиларди. Шунинг учун ҳамкорлик тўғрисида қабул қилинган қарорлар фақат қоғозда қолиб кетганди. Барча Ҳамдўстлик давлатлари, шу жумладан, Россия ҳам бошқа давлатлар билан савдо алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қиларди. 1995 йилда Россия экспортининг 19% и Ҳамдўстлик давлатларига, 15% и собиқ социалистик давлатларига, асосий қисми эса Европа ва бошқа чет мамлакатларга юборилди. Фақат 1994 йилда МДХ билан муносабатлар устувор йўналишлардан бири деб тан олинди. Ҳамдўстлик давлатлари Иттифоқи тараққиёт босқичидаги иттифоқ эди. МДХ нинг ичида кичик гуруҳлар шаклланган эди. Россия Беларус ва Қозоғистон билан яқин алоқалар билан боғланган эди. Ўрта Осиё давлатлари орасида ўзига хос алоқалар ўрнатилди. Коллектив Хавфсизлик Ташкилоти (ОДКБ) Шартномаси тузилди. Ушбу ташкилотнинг Низоми 6 та давлат томонидан қабул қилинди. Ташкилотнинг 2010 йилнинг 10 декабрида Москва шаҳрида бўлган Саммитида ОДКБни такомиллаштириш масаласи

кўрилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлаб: “ОДКБнинг вазифаси – бу ОДКБ давлатлари ўртасидаги ва МДХ маконидаги турли қарама-қаршиликлар ва можароларни ҳал этишда қатнашиш эмас, балки, аввало, Ташкилотга аъзо мамлакатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Биз, шунингдек, ОДКБга аъзо у ёки бу давлатлар ичида “зўравонлик ҳагги-харакалари” юзага келган ҳолларда, унга Ташкилотнинг аралашуви ёхуд таъсир кўрсатишига асло йўл қўймаслик зарур, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг принципиал позициямиз шундан иборат ва Тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучлар тўғрисидаги Битимни имзоламаганимизнинг сабаби ҳам шунда”, – деди. Ўзбекистон Низомга имзо қўймади.

Россия бир қатор Ҳамдўстлик давлатлари билан икки тарафлама Шартнома имзолади. 1997 йил 2 апрелда Россия ва Белорус ўртасида Иттифоқ тузиш тўғрисида Шартнома имзоланди. Сўнгра Россия, Белорус ва Қозоғистон ўртасида Божхона Иттифоқи Шартномаси тузилди. Бу Шартнома 2010 йилдан кучга кирди. Шубҳасиз, Россия учун Ҳамдўстлик давлатлари билан қўшничилик алоқаларини ривожлантириш иқтисодий нуқтаи назардан катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда Россиядаги барқарорлик ва иқтисодий ўсиш ўзаро муносабатлар учун умид уйғотади. В. Путиннинг Президентлиги даврида мамлакат иқтисодий ривожланишда давом этди. Россия ташқи қарзларини тўлик тўлади. ЕИ давлатлари билан савдо-иқтисодий муносабатлари ривожланди. МДХ давлатлари доирасида етакчилик қилди. Россия фуқароларининг турмуш даражаси яхшиланди. Россия илгариги макенини тиклаб, қурол савдо-сида яна етакчи ўринлардан бирини эгаллади. 2004 йилда 5 млрд долларга қурол сотган бўлса, 2008 йилда унинг миқдори 6,5 млрд доллардан ошиб кетди. 2008 йил март ойидаги Президентлик сайловларида “Ягона Россия” Партиясининг номзоди Путиннинг партиядоши, илгари Бош Вазир бўлиб ишлаб келган Н. Медведев Президентликка сайланди. В. Путин Бош Вазирлик лавозимини эгаллади. 2008 йил август ойида содир этилган Абхазия ва Жанубий Осетия воқеалари (2008 йил август ойи бошида Грузия Жанубий Осетияга бостириб кирди ва Цхинвалида қиргинбарот урушларини олиб борди. Россия Жанубий Осетияга ёрдам қўлини чўзиб, у ердан Грузия қўшинларини ҳайдаб чиқарган эди) Россиянинг нафақат Грузия билан муносабатларини ёмонлашишига олиб келди, балки, шу билан бирга, ЕИ ва АҚШ билан ҳам муносабатларининг ёмон-

лашиб кетишига олиб келди. АҚШ ва ЕИ давлатларининг талаби билан Россия–Грузия можароси БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига қўйилди. Кенгаш Россияга нисбатан санкция қўллашнинг улдасидан чиқолмади. Шундай бўлса-да, бу масала Гаага судига қадар борди. Россия Европа Иттифоқи давлатларининг нефть ва газга бўлган талабининг 25% ини бераётганлиги ва 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози сабабли ЕИ давлатлари Россияга нисбатан кескин чоралар кўришга ботинолмади. Гегемонлик мавқеини қўмсаётган Россиянинг ташқи сиёсатида карма-қаршиликларни ҳам кўришимиз мумкин. Абхазия ва Жанубий Осетиянинг Грузиядан ажралиб, мустақил республикалар бўлишида ёрдам берган ва қўллаб-қувватлаган Россия худди шундай ҳолатда Косовонинг Сербиядан ажралиб, мустақил давлат бўлиш жараёнида қаттиқ қаршилиқ қилди. Шунингдек, Россия Федерацияси таркибидаги Шимолий Кавказ республикаларининг мустақил бўлишларига йўл қўймаслиги табиийдир.

Ҳозирги вақтда Россиянинг янги замонавий қуроолар ишлаб чиқаришга қатта маблағ ажратгани (2011–2017 йилларга мўлжалланган режада 17 триллион рубль) унинг жаҳонда яна гегемонликка даъво қилаётганини кўрсатади. Россия кимёвий қуроолар захираси бўйича дунёда биринчи (Россияда 40 минг тонна, АҚШда 27 минг тонна) ўринда туради. Олтин захираси бўйича эса дунёда учинчи ўринга (2010 й.) чиқиб олди. 2010 йили охирида СҚЧ бўйича Россия–АҚШ музокараларида ижобий натижаларга эришилди. 2011 йилнинг феврал ойи бошида “СҚИ–3” Шартномаси АҚШ Конгресси ва Россия Давлат Думаси томонидан ратификация қилинди. Бунга мувофиқ, томонлар ядро қурооларини 1/3 га қисқартиришга келишиб олдилар.

2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган иқтисодий инқироз Россияга ҳам кучли таъсир кўрсатди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қисқарди. Қишлоқ хўжалиги қатта зарар кўрди. Агар 2009 йили 97 млн тонна дон олинган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 63 млн тоннага тушиб қолди. 2010 йилда Ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,7% га тушиб қолди, ҳолбуки, бу кўрсаткич 2008 йилда 6,5% эди. 2010 йилда инфляция 8,1% ни ташкил этди.

4- §. Россия–Ўзбекистон муносабатлари

Россия Ўзбекистон муносабатларининг 1992 йил 20 мартда ташкил топган ва ўша кундан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки мамлакат ўртасидаги оддий ва юқори даражадаги мунтазам учрашувлар Ўзбекистон–Россия муносабатларининг бугунги суръатини яққол ифода қилади. Ҳукуматлар, Парламентлар ва идоралараро мулоқотлар ҳамда ишбилармон доира вакиллари форумлари анъанавий характер касб этган. Тенг ҳуқуқлиликка асосланган кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий йўналишларда икки томонлама тажриба алмашув самарали давом этаётир.

Ўзбекистон–Россия муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 270 дан зиёд икки томонлама ҳужжатлар ташкил қилади. Давлатлараро муносабатлар асослари, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги, Стратегик шериклик тўғрисидаги, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномалар, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик Дастури шулар жумласидандир.

Икки томонлама муносабатларнинг энг муҳим йўналиши иқтисодий соҳадаги ҳамкорликдир. Россия Ўзбекистоннинг йирик ташқи савдо ҳамкори саналади. Ўзбекистоннинг умумий ташқи товар айланмасининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. Агар 2003 йил Россия–Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 1 млрд 150 млн долларни ташкил этган бўлса, 2009 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқ ҳажми 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу 2008 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 4,9 фоиз кўп демакдир. Экспортнинг асосий йўналишларини табиий газ (39,2 фоиз), мева-сабзавот ҳамда қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотлари (22,9 фоиз), транспорт ва коммуникация хизматлари (13,8 фоиз) транспорт воситалари (10,3 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари (8,7 фоиз), электр ва механик асбоб-ускуналар (1,7 фоиз) ва бошқалар ташкил этди.

Импорт таркиби эса, асосан, қора ва рангли металл (32,8 фоиз), электр ва механик асбоб-ускуналар (21 фоиз), ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар (14,3 фоиз), хизматлар (5,6 фоиз), транспорт воситаларидан (4,4 фоиз) иборат бўлди.

Республикамизда Россиянинг “Зарубежнефтвергас” очик акциядорлик жамияти (“Газпром” очик акциядорлик жамияти шўъба корхонаси), “Лукойл” очик акциядорлик жамияти, “Союзнефтвергас”

давлатлараро нефть компанияси ва бошқа шу каби ташкилотлари муваффақиятли сармоявий фаолият юритиб келаётир.

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожига ёқилги-энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, самолётсозлик ва темир йўл транспорти соҳаларида, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда.

2010 йилда Ўзбекистон-Россия капитали иштирокидаги 843 та корхона фаолият кўрсатди. Уларнинг салкам ярми (353 та корхона) 2007–2010 йилларда ташкил этилган. Биргина 2009 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида 101 корхона иш бошлади ва уларнинг 84 таси қўшма корхона сифатида, 17 таси эса тўлалигича Россия капитали асосида фаолият юритди. Мазкур корхоналарнинг таъсис жамғармаларига Россия томонидан йўналтирилган сармояларнинг умумий ҳажми 500 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

2010 йилда Ўзбекистонда Россиянинг 132 та фирма ва компанияси ваколатлари аккредитациядан ўтди. Ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон капитали иштирокида 395 та корхона фаолият кўрсатмоқди.

Таъкидлаш жоизки, Россия томони Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимларида гидроэнергетика иншоотларини қуриш билан боғлиқ масалалар минтақадаги барча томонларнинг ўзаро келишуви асосида бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 2009 йил январ ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида айтиш мумкин шу масала хусусида тўхталар экан: “Марказий Осиё минтақасида гидроэнергетика станцияларини қуриш масаласида барча қўшни давлатларнинг манфаатлари эътиборга олинishi зарур”, – дея Баёнот берган эди. Ушбу нуқтага назар Россия Ташқи ишлар вазири С. Лавровнинг 2009 йил декабр ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида яна бир қарра эътироф этилди.

Ўзбекистон ва Россия минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва экстремизмга, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва наркотрафикка қарши кураш борасида ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлигини эътироф этишади.

Шунингдек, мамлакатларимиз тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиёдаги барча долзарб масалаларда аниқ ва принципиал нуқтага назарни ишлаб чиқиш тарафдоридир.

Томонларнинг яқдил фикрига кўра, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш умумминтақавий хавфсизликни таъ-

минлашнинг мухим омилidir. Шунингдек, томонлар ўз миллий манфаатлари ва минтақавий тараққиётнинг узоқ муддатли устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда турли иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш орқали халқаро ҳамжамиятнинг мазкур мамлакатдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, халқаро терроризм, экстремизм, гиёҳванд моддалар ва бошқа хавф ҳамда таҳдидларга қарши курашиш соҳасида икки мамлакат ҳуқуқ-тартибот органларининг яқин ҳамкорлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Сўнги йилларда мамлакатларимиз ўртасида таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам самарали ривожланмоқда. Ўзбекистонда анча йиллардан буён Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси филиали фаолият юритиб келмоқда. 2006 йил сентябр ойида эса Тошкентда М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети филиали очилди. 2007 йилнинг 12 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида И. М. Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университети филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

IX БОБ. 1946–1990 ЙИЛЛАРДА ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ

1- §. Қуролланиш пойгаси қандай бошланди?

XX асрнинг энг аянчли саҳифаларидан бири “совуқ уруш”, энг аввало, кишиларнинг номукаммалиги ва мафкуравий бидъатларнинг ҳосиласи бўлганлигини тан олади. Агар одамларнинг хағти-харакатлари ва давлатларнинг фаолиятлари ҳамма вақт ва ҳамма нарсада сўзлари ва баёноғларига мос келганда, у бўлмас эди. Шундай бўлса-да, “совуқ уруш” инсоният бошига тушди. Иккинчи жаҳон урушида фашизм тор-мор килингандан кейин, кўплаб авлодлар учун мустаҳкам тинчликни таъминлашнинг, ҳақиқатан, ноёб имкониятлари қўлдан бой берилди. Эҳтимол, Гитлерга қарши коалиция мамлакатлари ўз имкониятларини ортиқча баҳолашдимиз? Ёки мустаҳкам тинчлик йўлида қутилмаганда улар учун Техрон, Ялта ва Потсдамда СССР, АҚШ ва Англия давлатлари билмаган вазиятда пайдо бўлдимиз? Бу ва бунга ўхшаш саволларнинг барчасига аниқ жавоб тайёр: бу “совуқ уруш” бўлиб, уни Ер қуррасининг, ҳеч бўлмаганда, 85 фоизини (Г. Трумэннинг ибораси) Америка эталонига ўхшаш қилмоқчи бўлганлар хоҳладилар ва бошладилар. Шундай қилиб, “совуқ уруш” атамаси 1946 йилда муомалага киритилди. “Совуқ уруш” деб ном олган бу сиёсий йўлни У. Черчилл АҚШ Президенти Г. Трумэн иштирокида 1946 йил 5 мартда Фултон шаҳрида “расман” эълон қилган эди. Вашингтоннинг ўша пайтдаги ҳукумат ҳужжатларининг бирида бундай ёзилган эди: “Совуқ уруш” моҳиятан “чинакам уруш”, бунда асосий эътибор “озод дунёнинг яшаб қолишига қаратилади”. СССР парчалангандан кейин Трумэн ҳукумати қадаган ва кўплаб заҳарли кўкатлар ўстириб чиқарган “совуқ уруш” уруги селекцияси хронологиясини тиклаш имконияти туғилди. АҚШ маъмурияти асл ҳужжатларига, Президент Г. Трумэн кундаликларига, Ж. Кеннедининг Вашингтондан Москвага йўллаган узундан-узоқ телеграммаларига, Бирлашган Штаблар Бошқармаси бошлиғи (БШББ) ва улар-

нинг бўлинмалари, Бирлашган разведка Бошқармаси (БРБ), Бирлашган Ҳарбий Планлаштириш Комитети (БХПК), шунингдек, 1947 йилда таъсис этилган Миллий Хавфсизлик Кенгаши (МХК)нинг ҳужжатларига диққат билан эътибор қилинса, “совуқ уруш” қандай бошланганлиги ойдинлашади. “СССРнинг урушдан кейинги даврдаги имкониятлари ва мўлжаллари” (БРБ 80, 1945 йил 6 январ) деб номланган ҳужжатда шундай дейилади: “СССР иқтисодий жиҳатдан қайта тикланиб олишни ўзи учун зарур деб билади ва халқаро можаролардан ўзини четга олган ҳолда ўз чегаралари атрофида “хавфсизлик минтақаси яратишни” “асосий мақсади” деб билади. Бу баҳо БРБнинг 1945 йил 31 январ 250 – 1- сонли фундаментал ҳужжатига ҳам такрорланади. СССР “камида 1952 йилгача Буюк Британия ва АҚШ билан низолардан қочиш йўлини тутати ва у шундай қилади, чунки Европада ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлганидан кейин СССРда на маблағлар ва на авантюристик ташқи сиёсат олиб бориш учун ҳал қилувчи иқтисодий омиллар мавжуд эди. Мазкур ҳужжат муаллифлари СССРнинг “кучсизлигига” ва ўзини иқтисодий жиҳатдан тиклаб олишнинг анча йилларга чўзилиб кетишига қуйидагича урғу бердилар:

А) Издан чиққан ишлаб чиқаришни тиклаш учун, йўқотилган одам сонининг ўрнини тўлдириш учун ва орқага кетган ривожланишни ўз ўрнига келтириш учун 15 йил.

Б) Ривожланган техник кучларнинг қайта тикланишига 10 й.

В) Стратегик ҲХК яратиш учун 10 й.

Г) Стратегик ҲДФ яратиш учун 15–20 й.

Д) Ёмон аҳволда бўлган темир йўллар, ҳарбий транспорт тизимлари ва асбоб-ускуналарни тиклаш учун 10 й.

Ё) Нефть манбалари, ҳаётий муҳим саноат марказларининг узоққа учадиган бомбардимончи самолётлар томонидан осонгина хужумга учраши.

Г) Атом бомбасининг йўқлиги (8–10й.).

Ж) Босиб олинган мамлакатларда қаршилик кўрсаташ ҳаракати мавжудлиги (5 й).

БШББнинг 1945 йил 19 сентябр 1496/2- сонли Қарориди: “Душман кўшинларининг бизга қарши ҳаракатлари сезилиши билан, биз уларга биринчи зарба беришига имкон бермаймиз”. “Шундай экан, агар зарур бўлса, (АҚШнинг) биринчи зарба бериш учун барча тайёргарлик чораларини кўриш керак”, – дейилган эди. Зарба ҳалокатли

бўлиши учун атом, радиологик, кимёвий, бактериологик куролларни бир вақтнинг ўзида қўллашнинг маккорона усуллари тузиб чиқилди.

БРБнинг 329- сон Меморандуми бевосита СССРга қарши қаратилган ишланмалар туркумидаги биринчи ҳужжат бўлади. У 1945 йил 4 сентябрда, яъни Иккинчи жаҳон уруши расман тугаган куннинг эртасига ишлаб чиқилгани ва қуйидаги вазифалар белги-лангани:

“СССРдан ва у назорат қиладиган ҳудудлардан атом бомба-си ёғдиришимиз учун тахминан 20 та энг муҳим нишон танлаб олинсин”; мўлжалланган нишонлар “илмий тадқиқот ўчоқлари, ҳукуматнинг асосий бошқарув марказлари, олий даражада жамланган бир қатор индустриал ҳудудлардан иборат бўлиши керак, бундай танлаш атом қуроли имкониятларидан самарали даражада фойдаланиш имконини беради”. Сўнгра ҳужжатда Москва, Горький, Қуй-бишев, Свердловск, Новосибирск, Омск, Пермь, Тбилиси, Грозний, Иркутск, Ярославия шаҳарлари санаб ўтилади.

АҚШ томонидан СССР ва унинг назоратидаги ҳудудларга ҳужум қилиш режалари ишлаб чиқилди: “Пинчер” (1946 й.), “Бройлер” (1947 й.), “Габбер”, “Фролик” (1948 й.), “Дропшот” ва “Оффтэкл” (1949 й.). Уларнинг айримлари ҳақида маълумотлар берамиз. “Пинчер” синов режаси бўлиб, унда СССРга ҳужум учинчи мамлакатлар: Туркия, Италия, Хитойдаги базалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилиши керак эди. “Бройлер” операциясида агрессия қўламлари кенгайди ва шунга мувофиқ бу операцияга Англия, Миср, Ҳиндистон, Рек ороларидан базалар жалб қилинади. “Дропшот” режасида бутун сайёра жанг майдонига айланади. “Дропшот” режасига кўра, бир вақтнинг ўзида 300 та атом бомбаси ва 19 минг тонна “оддий бомбалар совет саноатининг 85 фоизини қулга айлантириши, 100 та шаҳардаги 200 та нишонга 75–100 атом бомбаси ташланиши ва аэродромлардаги совет ҳарбий кучларини сафдан чиқариш режалаштирилди. Умуман, 1948–1949 йилларда атом бомбалари билан СССРнинг 70 та шаҳри ва индустриал марказларини йўқ қилиш мўлжалланган эди. 1954 йил март ойида АҚШ стратегик Ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонлиги ўзини куч-қудрат чўккисиде деб ҳис қилди. Зарурат туғилганда, у дунёнинг турли бурчақларидан СССРга 750 та бомба ташлаб, 2 соат ичида уни “тутаб ётган радиоактив вайронага айлантирмоқчи эди; бу сценарийга кўра, АҚШ мутлақо зарар кўрмас эди.” “Коммунизмни улоқтириб ташлаш”, шунчаки, Пентагоннинг шўхлиги эмасди. “Улоқтириб ташлаш” АҚШ “миллий сиёсати”нинг

асоси бўлди. АҚШ армияси штабининг бошлиғи генерал М.Тейлар кейинчалик ўша даврдаги АҚШ сиёсатининг моҳиятини шундай ифодалаб берганди: “Атом бомбаларининг вайрон қилувчи даҳшатли кучи мавжуд бўлган Ҳарбий-ҳаво кучларимиз бундан буён Қўшма Штатларга бутун дунё устидан назорат ўрнатишини қабул қилдириш, “Паке Американа” (“Америкача тинчлик”)ни зўрлаб қабул қилдириш имконияти, деган нуқтаи назарни вужудга келтирган эди”.

Урушдан мақсад СССР ва унинг иттифокчиларини тор-мор этиш орқали “большевизм илдизларини йўқ қилишдир”. Урушнинг якуловчи босқичи СССР ҳудудини босиб олишни ва бошқариш марказлари Москва, Киев, Омск ва Хабаровск шаҳарларида бўлган тўртта назорат ҳудудига бўлиб юборишни кўзда тутган эди. Бошқа социалистик давлатлар алоҳида “назорат туманлари”га айланиши керак эди. Истилочиларнинг дивизияларини СССРнинг Москва, Ленинград, Минск, Таллин, Мурманск, Владивосток ва 18 та бошқа шаҳарида, шунингдек, Берлин, Гданьск, Варшава, Прага, Будапешт, Белград, Тирана, Сеул шаҳарларида жойлаштириш мўлжалланган эди. “Зарурат туғилган пайтда кучни қўллашга бўлган ирода бу кучга эга бўлишдек муҳимдир”. – деб таъкидлади Жон Фастер Даллас 1954 йил 23 апрелда НАТОнинг Париждаги сессиясида сўзлаган нутқида. Даф қилиб бўлмайдиган “устунликка” ишонч узоқ вақт АҚШ маъмуриятини гипноз қилиб қўйди. Пентагон экспертлари ҳатто совет халқининг қаршилик кўрсатиш иродасини синдириш учун урушнинг биринчи ярим соатида 65 млн киши сафдан чиқарилиши кераклигини ҳам ҳисоблаб чиқишган эдилар. Шу тариқа АҚШ “совуқ уруш”ни биринчи бўлиб бошлади ва унга СССРни тортишга муваффақ бўлди.

2- § Қуролланиш пойгасининг авж олиши

АҚШнинг “совуқ уруш”ва қуролланиш сиёсатига қарши СССР 1947 йил ноябрида расмий равишда атом қуроли сири очилганини эълон қилди. Аммо АҚШ Ҳукумати бу хабарга 1949 йил 25 сентябргача ишонмай келди. ТАСС совет давлати биринчи марта ядро синовларини ўтказганини хабар қилди. Бу хабар АҚШ Ҳукуматига салбий таъсир кўрсатди ва Президент Трумэн 1950 йил январда водород бомбасини яратиш тўғрисидаги буйруққа имзо чекди. 1952

йилда Англия ўз атом бомбасини синаб кўрди. 1960 йили Франция биринчи плутоний бомбасини синаб кўрди. ХХР 1964 йил октябрида ўз ядровий қуролига эга бўлди. АҚШ 1950 йил биринчи бўлиб термоядро синовларини ўтказди. 50- йилларнинг ўрталарида эса баллистик ракеталар билан жиҳозланган биринчи сув ости кемасини кўрди. АҚШ 60- йилларнинг охириларида кўп қаллакли китъалараро баллистик ракеталарни ишлаб чиқарди.

70- йиллар охири—80- йиллар бошларида биринчи нейтрон бомбасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 1981 йил 6 августда Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланганлигининг 36 йиллиги муносабати билан АҚШ Президенти Р. Рейган нейтрон бомбасини кўплаб ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Ядровий қуроллар пойғасига Франция ҳам фаол қўшилиб борди. Франция Ҳукумати 1954 йил декабрида француз харбий атом дастурига (“Планк-103” код) ўзгартишлар киритди. 1958 йил 11 апрелда Франция Бош Вазири ҳукумат талаб қилганда, ҳар дақиқада атом қуролининг қўлланилишига тайёр туриш лозимлиги ҳақидаги буйруққа имзо қўйди. Англия 1956 йил ўзининг биринчи термоядро қуролини синовдан ўтказди.

АҚШ жуда кўп йиллар давомида қуролланиш пойғасининг фаол ташкилотчиларидан бўлди. АҚШ Ҳукумати ҳамма ишда биринчи бўлишга интилар ва кўпинча шундай бўлиб чиқар эди. АҚШ биринчи бўлиб атом бомбардимончи самолётларидан 1000 га яқинини ишлаб чиқарди. Атом қуролини биринчи бўлиб синаб кўрди, ядровий ракета қуролларига ҳам биринчи бўлиб эришди. Ҳаттоки халқаро муносабатлар бироз юмшаган вақтда ҳам, Вашингтон қурол ишлаб чиқариш суръатини пасайтирмади, аксинча, ядровий зараядлар микдорини кўпайтириб борди. АҚШ давлат бюджети бир неча баровар ўсди, унинг харбий мақсадларга ажратилган қисми ошиб борди. 1946—1980 йиллардаги харбий харажатлари 2 трлн доллардан ошиб кетди. Икки жаҳон уруши оралиғидаги йилларда АҚШ хар йили харбий харажатларга ўртача млрд доллар сарфлаган бўлса, 50- йилларда бу кўрсаткич 40—50 млрд, 60- йилларда 50—80 млрд, 70- йилларда 100 млрд, 80- йилларда 200 млрд долларга етди. Агар АҚШ харбий харажатлари 1986 йили 300 млрд долларни ташкил қилган бўлса, шу йили СССРнинг харбий харажатлари 170,06 млрд сўмни ташкил этди (ўша вақтда 1 доллар қиймати 60 тийинга тенг эди). Иккинчи жаҳон уруши арафасида АҚШда армия 139 минг кишини ташкил қилган бўлса, 1973 йил келиб бу рақам 3 млнга, СССРда эса

4,5 млнга етди. АҚШ ҳарбий саноатида ниҳоятда кўплаб фирмаларнинг қатнашганини кўрамиз. Қуйидаги жадвал бунга яққол мисолдир.

Компаниялар	Млн долл	Ўрни		Компаниялар	Млн долл	Ўрни	
		1978	1979			1978	1979
"Женерал дайнемикс"	3452	1		"Витингаус электрк"	660	18	16
"Макдонол-Дуглас"	3229	2	2	"Хангэл"	658	17	17
"Юнайтед техноложиз"	2554	3	3	"Американ теле-энд телеграф"	570	21	18
"Женерал электрик"	2042	4	5	"ИБМ"	519	27	19
"Локхид"	1797	5	4	"Мартин Маэригга"	553	19	20
"Хоюз эйркрафт"	1557	7	7	"Фернальд индастриз"	505	20	21
"Боинг"	1515	10	8	"Рейдо корпорейкоф Америка"	487	16	22
"Грумман"	1364	10	8	"Текстрон"	477	12	23
"Рейтеон"	1249	9	8	"Толд шиньяра"	499	29	24
"Теннеско"	1093	25	10	"Женерал моторс"	449	24	25
"Литтон индастриз"	832	6	11	"Линг-темко-Воут"	448	28	26
"Крайслер"	809	13	12	"ТРВ"	437	31	27
"Нортрон"	800	15	13	"Телидайт"	400	37	28
"Сперри-Рэнд"	778	14	14				
"Рокуэлл интернейшнл"	684	13	15				

Ҳарбий саноатнинг асосий тармоқларида ишлаб чиқариш концентрацияси юқори даражада эди. Масалан, 70- йилларнинг охирида Ҳарбий-денгиз кучларига қарашли буюртмаларнинг 98 фозини 3 та йирик фирмалар: "Женерал дайнемикс" (инглиз "Боут" бўлими); "Литтон индастриз" (электрик ишбилдинг бўлими) ва "Теннеско" ("Нью-порт-пьюс ишбилдинг" бўлими) космик-авиаракеталар ишлаб чиқаришнинг 75% и 9 та фирма: "Макдонал-Дуглас", "Рокуэлл интернейшнл", "Локхид", "Боинг", "Женерал дайнемикс", "Юнайтед техноложиз", "Хоюз эйркрафт", "Грумман", ва "Нортрон"лар ишлаб чиқарарди. Радиоэлектрон куруллари ишлаб чиқариш эса 10 та фирма иштирокида юзага келди. АҚШ ҳарбий саноатини ривожлантириб, курулланиш пойгасига йўл очиб берган баъзи бир компанияларга таъриф бериб чиқамиз.

“Дженерал дайнемикс” корпорацияси 1976–1977 йилларда Пентагон буюртмаларини бажариш бўйича 7- ва 8- ўринларда эди. 1978 йилда эса биринчи ўринга чикиб олди. 1981 йилда бу корпорация буюртмалари 200%, яъни 4,2 млрд долларга ўсди. Бу Мудофаа вазирлиги буюртмаларининг 7% ини ташкил этади. “Женерал дайнемикс”нинг муваффақияти ҳозирги замон дастурларини бажариш билан белгиланади. Масалан, бу фирма “Трайидент” сув ости кемалари, “Лос-Анжелес” типигаги сув ости кемалари, “F-16” қирувчи самолётларини ишлаб чиқаришда етакчи мавқени эгалларди. Фирма “МХ” дастурида, яъни қитъалараро баллистик ракета­лар ишлаб чиқаришда ҳам муҳим роль ўйнайди (“МХ” системасининг минимал баҳоси 33 млрд долларни ташкил этди.

Пентагоннинг 2- буюртмачиси “Макдонал-Дуглас” бўлиб, унинг буюртмаси 2,9 млрд доллар эди. “Макдонал-Дуглас”, асосан, “F-15” қирувчи-бомбардимончи самолётлар “F-18”, “F/H-18”, “ДС-10”, “Харриер” типигаги турли хилдаги ҳарбий самолётларни ишлаб чиқариш билан шуғулланди. Шунингдек, бу фирма сув ва сув ости кемаларига қарши “Гарпун” ракетаси, танкларга қарши “Аждарҳо” ракеталари ва “Фантан”, “Скайхок” типигаги қирувчи қуролларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди.

“Юнайтед техноложиз” 1977 йилдан бошлаб 3- ўринда мустаҳкам ўрнашиб олган эди. 1978 йил унинг ҳарбий буюртмалари ўтган йиллардагига караганда 51% (815 млн доллар) ўсган бўлса, 1979 йилда буюртмалар ҳажми 2 млн 554 минг долларни ташкил этди. “Пратт энд Уитни” бўлими “F-14” қирувчи-бомбардимончи самолётлар учун мотгорлар, “Ф-15”, “Ф-16”, “Авакс”лар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлади. “Локхид” 1977 йилги 2- ўринни 1979 йилга келиб 5-ўринга алмаштирди. 1979 йилги ҳарбий буюртмалари ҳажми 1,8 млрд долларни ташкил этди. Унинг асосий буюртмаларига жосус “ТР-1” самолётлари, кемаларга қарши учувчи “Р-3 с” самолётлари, “СХ” транспорт самолёти, “С-5” ва “Трайидент” ракеталари ва нейтрон қуроллар кирар эди. 1977 йилдан бошлаб “Грумман” фирмасининг ҳарбий буюртмалари 1,2 млрд доллардан ошиб кетди. Фирма, асосан, “F-14” қирувчи-бомбардимончи, “ЕА-68”, “ЕГ-3” самолётларини, электрон урушларни олиб бориш учун мўлжалланган “А-6” самолётларини ишлаб чиқарар эди.

“Рейтеон” эса 1980 йилда буюртмалар ҳажми бўйича 9- ўринда бўлиб “Ер-ер”, “Ер-хаво”, “Хаво-хаво”, “Петриот” ракеталарини ишлаб чиқаришга мўлжалланган фирма саналди. АҚШ корпора-

циялари қурол-яроғларни нафақат ўз эҳтиёжлари учун, балки экспорт учун ҳам кўплаб ишлаб чиқарар эди. Буни қуйидаги жадвалда кўрамиз.

Корпорациялар	Йиллар	Бу юртмаларни умумий суммаси (млн долл.)	Мудофая вазирлиги бу юртмаси	Бошқа мамлакатлар бу юртмаси	Экспорт (фонз)
"Портрон"	1977	1601	1047	853	81,5
	1976	1265	1480	1292	87,3
"Макдонал Дуглас"	1977	3545	2574	446	17,3
	1976	3544	2465	480	19,5
"Локхид"	1977	3377	1573	305	19,4
	1976	3203	1510	139	9,2
"Женерал дайнемикс"	1977	2901	1371	303	22,1
	1976	2553	1073	46	4,3
"Трумман"	1977	1564	1428	253	17,7
	1976	1523	982	304	31,0
"Женерал электрик"	1977	1751	1520	221	14,5
	1976	1569	1347	248	18,4
"Хьюз эйрикрафт"	1977	1700	1093	156	14,3
	1976	2818	910	174	19,1
"Рейтеон"	1977	2463	1041	149	14,3
	1976	3443	784	219	28,0

АҚШ Ҳукумати 1970 йилда 5100 ядро каллақларига эга бўлган бўлса, 10 йил давомида улар сонини 10000 тагача етказди, яъни ҳар кунига 3 тадан ядро каллақлари арсекалга қўшилиб борди.

Бу қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

	Мавжуд тизими			Янги тизим		
	МБР "Миниг-мен-2"	Сратегик бомбардимончи "В-52"	БРПЛ "По-сейдон"	МБР "MX"	"В-52" қанотли ракета "В1В"	БРПЛ "Трай-лент"
Заряд кучи (МГМ)	1,5	4	0,4	6	0,2x20 0,2x30	2,1-4,2
Каллақлар сони	1	4	10		12/20 30	7-14
Нишонга тегишли аниқлиги (метр)	400	180	500	90	40-50	90

Ракета двигателлари такомиллаштирилди, натажада енгил, кичкина ҳажмдаги юкори сифатли двигателлар ишлаб чиқарила бошланди. Бу эса, ўз навбатида, ракетаалардаги ядровий каллаклар сонини кўпайтириш ва учуш масофасини узайтириш имконини берди. Микроэлектроника соҳасидаги ўзгаришлар натижасида ракетааларни назорат килиш ва бошқариш сифати яхшиланди ва нишонга тегиш самарадорлиги ошди. Бу эса, ўз навбатида, Пентагонга янги типдаги канотли ракетаалар яратишга замин тайёрлади. Р. Рейган ҳукумати 10 йил ичида ядровий қуроаллар миқдори бўйича СССРдан ўзиб кетиш стратегиясини ишлаб чиқди. Бу устуликдан биринчи бўлиб ҳужум бошлашда фойдаланмоқчи эди. АҚШнинг стратегик ҳужум қуроаллари, асосан, 3 та йўналишда ташкил этилиб, булар стратегик авиация, китъалараро баллистик ракетаалар ва сув ости атом кемаларидан иборат эди. Бу 3 та йўналиш АҚШ ҳарбий қудрати ва ядровий потенциалини ташкил этарди. АҚШ ядровий қуроаллар арсеналига китъалараро баллистик ракетаалар комплекси (МБР), сув ости атом кемалари (ПЛАРБ), узок масофага мўлжалланган ракетааларни ташувчи сув ости кемалари (БРПЛ), стратегик авиацияга қарашли огир бомбардимончи самолётлар (СА), авиабомбалар, “Хаво-ер” типидagi ракетаалардан иборат эди. Стратегик авиация ядровий типдаги қуроалларнинг энг эски турларидан ҳисобланарди. 40–50- йилларда Америка авиацияси дунёдаги энг кучли авиация ҳисобланиб, ядровий қуроалларни нишонга элтувчи ягона восита ҳисобланарди. Ядровий қуроалларнинг бошқа турлари ривожланиши натижасида унинг иш фаолияти қискартиб борилди. Масалан: СА 1960 йил 97%, 1965 йилда 66%, 1970 йилда 44%, 1975 йилда 33%, 1980 йилда 23%, 1985 йилда эса 27–28% га тушиб қолди. АҚШ ҳарбий кучларида китъалараро баллистик ракетаалар 60- йилларда пайдо бўлди. Бу қуроалларнинг умумий ядровий арсеналдаги фоизи куйидагича эди: 1960 йилда 2%, 1965 йилда 17%, 70- йил 20%, 75- йил 22%, 80- йил 19%, 85- йилда 20–23% ни ташкил этди. 1- атом сув ости кемалари (ПЛАРБ), баллистик ракетааларни ташувчи атом сув ости кемалари (БРПЛ) (“Полорис” тизими) 50- йиллар охири–60- йиллар бошида пайдо бўлди. Бу қуроалларнинг умумий ядровий қуроаллар ичидаги ўрни куйидагича эди: 1960 йил 1%, 1965 йил 17%, 1970 йил 36%, 1975 йил 45%, 1980 йил 58%, 1985 йил 50–52% ни ташкил этди.

АҚШ 50- йилларда стратегик атом бомбардимончи самолётларни ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. 60- йилларда эса “ядровий ракетаалар бўйича оркадамит” деган баҳонада китъалараро баллистик

ракеталар (ҚБР) ишлаб чиқаришни 15–20 баробарга оширди. Ўша вақтнинг ўзида АҚШ 41 ПЛАРБ қурилишларини бошлаб юборди. 60- йилларнинг ўрталарида атом сув ости кемаларига ҚБРлар ва бир нечта каллақларга ажралувчи ракеталар (РГЧ) жойлаштирилди. 1967 йилда АҚШда стратегик қуроолларни элтувчи механизмлар сони 2325 та бўлган бўлса, СССРда 600 та эди.

АҚШ ва СССР давлатлари халқаро муносабатларнинг ривожланишида асосий роль ўйнашди. Худди шу икки давлат дунё тақдирини ҳар дақиқада ҳал қилиб қўйиш қудратига эга эди. Дунёда мавжуд 65 минг (1989 йил) ядровий қуроолларнинг 60 мингтаси, яъни 92 фоизи шу икки давлат қўлида эди. Қуйидаги жадвалда ядровий қуроолларнинг сони келтирилди.

Ядровий қуроол турлари	АҚШ	СССР
Қитъалараро баллистик ракеталар	1018	1398
Сув ости баллистик ракеталарни учирувчи мосламалар	672	922
Оғир бомбардимончи самолётлар	518	160
Жама учирувчи самолётлар ва механизмлар	2208	2480
Ядро зарядлар сони	14800	10000

АҚШ стратегиясида биринчи бўлиб ҳужум қилиш режаси кўп йиллар давомида ўзгармасдан қолди. Ҳатто АҚШ Конгрессида ҳам ядровий қуроолни биринчи бўлиб қўллаш очик-ойдин айтилди. Ядро қуроолини биринчи бўлиб қўллаймиз деган фикрларни АҚШ Президентлари ҳам айтишганди. Д. Эйзенхауэр Корея билан уруш даврида ва Тайван инқирозида Ж. Кеннеди, Кариб инқирози ва Ғарбий Берлин воқеалари даврида Л. Жонсон ва Р. Никсон, Вьетнам уруши даврида, Ж. Картер, 1980 йил январиди. Президент Р. Рейган даврида ҳам ядровий уруш хавфи ҳеч озаймади. АҚШнинг бу ҳаракатларига жавобан СССР ҳам бу борада жавоб чораларини кўрди. Вазирлар муҳокамаси қарорига мувофиқ, 1959 йил декабрида Қуроолли Кучларнинг янги стратегик ракета қўшинлари тури тузилди (РВСН). Стратегик ядровий қурооллар совет давлатининг асосий қудратига айланди. 1970 йилларда СССРда қитъалараро баллистик ракеталар 1600 та, ҳарбий флотда қитъалараро баллистик ракеталар сони 700 тага етди. 1970 йиллардан бошлаб АҚШда сифат жиҳатидан такомиллаштирилган 10 та “Трайденг” сув ости кемалари қурилиши бошланди. Янги стратегик тизимларга эга бўлган қанотли ракеталар ишлаб чиқарила бошланди. “МХ” номли янги ракета сиситемаси иш-

лаб чиқилди. АҚШ учирувчи мосламалар сонини кўпайтирмасдан туриб, ҳужум қилиш кучини 2 бараварга оширишга муваффақ бўлди. Бир ракета ичидаги ядровий каллақларини кўпайтириш ҳисобига 10 йил ичида АҚШ ўз ядро арсеналини 3950 тадан 10000 тагача етказди. “МК-12” каллақлари ўрнига куч ва нишонга тегиши жиҳатидан 2 карра аниқ “МК-12 А” каллақлари қўйилган янги қурол ишлаб чиқилди. “Минитмен-3” ракеталариға қўйилган бу каллақлар совет давлати учун катта хавф ҳисобланиб қолди. Сувда қўлланиладиган ядровий қуроллар ҳам АҚШ Қуролли Кучларида асосий ўрин тутарди.

1967 йилдан 1981 йилгача атом сув ости кемалари сони 41 тадан ошмаган бўлса-да, ядровий зарядлар сони ошиб борди. Бу зарядлар сонининг ошиши 1970 йилда “Посейдон-3” ракеталарини мустақил ажралувчи каллақлар билан жиҳозланганда юз берди. Агар 1967 йилда 656 та ракетада 1552 та заряд бўлган бўлса, 1970 йилда ракеталар сони ўзгармаган ҳолда ядро зарядлари 2048 та, 1975 йилда 4536 та, 1980 йилда 6000 тага етди. 1979–1983 йилларда АҚШнинг 12 та сув ости кемасидаги “Посейдон – С-3” ракеталари “Трайидент-1” ракеталари билан алмаштирилди. 1981 йилда “Трайидент-1” ракетаси билан қуролланган “Огайо” типидagi янги атом сув ости кемалари ишлаб чиқилди; ҳар бир кемасида 24 тадан ракета бўлиб, ҳар бир ракетада 150 килотонна қувватга эга 3 та ажралувчи каллақлар бор эди. Бу кема ўзининг имкониятлари билан 160 та “Поларис А-3” ракеталари билан қуролланган 10 та атом сув ости кемасидан устун эди. 1988 йилда АҚШ сув ости кемаларидаги 640 та баллистик ракеталарда 5632 та ядро каллақлари мавжуд эди. Булардан 384 та ракета – “Трайидент-1” (3072 каллақ), 256 таси “Посейдон-3” (2560 каллақ) ракеталари эди. 1989 йил АҚШ янада кучлироқ ракета “Трайидент-2”ни ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Бу ракета ҳар бирининг қуввати 200–600 кт дан бўлган 7 тадан 14 тагача ажралувчи каллақларни олиб юриш қудратига эга эди. “Трайидент-1” ракетасига нисбатан (7,4 минг км) 1,5 баробар узоққа (11 минг км) уча олар, нишонни мўлжаллаш аниқлиги 5 баробар устун эди.

1989 йил бошида АҚШ “Посейдон” ва “Огайо” типидagi 34 та стратегик атом сув ости кемасига эга эди. АҚШнинг иттифоқчиси Англия давлати 80- йиллар охирида ҳар бири 1287 та каллаққа эга (6 та “Поларис – А3 – ТК”) ракета билан жиҳозланган 4 та ядровий сув ости кемасига эга эди. 90- йил ўрталарида Англия Ҳукумати ҳам “Трайидент-2” ракеталари билан қуроланишни мўлжал қилиб қўйди.

Стратегик тийиб туришнинг ўзига хос режасига мувофик, 80- йилларда ҳар бири 16 та “М-20” каллаклари билан қуролланган 6 та, “М-4” каллақлар билан қуролланган 1 та ядровий сув ости кемаларига эга эди. 1986 йил ноябрида қабул қилинган навбатдаги дастурда “Редутабль” типдаги 4 та сув ости кемасига кўп зарядга эга бўлган “М-4” ва “М-5” ракеталарини ўрнатиш мўлжалланди. 90- йилларга бориб Франция ҳам ўз ядровий кемалари сонини 3 баравар оширишни мақсад қилди. Франция Президенти Ф. Миттеран 1986 йил “Энфлексбль” сув ости кемасининг сувга туширилиши муносабати билан ўтказилган йигинда: “Франция атом сув ости флоти 1 дақиқа ичида 60 млн кишини йўқ қилиб юбориш қудратига эга”, – деб айтди.

Совет Иттифоқида стратегик ядровий қуролларнинг қурукликка мўлжалланган ҚБР катта ўрни эгаллаганлиги сабабли, сув ости ядровий қуроллари АҚШ ва унинг ҳарбий иттифоқчилариникига нисбатан камроқ эди. 1989 йилда СССР сув ости ядровий қуролларида 3400 та каллақлар бор эди. Ядро каллақлари 1975 йил 724 та, 1981 йилда 2000 та, 1984 йилда 2500 та бўлиб, АҚШга нисбатан икки баробар кам эди. Совет Иттифоқида ядро қуроллари таший оладиган 61 та сув ости кемаси бўлиб, 922 та ракетада 3434 та каллақлар бор эди. Бу ҳисобга “Стэржен”, “Скиф” типдаги 144 та ракета ҳам киритилди. “Тайфун”, “Дельта-4” типдаги кемалар СССР сув ости кемаларининг энг қудратлиси ҳисобланган. 20 та “Тайфун” кемасида ракеталар учирашга мўлжалланган 20 та учурувчи мослама бор эди. Бу кемалар Арктика ҳудудларида ҳам ҳаракатланиш имкониятига эга эди. “Дельта-4” ядровий каллақлар билан қуролланган 23 та ракета-ларни олиб юра оларди.

Халқаро манбалар Совет Иттифоқида олдин мавжуд бўлган сув ости кемаларига “Янки”, “Дельта-2”, “Дельта-3” типдаги кемаларни ҳам киритади. “Дельта” типдаги кемаларнинг ҳар бири 6 тадан каллақка эга бўлиб, 6500 км масофага учуриладиган 16 та “SS – N-18” ракеталарини олиб юра оларди. “SS – N-19” ракета-си 7800 км учуш масофасига, “SS – N-20” ракета-лари эса 8300 км учуш масофасига эга эди.

Сувга мўлжалланган ядровий ракета қуролларининг такомиллаштирилиши билан биргаликда, сувга мўлжалланган қанотли ракета-ларга ҳам катта аҳамият берилди. Америка ХДФга бу қурол турлари 1983 йилдан бошлаб кириб келди. АҚШ 90- йилларнинг ўрталарида 198 та кема-и шундай ракета-лар билан қуроллантирилишни режалаш-

тирганди. Жумладан, ядровий ракеталарни 91 та сув ости кемасига, 4 та “Линкор”га, 5 та атом ракета крейсерига, 22 та ракета крейсерига, 60 та эсминецга ва 107 та сув ости кемасига жойлаштириш мўлжалланган эди.

1987–1988 молия йилида “Томагавк” ядровий ракеталар билан 8 та сув усти, 15 та сув ости кемалари курулантирилиши натижасида. АҚШнинг бу турдаги куруллари 2 барабар ошди. АҚШ 90- йил бошларида эса 800 та ядровий каллакчи, 2600 та оддий каллакчи, 600 та кемаларга қарши оддий зарядли, умумий сони 4000 дан ортиқ “Томагавк” ракеталари билан куруланди. Қанотли ракеталар комплекси дастури раҳбари контр-адмирал Хостетлер: “Томагавк” ракеталари СССР ҳудудидаги нишонга олиш объектларимизни яқсон қилишга ўз хиссасини қўшади”, – деган эди.

Ядро курулларига эса бўлган давлатлар Ҳарбий-денгиз кучларига қарши ишлатиладиган 6000 га яқин ядровий куруллар ишлаб чиқдилар. 1981 йил июнида Рейган администрацияси 1980 йилда Президент Картер томонидан ишлаб чиқилган “чекланган ядро уруши” номи билан машҳур бўлган 59- рақамли директивани қўллаб-қувватлаб, 80- йилларга мўлжалланган янги стратегияни эълон қилди. Бу стратегия АҚШ Курулли Кучларининг асосий доктринаси бўлди. 1981 йил октябрда Рейган администрацияси стратегик курулларни ривожлантириш учун 1983 йил давлат бюджетидан қўшимча 180 млрд доллар ажратди. Президент 1982 йил 8 февралда (1982–86- й. й.) мўлжалланган ҳарбий дастурни эълон қилди. Бу дастур қисқача қуйидагилардан иборат эди:

– ядровий уруш даврида кўпга чидайдиган алоқа ва бошқариш системасини вужудга келтириш;

– 1980 йил ўрталарида “В–13” бобардимончи самолётларни ишлаб чиқариш;

– 90- йилларда “Стелс” бомбардимончи самолётларни модернизация қилиш;

– “Трайдент–2” баллистик ракеталарни ҳарбий кучлар сафига киритиш;

– “МХ” типдаги ракеталарнинг ҳарбий жиҳатларини ривожлантириб бориш;

– “ПВОГ–15” типдаги ракетага қарши мудофаа тизимини ривожлантириш.

Ҳарбий кучларни кўпайтириш учун ажратилган маблағнинг 63 млрд доллари – янги типдаги “В–13”, “В–52” бомбардимончи само-

лётларни. “кўринмас самолёт” деб ном олган “Стелс” типдаги самолётларни ишлаб чиқариш учун, 34 млрд доллар МХ, ҚБР учун, 23 млрд доллари – стратегик мудофаа учун, 18 млрд доллар стратегик кучларни бошқари ва назорат қилиш учун мўлжалланди. Рейган 1982 йил июлида Конгресс аъзоларига ёзган хатида қуролланиш дастурлари юқори суръат билан бораётганлигини таъкидлайди. Шундай бўлса-да, “Стратегик қурооларни модернизация қилиш” Дастурининг баъзи бўлимларида тургунлик сезилиб турди. Бу қитъалараро баллистик ракета­ларнинг қурукликка мўлжалланган “МХ” типдаги қуроолларни ишлаб чиқаришда кузати­лди. Дастурни амалга ошириш учун 1981 йили 1000 га яқин компаниялар 2 млрд доллар маблағ сарфлади. 1981–84 йили бу тип ракета­ларини мудофаага қўйишга 10 млрд доллар ажратилган бўлса-да, уни сарфлаш орқага сурилди. Чунки ўша вақтда қурукликка мўлжалланган стратегик ракета­лар ниҳоятда кўп эди. 1979 йилдан бошланган 300 га яқин “Минит­мэн–3” ҚБРларини ҳар бир каллақлар қуввати 350 кт (олдингиси 170 кт) бўлган янги “МК–12 А” ядровий каллақлари билан ўзгартириш дастури ниҳоясига етаётганди. “Минит­мэн–3” ракета­ларига янги электрон ускуна ўрнатилган бўлиб, ускуна нишонни автоматик тарзда белгилар эди. Олдин бу ишга бир ҳафта кетган бўлса, энди 25 дақиқа кифоя эди. Америка сиёсий шарҳловчиси Жек Андерсоннинг таъкидлашича, модернизация қилинган “Минит­мэн–3” ракета­лари АҚШ стратегик кучларининг энг яхшиси ҳисобланган. Лекин шундай бўлса-да, Пентагон тезлик билан янги типдаги “МХ” ракета­лари ишлаб чиқаришга урғу берди. Чунки бу ракета жуда катта имконият­ларга эга эди. Старт вазни – 87 тонна, учиш масофаси – 11 минг км, ҳар бир ажралувчи каллақ қуввати 600 кт га эга бўлган 10 та каллақ, нишон аниқлиги – 90 м. Объектларни вайрон қилиш имкониятига кўра, 1 та “МХ” 15–20 та “Минит­мэн–3” ракета­лари ўрнини босар эди. Бу даҳшатни кўрган машҳур Америка мутахассиси Г. Сковсен “МХ” дастурини “кулфат келтирадиган рецепт” деб атади.

Стратегик авиация бўйича ишларни икки йўналишда олиб бориш мўлжалланди: биринчидан, самолёт паркини модернизация қилиш; иккинчидан, ҳаво кучларидаги ракета қуроолларини такомиллаштириш. Ҳозирги “В–52” самолётлари ўзи билан 1 мегатонна қувватдаги 4 та авиабомбани олиб юриш қудратига эга (1 мегатонна – 100 килотонна, 1 киллотонна 1000 тонна портловчи модда қувватига тенг). Янги ҳарбий дастурларга кўра, “В–52” самолётлари қанотли ракета­лар билан қуроолантирилди. 1982 йил охирида

Грифитс авиабазасида 16 та “В-52” бомбардимончи самолётларига “АДМ-86 – В” қанотли ракеталар ўрнатилиб, биринчи авиаэскадрилья тузилди. Бу самолётларнинг ҳар бири 12 та қанотли ракеталар билан қуроолланди. 1983 йилда “В-52 С” типидagi самолётларнинг иккинчи авиа эскадрильяси тузилди. 1984 йилда 4 та эскадрильядаги 96 та самолётда 1150 та қанотли ракеталар мавжуд эди. 80- йилларнинг охирида эса қанотли ракеталар билан қурооллантирилган самолётлар сони 268 тага етди. 1981 йилнинг 2 октябрида Р. Рейган 100 та “В-1” самолётларини ишлаб чиқаришга қарор қилганлигини эълон қилди. Самолёт модификациясига баъзи ўзгартиришлар киритилганлиги сабабли унга “В-1 В” номи қўйилди. Учиш вазни—217 тонна, ҳарбий вазни—56 т, экипаж—4 киши, учиш масофаси—1600 км. Бу турдаги самолётнинг биринчи серияси 1984 йил апрелида ишлаб чиқарилди ва 1985 йил майида Ҳарбий-ҳаво кучлари ихтиёрига берилди. 1986 йилда эса 15 та самолётдан иборат биринчи авиаэскадрилья тузилди. 1988–89- йилларда 100 га яқин “В-1 В” самолётлари ишлаб чиқарилди.

Пентагон буюртмасига биноан, “Рокуэлл интернейшнл” корпорацияси ишлаб чиқарган “В-1 В” самолётлари 22 тадан қанотли ракеталарни олиб юриш қувватига эга бўлди. Шу билан бир вақтда, “Стелс” (АТВ) номли стратегик бомбардимончи самолётларини қуриш ишлари давом эттирилди. Бу лойиҳага асосан, 90- йиллар ўрталарида “Стельс” самолётлари сони 100–110 тага етиши керак эди. Лойиҳага 56 млрд доллар ажратилди. Лойиҳага мувофиқ, “Огайо” типидagi сув ости кемаларига “Трайдент-1”, “С-4” ва 1989 йилда “Трайдент-2” ракеталари жойлаштирилди. Узоқ масофага учувчи қанотли ракеталарни ишлаб чиқариш тез суръатлар билан олиб борилди. Бу қанотли ракеталарнинг учиш узоклиги 4250 км дан 11000 км гачадир. 1986 йилда бу турдаги ракеталарнинг биринчи серияси ишлаб чиқилди. 90- йилларга келиб АҚШда 7000 та қанотли ракета ишлаб чиқарилди. 80- йилнинг охирида АҚШ стратегик қанотли ракеталарнинг уч типини ишлаб чиқарар эди: “В-52” самолётларига мўлжалланган “АЛЕМ-В”, “Томагавк ВСМ-109” ва “Томагавк ВСМ-109 А”. Бу типдаги қанотли ракеталар 2500 км га учуш имкониятига эга бўлиб, ҳар бири 200 кг га тенг ядровий зарядларга эга эди. 1984 йил ҳар ойда Ҳарбий-денгиз флотига мўлжалланган 124 қанотли ракеталар конвейрдан чиқарилди. Қуруқликка мўлжалланган қанотли ракета мосламага 4 тадан жойлаштириладиган бўлди. АҚШ Европада 464 қанотли ракета жойлаштириш ишини

бошлаб юборди. “Томагавк” қанотли ракетаси билан 190 та сув ости ва сув усти кемасини қуроллантириш амалга оширилди. 1989 йилга келиб АҚШ ҳарбий кемаларида ядровий ва оддий зарядли 4000 та қанотли ракеталари бор эди. Бутун кўшинларда эса қанотли ракета-лар сони 12000–13000 тага етди.

АҚШ ўзининг 14 та авианосец (ҳар бирида 40–50 та самолёт), Европага ўрнатган 108 та “Першинг–2” баллистик ракеталари билан тўғридан-тўғри СССРнинг Европа қисмига ҳавф солиб турарди. Шу билан бирга, НАТО давлатлари ядровий қуролларнинг $\frac{1}{4}$ қисмига эга бўлган Англия, Франция давлатлари ҳам катта қуч ҳисобланарди. Уларнинг ядро зарядлари 80- йилларда 400 та. 1990 йилда 1200 та бўлган бўлса, 90- йилларнинг охирида 2000 га етиши Фарб экспертлари томонидан ҳисоблаб чиқилди. Шу борада НАТО блокига бир назар ташлайлик. НАТО блоки жуда кўп йиллар давомида қуролланиш пойғасининг генератори ҳисобланиб келди. Буни НАТО блокига аъзо бўлган давлатларнинг ҳарбий харажатларидан ҳам билиш мумкин.

НАТО блоки аъзоларининг ҳарбий харажатлари жадвали
(молиявий йилларга асосан)

Давлат	1970–74 й.	1975–79 й.	1980 й.	1981 й.	1983 й.
АҚШ (млн дол.)	394619	513507	143981	167764	225345
Англия (млн ф. ст.)	16189	34812	11503	12418	17500
ГФР (млн марка)	144215	205128	48518	52998	57131
Франция (млн франк)	19573	371836	111672	129365	114248
Белгия (млн белг. франки)	231497	451016	115754	124055	137163
Голландия (млн гульден)	25127	43641	10176	11279	12302
Люксембург (млн лок. ф.)	2686	5231	1534	1727	2100
Дания (млн корони)	14297	32554	9061	9200	12036
Норвегия (млн корони)	16478	30286	8242	9447	10278
Португалия (млн эскуф)	85097	125912	43440	51774	79021

Греция (млн дирхам)	90891	248718	96975	125944	212768
Туркия (млн лираси)	52708	243936	185658	313067	556738
Италия (млрд лира)	10820	22665	8203	9850	14729
Жами:	572302	851269	256155	272200	326871

Юқорида, айтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 80-йилларга келиб қурулланиш пойгаси авжига чиққан. Энди бу пойгани давом эттириши аҳмоқона иш бўларди. Қурулланиш пойгасининг олдини олиш, қурул-яроғларни қискартириш, халқаро муносабатларни юмшатиш давр тақозоси бўлиб қолди.

БМТ 1986 йилни “Халқаро тинчлик йили” деб эълон қилди. Шунга қарамай, АҚШнинг Невада штати полигониди ядро синовлари давом эттирилди. 1985–86- йиллар давомида АҚШ 24 та ядро қуруллари синовини ўтказди. Шулардан 20 таси расмий эълон қилинган, 4 таси эълон қилинмаганди. Халқаро муносабатларнинг Европа давлатлари билан боғлиқ қисми муҳим аҳамият касб этди. Биринчидан, 20 дан ортиқ давлатни бирлаштирган ва 400 млн аҳоли бўлган Ғарбий Европа жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида асосий ўрин эгаллайди. Иккинчидан, шу нарсани унутмаслик керакки, Ғарбий Европа АҚШ учун плашдарм вазифасини бажарарди. АҚШнинг 355 минг аскар ва офицерларидан 250 минги ГФРда, қолганлари Англия, Италия, Испания, Бельгия, Греция, Исландия, Голландия ва Португалияда эди. Бу қўшинлар 5 минг танк, 900 та жанговар самолёт билан қуруллаштирилган эди. Учинчидан, Европада 280 млн аҳолига эга бўлган СССР давлати ҳамда 140 млн аҳолиси булган 8 та собиқ социалистик давлатлари Ғарбий Европа учун қарши катта куч эди. Европада СССР ва АҚШ бошчилигидаги бир-бирига қарма-қарши турган НАТО ва Варшава Шартномаси ҳарбий блокларининг борлиги бу ҳудуднинг ниҳоятда нозик минтақа эканлиги билдириб турар эди.

	ВШТ	НАТО
Дивизиялар	78 (1 див. – 11000–12000 киши)	94 (1 Америка див. – 16–19 минг ҳарбий. Германия див. – 20 минг)
Аҳоли	375 млн	620 млн
Ҳарбийлар сони	4,9 млн	5,6 млн
Танк	19000 (7500)	18000 (8000)

1986 йил НАТОнинг Европа гуруҳлари 900 га яқин янги танк ва зирхланган машиналар билан таъминланди, уларнинг кўпчилиги “Леонарда-2” ва “Челленжер” танклари эди. 100 га яқин дала тўллари, 250 та жанговар самолёт (180 та “Торнадо” ва “F-16” типда), 1 та авианосец, 3 та сув ости кемаси ва бошқа турли ҳарбий техникалар билан мунтазам равишда қуроллантирилди. Шу билан бир қаторда, АҚШ кўшилари 1987 йилда қўшимча “М-1”, “Абрамо” тишидаги 840 та танк, 820 га “БРЭДЛИ” БМПлари, 400 та жанговар самолётлар билан қуролланди.

3- §. Олий даражадаги учрашувлар

Қуролланиш пойғаси ва қуролсизланиш муаммолари тўғрисида сўз кетганда, олий даражадаги Совет-Америка музокаралари ва уларнинг натижалари хусусида тўхтаб ўтмай илож йўқ. Жуда катта таънаффусдан сўнг СССР ва АҚШ давлатлари раҳбарларининг Женева, Рейкьявик, Москва ва Вашингтонда олий даражадаги учрашувлари бўлиб ўтди. 1985 йил 19–21 ноябр кунлари Женевада КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ Президенти Р. Рейган билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда хавфсизликнинг энг муҳим масалаларини муҳокама этиб, СССР билан АҚШнинг тинчликни сақлаш борасидаги масъулиятлари таъкидланди, “ядро уруши”га ҳеч қачон йўл қўймаслик кераклиги ҳақида фикр билдиришди. 1986 йил 11–12 октябр кунларида Исландиянинг пойтахти Рейкьявикда Женева учрашувининг давоми бўлиб ўтди. Учрашувда учта Битимнинг лойиҳасини тайёрлаш ва келгусида имзолашга тақдим этиш кераклиги таъкидланди:

1. Стратегик қуролларни камида 50% қисқартириш тўғрисида.
2. Ўрта ва қисқа масофа олислик ракеталарини қисқартириш.
3. Ракетадан мудофаа воситаси сифатида фойдаланмаслик.
4. Ядро синовларини таъқиқлаш тўғрисидаги масала лойиҳалари кўрилди.

Икки давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви 1987 йил 7–10 декабр кунлари Вашингтонда бўлиб ўтди. Иккала давлат раҳбари ўрта ва қисқа масофага учириладиган ракеталарини тугатишга оид Шартномани имзоладилар. Томонлар ўрта ва қисқа масофага учириладиган ракеталарга оид Шартнома қоидаларини ривожлантириб, шунинг замирида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш ва

қискартириш тўғрисида музокаралар олиб боришга келишиб олдидилар. 1988 йил 28 майда СССР Олий Совети президиуми ўрға ва қисқа масофага учириладиган ракета­ларни тугатиш тўғрисидаги Шартномани ритафикация қилди. 1988 йил 28 майдан 2 июнгача Москвада СССР ва АҚШ давлат раҳбарларининг олий даражадаги 4- учрашуви бўлди. Учрашувда олдин қабул қилинган қарорга амал қилиш яна бир бор таъкидланиб, стратегик хужум қуро­лларини қискартиришни назорат қилишга келишиб олинди.

1989 йил 17 январда Европадаги 33 давлат ҳамда АҚШ ва Канада давлатларининг Вена учрашуви томонидан яқунловчи хужжатнинг қабул қилинганлиги Европа учун, шунингдек, Шарқ ва Ғарб дав­латлари учун туб бурилиш бўлди. Бу давлатлар Атлантикадан Урал тоғигача бўлган масофада Қуролли Кучлар ва оддий қуро­лларни қискартириш зарур деб топдилар. Лекин Франция Ҳукумати СССР ва АҚШ ўз ядровий қуро­лларини кескин қисқартир­маса, ядровий қуролсизланиш масаласи бўйича музокараларга қатнашмайди деган фикр­ни айтди. 1988 йил 1 январда СССР ва АҚШ ихтиёрида қанча стратегик қуро­ллар мавжудлиги аниқ эди: СССРда 10 минг, АҚШ да эса 14–16 минг. 1987 йил 8 декабрда СССР ва АҚШ ўртача ва камроқ оқисликка учувчи ракета­ларнинг маълум қисмини тугатиш тўғрисидаги Шартномага кўра, СССР ана шундай ракета­ларнинг 1759 тасини, АҚШ эса 859 тасини тугатишга келишиб олинди.

4- §. Қуро­л­ла­ниш пой­га­си­ни­нг иқ­ти­со­дий оқибатлари

Фақат 30 йил ичида (1950 йилдан 1980 йилгача) АҚШ 26800 са­мо­лёт ва вертолёт, 32300 танк, 50000 та бронетранспортёр ва бронемашина, 29700 танкка қарши артиллерия, 240 минг турли русумдаги ракета ва 31900 та ҳарбий кема экспорт қилган. 1960 йили АҚШда ҳарбий муассасаларнинг хусусий мулк 155 млрд долларни ташкил этган бўлса, 1973 йилга келиб 220 млрд долларга етди.

Пентагон миллионлаб кит­ти­лар­ни боқиш қудратига эга ер май­до­ни­ни турли қирғин қуро­л­ла­ри­нинг синов майдони­га айлан­тир­ди. Пентагоннинг ихтиёрида Американинг 22 штатида ястаниб ётган 65 млн гектарга яқин ер майдони бор эди. Булардан ташқари, АҚШнинг 50 та штати Пентагонга ажал уруғларини ундириш учун 1 млн 515 минг гектар ерни “ҳа­да” қил­ган­ди. АҚШ аэро­ко­с­мик са­но­а­

ти маҳсулотларининг 80 фоизига яқини Калифорния штатида ишлаб чиқарилди. Калифорния штатининг 8,5 мингдан зиёд фирмаси ҳарбий корхоналар учун маҳсулот етиштириб берди. Пентагоннинг 20% маҳсулоти шу ерда тайёрланди. АҚШ ядро арсеналининг 40% дан ортингни етиштириш ҳам Калифорния штатининг зиммасида эди. Бу штатдаги Саменон водийси (кремний водийси) АҚШнинг электрон ва аэрокосмик саноатининг маркази ҳисобланди ва бу водийдаги салкам 600 та фирма ҳарбий буюртмаларни бажарди.

Оқибатини ўйламай, киргин қуроқларининг янги турларини яратаётган Калифорния штатининг бошқа бир маркази Э. Лоуренц номидаги ядро тадқиқотлари лабораториясидир. Маълумки, бу лаборатория 1952 йил Пентагоннинг буюртмаси билан очилган эди. Лабораториянинг асосчилари циклотроннинг ихтирочиси Эрнест Лоуренц ва Ғарбда “водород бомбасининг отаси” деб ном чиқарган Эдвард Теллер эди. Теллер бир вақтлар: “Фақат Оллоҳгина бизникидан афзал ядро каллақларини ато этишга қодир”, – деб мактанган эди.

Дунёни 70 йил давомида ўзининг “гинчликсевар” сиёсати ва ҳарбий қудрати билан зир-зир титратиб келган СССР парчаланиб кетишининг сабабларидан бири ҳам қуроланиш пойғаси эди. Совет давлати 1970 йили АҚШ билан ҳарбий стратегик тенгликка эришди. 1975–80 йилларда ҳарбий харажатлар йилига 100 млрд сўмдан ошиб кетди. 1980 йиллар охирига бориб ҳарбий харажатлар миқдори 170 млрд сўмдан ошди (ўша вақтда 1 долларнинг қиймати 60–62 тийин эканлигини ҳисобга олсак, бу катта маблағдир). Бундан ташқари, СССР Осиё ва Африкадаги учинчи дунё мамлакатларига ҳам катта маблағ сарфлади. СССР ривожланиб бораётган мамлакатларга 3000 дан зиёд саноат корхоналари, электростанциялар ва бошқа халқ хўжалиги объектлари куриб берди, яна 1660 дан зиёд ана шундай объектларни куриш мўлжалланган эди. Бу мамлакатларга 1,7 млн инженер, малакали техник мутахассисларни тайёрлаб берди. Статистик маълумотларга кўра, АҚШ 124 та давлатга қурол-яроғ сотган бўлса, СССР эса 150 та давлатга қурол-яроғ сотишга эришди. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, дунёда ҳарбий харажатларнинг умумий миқдори атроф-муҳитни сақлаш учун зарур бўлган харжга нисбатан 5 баравар кўп бўлди. XX аср 80- йиллари охирида ҳарбий харажатлар миқдори дунё бўйича йилига 1 триллион доллардан ошган эди.

XX асрнинг буюк олими Альберт Эйнштейндан “3- жаҳон урушида қандай қурол қўлланилади?” деб сўраганларида: “Билмадим, лекин Тўртинчи жаҳон урушида ягона восита тошдан ясалган болта бўлади”, – деб жавоб берган экан. Бу билан XX асрнинг буюк физиги агар ядро замонасида 3- жаҳон уруши содир бўлса, унинг оқибатида инсониятнинг ҳалокатга учраши ва Ерда ҳаётнинг сўниши образли қилиб айтилган эди. Инсониятни огоҳлантириб айтилган бу сўзлардан сўнг, ўтган давр мобайнида оммавий қирғин қуроллари янада кўплаб ишлаб чиқарилди ва такомиллаштирилди. Натижада XX аср 80- йиллари охирига келиб тўпланган ядро қуролларининг захираси 50 минг мегатон тринитритолдан ошиб кетдики, бу дегани Иккинчи жаҳон урушида қўлланган барча турдаги портловчи қуроллардан 10 минг марта кўп демакдир ёки бошқача айтганда мавжуд бўлган 65 мингдан зиёд ядро портлагичлари билан ер юзи аҳолисини 50 марта йўқ қилиб ташлаш мумкин бўлади. Ёки сайёрамиздаги ҳар бир киши бошига 3,5 тоннадан портловчи модда тўғри келади.

Маълумки, тўшлар тилга кирганда одамларни ўлдиради, жим турганда эса, ўз яратувчисини хонавайрон қилади. Иқтисодий нуқтани назардан олиб қараганда, қурол ҳеч қачон ҳаракатсиз бўлмайди. Ҳатто тинчлик даврида ҳам вайрон қилиш учун яратилган қурол дунёга келиши биланоқ, иқтисодиётни, яъни бой, фаровон турмуш кечиришга бўлган умидни яқсон қилади. Маълумки, XX асрнинг кейинги ўн йилликларида ядровий қуролланиш пойгасининг авж олдирилиши туфайли, дунё порох тўлдирган бочкага ўхшаб қолди. Булар, албатта, катта-катта маблағлар сарфлаш эвазига амалга оширилди. Агар ўтган асрнинг 80- йиллари бошларида бир йилда дунё бўйича қуролланишга 600–700 млрд доллар маблағ сарфланган бўлса, шунинг тахминан 450–500 млрд доллари АҚШ билан СССР ҳиссасига тўғри келганлигини айтиб ўтишнинг ўзи kifоядир. Иккинчи жаҳон уруши туфайли дунё олтин захирасининг 72% ини ўз қўлида тўплаб олган АҚШ атом монополиясига эгалик қилган ҳолда қуролланиш пойгасини бошлаб берди. Унинг мақсади мазкур қуролланиш пойгасига СССРни жалб қилиш ва уни келажакда иқтисодий жиҳатдан ҳалокатга учратиш эди. СССР олдида 2 та йўл турарди: бири АҚШнинг жаҳонда энг қудратли мамлакат эканлигини тан олиш; иккинчи йўл иқтисодий жиҳатдан қашшоқ бўлишига қарамай, қуролланиш пойгасига қўшилиши ва ўзини жаҳон социализм системасини ҳимоя қилувчи бирдан-бир қудратли давлат

сифатида кўрсатиб, ҳукмронликка даъвогарлик қилиш эди. СССР раҳбарияти иккинчи йўлни танлади. Куролланиш пойгасининг авж олдирилиши дунё бўйича бир қанча муаммоларни келтириб чиқардики, буларнинг ижобий ечимини топиш инсоният олдидаги қийин масалалардан бири бўлиб қолди. Жумладан, саводсизлик, экологиянинг бузилиши, уй-жой танқислиги, озиқ-овқат етишмаслиги ва бошқа муаммолар келиб чиқди. XX асрнинг 90- йилларига келиб сайёрамизда 960–980 млн киши саводсиз, 2 млрд киши тўйиб овқат емади, 2 млрд киши касалликларга чалинди, 1 млрд киши бошпанасиз эди. Очлик ва яланғочлик сабабли қунига 40 минг бола ҳаётдан кўз юмди. Агар ишлаб чиқарилган ядровий куролларнинг баъзи бирларини пулга қақадиган бўлсак, қуйидаги рақамлар келиб чиқади: 1 та қирувчи “F–14” самолётини ишлаб чиқаришга кетган маблағга 9 та мактаб, 1 та “МХ” стратегик баллистик ракетасини ишлаб чиқаришга кетган маблағга ўртача катталиқдаги бешта касалхона, замонавий танк маблағига 36 оғлага ҳар бири 3 хонадан иборат тураржой қуриб бериш мумкин. 1 та “Трайдент–2” типидagi стратегик баллистик ракетанинг пулига 16 млн болани бир йил давомида ўқитиш ва овқатлантириш, 1 та стратегик бомбардимончи самолётнинг пулига 100 минг тонна шакар сотиб олиш мумкин эди. Ёки битта атом крейсерининг пулига битта шахарни электр энергияси билан таъминлаб туриш, 1 та авианосец пулига 1 та ГЭС қуриш мумкин.

1989 йилнинг охирида СССР Куролли Қучларининг умумий сони 4,5 млн киши эди. Бу борада Хитойдан (4,1 млн) ҳам ўзиб кетган эди. Хитойда ҳар 1000 кишига 3,8 ҳарбий, СССРда 1000 кишига 15,6 ҳарбий тўғри келди. АҚШда 8,9; Буюк Британияда 5,5; Канадада 3,0; Японияда 2,0. Мудофаа вазирлигининг маълумотиغا кўра, СССР 1990 йилнинг 1 январигача 1398 та қитъалараро баллистик ракеталарни ҳамда 924 та сув ости баллистик ракеталарни учирувчи мосламаларга эга эди.

1991 йилнинг 1 январиди 63900 та танк ва 76520 та бронетранспортёр СССР халқларининг “тинч ҳаётини” қўриқлаб турган. Хўш, 76520 та бронетранспортёрнинг нима кераги бор эди? Буларнинг ҳаммаси лоақал 100 км юриши учун йилига қанча ёнилги сарфларди? Далаларда нима учун 100 минглаб тракторлар ва комбайнларнинг ишлаш ўрнига гўддайиб тургани, СССРнинг ўша пайтларда АҚШ, Канада ва Австралиядан буғдой сотиб олгани ҳам юқоридаги омиллар туфайли эди.

СССР кимё саноати корхоналари 1990 йилнинг бошигача 50 минг тонна захарловчи моддалар ишлаб чиқарган. Ваҳоланки, бутун инсониятни захарлаш учун 100 тонна иприт ёки леизитнинг ўзи етарли. Ҳарбий кимёгарларнинг таъкидлашича, кимёвий қуролнинг бу улкан захирасини йўқотиш учун Россия ўнлаб йиллар ва миллиардлаб мабла сарфлашига тўғри келади. 1990 йилгача Америкада 5 марта нашр этилган “Шўроларнинг ҳарбий қудрати” китобида қайд қилинишича, ҳарбий техника, қурол-яроғ ва ўқ-дориларнинг асосий турларини ишлаб чиқаришда СССР америкаликларни ортда қолдириб кетган экан. 1989 йилнинг апрелигача хориждаги ҳарбий базаларда: Мўғулистон, Польша, Венгрия, Чехословакия ва Германияда 672 минг шўро аскарлари ва зобити бўлган. Худди шу пайтда АҚШнинг хориждаги ҳарбий базаларига 305 минг америкалик ҳарбий хизматчи жойлаштирилганди. Венгрияда 50 минг совет ҳарбий хизматчиси, улар билан бирга 860 та танк, 600 та ўзи юрувчи тўп, 1500 та БТР, 560 минг тонна ўқ-дори бор эди. Венгриядаги янги ҳукумат талабига кўра, уларнинг ҳаммасини 1991 йилнинг 30 июлига қадар СССР олиб кетиши керак эди.

Варшава Шартномасига аъзо мамлакатлар ҳудудидаги қўшинларни жойлаштириш учун қурилган турар-жой фондининг ўзи 4,0 млрд сўмдан ортиқ эди. Жумладан, ғарбий гуруҳ қўшинлари (ГДР) – 2,3 млрд, шимолий гуруҳ қўшинлари (Польша) – 0,6 млрд сўм, марказий гуруҳ қўшинлари (Чехия) – 0,3 млрд сўм, жанубий гуруҳ қўшинлари (Венгрия) – 0,8 млрд сўм. Аэродромлар, хизмаг бинолари, мудофаа иншоотлари, ҳужумдан яшириниш жойлари, омборлар, машиналар турадиган жойлар, тўсиқлар, миноралар, сигнализация ва ҳоказоларнинг нархини ким билади? МРБ маълумотларига кўра, СССР ҳар йили Афғонистон, Куба, Ангола, Эфиопия, Вьетнамдаги тузумларни ушлаб туриш учун 15 млрд сўмлик бепул ҳарбий ёрдам берган. Бу халқ учун турган-битгани зарар эди. Бу ўринда шунинг эътирофи этиш керакки, бепул ёрдамлар ташқи сиёсатда қутилган натижалари бермади. Миср, Сомали, Гана “социалистик йўналиш”да бироз юришгач, буткул капиталистик тараққиёт томон бурилишди. 1990 йил февралда ўтган умумий эркин сайловларда сандиночларнинг мағлубиятга учраши натижасида Никарагуа ҳам бошқа йўлга бурилди. Афғонистон, Ангола, Эфиопия, Мозамбик, Кампучия ҳам “ўз” йўлини топиб олди. СССР эса чув тушиб қолаверди. Бироқ бепул ҳарбий ёрдамдан ташқари, қурол сотиш ҳам бор. СССР XX асрнинг 70–90- йиллари ичида бу соҳада дунёда биринчи ўринни

эгаллаб келди. СССР ҳар йили 12 млрд сўмлик қуро-яроғ сотди. 80-йилларнинг бошида СССРда ишлаб чиқарилган барча қуро-яроғ ва жанговар техниканинг 25 фоизи хорижга сотилганди.

Америкаликларнинг маълумотларига кўра, СССР 80- йиллар давомида “учинчи дунё” мамлакатларига 7925 та танк ва САУ, 20470 та тўп, 17 та сув ости кемаси, 2620 та самолёт, 1705 та вертолёт, 32210 та “Ер-ҳаво” ракетаси етказиб берган. СССР, ТИВнинг маълумотларига кўра, харажатларнинг айнан шу банди бўйича 1989 йилда чет давлатларга 12 млрд сўмлик ҳарбий ёрдам кўрсатган. Шўролар Иттифоқи “учинчи дунё” мамлакатларига ҳарбий ёрдам беришдан ташқари, улар учун улкан ҳарбий объектлар ва ва иншоотлар қурди.

Ўнлаб йиллар давомида шўро халқига мудофаа учун ҳар йили “ропна-роса” 20,2 млрд сўм сарфланади деб келинди. Кейин эса 1989 йилда ҳарбий харажатлар 77,3 млрд сўм бўлган дейишди. Энг оддий ҳисоб-китобларга қараганда, 1965–1990 йиллар давомида СССР халқларидан 1,5 триллион сўм уриб қолинган. Инсоннинг кўнгилдагидек яшаши учун камида 20 кв метр турар-жой зарур. 1990 йилда бундай турар-жойнинг 1 кв метри учун 200 сўм сарфланди. Демак, 1 киши учун 4000 сўм, 100 млн киши учун 400 млрд сўм кетади. Шундай қилиб, ўша уриб қолинган 1,5 триллион сўмнинг 800 млрд ига 200 млн киши учун яхши уйлар қуриш, қолган 700 млрд ини эса яхши яшаш, яхши овқатланиш, яхши кийиниш, яхши ўқиш ва яхши ҳордиқ чиқариш учун сарфлаш мумкин эди. 1989 йилда СССРда ажратилган фондга биноан, ҳарбий авиация фақатгина машқ учишларида ҳамма фуқаро авиациясидан ҳам 3 барабар кўпроқ ёнилгини ёқиб юборган.

Агарда СССРда ўша йилларда дунёдаги ҳамма мамлакатларни кўшиб ҳисоблагандагидан ҳам кўпроқ танк бўлган бўлса, агарда бронетранспортёрлар... агарда генераллар... Ўз-ўзидан савол тугилади: қандай қилиб халқ фаровон яшаш мумкин эди; Халқ бойлигининг ярми қуролланишнинг тубсиз ўпқонига ёнаётган бўлса? Юқоридаги таҳлиллар шунини кўрсатиб турибдики, СССРни иқтисодий жиҳатдан ҳалокатга олиб келган ва СССР халқларининг ночор аҳволда яшашининг асосий сабаби қуролланиш пойғаси бўлган. Иккинчи жаҳон урушининг энг авжига чиққан ва энг оғир палласи бўлган 1942–1943 йилларда давлат бюджетининг 52% и ҳарбий харажатларга сарфланган бўлса, тинчлик даври – 70–90- йилларда йилига давлат бюджетининг 42–45% и ҳарбий харажатларга сарфланганди.

Х БОБ. XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ–XXI АСР БОШЛАРИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

1- §. “Совуқ уруш” даврининг бошланиши ва 50–70- йилларнинг биринчи ярмида икки кутбли дунё

Нюрнбергдаги суд жараёни

Иккинчи жаҳон уруши айбдорлари – нацистларни жазолаш учун 1945 йил 8 августда Лондон шаҳрида СССР, АҚШ, Англия ва Франция вакилларининг конференцияси бўлиб, унда Халқаро ҳарбий трибунал тузиш ва унинг Низомини ишлаб чиқиш масаласи кўрилди ҳамда фашистик ҳарбий жиноятчилар устидан суд жараёнини олиб борадиган Халқаро ҳарбий трибунал тузилганлиги тўғрисида Битим туздилар.

Қисқа вақт ичида бу Битимга 19 та давлат қўшилди. Трибуналда асосий қораловчи давлатлар: СССР, АҚШ, Англия ва Франциядан иборат Қораловчилар комитети тузилди. Иттифоқчилар судни ўтказиш жойи сифатида нацистлар даврида унинг партияси (НСДАП) съездлари аъъанавий ўтиб турадиган Нюрнберг шаҳрини ташлашди. Шаҳарнинг бутун тарихий маркази Америка авиацияси томонидан вайрон қилинган, фақат ҳуқуқшунослик саройининг улкан биноси омон қолган эди.

Суд қилишнинг барча расмийчиликларига амал қилиш учун ҳар бир голиб давлат суд жараёни учун трибуналга ўз вакилини (СССРдан юстиция генерал-майори Никитченко) ва айбловчиси (бўлажак СССР бош прокурори Руденко)ни тайинлади. Голиб давлатлар юристлари ўртасида ўзаро тушуниниш куйидагича бўлди: америкалик айбловчиларга “СССРга қарши агрессия” бўлими бўйича, шўро айбловчисига эса “Инсониятга қарши жиноят” бўлими бўйича нутқ сўзлашга ишонч билдиришди.

Трибуналнинг суд мажлисида “тегинилмайдиган” мавзулар ҳам

бор эди. Ғолиб давлатларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, СССР Австриянинг қўшиб олиниши ва Чехословакиянинг босиб олинишининг Англия ва Франция томонидан тан олиниши тўғрисидаги масалани “ковлаштирмади”. Бунинг учун Ғарб мамлакатлари Собик Иттифок учун ноқулай бўлувчи Молотив-Риббентроп Пакти тўғрисидаги тарихга тегишмади.

Нюрнберг судида собиқ шўролар Фемидаси (адолат рамзи, қози) мамлакат раҳбарияти томонидан улар олдига вазифа қилиб қўйилган барча масалаларни ҳал қила олмади. Масалан, ҳар қанча ҳаракат қилинганга қарамай, Хатинда поляк офицерлари отиб ташланганлигини олмонларнинг бўйнига қўйишга эришилмади. 29 августда фашист бош айбдорларининг рўйхати эълон қилинди. Улар 24 нафар бўлиб, нацист сиёсатчилари, ҳарбийлари, дипломатлари, идеологлари ва ишлаб чиқаришдаги мутахассислардан иборат эди. Жумладан, Геринг, Гесс, Риббентроп, Борман, Кейтель, Лей, Крупп, Кальтенбруннер, Розенберг, Франк, Фрик, Штрейхер, Шахт, Функ, Дениц, Рёдер, Ширах, Заукель, Йодль, Папен, Зейсс-Инкварт, Шпеер, Нейрат ва Фричлардан иборат эди.

1945 йил 18 октябрда Қораловчилар Комитети томонидан уларнинг рўйхати барча ҳужжатлари билан Халқаро ҳарбий трибуналга топширилди. Унинг секретариати орқали ҳар бир қораланувчига ҳам етказилди. Трибунал раиси Англиялик судья лорд Ж. Лоренс: “Трибунал Бош Қораловчилар Комитети томонидан тайёрлаб топширилган ишлардан мамнунки, у етарли даражада, барча ҳужжатлар асосида тайёрланган”. – деган эди.

Нюрнбергдаги суд жараёни халқаро жамоатчилик кўзи олдида ошқора олиб борилди. 403 та очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд залига 60 мингта ружсатнома тарқатилган эди. Радио, кино, матбуот миллионлаб кишиларни бўлаётган суд жараёнидан хабардор қилиб борди. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларининг вакилларига залдан кўп ўрин ажратилди, жумладан, 350 ўриннинг 250 таси уларга берилди.

Нюрнбергдаги суд жараёнида 22 та бош олмон-нацистлари устидан 2500 та ҳужжатли далиллар келтирдик, уларнинг оқловчи-ҳимояловчилари ҳам бирон-бир иш қилолмади қолдилар. Нима учун 22 нафар? Шунинг учунки, Борман иш у яширинганлиги учун сирдан қўрилди ва ҳукм чиқарилди. Крупп камерада ўзини уриб шол қилиб ташлаганлиги учун, унинг иши тўхтатилади. Лей айблов ху-

досаси билан танишиб чикқандан кейин, камерада ўзини-ўзи осиб кўяди.

Нюрнбергдаги суд жараёни 10 ой давом этди ва 1946 йилнинг 1 октябрида Халқаро ҳарбий трибунал ўзининг ҳукмини чиқарди. Осиб ўлдириш жазосига қуйидагилар ҳукм қилинган эди: Гитлернинг вориси ва авиация рейхминистри Герман Геринг, ташқи ишлар министри Иоахим фон Риббентроп, Вермахтнинг Олий кўмондонлиги (ВОК) бошлиғи Вильгельм Кейтель, Империя Хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи (РСХА) Эрнст Кальтенбруннер, шарқий ҳудудлар иши бўйича министр Альфред Розенберг, Польша генерал-губернатори Ганс Франк, ички ишлар министри Вильгельм Фрик, антисемит публицист Юлиус Штрайхер, ташқи ишчи кучлардан фойдаланиш бўйича бош вакил Фриц Заукель, ВОК тезкор (оператив) штаби бошлиғи Альфред Йодль, нидерландлар империя комиссари Артур Зейсс-Инкварт, НСДАП девонхонаси (канцелярияси) бошлиғи Мартин Борман, Германия Меҳнат fronti (Касаба уюшмалари) раҳбари Роберт Лей (Роберт Лей айблов ҳулосасини ўқигач, камерада ўзини ўзи осди).

Кечирим ҳақидаги илтимослар рад этилди. Ҳарбийлар томонидан осиб ўлдиришни отиб ўлдириш билан алмаштириш тўғрисидаги илтимослари ҳам рад этилди. Уларни 16 октябр куни дорга осиди. Биринчи бўлиб дорга Риббентроп осилди. Миллионлар томонидан ўлимга ҳукм қилинганлар ҳайратли даражада жони қаттиқ махлуқлар экан. Риббентроп 10 дақиқагача ҳаёт билан видолаша олмади, Йодль – 18, Кейтель – 24 дақиқагача. Қатл этилганларнинг жасади яқин орадаги крематорийда куйдирилиб, кули самолёт орқали шамолга совурилди. Трибунал барча айбдорларни дор тагига йўлламади. Гитлернинг партия бўйича биринчи ўринбосари Рудольф Гесс, Рейхсбанк президенти Вальтер Функ, олмон флоти кўмондони Эрих Редер умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди. Қуролланиш министри Альберт Шпеер ва гитлерюгенд фюрери Бальдур фон Ширах 20 йилга, Чехиядаги ноиб (наместник) фон Нейрат 15 йилга, сувости кучлари кўмондони Карл Дёниц 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Трибуналнинг Низоми принциплари ва ҳукми 1946 йилнинг 11 декабрида БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланди. Халқаро ҳарбий трибуналнинг Низомига мувофиқ, суд жараёнлари мамлакатларнинг миллий ҳукукий органлари томонидан ҳам ўтказилди. 1945 йилнинг декабридан 1946 йилнинг январигача фашист жиноятчилари устидан Киев, Минск, Рига, Ленинград, Смо-

ленск ва Брянск шаҳарларида суд жараёнилари ўтказилди. 1952 йил февралда СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси генерал-фельдмаршаллар: Э. Фон Клейст ва Ф. Шернерларни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди. Шарқий Германияда СССР ҳарбий маъмуриятининг суд органлари 48 минг киши устидан тергов ишларини олиб борди ва шундан 17 минг 175 киши турли муддатларга озодликдан маҳрум эгилди.

1981–86 йилларда СССРда 60 нафар собиқ гитлерчи-жиноятчилар устидан суд жараёни бўлди ва улар турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди. Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам шундай суд жараёнилари бўлиб ўтди. Масалан, ГДРда 1945 йил 8 майдан 1984 йил 31 декабргача 12 минг 873 нафар гитлерчи-жиноятчилар устидан суд жараёни ўтказилиб, кўпчилиги тегишли жазоларини олдилар. Польшада 1945–65 йилларда 8000 нафар собиқ нацистлар устидан суд жараёни ўтказилди. Шундан 5400 нафари “Учинчи Рейх”нинг фуқаролари эди. АҚШга келсак, Нюрнбергнинг ўша саройида Америка ҳарбий суди 12 нафар суд жараёнини ўтказди ва 176 нафар нацист жиноятчиларини тегишли жазолади. Умуман олганда, АҚШ ҳарбий суди томонидан 1941 нафар гитлерчи-жиноятчилар суд қилинди. Шундан 324 таси ўлимга ҳукм қилинди, 367 таси оқланди, 57 тасининг иши ёпилмай қолди. Англия суди 1085 та жиноятчи устидан суд жараёни ўтказди ва шундан 240 нафари ўлимга ҳукм қилди. Франция суди 2107 нафар ишни кўриб чиқди ва 104 нафари ўлим жазосига ҳукм қилди. Кўпчилик Ғарб мамлакатларида ўлимга ҳукм қилинганларнинг аксарият қисмига чиқарилган ҳукм умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилди.

1957–58-йилларда деярли барча ҳуқуқий жиноятчилар АҚШ, Англия ва Франция қамоқхонларидан чиқариб юборилди. Кўпчилик нацистларга “яшириниш” учун имконият берилди. Шундан 10000 таси АҚШдан бошпана топди. Суд жараёни ГФР ҳудудида ҳам олиб берилди. 1945 йил 8 майдан 1982 йил 31 декабргача ГФРда 87765 киши устидан жиноий иш қўзғатилиб, шундан 6456 киши жавобгарликка тортилди.

“Совуқ уруш” ва дунёнинг қайтадан тақсимланиши

Иккинчи жаҳон уруши жаҳон саҳнасида юзага келган вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. АҚШ ва СССР бошчилигидаги иккита ҳарбий-сиёсий блоklar – НАТО ва Варшава Шартномасининг

бир-бирига қарама-қаршилиги халқаро муносабатларнинг икки кутбилик структурасини шакллантирди. Икки блок ўртасидаги низолар бир-бирига қарши бўлган ижтимоий моделларнинг ғоявий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан тортишувидан иборат эди. Икки йирик империя – СССР ва АҚШ ўртасидаги ғоявий кураш ва геосиёсий зиддиятлар “совуқ уруш”нинг амалий кўриниши эди. Антигитлерчилар коалициясига аъзо бўлган иттифоқчи давлатлар: АҚШ ва Буюк Британия, иккинчи томондан эса СССР ўртасидаги келишмовчиликлар Иккинчи жаҳон урушининг охирларидан, яъни халқаро муносабатларни тинч йўл билан ҳал этиш масаласи кун тартибига қўйилган вақтдан бошлаб юзага кела бошлаган эди. Собик иттифоқчилар ўртасидаги муносабатларга тўлиқ чек қўйилганлиги ва, ҳақиқатан ҳам, “совуқ уруш” сиёсатининг бошланганлигини биринчи бўлиб Буюк Британиянинг Премьер-министри У. Черчилл очикча эълон қилди. У. Черчилл 1946 йил 5 март куни Фултонда (АҚШ) сўзлаган нутқида СССРга ва унинг коммунизмни капиталистик мамлакатларга экспорт қилиш режаларига қарши курашиш учун Англоамерика ҳарбий иттифоқини тузишга даъват қилди. Совет Иттифоқи ҳам, ўз навбатида, нацизмга қарши курашдаги муваффақиятлари ва жаҳон сахнасида ортиб бораётган обрў-эътиборидан жаҳон социалистик системасини вужудга келтиришда фойдаланишни мақсад қилиб қўйган эди. Ҳолиб давлатлар ўртасида юзага келган кескин зиддиятлар ва низолар туфайли оккупация қилинган Германия ҳудудидида 1947–1949 йилларда иккита давлат ташкил топди. Бу давлатлар Германия Демократик Республикаси (ГДР) ва Германия Федератив Республикаси (ГФР) эди. Дунёнинг бўлиниши яна реал тус олди.

Кейинги йилларда ғарбий давлатлар АҚШ бошчилигида “куч ишлатиш позицияси” сиёсати нуқтаи назаридан Совет Иттифоқига нисбатан бир қатор тадбирларни амалга оширди. Бу тадбирлар орасида: дунё миқёсида “коммунизмга қарши солиб юриши”ни эълон қилган “Трумэн доктринаси”нинг (1947 йил) қабул қилинишини, америкача сиёсатни қўллаб-қувватлашга замин яратган “Маршалл режаси”га (1948–1952 йиллар)кўра, бир қатор Ғарбий Европа давлатларига инвестицион ёрдам дастурини, 1949 йилда Атлантика ҳарбий-сиёсий блоки НАТОнинг ташкил этилишини, шунингдек, Осиёда ҳам СЕАТО, СЕНТО, АНЗЮС каби америкапараст блокларнинг ташкил этилганини кўрсатиб ўтиш керак. Антикоммунистик курашнинг бошида Иккинчи жаҳон урушидан иқтисодий ва ҳарбий-

сиёсий жиҳатдан энг қудратли давлат бўлиб чиққан АҚШ давлати турган эди. АҚШ Ҳукуматининг раҳбарлари уруш тугаган кундан бошлаб дунё ҳамжамиятидаги етакчилигини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қила бошлаган эдилар. 1949 йил, СССР ўз атом бомбасига эга бўлгунга қадар, АҚШ бу соҳада якка хўжайин эди. Вашингтон Америка Давлатларининг Ташкилоти (ОАГ), Халқаро Валюта Фонди ва Бутун жаҳон банки, Савдо ва тарифлар бўйича Бош Шартномада (ГАТТ), Иқтисодий Ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти (ОЭСР) ва бошқаларда етакчи мавқега эга эди. Бир неча маротаба, айниқса, 40–50- йилларда Корея ярим ороли, Яқин Шарқ, Конго ва Кипрда рўй берган низолар чоғида АҚШ БМТнинг Бош Ассамблеясидан ўзининг манфаатларидан фойдаланишни уйдалади. Яъни бу низоларга Совет Иттифоқининг тўғридан-тўғри аралашини БМТ Бош Ассамблеяси директивалари орқали чеклаб қўйишга эришди. Худди мана шу йилларда кўзга кўринган газета мағнази Г. Льюс: “Урушларга барҳам бериш учун АҚШ таъсирини шу даражада ошириш керакки, “Pax American”, яъни “Америка асри” ҳукмронлик қилсин”, – деган гояни илгари сурган эди. XX асрнинг иккинчи ярмида “Pax American” АҚШ сиёсатининг жаҳон саҳнасидаги рамзига айланди.

Бироқ АҚШ ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан катта куч-қудратга эга бўлса-да, дунёда яккаҳукмрон бўлиш вазифасини уйдалай олмади. Халқаро майдонда АҚШ ўз таъсир доирасини қатъий мустаҳкамлашга интилаётган яна бир қудратли давлат – СССР билан ҳисоблашишга мажбур эди. Шундай қилиб, “Pax American” глобал ҳокимият ва жаҳонни, қайсидир маънода, “Pax Sovietica” билан бўлишиб туришга мажбур эди.

Совет Иттифоқи ҳам АҚШ каби ҳарбий-сиёсий жиҳатдан қудратли давлат бўлиб урушдан чиқди. Гитлерчилар Германиясини мағлубиятга учратишга катта хисса қўшган Совет Иттифоқи жаҳон саҳнасида ўз ўрнига эга бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатларни тинч йўл билан амалга ошириш масаласи кўрила бошланган даврдан бошлаб Шарқий Европанинг бир қатор давлатлари (Болгария, Чехословакия, Руминия, Венгрия, Польша, Албания, Югославия) ва Осиё (Хитой, Вьетнам, КХДР ва бошқалар) СССРнинг бевосита таъсир доирасига тушиб қолдилар. Шундай қилиб, жаҳон социалистик тизимининг шаклланишига замиён тайёрланган бўлиб, 60- йилларнинг бошига келганда бу тизимга Куба ҳам қўшилди. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар мустамлака ва

қарам давлатлар ҳамда халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватладилар. Натижада бу тизимнинг учинчи дунё давлатлари ичида обрў-эътибори ошди ва социалистик жамиятга ўтишни хоҳлаган бир гуруҳ давлатлар пайдо бўлди.

Урушдан кейинги даврда таназзулга юз тутган иқтисодий кайта тиклаб бўлгач, Совет Иттифоқи Хукумати раҳбарлари ўзларининг ҳарбий куч-қудратларини оширишга киришди. АҚШнинг ядро қуроли монополиясига барҳам бериш мақсадида СССР ўз атом қуролини ихтиро қилиш режасини тузиб чиқди ва амалга оширди. 1949 йилда Совет Иттифоқида атом бомбасининг биринчи синови амалга оширилди. Шу йилнинг ўзида Шарқий Европа социалистик мамлакатларининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЁК)ни ташкил этишди. Кейинчалик бу ташкилотга Мўғулистон, Куба ва Вьетнам ҳам қўшилди. Бу ташкилот социалистик мамлакатларнинг бир-бирларига иқтисодий кўмак бериши, иқтисодий ҳамкорлик ва жаҳонда меҳнатни тақсимлашни координация қилиш масалаларига эътибор берди. Социалистик лагерни жишелаштириш ва НАТОнинг ҳарбий хавфларини бартараф қилиш мақсадида 1955 йилнинг май ойида Варшавада СССР ва Шарқий Европанинг социалистик ҳамкорликка кирган Польша, Чехословакия, Руминия, Болгария, Венгрия, ГДР ва Албания (1968 йилда Албания Шартномаи бир томонлама бекор қилган) давлатлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Шу Шартнома асосида ташкил этилган Варшава ҳарбий-сиёсий Пакти дунё миқёсидаги кучлар мувозанатини сақлаб туришда ўз ўрнига эга бўлди.

Кариб инкирози

XX асрнинг 60- йиллари бошларида жаҳон термоядро уруши ёқасига келиб қолди. Америкалик олимлар: Ж. Блайт ва Д. Уелчларнинг фикрича, Н. С. Хрушчевнинг Куба ҳудудига совет ракеталарини жойлаштиришни жуда хоҳлаганлиги ва Кеннеди маъмуриятининг эса буни ҳеч ҳам хоҳламаганлиги Кариб инкирозининг келиб чиқишига сабаб бўлди. 1962 йил сентябрда “С-4” ракеталаридан 40 таси Кубага яширинча олиб бориб жойлаштирилди. АҚШнинг разведкачи самолёти мазкур ракеталарни аниқлаганидан кейин, АҚШ маъмурияти ҳарбий мутахассислари ва олимлари совет ракеталарининг Куба ҳудудига жойлаштирилишини ақлга сиғмайдиган бир ҳол

деб баҳоладилар. Чунки бу, биринчидан, СССРнинг ўз чегарасидан ташқарига ядро куралини тарқатмаслик тўғрисидаги мажбуриятига зид бўлса, иккинчидан, бир неча баробар устун даражада бўлган АҚШ ядро қувватини ҳисобга олмасдан, Москванинг таваккалчиликка қўл уришидан таажжубландилар.

Хрушчев ўзининг навбатдаги Баёнотида: Кубага совет ракета-ларининг олиб борилишига сабаб, ғарбий ярим шардаги биринчи социалистик давлат – Кубани АҚШ ҳужумидан ҳимоя қилишдир, – деб айтди. Хрушчевнинг Баёноти америкаликлар томонидан “қулгили бир ҳол” сифатида кутиб олинган бўлса ҳам, аммо у бир қанча асосларга эга эди. Кейинги илмий изланишлар ва мутахассисларнинг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, Хрушчевнинг “АҚШ томонидан Кубага ҳавф туғилмоқда, уни босиб олишга тайёрланмоқда”, деган ҳадиксирашлари маълум даражада ўринли бўлган. Масалан, 1962 йил январида АҚШ Америка Мамлакатлари Ташкилоти йиғилишида “Кубадаги мавжуд тузум Америка қитъасидаги давлатларга номаъқул бўлган тузум”, деб қарор қабул қилинишига ва Кубани бу ташкилотдан қувиб чиқаришга эришди. 1962 йил 20 февралда Пентагонда “Куба лойиҳаси” номи билан режа ишлаб чиқилди ва Кубадаги Ф. Кастро ҳукуматини ағдариб ташлашни октябр ойига белгиланди. Бу режа XX асрнинг 90- йилларигача сир сақланган бўлса-да, совет ёки Куба разведкачиларининг бу режадан хабарлари йўқ деган гап эмас.

1962 йил ҳузида Кариб денгизи ороллариининг бирида АҚШ ҳарбий флоти пиёда қўшинларининг ҳарбий машқлари ўтказилди. Машқдан мақсад ороллариининг бирини афсонавий диктатор – Ортсакдан қутқариш вазифаси қўйилади (Ортсак тескарисига ўқилса, Қастро бўлиб чиқади). Бирок Кеннеди маъмуриятининг собиқ ходимлари ҳозирда ҳам: “АҚШ бу режани амалга оширишни ўйлагани йўқ эди”, – деб таъкидламоқдалар. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, АҚШ мудофаа министри Макнамара Москва учрашувида гапириб: “Агар мен кубалик бўлиб, АҚШнинг Кубага ва Ҳукуматимга қарши қаратилган яширин режасидан хабардор бўлганимда, албатта, мен ҳам Кубага бостириб кириш учун тузилган режа деб ўйлардим”, – дейди. Демак, Хрушчевнинг ҳадиксирашига ва совет ракета-ларини Куба ҳудудига жойлаштиришига етарли асослар бўлган экан.

Кўп йиллик изланишларининг ҳулосаси сифатида америкалик авторлар: Б. Аллин, Ж. Блайт ва Д. Уелчлар совет ракета-ларининг

жойлаштирилишини шундай баҳолайдилар: “Куба ҳудудига совет баллистик ракеталарининг жойлаштирилишига сабаб, Хрушчев айтганидек, Кубани сақлаб қолиш бўлган бўлса, иккинчидан, кучлар балансини тенглаштиришга уриниш, АҚШни СССР билан бўладиган муносабатида ўйлаброқ иш тутишга мажбур қилиш эди. Ўша вақтда АҚШда 5000 та, СССРда эса 300 та ядро қуроли бор эди. Кучлар нисбати 16,1% эди. Бу ракеталар АҚШни анча таъшивлантириб қўйиши турган гап эди”.

1962 йил 22 октябр куни кечкурун АҚШ Президенти Жон Кеннеди Америка радио ва телевидениеси орқали нутқ сўзлаб, совет ракеталарининг Куба ҳудудига жойлангизилганидан АҚШ халқини хабардор қилди. Нутқдан бир соат олдин СССРнинг АҚШдаги элчиси Добрининни АҚШ давлат секретари Раск Президент Ж. Кеннедининг чиқишидан хабардор қилиб қўйди. Бироқ Ж. Кеннедининг чиқишидан ва Добрининнинг хабардор қилинишидан Москва ўзини босиқ ва осойишта тутди. 1962 йил 23 октябр куни кечкурун Ж. Кеннеди Добринини билан учрашганда ҳам Москва томонидан Кеннедининг чиқишига тегишли аке садо бўлмаганлиги маълум бўлди. 23 ва 24 октябрларда Хрушчев Ж. Кеннеди номига мактуб йўллаб, Баёнот берди. Бироқ совет раҳбарининг кундан-кунга кўрқуви ортиб бормоқда эди. Воқеаларнинг ривожини ваҳимали тус олиб борди. Совет раҳбари учун кўрқувнинг кульминацион нуқтаси 25 октябрда бўлди. Чунки Вашингтондан АҚШ қўшинларининг жанговар ҳолатга келтирилганлиги, икки кун ичида Кубага бостириб кириш тўғрисида буйруқ берилганлиги хақида хабар келди. Шунинг учун Хрушчев 26 октябрда Кеннеди номига мактуб йўллаб, агар АҚШ Кубага бостириб киришдан воз кечса, СССР ўз ракеталарини Кубадан олиб чиқиб кетишини айтди. Москвага жавоб хати келмасдан туриб, 27 октябр куни эрталаб иккинчи хатни Вашингтонга жўнатди. Бир вақтнинг ўзида радио орқали иккинчи хатда қўйилган талаблар маълум қилинди. Иккинчи хатда биринчи хатга қўшимча тарзда АҚШ ракеталарини Туркиядан олиб чиқиб кетиш талабини қўйилган эди. 27 октябр Вашингтон учун жуда оғир кун бўлди. Кун давомида иккита хатнинг муҳокамаси бўлди. Хрушчевнинг биринчи хати Вашингтон учун хуш келган бўлса, иккинчи хати анча ўйлангизиб қўйди. Бунинг устига, ўша 27 октябр куни Американинг “У-2” самолёти Куба осмонида уриб туширилди. Ниҳоят, узок муҳокамалардан кейин, Вашингтон ҳар икки томон учун ҳам маъқул бўлган йўлни топди.

Томонлар Кубадан совет ракеталарининг олиб чиқиб кетилишини ва АҚШнинг Кубага бостириб кирмаслиги тўғрисида келишиб олдилар. Бунга қўшимча тарзда қарама-қарши томонлар Туркиядан АҚШ ядро қуролларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида махфий равишда келишиб олдилар (бу ҳақда фақат Миллий Хавфсизлик Кенгашининг 5–6 аъзолари биларди). Бу масалага шундай изоҳ берилдики, гўё АҚШ Туркиядан ўзининг ракеталарини олиб чиқиб кетишни олдиндан режалаштирган, бунинг Кариб инқирозига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Туркиядан АҚШнинг ядровий ракеталарини олиб чиқиб кетиши 1963 йилга белгиланди.

1962 йилнинг 27 октябрида Москва Вашингтондан биринчи хатига, 28 октябрда иккинчи хатига ижобий жавоб олди ва Хрушчев ҳам рози эканлигини билдириб, жавоб хати йўллади. Ниҳоят, СССР билан АҚШ ўртасида СССРнинг ўз ракеталарини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги ва АҚШнинг Кубага бостириб кирмаслиги ҳақидаги Хужжат имзоланди. Шу тариқа 1962 йил октябр ойида термоядро уруши хавфини келтириб чиқарган Кариб инқирози бартараф қилинди.

“Совуқ уруш” даврида халқаро муносабатларнинг характери

50- йилларнинг бошларида дунё ғоявий-сиёсий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлган икки лагерга айланиб улгурган эди. Бунинг устига, ҳар икки тизим ҳам ўзларини халқларнинг орзу-истаклари ҳимоячиси ва амалга оширувчиси деб ҳисоблар ва ғалаба улар тарафда эканлигини таъкидлаб, қарши томоннинг ҳалокати муқаррар эканлигини айтишдан чарчамас эди. Ўзларининг ғоявий асосномаларини ишлаб чиқиб, АҚШ ўзини эркин дунёнинг ҳимоячиси, СССР эса, ўз навбатида, социализм, демократия ва тинчликнинг таянчидир, деб эълон қилдилар.

“Совуқ уруш” сиёсатининг характери қудратли давлатлар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқолганлиги, қуролланиш пойғасининг кучайиши, ҳарбий блоklar ташкил топиши, ўзаро муносабатларда ҳарбий кучлардан фойдаланишга интилишнинг ортиши, баҳсли масалаларни ҳал этишда музокаралар йўлидан бош тортилиши ва бошқаларда кўриниб қолди. СССР ва АҚШ ўртасидаги қарама-қаршилиқлар глобал ташқи сиёсий стратегиянинг асосини ташкил қилар эди. Икки

қудратли давлатнинг “хаётий манфаатлари” икки қутбга бўлинган дунёни доимо кескинликда тутиб турар эди. Жаҳон ҳамжамиятида икки қутбли иерархик тузилиш вужудга келиб, унга кўра, бу икки қудратли давлат пирамиданинг юкорисини эгаллаган эдилар. Уларнинг изидан эса БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланган буюк давлатлар, ундан кейин жаҳон сахнасида халқаро муаммоларни бартараф этишда настрок имкониятларга эга бўлган давлатлар борар эди.

Бундай геосиёсий манфаатлар ўйинида Ер қуррасининг хоҳлаган нуктасидаги низо икки қудратли томон тортишувининг таркибий қисми сифатида қабул қилинар эди. Бу икки томоннинг кўзи олдида ҳар бир уруш (ёки низо) аниқ бир тортишувни бартараф этишни кўзда тутмас эди. Ҳар бир келишмовчиликка Шарқ ва Ғарб ўртасидаги низо деб қаралар эди. Шу нуктаи назардан дунёнинг қайси бир бурчагидаги низога ютуққа эришини бир томоннинг ютуғи, иккинчи томоннинг эса мағлубияти деб қаралар эди. Харақтерли томони шундаки, ҳар икки давлат ва улар этакчилигидаги блокларнинг бош харақатланувчи омиллари ўзаро қўрқув ва шахсий хавфсизликларини сақлаб қолишга интилиш бўлган. Шу сабабдан ҳам ҳар икки томоннинг диққат марказида ҳарбий куч-қудратни ошириш масаласи биринчи ўринда турган. Халқаро муносабатларнинг тараққиёти қуролланиш пойғасининг тез суръатлар билан ўсиб бораётган даврига тўғри келди. Бу эса, ўз навбатида, инсониятнинг кейинги тақдирига катта хавф сола бошлаган эди.

Бироқ бир-бирига душман бу икки қудратли давлат халқаро муносабатларда катта нуфузга эга бўлиб, ташки сиёсатдаги барча муҳим масалаларда бутун назоратни ўз қўлларида тутиб туришга харақат қилган бўлсалар-да, бу вазифани тўла удалай олишмади. Жаҳонда юзага келган икки қутблилик жуда мўрт бўлиб, бу сиёсат оз вақт соф ҳолагда мавжуд бўлди. Урушдан кейинги ўтган вақт давомида, айниқса, 60- йилларда икки қутблиликни жуда кўп омиллар буза бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлакачилик сиёсатининг таназзулга юз тутиш жараёйлари, ғоявий ва сиёсий жиҳатдан турли ривожланиш йўлларини танлаган мустақил давлатларнинг ташкил топиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ҳақиқатда эса, дунё бир-бирдан иқтисодий тараққиёти, турмуш тарзи ва дунёқарашлари жиҳатидан тубдан фарқ қиладиган уч бўлаққа: капиталистик, социалистик ва ривожланаётган давлатлар гуруҳларига ажралган эди.

Учинчи дунё мамлакатлари – халқаро муносабатлар тизимининг “совуқ уруши” даврида

Иккинчи жаҳон уруши Африка ва Осиё давлатларининг ички тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Биринчи жаҳон уруши даврида бўлгани каби, бу давлатларнинг халқлари ўз хоҳиш-истакларига қарши бўлган ҳолда бир-бирига қарши кураш олиб бораётган томонларнинг уруш ҳаракатларида қатнашишга мажбур бўлишди. Масалан, Ҳинд дивизиялари Иттифоқчи кўшинларнинг Яқин Шарқдаги йирик плацдармида фаолият олиб борганликлари туфайли Бирма, Шимолий ва Шарқий Африкадаги уруш ҳаракатларида иштирок этди. Уруш ҳаракатлари туфайли мустамлака ва ярим мустамлака давлатлар катта талофат кўрдилар. Масалан, Япония билан олиб борилган 8 йиллик кураш давомида Хитой учун ҳалок бўлганлар ва ярадорлар сони 18 млн ни ташкил этди. 1943 йилда Ҳиндистон провинцияларидан бири – Бенгалияда юз берган очарчилик 43 млн киши ҳаётини олиб кетди. Япон оккупацияси даврида оғир меҳнат ва азоб-уқубатлар туфайли Индонезияликлардан 4 млн га яқин киши ҳаётдан кўз юмди.

Шу билан бир қаторда, Иккинчи жаҳон уруши ҳамма мамлакатларда капитализмнинг тараққий этишига ва мустамлака давлатлар халқлари миллий онгининг ўсишига имкон берди. Биринчи жаҳон урушига нисбатан Иккинчи жаҳон уруши даврида метрополиялар ва колониялар ўртасидаги зиддиятлар кучайди, бу эса, ўз навбатида, миллий озодлик ҳаракатларининг юксалишига ҳам сабаб бўлди. Уруш оғирликлари кенг халқ оммаси кайфиятларининг радикаллашишига олиб келди. Уруш қатнашчилари урушдан кейинги даврда олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатларида акс этган ҳарбий техник ва ташкилотчилик тажрибасига эга бўлишган эди.

Уруш натижаларига кўра, Япония қакшаткич мағлубиятга учраб, нафақат ўз мустамлакаларидан ажралган эди, бундан ташқари, Япония АҚШ оккупацион ҳудудига айланиб, буюк давлат статусидан вақтинча бўлса-да ажралган эди. Япония оккупациясидан қутилган Корея ўз мустақиллигига эришди. Бироқ 1950–1953 йилларда икки қудратли давлат билвосита иштирок этган ҳарбий тўқнашувлар натижасида, Кореяда бир-бирига қарама-қарши иккита мустақил давлат пайдо бўлди. Булар шимолда ташкил топган Корея Халқ Демократик Республикаси ва жанубда ташкил топган Корея Республикалари эди.

Индонезия ва Ҳиндихитой халқлари ҳам узоқ вақт давомида француз ва голланд колонизаторларига қарши қонли кураш олиб бориб, ўз мустақилликларини сақлаб қолишга тўғри келди.

Хитой иккита жаҳон уруши орасидаги даврда ярим мустамлака давлатдан 1945 йилга келиб БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоси ва буюк давлат статусига эга бўлишгача бўлган катта тарихий йўлни босиб ўтди. Бироқ 40- йилларнинг иккинчи ярмига келганда бу давлат фуқаролар урушига тортилди ва бунинг натижасида 1949 йилда Хитой Халқ Республикаси ташкил топди. Осиёнинг яна бир буюк давлатларидан Ҳиндистон Иккинчи жаҳон уруши охирида ҳам инглизларнинг мустамлакаси бўлиб қолаётган эди. Аммо бу давлатдаги халқларнинг озодликка чиқиш иштиёқлари шу даражада юқори эдики, 1947 йилга келиб бу ҳудудларда Покистон ва Ҳиндистон Иттифоқи номли иккита мустақил давлатлар ташкил топган эди.

Жаҳонда ўрнатилган икки кутблилик сиёсати пойдеворига 50-йилларнинг охирида Совет-Хитой муносабатлари ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар туфайли дарз кетди. Дастлабки йилларда ХХР СССР ва бошқа социалистик давлатлар ҳамдўстлигидан андоза олиб сиёсат юргизаётган эди. 50- йилларнинг охирига келиб СССР ва ХХР раҳбарияти ўртасида бир қатор сиёсий ва гоъвий келишмовчиликлар пайдо бўлганлиги туфайли, бу давлатлар ўртасида бир-биридан очикчасига узоқлашиш рўй берди. Бу ажралиш халқаро муносабатларда янги унсурнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хитой Коммунистик Партияси Марказий Қўмитасининг Раиси Мао Цзедун бошчилигида Хитой Совет Иттифоқи билан муносабатларни бутунлай узиб, Москвадан тўла мустақил бўлган ўз сиёсатларини юргиза бошлаган эди. Хитой бундан кейинги сиёсатида АҚШ ва СССР ўртасидаги кучлар балансидан келиб чиқиб, ўзининг ташқи ва мудофаа сиёсатини белгилаб боришга ҳаракат қилди. Хитой учун кучлар баланси асосий омил вазифасини ўтар эди.

Ҳиндихитой халқларининг мустақилликка эришиш йўлларида 1964 йилда АҚШ Ҳукуматининг Вьетнамга қарши бошланган адолатсиз, мустамлакачилик уруши катта турткилардан бири бўлди. Вьетнам Қуроли Кучлари 50- йилларда Француз мустамлакачиларига қарши олиб борган антиколоннал уруш ҳаракатлари туфайли Дьенбенфуда мустамлакачилар Қуроли Кучларини мағлубиятга учратдилар. Аммо мамлакат икки қарама-қарши бўлакка ажралиб

кетди. Шимолда Вьетнам Демократик Республикаси (ВДР) ташкил топган бўлса, жанубда АҚШ кўмагида Жанубий Вьетнам Республикаси ташкил топди. Бироқ тез орада Сайгон режимининг заифлиги яққол кўриниб қолди. Улар мамлакатни бирлаштиришга ҳаракат қилаётган ватанпарвар кучлардан бирин-кетин мағлубиятга учрадилар. Бу режимни сақлаб қолиш учун АҚШ Ҳукумати раҳбарлари Вьетнам халқига қарши ҳарбий агрессия уюштирдилар. Бу уруш АҚШга жуда қимматга тушди. АҚШ Қуролли Кучларининг умумий сони бу давлатда 1965 йилдаги 185 мингдан 1969 йилга келиб 543,4 минг кишига оширилди. Умуман, уруш даврида АҚШ 141 млрд доллар харажат қилди, 56,5 минг киши ҳалок бўлди, 303,6 минг зобит ва аскарлар ярадор бўлди. Шунча харажат ва йўқотишлар билан ҳам бу урушда АҚШ шармандаларча мағлубиятга учради.

1972 йил январига келганда АҚШ Президенти Р. Никсон маъмурияти мағлубиятни тан олишга мажбур бўлгач, Вьетнамда урушни тўхтатиб, тинчлик ўрнатиш ҳақидаги Шартномани имзоладилар. Тўғриси айтганда, бу вьетнамликларнинг агрессорлар устидан қилган ғалабасини билдириб турар эди. Юқорида имзоланган Шартнома мамлакатнинг бирикишига замин яратди. 1975 йил апрелида ВДР ва Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг Бирлашган Қуролли Кучлари Жанубий Вьетнамнинг пойтахти Сайгонни қўлга киритишди. Бу воқеа Вьетнам халқининг миллий мустақиллик ва мамлакат бирлиги йўлида олиб борган курашларининг хотимасини билдириб турар эди.

Урушдан кейинги даврдаги халқаро муносабатларни тартибга солишда энг муҳим масалалардан бири Яқин Шарқ муаммоси эди. Уруш тугаши биланоқ бошланган бу низонинг диққат марказида мустақил Фаластин давлатини тузиш йўлидаги зиддиятлар турар эди. Бу муаммонинг ечими сифатида илгари Буюк Британия мандатлари ҳисобланган ҳудудда Яҳудий ва Фаластин янги мустақил давлатларини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Агар яҳудийларнинг Исроил деб номланган давлати 1948 йил 14 майда ташкил топган бўлса, фаластинликларга эса ўз давлатларини тузиш ҳуқуқидан фойдаланишга имкон берилмади. Ўша даврдан буён Яқин Шарқ минтақасида бу муаммо чуқур илдиз отиб турибди. Фаластинликларнинг мустақил давлат тузиш учун қилаётган саъй-ҳаракатлари ҳали ҳам давом этмоқда. Бу масалани ечишда ижобий силжишлар йўқлиги бир неча маротаба Араб-Исроил урушларини келтириб чиқарди.

1967 йилги уруш чоғида Исроил Фаластиннинг (Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо сектори) ва уни қўллаб-қувватлаб турган Сурия ва Мисрнинг салмоқли ҳудудларини босиб олди. Факатгина Фаластин Озодлик ҳаракати (ФОХ) бошчилигида олиб борилган курашлар туфайли, Исроил 90- йилларга келиб Фаластинга автономия беришга мажбур бўлди. Аммо ҳозирги даврда ҳам Яқин Шарқда аҳвол кескинлигича қолмоқда.

Икки қутбли жаҳон тизимининг заифлашуви

Учинчи дунё давлатларининг сиёсий фаоллиги халқаро муносабатлар тизимининг трансформацияси учун кучли омил бўлди. Шу билан бир қаторда, жаҳон хилма-хиллигининг ошиб бориши ва мураккаб муаммолар янги комплексининг вужудга келиши низоларни назорат қилиш имкониятларини қийинлаштириш хавфини келтириб чиқарди. 1967 йилда Исроил ва Араб давлатлари ўртасида келиб чиққан уруш БМТнинг Яқин Шарқдаги обрўсини тушириб юборди. Доминикан Республикасида, Яқин Шарқда ва Чехословакияда бўлиб ўтган инқирозлар, Вьетнам ва Ямандаги урушлар, Нигериядаги фуқаролар урушларида давлатларнинг бир-бирларига нисбатан осойишта туришлари ўткинчи ҳолат эканини кўрсатди. Мана шундай шароитда Қўшилмаслик ҳаракати жаҳон муносабатларида катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳаракат давлатларнинг халқаро ташкилотларидан бири бўлиб, уларнинг ташқи сиёсатдаги муҳим принципларидан бири қудратли давлатларнинг ҳарбий-сиёсий блокларига аъзо бўлмаслик гояларини илгари сураб эди. Қўшилмаслик ҳаракати аъзоларининг олий даражадаги биринчи конференцияси 1961 йил сентябр ойининг бошларида Белградда бўлиб ўтди. Унда 25 та давлат иштирок этиб, бу конференция Югославия, Ҳиндистон, Миср, Индонезия ва Гана давлатларининг ташаббуси билан чақирилган эди. Кейинги ўн йилликлар давомида ҳаракатнинг таркиби ва жўғрофий кўлами ўсиб борди. Натижада 1983 йилга келиб Қўшилмаслик ҳаракати сафидаги аъзо давлатлар сони 101 тага етди. Жаҳон мамлакатларининг 2/3 қисмини бирлаштирган бу ҳаракат дунёда тинчликни сақлаш, давлатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда жаҳон сиёсатининг муҳим омилларидан бирига айланди.

Япониянинг, аста-секинлик билан бўлса-да, қудратли иқтисодий давлатга айлана бориши ва ОПЕК (нефтни қазиб олувчи давлатлар

ташкilotи)нинг ташкил топиши ва унга аъзо бўлган давлатлар ривожланган давлатларнинг иқтисодий диктатидан озод бўлишни мақсад қилиб қўйиши икки кутбли сиёсат схемасига бир қатор ўзгартиришларни киритди. Шу билан бир вақтда, дунё валюта тизими ҳам вайрон бўла бошлади ва охир-оқибатда 1971 йили бреттонвуд жаҳон валюта тизими ҳамда Америка долларининг олтин стандарти ҳам инқирозга юз тутди. Долларнинг халқаро ҳисоб-китоб ишларида валюта сифатида қўлланилишидан маҳрум бўлиши АҚШнинг дунё молия бозорларидаги обрўсининг тушиб кетишига сабаб бўлди.

Жаҳондаги икки кутблилик тизимига Ғарбнинг ривожланган давлатларида қайта тугилган миллатчилик ғоялари ҳам путур етказган эди. Францияда ташкил топган Бешинчи республиканинг асосчиси ва етакчиси генерал Ш. де Голл бутун жаҳон аҳлига Франциянинг миллий буюклигини эълон қилди ва француз ташқи сиёсий стратегиясининг асосини унинг геосиёсий мустақиллигини таъминлашда деб белгилади. Бу йўналишнинг изчил амалга оширила бориши Франция—Америка муносабатларининг жиддий кескинлашишига олиб келди ва натижада Франция 60- йилларнинг ўрталарида НАТО ҳарбий ташкilotидан чиқиб кетди. Шу билан бир вақтда, Франциянинг учинчи дунё давлатлари орасидаги пуффузи охирига кетди.

Нихоят, икки кутбли тизимнинг заифлашувига АҚШ ва СССРнинг “тинкаси қуриши” ҳам асосий сабаблардан бири бўлди. Чунки салкам ярим аср вақт мобайнида ҳарбий, иқтисодий, сиёсий ва ғоявий соҳаларда олиб борилган рақобат ҳар иккала давлатни ҳам ҳолдан тойдирган эди. Қудратли давлатлар томонидан олиб борилган қуролланиш пойғаси натижасида ҳарбий салоҳият мислсиз ортган бўлса-да, бу ҳолат иқтисодий ўсиш суръатларини кескин камайтирди. Фуқаролик, илмий-техника ва бошқа соҳаларда тургунликка сабаб бўлди. Шу билан бирга, айрим “бетараф” давлатларнинг, шунингдек, АҚШ ва СССР иттифоқчиларининг халқаро майдондаги нуфузи, иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятларининг ортиш тенденцияси ҳам сезилиб қолди. 70- йилларда юзага келган томонларнинг тенглигини инобатга олиб, тотал қарама-қаршиликлардан воз кечишга мажбур бўлишди. Улар айрим жаҳонларда, жумладан, ҳарбий хавфсизликни таъминлаш соҳасида бир битимга келишга мажбур эдилар. Жаҳон сиёсатининг асосий масалалари икки кутбли тизим доирасида бартараф этиб келинган бўлса-да, жаҳон ҳамжамятини жипслаштириш ва интеграция жараёнлари ҳам кучая бошлади.

2- §. Жаҳон сиёсатида Марказга интилиш тенденцияларининг кучайиши

Интеграцион жараёнар

XX асрнинг иккинчи ярми иқтисодий ва сиёсий тенденциянинг ўсиши билан характерланади. Бу ҳол, биринчи галда, бир қатор ҳукуматлараро ва ноҳукуматлараро халқаро ташкилотларнинг тузилиши билан ифодаланади. Агар Иккинчи жаҳон урушига қадар бундай ташкилотлар сони бир неча ўнтани ташкил этган бўлса, ҳозирги даврда биринчи турдаги ташкилотларнинг сони бир неча юзтани, иккинчи турдаги ташкилотлар эса деярли 2500 тани ташкил этади. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг, бироз вақт ўтар-ўтмас БМТ, НАТО, ГАТТ, ХВФ, Жаҳон банклари ташкил топган бўлса, Европа Иттифоқи, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ОЭСР) ва ҳозирги даврда фаолиятлари тўхтатилган ЎИЁК ва Варшава Шартномасига пойдевор қўйилган эди.

Ҳозирги замонавий дунёда давлатлар гуруҳлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, Европа Иттифоқи, Америка Давлатлари Ташкилоти, Нефтни экспорт қиладиган давлатлар ташкилоти (ОПЕК), Африка Бирлиги Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилотлари муҳим роль ўйнамоқда. АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари аъзо бўлиб кирган Шимолий Америка минтақасидаги эркин савдо зонаси (НАФТА)ни ташкил этиш ниҳоясига етди. 1989 йилда Осиё-Тинч океани Иқтисодий Кенгаши (АПЕК) ташкил топди. Осиё Тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) ва бошқа иттифоклар ҳамда бирлашмалар муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Бундай ташкилотларнинг сони доимо ортиб бормоқда, фаолият юргизаётган ташкилотларнинг функциялари эса кенгаймоқда. Турли давлатларнинг сиёсий партиялари ўртасидаги транснационал ҳамкорликлари кенг кўламда фаолият юргизмоқда. Гоявий нуқтаи назарлари бир-бирига мос келадиган партияларнинг раҳбарлари партияларга халқаро тус беришга, уларни халқаро майдонда жипс-лаштириш ва координация қилишга ҳаракат қилишмоқда. Бунга шу ҳолат гувоҳлик берадики, 1961 йилда таркибига турли давлатлардаги центристлик партияларни ўз ичига олган Бутунжаҳон христиан

Демократик Иттифоки ташкил топган эди. 1983 йилда Ғарбий Европа давлатларидаги Консерватив партияларни, АҚШнинг Республикачилар партиясини, Япониянинг Либерал-демократик партияси ва Австралия консерваторларини бирлаштирган Халқаро Демократик Иттифок ҳам ташкил топган эди.

Ҳозирги давр жаҳон сиёсатидаги асосий омиллардан бири сифатида ҳар йили ўтказиб туриладиган “Катта саккизлик” йигинларини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. “Катта саккизлик”ка АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Япония, Италия, Канада ва Россия каби индустриал жихатдан тараққий этган давлатлар кириб, бу давлатларнинг бошлиқлари ҳар йили иқтисодий ва ташқи сиёсатнинг муҳим масалалари юзасидан фикрлашиб, муаммоларни бартараф қилиш учун тўпланади. Саккизликнинг бу йигинларида асосий диққат-эътибор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ташқи иқтисодий алоқалардаги издан чиққан мувозанатни тиклаш, инфляция, ишсизлик ва бошқа муаммоларга эътибор берилади. Ҳарбий-стратегик, ташқи сиёсий ва бошқа масалалар ҳам муҳим ўрин тутуди.

Европадаги интеграцион жараёнлар бошқа ҳудудлардагига нисбатан муваффақиятли кечди. 1948 йилга келиб Франция, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург ўртасида “Брюссел Пакти” (“Ғарбий Иттифок”) деб ном олган ҳужжат имзоланган бўлиб, бу Шартнома ҳарбий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилишни кўзда тутган эди. Ўша йилнинг май ойида Европани бирлаштириш ғоясини илгари сурган Гаага Конгресси бўлиб ўтди. 1949 йилда Европа Кенгаши ташкил топди. Европа Кенгаши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Европа қитъасида қонун устуворлиги ва Парламентар-демократияни таъминлаш, Европа давлатлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва “умумевропавий оғ”ни шакллантириш каби масалаларга ўз диққат-эътиборини қаратди. Натижада Буюк Британия Европадаги интеграцион жараёнлардан маълум бир муддатга узоклашган бўлса, ГФР эса жараённинг фаол иштирокчисига айланди. Ғарбий Европа интеграциясидаги сиёсий йўналиш ўрнига, иқтисодий йўналишга асосий диққат-эътибор қаратилди. 1951 йилга келиб Франция Ташқи ишлар вазир Шуман ташаббуси билан Европанинг Кўмир ва Пўлат Бирлашмаси (ЕКПБ) ташкил топди. Бу ташкилотга Франция, ГФР, Италия ва Бенилюкс давлатлари аъзо бўлиб кирди. ЕКПБ бу стратегик соҳанинг хомашёси ва маҳсулотининг умумий бозорини вужудга келтирди. Шу таш-

килот доирасида миллатлар устидан бошқарувнинг механизми муваффақиятли синовдан ўтди. 1957 йилда “олтилик” ЕКПБ базасида Европа Иқтисодий Ҳамжамиятини тузиш тўғрисида Рим Келишувларини имзолади. Бу ташкилот аъзо давлатларнинг иқтисодий тизимини интеграция қилиш жараёнларига эътибор қаратди. ЕИҲ доирасида бир қатор Халқаро институтлар – Кенгаш (министрлар даражасида аъзо давлатнинг вето бериш ҳуқуқини координация қиладиган олий орган), Комиссия (асосий йжро этувчи орган), Ассамблея (консультатив орган, кейинчалик Европарламент деб аталган) ва Суд (Олий арбитраж суд) ташкил этилди.

Дастлаб ЕИҲга аъзо бўлган давлатларнинг сиёсий суверенитети тўла сақланиб қолгани ҳолда, интеграциянинг асосий йўналишлари сифатида божхона божларидан аста-секинлик билан воз кечиш, молиявий қонунчиликни бир хиллаштириш ва ягона аграр сиёсатни олиб бориш кабилар белгилаб олинди. Бу вазифалар деярли 1968 йилга келганда бажариб бўлинган эди. 60- йилларнинг охирига келиб Ғарбий Европа интеграцияси жараёнларининг иккинчи босқичи бошланган эди. 1969 йилда “олтилик” давлат раҳбарларининг Гаагадаги йнгилишида Франция Президенти Ж. Помпиду “Интеграцияни ниҳоясига етказиш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш” Дастурини илгари сурди. Шу Дастур доирасида 1972 йилда ЕИҲни кенгайтириш амалга оширилди. Ҳамжамият таркибига Буюк Британия, Ирландия ва Дания кирди. Бу жараён тўхтаб қолмади ва кейинчалик яна Испания, Португалия ва Греция, 1995 йилнинг 1 январидан эса Австрия, Швеция ва Финляндия ҳам қўшилди. 2007 йил январига келиб Европа Иттифоқи аъзоларининг сони 27 тага етди. 2010 йилга келиб эса ЕИҲ давлатлари сони 28 тага етди. 70- йилларнинг бошларидан Валюта Иттифоқини ташкил этиш ва ЕИҲ давлатларининг сиёсий интеграциясини мустаҳкамлаш юзасидан ҳам Дастурлар ишлаб чиқилган эди. 2002 йилдан ЕИҲ давлатлари ягона пул бирлиги – еврога ўтдилар.

1974 йилда рўй берган иқтисодий инқироз ва шундан сўнг Ғарб давлатларининг бутун иқтисодий ва технологик механизмларида рўй берган чуқур трансформациялар туфайли интеграция жараёнларида сусайиш аломатлари сезилди. Шундай бўлса-да, 70- йиллар мобайнида ЕИҲнинг қишлоқ хўжалигидаги сиёсатини (“Яшил Европа” Дастури) янада мустаҳкамлашга, Европада ягона ҳисоб-китоб бирлиги (ЭКЮ)ни жорий этишга ва миллий валюталар курсларининг

Ўзгаришини координация қилиш амалиётини татбиқ этиш каби масалаларнинг асосларини мустаҳкамлашга эришилди. 70–80- йиллар мобайнида ЕИХга аъзо давлатларнинг технология соҳасидаги ҳамкорлиги кўзга кўринарли даражада тараққий этди. ФАСТ (технологик тараққиётни прогнозлаштириш соҳасида), ЭСПРИТ (ахборотлаштириш тизими соҳасида) ва “Эврика” (иктисодиётнинг асосий соҳаларида технологик ривожлантиришнинг комплекс интеграцияси) Дастурларини амалда татбиқ этиш Фарбий Европанинг жаҳоннинг илгор марказларидан бирига айланишига имконият яратди.

70- йилларнинг охирларига келиб сиёсий интеграция соҳасида ҳам кўзга кўринган ўзгаришлар юз берди. ЕИХ Кенгашининг нуфузи анча ортди. Кенгаш ишида, асосан, Ҳамжамиятга аъзо давлатларнинг ҳукумат ва давлат раҳбарлари иштирок эта бошлаган эди. 1978 йилдан бошлаб Европарламентга тўғридан-тўғри сайловларнинг ўтказила бошлаши унинг халқаро ташкилот сифатидаги статусини янада ошириб юборди. Юкорида ўтказилган тadbирлар 80- йилларнинг биринчи ярмига келиб принципиал жиҳатдан интеграциянинг янги босқичи – Европа Иттифоқини шакллантиришга пойдевор яратди. Ҳамжамиятнинг структуравий жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун бир қатор тadbирларни амалга ошириш жараёнлари ниҳоятда оғир кечди. 1992 йилда Маастрихтда имзоланган Шартномагина Европа Иттифоқининг шаклланишида муҳим кадам бўлди. Маастрихт Шартномасининг асосий мақсади иктисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ахборот ва маданий соҳаларни бирлаштирган ягона мақонни ташкил этишдан иборат эди.

1993 йилнинг 1 январидан бошлаб ЕИ ҳудудларида яшайтган 350 млн дан ортиқ европаликларга ЕИга аъзо давлатлар ҳудудларида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи берилди. Хизмат кўрсатиш, маҳсулот ва сармоянинг ягона бозори шаклланди. Ҳукуматлар қонунчиликни босқичма-босқич ягоналаштиришни бошлаб юборди. Яқин келажакда валюта тизимларини батамом бирлаштириш, ЕИ фуқароларининг ягона институтини ташкил этиш, Европа давлатларининг ҳарбий-сиёсий жиҳатдан яқинлашуви ва хавфсизлик тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича бир қатор тadbирларни ўтказиш режалаштириб қўйилган эди. Маастрихт Шартномаси ЕИнинг кейинги йилларда ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб берган эди.

БМТнинг фаолияти

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда жаҳон ҳамжамиятини шакллантириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришда БМТ муҳим аҳамият касб этди. Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган даврдаёқ Миллатлар Лигасидан фаркли ўлароқ жаҳонда халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлаб туришга қодир бўлган халқаро ташкилотни тузишга ҳаракат бошланган эди. Бу саволга яқин жавоб 1945 йилнинг апрелида бўлиб ўтган Сан-Францискодаги халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)ни тузиш ва унинг Низомини ишлаб чиқишга Қарор қабул қилинди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда халқаро ҳаётнинг турли жабҳаларида фаол қатнашган бир қатор янги ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар тузилди. 1948 йилда БМТнинг Маданият ва фанни юксалтириш муаммолари билан шуғулланувчи ихтисослашган ташкилоти – ЮНЕСКО ташкил этилди.

Энергетика ва хомашёга оид муаммоларни ҳал этишда халқаро ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади. Булар орасида ядровий қуролларининг тарқалишини олдини олиш ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишни назорат қилиш билан шуғулланувчи БМТнинг Атом энергияси бўйича Халқаро Агентлиги – МАГАТЭ муҳим ўрин эгаллайди.

БМТнинг сўай-ҳаракати билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳозирги даврда халқаро сиёсатнинг асосий масалаларидан бирига айланди. Тўғри, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Концепцияси жаҳон сиёсати учун янгилик эмас эди. XX аср мобайнида бу Концепцияни амалга ошириш учун жуда кўплаб ижтимоий ва сиёсий партиялар ҳамда ташкилотлар у ёки бу шаклда уриниб кўришган. Бу курашлар 1948 йилда БМТ Бош Ассамблеясида “Инсон ҳуқуқлари бутун Умумжаҳон Декларацияси”нинг қабул қилиниши билан ўзининг маънавий яқинига етди. Аммо, шундай бўлса-да, инсон ҳуқуқлари муаммоси XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида ниҳоятда кўп муҳокама қилинди.

БМТ ривожланаётган давлатларнинг иктисодий муаммоларини бартараф қилишга катта эътибор билан қарамоқда. БМТ Бош Ассамблеяси 1974 йилда янги халқаро иктисодий тартибни жорий этишга доир Декларацияси ва Дастурини қабул қилди.

БМТнинг давлатлар ўртасидаги низолар ва уларни бартараф этиш

бўйича ўтказган тадбирлари ниҳоятда каттадир. 1948–1991 йиллар давомида тинчликни қўллаб-қувватлаш учун БМТ 23 та операцияни амалга оширди. БМТ Бош қотибнинг қўл остида танклар, юк ташувчи техника, сунъий йўлдошли алоқа воситалари ва бошқалар мавжуд бўлиб, кўпгина давлатлар ҳам бундай имкониятларга эга эмас. Ҳозирги даврда БМТ хизмати Ер шарининг хоҳлаган нуқтасида 50 минг чодир тика олади ёки 1 млн қочокни озиқ-овқат билан таъминлаш имкониятига эгадир. БМТнинг Озиқ-овқат Дастури хаттоки бутун бир давлат аҳолисининг ҳаётини сақлаб қолишга қодир. Бирок БМТнинг озиқ-овқат бўйича қўмағи кашшоқ давлатлардаги муаммоларни тўла бартараф этиш имкониятини бермайди. БМТнинг бу соҳадаги фаолиятини чеклаб турувчи сабаблардан бири бу молиявий кийинчиликлар ҳисобланади.

90- йилларда БМТнинг тинчликни ўрнатишга қаратилган фаолиятини Намибия ва Форс кўрфазидagi низоларни бартараф этишдаги сабъ-ҳаракатларида кўриш мумкин. 1990 йилда БМТ Қувайтга ҳужум қилган Ироққа қарши кўп миллатли ҳарбий кучлардан фойдаланишга санкция берди. Намибия можароси барча қарама-қарши томонларни музокаралар жараёнига тортиш орқали қон тўкилмасдан ижобий бартараф этилди. БМТ ўз олдига қўйган мажбуриятларни муваффақиятли адо этиб, ўтиш даврида мамлакатни бошқариш, Намибия ҳудудида тинчликни сақлаб туриш, эркин сайловларнинг ўтишини ва Ангола ҳамда Намибиядан чет эл ҳарбий кучларининг чиқарилишини назорат қилиш каби тадбирларда бошқош бўлди.

Аmmo, шу билан бирга, БМТ Либерия, Сомали, Руанда ва бошқа низоли зоналарда ўзининг заифлигини намоён этди. 2011 йил март ойида БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ливияда М. Каддафи режимига қарши санкция қўллаб, унда Ливия Ҳаво кучлари ҳаракатини чеклаб қўювчи қарор қабул қилди. Бирок у санкция чегарасидан чиқиб, НАТО блоки давлатлари томонидан Ливиянинг ҳаводан бомбардимон қилинишига айланиб кетди. БМТ қачонки буюк давлатлар бошчилигида низоларни бартараф этиш операцияларини ўтказган бўлса, бу тадбирлар ижобий ҳал этилди. Агар буюк давлатлар ўртасида келишувчилик йўқ экан, ҳар қандай тадбир муваффақиятсиз яқунланган. Баъзи ҳолларда БМТ томонидан санкциялаштирилган катта ҳарбий операциялар АҚШ қўмондонлиги остида амалга оширилган. Жумладан, Кореяда 1950–1953 йилларда, Ироқда 1990–1991, 2003 йил-

ларда, Сомалида 1992–1993 йилларда ва 1999 йилда Югославиядаги ҳарбий ҳаракатлар ҳамда 2001 йилдаги Афғонистонда “Толибонлар” ҳукуматига қарши ҳаракатлар АҚШ бошчилигида ўтказилган.

“Совуқ уруш”нинг тугаши

80- йилларнинг иккинчи ярми–90- йилларнинг бошлари СССР ва социалистик лагернинг таназзулга юз тутиши билан характерланади. Бу эса, ўз навбатида, “совуқ уруш” ва икки қутбли тизимнинг тугашига олиб келди. АҚШ ва, умуман, Ғарб СССР билан олиб борилган тарихий мусобақада ғалаба қозонганини тан олмай иложимиз йўқ. Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ғарб СССРни мағлубиятга учратолгани йўқ, у гўёки ўзига ўзи суиқасд уюштирди.

“Монд” номли француз газетасининг мухбири “Берлин девори”нинг қулашини: “Бу-капитализмнинг коммунизм устидан сиртдан қозонган ғалабаси”, – деб баҳолаган эди. Ҳақиқатан ҳам, СССР сиртдан ўлимга маҳкум этилган эди. Агар Совет Иттифоқининг раҳбарлари ислохотлар йўлига ўтмай, мавжуд тизимни сақлаб қолнишга ҳаракат қилганларида эди, ким билади, яна қанча куч ва ресурслар беҳуда сарфланар эди? Жаҳонда геосиёсий вазият радикал ўзгаришга ва юзага келган бошқа омиллар натижасида “совуқ уруш” табиий жиҳатдан ҳалокатга юз тутди.

АҚШ ва СССРнинг “совуқ уруш” сиёсатининг тугашидаги хизматларини таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳар икки томон ҳам “совуқ уруш”нинг ниҳоясига етишига улкан ҳисса қўшган. “Совуқ уруш” сиёсатининг тугаши 60- йилларнинг бошларида ҳар иккала давлатнинг муносабатларида кўзга кўриниб қолган тенденциялар ечимининг кульминацион жиҳатдан ўз ниҳоясига етганлигини билдирар эди. Бу вақтга келиб, 70–80- йилларда жамият базасининг технологик ва иқтисодий жиҳатдан чуқур трансформацияга тушиб қолган босқичида жаҳон сахнасидаги давлатларнинг нуфузи ва кучларининг тақсимотида бир қатор силжишлар рўй берди.

Ҳар қандай тарихий давр сингари ядро-космик даври ҳам ўзига хос қонунларга эга. Бу қонуниятларнинг асосида давлат ва халқларнинг қарама-қаршилиги ва кураши ўзаро боғлиқлигида объектив тенденцияларнинг ўсиши билан бирга намоён бўлади. Илмий-техника тараққиёти Ер шарида мавжуд бўлган жуда кўплаб давлатлар ва халқларнинг ҳаёти учун муҳим бўлган географик

омилларнинг сифат жихатидан ўзгаришига сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида, ҳукуматларнинг миллий хавфсизлигига доир аъло навий тушунчаларга кўзга кўринарли ўзгаришлар киритди. Ядровий қурооллар ва уларни Ер шарининг хоҳлаган нуқтасига етказиб бера оладиган техника воситаларининг яратилиши географик омилларнинг аҳамиятини йўққа чиқарди. Авваллари давлатлар хавфсизлиги учун кўмак берувчи географик (тоғ, сув ва бошқалар) тўсиқларнинг эндиликда ҳеч қандай аҳамияти қолмади.

Атлантика ва Тинч океанлари АКШни, умуман, бутун Ғарбий ярим шарни кўҳна дунё давлатларининг ҳужумидан ҳимоя қилувчи улкан табиий тўсиқ сифатидаги ролдан маҳрум қилди. Натижада улар дастлабки даврларда характерли бўлган геосиёсий муҳофаа аҳамиятини йўқотди. “Фронт чизиғи” тушунчасининг шу вақтгача аъло навий ҳисоблаб келинган мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Масалан, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари бевосита уруш ҳаракатларида фаол қатнашмаган америкаликлар учун қаердадир, узоқ Европада бўлиб ўтган бўлса, эндиликда жараёнлар бошқача тус олиши мумкин. Ҳозирги даврда ҳарбий техника имкониятлари шу даражада юқорики, ҳарбий ҳаракатларнинг илк соати ва ҳаттоки дастлабки дақиқаларидаёқ Америка қитъасининг марказий ҳудудлари ядровий қаллақчаларнинг нишонли остида қолиш хавфи ниҳоятда юқоридир. Ядровий ракета қуроолари гўёки унга эга бўлган давлатларнинг бир-биридан қанча масофадалигидан, географик жойлашуви, аҳолисининг сони, иқлим хусусиятлари ва бошқалардан қатъи назар қучлар нисбатини тенглаштириб туради. Ҳозирги даврда космик ва ҳаво кенглиги ҳарбий-сиёсий нуқтаи назардан қуруқлик ва денгиздан кам аҳамият касб этмайди. Марказ ва чекка қирғоқбўйи ва ички ҳудудлар, денгизбўйи ва қитъаларда жойлашган халқлар ҳамда давлатлар ўртасидаги нисбат тубдан ўзгармоқда. Ахборот, технологик ва иқтисодий янги транснационал шакллари пайдо бўлмоқда. Замонавий технологияларнинг ҳаётга кириб келиш кучи шу қадар қудратлики, ҳар қандай чегаралар, тўсиқлар, деворлар, пардалар ва чоҳлар бу жараёнга бардош бера олмайди.

Барча халқларнинг асосий иқтисодий, миллий ва бошқа манфаатлари ягона умуминсоний манфаатларга боғланиб жипслашмоқда. Ҳозирги даврга келиб ҳеч қайси бир халқ ва давлат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда ўзаро муносабатлар ўрнатмасдан туриб яшай ҳам олмайди ва ривожлана ҳам олмайди. Масалан, доимо

“анъанавий” ҳисобланиб келинган вабо, ўлат ва терлама каби касалликларни лозим бўлган чора-тадбирларни кўриб, миллий-ҳукумат чегаралари доирасида бартараф қилиш мумкин бўлса-да, бироқ “XX аср вабоси” ҳисобланган СПИДни ҳозирча шу тариқа жилволашнинг имконияти топилган эмас. Инсонларни кўзга кўринмасдан ўлдирадиган радиация на тўсиқларни ва на миллий-давлат чегараларини тан олади.

Шу ва шунга ўхшаш феноменлар инсонларни онгли равишда бирлашишга мажбур қилмоқда. Аммо давлатлар орасидаги ўзаро муносабатлар, асосан, улар бир-бирларини қандай кўришлари ва қабул қилишларига қараб белгиланади. Уруш ҳаракатларининг олдини олиш ва қуролланиш пойгасини чеклашга доир музокараларнинг муваффақияли ёки муваффақитсиз бориши, халқаро вазиятнинг кескинлашиши ва заифлашиши шуларга боғлиқ. Асосан, урушдан кейинги даврга хос бўлган қуролланиш пойгаси халқларнинг бир-бирига душманлиги ва ишончсизлиги оқибатида келиб чиққан унсурдир. Бу ишончсизлик эса, ўз навбатида, сиёсий-иқтисодий низолар ва зиддиятларнинг ўзаги эди.

Шу сабабли Ғарб ва Шарқ ўртасидаги ҳарбий-сиёсий қарама-қаршилик ҳамда қуролланиш пойгасига барҳам бериб, амалий мулоқот ва ҳамкорлик йўлига ўтиш учун душман қиёфасини демонтаж (қисмларга ажратиш) қилиш, таҳдидга асосланган ва қарама-қарши зиддиятлар тилини мулоқот ва келишувчилик тилига айлантириш мақсадга мувофиқ эди.

Бугун инсоният тарихи давомида у ёки бу давлатларнинг хавфсизлик даражаси, нуфузи ва куч-қудратини белгилаб берувчи ҳарбий-сиёсий стратегияси давлат ихтиёрида мавжуд бўлган қурол-яроғлар сони ва сифатига боғлиқ деган гоёлар ҳукмрон эди. Ядро қуроли, айниқса, ҳарбий-сиёсий тенглик шароитида юқоридаги постулатларни йўққа чиқарди. Урушлар – сиёсий мақсадларга эришиш учун қурол кучи ёрдамида амалга оширилган сиёсий қарорлар натижасидир. Илгари урушларга сиёсатнинг тўлақонли воситаларидан бири сифатида қаралар эди. XIX асрда яшаган пруссиялик машҳур ҳарбий назариётчи Клаузевиц: “Уруш – бу сиёсатнинг бошқа воситалар билан давом эттирилишидир”, – деган фикрни илгари сурган. Ракета-ядро қуроли маълум бир даражада сиёсат билан уруш оралиғидаги алоқага раҳна солди. Чунки халқаро сахнадаги миллий манфаатларни ҳимоя қилишни илгари сурган онгли сиёсат инсони-

ятни йўқ қилиб юборишга қодир бўлган ядро қуролини ишлаштиришга йўл қўймайди.

“Совуқ уруш” даврида ядро қуроли икки қудратли давлатнинг ўзаро тажовузкорлигини тўхтатиб туришга хизмат қилган зарур воқеа бўлиш билан бир қаторда, иккинчи томондан эса, уларга ўз имкониятларини намойиш қилишга йўл қўймади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ядро қуроли монополиясига эга бўлиб олган АҚШ СССРни ўз сиёсий стратегиясидан воз кечишга мажбур қилолмади. Бундан ташқари, 1945–1949 йилларда СССР ва Хитойнинг халқаро майдондаги нуфузи анча ошди. АҚШ эса ўзининг атом қуроли билан бу жараёнга тўсқинлик қилолмади. Ядро қуроли Корея ва Вьетнам урушларининг бориши ва натижаларига ҳам жиддий таъсир кўрсата олмади.

Франция ядро қуролига эга бўлган ҳолда ҳам, 50- йилларнинг охири–60- йилларнинг бошларида Жазоирдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. АҚШ билан Вьетнамда шундай ҳолат юз берди. 1982 йилда Аргентина Буюк Британиянинг ҳам ядро қуролига эга эканлигини эътиборга олмай, уруш ҳаракатларини бошлади. Совет Иттифоқи афғон урушида ўзини худди ядро қуроли нима эканлигини билмагандай тутди. Ядро қуроли СССР ва Варшава Шартномасининг таназулга юз тутишини ҳам тўхтатиб қола олмади.

Бу мисолларнинг барчаси икки қудратли давлат ва ҳарбий-сиёсий блокларнинг ўзаро муносабатларида ўзига хос ядровий тийилиб туришга амал қилишга интилганларини билдиради. 1961 йил БМТ Бош Ассамблеяси “Ядровий қуролларни қўлламаслик тўғрисида”ги Резолюцияни қабул қилди. Бунга ядро қуролини қўллаш тинч аҳоли ўртасида катта қурбонлар бўлишга олиб келиши ва бу эса, ўз навбатида, халқаро ҳуқуқ ва умуминсоний меъёрларга зид келиши асос қилиб олинган эди. Аста-секинлик билан Ғарб ва Шарқ блоклари раҳбарлари дунёкарашида ядровий урушлардан қочиш зарурлиги мустаҳкамланиб борди. Ўзининг тажовузкор баёнотлари билан танилган АҚШ Президенти Р. Рейган 1984 йил 25 январда Конгрессга йўллаган “Мамлакатдаги вазият тўғрисида” номли хатида: “Урушда галаба қозониб бўлмайди ва у ҳеч қачон бошланмаслиги керак”, – деб Баёнот берди.

Совет Иттифоқи ҳам ядро асрининг бошлариданоқ ўзининг расмий Декларацияларида ядро қуролини тўла таъқиқлаш тарафдори эканлигини таъкидлаб келган. Ҳаттоки капиталистларни “Биз сизларни кўмамитиз”, – деб огоҳлантирган Н. С. Хрушчев ҳам ядро

қуролини қўллашга қарши бўлган. Жумладан, у: “Агар ядро уруши бошланса, тириклар ўликларга ҳавас қилади”, – деб айтган эди.

Бошқача қилиб айтганда, ядро қуролининг ихтиро этилиши билан энди бу қуроллар нафақат уруш олиб боришнинг янги воситалари ва ҳарбий куч-қудратнинг ошишини билдирар, балки инсониятнинг “охир замон” тўғрисидаги апокалиптик (христианларнинг “охир замон” ҳақидаги ривоятларини ўз ичига олган диний китоби) афсонасининг реал воқеликка айланиш хавфи борлигини яққол кўрсатиб берди. Ядро қуролининг ихтиро этилиши ҳарбий санъат меъёр ва принципларининг тубдан ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилга айланди. Шу сабабли бирон-бир илғор фикрловчи сиёсий арбоб инсониятнинг маъжудлигига реал хавф соладиган фикрларни илгари суриш билан таваккал қилишга ҳаққи йўқ. Бу борада рақобатлашаётган қудратли давлатлар ўзаро рақиб бўлишдан ташқари, бир вақтнинг ўзида Ер юзида ҳаётни ва тинчликни сақлаш бўйича шериклик қилишга мажбурдирлар. Лекин бу билан ядро қуроли умуман сиёсий муаммоларни ҳал қилишга қўмақ беролмайдиган восита деган фикрни илгари сура олмаймиз. У давлатнинг ҳарбий куч-қудратиши кўрсатувчи даража сифатидаги сиёсий аҳамиятини йўқотмаган. Бу ҳол сиёсий мақсадларни амалга оширишда ядро қуролидан ҳарбий куч сифатида фойдаланиш ва фойдаланиш таҳдиди принциpidан воз кечилади деган нарсани билдирмайди. 1962 йил кузида АҚШ ва СССР ўртасида юзага келган ядро-ракета инкирозини замонавий жаҳон тарихидаги бурилиш нуқтаси деб ҳисоблаш мумкин. Бу инкироз натижасида ҳар иккала рақиб давлат ядро қуролини қўллаш катта фожеага сабаб бўлишини ва бутунжаҳон фожеаси олдини олиш муҳим масала эканлигини яққол ҳис қилдилар. Шу сабабли бу инкирозни жаҳонда халқаро тинчликни юмшатиш учун бошланган жараёнларнинг дебочаси деб ишонч билан айтиш мумкин.

1963 йил августида СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари ўртасида уч йўналишда: атмосфера, космик кенглик ва сув остида ядровий синовларни ўтказишни таъқиқлаб қўювчи Шартнома имзоланди. 1968 йилда эса “Ядро қуролиларини тарқатмаслик тўғрисида”ги Шартнома имзоланди. Дастлаб, бу Шартнома матнини 62 та давлат имзолаган бўлса, эндиликда бу давлатлар сони 100 га яқинлашиб қолди.

Ядросиз ҳудудларни ташкил этиш ғояси илгари сурилди. Бу ҳудудлар ядровий низоларнинг пайдо бўлишини камайтириш ва шу ҳудудга кирган давлатларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун

муҳим кадам бўлди. Ядросиз ҳудудларни ташкил этишнинг асосий мақсадларидан бири бу 1968 йилда имзоланган “Ядро қуроолларини тарқатмаслик тўғрисида”ги Шартномада кўрсатилган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишга ёрдам беришдан иборат эди. Бу мазкур ҳудудларда ядро қуроолларни тўлиқ ва сўзсиз равишда қўлламасликни кўзда тутди. Ядровий давлатлар шу ҳудудга кирган давлатларга ядро қуроолларини тарқатмаслик, уларга қарши қўлламаслик ва ядро қуролига эга бўлишга интиланган давлатларга ёрдам бермаслик мажбуриятларини олдилар. 2009 йилга келиб Марказий Осиёни ядровий қурооллардан холи бўлган ҳудуд деб эълон қилиш тўғрисидаги Битим кучга кирди.

Шартнома имзоланганига қадар, 1959 йилда Антарктика ядро қуроли тарқатилмайдиган ҳудуд деб эълон қилинган эди. Бу амалда Ер юзиде биринчи ядросиз ҳудуд эди. Лотин Америкаси (Тлателолко Шартномаси) “Ядро қуролини таъқиқлаш тўғрисида”ги 1967 йилги Шартнома ва унга илова қилинган I ва II Протоколларга биноан ядросиз ҳудуд деб эълон қилинди.

60- йилларнинг охирига келиб СССР–АҚШ ўртасида стратегик қуроолларни чеклаш бўйича, сўнгра СССР ва ГФР ўртасида муносабатларни яхшилаш ҳақида музокаралари бошланди. СССР ва ГФР муносабатларда фикрларнинг бир-бирига яқинлашуви Европада ва, умуман, жаҳонда халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга катта туртки бўлди. Натижада 1970 йил 12 августда икки давлат ўртасида Тинчлик Шартномаси имзоланди. Бу Шартномага кўра, Ғарбий Германия урушдан кейин Европада вужудга келган давлат чегараларининг бузилмас чегаралар эканлигини тан олди ва чегараларнинг ўзгаришини талаб қилувчи реваншистик талабларидан воз кечди. Юқоридаги ижобий силжишлар туфайли 1971 йилда СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция давлатлари ўртасида Берлин масаласи бўйича “тўрт томонлама” Шартнома имзоланди. Натижада, ГФР ва ГДР ўртасида ҳам музокаралар бошлаш имконияти туғилди. Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасида 1972 йилда “Ракетага қарши мудофаа чоралар тўғрисида”ги Шартнома имзоланди ва бу муҳим аҳамият касб этди. Буларнинг бари икки давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ва кескинликни юмшатишга хизмат қиладиган стратегик ҳужум қуроолларини чеклашга доир шартномаларнинг имзоланишига ҳам йўл очиб берди.

1975 йил 30 июлдан 1 августгача Хельсинкида халқаро муносабатларни яхшилаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб эта-

диган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишида 35 та давлат иштирок этди. Кенгашда қабул қилинган Якуловчи Актда урушдан кейинги даврда Европа чегараларининг ўзгармаслиги ва дахлсизлиги, низоли муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда бошқа принциплар қабул қилинди.

1985 йилга келиб СССРда қайта куришнинг бошланиши билан халқаро муносабатларда ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. 1989 йилда Мальтада Ж. Буш ва М. С. Горбачев ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Шу учрашув дефакто, яъни “совуқ уруш” сиёсатининг батамом тугаганлиги билан аҳамиятлидир. Сўнгра жаҳонда бир катор тарихий воқеаларнинг бўлиши халқаро муносабатларнинг моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. 1991 йилда икки рақиб лагернинг “темир парда”си ва рамзи ҳисобланган “Берлин дёвори”нинг кулаши, Варшава Шартномаси, ЎИЁК тугатилиши, социалистик ҳамкорликнинг барҳам топиши, СССРнинг парчаланиши, Шарқий Европа мамлакатларида бўлиб ўтган “инкилобий ўзгаришлар” ва коммунистик режимларнинг тугаши, Германиянинг қўшилиши, Чехословакиянинг Чехия ва Словакия давлатларига бўлиниб кетиши, Югославиянинг парчаланиб кетиши ва бошқалар катта тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеалар ҳисобланади.

3- §. Кўп қутбли дунёнинг кўринишлари

Икки қутбли дунёнинг тугаши АҚШнинг жаҳон сиёсатида яқка ҳукмронлигини билдирадими? “Совуқ уруш” сиёсатининг тугаши кун тартибига геосиёсий кучларнинг янги конфигурацияси (киёфа, кўриниш) масаласини қўйди. Бу эса, ўз навбатида, икки қутбли дунё тузилишининг ўзгартирилишини билдирар эди. «Дунё халқаро сиёсий сахнасида қудратли икки давлатлардан бирининг чиқиб кетиши АҚШнинг яқка ҳукмронлигига олиб келиши мумкинми?», деган савол муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ, шу ҳолатни ҳам эътиборга олиш керакки, юзага келган жараёнлар Россия ва АҚШнинг геосиёсий мавқеини кескин ўзгартириб юборди. “Совуқ уруш” даврининг бошланғич ўлчовлари янги шароитга мос келмай қолди. Ҳар бир давлат янги геосиёсий кенгликда ўз ўрнига эга бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Ғарбнинг баъзи бир ҳукмрон доиралари ҳозирги даврда АҚШ учун яқка ҳукмронликка эришиш ўта муҳим эмас, деб ҳисобламоқда.

Аммо яна бошқа бир ҳукмрон доиралари бу фикрга қарши чиқмоқда. АҚШнинг жаҳонда якка ҳокимлигини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида баъзи бир ҳукмрон доиралар НАТОдан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

НАТО, биринчи навбатда, икки қутбли сиёсий тизим даврида ҳарбий-сиёсий иттифок сифатида ташкил топган эди. “Совуқ уруш” ва Совет Иттифоқининг таназзулга юз тутиши оқибатида НАТОнинг асосий вазифалари ўз аҳамиятини йўқотди. Бироқ ғарбий давлатларнинг раҳбарлари ва, биринчи галда, АҚШ Ҳукумати НАТОни кенгайтириш ва ҳарбий куч-қудратини янада оширишга ҳаракат қилмоқда.

АҚШнинг дунёда етакчилиكنи сақлаб қолишга интилиши, халқаро ташкилотларга ўз таъйинини ўтказишга ҳаракат қилиши жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Лекин ҳозирги “Америка омни”нинг кучайишига бошқа сабаб ҳам бор. Кўп асрлар давомда Америка мўъжизавий мамлакат мисоли озодлик ва эркинлик равиш топган давлат сифатида одамларни ўзига оҳанрабодай тортиб келган. Шимолий Америка қитъасининг тез ўзлаштирилиши, илғор индустрия ва қишлоқ хўжалигининг юксалиши, аҳолининг тўқин-сочин ҳаёт кечириши, кишилар наздида, бошқа халқ ва давлатлардан устунлигини кўрсатиб турар эди. Американинг эртами-кечми бошқа булок давлатлар каби таназзулга юз тутиши, барча миллатларга тенглашиш фикрини америкаликларнинг ўзи ҳазм қилолмайди. Ҳар қандай ғоя каби Америка ғояси ҳам ўз тараққиёт ва таназзул босқичларига эга. АҚШ “совуқ уруш” даврида ўзининг энг юлдузли даврини бошидан кечирган эди. Вашингтон учун тарих дарсларидан хулоса чиқариш, яккаҳокимликнинг заифлашувига қарши кескин чора-тадбирлар кўриш учун бир қатор ҳаракатлар қилинмоқда. Таниқли сиёсатшунос С. Хантингтон: “XX аср Америка асри эди, XXI аср ҳам Америка асри бўлади”, – деб, бу идеологиянинг базасини белгилаб берди.

Бу масаланинг моддий, ғоявий, психологик ва геосиёсий пойдеворга эга эканлигини америкаликлар қатъий ишонч билан билдиради. АҚШ нинг собиқ рақиби СССР таназзулга юз тутиб, тарих саҳнасидан йўқолиб кетган бўлса, АҚШ эса ўз тараққиётининг юксак чўққисига чиқди. АҚШ ҳозирги даврда иктисодий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан энг қудратли давлат ҳисобланади ва бу ўринни ҳали-бери биронта давлатга топшириш нияти йўқ. Аммо реал вазиятни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, бир давлат, у қанчалик қудратли бўлмасин, муаммо ва низоларга тўла дунёни якка ўзи

бошқара олмаслиги маълум бўлиб қолмоқда. АҚШнинг жаҳондаги жараёнларни яқка ўзи идора эта олишига қарши чиқадиган ўйлаб омиллар кўзга ташланиб турибди. Бундан ташқари, ҳозирги даврга келиб «буюк давлат» тушунчасининг моҳияти ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда.

“Совук уруш” сабоқлари

XX аср халқаро сиёсатига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги учта катта сиёсий воқеа асрнинг умумий манзарасини белгилаб беради:

Биринчиси, аср бошида рўй берган Биринчи жаҳон уруши; дунёнинг олтидан бир қисмида большевиклар томонидан тоталитар давлатнинг “социалистик революция” ниқоби остида ўрнатилишидир.

Иккинчиси, 1941–1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушининг юз бериши; кучлар нисбатининг ўзгариши; “большевиклар” таъсирининг Ғарбий Европага етиб бориши; Шарқий Европа давлатларига социалистик ғояларнинг, иттифоқчи бошқарув усулининг тикиштирилиши; Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЁК)нинг пайдо бўлиши, ушбу жараёнларни ҳимоялаш мақсадида Варшава Шартномасининг имзоланиши; Европада эса НАТОнинг тузилиши; “совук уруш” даврининг бошланиши билан тавсифланади.

Учинчиси, XX асрнинг 80- йилларига келиб “совук уруш” даврининг тугаши; социалистик тизимнинг, ЎИЁК ва Варшава Шартномаси таъсирининг йўқолиши; жаҳон хавфсизлик тизимининг ўзгариши; дунёнинг турли бурчакларида оловли нуқталарнинг юзга келиши, кучлар мутаносиблигининг ўзгариши, жаҳон хавфсизлик тизимида янги таҳдидлар пайдо бўлишида кўринади.

XX аср жаҳон сиёсий муносабатларининг иккинчи босқичини Иккинчи жаҳон уруши ва унинг натижасида вужудга келган “совук уруш” даври белгилаб берди. Булар қуйидагиларда намоён бўлди: Биринчидан, Европада фашизм йўқотилди. Иккинчидан, Шарқий Европада СССРнинг зўравонлик сиёсати асосида социалистик давлатлар вужудга келди. Учинчидан эса, бу давлатларга, табиийки, социалистик ғоялар бошқарув усули ва иқтисодиётни тикиштириш бошланди.

Социалистик хўжалик тизимини вужудга келтириш, бошқариш ва иқтисодий алоқаларни уйғунлаштириш мақсадида ЎИЁК ташкилоти

пайдо бўлди. Аслида, бу ҳаракатларнинг остида дунё ҳукмронлигига интилиш, бутун Шарқий Европа давлатлари ресурсларини СССР манфаатига бўйсундириш гарази ётарди. Хуллас, Иккинчи жаҳон урушидан СССР ўз империясини майдон жиҳатидан янада кенгайтириб олди, жаҳон сиёсатида йирик давлат сифатида фаолият юргиза бошлади. Энг муҳими, бу давлат асосий эътиборни ўз империясини сақлаб қолишга қаратди. Бунинг учун “социализмдан коммунизм сари” жуда катта ҳажмда ғоявий кураш олиб борилди. Империяни сақлаб қолиш, иложи бўлса, кенгайтириш учун Варшава Шартномаси имзоланди ва бу билан социалистик лагерга кирувчи давлатларнинг ўзига хос ҳарбий-сиёсий блоки тузилди.

Иккинчи жаҳон уруши минтақа учун жаҳон сиёсатидаги Европа даврининг бутунлай тугашига сабаб бўлди. Эҳтимол, Иккинчи жаҳон урушида Германия галаба қилганида, унда Европанинг бутун дунёда устунлиги, Узоқ Шарқда эса Япониянинг минтақа етакчилигига олиб келган бўларди. Лекин уруш натижалари кучлар мутаносиблигининг кутилмаган ҳолатини кужудга келтирди: жаҳонда устунлик учун курашаётган икки йирик давлатнинг – АҚШ ва СССРнинг галабаси билан тугади. Бундан кейинги қарийб 45 йиллик жаҳон сиёсатини икки давлатнинг дунё ҳукмронлиги учун кураши (икки қутбли тизим ўртасидаги кураш) белгилаб берди.

“Совук уруш”даги асосий ҳолатлар куйидагиларда кўринди. Бир томондан йирик Ҳарбий-денгиз флотига эга бўлган Атлантика ва Тинч океанларида устунликка эга бўлган давлат билан Европадан Осиёгача бўлган улкан қуруқликдаги худудни ўзига қамраб олган СССР ўртасидаги кураш эди. Агар бу курашда кимда-ким галаба нашидасини сурса, ўша дунё устидан ҳукмронликка эришиши аниқ ва бунга ҳеч ким қаршилик қила олмас эди. Кураш шу даражага бориб етдики, иккала томон ҳам бутун дунёга ўзининг ғоявий асосларини тарқатишга ҳаракат қилди. Масалан, СССР ўз ғояларини Куба, Африканинг кўпчилик мамлакатлари, Яқин Шарқ давлатларига тарқатишга ва қўллашга ҳаракат қилди. Албатта, иккала томон ҳам ўзига қарам давлатлар устидан ҳокимиятни мустаҳкамлашда ўзининг мафкурасидан фойдаланди.

Лекин “совук уруш”нинг шундай ўзига хос томонлари бор эдики, бу ҳолатлар ҳеч қачон уларнинг устунликка эришишларига йўл бермади. Бу, авваламбор, XX асрдаги фан-техниканинг ривожланиши натижасида қирғин қуролилари (ядровий, бактериологик ва

кимёвий)нинг яратилиши ва юқоридаги давлатларнинг ўз сиёсатларида бундан фойдаланишга бўлган хатти-харакатлари эди. Агар бу низода ядро қуроли ишлатилса, охир-оқибатда иккала томоннинг ҳам тугатилишига олиб келарди. Ўзаро ҳам гоъвий, ҳам сиёсий, ҳам иктисодий кураш, бир томондан, интенсивликка, иккинчи томондан эса, бир-бирини тийиб туришга мажбур қиларди.

Бироқ, тарих шуни кўрсатадики, ҳар бир бошланган ишнинг, ҳаракатнинг охири, натижаси бўлади. Натижа кимнинг файдасига ҳал бўлиши ўйинда иштирок этаётганларнинг ўзларини қандай тутишларига, уларнинг имконият даражаларига, вужудга келган вазиятдан қандай ҳулосалар чиқаришига боғлиқ бўлади. Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, 80- йиллар охирига келиб “совук уруш” даври тугади ва унда АҚШнинг батамом устунлиги намоён бўлди. Тўғри, геополитик жиҳатдан Шарқий Европа ва Осиёда Совет–Хитой устунлиги кузатиларди. АҚШ ва унинг шериклари эса Ғарбий Европа ва Жанубий Кореяда устунликка эга эдилар. Совет қўшинларининг Афғонистонга олиб кирилиши Америка қўшинларининг Яқин Шарқ мамлакатларида кўпайишига олиб келди. Пиривард натижада дунёда устунликка эришиш учун кураш охир-оқибат уруш йўли билан эмас, балки бошқа воситалар билан ҳал бўлди.

Биринчидан, 70–80- йилларга келиб дунёда сиёсий усуллар гоъвий жиҳатдан муроса, маънавий кадриятлар, иктисодиётнинг жўшқинлиги каби омиллар ҳал қилувчи роль ўйнай бошлади. Юқоридаги омиллар АҚШ ва унинг шериклари томонидан асосий қоида сифатида тан олинди. Улар ўртасида умумий кадриятлар бўлса-да, мажбурийлик тамойили йўқ эди. Собик социалистик лагерда эса бу омилларга эътибор берилмади. Берилган тақдирда ҳам, юзаки ёндашилди ва натижада, масалан, Совет–Хитой блоки узокқа бормади. Собик республикаларнинг манфаатлари умуман ҳисобга олинмади. Расман собик республикалар “Республика” деб эълон қилинган бўлса-да, ўз Конституциялари ва бошқарув аппаратида эга бўлишидан қатъи назар, фақат Марказдан туриб бошқарилди. Улар ҳеч қандай ташқи сиёсат олиб бора олмасдилар. Украина ва Беларус номига БМТда ўз вакилига эга бўлса ҳам, аслида, ташқи сиёсатни Марказ амалга оширарди. Бундан ташқари, Марказ секинлик билан Шарқий Европадаги давлатларнинг ташқи сиёсатини ўзига бўйсундира бошлади. Бўйсунмаган давлатларга нисбатан турли хил ўйинлар амалга оширилди (Чехословакия ва х. к.).

Иккинчидан, АҚШ XX асрда қўлга киритилган илмий-техника ютуқларини иктисодиётга қўллай бошлади, ривожланган бозор иктисодиётини, инфраструктурасини шакллантирди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат харбий қудратининг ошишига, аҳолининг турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келди. СССРда эса акси бўлди.

Учинчидан, СССРда иктисодий, ижтимоий-сиёсий, маърифий муносабатлар ҳаддан ташқари ғоявийлаштирилди, уларга керагидан ортик сиёсий тус берилди. АҚШда эса бунинг акси бўлди.

Тўртинчидан, маданий, маърифий, сиёсий кадриятлар омилида кўрилди. Россия томонидан илгари сурилган кадриятлар Шаркий Европа мамлакатларида, шунингдек, босиб олинган ички ҳудудларда халқ томонидан қабул қилинмади. Қабул қилинганда ҳам, зўрма-зўраки, ўз миллий маданиятини сақлаб қолиш мақсадида нөмигагина ўрганилди. Бир мисол, ўша пайтдаги ёшлар тарбияси билан боғлиқ “комсомол”, “пионер”, “октябрят” тушунчаларини олиб кўрайлик. Бутун мустамлакачилик даврида халқимиз, ёшларимиз онгига бундай кадриятларни қанчалик усталик, зўрлик билан тикиштиришга уринилмасин, бундай “импорт” ғоялар кўзланган натижани бермади. Аксинча, мустақилликка эришилгандан сўнг бундай тушунчалар бир зумда изсиз йўқолиб кетди. Европа ва АҚШда миллий кадриятлар ривожланган умуминсоний кадриятлар, маданият уйғунлигида ривожлана бошлади.

Бешинчидан, СССРда сиёсат империяча усулда олиб борилгани учун, босиб олинган мамлакатлардаги халқларнинг, давлатларнинг кадри топталгани учун мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи мавжуд тизимни қўлламади. АҚШда бунинг аксини кўриш мумкин. Бу ерда сиёсат ўзаро тенглик асосида олиб борилди. Иктисодий жиҳатдан орқада бўлган мамлакатларни ривожлантиришга эътибор қаратилди. Энг асосийси, АҚШ ва унинг шериклари томонидан қилинган ҳаракатлар ўша мамлакатларнинг, халқларнинг миллий манфаатларига хизмат қилди. Япония ва Германиянинг урушдан кейинги ривожланиши АҚШда ривожланган умуминсоний кадриятлар асосида тикланди.

Юқоридаги омиллар асосида икки кутбли тартиб йўқолиб кетди ва кучлар мутаносиблигининг ўзгаришига олиб келди. Жаҳон сиёсатида пайдо бўлган жараёнлар, ҳар қалай, эски карама-қаршиликка, “совуқ уруш”га қайтиш хавфи йўқолиб кетганлигини кўрсатади. Бироқ эндиликда жаҳон сиёсатида, айниқса, Европа, Осиё хавфсиз-

лиги борасида юз бераётган жараёнларнинг ноаниқлиги, халқаро терроризм хавфининг пайдо бўлиши ва унинг икки тизимнинг тарқалиши туфайли вужудга келган бўшлиқни тўлдиришга уриниши, экстремизм ва унинг диний кўринишининг ривожланиши, наркобизнеснинг авж олиши, қурол-яроғ савдоси билан ноқонуний шуғулланувчи гуруҳларнинг кўпайиши, халқаро жиноятчиликнинг ривожланиши каби омиллар жаҳон хавфсизлик тизимига таҳдид сола бошлади.

XX асрнинг охирига келиб йирик супер империя – СССРнинг ва Варшава Шартномаси Ташкилотининг тарқаб кетиши натижасида Ғарб ва Шарқдаги халқаро муносабатлар тараққиётида янги тенденциялар, ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Ҳозирги замон тараққиёти, бугунги ўзгаришлар хавфсизликнинг эндигина жамоа тарзида янгидан вужудга келган мустақил давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти иштирокида таъминланиши ҳамда умуминсоний кадриятлар асосида, сиёсий воситалар ёрдамида ҳал қилиниши зарурат эканини кўрсатмоқда.

Хавфсизликни куч билан таъминлаш усули бошқа усулга, яъни тинч йўл, музокаралар йўли билан амалга ошириш шакли билан ўрин алмашди. Бунга сабаб жаҳон сиёсатида кечаётган жараёнларнинг кўп қутблилик тартиби асосида бошқаришга ўтилганлигидир. Олдинги икки қутбли жаҳон сиёсий тартиботининг асосини ташкил этувчи давлатлар ҳамда улар тузган халқаро ташкилотлар бошқа маъно касб этди, ўз фаолиятлари маъно-мазмунини ўзгартирди.

Асримизнинг 90- йиллари бошидаги жаҳон сиёсий жараёнини мазмуни дунё тартиб тизимининг ўзгаришига ва бунинг натижасида мустақил давлатларнинг, жумладан, жаҳон харитасида Ўзбекистоннинг пайдо бўлишига замин тайёрлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакат ўз Қуролли Кучларини шакллантириб, жаҳон хавфсизлик тизимининг янги қоидалари асосида ривожланмоқда. Янги шароитдан келиб чиқиб, кўп қутблилик тизимдан ўзининг муносиб ўрнини топди.

“Совуқ уруш” даврининг тугаши сиёсий жиҳатдан кучлар муносиблиги ўзгаришига, жаҳон сиёсати ўйинчилари сафининг кенгайишига олиб келди. Жаҳон хавфсизлик тизимида янги таҳдидларни вужудга келтирди.

Шунингдек, жаҳон ҳўжалик тизимида, иқтисодий муносабатларда мутлақо янги шаклларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ялпи

жаҳон ҳўжалик тизимини яратишга бўлган ҳаракат борган сари умумий бозор қонуниятларининг қарор топиши ва унинг инфратузилмалари шаклланишига олиб келди. “Совуқ уруш” даврининг тугаши яна жаҳон ижтимоий технологик муносабатларини янги босқичга кўтарди ва айти шу муносабатларда глобаллашув мисли кўрилмаган тарзда ривожлана бошлади.

Кўн кутбли жаҳон сиёсий тизимининг бошланғич нуқталари

Ҳозир юзага келган сиёсий вазиятда икки кутбли тизимга альтернатив сифатида уч марказ: АҚШ, Ғарбий Европа ва Япониядан иборат геосиёсий кучларнинг учбурчакли конфигурацияси (киёфаси, кўриниши), гоёси баъзи давлат бошлиқлари ва назарийётчилари томонидан илгари сурилмоқда. Аммо дунёнинг бу уч индустриал марказлари ўртасидаги иқтисодий ва бошқа зиддиятли низоларни янгилик сифатида қабул қилиш керак эмас. “Совуқ уруш”нинг тугаши билан бу зиддият ва низолар янги ўлчов ва сифатни келтириб чиқармоқда. Бу ҳозирги даврда шаклланаётган кўп кутбли тизимнинг табиатидан келиб чиқмоқда. “Совуқ уруш” сиёсати даврида анъанавий ҳисобланган АҚШ ва СССР давлатлари атрофида икки кутбга ажралиб гуруҳланган давлатларнинг иерархик структурасида сифат жиҳатидан янги конфигурациялар тенденцияси кўзга ташланмоқда.

АҚШнинг Иттифоқдошлари ўртасидаги муносабатларда ҳам сифат жиҳатидан ўзгаришлар амалга ошди. Аста-секинлик билан Иттифоқдошлар АҚШга нисбатан “кичикоға”лик уйғунлигидан қутула бордилар. Урушдан кейинги даврда АҚШ ҳамон иттифоқдошлари учун хаёлан тўкиб чиқарилган совет хавфидан ҳимоя қилувчи гарант деб қабул қилинганди. Ғарб ва Шарқ ўртасида гоёвий ва тизимлараро низога барҳам берилгач, давлатнинг нуфузини белгилашда муҳим ўрин тутган ҳарбий-сиёсий ёки ҳарбий куч аҳамияти бироз бўлса-да заифлашди.

Ҳозирги даврга келиб давлатларнинг нуфузи ва қудратини белгиловчи омилларга, биринчи навбатда, иқтисодий, илмий-технологик имкониятлар кирмоқда. Ҳарбий имкониятларнинг таъсири бироз бўлса-да заифлашиш тенденциясини ўз бошидан кечирмоқда. Шуниси эътиборлики, баъзан АҚШ мана шу жабҳаларда динамик жиҳатдан бирмунча тез ривожланаётган Япония ва ЕИҲга аъзо ин-

дустриал давлатларга қарши рақобатда мағлубият аламини тортиб кўрмоқда. Америка ғоясига қарши иккинчи марта қайта тугилаётган Европа ғояси, Япон ва Хитой моделлари (Жануби-Шарқий Осиёнинг “кичик аждарҳолари”) рақобат қила бошлади.

Дунё сиёсатида Европа нуфузи ортишининг асосида шу минтақада интеграциявий жараёнларда эришилган ютуқлар ҳамда иқтисодий ва илмий-технологик имкониятларнинг кучайиши билан белгиланади. Агар 70- йилларда Ғарбнинг интеллектуал доираларида Европанинг таназзулга юз тутаётганлиги ҳақидаги тезислар ниҳоятда машҳур бўлган бўлса, 1990 йилга келиб 344,6 млн аҳолига эга бўлган Европа Ҳамжамияти 5,53 трлн долларлик маҳсулот ишлаб чиқарган Ҳамжамиятга айланди. АҚШда эса бу кўрсаткич 5,47 трлн долларни ташкил этди. 80- йилларнинг бошларига келиб Европанинг геосиёсий ва руҳий жиҳатдан қайта уйғониш даврини бошидан кечираётганлиги кўзга ташлана бошлади. Бу ҳолатлар АҚШга “катта” ва “кичик оға”чилик сиёсатидан воз кечиб, Европа давлатлари билан тенг шерикчилик муносабатларини ўрнатишни бошлашга мажбур қилди.

Европа давлатларнинг “европалаштириш” сиёсати, яъни мустикал ташқи сиёсат юритишда кўпроқ имкониятларга эга бўлишга интилиш ҳаракати 80- йилларнинг бошларига келиб яққол кўриниб қолди. Бу даврга келганда баъзи Европа давлатлари АҚШнинг СССРга нисбатан қатъийлик билан олиб бораётган сиёсатидан норози бўлди. “Совуқ уруш”нинг тугаши билан эса бу тенденция кучайди. Европаликлар эндиликда Вашингтон тазйиқидан чиқишга қатъий чоралар кўра бошлади. Улар НАТО ва халқаро муносабатлар майдонида ўз мавқеини янада кучайтиришга ҳаракат қила бошлади. Шу билан бир қаторда, Ғарбий Европа давлатлари низоларни бар-тараф этишда фаол қатнашмоқчи эканликларини билдирдилар. Европа давлатларининг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг ортишида Ғарбий Европанинг ҳарбий-сиёсий альянси ҳисобланган Ғарбий Европа Иттифоқи (ҒЕИ) муҳим аҳамият касб этди. Ғарбий Европа Иттифоқи тузилмавий автоном жамоани ташкил этиш режаларини ишлаб чиқа бошлади. Бундай шароитда НАТО Европа хавфсизлигини таъминлайдиган ягона гарант мавқеидан маҳрум бўлиши мумкин эди. СССРнинг емирилиши ва Европа қитъаси сиёсий харитасидаги ўзгаришлар туфайли собиқ социалистик тизимдаги давлатларнинг Европа Иттифоқига интилиши кучайди. Марказий ва Шарқий Ев-

ропа давлатлари, том маънода. Европага қайта қўшилди. “Шарқий Европа” ва “Марказий Европа” тушунчалари эса геосиёсий ва сиёсий-географик жиҳатдан дастлабки аҳамиятига қайта бошлады. Тоталитар тизимнинг емирилишини бошидан кечирган халқлар учун “Ягона Европа” “адир тепасидаги шаҳар” вазифасини ўтади. Қўшма Штатлар бир неча ўн йиллар давомида шу вазифага номзодлик қилаётган эди.

Европа марказидан ташқари, ҳозирги дунёнинг тақдирида Осиё-Тинч океани минтақасининг таъсири катта бўлди. XIX асрнинг охирларида АҚШнинг ўша пайтдаги давлат котиби Ж. Хей: “Ўрта ер денгизи – ўтмишда қолган океан, Атлантика океани – ҳозирги давр океани, Тинч океани келажак океани бўлади”, – деган тезисни илгари сурган эди.

Ривожланаётган Осиё (асосан, Шарқий Осиё)ни йирик учбурчак шаклида тасаввур қилиш мумкин. Шимоли-шарқда Россиянинг Узок Шарк ҳудудлари ва Кореядан жанубда Австралиягача ва ғарбда Покистон ҳудудларигача бўлган катта минтақа шу учбурчак ичига жойлашган. Бу учбурчакда Ер шари аҳолисининг деярли ярми истикомақ қилиб, давлатлардан Япония, Хитой, Австралия, Янги Зеландия, Тайвань, Жанубий Корея, Гонгконг, Сингапур ва бошқалар қиради. XX аср мобайнида бу давлатларда иктисодиётнинг тараққиёт даражаси юқори суръатларда ўсиши билан характерланади. Агар 1960 йилларда бу давлатларнинг Ялпи иктисодий маҳсулоти (ЯИМ) биргаликда ҳисоблаганда 7,8% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1982 йилда икки бараварга ортиб, жаҳон ЯИМнинг 16,4% ини ташкил этди. 2000 йилга келиб эса бу рақам жаҳон ЯИМнинг 20% ини ташкил қилиб, бу жиҳатдан АҚШ ва Европага етиб олди. Шундай қилиб, Осиё-Тинч океани худуди дунёнинг етакчи иктисодий марказларидан бирига айланди.

Осиё-Тинч океани худудида интеграция жараёни жадаллик билан тараққий этиб бормоқда. Минтақада бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар тузила бошлады. Шулар жумласига, Осиё-Тинч океани минтақасида иктисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро Конференция – АРЕС (1989 йилда Осиё ва Шимолий Америка давлатлари томонидан тузилган Форум); РЕСС – Тинч океани Иктисодий Ҳамкорлик Кенгаши; РВЕС – Тинч океани ҳавзаси Иктисодий Кенгаши; АТЭС – Тинч океани Иктисодий Кенгаши ва бошқалар қиради. 1967 йилда ташкил этилган Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ас-

социацияси (АСЕАН) субрегионал сиёсий-иқтисодий ташкилотнинг нуфузи кундан-кунга ортиб бормоқда. Дастлаб бу Ташкилотга Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин ва Бруней давлатлари кирган эди. Бу ташкилотнинг асосий мақсадлари сирасига аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш ва Жануби-Шарқий Осиёда тинчлик ҳамда барқарорликни сақлаб туриш кабилар киради. Бу ташкилот шу минтақадаги давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалиши ва сиёсий нуфузининг ошишига ўз ҳиссасини қўишиди. Кейинги даврларда АСЕАНнинг ривожланиш тенденцияси кучайиб бормоқда.

Минтақадаги сиёсий иқлимнинг соғайиш тенденцияси яққол намоён бўлиб бормоқда. Бу минтақада Россия–Хитой, Хитой–Ҳиндистон, Хитой–Вьетнам муносабатлари ва Корёя давлатлари ўртасидаги мулоқотлар фаол олиб борилмоқда. АСЕАНга аъзо давлатларнинг Вьетнам билан яқинлашиш тенденцияси кўзга ташлана бошлади. Осиё ва Тинч океани минтақасида “совуқ уруш” сиёсатининг тугаши ва Совет Иттифоқининг таъназулга юз тутиши Япония ва Хитойнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрнининг ошиши ва яна бир қатор янги индустриал давлатларнинг пайдо бўлиш даврига тўғри келиб қолди. Бу давлатлар минтақадаги сиёсий вазиятга таъсир кўрсата олар эди. “Совуқ уруш” даври тугаши арафасида Япония иқтисодий жиҳатдан Европадаги исталган давлатдан устун бўлиб, АҚШга рақобатлаша оладиган даражага етди. Шуниси диққатга сазоворки, Япониянинг ташқи капиталлари яқин йилларда 1 трлн долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўйича АҚШдан ҳам ошиб кетди.

Япония изидан яна бир қатор янги индустриал давлатлар ҳам пайдо бўлди. Бу давлатлар ҳозирги даврда дунё бозорларида ўз ўрнига эга бўлиб, иқтисодий соҳада кўзга кўринарли ғалабаларга эришди. Хитой бир қатор иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қудратини оширган давлатга айланди. Хитой улкан аҳоли, табиий ва иқтисодий захираларга ҳамда мустақил марказ сифатида фаолият кўрсатишга қодир бўлган технологик ва ҳарбий-стратегик кучга ҳам эгадир. Хитой мустақил бир марказ сифатида Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бир қатор қондош халқлари ва давлатларини ҳам ўз атрофида тўплай олади. Шу нуқтаи назардан, Хитой Осиё-Тинч океани

минтақасининг қиёфаси ва контурларини белгилашда муҳим роль ўйнамқда.

Ҳозирги вақтга келиб Хитой, Гонгконг, Макао, Тайвань, Сингапурни ўз ичига олувчи “Қатта Хитой” деб номланаётган иқтисодий ҳудуднинг шаклланиши жараёни жадал бормқда. Уларнинг ҳамкорликдаги экспорт потенциали Японияникидан ошади. Жаҳон Банкнинг 2002 йилдаги маълумотига қараганда, Хитой, Гонгконг ва Тайваннинг ҳусусий импорти 639 млрд долларни, Японияда эса бу кўрсаткич 521 млрд долларни ташкил этди. Шу билан бир қаторда, 2002 йилда “Қатта Хитой”нинг ЯИМи 9,8 трлн долларни, АҚШда эса 9,7 трлн долларни ташкил этди.

Хитой ҳарбий соҳада ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришди. Яқин келажакда Хитой иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли ядровий давлатга айланади. Бундан ташқари, Хитой деярли чексиз ишчи ва аҳоли захирасига эгадир. Мана шу ҳолатларнинг барчаси Хитойнинг жаҳон ҳамжамятида қатта нуфузга эга бўлган энг йирик қутбга айланиб бораётганини кўрсатиб турибди. Хитойликлар шу мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилаётганларини яшираётгани ҳам йўқ. Уларнинг фикрига кўра, XXI аср “Хитой цивилизацияси асри” бўлишига қатта имкониятлар бор.

4- §. Халқаро муносабатлар тизими ривожланишининг истикболлари

Барча далиллар шундан далолат берадики, Европа ва Шимолӣ Америкадаги иқтисодий-сиёсий марказлар ёнида ҳокимият ва таъсир доираларни бўлишга қодир бўлган янги марказлар вужудга кела бошлади. 80- йилларнинг бошларига келганда дунёнинг икки қутбли модели ўрнида СССР, АҚШ, Ғарбий Европа, Япония ва Хитой давлатларини ўз ичига олган дунёнинг беш қутбли модели юзага келди. Айниқса, бу тенденция Япония ва Германия давлатларининг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафига қўшилиш даъвоси билан чиққанларида яққол намоён бўлди. Агар Хитой ва Ҳиндистон давлатлари демографик жиҳатдан етакчилик статусини сақлаб қолаётганларини эътиборга олсак, уларнинг халқаро муносабатлардаги муаммоларнинг ечимини топишдаги иштирокини юқори

баҳолашга тўғри келади. Яқин Шарқ ва Жанубий Африка ҳудудлари стратегик захиралар соҳасида ўз мавқеларини сақлаб қолмоқда.

Шу билан бир қаторда, Россиянинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини ҳеч вақт эсдан чиқармаслигимиз керак. Чунки, Россия кейинги йилларда умумбашарий масштабдаги ўзгаришлар юз берган ҳудуднинг эпицентри сифатида беқарор ва нотинч зоналардан бирига айланиб қолди. Ҳозирги даврда Россия сиёсий-иқтисодий жиҳатдан катта қийинчиликларни ўз бошидан кечираётган бўлса-да, бу давлатнинг инқирозлар гирдобидан чиқиб кетиш вазифасини удалашга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Йирик захираларга эга бўлган Марказий Осиё ҳудуди яқин келажакда геосиёсий нуқтан назардан муҳим минтақага айланиш истиқболларини очиб бермоқда. Шу ва шунга ўхшаш минтақаларда (масалан, Кавказ) Россияга яқинлашиш тенденцияси сезилиб турибди. Бу эса, ўз навбатида, бошқа илғор Марказлар билан рақобатбардош ва ҳамкорлик қилишга қодир бўлган геоиқтисодий ва геосиёсий куч-қудратга эга бўлган мустақил Марказнинг пайдо бўлиш истиқболи борлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шундай қилиб, икки қутбли бошқарув тизимининг таъсир этиш доираси ва имкониятлари торайиб борди. Ўрнига эса кўп қутбли халқаро муносабатлар тизимининг ривожланиш истиқболи яққол кўриниб қолди. Халқаро муносабатларнинг бундай модели бир ёки икки буюк давлатнинг халқаро муносабатларни назорат қила олиш имкониятларини чеклайди. Дунёда баъзи соҳаларда бир хиллик, баъзи соҳаларда турли хиллик ўз ўрнини эгалламоқда. Миллий, гуруҳий ва индивидуал танлаш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Юқорида эслатиб ўтилган Марказларнинг кўпчилиги алоҳида ёки бошқа Марказлар билан биргаликда у ёки бу давлатларнинг диктатини рад этиши ёки тўсиб қўйиш имкониятига эгадир. Ҳозирги даврда ҳудудий жиҳатдан кичик бўлса-да, илмий-техник ва молиявий жиҳатдан катта қудратга эга бўлган давлатлар обрўсининг ошиб бориш тенденцияси яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

Бир вақтлар буюк давлатлар томонидан уюштирилган анъанавий саҳналарда статистик жиҳатдангина пассив қатнашган давлатлар дунёнинг таъсир доирасида бўлишдаги геосиёсий ўйинларда фаол қатнашчиларга айланиб бормоқда. Яқин йилларгача геосиёсий ўйинларда иккинчи даражали давлат сифатида жаҳон сиёсий харитасида сон жиҳатидангина мавжуд бўлган давлатлар орасидан

Ўзларининг собиқ раҳнаомлари стратегияларига баъзида зид бўлган мустақил сиёсатларини юргизиш қобилиятларига эга бўлган давлатларнинг сони кўпайиб бормоқда. Жаҳон ҳамжамиятини уч дунёга ажратиш ва “учинчи дунё давлатлари” каби анъанага айланиб улгурган атамалар эндиликда эскириб қолди. Янги индустриал давлатларнинг сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биринчилардан бўлиб индустриал давлатларга айланган янги давлатларнинг баъзилари эски индустриал давлатлар клубининг ҳақиқий аъзоларига ҳам айланиб улгуришди.

Шу билан бир қаторда, баъзи жанубий давлатларда қурол-яроғларнинг янги тизимларига қизиқиш ғоясига тобе бўлган жангари давлат раҳбарларининг ҳокимият тепасига келиб қолиши, зўракилик билан қуролланишга ҳаракат қилиши халқаро сиёсий тангликни янада чигаллаштирамоқда. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, яқин келажакда учинчи дунё давлатларининг баъзиларида ядровий қуролларнинг пайдо бўлиб қолиш хавфини янада оширмақда. Бу дунё ҳамжамияти тараққиётининг ривожланиш истикболларига жиддий ўзгаришлар кирғизиши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Икки қутбли дунё халқаро тизимида икки блок ёки икки қутб ўртасидаги чегаралар аниқ, қатъий ва ўтиб бўлмайдиган даражада мустаҳкам эди. Улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар аниқ ва оддий бўлиб, “мана душман, мана биз, бу эса икки дунё орасидаги чегаралар” қабилида эди. Шунинг учун ҳар иккала томон у ёки бу даражада қаердан ва қандай хавф бўлишини билар эди. Энди эса вазият тубдан ўзгарди. Урушдан кейинги даврнинг дастлабки ўн йилликларида шаклланган халқаро муносабатлардаги қатъийлик ўрнини ноаниқлик, ҳаракатчанлик ва ўзгарувчанлик эгаллади. Ҳокимият ва мавқе манбаси аноним ҳолатга ўтди. Давлатларни блоклар, иттифоқлар ва минтақаларга ажратиб ташлаётган чегаралар эндиликда нисбатан очикрок, ўзгарувчан ва ўтказувчан бўлиб қолди.

XX асрнинг 50–80- йилларида давлатлар олдидан халқаро муносабатларни олиб бориш ва қарор қабул қилишда икки қатъий ва аниқ ечимдан бирини танлаш мажбурияти турган бўлса, ҳозирги даврга келиб бу масалаларда бироз бўлса-да эркинлик юзага келди. Эндиликда давлатлар ташқи сиёсатда қайси сиёсий блокка аъзоликларига қараб эмас, балки ўзларининг реал миллий давлат манфаатларидан келиб чиқиб, у ёки бу қарорни қабул қила олади.

Халқаро муносабатларда кўп қутбли тизимнинг шаклланиши жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар ташқи сиёсатининг устивор йўналишларида ҳам бир қатор жиддий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Жаҳон ҳамжамиятида ягона ўқнинг нураш жараёни юзга келди. Янгилик шунда кўринадики, барча етакчи иштирокчиларнинг ташқи сиёсати бутун дунё масштабидаги кўп векторли мўлжалга йўналтирилган бўлади. Эндиликда у ёки бу давлатларнинг бир вақтнинг ўзида турли хил коалициялар ва иттифокларда иштирок этиш имкониятлари пайдо бўлди. Масалан, Шарқий Осиё минтақасида буюк давлатларнинг жуфтлик дасталари мустақил ва муҳим аҳамият касб этди ёки этмоқда. Бундай жуфтлик дасталарига АҚШ–Япония, АҚШ–Хитой, АҚШ–Россия, Япония–Хитой, Япония–Россия, Россия–Хитой муносабатларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ҳозирги вазиятнинг аҳамиятли томони шундаки, дунёвий сиёсатнинг фаол аъзолари сони янги илғор давлатлар, минтақавий гуруҳлар, халқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар ҳисобига яна ҳам кўпайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқаро сиёсатнинг янада мураккаблашиб кетишига олиб келмоқда. Чегараларнинг нисбатан очиклиги ва эркинлиги минтақалар, давлатлар ўртасида тузилган блоклар, минтақалар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантиришнинг янги йўллари очиқ бермоқда. Алоқалардаги тартиб-интизом ва изчилликнинг йўқолиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Икки блок доирасида олиб борилган вертикал ўзаро муносабатлар ўрнини давлатларнинг очиклик ва ўзгарувчанликни характерлайдиган горизонтал ўзаро муносабатлари етакчиликни ўз кўлига олмақда. Минтақавий бирлашмалар берк блоклардан эндиликда очик ва эркин ташкилотларга айланиб қолмоқда.

Мана шундай бир вазиятда халқаро майдонда узоқ муддат ҳукмронлик қилиш имкониятини берадиган ташқи сиёсий йўналишларни ажратиш кўрсатиш, геосиёсий кучларнинг нисбатини бир маромда тутиш туриш каби масалалар ҳақида аниқ фикр айтиш ниҳоятда қийин. Шу нарсани кутиш мумкинки, бундай ҳолатда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, минтақалар ва сиёсий-иқтисодий блокларга аъзо давлатлар ўртасидаги алоқалар изчил бўлмай, доимо ўзгаришда бўлиб туради.

Вазиятнинг мана шундай тус олиши натижасида икки қутбли халқаро тизимдаги тийилиб туриш сиёсати бузилиши, тартибсиз ва назоратсиз тийилиб туриш сиёсатига айланиб қолиши ва бу эса, ўз

навбатида, давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимида ядровий курулларни ишлатиш хавфи билан кўрkitиш сиёсати доимий белги сифатида тус олиши мумкин.

Уруш ва қонли низолардан холи бўлган дунё инсониятнинг энг ақлли намояндалари илгари сурган гоъларда идеал дунё ҳисобланар эди. Бироқ, тарихий тажрибанинг кўрсатишича, инсоният ҳамжамияти ҳар доим ҳам тинчликни энг олий бахт-саодат деб ҳисоблашмаган. Бир хиллари бошқа давлат ва халқларни ўзларига бўйсундириб, ҳукмронлик ўрнатмоқчи ва бойликларига эга бўлмоқчи бўлсалар (СССРнинг 1979 йил декабрида Афғонистонга бостириб кириши, АҚШнинг Б. Ладенни рўкач қилиб 2001 йили Афғонистонга қўшин киритиши, 2003 йили оммавий қиргин қуроли бор деган баҳона билан Ироқни оккупация қилиши, миллий манфаатларини химоя қилиш ниқоби остида дунёнинг исталган жойида зўравонлик қилиши ва ҳ. к.), бошқалари ҳарбий шон-шуҳратга бурканишни исташар, учинчилари эса тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлишни афзал кўришар эди.

XX асрда инсоният миллионлаб кишиларнинг ҳаётини олиб кетган ва шафқатсиз вайронгарчиликларни келтириб чиқарган икки жаҳон урушини ўз бошидан кечирган бўлса-да, юқоридаги жангари ва реакцион гоълар ҳозирги даврда ҳам ўз тарафдорлари ва ривожлантирувчиларига эга.

Ҳозирги даврда давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларда чиқариши мумкин бўлган зиддиятларни “хаммага қарши ҳамма” қабилидаги урушлар сифатида тасаввур қилиб бўлмайди. Юзага келган вазиятни худди давлатлар ва халқлар боши узра зўравонлик ёки зўравонлик хавфи айланиб юргандай қилиб тасвирлашимиз нотўғри. Аммо, шу билан бир қаторда, уруш ва низоларнинг шафқатсиз мавжудлигини ҳам тан олиш шарт. Ҳозирги вақтга келиб жаҳон ҳамжамияти ўзига хос тизимни вужудга келтирувчи структуравий таркибий қисмлари ва функциялари билан ягона тизимни ташкил этади. Маълум бир минтақада кучнинг баланси ва бўлиниши Ер шарининг бошқа минтақасидаги маълум бир нарсаларнинг ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади. Ҳар қандай давлат ўзининг реал кучи ва таъсир доирасидан қатъи назар, жаҳон ҳамжамиятининг бутун жараёнига у ёки бу тарзда жалб қилинади.

Иқтисодиётдаги тараққиёт ва ўзгаришлар натижасида миллий хавфсизликни таъминлашда мавжуд бўлган геосиёсий масалаларнинг бутун комплекси янги талқинда намоён бўла бошлади. Агар

соддалаштириб айтадиган бўлсак, олдинлари жаҳон сахнасида давлатлар ўртасида ҳукмронлик ва таъсир доираларига эга бўлиш учун курашда Куролли Кучлар ва мафкура каби воситалардан кенг фойдаланилган бўлса, ҳозирги даврда бу кураш валюта курслари ва фойз ставкалари, бозорнинг самарадорлиги ва бошқа ҳолатларда кўринади. Бошқача қилиб айтганда, “совуқ уруш” даврида ҳарбий ҳақиқат умумбашарий стратегияни ва иқтисодий ҳолатни назорат қилиб турган бўлса, эндиликда иқтисодий ҳақиқат жаҳон тараққиётини белгилаб беради. Бу ўзгаришнинг моҳиятида шу нарса муҳим аҳамиятни касб этадики, ўз майдонини кенгайтириш мақсадида давлатлар “кучлар ўйини”дан фойдаланган бўлсалар, эндиликда иқтисодиётни юксалтириш вазифасини амалга ошириш учун “тўқин-сочинлик ўйинлари”дан унумли фойдаланиш йўлига ўта бошладилар.

XX асрнинг 70–90- йиллари Ер қуррасининг барча халқлари, минтақалар ва давлатлари ўртасида иқтисодий тараққиёт, экологик, сиёсий ва маданий ҳамкорликнинг кенгайиши ва чуқурлашишида муҳим даврлардан бири бўлди. Бу эса, ўз навбатида, бирон-бир давлат мавжуд муаммоларни алоҳида еча олмаслигини англашига олиб келди. Халқаро майдонда мавжуд бўлган умумбашарий муаммоларнинг ечимини топиш барча халқлардан ҳамжиҳатликни ва халқаро ҳамкорликни амалий жиҳатдан сидқидилдан кучайтиришни талаб этади.

Россия ва АҚШнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатининг моҳияти

Ўрта Осиё минтақаси ХХI асрнинг биринчи 10 йиллигида яна дунё ҳамжамиятининг диққат-эътиборини ўзига қаратмоқда. Евроосиёнинг деярли исталган қисмига чиқа олиш имкониятини берадиган геосиёсий жойлашувга эга бўлган бу минтақа Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, Каспий ҳавзаси ва Жануби-Шарқий Осиё каби бир неча йўналишларда кенг қўламдаги бошқарув имкониятини берадиган плацдарм сифатида геосиёсий ўйинчиларнинг қизиқишини уйғотмоқда. 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда содир этилган террорчилик ҳаракатлар натижасида АҚШ томонидан халқаро терроризмга қарши курашнинг кучайиши, Ўрта Осиё минтақаси халқаро ҳавфсизлик тизимида тамомила янги аҳамият касб этиб, дунёнинг

энг кучли давлатлари ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг янги тўлқини пайдо бўлишига олиб келди. Нафақат қулай географик жойлашув, шу билан бирга, бу ҳудудда табиий хомашё манбаларининг кўпчилиги ҳам келажакда дунё бозори учун нефть ва газ қувурлари устидан бўладиган рақобатнинг асосий омилларидан бирига айлан-тирди. “Ноль қийматидан бошланган ўйин” деб номланган кескин курашлар, биринчи навбатда, дунёнинг энг кучли давлатлари бўлган Россия ва АҚШ ўртасидаги рақобатда кузатилмоқда. Шу ўринда, Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг газ потенциалига диққат-эътиборини қаратаётганликларини айтишимиз мумкин. Бундан ташқари, Туркменистонда Туркманбоши ҳокимиятининг ўзгариши муносабати билан, Вашингтон бу ҳолатдан фойдаланиш мақсадида Ашхободни ўз сиёсати доирасига киритмоқчи. Ер қурра-сидаги бошқа нефть ва газ қазиб олувчи Яқин Шарқ ва Венесуэла каби минтақалардаги нотинч сиёсий вазият, шунингдек, Россия иқтисодий потенциалининг ошиб бориши бошқа манфаатдор давлатларни, биринчи навбатда, АҚШни Ўрта Осиё табиий бойликларини бўлиб олиш ўйинида ўз улуши учун курашга ундамоқда. Ўз навбатида, Россия ҳам АҚШнинг бу қизиқишларини тинчгина кузатиб тургани йўқ. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Москванинг сиёсий-иқтисодий ўрни ҳам тобора кучайиб кетмоқда. Буни биз 2007 йилнинг майида Ашхободда Каспийолди газ қувури қурилиши тўғрисидаги Хужжатнинг имзоланганлигидан ҳам кўришимиз мумкин. Россиянинг бундай геосиёсий ютуғига қарамадан, Вашингтон бу давлатнинг Европа транзит бозоридаги таъсирини камайтириш мақсадида Каспий денгизи тубидан газ қувурини ўтказиш лойиҳасидан воз кечгани йўқ. Россия газ саноатининг (индустриясининг) катта мавқеидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу давлатнинг Ўрта Осиё газига бўлган эътибори жуда каттадир. Яъни, бу минтақа йилига 665 млрд куб/м газ етиштириш имкониятига эга, шундан 479 млрд куб/м газ ички талабни қондириш учун кетса, 161 млрд куб/м газ Европа Иттифоқи давлатларига, 80 млрд куб/м газ МДХ давлатларига ва тахминан 24 млрд куб/м газ Осиёга экспорт қилинади. Ўз экспорт мажбуриятларини бажариш учун Москва 79 млрд куб/м газни Ўрта Осиёдан олишга мажбур. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Москва узоқни кўзлаган ҳолда Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистон каби газ захираларига бой давлатлар билан яқиндан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни сақлаб туришни кўзда тутган. Маълумки, Ев-

ропа Иттифоқи Россиянинг газ таъминотига муҳтож. Ўз навбатида, бу Россиянинг Европадаги мавқеининг мустаҳкамланишига хизмат қилиши табиийдир. Бу эса Вашингтонга ёкмайди. Россиянинг Европадаги мавқеига зарба бериш ниятида Вашингтон Европа Иттифоқи давлатлари билан бирга “Набуко” лойиҳасини амалга оширишга киришган. Мазкур лойиҳада кўзда тутилган газ қувурларини тўлдириш учун Туркменистон ва Қозоғистон Республикалари ҳам Транскаспий газ қувури лойиҳасига кўшилдишлари лозим. Воқеаларнинг бундай ривожланишини истамаган Москва иложи борича бунга тўсқинлик қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўрта Осиё газ платформаси устида кетаётган рақобатни янада кучайтирмоқда. Шундай бўлса-да, муносабатларнинг бошқа жиҳатлари бўйича икки давлат ўртасида ўзаро ҳамкорликка мойиллик ҳам кузатилмоқда, айниқса, халқаро террорчиликка қарши кураш борасида буни яққол кўришимиз мумкин. Афғонистондаги контртеррористик операциялар бошланиши билан, Россия Ўрта Осиёда Америка ҳарбий базаларининг қурилишига қаршилик қилмаган эди. Бунинг устига, Москва Вашингтонга Нью-Йоркда бўлган террористик ҳаракатлар муносабати билан биринчилар қаторида ҳамдардлик билдирди. Вашингтонни халқаро коалицияда қўллаб қувватлади. Терроризмга қарши курашда ҳар қандай ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини намойиш этди. “Толибонлар” Афғонистон Ҳукуматидан четлаштирилган бўлишига қарамай, Вашингтон бу ҳудуддан чиқиб кетишни хаёлига ҳам келтирмади, аксинча, узоқ муддатга қолиш истагини билдирди. Бу эса Марказий Осиёда Россия ва АҚШ рақобатини янада кучайтириб юборди. Россия учун Ўрта Осиё собиқ совет ҳудуди сифатида қатта аҳамиятга эга.

Россия Федерациясининг минтақага бўлган сиёсий қизиқишининг бир неча сабаблари бор. Ўрта Осиёдаги русийзабон аҳоли манфаатини ҳимоя қилиш; ташқи хавфдан ҳимояланиш масаласи ва ўзаро ҳамкорлик асосидаги минтақа хавфсизлиги; МДХ давлатларининг Россияга иқтисодий ташқи ҳимоя, миллий хавфсизлик масалаларида боғлиқлиги; интеграция жараёнлари ва халқаро экстремизмга қарши курашда ҳамкорлик.

Путиннинг ҳокимият тепасига келиши билан Россия Федерациясининг минтақага бўлган ташқи сиёсий муносабати стратегик характерни касб этди. Бу муносабатларнинг самарали ёки самарасизлигини бир неча йилдан сўнг кўриш мумкин. Таъкидлаш ке-

ракки, Россиянинг куч-қудрати совет давридагига қараганда анча заифлашганлигига қарамай, минтақадаги геосиёсий вазият диққат-этиборидадир. Афғонистондаги “Толибон” ҳаракатини тугатиш мақсадидаги АҚШнинг антитеррористик операцияси Москва-нинг манфаатларига мос тушганди, чунки у Шимолий Кавказдаги умумий аҳволни яхшилаб, ислом экстремистларининг таҳдидини камайтиришга ёрдам берар эди. Аммо, шунга қарамай, Россия АҚШнинг Ўрта Осиё минтақасида узоқ вақт қолишига қарши эди. Россиянинг ҳарбий-сиёсий доиралари Пентагоннинг Россия чегараларига тобора яқинлашиб келаётганига салбий муносабатда эди. Афғонистондаги сиёсий қайта курилиш баҳонасида америкаликлар ўрта осиеликлар билан халқаро антитеррористик коалиция доирасидаги хавфсизлик борасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, Россияни четга суриб қўйди. Натижада минтақавий хавфсизликка оид айрим ходисалар Вашингтоннинг аралашувига боғлиқ бўлиб қолди. Бу эса АҚШ мавқеи мустаҳкамланаётган бир вақтда Россиянинг геостратегик ҳолатини бироз қийинлаштириб қўйди. Бундай қийин вазиятда Россия сиёсий доиралари йўқотилган таъсир кучини МДХ, ШОС, ЕврАзЭС, КХШТ (Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти) ва бошқа минтақавий тузилмалардан фойдаланган ҳолда тикламоқчи бўлди. Бу борада 2003 йил Қирғизистондаги ҳарбий базанинг очилиши муҳим қадам бўлди. Бундай база Тожикистонда ҳам ташкил этилди. Аммо Қирғизистонда АҚШнинг ҳам ҳарбий базаси мавжудлиги минтақавий рақобатнинг янгича турини келтириб чиқарди. Шу аснода Ўрта Осиёда бошқа давлатлар таъсир кучини камайтириш, ўз ҳукмронлик мавқеини кенгайтириш мақсадида бўлган яширин кураш очикча кўриниш олди. Иккита базанинг мавжудлиги ва 2006 йил Тожикистондаги (космик ҳудудни бошқариш системаси) “Нурек” оптик-электрон тармоғининг Россия Федерацияси томонидан хусусийлаштирилиши Москва-нинг ҳарбий-сиёсий мавқеи яна мустаҳкамланганидан дарак беради. Россиянинг хавфсизлик борасида минтақавий қизиқишлари (манфаатлари) 4 та асосий сабабга боғлиқ: биринчидан, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш; иккинчидан, минтақадаги тинчлик, жанубий чегаралардаги хавфсизликни таъминлаш; учинчидан, ноқонуний наркотик моддаларнинг айланишига қарши курашиш; тўртинчидан, стратегик хомашё захиралари (газ, нефть, уран, олтин ва бошқалар.)нинг мавжудлиги. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Россия-

нинг Ўрта Осиёдаги тинчлик ва сиёсий тургунликнинг сакланишига ҳаракат қилишидан мақсад бу минтақа бошқа кучлар томонидан бошқарилиб, Москванинг стратегик манфаатларига таҳдид солмаслигининг олдини олишдир. Россиянинг Ўрта Осиёга бўлган эътиборининг ошишини, айниқса, стратегик нуқталар ва саноат объектларига нисбатан энергия захираларига бўлган талаб ва нарх-навонинг доимий ўсиши билан изохлаш мумкин. “Газпром”, “Лукойл” ва “Итера” каби Россиянинг кучли компаниялари минтақа бозорини фаол эгаллаб, энергетик секторга катта инвестициялар киритмоқда. Россия Федерацияси Ўрта Осиёнинг қанчалик муҳимлигини англаб, ўз миллий манфаатларини очиқ намоён этимоқда. Ўзбекистон Ўрта Осиё давлатлари ўртасида Россия учун минтақавий тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, нефть ва газ каби соҳаларда ҳамкорлик жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Бунга мисол қилиб, 2002 йил 17 декабрдаги “Ўзбекнефтегаз” ва “Газпром” ўртасидаги “Стратегик ҳамкорлик тўғрисида”ги Келишувнинг имзоланишини кўрсатиш мумкин. Келишувга кўра, Ўзбекистон 2012 йилгача газ етказиб бериши, Келишув доирасида Ўзбекистон ҳудудида табиий газ қазиб олиш бўйича лойиҳаларда Россия компанияларининг қатнашиши ва газ транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда газ етказиб бериш каби масалалар бўйича ҳамкорлик белгилаб кўйилган. Ҳарбий соҳада ҳам шундай ҳамкорлик кўзга ташланмоқда. Масалан, 2007 йил март ойида биринчи бор МДХ давлатлари ўртасида ҳарбий ва техник ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида “Узросавиа авиаремонт” корхонасининг қурилиши тўғрисида”ги Битим имзоланди. Бундай яқин алоқалар ва ҳамкорлик барча соҳаларда кўзга ташланмоқда. Бу эса яна бир бор Ўзбекистоннинг Россия ташқи сиёсий стратегиясида муҳим роль ўйнашини кўрсатади. 2005 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган воқеаларга нисбатан АҚШнинг асоссиз танқидий муносабати “Қарши–Хонобод” Америка базасининг ёпилишига олиб келди. Бу воқеа америкалик сиёсий доиралар учун яхши дарс бўлди. Шундан сўнг Вашингтон Ўрта Осиё бозорида ёқилғи ташувчи воситалар транспортировкасига оид ҳар қандай катта лойиҳалар Тошкентнинг аралашувисиз, қолаверса, минтақадаги тинчликнинг таъминланишисиз бўлмаслигини англаб, Андижон воқеалари ҳақидаги асоссиз салбий муносабатининг ўйланмасдан қилинган қадам эканлигини тushунди. Қозоғистон ва Туркменистон Трансафғон қувурлари орқали

Ўз нефть захираларини экспорт қилиш имкониятига эга. Ўзбекистон Туркманистон–Хитой йўналишидаги газ қувурининг қурилишига таъсир эта олган бир вақтда, Трансафгон газ қувури лойиҳасида Тошкентнинг таъсири номаълумлигича қолмоқда. Ўзбекистоннинг геосиёсий, ҳарбий, этносиёсий, иқтисодий ва демографик ривожланиши уни иқтисодий жиҳатдан фаол ривожланаётган Қозоғистон билан бир қаторда, Ўрта Осиёдаги энг муҳим нукталардан бирига айлангирди. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, Ўрта Осиё борасидаги масалаларда Тошкент билан келишилмасдан иш тутиш мақсадга мувофиқ эмас. АҚШ бу аксиомани англаб етгач, олдинги позициядан воз кечиб, Ўзбекистон билан алоқаларини тиклай бошлади. 2007 йил сентябрида “Лукойл” ва Хитой Миллий нефть компанияси ўртасида стратегик Келишув имзоланди. Айтиб ўтиш керакки, ушбу компаниялар узок вақтдан бери углеводород хомашёсини қазиб олиш ва уни қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Аммо ҳозирда бу ҳамкорлик Ўзбекистон ва Қозоғистон билангина чекланмоқда. Бундай фаол алоқалардан нафақат “Лукойл”, балки Хитой Миллий нефть компанияси ҳам жуда манфаатдор. Маълумки, ХХР Туркманистон–Хитой газ қувурини қурмоқда. Бу эса Россиянинг бу лойиҳада қатнашиш имкониятини беради. Яна бир келажакдаги лойиҳалардан бири Орол денгизининг Ўзбекистон қисмида геологик текшириш бўлиб, бу лойиҳанинг 20% акцияси шу икки компанияга тегишли. Яна таъкидлаб ўтиш лозимки, Россиянинг Ўрта Осиёга бўлган қизиқиши фақатгина моддий манфаатдорликдан эмас, балки XIX–XX аср оралиғидаги вақт давомида Ўрта Осиё ва Россия ягона улкан давлат таркибига киргани ва бир-бирига ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маданий томондан у ёки бу шаклда таъсир этгани билан ҳам боғлиқдир. Шундай экан, ҳозирги Москва сиёсати нафақат иқтисодий ва сиёсий манфаатдорликка, балки тарихий ўтмишга ҳам асосланган. Россия Табиий Фанлар Академияси академиги, профессор Е. Вергелибнинг фикрича, Россия Федерациясининг Ўрта Осиё минтақасидаги стратегияси қуйидагилар билан изоҳланади: фақат ўз транспорт тизимлари орқали энергия ташувчи ресурсларни ўтказиб, альтернатив йўللарни ёпиш; радикал ислом экстремизмининг олдини олиш учун бу ҳудудда турғунликни сақлаш; АҚШ “демократия экспорти”нинг олдини олиш учун тўсиқлар ҳосил қилиш; америкаликларга қарши туриш учун Пекин билан бирлашиш, шу билан биргаликда, Хитойнинг минтақада доминантлик қилишига йўл қўймаслик.

Умуман, Россия геосиёсий мақсадларини шартли равишда куйидаги бандларга бўлиш мумкин:

– минтақада тинчликни сақлаш, локал ва давлатлараро келишмовчиликлар натижасида бошқариб бўлмайдиган қочоқлар оқимини келиб чиқишига йўл қўймаслик;

– Хитой, Ҳиндистон, Эрон билан алоқаларини сақлаш учун транспорт маршрутларидан фойдаланиш;

– Хитойнинг мавқеи мутаҳкамланиши учун ШОСнинг ўрни жуда катта. Эрон ва Ҳиндистон йўналиши бўйича “Шимол–Жануб” транспорт лойиҳаси киритилган;

– Россия капиталининг эркин айланиши, ўз маҳсулотларини сотиш ва бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш учун бозорга йўл очиш мақсадида Ягона Иқтисодий Мақонни мустаҳкамлаш;

– нефть, газ, уран, олтин, полиметаллар, алюминий, бор каби минтақада мавжуд захираларни қайта ишлашда Россия компанияларининг қатнашувига йўл очиш;

– минтақа геосиёсий ҳудудидан Россиянинг космик ҳудудни бошқариш тизими доирасида дунёнинг кучли давлатлари орасида ўз мавқеини сақлаб туриш учун фойдаланиш;

– Россиянинг минтақада доминантлик мавқеининг дунё бўйича тан олинishi. Яъни Ўрта Осиё давлатлари раҳбарларининг геосиёсий масалалар бўйича бирор-бир келишувдан олдин Россия Федерацияси билан маслаҳатлашиш мажбуриятини таъминлаш.

Яқин келажакда шуни башорат қилиш мумкинки, Россия Ўрта Осиё минтақаси доирасида ўз сиёсий тактикасини янада кучайтириш учун бор кучини ишга солади. Ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий мавқеидан фойдаланган ҳолда минтақада ёқилғи ва энергия захираларини экспорт ва импорт қилиш учун КХШТ, ЕврАзЭС (Ўзбекистон ЕврАзЭСдан 2008 йилда чиқди), ШХТ институтлари доирасида фойдаланишга ҳаракат қилади. Вашингтон, ўз навбатида, мақсадларини амалга ошириш учун Ўрта Осиё давлатларига ҳарбий ёрдамни таклиф қилишда давом этмоқда. Бундай ҳарбий ёрдам эса Ўрта Осиё давлатларининг ҳарбий потенциалини ошишига, Вашингтон билан алоқаларининг янада мустаҳкамланишига, Америка ҳарбий кучларининг минтақадаги доимий жойлашуви ва маҳаллий давлат армияларининг ҳарбий техника билан бутунлай “наточа” қуролланишига олиб келади. Умуман олганда, хорижий экспертлар ҳозирги АҚШ ва

Россия Федерацияси ўртасидаги алоқани икки томонлама ҳаракатга эга деб баҳолашмоқда. Бир томондан, Вашингтон ва Москва халқаро терроризмга қарши кураш борасида бир-бирига мос қарашларга эга бўлса, иккинчи томондан, Ўрта Осиё давлатлари устидан ҳукмронлик масаласи бу ҳудудни улар учун кураш майдонига айлантирди. Вашингтон бу курашда енгилмаслик учун минтақанинг ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий ҳаётида фаол қатнашишга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда АҚШ “Озодлик ва демократия йўлида бирдамлик ва халқаро терроризмга қарши кураш” шиори остида Ўрта Осиё давлатлари билан алоқа ўрнатмоқда. Нима бўлганда ҳам, қаерда бўлмасин, Россиянинг таъсир кучи ҳамма жойда мавжуд. Вашингтон қўллаб-қувватламаган бирор сиёсий режимни қўллашдан тортиб, токи Эроннинг ядро лойиҳасига ёрдам беришгача. Шунинг учун ҳам америкаликларнинг ҳарбий кучлари Ўрта Осиёда пайдо бўлгач, икки давлат ўртасида ҳукмронлик учун зиддиятлар пайдо бўлди. АҚШ ва Россия Федерацияси алоқаларида Хитой омили Ўрта Осиёда Америка кучларини нейтраллаштирувчи куч сифатида катта роль ўйнайди. Бунинг учун ШХТ доирасида нафақат сиёсий ва ҳарбий, балки иқтисодий ҳамкорликдан фойдаланилмоқда. Юқорида келтирилганларни умумлаштириб, Қўшма Штатларнинг Ўрта Осиёдаги хатти-ҳаракатларини куйидагича изоҳлаш мумкин:

– Оқ уй мақсадларига мувофиқ Ўрта Осиё ёқилги ва энергия ресурсларини экспорт қилиш сценарийсини амалга ошириш. Чунки АҚШ бу билан ўзининг Яқин Шарқ нефтига бўлган муҳтожлигидан қутулиши билан бирга, газ ва нефть қувурларини бошқа жойдан Россиянинг аралашувисиз амалга ошириладиган ғарбий томондан ўтказишга ва ўз нефть компаниялари лойиҳаларининг амалга ошишига йўл очиб бериши ҳаммага маълум;

– Ўрта Осиё минтақасини глобал ва минтақавий контртеррористик ҳудудлар қаторига киритиш;

– Россия, Хитой, Эрон ва Ҳиндистонга қарши таъсир кучига эга бўлиш учун Ўрта Осиё ҳудудидан кучли стратегик нуқта сифатида фойдаланиш. Бунинг учун эса бу ердаги давлатларни ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий-ҳарбий жиҳатдан ўзига боғлаб олиш.

Юқорида қилинган изчил таҳлилга кўра, Ўрта Осиёда устун мавқега эга бўлиш учун кураш янада кучаяди деб тахмин қилиш мумкин. Хулоса қилганда, минтақа АҚШ ва Россия ўртасидаги рақобат манбаи ёки, аксинча, ўзининг геосиёсий мавқеи жиҳатидан

дунёнинг энг кучли давлатлари учун ҳамкорлик объектига айланиши мумкин.

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё

XXI аср бошида умумжаҳон глобаллашув шароитини ҳисобга олган ҳолда, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида сифат жиҳатидан янгича шериклик ва ҳамкорликка эҳтиёж сезилди. Хавфсизлик ва ўзаро тинчлик йўлидаги ҳамкорликнинг умумий мақсадлари Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари фаолиятида истиқболли йўналишларни намоён эта бошлади.

Барқарорлик, очик жамият тараккиёти ҳамда халқаро меъёрларга риоя этиш Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида тўлақонли ҳамкорликни амалга оширишда туртки бўлиб хизмат қилади. Давлат бошқаруви, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, давлатни демократлаштириш, таълим соҳалари Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигининг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

2007 йил 21–22 июн кунлари Европа Иттифоқи томонидан 2007–2013 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган янги стратегияда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан ҳамкорлиги икки томонлама ва умумминтақавий шаклларда намоён бўлди. Масалан, гиёҳвандликка қарши курашиш, инсон ҳуқуқлари ёки таълим соҳаси йўналишларини олиб кўрайлик. Ушбу янги стратегияни амалга оширишда Европа Иттифоқиға аъзо давлатлар 6 йил давомида 750 млн евро ажратиши белгиланган. Бу илғари, яъни 2002–2006 йилда қабул қилган стратегияға нисбатан икки барабар кўп демакдир.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақасидаги стратегик мақсадлари устувор йўналишлари куйидагича:

Биринчидан, мазкур стратегия Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёнинг умумий манфаатларига асосланади. Минтақаларнинг ўзаро яқинлашуви уларнинг тенг манфаатли ривожланиш жараёнларини ўзида акс эттиради. Европа Иттифоқи манфаатлари, хусусан, хавфсизлик ва барқарорлик соҳаларида, қолаверса, минтақада инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамиятининг шаклланишида яққол кўзга ташланади;

Иккинчидан, минтақавий икки томонлама алоқаларни кенгайтириш. Минтақавий ҳамкорлик умумий муаммоларни ҳал қилишға

йўналтирилган. Булар: уюшган жиноятчилик, одам савдоси, терроризм, ядро кулолини таркатмаслик, маданиятлараро мулоқот, энергетика, атроф-муҳитни ифлосланишдан асраш, сув ресурсларидан фойдаланиш, иммиграция, чегаралар дахлсизлиги, транспорт инфратузилмаси каби йўналишлардир. Шу нуқтаи назардан, Европа Иттифоқи халқаро молия институтлари, минтақавий ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилишни режалаштирган. Ҳамкорлик Марказий Осиёдаги давлатларнинг таклифи асосида шаклланади. Айниқса, қуйидаги соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланиши жуда муҳим: инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, иқтисодий диверсификация, энергетика, ёшлар ва таълим соҳалари. Ушбу ҳамкорликнинг кенгайиши ҳар бир мамлакатда ислохотларнинг олиб борилиши ва тадрижий ривожланиши билан боғлиқ;

Учинчидан, Европа Иттифоқи таълим соҳасида “Электрон ипак йўли” Дастури доирасида Марказий Осиё давлатларида Европа Иттифоқи электрон тармоғи ва минтақавий таълим лойиҳаларини амалга оширишни кўзда тутуди;

Тўртинчидан, иқтисодий ўсишни таъминлашда савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида Европа Иттифоқи Марказий Осиёдаги бозор иқтисодиётини ривожлантириш тизимини қўллаб-қувватлашни давом эттиради. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор компаниялари бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва нодавлат секторларида ҳамкорлик дастурларига алоҳида эътибор қаратади. Иттифоқ Марказий Осиёдаги ҳамкорларига амалиёт дастурлари ва техник ёрдам беришни таклиф этади. Европа Иттифоқи Марказий Осиё мамлакатларининг тизимли бозор иқтисодиёти қуришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва маъқуллайди. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан бири ушбу минтақадаги мамлакатлар иқтисодиётини диверсификациялаш, инвестициялар ва савдо қўламини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш;

Бешинчидан, Европа Иттифоқи Марказий Осиёдаги энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш масаласини глобал хавфсизликнинг муҳим омили сифатида эътироф этади. Нефть ва газ ресурсларининг ривожланиши туфайли Марказий Осиёнинг энергия ишлаб чиқарувчи ва газ қувурларини транзит қилувчи соҳадаги аҳамияти ошиб

бормоқда. Нефть ва газ конлари сонининг ўсиши ушбу минтақадаги давлатларнинг жаҳон бозорига чиқишига, иқтисодиётнинг диверсификацияланишига олиб келади;

Олтинчидан, бугунги кунда чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, минтақадаги уюшган жиноятчилик, хусусан, гиёҳванд моддаларнинг савдоси каби муаммоларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этмоқда;

Еттинчидан, диний эътиқод эркинлиги, асрлар оша шаклланиб келаётган тинчлик ва бағрикенглик анъаналари Марказий Осиё минтақаси учун олий қадрият ҳисобланади. Шунга асосан, Европа Иттифоқи фуқаролик жамиятида ўзаро мулоқот ва эркин эътиқодга нисбатан ҳурматни ривожлантиришни давом эттиради.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар тарихи узок қадимга бориб тақалади. Бу муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос бўлиб, аввало, Турон заминидан чиққан кўплаб буюк шахсларнинг Европа Иттифоқи ва барқарорлигига кўшган ҳиссаси билан баҳоланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг деярли барчаси билан бугун дипломатик муносабатлар олиб бормоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов 1996 йил 22 июнда Флоренцияда Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари Кенгашида сўзлаган нутқида: “Биз ўзбекистонликлар мамлакатимизда халқимизнинг муносиб ҳаётини таъминлайдиган эркин бозор иқтисодиётига эга демократик очиқ давлатни шакллантириш ва оёққа турғизиш учун Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари кўрсатаётган ёрдам ҳамда мадани юксак баҳолаймиз ва миннатдорлик билан қабул қиламиз”, – деб таъкидлади.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини қуйидаги ҳужжатларда кўриш мумкин:

– 1992 йилнинг 15 апрелида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида “Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқи Комиссияси ҳукуматлари ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисида”ги Меморандум имзоланди;

– Дипломатик муносабатлар 1994 йил 16 ноябрдан йўлга қўйилган. 1995 йил январдан Брюсселда Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқидаги миссияси ўз фаолиятини бошлади;

– 1996 йилнинг 21 июнида Ўзбекистон Республикаси ва Европа

Иттифоки ўртасида “Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги Келишув имзоланди ва у 1999 йил 1 июлдан кучга кирди;

– 1996 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоки ўртасида келишув имзоланди;

– 2003 йилнинг 6 октябрида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа Иттифоки ўртасида “Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Келишув имзоланди.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоки мамлакатлари товар айланмасининг миқдори 1,3 млрд доллардан ошди. Жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инкироз бу борада ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди. Жумладан, 2009 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоки мамлакатлари экспорти 2007 йилга нисбатан қарийб 1,4 млрд долларга тўғри келди. Бугунги кунда дунёга ҳали ўз таъсирини ўтказаятган молиявий-иқтисодий инкироз кийинчиликларига қарамай, Ўзбекистон Республикасида ва Европа Иттифокига аъзо мамлакатлар инвесторлари капитали асосида 700 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ташқи савдо ҳақида гапирганда, алоҳида қайд этиш лозимки, 2009 йил 1 июлдаги маълумотга кўра, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоки ўртасидаги товар айланмаси 1,5 млрд 501 млн дан ортиқ АҚШ долларини ташкил этади. Ўзбекистоннинг Европа Иттифокидаги асосий савдо шериклари: Германия (473,7 млн АҚШ долл (2008 й.)), Франция (281,9 млн АҚШ долл (2008 й.)), Буюк Британия, Италия, Литва, Польша, Австрия каби мамлакатлардир.

Европа Иттифоки ва Ўзбекистоннинг икки томонлама ҳамкорлиги куйидаги устувор йўналишларда яққол намоён бўлмоқда:

Биринчидан, Европа давлатларининг мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ва толани қайта ишлаш саноатига қизиқиши ниҳоятда баланд ва бу ўз-ўзидан қулай инвестицион шароитни юзга келтиради. Шунинг учун ҳам тўқимачилик саноатини ривожлантириш, ўзаро фойдали битимлар тузиш, пахта экспорти ва импорти юзасидан келишувларга эришиш ҳар икки томон учун истиқболли ҳисобланади.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари бевосита Европа Иттифоки давлатлари учун ҳам муҳимлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш муҳим стратегик аҳамиятга эга. Хусусан, углеводород захиралари Европа Иттифоки давлатларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу борада

мамлакатимиздаги мавжуд нефть ва газ конларини ўзлаштиришда ҳамкорлик қилинмоқда.

Учинчидан, инвестицион, саноат, ишлаб чиқариш соҳалари ҳам хар икки томон учун фойдали бўлиб, бунда Ўзбекистоннинг инсоний салоҳияти ва захира имкониятлари Европа Иттифоқи давлатларининг юртимизда корхоналар ва ишлаб чиқариш фабрикалари ташкил қилишига ёрдам беради. Республикамизда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ўта самарали ва фойдали тизими ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий қилинмоқдаки, шундан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўз манфаатлари йўлида кенг фойдаланиши мумкин.

Тўртинчидан, илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ҳамкорлик, яъни илмий салоҳиятга эга кадрларнинг кашфиётларидан Европа Иттифоқи давлатлари ва Ўзбекистон ҳам бирдек манфаатдор.

Бешинчидан, маданият ва санъат, туризм соҳасида ҳамкорлик қилишда ҳам кўплаб натижаларга эришилмоқда. Туризм бугунги кунда жаҳон миқёсидаги энг даромадли соҳалардан бирига айланиб улгурганлиги ҳам барчамизга маълум. Ҳозирда Ўзбекистонга зиёрат, тарихий осори-атиқаларини томоша қилишга келаётган сайёҳларнинг аксарияти Европа Иттифоқининг ривожланган давлатлари вакиллари ҳисобланади. Келгусида бу соҳада истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Ядро қуроли – аср муаммоси

Ядро қуролни ишлаб чиқиш билан боғлиқ даслабки ҳаракатлар Иккинчи жаҳон уруши даврида, аниқроғи, 1942 йили АҚШда Манхэттен лойиҳаси асосида бошланган эди. Пентагон ушбу лойиҳа учун 100 минг одам ва 2 млрд доллар (ўша пайтдаги нархда) ажратган. 1945 йил 16 июлда Нью-Мексика штатида “Trinity” операцияси давомида 20 кт қувватга эга бўлган биринчи “Gadget” плутоний заряди синовдан ўтказилган эди. Америка Қўшма Штатлари бу қуролни 1945 йилнинг 6 ва 9 август кунлари Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида илк бор қўллади. Оқибатда юз минглаб кишилар ҳаётдан кўз юмдилар. АҚШ эса ўз ҳаракатини “урушни ортиқча талофатларсиз, тезроқ тугатиш” мақсади билан оқлади.

Иккинчи жаҳон урушидан деярли талофатсиз чиққан Америка ҳарбий-сиёсий жиҳатдан жаҳонда мутлоқ устунликка эришди. Орадан роса тўрт йил ўтгач, яъни 1949 йилнинг 29 августида АҚШнинг ядро қуролига бўлган монополиясига барҳам берилди: кучли илмий

ва ҳарбий салоҳият эвазига СССР ҳам ядровий мамлакатга айланди.

Шу тариқа, икки қудратли давлат ўртасида қуролланиш пойгаси авж олди. 1953 йил Иттифокда биринчи бўлиб термоядро қуроли – водород бомбаси ишлаб чиқилди. Кейинчалик, бошқа йирик давлатлар ҳам уран устидаги тадқиқотларни давом эттириб, ўз ядровий қуроллариغا эга бўла бошладилар. Албатта, рўйхат бошида АҚШ турар эди.

СССР ҳам ундан қолишмаслик учун қуролланиш пойгасини давом эттирди. Ваҳоланки, ўша пайтда яратилган қуроллarning ўзиёқ Ер шарини бир неча марта парчалаб ташлашга қодир эди.

Инсоният нақадар даҳшатли фожеа олдида тургани 60- йилларда юзага келган Кариб инкирози жараёнида аниқ-равшан бўлиб қолди. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш бўйича қатъий ҳаракат бошланди. 1963 йили АҚШ ва СССР ўртасида имзоланган “Атмосфера, фазо ва сув остида ядро қуроли синовини таъқиқлаш тўғрисида”ги Битим ана шу хайрли саъй-ҳаракатларнинг дастлабки мевасидир. 1970 йилда дунё мамлакатлари “Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида”ги Битим (ЯХТБ)га имзо чекдилар. Шу тариқа ядро қуролига эга давлатлар уни тарқатмаслик ва ялпи қуролсизланиш бўйича ўз зиммаларига аниқ мажбуриятлар олдилар. Исроил, Покистон ва Ҳиндистон эса бу ҳужжатни имзоламади. 1972 йили АҚШ ва СССР ракетага қарши мудофаа (РҚМ) тизимини ва Стратегик ҳужумкор қуроллarning чеклашга оид Муваққат Битимни (кейинчалик “СХЧ-1” номини олди) имзоладилар. Аммо бу борадаги саъй-ҳаракатлар қутилган натижани бермади.

1987 йилда АҚШ билан СССР ўртасида ўрта (1000–5500 км) ва яқин (500–1000 км) масофадаги ракеталарни йўқ қилиш бўйича ўзаро Келишувга эришилди. Бу ядровий қуролсизланиш борасидаги илк амалий қадам эди. Унга кўра, 1991 йилга қадар СССР 1846 та, АҚШ эса 846 та ракетасини йўқ қилди. Ҳозирда Россияда ҳам, АҚШда ҳам ўрта ва яқин масофадаги ракеталар йўқ. Бугунги кунга қадар ҳар икки томон (АҚШ ва Россия) ўртасида стратегик қуроллarning чеклаш бўйича (START) жами тўртта Битим имзоланган. Соғлом фикрловчи кишилар ядро қуролининг даҳшатли оқибатини яхши тушунадилар. Шу сабабли кўплаб давлатлар ўз ҳудудларини ядро қуролидан холи қилиш йўлида қатъий саъй-ҳаракат кўрсатдилар. Бунинг натижаси ўларок 1966 йилда Рора-Тонга Битими имзоланди. Дастлаб, Лотин Америкасига, кейинчалик дунёнинг уч ҳудудига ядро қуролидан холи ҳудуд мақоми берилди.

СССР парчалангач, Украина, Белорусь ва Қозоғистонда мавжуд бўлган ядро арсенали олиб чиқиб кетилди. Марказий Осиё давлатлари барқарорлик тараққиётининг асосий омили эканлигини ва ядровий хавфсизлик бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этишини ўз вақтида тушуниб етдилар. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов 1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида минтақани ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббус қудратли давлатлар, халқаро ташкилотлар томонидан мамнуният билан кутиб олинди. 1997 йилнинг сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган “Марказий Осиё – ядро қуролидан ҳоли зона” мавзудаги Халқаро конференция ҳам ана шу масала сними ва истиқболларига бағишланди.

Ҳозирги кунда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзоси: АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой расман ядро қуролига эга бўлган давлатлар сирасига киради. Шунингдек, Исроил, Покистон ва Ҳиндистонда ҳам ядро қуроли мавжуд. Яна бир маълумот, Буюк Британия Қуроли Кучлари таркибидаги “Трайден-II” русумли 48 та ракетанинг ядро зарядлари АҚШдан келтирилган бўлиб, улар мамлакат флотига жойлаштирилган. Франция ядро дас-тури эса кенгрок қамровга эга. 60 га яқин радиусли ракеталар “Мираж” қирувчи самолётларига жойлаштирилган. 2008 йилга қадар 8–10 минг км масофагача парвоз қила оладиган “М-51” ракеталарини ишлаб чиқариш режалаштирилди. Хитой Халқ Республикасининг қирувчи самолётлари, маълумотларга қараганда, 120 тагача ядро бомбалари билан “жиҳозланган”. Шунингдек, Хитойда 13 минг км гача учиб борадиган ракета тури мавжуд. 1998 йили Ҳиндистон ва Покистонда ядро қуроллари синовдан ўтказилди. Ҳиндистоннинг ядро арсенали ривожланишда давом этмоқда. Покистонга тегишли бўлган 1600–2000 км масофали “Гаури-1” ва “Гаури-2” ракеталари “F-16” қирувчи самолётларига жойлаштирилган.

Маълумотларга қараганда, Исроилда 200 га яқин ядро зарядлари бор. Шунингдек, Жанубий Африка Республикаси ва Шимолий Корея ҳам шундай қуролга эга эканлиги тахмин қилинади. Аргентина ва Бразилия, Жанубий Корея, Жазоир, Ливия, Тайвань, Эрон ва Швеция каби давлатлар эса ядровий мамлакатга “айланиш” вас-васасидан ҳамон воз кечишгани йўқ, уларда урани бойитишга ихтисослашган муассаса ёки атом электростанциялари мавжуд. Агар салоҳият жиҳатдан оладиган бўлса, Германия, Япония, Австралия,

Канада каби давлатлар ҳам эҳтиёж туғилганда ядро қуролини ишлаб чиқаришга қодирдирлар.

Маълумки, ҳозирги кунда Шимолий Корея ва Эрон Ислом Республикасида ишлаб чиқилган ядро дастурлари халқаро ҳамжамиятнинг ҳақли хавотирига сабаб бўляпти. Аввало, АҚШ буни ўз хавфсизлиги учун таҳдид деб ҳисобламоқда. Бунга асосий сабаб шуки, Оқ уй олиб бораётган ташки сийёсат иккала давлатга ҳам маъқул эмас.

“Совуқ уруш” давридаги машҳур иборани эслайлик: “Агар Учинчи жаҳон уруши рўй берадиган бўлса, тўртинчисида одамлар қўлда болта ва найза билан курашишдан бошқа илож тополмайдилар”. Бу – ядро қуrolининг Ер юзидаги жонли ҳаётни супуриб ташлашга қодирлигига очиқ ишора. Хуллас, XXI асда инсоният, биринчи навбатда, ҳал қилиши лозим бўлган хавфсизлик масалалари қаторида ҳамон ядровий хавфсизликни таъминлаш муаммоси ҳам сақланиб қолмоқда.

Ядросиз дунё учун кураш

Икки қарама-қарши кутбдан бири барҳам топди, инсоният энди хавф-хатардан холи яшаймиз, қуролланишга ажратилаётган маблағларни соғлиқни сақлаш, саводсизликни тугатиш, қашшоқликни бартараф этишга сарфлаймиз, дея ниятлар қилганди. Аммо...

Халқаро қузатувчиларнинг эътироф этишларича, жаҳонни аста-секин ўз домига тортиб бораётган глобал молиявий ва иқтисодий инқирозга қарамай, айрим давлатлар мудофаага ажратилиши кўзда тутилган харажатларнинг камаймаслиги ҳақида баёнот беришда давом этмоқдалар. Аммо аҳолиси қашшоқ, ижтимоий аҳволи бирмунча танг мамлакатларнинг ҳам қуролланиш пойгасига зўр бераётгани маҳаллий низолар келиб чиқиш эҳтимолини оширишга хизмат қилмоқда, холос. Мудофаага сарфланаётган харажатлари 550 млрд долларга (2008 йил) яқинлашиб қолган АҚШ ортидан дунёнинг қолган геосийёсий ўйинчилари ҳам мудофаа харажатларини оширишга интилаётганлари ҳеч кимга сир эмас. Стокгольм институти маърузасида қайд этилишича, Пентагонга Осиё-Тинч океани минтақасида муносиб рақиб дея аталаётган Хитой айрим давлатларнинг тинчини бузаётган кўринади. Осмоноти мамлақати норозилигига сабаб бўлган Пентагоннинг “ХХР харбий қудрати” деб номланган маъруза-

засида Пекин ўзининг мудофаа харажатларини яшираётган мазкур мақсадлар учун расмий кўрсаткичлардан анча кўпроқ маблағ сарфланаётгани айтилади. Унда келтирилишича, Хитой гўёки мудофаага 150 млрд долларгача маблағ йўналтирмоқда. Маърузага зудлик билан жавоб қайтарган Хитой Ташқи ишлар вазирлиги вакили Цинь Ган америкаликлар айблови асосизлигига ва хужжат “совуқ уруш” нафасини акс эттириши хусусида Баёнот берди. Аслида, АҚШнинг курулганига тобора зўр бераётгани ва жаҳон уммонларида тўла устунликни қўлга олишга уринишлари, Тайваннинг ички ишларига аралашинишга қарагилган ҳаракатлари халқаро майдондаги йирик ўйинчилардан бирига айланган Пекинни ҳам мудофаа курулларини такомиллаштиришга ундаётгани ҳарбий экспертлар томонидан бежиз эътироф этилмаяпти. Маълумки, Хитойнинг расмий ҳарбий бюджети 2008 йилда 18% га кўпайиб, 30 млрд доллардан ошган бўлишига қарамай, Пентагон Пекин ҳарбий қудрати ошиб бораётганидан ташвишда эканини яширмаяпти. Кунчиқар мамлакат – Япониянинг Иккинчи жаҳон уруши якуналарини қайта кўриб чиқиш нияти ҳам минтақавий етакчилик учун кураш давом этаётганидан далолат беради. 1946 йилда имзоланган сулҳ шартларига кўра, Япония тўлақонли армия сақлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, бунинг ўрнига, 42–44 млрд долларлик бюджетга эга мудофаа қилиш кучларини сақлаб туриш шартига кўнган эди. Аммо 2008 йили Синзо Абэ ҳукумати Мудофаа вазирлигини ташкил этиш қарорини расман эълон қилди. Шимолий Кореянинг ядровий заряд синовини ўтказиши ҳам Осиё-Тинч океани минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликка путур етказяпти.

Таъкидлаш керакки, 2001 йилнинг 11 сентябридаги террорчилик ҳужумларидан кейин Афғонистон ва Ироқдаги жанговар ҳаракатлар АҚШ мудофаа саноати айланмасининг ўсишига сабаб бўлди ва бу икки урушга ҳукумат 600 млрд доллардан ортиқ маблағ сарфлади. Унга минглаб уруш фахрийларини даволаш учун сарфланаётган тиббиёт харажатларини ҳам қўшсак, экспертларнинг ҳисобича, солиқ тўловчилар чўнтаги камида 3 трлн доллар миқдоридagi маблағни йўқотгани аёнлашади. Хуллас, Ироқ уруши ёки сайёрамизнинг бошқа нуқталаридаги можаролар эртанги кундан ташвишга тушган, дунёда ўз эрки ва ўрнини сақлаб қолиш илинжидаги кўплаб мамлакатларни иқтисодий харажатларини қисқартиришга ва маблағларни мудофаага йўналтиришга мажбур этмоқда.

АҚШда Президентликка ўтказилган сайловда демократлар вакили Барак Обама ғалабасидан кейин мамлакатнинг нафақат сиёсий

Йўналиши тахрир қилинади, балки Пентагоннинг истезмол “саватчаси” ҳам қисқаради деган умид туғилганди. Билл Клинтон маъмуриятида Мудофаа вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаган стратегик ва халқаро гадқиқотлар бўйича марказ эксперти Жон Хамри 2004 йилдаёқ Вашингтоннинг “Washington Times” газетасига берган интервьюсида: “Ўйлайманки, ҳарбий харажатлар ўсиши билан боғлиқ чўккига чиқдик. Бюджет тақчиллиги ҳажми ва мудофаа харажатлари шу қадар юксакликка кўтарилдики, энди унинг ошишини бирон-бир сиёсатчи кўтара олмайди”, – деганди. Аммо ана шундай фикрларга қарамай, Пентагон бюджети ўсиш динамикасини сақлаб қолмоқда. Шарқий Европада жойлаштирилиши кутилаётган ва Россиянинг ҳавотирларини ошириб, керакли чораларни кўришга мажбур этаётган Ракета ҳужумидан мудофаа тизимларининг самарасизлиги мутахассислар томонидан эътироф этилаётганлигига қарамай, Пентагон ўз мақсадидан қайтмаяпти. Ҳатто АҚШга иттифоқчи мамлакатларнинг сиёсатлари Европада янги қуролланиш пойғасини авж олдириш лойиҳасига йўл бермаслик кераклигини, Пентагоннинг Россияни ҳар томонлама ўраб олишга қаратилган режаси иккинчи томонни янгидан-янги қирғинбарот қуролларни ишлаб чиқаришга мажбур этибгина қолмай, НАТОдаги иттифоқчиларни ҳам иккига бўлиб юбориши мумкинлигини бежиз эътироф этмаётдилар. Хуллас, Оқ уйга Жорж Буш маъмурияти келган 2001 йилдан бери Пентагоннинг йиллик харажатлари 300 млрд доллардан ошди. Бугунга келиб бу рақамлар бежиз тилга олинаётгани йўқ. Чунки дунё аҳли жаҳонда 34 та қуролли можаро тинчимаётганига гувоҳ бўлиб турибди. Ҳарбий харажатларнинг ўсиб бориши эса бундан буён уларни барқарорлаштиришга эмас, аксинча, оловли нуқталарнинг кўпайишига олиб келади, холос.

Бир сўз билан айтганда, айрим йирик давлатларнинг дунёда жандарм вазифасини ўташ, ўз мафкураси ва ғоясини ўзгаларга мажбуран тиқиштириш, халқаро ҳамжамиятнинг фикрини инобатга олмаслик сиёсати туфайли “совуқ уруш” аллақачон тугаганига қарамай, жаҳон осмони қора қуюнлардан халос бўлмапти.

Маълумотларга қараганда, 1990 йилларда умумдунё микёсида ҳарбий харажатлар 500 млн доллардан сал ошган эди. Орадан 15 йиллик танаффусдан кейин – 2006 йилга келиб у яна 1 трлн долларлик маррадан ўтди. 2008 йил кўрсаткичлари эса 1 300 млрд долларлик чизикдан ошганини кўрсатди. Мудофаа харажатларининг 46% и – АҚШ, 20% и эса унинг НАТОдаги асосий иттифоқчилари ҳиссасига тўғри келиши айтилаётир. Кузатувчиларнинг фикри-

ча, этник низолар уларга қўшни давлатларни ўз суверенитетини химоялаш учун Куролли Кучлар қудратини оширишга мажбур этипти. Бошқа томондан, халқаро кескинликнинг ошиши, демократияни таркатиш бўйича “таянч” нуқталарини ташкил этиш, назорат остидаги режимларни оммавий қуролланишга ундаш, уларнинг ҳарбий қудратини оширишга ёрдам бериш каби ҳолатлар ҳам миллиардлаб маблағларнинг бесамар сарфланишига сабаб бўляпти. Яқин Шарқ, Осиё-Тилч океани минтақасида ўтган ўн йилда ҳарбий харажатлар юқори суръатлар билан ошганлигининг боиси ҳам шунда. Ҳатто айрим кузатувчилар МДҲнинг баъзи мамлакатларида ҳарбий харажатлар деярли 50 фоизга кўпайганини таъкидламоқдалар. Жумладан, Грузиянинг 2008 йилда Жанубий Осетияга амалга оширган қуролли ҳужумидан илгарироқ қуролланишга сарфлаган маблағи деярли 3 баробар ортган. Грузия–Жанубий Осетия уруши яқунланганидан сўнг олиб борилган текширувлар Тбилиси режимига Украина, Туркия ва НАТОга аъзо айрим давлатлар томонидан халқаро қонушлоқларга зид равишда қурол-яроғ етказиб берилганини кўрсатди. Тинчлик муаммоларини ўрганиш Стокгольм институти маълумотларига кўра, қуролланиш бобида пешқадамлик қилаётган Грузия Эдуард Шеварднадзе давридаёқ бу масалага алоҳида эътибор қарата бошлаганди. Худди ўша вақтдан бошлаб Грузиялик генераллар АҚШ мудофаа муассасаси билан ҳамкорликда мамлакат арсеналларини Ғарб намунасидаги қуроллар билан тўлдирдилар. 2004 йилги “атиргул инқилоби”дан кейин эса мамлакатнинг Куролли Кучларига ажратаётган маблағи ўн баробарга ошган. Бу ҳолат, шубҳасиз, солиқларнинг оғир юкидан азият чекаётган оддий халқнинг амалдаги Саакашвили ҳукуматига нисбатан норозилигини янада ошириб юборди. Тоғли Қорабоғ мақомининг хануз ечилмаётгани эса иқтисодий жиҳатдан гуркираб ўсаётган Озарбайжонни ҳам қуролланишга ундаётгани ҳам таъкидланыпти.

Маълумотларга қараганда, дунёдаги ҳарбий харажатлар сайёра-миздаги барча мамлакатлар Ялпи ички маҳсулотининг 2,5 фоизини ташкил этар экан. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 173 доллардан тўғри келяпти, деганидир.

Агар бу маблағнинг 1 фоизи қашшоқ ва саводсиз Африка қитъаси ёки бошқа бир уруш олови сўнмаётган худуд фаровонлигига сарфланганида эди, вазият умуман бошқача тус олган, дунёда маҳаллий ҳамда минтақавий моҳаролар сони камайган бўлар эди. Бироқ йирик давлатлар сиёсатчиларининг онгу шуурига ўрнашиб олган манфа-

ат тушунчаси Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ер юзида рўй берган 100 дан ортиқ катта-кичик урушларда 25 млн дан ортиқ одамнинг қурбон бўлишига сабаб бўлгани, аччиқ бўлса-да, ҳақиқат. Шунча жабру алам, кулфатларга қарамай, одамзод бир аччиқ ҳақиқатга гувоҳ бўлиб яшамокда. Яъни уруш оловини ёқиш, қуролланиш ҳамон кимларнингдир чўнтагини тўлдиришга, муайян гуруҳларнинг манфаатларига хизмат қилаётгани учун ҳам бу хатарли пойга ҳали-бери барҳам топмаслиги аниқ.

Машҳур инглиз дипломатларидан бири, Британия собиқ Ташки ишлар вазири Коллагэн бугунги дунё ҳақида фикр юритиб: “Шу кунларда инсониятга учта нарса катта хавф солиб турибди, булар: ядро қуроллари, маҳаллий низолар ва табиат экологиясининг бузилиши”, – деган эди. Дарҳақиқат, ўта даҳшатли оммавий қиргин қуроли ҳисобланмиш ядро қуролларининг яратилиши 1945 йилдан бошлаб дунёда қуролланиш пойгасини бошлаб берганди. Бугун еттита давлат расман ядро қуролига эга бўлса-да, уни яратиш устида бош қотираётган давлатлар сони ортса ортмоқдаки, камаймаяпти. Ядро қуролларининг яратилиши, умуман, Ер юзидаги ҳаётни хавф остида қолдирганини унинг яратувчилари ҳам идрок этишгани боис, бир қатор олимлар ҳам кейинчалик дунёда бошланган антиядровий ҳаракатларга бошчилик қилганлар. Шу ўринда, Хиросима ва Нагасакига атом бомбаси ташланганидан каттиқ азоб чеккан Альберт Эйнштейн радио орқали сўзлаган нутқида: “Олмонлар атом бомбасини ярата олмасликларини билганимда, умуман бу ишга бош қўшмаган бўлардим”, – деганини эсга олиш ўринлидек туюлади.

Шу нуқтаи назардан олганда, ялли тинчликни сақлаб қолишнинг асосий йўлларида бири – бу ядровий қуролисизланишни тезроқ амалга оширишдир. Бу олижаноб ишга биринчи галда буюк ядровий давлатлар қарвонбошилиқ қилишлари керак. Тўғри, ҳозиргача бу борада муҳим ҳужжатлар, келишувлар имзоланган. Хусусан, 2010 йилнинг декабр ойида АҚШ ва Россия давлатлари ўртасида стратегик қуроллари қисқартириш бўйича “СҚЧ–3” Шартномаси имзоланди. Бу Шартнома АҚШ Сенати ва Россия Давлат Думаси томонидан 2011 йил февралда ратификация қилинди. Бунга кўра, ҳар иккала томон ўз ихтиёридаги ядро қуроллари 1/3 га қисқартиришга келишиб олдилар. Табиийки, ядросиз дунёнинг вужудга келишида ядросиз ҳудудларни яратиш муҳим роль ўйнайди. Шу вақтгача Лотин Америкаси, Африка, Тинч океани минтақаси ҳамда Жануби-Шарқий Осиёда юздан ортиқ мамлакатни қамраб олган ядро қуролидан холи

худудлар мавжуд бўлиб келган. 2009 йилнинг 21 мартдан бошлаб эса расмий равишда “Марказий Осиёни ядро қуролидан холи худудга айлантириш тўғрисида” Шартнома кучга кирди. Маълумки, мазкур ташаббусни илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1993 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурган эди. Кузатувчилар ва шарҳловчилар эътироф этаётганларидек, Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи худудга айланиши глобал ва минтақавий тинчлик ҳамда хавфсизликни сезиларли даражада мустаҳкамлайди.

ХУЛОСА

Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1945–2010 й. й.) муҳим тарихий воқеа ва ҳодисаларга бой бўлди. Германия ва унинг иттифоқчиларининг Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраши сабабли фашизм хавфли куч сифатида мавжуд бўлмади қолди. Натижада социал-реформистик капитализм билан инқилобий социализм (коммунизм) бир-бирига қарши турган асосий кучлар сифатида намоён бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда бу кучлар ўртасидаги ғоявий тўқнашув аниқ шаклга кирди. АҚШ ва ССЖИ бошчилигида бир-бирига қарши турган икки блок пайдо бўлди. “Совуқ уруш” йилларида ғоялар тўқнашуви сифат жиҳатидан янги бўсқичга кўтарилди. Энди куч, ҳарбий қудрат икки қарама-қарши ҳарбий-сиёсий блок ва икки қудратли давлатнинг турмуш тарзи ва дунёқарашини намоён қилишда восита бўлиб хизмат қила бошлади. Сўз энди у ёки бу давлатларнинг ҳудудларида социалистик ёки капиталистик тузумларнинг ўрнатилиши хусусида бормокда эди.

“Совуқ уруш” бир-бирига қарши бўлган сиёсий ва иқтисодий тизимларнинг чидамлилик даражаси ва устун томонларини намоён қилиш учун қурол бўлиб қолди. Ташқи сиёсатнинг ғоявийлаштирилиши оқибатида ўзаро шубҳалар, бир-бирига ишонмаслик ва душманлик кучайди. Бу эса, ўз навбатида, психологик ва мафкуравий тўсиқлар ва пардаларнинг юзага келишига олиб келди. Геополитик жиҳатдан дунё икки кутбли кўринишга келди. “Совуқ уруш” тушунчаси нафақат бир-бирига қарма-қарши томонларнинг рақобати ёки совуқ муносабатларини кўзда тутар эди, балки бу гўёки “муқаддас уруш” ҳам эди. Бу “муқаддас уруш”да энди рақобатлашаётган тизимлардан бири ғалаба қозониши ёки тамоман йўқолиб кетиши керак эди. Охир-оқибатда шундай бўлди ҳам. XX асрнинг 80- йиллари охири ва 90- йиллари бошларида “реал социализм”нинг емирилиши юз берди ва у улкан воқеа сифатида тарихдан жой олди. 1917 йил Россияда бошланган ва дунёни коммунистик қайта қуришга бўлган сўнгги тарихий уриниш ниҳоясига етди.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европада ҳамда Совет Иттифоқида юз берган демократик ислохотлар ва инқилоблар ХХI аср бўсағасида бу ҳудудларда яшовчи халқларнинг ўрни ва тақдирини тубдан

Ўзгартириб юборди. Демократик ўзгаришлар натижасида 40 йилдан ортиқ давом этган “совук уруш” даври тугади. Бир-бирига карама-карши турган икки етакчи давлатлардан бири тарихнинг буюклик майдонидан тушиб қолди. Нафақат Европанинг, балки бутун дунёнинг геосиёсий қиёфаси ўзгариб кетди. XX асрнинг 40- йиллари ўрталарида ташқи зарбалар оқибатида парчаланиб кетган миллатчи тоталитар режимлардан фарқли ўлароқ “реал социализм”нинг қулаши ички ислохот ва инқилоблар натижаси бўлди. Ислохотлар антисоциалистик кучларнинг қонуний кучга эга бўлиши ва кучайишига ёрдам берди, ислохотларнинг кечикиши ёки уларга халақит беришга уриниш эса вайрон қилувчи қон тўкишларга сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий портлашларни келтириб чиқарди. Эңдиликда парчаланган жаҳон социализм системасининг улкан харобалари устида янги мафкуравий сиёсий йўналишлар устунлиги қарор топди. Уларга мос ижтимоий бошқарув тизимлари шаклланди ва унинг таркибида аста-секин ва мунтазам бўлмаса-да, чуқур ўзгаришлар рўй берди. Йўқолиб кетган ёки ўзгарган синфлар ва қатламлар ўрнини янгилари эгаллади, халқлар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг фаолият характери ўзгарди, деярли ярим миллиард кишини ташкил этган омманинг онги ва бутун ҳаёти тубдан ўзгариш сари юз тутди.

Давлатлар ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзгариб, дунё кўп қутбли дунё қиёфасини олди. Шунингдек, ҳозирги дунё мураккаб ва турфа хил дунё тусини олди. Унда турли мамлакатлар ёнма-ён яшайди ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Бугун дунё билан муваффақиятли муносабатларда бўлиш, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд воқеликнинг муаммоларини чуқур билиш ва бу билимдан умумманфаат йўлида фойдаланиш лозим бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов дунё мамлакатлари билан юзма-юз яшаш хусусида гапириб: “Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузиллишини ва характерини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим”².

Ўқув қўлланмада мана шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Европа ва Америка мамла-

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 9- бет.

катлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг асосий йўналишларига, халқаро муносабатлар ривожланишининг муҳим жиҳатларига, уруш ва тинчлик муаммоларига, ташқи сиёсатдаги эъдиқли тугунларнинг муҳим жиҳатларига, жаҳон социализм системаси емирилиб, унинг харобалари ўрнида ташкил топган давлатларда шаклланган янги демократия даврининг хусусиятларига ва ҳозирги даврда тинч-тоғув яшаш, тинчликни сақлаб қолиш халқлар ва давлатлар олдида турган муҳим масала эканлигига эътибор қаратилди. Ўқув қўлланмада ҳал этилмаган бир талай муаммолар борлиги, жумладан, очлик ва қашшоқлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, оғир юкумли касалликлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, турмуш даражасини юксалтириш каби муаммолар ҳам ечимини топиши бугунги кунда давлатлар олдида турган муҳим вазифалар эканлиги қайд қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, энг янги тарихни ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, талабалар эркин иқтисодий жамиятнинг тараққиёти қонунларини тушуниб оладилар. Инқирозлар ва улардан чиқиш йўллари ўрганадилар. Инкилоблар ва уларнинг жамият ҳамда халқ учун келтирган зарарини, миллионлаб кишиларнинг беғуноҳ қурбон бўлганлиги сабабларини англаб етадилар. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда йирик давлатлар ролин, маънавий тубан раҳбарларнинг очкўзликлари ва дунё бойликларини эгаллаш учун ноҳақ қон тўкишларга сабаб бўлаётганликларини тушуниб етадилар. Талабаларда урушга қарши нафрат, тинчликнинг қадрига етиш ва Она Ватанни севиш ҳиссини уйғотади.

Адабиётлар рўйхати

И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

И. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

И. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

И. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

Всемирная история. В 10-ти томах. том – X. – М., 1965.

Всемирная история. В Том – XI. – М., 1977.

Всемирная история. В Том – XII. – М., 1979.

Всемирная история. В Том – XIII. – М., 1983.

История второй мировой войны. – Т.–1–12. – М., 1974–1980.

Вторая мировая война. Краткая история. – М., 1989.

Вторая мировая война.(итоги и уроки). – М., 1985.

1418 дней войны. Из воспоминаний о Великой отечественной войны. – М., 1990.

История дипломатии в 5-ти томах. – М., 1959–1960.

Питер Кальвокоресси. Мировая политика после 1945 года. – Т–1. – М., 2000.

Питер Кальвокоресси. Мировая политика после 1945 года. – Т–2. – М., 2000.

История внешней политики СССР (1945–1976). – М., 1977.

Новейшая история стран Европы и Америки. XX век. Част–2 1945–2000. – М., 2001.

Новейшая история стран Европы и Америки. XX век. Част–3 1945–2000. – М., 2001.

Эйза Бриггс, Патриция Клевин. Европа нового и новейшего времени с 1789 года и до наших дней. – М.–2006.

- Сергеев Е. Ю. Новейшая история. Подробности. – М., 2000.
- З. Р. Нуриддинов. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1939–1971). – Т., 1976.
- З. Р. Нуриддинов, Ҳ. Кичкилов, М. Лафасов. Энг янги тарих (1918–1945). “Насаф”, 2010.
- З. Р. Нуриддинов, Ҳ. Кичкилов. Энг янги тарих (1989–2008). – Т., 2010.
- Ҳ. Кичкилов. МДҲ тарихи: ютуқлар, муаммолар ва зиддиятлар. – Т.: “Yangi nashr”, 2010.
- Ҳ. Кичкилов. Социализмнинг емирилиши ва мустақил давлатлар тараққиёти. – Термиз., 2004.
- Г. Хидоят, Ҳ. Гулямов. Всемирная история. Новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945–1995). – Т., 1999.
- Лафасов М. Жахон тарихи (1918–2007). – Т.: “Турон иқбол”, 2009.
- Н. В. Загладин. Всемирная история XX век. – М., 2006.
- Н. В. Загладин. Истории России и мира в XX веке. – М., 2006.
- Строгонов А. И. Новейшая история Латинской Америки. – М., 1995.
- Документы по Мюнхенского сговора. 1937–1939. – М., 1968.
- История США. (Хрестоматия) – М., 2005 г.
- История США. В 4-х томах. – М., 1980–87 гг.
- Белый дом: президенты и политики. – М., 1979 г.
- История Франция в 3-х томах. – М., 1972–73 гг.
- История Италия. В 3-х томах. – М., 1970–1971 гг.
- Смирнов В. П. Новейшая история Франции. – М., 1979 г.
- Дашничев В. И. Банкротство стратегии Германского фашизма. Том–1. – М., 1973.
- Дашничев В. И. Банкротство стратегии Германского фашизма. – Т–2. – М., 1974.
- Бжезинский З. Большой провал: рождения и смерть коммунизма ва XX в Нью-Йорк. 1989.
- Кривогуз И. М. Крушение “реального социализма” в Европе и судьбы освобившихся народов. – М., 2001.
- Медведев В. А. Распад. Как он произошел в мировой системе социализма. – М., 1994.
- Чешко С. Распад Советского Союза. – М., 2000.
- В. В. Барабанов, И. М. Николаев, Б. Г. Рожев. История России с

древнейших времён до конца XX века. – М., 2003 г.

Центрально-Восточная Европа в второй половине XX века. Т. 2. – М., 2001.

Геллер М. Россия на распутье. (1990–1995). – М., 1996.

Россия и ее соседи. Соотношение национальных интересов внутри СНГ. – М., 1999.

Этнические и региональные конфликты в Евразии. Кн.1. Центральная Азия и Кавказ. – М., 1997

Восточная Европа на историческом переломе. – М., 1991.

Восточная Европа: контуры пост коммунистической модели развития. М.–1999.

Автарханов А. Империя Кремля. – Вильнюс, 1990.

Глубоцкий А. Эстония, Латвия, Литва, Белорус. – М., 1993.

Денчев К. Восточная Европа после социализма: поиск новых парадигм. – Гоброва, 1997.

Богомолов О. Реформы в зеркале международных сравнений. – М., 1998.

Ельцин Б. Н. Президентский марафон. – М., 2000

Зубачевский В.А. История Польши, Венгрии, Чехии, Словакии (конец 80- х – середина 90- х г. г. XX в). – Омск, 1996.

Кривогуз И. М. Истоки кризиса СССР. – М., 1998.

Мосририр. Осень–93. Хроника противостояния. М.–1995.

Сахаров В. А. Четвертая республика: очерки политической истории современной России. – М., 2000.

Этнополитические конфликты в Югославии и страны Юго-Восточной Европы. – М., 1999.

Ярошевский В. С. Хроника “бархатной” революции. – М., 1990.

Узбекистан-Европейский Союз важный шаг на пути к европейской интеграции. – Т., 1996.

“Новая и новейшая история” журналы. – 1988–1993 й. й.

“Вопросы истории” журналы. – 1985–1992 й. й.

“Международная жизнь” журналы. – 1986–1993 й. й.

“Евразия” журналы. – 1999–2005 й. й.

“Азия и Африка сегодня” журналы. – 1999–2005 й. й.

“Жамият ва бошқарув” журналы. – 1996–2010 й. й.

“Правда” газетаси. – 1961–2008 й. й.

“Новое время” Еженедельник. – 1986–2008 й. й.

“Халқ сўзи” газетаси. – 1992–2011 й. й.

“Ўзбекистон овози” газетаси. – 1992–2011 й. й.

“XXI аср” газетаси. – 2004–2011 й. й.

“Жамият” газетаси. – 2006–2011 й. й.

“Ҳамкор” газетаси. – 2008–2011 й. й.

“Сурхон тоғи” газетаси. – 2001–2011 й. й.

МУНДАРИЖА

Кириш..... 3

I БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА ЕВРОПА ВА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1- §. Ғоявий қарама-қаршилик ва уч дунёнинг ташкил топиши .. 5	
XX асрнинг иккинчи ярмида деколонизация (мустамлақачиликка барҳам бериш) жараёнининг ниҳоясига етиши	5
Уч дунёнинг ташкил топиши	7
2- §. Сиёсий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари..... 15	
Социал-демократия – демократик ислохотларнинг ташаббускори. Либерализм ва консерватизм	15
Фаровон ҳукумат: дастлабки қадамлар ва асосий институтларнинг ташкил этилиши.....	17
Ижтимоий қарама-қаршилиқнинг юмшаш сабаблари. Мавжуд муаммолар.....	18
70–80- йилларда неоконсерватив кучларнинг ғалабаси. Сўл ғояларнинг инкирози.....	20
3- §. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишлари..... 23	
Фан-техника тараққиёти ва унинг оқибатлари.....	23
Глобаллашув ва интеллектуал салоҳият	26
Ҳозирги Ғарб жамиятининг ижтимоий тuzилиши. Бутунжаҳон иқтисодий тизими.....	30
4- §. Демографик ва миграцион жараёнлар. Атроф-муҳитни асраб-авайлаш муаммолари	34
Демографик ва миграцион жараёнлар	34
Атроф-муҳитни химоя қилиш муаммоси	39
5- §. XXI аср бўсағасида инсоният тараққиётининг асосий натижалари..... 41	
Тизим дунё эффе́кти (самараси) ва жамиятни бир хиллаштириш (унификация)	41

II БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА АНГЛИЯ

1- §. Буюк Британиянинг маъмурий-худудий бошқарув тизими.....	46
Парламент ва унинг ваколатлари.....	46
Парламент ва ҳукумат.....	50
Сийёсий партиялари.....	51
2- §. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Буюк Британия.....	53
1945 йилги Британия инкилоби.....	53
К. Эттли ҳукуматининг ички сиёсати.....	55
Фултон акс садоси. Буюк Британия ва “совук уруш”нинг бошланиши.....	59
3- §. Буюк Британияда консерваторлар ҳукмронлиги: “бекорга кетган ўн уч йил” ёки “ўзгаришлар шамоли”.....	63
“Янги консерватизм”нинг туғилиши	
1950–1951 йиллардаги сайлов.....	63
“Гигантнинг охириги кунлари”.....	66
А. Иден ҳукумати. Сувайш инкирози.....	71
“Ўзгаришлар шамоли”.....	74
4- §. Буюк Британия 60–70- йилларда. “Технократия эраси”.....	81
Горальд Вильсоннинг технократик инкилоби.....	81
Буюк Британия XX асрнинг 70- йиллари бошида.	
Э. Хитнинг “янги консерватизми”.....	87
Г. Вильсон ва Ж. Коллагэннинг “ижтимоий шартномаси”.....	92
Буюк Британия 60–70- йилларнинг иккинчи ярмидаги халқаро муносабатлар тизимида.....	97
5- §. М. Тэтчернинг неоконсерватизмидан Э. Блэрнинг “янги лейборизми”га.....	102
М. Тэтчер ва Британияда “неоконсерватив инкилоб”.....	102
Ж. Мейжор ва Британия янги консерватизмининг 105 “қайта қурилиши”.....	106
80- йиллар ва 90- йилларнинг бошларида	
Буюк Британиянинг ташқи сиёсати.....	110
Энтони Блэрнинг “янги лейборизми”.....	117

III БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА ФРАНЦИЯ

1- §. Франциянинг маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими.....	125
Парламент.....	125
Президент ва Парламент.....	129
2- §. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Франция. Тўртинчи республика.....	132
Вактинчалиқ режим. Тўртинчи республиканинг конституцион-ҳуқуқий расмийлашуви.....	132
Франциянинг 50- йиллардаги сиёсий ҳаёти. Тўртинчи республиканинг инқирози.....	137
40–50- йилларнинг иккинчи ярмида Франциянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти.....	140
Урушдан кейинги даврдаги халқаро муносабатларда Франциянинг ўрни. Жазоир инқирози ва давлат тепасига генерал Де Голлнинг келиши.....	145
3- §. Голлизм ва Бешинчи республиканинг ташкил топиши.....	150
Голлизмнинг сиёсий қарашлари. Бешинчи республиканинг конституцион-ҳуқуқий тузуми.....	150
Де Голл президентлик қилган даврда Франциянинг ижтимоий тараққиёти.....	154
Де голлчилар Франциясининг ташқи сиёсати.....	156
1968 йилги “Қизил май” ва Де Голлнинг кетиши.....	160
Де Голлсиз голлизм.....	163
4- §. 1974–2010 йилларда Франция.....	164
1974–1981 йилларда Франция. В. Жискард д’Эстен.....	164
1981 йилги Президент сайловлари. “Сўл тажриба”.....	166
1986 ва 1988 йиллардаги сайлов компаниялари. “Яшай олиш”нинг биринчи тажрибаси.....	168
XX асрнинг 80- йилларида Франциянинг ташқи сиёсати.....	169
XX асрнинг 90- йилларида Франциянинг сиёсий ва иқтисодий ривожланиши.....	170
Франция ва халқаро муносабатларнинг ҳозирги тизими.....	174
Франция–Ўзбекистон муносабатлари.....	178

IV БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА ГЕРМАНИЯ

1- §. Германияда маъмурий-худудий бошқарув тизими.....	180
Германия Парламенти.....	180
Парламент ва Президент.....	182
Парламент ва ҳукумат.....	184
Сийёсий партиялар.....	185
2- §. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германиянинг бўлиб юборилиши.....	186
Урушдан кейин Германия масаласи.....	186
Оккупация даври.....	189
1948 йилги Берлин инқирози ва Германиянинг парчаланиши.....	197
3- §. ГФР ва ГДР 50–70- йилларда.....	201
ГФР К. Аденауэрнинг Канцлерлиги даврида.....	203
Олмон “фаравонлик давлати”нинг гуллаб-яшнаши ва инқирози.....	208
“Социал-либераллар даври”.....	209
ГДРда социализм курилиши.....	220
4- §. “Коль даври”: Олмон неоконсерватизми ва Германиянинг бирлашиши.....	224
Г. Коль ва олмон неоконсерватизми.....	224
Шарқий Германияда социализмнинг таназзулга юз тутиши ва Германиянинг бирлашиши.....	228
Бирлашган Германиянинг сийёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти.....	232
Ўзбекистон–ГФР муносабатлари.....	240

V БОБ. 1945–2005 ЙИЛЛАРДА ИТАЛИЯ

1- §. Италиянинг маъмурий-худудий бошқаруви ва республиканинг ўрнатилиши.....	242
2- §. ХДП ҳокимият тепасида.....	248
3- §. XX асрнинг 60–80- йилларида Италиянинг ривожланиши.....	253

4- §. XX асрнинг 80–90- йилларида Италия	263
5- §. XXI аср бошларида Италия	275

VI БОБ. 1945–2010 ЙИЛЛАРДА АҚШ

1- §. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда АҚШ.....	281
АҚШнинг маъмурий-худудий бошқарув тизими.....	281
АҚШда урушдан кейинги аҳвол. “Адолатли йўл”.	
Ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўнг консерватив бурлиш	284
Урушдан кейин ташқи сиёсатдаги ўзгаришлар.....	289
Республикачилар галабаси. Д. Эйзенхауэр сиёсати	292
Ж. Кеннеди. Демократларнинг ҳокимиятга қайтиши.....	294
60- йилларда фуқаролик ҳуқуқлари учун кураш.....	297
2- §. АҚШ 1970–1990 йилларда.....	299
Республикачилар реванши	299
АҚШ 70- йилларнинг иккинчи ярмида.....	301
Р. Рейган маъмурияти.....	302
3- §. XX аср охири–XXI аср бошларида АҚШ.....	305
АҚШ 90- йилларда.....	305
XXI аср бошларида АҚШ	311
4- §. АҚШ ривожланишининг асосий омиллари	318
АҚШ–Ўзбекистон муносабатлари	321

VII БОБ. 1945–1991 ЙИЛЛАРДА СССР

1- §. Урушдан кейинги дастлаб йилларда Совет Иттифоқи.....	327
Урушдан кейинги йилларда иқтисодиётни тиклаш	327
1940 йилларнинг охири–50- йиллар бошларида	
мафкура ва сиёсат	330
2- §. СССР Сталин вафотидан кейин	333
Сиёсий реформалар бошида	333
Н. С. Хрущев сиёсатидаги қарама-қаршиликлар.....	336
3- §. 1950- йиллар охири ва 1960- йиллар	
бошларида СССР	339
1950- йиллар охирида КПСС иқтисодий	
сиёсатининг инқирози	339

60- йилларнинг боши: янги ечимлар изидан	341
4- §. Совет Иттифоқи: ислоҳотлар сиёсатининг барбод бўлиши	343
СССР ва 1960- йиллар иккинчи ярмида халқаро майдондаги инкирозлар	345
1968 йил Чехословакия инкирози ва унинг оқибатлари	347
5- §. “Совук уруш” сиёсатининг инкирози	348
Кескинликнинг юмшаши ва унинг истикболлари	350
Иликлик даврининг инкирози: сабаб ва оқибатлар	352
6- §. Мамлакатда қарама-қаршиликнинг кескинлашуви	354
7- §. СССРда қайта қуриш даври	360
8- §. КПСС яққахукмронлигининг қулаши	366
9- §. Республикаларнинг мустақиллик одимлари	372
10- §. Империянинг бутунлай қулаши	378

VIII БОБ. 1991–2010 ЙИЛЛАРДА РОССИЯ

1- §. Ислоҳотлар бошланишидан то 1993 йил давлат тўнғаришигача	391
2- §. Россияда янги сиёсий тизимнинг шаклланиши ва ислоҳотлар тақдири	398
3- §. XXI аср бошларида Россия Федерацияси	406
4- §. Россия–Ўзбекистон муносабатлари	413

IX БОБ. 1946–1990 ЙИЛЛАРДА ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ

1- §. Қуролланиш пойгаси қандай бошланди?	416
2- § Қуролланиш пойгасининг авж олиши	419
3- §. Олий даражадаги учрашувлар	433
4- §. Қуролланиш пойгасининг иқтисодий оқибатлари	434

**X БОБ. XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ–XXI АСР
БОШЛАРИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР**

1- §. “Совуқ уруш” даврининг бошланиши ва 50–70- йилларнинг биринчи ярмида икки кутбли дунё	440
Нюрнбергдаги суд жараёни	440
“Совуқ уруш” ва дунёнинг қайтадан тақсимланиши	443
Кариб инқироzi	446
“Совуқ уруш” даврида халқаро муносабатларнинг характери	449
Учинчи дунё мамлакатлари – халқаро муносабатлар тизимининг “совуқ уруши” даврида	451
Икки кутбли жаҳон тизимининг заифлашуви	454
2- §. Жаҳон сиёсатида Марказга ингилиш тенденцияларининг кучайиши	456
Интеграцион жараёнлар	456
БМТнинг фаолияти	460
“Совуқ уруш”нинг тугаши	462
3- §. Кўп кутбли дунёнинг кўринишлари	468
“Совуқ уруш” сабоқлари	470
Кўп кутбли жаҳон сиёсий тизимининг бошланғич нуқталари	475
4- §. Халқаро муносабатлар тизими ривожланишининг истиқболлари	479
Россия ва АҚШнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатининг моҳияти	484
Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё	492
Ядро қуроли – аср муаммоси	496
Ядросиз дунё учун кураш	499
Хулоса	505
Адабиётлар рўйхати	508

Мухаррир Ж. Қўнишев
Бадий мухаррир А. Акилов
Техник мухаррир У. Ким
Мусаххих З. Ирисбоева
Сахифаловчи Б. Усмонов

ҲАМЗА КИЧКИЛОВ
МАВЛУДА ФАЙЗУЛЛАЕВА

ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ

(1945–2010 йиллар)

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Лиц № АІ 111. Босишга 17. 09. 2011 йилда рухсат этилди.

Бичими 60 x 84 $\frac{1}{16}$. Ҳажми 32,5 б. т.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 23.

«YANGI NASHR» нашриёти

«MEDIANASHR» МЧЖ босмахонаси
Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1- уй.